

# ЭНГ ЯНГИ ТАРИХ (1939—1988)

ЎРТА МАКТАБНИНГ  
ЎН БИРИНЧИ СИНФИ УЧУН ДАРСЛИК

Профессор  
В. К. Ф У Р А Е В  
тахрири остида

*СССР Халқ таълими давлат комитети  
томонидан тасдиқланган*

ТОШКЕНТ «ЎҚИТУВЧИ» 1990

### Авторлар

С. С. Волк (64-§), Ҳ. Е. Кертман (65—67-§), Г. Р. Левин (6- боб), А. Я. Манусевич (31 (ПР), 33- 34- §), Е. И. Попова (42—45- §, 7- боб), С. М. Стецкевич (25—30, 31 (ВР), 32, 35—38, 46- §), В. К. Фураев (19- §, 3- боб, 39—41, 47, 48- §, 8—9- боблар, 68- §).

### Редколлегия

академик *А. Л. Нарочницкий* (ранс), РСФСРда хизмат кўрсатган мактаб ўқитувчиси *А. П. Аверьянов*, тарих фанлари докторлари *И. С. Галкин*, *Л. Е. Кертман*, *И. М. Кривогуз*, СССР ПФА мухбир аъзоси *В. К. Фураев*, тарих фанлари доктори *С. С. Хромов*.

4306020600—223

Ф 353(04)—90 бл. заказ.—90

353(04)—90

© Издательство «Просвещение», 1989.

ISBN 5—645—01056—6

© «Ўқитувчи» нашриёти, 1990, русчадан таржима.

## ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ

### 19- §. Иккинчи жаҳон уруши арафасидаги халқаро муносабатлар

Иккинчи жаҳон урушининг ўчоқлари қачон ва қаерда пайдо бўлганлигини эсланг. Империалистик давлатларнинг урушга тайёрланишидаги асосий марраларни кўрсатиб ўтинг («Энг янги тарих, 1917—1939» дарслигининг 18- § ига қаранг).

30- йилларда халқаро муносабатларнинг ривожланиши иккинчи жаҳон урушининг бошланишини муқаррар куч билан яқинлаштирмоқда эди. Бу уруш бошланишидан анча олдин ер курра-сининг турли районларида агрессия актлари юз берди. Фашист-милитаристик блок мамлакатлари кулолли йўл билан дунёни қайта тақсимлай бошладилар. СССРнинг жаҳон уруши ёнғинининг олдини олишга қаратилган куч-ғайратларини ғарб давлатлари қўллаб-қувватладилар. Фашист агрессорларни рағбатлантиришга қаратилган инглиз-француз сиёсатининг энг юқори нуқтаси Мюнхендаги тил бириктириш (1938 йил сентябрь) бўлди.

1. Мюнхендаги тил бириктиришнинг оқибатлари. Мюнхендаги тил бириктириш натижасида Марказий Европада вазият тубдан ўзгариб кетди. Гитлерчилар Германияси ўзининг стратегик макенни анча мустаҳкамлаб олди. Чехословакия иктисодий жиҳатдан муҳим бўлган районларидан, шунингдек истехкомлар барпо этилган қулай табиий чегараларидан махрум бўлди. Сунъий равишда ўтказилган янги чегаралар давлат ичидаги алоқаларни кийин қилиб қўйди. Аҳолисининг миллий состави аралаш бўлган территорияларнинг ажратиш олиниши шунга олиб келдики, миллиондан ортик чехлар ва словаклар мажбурий суратда Германия ҳоқимияти остига ўтиб қолди. Англия билан Франция, аслини олганда, Чехословакияни мустақил давлат сифатида батамом йўқ қилиб юбориш учун Гитлерга қулай шароитлар таъминлаб беришди.

Германия Версаль шартномасининг ҳарбий моддаларини қайта кўриб чиқишидан бошланган Британия ва Франция позицияларининг кучсизланиши Мюнхен оқибатида энг юқори даражага етди. Мюнхендаги тил бириктириш уруш йўлига ғов солишга мутлақо қодир эмаслигини кўрсатган Миллатлар Иттифоқининг ҳалокатини ҳам англатар эди.

Мюнхендаги тил бириктириш очикдан-очик Совет Иттифоқига қарши қаратилган эди. Гитлер билан Чемберлен ўзаро ҳужум қилишмаслик тўғрисида Англия-Германия декларациясини имзоладилар. Бу декларация Германиянинг Шарқий Европа мамлакатлари, энг аввало СССРга нисбатан эркин ҳаракат қилишига имкон берди. 1938 йил декабрида худди шундай декларация Фран-

ция билан Германия ўртасида ҳам имзоланди. Франция ўз хатти-ҳаракатлари туфайли, аслини олганда, Совет Иттифоқи билан ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартномани йўққа чиқарди.

Англия ва Франциянинг раҳбар арбоблари Мюнхен нацистларнинг Шарқдаги босқинчиликларига йўл очиб берганлигини яширмас эдилар. Бироқ воқеалар Германияни яқин орада СССР билан уруштириб қўйиш йўлидаги умидлар асоссиз эканлигини кўрсатди. Гитлерчилар ўз зарбаларини биринчи навбатда бирмунча кучсизроқ бўлган душманларига қарши қаратишга қарор қилдилар.

**2. Фашистлар агрессиясининг янги актлари. Европада уруш хавфининг ўсиши.** «Аралашмаслик» сиёсатидан агрессорларга тўғридан-тўғри мадад беришга ўтиш гитлерчилар Германиясининг янги босқинчиликларини енгиллаштирди. 1939 йил мартда Испания республикаси қулади ва Чехословакия мустақил давлат сифатида узил-кесил йўқ қилинди. Нацистлар мамлакатнинг қолган қисмини парчалаб ташладилар. Фашистлар кўғирчоқ ҳукумати тузилган Словакия ўзини «мустақил» давлат деб эълон қилди, Чехиянинг областлари — Богемия ва Моравияни гитлерчилар протекторат деб эълон қилдилар ва «рейх» составига қўшиб олдилар.

Тез орада нацистлар Литвани Балтика денгизидagi муҳим порт бўлган **Клайпедани** (Мемелни) ўзларига топширишга мажбур қилдилар. Германия **Гданьск** (Данциг)ни ўзига топширишни Польшадан талаб қилди. Польша ҳукумати бу даъвони рад этганлигидан фойдаланиб гитлерчилар Польшани босиб олишга тайёргарликни авж олдириб юбордилар. 1939 йил 3 апрелда Гитлер Польшага ҳужум қилишни кўзда тутган «Вайс» («Оқ план») планини тасдиқлади. Ҳужум санаси — 1 сентябрь ҳам белгилаб қўйилди. Италия фашистлари апрель ойида **Албанияга** бостириб кирдилар ва уни оккупация қилдилар.

Европадаги янги босқинчиликлар ғарб давлатларини аввалги Мюнхен сиёсатини амалга ошириш тактикасини ўзгартиришга мажбур қилди. Улар Гитлер билан олиб борилган савдода маълум ютуққа эга бўлиш мақсадида ўзларининг ҳарбий-сиёсий мавқеларини мустаҳкамлаш учун баъзи чораларни кўрдилар. Парламентлар йирик ҳарбий маблағларни тасдиқлади. Англияда умумий ҳарбий мажбурият жорий этилди. Буюк Британия билан Франция давлатлардан бири учинчи давлатнинг ҳужумига учраган тақдирда бир-бирларига ёрдам кўрсатиш ҳақида келишиб олдилар. Европадаги майда мамлакатлар, шу жумладан Польша ҳам инглиз-француз кафолатини олдилар. Бу мамлакатлар ҳужумга учраганлари тақдирда уларга ёрдам кўрсатиш ваъда қилинди. Ҳақиқатда эса Лондон билан Париж агрессия хавфи остида қолган давлатларни химоя қилишни эмас, балки ўзларининг гитлерчиларга кўмаклашиш сиёсатларини Европада хавфсизликни таъминлаш борасида номигагина сарфлаётган куч-ғайратлари билан ниқоблашни ўйладилар.

**3. Инглиз-француз-совет музокаралари.** 1939 йил мартада Англия билан Франция ўзларининг тактикавий найранглари давом эттириб, Германия ҳужумига учраган қурбонларга СССР кўрсатиши мумкин бўлган ёрдам хусусида Совет ҳукумати билан дипломатия ёзишмаларига киришдилар. СССР агрессияга коллектив бўлиб зарба беришни ташкил этиш учун ҳар қандай имкониятдан фойдаланишга ҳаракат қилиб, ахдлашаётган давлатлардан ҳар қайсисига ҳужум қилинган тақдирда ўзаро ёрдам кўрсатиш ҳамда СССР билан чегарадош бўлган, фашистлар агрессияси хавф солиб турган Шарқий Европа давлатларига (шунингдек, Балтика бўйи мамлакатларига ҳам) ёрдам бериш, жумладан ҳарбий ёрдам бериш ҳақида уч ёқлама пакт тузишни таклиф қилди. Бирок совет таклифи рад этилди. Ана шу пакт билан бир вақтда бир-бирларига ва Европадаги бошқа давлатларга кўрсатиладиган ҳарбий ёрдамнинг миқдори ва шакллари белгилаб берадиган конвенцияни имзолаш гоёсини ҳам ғарб давлатлари қўллаб-қувватламадилар. Айни пайтда ғарб давлатлари советларга қарши агрессия қилинган тақдирда СССРга ишончли инглиз-француз хавфсизлик кафолатларини бермасдан уни бирёқлама мажбуриятлар билан боғлаб қўйишни истар эдилар.

Германия ўзининг агрессив йўлига амал қилиб, Англия билан тузилган денгиз шартномасини ва Польша билан тузилган ҳужум қилмаслик тўғрисидаги пактни бекор қилди. 1939 йил майда Гитлер билан Муссолини ҳарбий-сиёсий иттифок тўғрисида «Пўлат пакт»ни имзоладилар. Бу пакт Англия билан Францияда жиддий ташвиш туғдирди. Бу мамлакатларнинг жамоатчилиги Совет Иттифоқи билан ўзаро ёрдам тўғрисида шартнома тузишни каттик талаб қилмоқда эди.

Чемберлен ва Даладьё ҳукуматлари халқ оммасининг тазйиқи остида июнь ойида Москвада бевосита музокаралар бошлашга мажбур бўлдилар. Бирок шунда ҳам Англия билан Франция СССР билан ўзаро ёрдам тўғрисида тенг ҳуқуқли ва самарали шартномани тезроқ тузишга интилмадилар. Совет Иттифоқи билан ҳақиқий ҳамкорликни йўлга қўйиш Британия ва Франция сиёсатчиларининг мўлжаллида йўқ эди. Москвадаги музокаралар билан бир вақтда инглиз ҳукумати Германия билан сиёсий ва иқтисодий масалалар юзасидан махфий музокараларга киришди, шу билан бирга Лондон Берлин билан муносабатларни яхшилаш мақсадида гитлерчиларга катта ён беришларга тайёр эканлигини шама қилди. Германиянинг юқори доираларида урушни биринчи навбатда Польшага ва Ғарбий Европа мамлакатларига қарши бошлаш ҳақида қарор қабул қилиб бўлинган ва бу урушга жадал тайёргарлик олиб борилмоқда эди. Бирок гитлерчилар Англия билан музокаралар олиб борган вақтларида унинг сиёсатчилари онгида тез орада шартнома тузилади, деган хом хаёлни мустаҳкамладилар ва шу тариқа инглизларни ҳамда уларнинг француз иттифокчиларини СССР билан музокараларни барбод қилишга ундадилар.

АҚШнинг реакцион доиралари Англия билан Франциянинг Мюнхен сиёсатини рағбатлантирар эканлар, энг аввало Германия билан Совет Иттифоқининг тўқнашишига умид қилар, бу олишувда СССР мағлубиятга учрайди, Германия эса кучсизланади деб умид қилар эдилар. АҚШдагилар ўзларининг асосий рақобатчилари бўлган Буюк Британия билан Франциянинг ҳарбий курашда кучсизланиши мумкинлигини ҳам ўйлар эдилар. Англия билан Франциянинг Москвадаги музокараларни чўзиш ва барбод қилиш сиёсати Вашингтонда тушуниш билан қарши олинди ва маъқулланди.

Уруш хавфининг кучайиб бораётганлиги кечиктирмай чоралар кўришни талаб қилмоқда эди. СССР Европадаги агрессияга қарши учлар мудрофаа иттифоқини тузишга ҳаракат қилиб, 1939 йил июлида Англия билан Франция олдига ҳарбий масалалар юзасидан музокаралар бошлаш масаласини кўйди. Лондон билан Париж бунга рози эканликларини билдирдилар, лекин тез ҳаракат қилмадилар. Уларнинг иккинчи даражали ҳарбий бошлиқлардан иборат бўлган миссиялари секин юрадиган денгиз кемасида йўлга чиқди ва Москвага 11 августдагина етиб келди. Делегацияларга музокараларни чўзиш ҳақида йўл-йўриқ берилган эди. Инглиз миссияси ҳарбий конвенция тузиш у ёқда турсин, балки умуман музокаралар олиб бориш учун ҳам ваколатларга эга эмас эди. Буларнинг барчаси Англия ва Франция СССР билан ҳарбий ҳамкорликка эришишни истамаётганлигидан далолат берар эди.

Совет ҳарбий миссияси Европада агрессияни қайтариш юзасидан биргаликда қилинадиган операцияларга доир ўз плани лойиҳасини муҳокамага кўйди. Лекин Англия билан Франция совет лойиҳасига жавоб бермадилар ва музокараларни боши берк кўчага киритиб кўйдилар. Антисоветизм позицияларида турган Польша билан Руминиянинг реакцион ҳукмдорлари музокараларни барбод қилишда катта роль ўйнадилар. Улар СССРнинг ҳарбий ёрдам кўрсатиши ҳақидаги таклифни рад этдилар ва низо чиққан тақдирда совет кўшинларини ўз территориялари орқали ўтказишдан бош тортдилар.

Халқаро муносабатлар 1939 йил ёзида кучайиб бораётган сиёсий танглик ҳолатига тушиб қолди. Унинг моҳияти шундан иборат эдики, ғарб давлатлари уруш чиқишининг олдини сиёсий воситалар билан олиш учун мавжуд имкониятлардан фойдаланмадилар. Агар 1939 йил августида совет-англия-франция ҳарбий иттифоқи тузилганида эди, у Германиянинг Польшага ҳужумини ва Европадаги урушни тўхтатишга қурби етадиган реал тўсиқ бўлиши мумкин эди. Лекин бундай ҳол юз бермади. Ғарб сиёсатчиларида Советлар мамлакатига синфий нафрат устунлик қилди. Улар қабул қилган қарорларга Сталин 30- йиллар охирида авж олдириб юборган оммавий репрессиялар, айниқса ҳарбий бошлиқларнинг юқори бўғинига қарши террор натижасида СССРнинг кучсизланиб қолганлиги ҳам таъсир кўрсатди.

Иккинчи жаҳон уруши арафасида дунёдаги вазият биринчи жаҳон уруши бошланган вақтдаги шароитлардан анча фарқ қилар эди. Воқеаларнинг ривожланишига СССР коллектив хавфсизлик системасини яратиш йўли билан урушнинг олдини олиш учун олиб борган изчил кураш таъсир кўрсатди. Бироқ Буюк Британия, Франция ва АҚШ ўзларининг «аралашмаслик» сиёсатлари ёки унинг бошқа бир тури бўлган «бетарафлик» сиёсатлари билан агрессияни рағбатлантирдилар. Улар фашист-милитаристик давлатлар билан ўз зиддиятларини бошқа мамлакатлар ҳисобига, айниқса Совет Иттифоқи ҳисобига ҳал қилишга интилдилар.

**4. Хужум қилмаслик тўғрисидаги Совет-Германия пакти.** 1939 йил августида СССРнинг халқаро аҳволи мураккаблашди. Германия ва унинг иттифокчилари ҳарбий потенциални тез ошириб бордилар. Гитлер Польшага хужум қилишга тайёрланмоқда эди. Европада уруш бошланишига санокли кунлар қолган эди. 1938 йил ёзидан бошлаб СССРга қарши ҳарбий ифвогарликлар қилиб келаётган Япония Халхин-Гол дарёси районида Советларга қарши йирик авантюра ташкил этди.

Душман капиталистик куршовида қолган ва иттифокчилари бўлмаган СССР батамом яккаланиб қолди. Мамлакатнинг икки фронтда — Ғарбда ва Шарқда урушга тортилишидан иборат хавfli истиқбол пайдо бўлди. Вужудга келган ана шу вазиятда Совет Иттифоқи Германиядан хужум қилмаслик тўғрисида 10 йил муддатга пакт имзолаш ҳақида таклиф олди. Совет-герман муносабатларини яхшилаш тўғрисидаги таклифлар Берлиндан илгари ҳам келиб турар эди, лекин СССР ҳукумати Англия ва Франция билан музокаралар ижобий тугашига умид боғлар ва вазминлик сақлар эди. Ўзгариб кетган шароитлар совет раҳбарларини мажбуран Германия таклифини қабул қилишга ундади. **1939 йил 23 августда хужум қилмаслик тўғрисидаги шартнома имзоланди.** Бу шартнома хужум қилмаслик ва бетарафлик тўғрисидаги 1926 йилги совет-герман шартномасининг асосий қоидаларига таъна эди.

Германия билан пактни имзолашни СССР мустақиллигини сақлаб қолиш ва Ер юзида социализмнинг бундан буён яшаши масаласи жуда кескин бўлиб қолган шафқатсиз реал воқелик тақозо этган эди.

#### **Савол ва топшириқлар.**

1. Мюнхендаги тил бириктиришнинг оқибатларига баҳо беринг. 2. Мюнхендан кейин Буюк Британия ва Франция ҳукуматларининг маневр қилиш тактикаси қандай ўзгарди? Бу ўзгаришларни нима келтириб чиқарган эди? 3. Британия ва Франция ҳукуматлари 1939 йилда Совет Иттифоқи билан музокараларни барбод қилганларида қандай мақсадни кўзлаган эдилар? 4. Хужум қилмаслик тўғрисидаги совет-герман пактининг аҳамиятини таърифлаб беринг. 5. Нима сабабдан тинчликсевар кучлар иккинчи жаҳон урушининг олдини олишга муваффақ бўлмадилар?

*Иккинчи жаҳон уруши (1939—1945 йиллар)***20- §. Иккинчи жаҳон урушининг бошланиши**

**1. Иккинчи жаҳон урушининг сабаблари ва характери.** *Иккинчи жаҳон урушини империализм келтириб чиқарган эди.* Биринчи жаҳон уруши натижасида юз берган дунёни қайтадан тақсимлаш ғолиблар лагерига мансуб бўлган бир қисм давлатларнинг манфаатларигагина жавоб берар эди. Унда янги жаҳон тўқнашувининг ва дунёни янгидан қайта тақсимлашнинг куртаги мавжуд эди.

Фашист-милитаристик блок мамлакатлари — Германия, Италия, Япония — ўзларини насибасиз қолдирилган деб ҳисоблар ва бошқа давлатлар ҳисобига «яшаш учун майдон» талаб қилар эдилар. Агрессорлар Европа, Осиё, Африка халқларини кул қилиш ва ҳатто улардан баъзиларини жисмонан кириб ташлаш планларини ўйлаб юрар эдилар. Германия ва Япония империалистлари Совет Иттифоқини йўқ қилиб ташлашни, унинг территориясини ўзаро бўлиб олишни, совет кишиларини эса кулга айлантиришни хоҳлар эдилар.

Иккинчи жаҳон урушини жаҳон реакциясининг асосий зарбдор кучи бўлган гитлерчилар Германияси бошчилигидаги фашист-милитаристик блок давлатлари тайёрладилар ва бошлаб юбордилар. Агрессорларнинг планлари Буюк Британия, Франция ва АҚШ манфаатларига қарши қаратилган эди, лекин ғарб давлатларининг ҳукмрон доиралари Германия билан Японияни СССРга хужум қилишга ундаш йўли билан, империалистик зиддиятларни ҳал қилишга умид боғлар эдилар. Бунда улар томонларнинг бири-бирини заифлаштиришига ҳам, шунингдек ўз позицияларининг сақланиб қолиши ва мустаҳкамланишига ҳам ишонар эдилар.

Агрессорларнинг жаҳонга ҳукмрон бўлиб олиш сари тутган йўлида Совет Иттифоқи тўсиқ эди. Социализм билан капитализм ўртасидаги зиддият жаҳон тараккиётининг асосий зиддияти бўлиб қолмоқда эди. Бирок капиталистик дунёдаги нифоқлар ва келишмовчиликлар анча чуқур эди. Бунинг устига Буюк Британия, Франция ва АҚШнинг халқ оммаси ўз мамлакатларининг ҳукуматларига тазйиқ ўтказиб, улардан фашизмга қатъий зарба беришни талаб қилмоқда эди. Совет дипломатияси империалистик давлатлар ўртасидаги зиддиятлардан усталик билан фойдаланиб, СССРга қарши тил бириктирилишига ҳалакит берди.

Гитлерчилар Ғарбда ғалаба қозониб Шарқда ғалаба қозонишга қараганда ўзлари учун анча енгил бўлади, деган хулосага келдилар. Улар ўзларининг орқа томонларини мустаҳкамлашга, кейинчалик Совет Иттифоқига қарши ташлаш учун Европанинг барча одам, моддий ва ҳарбий ресурсларини сафарбар этишга



интилдилар. Гитлерчилар Германияси ва унинг иттифоқчилари томонидан уруш империалистик, босқинчилик уруши, бошдан оёк адолатсиз уруш эди.

Германия ва Италия фашизми, Япония милитаризмига қарши кураш халқларнинг туб манфаатларига жавоб бериб, адолатли ва озодлик характерига эдики, буни Эфиопия (Хабаристон)нинг миллий суверенитетини, республикачилар Испаниясини, Хитойни ҳимоя қилиб олиб борилган урушлар яққол кўрсатиб турар эди. Босқинчилар қурбони бўлган халқлар учун манфур босқинчиларга қарши кураш аввал бошданок озодлик, антифашист характерини касб этди.

**2. Гитлерчилар Германиясининг Польшага ҳужуми. Ғарбий Европадаги «ғалати» уруш.** Иккинчи жаҳон уруши 1939 йил 1 сентябрда немис-фашист қўшинларининг Польшага бостириб кириши билан бошланди. Гитлерчилар поляк мустақил давлатини йўқ қилишни ва унинг территорияси ҳамда ресурсларидан СССРга ҳужум қилишга тайёрланиш учун фойдаланишни ўз олдларига мақсад қилиб қўйдилар. Польшага ёрдам беришни ваъда қилган Буюк Британия ва Франция 3 сентябрда Германияга уруш эълон қилдилар. Бунга жавобан Гитлер «Бу ҳали улар дарров уруша қоладилар деган гап эмас» деди. Ҳақиқатан ҳам ғарб давлатлари илгари Чехословакияга қандай хиёнат қилган бўлсалар, бу гал Польшага ҳам шундай хиёнат қилдилар. Иттифоқчилар Германия чегараларида куч жиҳатидан катта устунликка эга бўлишларига қарамай, ҳаракатсиз туравердилар. Ғарбий Европа давлатларининг пойтахтларида Германия Польшани тор-мор қилгач, СССРга юриш бошлайди деб кутмоқда эдилар.

Поляк халқи адолатли, муҳофаа урушини авж олдириб, агрессорларга қуролли зарба берди. Бирок Польша учун оғир кунларда фашизмга қаршилик кўрсатиш йўлига ўтган буржуа ҳукумати тез орада чет элга қочиб кетди. Кўпгина ҳарбий қисмлар, шунингдек Варшава ва бошқа шаҳарларнинг аҳолиси ҳам душман билан қаҳрамонларча курашди. Ишчилар Польша тупроғи ҳимоячиларининг олдинги сафларида турдилар. Коммунистлар реакцион ҳукумат ташлаган қамқоқоналардан чиқа солиб, қўлларига қурол олар ва босқинчиларга қарши жанг қилардилар. Бирок куч жиҳатдан устунлик гитлерчилар томонида эди. Пароканда бўлган поляк армиясининг қаршичилигини батамом бостириш ва Польшани оккупация қилиш учун фашист галаларига бир ойга яқин вақт керак бўлди.

Гитлерчиларнинг шарққа силжиб бориши 1921 йилги Рига сулҳ шартномасига кўра Польшага ўтган Ғарбий Украина ва Ғарбий Беларуссия аҳолиси учун қулликни англатар эди. Совет Иттифоқи ғарбий украинлар ва ғарбий белоруссларнинг ҳаёти ва мол-мулкни ўз ҳимоясига олди. Улар Қизил Армияни қувонч билан кутиб олдилар ҳамда ўз ерларининг Украина ва Беларуссия Совет республикалари билан қайта қўшилишини яқдиллик билан ёқлаб чиқдилар (СССР тарихи дарслиги, 3- параграфга қаранг).

Европада уруш бошлангач, АҚШ ўзининг бетарафлигини эълон қилди. Раҳбар сиёсий доираларда ва бизнесменлар орасида уруш мамлакат экономикасини кризисдан олиб чиқади, урушаётган давлатларнинг ҳарбий буюртмалари эса саноатчилар ва банк эгаларига жуда катта фойда беради, деган фикр устунлик қилар эди.

Польша тор-мор қилинганидан кейин Буюк Британия билан Франция фашистлар агрессиясини СССРга қарши қаратиш учун ҳали ҳам Гитлер билан тил топишга умид қилар эдилар. Улар ана шу мақсадларда Совет-Финляндия ҳарбий можаросидан фойдаланишни мўлжалладилар. Бирок фин қўшинларининг мағлубияти ва 1940 йил мартада СССР билан Финляндия ўртасида сулҳ шартномасининг тузилиши жаҳон империализмининг Совет Иттифоқига қарши «катта уруш» ташкил этиш планларини барбод қилди (СССР тарихи дарслиги, 2- параграфга қаранг).

Уруш бошланганидан кейин етти ой мобайнида Ғарбий фронтда ҳеч қандай ҳарбий ҳаракатлар олиб борилмади. Урушга киноя билан «жойидан қимирламайдиган» «ғалати» уруш деган ном берилди. Британия ва француз ресурслари ўша вақтда узоқ уруш олиб боришга тайёр бўлмаган Германиянинг ҳарбий-иқтисодий потенциалидан устун эди. Лекин Лондон ва Париждаги ҳукуматлар Гитлерга Шарқда бемалол ҳаракат қила беришинг мумкин, деган маънода ишора қилдилар.

Француз ҳукмрон доиралари Германия билан урушиш ўрнига мамлакатнинг прогрессив кучларига қарши юриш бошладилар. Компартиянинг фаолияти тақиқланди, у яширин ишлашга ўтишга мажбур бўлди.

Бу вақтда Германия иттифокчиларнинг ҳаракатсизлигидан фойдаланиб, Ғарбий фронтда ҳужум бошлашга зўр бериб тайёрланди.

**3. Фашистлар Германиясининг Ғарбдаги ҳужуми. Франциянинг таслим бўлиши.** 1940 йил апрелида гитлерчилар қўққисдан Дания ва Норвегияга бостириб кирдилар ва уни тезгина оккупация қилдилар. Босқинчилар Дания армияси томонидан ҳеч қандай қаршиликка дуч келмадилар, чунки король ва ҳукумат қўшинларга қуролни топширишни буюрган эди. Норвегия ватанпарварлари немис-фашист босқинчиларига зарба бердилар, бироқ июнь ойининг бошларида Норвегия армиясининг қаршилиги синдирилди. Бунга кўп жиҳатдан маҳаллий фашистлардан иборат «бешинчи колонна» ёрдам берди.

Гитлерчилар агрессиясининг Ғарбга қараб шиддат билан ҳаракат қилиши Мюнхен сиёсати батамом ҳалокатга учраганлигини англатар эди. Халқ ғазаби инглиз мюнхенчиларининг бошлиғи Н. Чемберленни истеъфога чиқишга мажбур қилди. Янги ҳукуматга Германияни «тинчлантириш» нинг душмани бўлган, Англия устида қандай хавф пайдо бўлганини тушунадиган Уинстон Черчилль бошчилик қилди.

У. Черчилль (1874—1965) Мальборо герцогларининг аристократ уруғидан чиккан. Мустамлака урушларининг катнашчиси. Икки марта сиссий партияни ўзгартириб, консерваторлардан либералларга ва либераллардан қайтиб консерваторларга ўтган. В. И. Ленин «Совет Россиясини ўлғудай ёмон кўрадиган одам» деб атаган Черчилль халқларнинг социал ва миллий озодлигига каттик душман бўлиб, капитализмнинг ашаддий химоячиси эди. Бирок фашист агрессорлар тугдираётган хавфни англаш Черчиллни Британия империясини мудофаа қилишни ва гитлерчилар сикувига инглизлар қаршилигини ташкил этишга бошчилик қилишга ундади.

Май ойида немис-фашист кўшинлари **Нидерландия, Бельгия ва Люксембургни** босиб олдилар. Французлар Германия билан чегара бўйлаб қурган «Мажино мудофаа чизиги»ни Шимолдан айланиб ўтиб, гитлерчилар фронтини ёриб ташладилар ва соҳил томон шиддат билан интилдилар. Ҳаммаси бўлиб қарийб 340 минг кишини ташкил этган инглиз кўшинлари ва француз кўшинларининг бир қисми **Дюнкерк** яқинида денгизга сиқиб қўйилди. Кўшинлар ҳарбий техникани ташлаб, Британия ороллариغا эвакуация қилиндилар, Дюнкеркдаги «мўъжиза» шу билан изоҳланар эдики, Гитлер Британия ҳукумати билан битим тузиш ва унинг мададида СССРга ҳужум қилишга умид боғлаб ўз генералларига инглизларни тор-мор қилишни тақиклаб қўйди. Худди ана шу вақтда Германиянинг юқори доираларида навбатдаги зарбани (Ғарбий Европадаги уруш ҳаракатлари тугаганидан кейин) Совет Иттифоқига қарши қаратиш ҳақидаги қарорнинг асослари пайдо бўлган эди.

5 июнда гитлерчи кўшинлар жанубга ҳужум бошлаб, Парижга таҳдид солдилар. Бир неча кундан кейин Италия Англия ва Францияга қарши урушга кирди. Француз халқи ва армиясининг душман билан жанг қилишга аزمи қатъий эди. Коммунистлар лашкар ташкил этишни ва озодлик ҳамда миллий мустақиллик учун халқ урушини бошлаб юборишни талаб қилдилар. *Бироқ саноатчилар ва банкирлар ҳукумати Франциянинг миллий манфаатлирига хиёнат қилди.* У босқинчиларга қарши курашмоқ учун меҳнаткашларни қуроллантиришдан кўрқар эди, фашистларга ҳар қандай қаршилик кўрсатишдан воз кечишни афзал кўрди ва пойтахтдан қочиб кетди. «Очик шаҳар» деб эълон қилинган Париж гитлерчиларга жангсиз топширилди. Ҳукмрон доираларнинг мағлубиятчилик йўли армияни тушкунликка солди.

Янги ҳукуматга француз фашистларининг лидерларидан бири маршал **Петэн** бошлик бўлиб олди. **1940 йил 22 июнда Компьен ўрмонида** Франциянинг таслим бўлганлигини англатувчи яраш аҳди имзоланди. Гитлерчилар Францияни камситиш учун унинг вакиллари аша шу шармандала хужжатни 1918 йилда маршал **Фош** яраш шартларини Германия делегациясига айтиб туриб ёздирган вагоннинг ўзида имзолашга мажбур қилдилар. Франциянинг кўпчилик қисми оккупация қилинди. Мамлакатнинг оккупация қилинмаган жанубий қисмида **Петэн** кўғирчоқ ҳукуматининг ҳарбий-фашист режими қарор топди. Бу ҳукумат курорт шаҳарча **Вишида** жойлашди.

Буржуазия ва олий мартабали офицерларнинг айрим вакилларигина таслимчиларга қарши чиқдилар. Улар орасида генерал Шарль де Голль (1890–1970) бор эди. Унинг Лондондан туриб мамлакатдан ташқаридаги француз ҳарбий хизматчиларига қилган мурожаатига жавобан кўпгина ватанпарварлар ватанларининг миллий мустақиллиги учун курашмоқ мақсадида «Озод Франция» ҳаракатига бирлашдилар.

Гитлерчиларнинг Ғарбий Европани босиб олиши АҚШни ташивишга солиб қўйди. Америка ҳукумати катта ҳарбий қурилиш программасини амалга оширишга ва қуроли кучларни кўпайтиришга киришди. Атом қуролини яратиш устида каттик сир тутилган ишлар бошлаб юборилди. 1939 йил кузидаёқ «бетарафлик» тўғрисидаги қонун ўзгартирилди ва урушаётган давлатлар нақд пул тўлаш ва ўз кемаларида олиб чиқиб кетиш шарти билан АҚШдан қурол-яроғлар ва ҳарбий материаллар сотиб олиш имконига эга бўлдилар. АҚШ урушда қатнашмасдан, Буюк Британияга тобора кўп ҳарбий-иқтисодий ёрдам кўрсатмоқда эди. 1941 йил мартда конгресс *ленд-лизи* тўғрисидаги, яъни агрессияга қарши мудофааси АҚШ учун ҳаётий муҳим аҳамиятга эга бўлган мамлакатларга қурооллар ва ҳарбий материалларни қарзга ёки ижарага бериш тўғрисидаги қонунни қабул қилди. Бу эса Америка Қўшма Штатлари ўз хавфсизлигини энг аввало Америка қуроолларини ва ҳарбий материалларини олиб турган урушаётган мамлакатлар кучи билан таъминлашни нотаганлигини англатар эди.

**4. Африкадаги ва Ўрта денгиз хавзасидаги уруш.** 1940 йил сентябрида Италия қўшинлари Шимолий Африкада ҳужум бошладилар. Улар Мисрни босиб олиш ва Сувайш канали устидан назорат ўрниатиш мақсадида Шарққа қараб силжиб бордилар. Италия армияси Шарқий Африкада ҳам оккупация зонасини кенгайтирди. Бироқ инглиз қўшинларининг ҳужуми натижасида Италия ўзининг Шарқий Африкадаги ҳамма мулкларидан маҳрум бўлди.

Инглизлар мадад кучи олгач, босқинчиларни Мисрдан қувиб чиқардилар, сўнгра эса Киренаикани улардан тозаладилар. Ана шунда Италия армиясига немис қўшинлари ёрдамга келди. 1941 йил баҳорда оккупациячилар Ливияда ҳужум бошладилар, Бенгозини эгалладилар ва Тобрукни қуршаб олдилар. Бироқ уларнинг Миср территориясига силжиб бориши тўхтатилди. Гитлерчилар Африка китъасида ҳужум операциялари учун резервларга эга эмас эдилар, чунки ўз кучларини Совет Иттифоқига қарши урушга тўпламоқда эдилар.

**5. Гитлерчилар Германиясининг СССРга қарши урушга тайёрланиши. Болқонда фашистлар агрессияси.** Франция тор-мор қилинганидан кейин фашистлар Германиясининг бутун сиёсати СССРга ҳужумни тайёрлашга бўйсундирилган эди. «Фюрер» буйруғи билан Германия бош штаби махфий «Барбаросса» планини

ишлаб чиқди, бу план Гитлер томонидан 1940 йил декабрида тасдиқланди. У «яшин тезлигида уруш олиб боришни» ва Совет Иттифоқини бир ярим — икки ой ичида тор-мор қилишни кўзда тулар эди.

Фашистлар СССРга қарши агрессия тайёрлаётганликларини ниқоблаш учун инглиз шаҳарларини хаводан туриб ваҳшийларча бомбардимон қила бошладилар. Герман олий қўмондонлиги Британия оролларига бостириб кириш муддатларини бир неча бор орқага сурди, сўнгра эса десант операциясини номаълум вақтгача кечиктирди. Гитлер СССР устидан ғалаба қозонилган тақдирда Буюк Британия кўп ҳам куч сарфлаб ўтирмасдан тиз чўктирилади, деган хулосага келди. Воқеалар ривожини шуни кўрсатдики, Буюк Британияни фашистларга қул бўлишдан сақлаб қолган ҳал қилувчи куч Совет Иттифоқи эди.

Гитлерчилар Германияси СССРга ҳужум қилишга тайёрланар экан, Жануби-Шарқий Европа мамлакатлари устидан ўз назоратини ўрнатди. **1940 йил октябрда** герман қўшинлари **Руминияга** кириб бордилар, бу ерда генерал **Антонескунинг** фашист диктатураси қарор топди. Нацистлар фашист диктатор **Хорти** режими ҳукмронлик қилаётган **Венгрияни** ўзларига бўйсундирдилар. **1941 йил мартда** гитлерчилар **Бўлгарияга** ўз қўшинларини олиб кириб, уни агрессив блокка қўшиб олдилар. **1941 йил апрелда Югославия** билан **Греция** оккупация қилинди ва парчалаб ташланди. Германия Жануби-Шарқий Европани зўр бериб СССРга ҳужум қилиш учун плацдармга айлантирмоқда эди.

**6. Қаршилиқ кўрсатиш ҳаракатининг бошланиши.** Гитлерчилар босиб олинган мамлакатлар халқларининг миллий мустақиллигини йўқ қилдилар. Улар территориясида қонли террор ҳукм сурди. Тинч граждани аҳолиси орасидан одамларни гаровга олиш ва отиб ташлаш кенг қўламда амалга оширилди. Оғир ҳарбий жиноятлар ҳарактерида бўлган бу мудҳиш шафқатсизликларни фашистлар ватанпарварларнинг қаршилиқ кўрсатиш ишларига жавобан содир қилар эдилар.

Оккупация қилинган Европа ўлим лагерлари билан қопланди. Шулардан биргина **Освенцимда** (Польша) уруш йилларида 4 миллиондан ортиқ одам йўқ қилиб юборилди. Фашист қонхўрлар славян аҳолисини айниқса шафқатсизлик билан қирар, славян халқларининг миллий маданиятини йўқ қилиб юборар эдилар. Нацистлар мажбурий меҳнатни жорий этдилар. Улар ишчиларни арзимаган ҳақ эвазига босқинчилар фойдасига ишлашга мажбур қилар эдилар. Миллионлаб кишилар зўрлик билан Германияга ишлаш учун юборилди. Гитлерчилар босиб олинган мамлакатларни талаб жуда кўп миқдорда хом ашё ва озиқ-овқат олиб чиқиб кетар эдилар.

Лекин фашистлар халқларнинг мустақилликка интилишини енга олмадилар. Халқлар чет эллик босқинчиларга қарши қурол-

ли курашга кўтарилар эдилар. Оккупация қилинган мамлакатларда антифашист миллий-озодлик ҳаракати авж олиб борди. Бу ҳаракат *Қаршилик кўрсатиш ҳаракати* деб атала бошлади. Ватанпарварлар партизан отрядлари ташкил этар, кўпоровчиликлар қилишар, гитлерчиларга ҳужум уюштиришар эди. Ишчилар забастовкалар ўтказишар, немисларнинг буюртмаларини бажаришдан бош тортишар эди.

Қаршилик кўрсатиш ҳаракати қатнашчилари орасида турли сиёсий қарашларга ва турли динларга мансуб кишилар бор эди. Миллий мустақиллик учун курашнинг муштарак манфаатлари ишчилар, деҳқонлар, прогрессив зиёлиларни, майда ва ўрта ҳол буржуазиянинг бир қисмини ўзаро яқинлаштирган ва антифашист фронт сафларида бирлаштирган эди. Қаршилик кўрсатиш ҳаракатининг жипслаштирувчи ва йўналтирувчи кучи коммунистик партиялар бўлди. Улар фашизмни ағдариб ташлаш ҳамда миллий озодлик ва мустақилликни қайта тиклаш вазифаларини илгари сурдилар.

Оккупация қилинган мамлакатлар халқлари миллий озодлик ҳаракатининг қўламлари кенгайиши фашизм ва милитаризм душманлари олиб бораётган урушнинг антифашист, озодлик, адолатли характери кучайтирар эди. Хусусан, Польша, Норвегия, Бельгия ва Нидерландия халқлари томонидан олиб борилган уруш ана шундай характерда эди. Франция тор-мор қилиниб, Британия оролларига нацистлар босқини хавф солган пайтда Англия томонидан олиб борилган урушнинг характери ўзгарди. Урушнинг демократик, антифашист мақсадлари асосий аҳамият касб этди. Бу мақсадлар Британия ҳукуматининг сиёсатида илгари етакчи роль ўйнаб келган империалистик сабабларни бир четга суриб қўйди. Агрессорларга қарши турган мамлакатларнинг кураши Европа ва Осиёдаги асоратга солинган халқларнинг миллий мустақиллик, озодлик ва демократия учун адолатли кураши билан борган сари кўпроқ қўшилиб кетмоқда эди.

1941 йил баҳорида Европанинг деярли бутун континентал қисми гитлерчилар томонидан босиб олинган эди. Европадаги кўпчилик мамлакатларнинг жуда катта моддий ва одам ресурслари герман агрессорларининг ихтиёрига ўтиб қолган эди. Совет Иттифоқи очикдан-очик фашистлар ҳужуми хавфи остида қолди.

#### **Савол ва топшириқлар.**

1. Иккинчи жаҳон урушининг сабаблари нима? 2. Франциянинг таслим бўлиши нима билан изоҳланади? 3. Гитлерчилар Германиясининг СССРга ҳужуми қандай тайёрланди? 4. Урушнинг биринчи даври (1939 --1941 йиллар) характериға баҳо беринг. 5. Альбомдаги 1-картадан урушнинг биринчи даврида Европада фашистлар агрессиясини кузатинг ва хулосалар чиқаринг. 6. Дарслик тексти ҳамда синфдан ташқари ўқиш учун адабиёт асосида коммунистларнинг фашист босқинчиларига қарши курашни ташкил этишдаги ролини таърифлаб беринг.

## **21- §. Гитлерчилар Германиясининг Совет Иттифоқига қарши агрессияси. Антифашист коалициянинг тузилиши**

**1. Фашистлар Германиясининг СССРга ҳужуми.** 1941 йил 22 июнда гитлерчилар Германияси ҳужум қилмаслик тўғрисидаги шартномани хиёнаткорона бузиб, уруш эълон қилмасдан Совет Иттифоқига ҳужум қилди. Италия, Венгрия, Руминия, Словакия ва Финляндия Германия томонида туриб урушга кирдилар. Франкочилар Испанияси гитлерчиларга ёрдам бериб, совет-герман frontiга «мовий дивизия» деб аталган дивизияни юборди. Болгариянинг монархиячи-фашист ҳукумати гарчи нацистлар Германиясига бутун чоралар билан ёрдам бериб турган бўлса-да, ўз халқининг қаҳр-ғазабидан қўрқиб, СССРга ошқора уруш эълон қилишга ботина олмади.

Фашист агрессорлар Совет давлатини йўқ қилиб ташлашни, унинг бойликларини босиб олишни, совет кишиларини немис капиталистлари ва помешчикларининг қулига айлантиришни ўз олдларига вазифа қилиб қўйган эдилар. Жуда катта куч билан берилган зарбани қарши олган Қизил Армия гитлерчи тўдаларга қаҳрамонларча қаршилик кўрсатди. Лекин урушнинг дастлабки ойларида совет кўшинлари куч жиҳатидан устун бўлган душмanning тазйиқи остида чекинишга мажбур бўлдилар. Кучлар нисбати душман фойдасига эди. СССР даҳшатли хавф остида қолди (Улуғ Ватан уруши ҳақида батафсил маълумотни СССР тарихи дарслиги, II бобдан қаранг).

Совет Иттифоқи адолатли озодлик, Ватан урушини олиб борди. У ўз олдига агрессорларни тор-мор қилиш ва мамлакат устида пайдо бўлган хавфни йўқотишнигина эмас, балки Европа халқларини озод қилиш, уларга эрк ва мустақилликни қайтариб беришни ҳам мақсад қилиб қўйган эди. 1941—1942 йиллардаги оғир, тенгсиз жангларда Қизил Армия гитлеризмни ҳарбий жиҳатдан тор-мор қилиш учун пойдевор яратди. Германия СССРга ҳужум қилганидан кейин иккинчи жаҳон урушининг социал-сиёсий характерида бориши ва қўламларида туб сифат ўзгаришлари юз берди. Империализмнинг энг реакцион отрядларига қарши СССР олиб борган қуролли кураш синфий характерда эди. Совет-герман fronti иккинчи жаҳон урушининг энг асосий ва хал қилувчи fronti бўлиб қолди. Бу ердаги жангларнинг якунига умуман бутун урушнинг якуни боғлиқ (2- жадвалга қаранг), СССР Халқларининг ва бутун инсониятнинг тақдири боғлиқ эди. Улуғ Ватан уруши бошланганидан кейин озодлик учун, фашистлар қуллигига қарши чиққан халқлар ва давлатларнинг коалицияси шакллана бошлади.

**2. Антифашист коалициянинг тузила бошлаши.** Совет-герман frontiдаги аҳвол бутун дунёда эътиборни ўзига қаратиб олди. Халқ оммаси Қизил Армиянинг гитлерчи тўдаларга кўрсатаётган қаҳрамонона қаршилигини диққат билан ва зўр хайрихоҳлик билан кузатиб турдилар. Улар Совет Иттифоқини нацистлар Герма-

ниясининг ҳарбий машинасини тор-мор қилишга ва жаҳон маданиятини фашистлар жаҳолатидан қутқариб қолишга қодир куч деб билар эдилар. Буюк Британия, АҚШ ва бошқа мамлакатларда совет халқи билан бирдамлик, агрессияга қарши курашда унга актив ёрдам бериш ҳаракати авж олиб борди.

Инглиз ва америка буржуазияси орасидаги энг узокни кўра биладиган сиёсий арбоблар СССР билан ҳамкорлик қилиш ўзларининг манфаатлари учун ҳам зарур эканлигини тушунар эдилар. Улар фашист агрессорлар Британия империясининг ҳаётига ва АҚШнинг хавфсизлигига таҳдид солаётганлигини яхши билар эдилар (1- ва 2- хужжатларга қаранг). **1941 йил июлда СССР билан Буюк Британия Германияга қарши урушда биргаликда ҳаракат қилиш тўғрисида битим туздилар.** Уч давлат — СССР, АҚШ ва Буюк Британиянинг 1941 йил 29 сентябрь — 1 октябрда Москвада бўлган конференциясида Совет Иттифоқига инглиз-америка қуроли ва стратегик материалларини етказиб бериш тўғрисида яқин 9 ойга мўлжалланган қарор қабул қилинди. *Ўз навбатида СССР Фарбдаги шерикларига ҳарбий ишлаб чиқариш учун ҳам ашё етказиб бериш мажбуриятини олди. Тез орада АҚШ ҳукумати Совет Иттифоқига 1 миллиард доллар миқдоридан кредит берди ва ленд-лиза тўғрисидаги қонуннинг амал қилишини СССРга ҳам жорий этди.*

*Шундай қилиб, 1941 йилда антифашист коалицияни тузиш учун асос солинди.* Бирок иттифоқчиларнинг Совет Иттифоқига қуроли ва ҳарбий материаллар етказиб бериши номунтазам бўлиб, катта-катта узилишлар билан амалга оширилди ҳамда урушнинг биринчи йилида СССР учун амалий аҳамиятга эга бўлмади.

**3. Тинч океанда уруш бошланиши.** 1941 йил охирида уруш ҳаракатлари Тинч океан хавзасига ҳам ёйилди. Ёздаёқ Япония Ҳинди-Хитой (французларнинг мустамлакаси) ни оккупация қилган эди. У Индонезияни (Голландия мустамлакасини) Америка ва Британиянинг Тинч океандаги ерларини босиб олишга тайёргарликни авж олдириб юборди. Айни вақтда Япония ҳукумати АҚШ ҳукумати билан япон-америка муносабатларини тартибга солиш ҳақида музокара оlib борди. Бу музокарадан кўзда тутилган мақсад АҚШни чалғитиш ва Америка флотининг базаларига қўққисдан зарбани тайёрлаш учун вақт ютишдан иборат эди. *Япониянинг ҳукмрон доиралари АҚШнинг юқори табақаларининг Япония қуроли кучлари СССРга ҳужум қилиши муқаррарлигига ишончлари қомиллигини ва шу сабабли агрессияга зарба беришга тайёргарлик кўрилмаётганлигини билар эдилар.*

Япония ҳарбийлари СССРга қарши агрессия қилиш учун вақт Тинч океандаги қараганда унчалик қулай эмаслигига асосланар эдилар. Япониянинг олий ҳарбий-сиёсий раҳбарлари, Жануби-Шарқий Осиё ва Тинч океандаги Британия, Америка ва Голландия ерларининг иқтисодий ресурсларини босиб олишни ва шундан кейин ўзларининг ҳисоб-китобларига кўра бу вақтда гит-



лерчилар Германиясига карши урушда кучсизланиб қолиши керак бўлган СССРга ташланишни планлаштирмоқда эдилар.

**1941 йил 7 декабрь** эрталаб авианосецлардаги япон авиацияси АҚШнинг ғоят йирик ҳарбий базаси — **Пёрл-Харбор** (Гавай ороллари)га қўққисдан ёппасига зарба берди.

АҚШнинг олий қўмондонлиги агрессорнинг зарбаларини қайтаришга қуролли кучларни тайёрламаган эди. Бу нарса Американинг ҳарбий-денгиз флотига кимматга тушди. Рейдда турган 8 линкорнинг 4 таси чўктириб юборилди, 4 тасига эса шикаст етказилди. Ўн беш ҳарбий кема сафдан чиқди. Флот бир неча минг денгизчи йўқотди. Деярли айни бир вақтда Жанубий Хитой денгизда японлар Британиянинг линкори ва крейсерини чўктириб юбордилар.

АҚШ билан Англиянинг Тинч океандаги мавкелари кучсизлантирилди. Япон агрессорлари Жануби-Шарқий Осиёда кенг ҳужум уюштирдилар. 1942 йил майда Япония Малайя, Бирма, Индонезия ва Филиппинни босиб олди. Япон қўшинлари Британиянинг энг йирик ҳарбий-денгиз базалари — Сингапур ва Гонконгни эгаллаб олдилар, Тинч океандаги Англия ва АҚШга қарашли кўп сонли ороллارни оккупация қилдилар, Жануби-Ғарбий Хитойга ва Шарқий Ҳиндистонга бостириб кирдилар. Урушнинг дастлабки беш ойида Япония арзимас даражада кам талафотлар кўриб, жуда катта — 3,8 миллион квадрат километр территорияни 150 миллион кишидан ортик аҳолиси билан босиб олди.

Япония кетидан Германия билан Италия ҳам Қўшма Штатларга уруш эълон қилди. Ҳарбий ҳаракатлар доираси анча кенгайди. АҚШнинг урушга кириши фашист-милитаристик блок душманларининг кучини мустаҳкамлади.

**4. Антифашист коалициянинг тузилиши. 1941 йил декабрида** Қизил Армия Москва бўсағаларида немис-фашист қўшинларига қудратли зарба берди. Гитлернинг «яшин тезлигида уруш охиб бориш» плани барбод қилинди. Бутун дунё СССРнинг агрессорларни тор-мор қилишга қодир эканлигига ишонч ҳосил қилди. *Москва остоналаридаги жангда немис қўшинларининг тор-мор келтирилиши герман армиясининг иккинчи жаҳон урушидаги дастлабки йирик мағлубияти эди.*

Қизил Армиянинг ғалабаси қулликка солинган халқларни фашист босқинчиларга карши курашни кучайтиришга илҳомлантирди. Япония Совет Иттифоқига қуролли ҳужум қилишдан ўзини тийиб туришга мажбур бўлди.

Москва остоналаридаги ғалаба антифашист коалициянинг узил-кесил расмийлашувига ёрдам берди. 1942 йил 1 январда Вашингтонда 26 давлат, шу жумладан СССР, АҚШ ва Буюк Британия Бирлашган Миллатлар Декларациясини имзоладилар. Улар ўз ресурсларидан агрессорларга карши курашиш учун фойдаланиш, урушда ҳамкорлик қилиш ва сепарат сулҳ тузмаслик мажбуриятини олдилар.

1942 йил 26 майда Лондонда СССР билан Буюк Британия ўртасида Гитлерчилар Германияси ва унинг Европадаги шерикларига қарши урушда иттифок бўлиш ҳақида шартнома имзоланди. Шартнома урушдан кейин ҳам ҳамкорлик қилиш ва бир-бирларига ёрдам кўрсатишни назарда тутар эди. 1942 йил май-июнь ойида Вашингтонда совет-америка музокаралари бўлиб ўтди. Бу музокаралар 11 июнда агрессияга қарши уруш олиб боришда ўзаро ёрдам кўрсатишда қўлланиладиган принциплар тўғрисидаги битимни имзолаш билан якунланди. Иккала томон ҳам бир-бирларини мудофаа материаллари билан, ахборот билан таъминлаб туриш ва савдо иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш мажбуриятини олди.

Уруш герман фашизми ва япон милитаризми хавф солиб турган давлатларнинг туб миллий манфаатлари ўзаро мос эканлигини кўрсатди. Агрессив блокка қарши кураш адолатли, озодлик уруши тусини олди. Бу икки фактор уруш йилларида вужудга келган ва мустаҳкамланган антифашист коалицияга асос солди. Унда АҚШ билан Буюк Британиянинг иштирок этиши улар ташки сийёсатининг синфий табиати ўзгарганлигини англатмас эди. Америка ва Англия ҳукуматлари ўз мамлакатларини сақлаб қолиш манфаатларини кўзлаб, Совет Иттифоки билан ҳамкорлик қилишга мажбур бўлдилар. Америка ва Англиядаги борган сари кўпроқ одамлар агрессорлар томонидан солинаётган ўлим хавфи қаршисида факат СССР билан иттифок бўлгандагина омон қолиш ва ғалаба қилиш мумкинлигини тушунар эдилар. Давлатларнинг антифашист коалицияси халқларнинг ҳам коалициясига айланиб қолдики, бу нарса унинг мустаҳкамлигига ёрдам берар эди.

*Эрксевар халқларнинг антифашист фронтда Совет Иттифоқи асосий, етакчи куч эди.* Унинг ҳарбий куч-ғайратлари иттифокчиларнинг ғалабага кўшган ҳиссаларидан анча ортик эди. Фашист ғалаларига қарши курашнинг асосий оғирлиги совет халқи ва унинг Куролли Кучлари зиммасига тушди (1- ва 2- хужжатларга қаранг). Совет куролининг муваффақиятлари коалициянинг мустаҳкамланишини таъминлар ҳамда биргаликда ҳарбий ва сийёсий қарорлар қабул қилинишига таъсир кўрсатар эди.

**5. Антифашист коалиция асосий қатнашчиларининг мақсадларидаги тафовутлар.** Антифашист коалиция қатнашчилари ўртасида урушнинг мақсадлари ҳамда дунёнинг урушдан кейинги тузилиши программаси хусусида *чуқур тафовутлар* мавжуд эди. СССР урушнинг мақсади фашистлар Германиясини тор-мор қилиш, қул қилинган халқларни озод этиш, демократик эркинликларни тиклаш, мустаҳкам тинчлик учун шароит яратишдан иборат деб билар эди.

АҚШ билан Буюк Британиянинг раҳбар доиралари урушнинг асосий мақсади Германия билан Японияни асосий рақобатчилар сифатида кучсизлантиришдан иборат деб ҳисоблар эдилар. Океан ортида урушдан кейинги дунёда Америка империализмининг геге-

монлигини ўрнатиш планини ўйлашар эди. Айни вақтда ғарб давлатлари Германия билан Японияни СССРга қарши қурашиш учун ҳарбий куч сифатида сақлаб қолишга интилдилар.

Бутун уруш давомида СССР ўз зиммасига олган иттифоқчилик мажбуриятларига қатъий амал қилди. Совет-Англия ва Совет-Америка музокаралари давомида Европада *иккинчи фронтни* 1942 йилда очиш ҳақида шартлашиб олинган эди. Иттифоқчи мамлакатлар Европада уруш ҳаракатлари олиб бориш учун йирик ҳарбий кучларга ва қудратли ҳарбий-иқтисодий базага эга эдилар. Бунинг устига герман армиясининг қарийб 70 проценти Шарқий фронтда тўпланган эди (бобнинг охиридаги 1-жадвалга қаранг). Бироқ Ғарб давлатлари иккинчи фронтни очишга шўшилмадилар. Улар СССР билан музокараларда Ғарбий Европага қўшин туширишга етарли тайёргарлик кўрмаганликларини баҳона қилиб, воқеаларнинг ривожланишини кутиб туриш тактикасини афзал кўрдилар. Аслини олганда ҳамма умид қонли урушда урушаётган мамлакатларнинг кучлари ҳолдан кетишига боғланган эди.

Иккинчи фронтни очишнинг чўзиб юборилиши урушнинг тугашини орқага сурар ва янгидан-янги миллионлаб кишиларни ҳалокатга маҳкум этар эди. Уч йил мобайнида Совет Иттифоқи аслида гитлерчи галаларга қарши яккама-якка қаҳрамонона қураш олиб бориб, жаҳон маданиятини фашистлар ваҳшийлигидан асраб қолмоқда эди.

**6. Африка, Осиё ва Тинч океандаги уруш ҳаракатлари.** Москва остонасидаги жанг. Шимолий Африкадаги душман кучларининг бир қисмини олиб бу ерга ташлашга сабаб бўлди. 1941 йил ноябрда инглиз қўшинлари ҳужумга ўтдилар ва Тобрук қамалини йўқотдилар. Тез орада Киренаиканинг бутун территорияси озод қилинди. Бироқ фашистлар инглиз қўшинларининг тарқоқлигидан фойдаландилар ва 1942 йилнинг январида ҳужум бошлаб, унинг давомида яна Киренаикани эгаллаб олдилар. Италия-Германия авиацияси ва флоти Ўрта денгиздаги йўлларни назорат қилиб турар эди. Инглизлар Миср территориясига чекинишга мажбур бўлдилар. **Эл-Аламайн** яқинидаги муҳофизат чегарасида (Искандариядан 100 км ғарброкда) фашистларнинг Сувайш канали томон силжиб бориши тўхтатилди. Шимолий Африкадаги аҳвол вақтинча барқарорлашди.

Фашистларнинг асосий кучларини совет-герман фронтига тортиш Британиянинг генерал **Монтгомери** бошчилигидаги қўмондонлигига резервлар тўплаш ва 1943 йил октябрда ҳужум бошлаш имконини берди. Душман Мисрни ташлаб чиқди. Фашистларнинг Шимолий Африкадаги мағлубияти Яқин Шарқ мамлакатларига солинган хавфни йўқ қилди.

**1942 йил 8 ноябрда** иттифоқчилар ўша вақтда Виши ҳокимиятининг назорати остида бўлган Франция Мароқаш ва Жазонрга йирик кучларни туширдилар. АҚШ билан Буюк Британия Франциянинг мустамлакаларига бостириб кирар эканлар, ўзларининг

ғаразли мақсадларини ҳам унутмадилар. Бу давлатларнинг ҳар кайсиси у ерда ўз позицияларини мустаҳкамлашга умид қилар эди.

Иттифокчиларнинг ҳаракатлари гитлерчиларнинг юқори табақаларини жавоб ҳаракатлари қилишга мажбур этди. Герман ва италян қўшинлари Франциянинг оккупация қилинмаган қисмини эгалладилар.

Хитойнинг таслимчилик кайфиятлари кучайиб борган Гоминьданчилар ҳукумати япон оккупантларига қарши актив уруш ҳаракатлари олиб боради. Чан Қайши ва унинг атрофидагилар АҚШдан олиб турган ҳарбий ёрдамдан япон босқинчиларига қарши эмас, балки коммунистлар контроль қилиб турган районларга тазйиқни кучайтириш учун фойдаландилар.

Агрессорлар оккупациячи армиянинг асосий кучларини Хитойнинг озод қилинган районларига қарши ташлаб, бу районларни йўқ қилишга интилдилар. Озод қилинган районлар территорияси камайди, лекин халқ қуролли кучлари япон босқинчиларининг ҳужумини тўхтатиб қолишга муваффақ бўлдилар. Душманнинг орқа томонида партизанлар уруши бошланмоқда эди. Япония ҳужум қилиши мумкинлигини ҳисобга олиб, СССР бутун уруш давомида ўзининг Ўзоқ Шарқдаги чегараларида қуруқликдаги қўшинларнинг 32 тадан 59 тагача дивизиясини, йирик артиллерия, авиация ва флот кучларини ушлаб турди, бу билан Квантун армиясини сиқиб қўйди ва шу тариқа Хитойни қўллаб-қувватлади.

Япония АҚШ, Буюк Британия ва Нидерландиянинг Жануби-Шарқий Осиёдаги ва Тинч океанининг ғарбий қисмидаги ғоят муҳим мустамлакалари ҳамда ҳарбий базаларини эгаллаб олиб, Австралияга бостириб кириш хавфини солмоқда эди. Авианосецлардаги америка самолётлари Япониянинг денгиз десантини ушлаб олиб, япон кемаларига зарба бердилар. 1942 йил майида Коралл денгизда бўлган жанглр натижасида Япония авианосец, крейсер ва 70 дан ортиқ самолёт йўқотди. Бу АҚШнинг урушда қозонган биринчи ғалабаси эди.

Япониянинг Мидуэй оролидаги (Гавай ороллариининг шимоли-ғарбида) америка базасини босиб олишга уриниши унинг йирик мағлубияти билан тугади. 1942 йил июнидаги жанглрда япон флоти 4 авианосец ва 260 дан ортиқ самолёт йўқотди. Япония ҳарбий-денгиз кучларининг қудрати қирқилди, у Тинч океан хавзасида мудофаага ўтишга мажбур бўлди.

## ҲУЖЖАТЛАР

### 1. Америка арбоблари СССРнинг иккинчи жаҳон урушидаги роли тўғрисида.

(АҚШнинг 1944-1945 йиллардаги давлат секретари Э. Стеттиниуснинг «Рузвельт ва руслар» деган китобидан).

Америка халқи шуни унутмаслиги керакки, 1942 йилда у ҳалокат ёқасида эди. Агар Совет Иттифоқи ўз фронтини ушлаб қола олмаганида эди, немислар учун Буюк Британияни босиб олиш имконияти тугилган бўларди. Улар Африкани ҳам

босиб олишлари мумкин эди ва шундай бўлган тақдирда улар Латин Америкасида ўз плацдармларини вужудга келтиришга муваффақ бўлар эдилар.

(Энг янги тарих хрестоматияси.— М. 1960.— II т.— 518- б.)

## 2. Инглизлар СССРнинг иккинчи жаҳон урушидаги роли тўғрисида.

(Буюк Британия бош министри У. Черчиллнинг Қизил Армиянинг 27 йиллиги муносабати билан юборган мактубидан).

Қизил Армия иттифоқчиларининг чексиз тасанносига сабаб бўлган ва герман милитаризмининг тақдирини ҳал қилган, ўзининг йигирма етти йиллигини, зўр тантана билан байрам қилмоқда. Худди ҳозир ана шу ажойиб ғалабаларнинг гувоҳи бўлган бизлар каби келгуси авлодлар ҳам ҳеч сўзсиз Қизил Армия олдида қарздор эканликларини тан оладилар.

(СССР Министрлар Совети Раисининг 1941—1945 йиллардаги Улуғ Ватан уруши даврида АҚШ Президентлари ва Буюк Британиянинг Бош Министрлари билан ёзишмалари — М., 1976 - I т. 362- б.)

### Савол ва топшириқлар

1. Антифашист коалицияни ташкил этиш сабаблари нима? 2. Нима сабабдан АҚШ ва Буюк Британиянинг ҳукмрон доиралари СССРнинг иккинчи жаҳон урушидаги ролини юқори баҳолаган бўлишларига қарамай (1- ва 2- ҳужжатларга қаранг), иккинчи фронтни очишни чўзиб келдилар? 3. Альбомдаги 4- картадан Япониянинг Осиёдаги ва Тинч океани ҳавзасидаги агрессиясини кузатиш. Япониянинг вақтинчалик муваффақиятлари нима билан изоҳланади?

## 22- §. Иккинчи жаҳон урушининг боришида тўб бурилиш

1. Сталинград остоналарида немис-фашист кўшинларини тор-мор қилишнинг халқаро аҳамияти. Гитлерчилар кўмондонлиги иккинчи фронтнинг йўқлигидан фойдаландилар ва 1942 йил ёзида совет-герман фронтининг жанубий участкасида катта ҳужум бошладилар. Сталинград остоналарида ўз кўлами жиҳатидан мисли кўрилмаган жанг авж олиб кетди. 1942 йил 19 ноябрда совет кўшинлари қарши ҳужумга ўтдилар. Бу қарши ҳужум 1943 йил 2 февралда душманнинг 330 минг кишилиқ группировкасини қуршаб олиш ва тор-мор қилиш билан тугалланди.

*Сталинград жанги — иккинчи жаҳон урушида гоят йирик ҳарбий-сиёсий воқеадир. Сталинград остоналаридаги ғалаба иккинчи жаҳон урушининг боришида СССР ва бутун антифашист коалиция фойдасига тўб бурилишининг бошланishi бўлди.* Қизил Армиянинг ҳужуми Волга соҳилларидан бошланиб гитлерчилар Германиясининг сўзсиз тақсим бўлиши билан тугади. Немис армиясининг урушлар тарихида мисли кўрилмаган мағлубияти Япония ҳукмрон доираларининг ҳушини ўзига келтирди ва унинг СССРга қарши урушга киришишига йўл қўймади. Уша вақтдаги Туркия ҳукмдорларининг режалари ҳам барбод бўлди. Туркия расман бетарафлик сақлаб турган бўлса-да, амалда урушда Германияга ёрдам бериб турди ва унинг томонида туриб урушга кириш учун Сталинграднинг қулашини кутмоқда эди.

Совет-герман frontiда гитлерчиларнинг йирик кучлари тор-мор қилинганлиги Шимолий Африкада инглиз-америка қўшинларининг ҳужум бошлаши учун қулай шароитлар яратди. Иттифокчилар фашистларни таъқиб этиб, Киренаика ва Триполитанияни, сўнгра эса Тунисни ҳам эгалладилар. 1943 йил майда Шимолий Африкадаги Италия-Германия қўшинлари батамом таслим бўлдилар.

1943 йил июнда *Француз миллий озодлик комитети* (ФМОК) ташкил этилди. Унга генерал де Голль раҳбарлик қилди.

АҚШ билан Буюк Британия ҳали ҳам иккинчи фронтни очишни пайсалга солиб келмоқда эдилар. Европага Ла-Манш орқали бостириб киришнинг асосий муҳолифи Черчилль эди. У қўшинларни Болконга туширишни таклиф қилар, Болконни «Европанинг юмшоқ жойи» деб атаар эди. Черчилль Жануби-Шарқий Европа мамлакатларида Буюк Британия ва АҚШга қарам тузумларни ўрнатиш учун у ерга Қизил Армия боришидан олдин иттифокчи қўшинларни олиб киришни истар эди. Америка раҳбарлари Германиянинг саноат марказларига олиб борадиган энг қисқа йўл қаердан ўтишини яхши тушунган ҳолда энг аввало Фарбий Европада ўз таъсирларини ўрнатишга интилар эдилар. Бунинг устига улар иттифокчиларнинг — армиялари Болконда ушланиб қоладилар, деб хавфсирар эдилар. Шу сабабли Вашингтонда Черчиллнинг ҳарбий-сиёсий планлари вазминлик билан қарши олинди ва амалда рўёбга чиқарилмади.

Иттифокчилар қайта-қайта ваъда берган бўлишларига қарамай, иккинчи фронт 1943 йилда барибир очилмади. Фарбий давлатларнинг ҳукуматлари Қизил Армиянинг эҳтиёжларини, урушда СССР бераётган жуда катта қурбонларни яхши билар эдилар. Лекин улар 1943 йил баҳорида ҳарбий юк ортилган кемаларни СССРнинг Шимолий портларига юборишни тўхтатиб қўйдилар ва бу ишни 8 ой ўтганидан кейингина қайтадан бошладилар. Америка тарихчилари бу қарорни немис авиацияси Норвегиядаги ҳарбий ҳаво базаларидан транспортларга ва уларни кузатиб борадиган ҳарбий кемаларга каттик ҳужум қилганлиги; бу ҳол катта талафотларга олиб келганлиги билан изоҳлайдилар. Лекин шу нарса яхши маълумки, совет-герман frontiда 1943 йилда олиб берилган оғир жангларда Қизил Армия жангчилари қисматига тушган синовлар бундан кам эмас эди. Иттифокчиларнинг бу хатти-ҳаракатлари СССРнинг уларга бўлган ишончини каттик синовдан ўтказди.

2. **Европанинг оккупация қилинган мамлакатларида антифашист курашининг юксалиши.** Сталинград остоналаридаги галаба интернационал курашга айланиб кетган Қаршилик кўрсатиш ҳаракатига янги кучлар қўшилишига олиб келди. Ушбу ҳаракат жараёнида *иккита сиёсий йўл* кўзга ташланди. Буржуа муҳожир ҳукуматлар ва уларнинг тарафдорлари умумхалқ антифашист курашининг кенг авж олишига қарши эдилар. Масалан, Польшанинг муҳожир ҳукумати Польшадаги Армия Крайованинг ўзига

бўйсунувчи отрядларига боскинчиларга қарши каттик кураш олиб боришни тақиклар эди. Уларга «ўзаро урушаётган икки душман» бир-бирини йўқ қилмагунча «қуролни елкага ташлаб кутиб туриш» буюрилган эди.

Кўпчилик мамлакатларда ўз халқларининг озодлиги ва миллий кадр-қимматини ҳимоя қилишга биринчи бўлиб кўтарилган коммунистик ва ишчи партиялар бошқача йўлни амалга оширмоқда эдилар. Коммунистлар ҳамма жойда фашизмга қарши фаол қуролли кураш олиб боришни ёқлаб чиқдилар. Улар стратегиясининг моҳияти шу эдики, ишчилар синфи миллий озодлик курашида гегемон бўлиши керак эди. Фашизмнинг ағдариб ташлашни муқаррар суратда революцион ҳаракатнинг қудратли куч билан юксалишига олиб келиши керак эди. Бу ҳаракат ишчилар синфи раҳбарлик ролини ўйнаган тақдирда социал революция манбаига айланар эди.

Югославия ва Албанияда Қаршилик кўрсатиш ҳаракати ривожланибгина қолмади: бу мамлакатларда миллий озодлик уруши олиб борилди, бу уруш доирасида социал революция бошланмоқда эди. **1941 йил** декабрда *Югославия миллий-озодлик армияси* (ЮМОА) тузила бошлади. Унинг сони 1943 йил охирига келганда 300 минг кишига етди. *Албания миллий озодлик армияси* сафларида 70 мингдан ортиқ жангчи бор эди.

Югославия ва Албанияда синфий кучларнинг ажралиши компартиялар теварагида фақат боскинчиларга эмас, балки эски тузумга ҳам қарши бўлган антифашист блокнинг ташкил топишига олиб келди. Ҳукмрон синфларнинг асосий группировкалари фашист боскинчилар билан ҳамкорлик қилиш позицияларига ўтдилар ва ғайри миллий кучга айландилар. Пайдо бўлган янги ҳокимият органлари пролетариат диктатураси органлари эди.

Польшада **1942 йилда** коммунистларнинг ҳарбий ташкилоти — *Гвардия Людова* пайдо бўлиб, у боскинчиларга қарши партизанлар ҳаракатини авж олдириб юборди. Гвардия Людова **1944 йилда** ташкил этилган ва ўз сафларида 60 мингдан ортиқ кишига эга бўлган *Армия Людованинг* асоси бўлди. Армия Крайова «қуролни елкага ташлаб туриш» шиорини олиб ташлади ва боскинчиларга қарши «чекланган кураш»га ўтди.

Чехословакия коммунистлари душманга қарши курашда мардлик ва қаҳрамонлик кўрсатдилар. Партиянинг 25 минг аъзоси гитлерчилар қўлида ҳалок бўлди. Улар орасида чехословак халқининг кўркмас фарзанди Юлиус Фучик бор эди. Қамокда у тўлқинлантирадиган китобини — «Дор остида ёзилган репортаж»ни ёзди. Китоб тирикларга қарата айтилган «Одамлар, мен сизни сездим. Хушёр бўлинг!» деган мурожаат билан тугайди.

Коммунистик партия ташаббуси билан Францияда *Қаршилик кўрсатиш Миллий Кенгаши* вужудга келди. Борган сари кўпроқ ватанпарварлар Германияга ҳайдаб кетилишдан яшириниб, франтирерлар («эркин ўқчилар») ва партизанлар сафларида боскинчиларга қарши курашмоқ учун ўрмон ичига кириб кетар эди.

лар. Уларнинг кўплари қаҳрамонларча халок бўлдилар. Партизанларнинг отрядлари кўприкларни портлатар, ҳарбий аскарлар тушган эшелонларни ағдариб юборар, фашист жаллодларни ўлдирар эдилар. **Тулон** портида денгизчилар ҳарбий флотни гитлерчиларга топширишга йўл қўймай, уни чўктириб юбордилар. Халқ орасида «ўкка тутилганлар партияси» деб ном олган Франция компартияси босқинчиларга қарши курашда 75 минг аъзосини йўқотди. Улар орасида ишчилар синфи иши учун атоқли курашчилар Пьер Се м а р ва Габриэль Пе р и бор эди.

Антифашист ҳаракати гитлерчилар блоки мамлакатларида ҳам ўсиб борди. Коммунистлар раҳбарлик қилган яширин группалар Германиянинг Берлин, Гамбург, Мюнхен ва бошқа йирик шаҳарларида иш олиб борди. Ҳақиқий немис ватанпарварлари гитлерчилар Германиясини тор-мор қилишда СССРга ёрдам бериш учун муҳим маълумотларни кўлга туширар эдилар. Улар гитлеризмни фош қилувчи нолегал варақалар ва газеталар таркатар, камокхоналар ва концентрацион лагерлардаги маҳбусларни қочириб юборар, корхоналарда саботаж уюштирар эдилар.

Гитлерчилар томонидан қул қилиб ҳайдаб кетилганлар жумласидан бўлган ҳамда ҳарбий асирлар сақланадиган немис лагерларидан қочган кўпгина совет кишилари Ватандан узоқда чинакам ватанпарвар жангчилардек иш тутдилар. Улар партизанлар отрядларида мардонавор жанг қилиб, фашистлар Германияси устидан ғалаба қозонишдек умумий ишга ҳисса қўшдилар.

Ҳамма жойда гитлерчиларга ва маҳаллий сотқинларга қарши курашда антифашист кучларнинг бирлиги мустаҳкамланиб борди, миллий фронтлар ташкил этилди. Европа халқларининг гитлеризмга қарши озодлик кураши босқинчиларга катта талафотлар етказиб, фашистларнинг орқа томонини кучсизлантирар, манфур душман устидан ғалабани яқинлаштирар эди.

**3. Коминтерннинг тарқатиб юборилиши.** Коминтерннинг уруш арафасидаги ва уруш давридаги фаолияти ўзгариб кетган халқаро вазиятнинг қийин шароитларида кечмоқда эди. Унинг сиёсати-га Сталиннинг ўзбошимчалиги ва репрессиялари таъсир кўрсатди. Бир қанча Компартияларнинг раҳбар кадрлари ҳамда СССРда яшаган кўпгина сиёсий мухожир коммунистлар бу репрессияларнинг қурбони бўлдилар. Коммунистик ҳаракат сафларида жиддий саросималик туғилишига сабаб бўлган ҳужум қилмаслик ҳақидаги 1939 йилги совет-герман пакти имзоланганидан кейин Коминтерн фашизмга қарши курашни бўшаштириб юборди. Коминтерн бошланиб кетган иккинчи жаҳон урушининг характерига иккала томондан олиб борилаётган империалистик уруш деб баҳо бериши фашист-милитаристик блок туғдирётган жуда катта хавфни ва урушда миллий озодлик тенденцияси мавжудлигини етарлича ҳисобга олмас эди.

Германия СССРга ҳужум бошлаганидан кейин Коминтерн ўз куч-ғайратларини коммунистларни, барча антифашистларни умумий мақсадга эришишга — гитлерчи босқинчиларни тор-мор қи-



лишга, халқлар бзодлиги ва мустақиллигини қўлга киритишга сафарбар этди. Коминтерн ўзи ишлаб чиққан антифашист бирлиги сиёсатини каттик туриб амалга оширди. Коммунистлар фашизмга қарши курашчиларнинг олдинги сафларида бўлдилар, фидокорлик ва қаҳрамонлик намунасини кўрсатдилар.

Уруш йилларидаги революцион курашнинг мураккаб шароитлари компартиялардан кўпроқ эпчил ва чаккон бўлишни талаб қилар эди. Битта халқаро марказдан туриб уларга раҳбарлик қилиш мумкин бўлмай қолди. Шу сабабли **1943 йил майда** Коминтерн Ижрокоми Президиуми Коммунистик Интернационални тарқатиб юбориш ҳақида қарор қабул қилди. Барча коммунистик партиялар бу қарорни маъқулладилар. Унинг тарқатиб юборилиши буржуазиянинг коммунистлар Коминтерн буйруғи билан иш кўрадилар ва ўз халқларининг манфаатларига хизмат қилмайдилар, деган тўхматини узил-кесил фош қилиб ташлади. Коминтерннинг тарқатиб юборилиши пролетар бирдамлигининг бўшашганлигини англатмай, ҳар бир мамлакатдаги барча прогрессив кучларни фашистларга қарши ягона фронтга бирлаштиришга ва гитлерчиларга қарши коалицияни мустаҳкамлашга ёрдам берди.

**4. Фашист-милитаристик блокнинг парчалана бошлаши. Италиянинг таслим бўлиши.** Сталинград остоналарида гитлерчи қўшинлар тор-мор қилинганидан кейин 1943 йил мобайнида фашистлар вақтинча босиб олган совет тупроғининг деярли учдан икки қисми озод қилинди. Совет қўшинларининг қакшаткич зарбалари, айниқса **1943 йил ёзида Курск жангида** ва шундан кейинги айниқса Днепрдаги жангларда немис-фашист армиясига етказилган йирик мағлубият урушда бурилишнинг тугалланишига олиб келди ва гитлерчилар Германиясининг батамом тор-мор бўлишини муқаррар қилиб қўйди.

Гитлерчилар ва улар иттифоқчиларининг мағлубиятлари фашистлар блокининг орқа томонини ларзага солмоқда эди. Италия Кизил Армия билан жангларда 11 дивизиясини йўқотди. У Шимолий Африкада ҳам жиддий талафотлар кўрди. Мамлакат экономикаси путурдан кетди. Немислар Италияни Германияни озиковқат ва хом ашё билан таъминлайдиган базага айлантирдилар. Италия меҳнатқашлари коммунистлар раҳбарлиги остида фашист тузумига қарши катъий кураш олиб бордилар. Мамлакатнинг ишчи районларини камраб олган иш ташлаш ҳаракати 1943 йил баҳорида итальян фашизмнинг ҳалокатини тезлаштирди.

**1943 йил июлда** инглиз-америка қўшинлари **Сицилия** оролини босиб олдилар. Мамлакатда сиёсий кризис тез етилиб келмоқда эди. Италиянинг ҳукмрон доиралари ҳарбий-монархия диктатурасини ўрнатиш йўли билан «Муссолинисиз фашизмни» сақлаб қолган ҳолда демократик кучларнинг ғалабасига йўл қўймасликка ҳаракат қилмоқда эдилар. Йирик буржуазия, фашистлар партиясининг ва юқори ҳарбий доираларнинг таниқли арбоблари мададида Муссолини ҳукумат бошлиғи лавозимидан олиб ташланди ва хибсга олинди. Янги ҳукуматни маршал **Б а д о л ь о н** тузди.

Хукумат иттифоқчилар қўмондонлиги билан музокаралар бошлади ва **3 сентябрда** яраш битимини имзолади. Инглиз ва Америка қўшинлари қаршиликка учрамасдан Апеннин ярим оролининг жанубига тушдилар. Бир неча кундан кейин Италия таслим бўлди. Шунда гитлерчилар мамлакатнинг шимолий, марказий вилоятларини ва жанубий вилоятларининг бир қисмини оккупация қилдилар. *Германиянинг Европадаги асосий иттифоқчиси бўлган Италиянинг таслим бўлиши фашист-милитаристик блокнинг парчаланиб кетишини бошлаб берди.*

Немис-фашист қўшинлари томонидан оккупация қилинган территорияда қўғирчоқ «Италия социал республикаси» ёки «Сало республикаси» (бу республиканинг гитлерчилар Германияси тўла назорати остига олинган Муссолини бошлик ҳукмдорлари жойлашган шаҳарча номи билан аталган) тузилди.

Италия меҳнаткашлари қуроли курашга қўтарилдилар. Хукумат таслим бўлганидан кейин италия халқининг гитлерчи босқинчиларга ва маҳаллий фашистларга қарши миллий озодлик уруши бошланди. Курашга миллий озодлик комитетлари раҳбарлик қилдилар. Қаршилик кўрсатиш жараёнида барча антифашист кучлар — коммунистлар, социалистлар, католиклар ва бошқаларнинг бирлиги вужудга келди. Коммунистик партия партизанлар армияси — *Озодлик кўнгиллилари корпусининг* асоси бўлиб қолган *гарибальдичилар бригадаларини* туздилар. Озодлик кураши энг авж олган даврда бу корпус мингдан ортик партизан отрядларини бирлаштирган эди. Озод қилинган районларда демократик тартиблар ўрнатилар эди.

**5. СССР, АҚШ ва Буюк Британия ҳукумат бошлиқларининг Техрон конференцияси.** 1943 йил 28 ноябрь — 1 декабрда Эроннинг пойтахти Техронда уч иттифоқчи давлат — *СССР, АҚШ ва Буюк Британия* ҳукумат бошлиқларининг конференцияси бўлиб ўтди. Унинг ишида И. В. Сталин, Ф. Рузвельт, У. Черчилль қатнашдилар. Конференция Черчилль қаршилик кўрсатган бўлишига қарамай, 1944 йил майда Ғарбий Европада иккинчи фронтни очиш ҳақида қарор қабул қилди. СССР ўз кучлари билан гитлерчилар Германиясини тор-мор қилишга ва бутун Европани фашистлар зулмидан озод қилишга қодир эканлиги аён эди. Конференция қабул қилган декларацияда Германияга қарши урушда уч давлатнинг биргаликда ҳаракат қилиши ва урушдан кейинги ҳамкорлик тўғрисида гапирилган эди. Бу қарорлар антифашист коалицияни мустаҳкамлади ва одамлар онгида умумий душман устидан ғалабага ишонч туғдирди.

#### **Савол ва топшириқлар**

1. Совет қўшинлари Сталинград остоналарида қозонган ғалабанинг иккинчи жаҳон урушига таъсири нимада кўринди? 2. Синфдан ташқари ўқиш учун адабиётдан фойдаланиб, Европанинг оккупация қилинган мамлакатларида фашизмга қарши курашнинг ривожланиши тўғрисида ахборот тайёрланг. 3. Коминтерннинг тарқатиб юборилиш сабабларини айтинг. 4. Альбомдаги 3-картадан Шимолий

Африка ва Италиядаги уруш ҳаракатларининг боришини кузатиш. Фашистлар блокнинг парчаланиб кетиши қандай бошланган эди? 5. Техрон конференцияси қандай қарорлар қабул қилди ва уларнинг аҳамияти нимада?

## 23—24- §. Фашист-милитаристик блокнинг тор-мор қилиниши

1. Европада иккинчи фронтнинг очилиши. 1944 йилнинг биринчи ярмида Қизил Армия бир қанча йирик ҳарбий операцияларни муваффақиятли ўтказди ва фронтнинг баъзи участкаларида СССР давлат чегарасига чиқиб олди. Совет тупроғини гитлерчи босқинчилардан батамом озод қиладиган соатлар яқинлашиб келмоқда эди. Шундан кейингина АҚШ ва Буюк Британия иккинчи фронтни очишди. 1944 йил 6 июнда иттифокчиларнинг экспедициячи кучлари америка генерали Дуайт Эйзенхауэр қўмондонлигида Шимоли-Ғарбий Францияга қўшин туширдилар ва шарққа қараб юра бошладилар.

Француз коммунистик партиясининг чақириғига мувофиқ 19 августда Парижда қуроли қўзғолон бошланди. Фашистлар гарнизони тор-мор қилинди. Ватанпарварлар озод қилган Парижга бир неча кундан кейин иттифокчи қўшинлар кириб бордилар.

Оммавий халқ қўзғолонлари мамлакатнинг бошқа районларида ҳам бошланиб кетди. Қаршилиқ кўрсатиш ҳаракатининг жангчилари Бордо ва Марсель каби йирик шаҳарларни озод қилдилар. 1944 йил охирига келиб иттифокчи қўшинлар Франциянинг бутун территориясини фашист босқинчилардан тозаладилар. Иттифокчилар Бельгия ва Марказий Италия территорияларидан ҳам гитлерчиларни қувиб чиқардилар.

2. Европадаги Германия сателлитларининг мағлубияти. Немис-фашист армиясининг оғир мағлубиятлари Германиянинг аҳолини кескин ёмонлаштириб қўйди. Фашистлар тузумининг кризиси борган сари чуқурлашди. Бир гурӯҳ генераллар, олий мартабали амалдорлар ва молия-саноат магнатлари Гитлерга қарши фитна уюштирдилар. Фитначилар «фюрерни» бартараф этмокчи, Буюк Британия ва АҚШ билан сепарат сулҳ тузмокчи, бўшаган қўшинларни эса Шарқий фронтга СССРга қарши ташламокчи бўлган эдилар. Бирок 1944 йил 20 июлда Гитлерга суиқасд қилиш йўлидаги уриниш муваффақиятсиз чикди. Фитначиларнинг бири томонидан Гитлер қароргоҳида қолдириб кетилган бомба портлади, бироқ Гитлер тирик қолди. Фитна қатнашчилари ўзларини йўқотиб қўйдилар. Тез орада улар қўлга олинди ва қатл этилди.

Фашистлар Гитлерга қилинган суиқасддан мамлакатда террорни кучайтириш учун фойдаландилар. 1944 йил августда гитлерчилар герман коммунистларининг раҳбари Эрнст Тельманни ваҳшийларча ўлдирдилар.

Совет қўшинларининг зарбалари остида фашист-милитаристик блок парчаланишда давом этмокда эди. 1944 йилнинг иккинчи ярмида Германия ўзининг учта иттифокчиси -- Руминия, Болгария ва

Финляндиядан, 1945 йил бошида эса Венгриядан махрум бўлди. Қизил Армия ғалабаларининг натижасида Германия яккаланиб қолди. Гитлерчилар тузумининг кунлари санокли эди.

**3. Жануби-Шарқий ва Марказий Европа мамлакатларида миллий озодлик ҳаракати.** Марказий ва Жануби-Шарқий Европа мамлакатларининг гитлеризм зулмидан халос этилиши антифашист миллий озодлик курашининг қудратли юксалиши билан бирга юз берди.

1944 йил ёзида Қизил Армия ва СССРда ташкил этилган 1-Поляк армияси Польша территориясига кириб борди. Озод қилинган биринчи шаҳар — Хелмеда *Польша миллий озодлик комитети* (ПМОК) тузилиб, у муваққат ҳукумат вазифаларини ўз зиммасига олди. 1-Поляк армияси билан Армия Людова ягона *Польша Қўшинига* бирлашдилар.

Армия Крайова кўмондонлиги халқ-демократик тузумининг ғалабасига йўл қўймасликка интилиб, пойтахтни унга совет қўшинлари кириб боришидан олдинроқ қўлга киритиш учун 1944 йил 1 августда Варшавада қуроли кўзғолон ташкил этди. Фашистларга қарши оммавий кўзғолонда шаҳарнинг кўпгина аҳолиси қатнашди. Муҳожир ҳукуматнинг ҳақиқий планларини билмаганлиги учун у босқинчиларга қарши кўзғалиб, гитлерчилар билан курашда чинакам қаҳрамонлик кўрсатди. Совет кўмондонлиги кўзғолон ҳақида огоҳлантирилмаган эди. Сталин бу кўзғолонни ўйламай қилинган авантюра деб баҳолади. Кўзғолончиларда қурола-аслаҳа ва ўқ-дори етишмас эди. Ҳаво орқали совет қуролиларини етказиб бериш кўзғолонда бурилиш қила олмади. 1944 йил октябрь бошларида гитлерчилар кўзғолонни шафқатсизлик билан бостириб, Варшавани батамом вайрон қилдилар.

1944 йил августда Қизил Армия Ясса-Кишинев операциясини муваффақиятли амалга ошириб, **Руминиянинг** марказий районларига кириб борди. Бу ҳол ҳарбий-фашист тузумининг қулашини тезлаштирди. **23 августда** компартия ташкил этган халқ қуроли кўзғолони бошланиб, унинг жараёнида Антонескунинг ҳарбий-фашист диктатураси ағдариб ташланди. Тез орада мамлакатни босқинчилардан озод қилиш тугалланди.

Совет қўшинларининг 1944 йил сентябрда **Болгарияга** кириб бориши болгар халқининг антифашист курашини кучайтирди. Болгария ишчилар партиясининг чақириғига мувофиқ **9 сентябрда** оммавий халқ қуроли кўзғолони бўлди. Ҳокимият *Ватан fronti* ҳукумати қўлига ўтди. Кўзғолон болгар жамиятининг асосий зиддиятини — фашизм билан кенг антифашист омма ўртасидаги зиддиятни ҳал қилди.

**Югославия** халқлари Коммунистик партия раҳбарлиги остида оккупациянинг дастлабки кунлариданок ўз ватанларининг миллий ва социал озодлиги учун қаҳрамонона кураш олиб бордилар ва фашизм устидан қозонилган умумий ғалабага муносиб ҳисса қўшдилар. Босқинчиларга қарши тўрт йил мобайнида олиб борилган курашда Югославия жангчилари ва партизанлари деярли

ярим миллион фашист солдати ва офицерини йўқ қилиб ташладилар. 1944 йил кузида Қизил Армия Югославия чегарасига чиқди. Қизил Армия билан ЮМОАнинг биргаликдаги куч-гайратлари туфайли мамлакатнинг шимоли-шарқий районлари ва унинг пойтахти - Белград шахри озод қилинди.

**Албаниянинг** миллий озодлик армияси Италиялик босқинчиларга, сўнгра эса гитлерчи босқинчиларга қарши уруш ҳаракатларини муваффақиятли олиб борди. Қизил Армиянинг Болқондаги ғалабалари натижасида вужудга келган қулай шароитда МОА 1944 йил ноябрда мамлакатни босқинчилардан батамом озод қилди.

Грецияда ҳам фашист босқинчиларга қарши кураш кенг қулоқ ёзди. миллий озодлик армияси 1943 йил ёзига келиб мамлакат территориясининг учдан бир қисмига яқинини босқинчилардан озод қилди. Гитлерчи қўшинларнинг Болқондаги ҳалокати оккупациячиларни Грециядан ўз қўшинларини олиб чиқиб кетишга мажбур қилди. Бирок мамлакатни нацистлардан озод қилиш байроғи остида Греция тупроғига инглизлар қўшин тушириб, у ерда ўз назоратларини ўрнатишга ҳаракат қилдилар. Афинага муҳожир ҳукумат қайтиб келди. Демократик кучлар устига террор ёғилди.

1944 йил кузида Қизил Армия Венгрияни озод қила бошлади. Ишчилар синфи бошчилигидаги антифашист кучлар мамлакатни социал-иктисодий жиҳатдан янгилаш учун кураш бошлаб юбордилар. **1945 йил 4 апрелда** Венгрия гитлерчилардан батамом озод қилинди.

**Чехословакия** чегарасига яқин ерларга Қизил Армия 1944 йил баҳоридаёқ чиққан эди. Бу мамлакатда антифашист кураши тўхтовсиз кучайиб борди. **29 августда** Словакияда миллий кўзғолон бошланди. Унга Чехословакия Коммунистик партияси (ЧКП)нинг таниқли арбоблари -- Ян Шверма, Густав Гусак ва бошқалар раҳбарлик қилдилар. Словак халқига Қизил Армия ҳамда СССРда тузилган генерал Людвик С в о б о д а қўмондонлигидаги 1-Чехословакия армия корпуси ёрдамга келди. Улар Дуклин доvonини эгаллаб олиб, Чехословакия ерларига кириб бордилар, бирок кўзғолон кўтарганлар билан қўшила олмадилар. Совет қўмондонлиги ҳаво орқали ҳарбий техника, ўқ-дорилар ва СССРда тузилган Чехословакия авиация қисмларини ташиб бериб, кўзғолонга катта ёрдам кўрсатди. Жазо отрядларининг сиқуви остида кўзғолончилар курашини давом эттирган ҳолда тоғларга чекиндилар. Словакия миллий кўзғолони Чехословакияда халқ-демократик революциясини бошлаб берди.

**4. СССР, АҚШ ва Буюк Британия ҳукумат бошлиқларининг Крим конференцияси.** Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг таъсис этилиши. Фашистлар Германияси қуролни ташлашни истамас эди. **1944 йил декабрда** гитлерчилар Ғарбий фронтда Арденн районида ҳужумга ўтдилар ва инглиз-америка қўшинларига жиддий зарба бердилар. Черчилль ёрдам сўраб СССРга мурожа-

ат килди. Қизил Армия иттифоқчилиқ бурчини бажариб, 1945 йил январда, мўлжалланган муддатдан олдин, қудратли ҳужумни бошлаб юборди. Февраль ойининг охирида Польша, шунингдек Чехословакиянинг анча қисми озод қилинди. Совет қўшинлари шиддатли жанглар олиб бориб, Берлинга яқинлашмоқда эдилар.

Қизил Армиянинг жуда катта ҳужуми немисларнинг Ғарбдаги ҳаракатини тўхтатиб қўйди. Иттифоқчи қўшинлар ёриб ўтиш-окибатларини тугатдилар ва 1945 йил мартда ўзлари қарши ҳужумга ўтдилар.

Қизил Армиянинг янги катта-катта ғалабалари вазиятида **1945 йил 4—11 февралда Кримда (Ялта) СССР, АҚШ ва Буюк Британия** ҳукумат бошлиқларининг конференцияси бўлиб, унда Германияни узил-кесил тор-мор қилишнинг ҳарбий планлари ҳамда урушдан кейин дунёни тузишнинг асосий принциплари ишлаб чиқилди. *Уч ҳукумат бошлиқлари иттифоқдош давлатларнинг мақсади герман милитаризми ва фашизмини йўқ қилиб ташлашдан, шунингдек Германия бундан буён ҳеч қачон тинчликни буза олмаслигининг кафолатларини вужудга келтиришдан иборат, деб баён қилдилар.* Иттифоқчилар фашистлар зулмидан озод қилинган мамлакатларда келишиб сиёсат юргизиш, уларнинг мустақиллигини тиклашига ва демократик йўлдан ривожланишига ёрдам бериш, бу давлатларга иктисодий ёрдам кўрсатиш мажбуриятини олдилар.

Бирок Европада уруш тугашига озгина колганда Черчилль олган мажбуриятларига зид иш тутиб, инглиз ҳарбий кўмондонлигига зарур бўлиб колганида яна немис солдатларига таркатиш ва СССРга қарши қаратиш учун герман қуролини тўплашни буюрди.

Крим конференциясида Германия таслим бўлганидан ва Европада уруш тугаганидан кейин икки-уч ой ўтгач СССРнинг Японияга қарши урушга кириши ҳақида махфий битим тузилган эди.

Уч давлат қарорига мувофиқ **1945 йил апрелда Сан-Францискода** антифашист коалиция мамлакатларининг конференцияси очилди. Конференция *Бирлашган Миллатлар Ташкилотини* (БМТ) таъсис этди ва унинг уставини қабул қилди. БМТ халқларнинг суверен тенглиги ва ўз тақдирини ўзи белгилаши, улар ўртасида кенг ҳамкорликни ривожлантириш принципи асосида тузилгандир. Таъсис этувчи давлатлар БМТ олдига халқаро тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, янги жаҳон урушининг олдини олиш ва унинг хавфини йўқотиш вазифаларини қўйдилар. Умумий тинчликни сақлаш юзасидан асосий масъулият *Хавфсизлик Кенгашига* юклатилди.

БМТ устави *Хавфсизлик Кенгаши* доимий аъзоларининг (*СССР, АҚШ, Буюк Британия, Франция ва Хитой*) бир оғиздан овоз бериши принципини ёзиб қўйди. Бу беш буюк давлатнинг ҳар қайсиси ўзининг манфаатларига жавоб бермайдиган қарорларига «вето» қўйиш ҳуқуқига эга эканлигини англатар эди.

5. Гитлерчилар Германиясининг сўзсиз таслим бўлиши. Потсдам конференцияси ва унинг қарорлари. Қизил Армия кучли ҳужумни авж олдира бориб, 1945 йил апрелда душманнинг Одер ва Нейсе дарёлари бўйидаги мудофаасини ёриб ўтди ва Берлинга ҳужум бошлади. Ғарбдан ҳужум қилиб келаётган инглиз-америка кўшинлари Эльба дарёсига қараб илгарилаб бордилар. 25 апрелда Торгау районида иттифоқчилар учрашдилар. Совет кўшинлари Германиянинг пойтахтини қуршаб олишни тугалладилар ва 2 май куни штурм билан Берлинни ишғол қилдилар. Берлин қулашидан икки кун олдин империя канцеляриясининг ер ости бункерида бўлган Гитлер ўзини-ўзи ўлдирди. 8 майдан 9 майга ўтар кечаси Берлинда Германия олий қўмондонлигининг вакиллари Германия ҳеч сўзсиз таслим бўлиши ҳақидаги ҳужжатни имзоладилар. Германияда олий ҳокимият иттифоқчи давлатлар ҳукуматларининг қўлига ўтди.

Апрель ойининг охирида Шимолий Италия ватанпарварлари кўтарган қўзғолон ғалаба билан яқунланди. Муссолини қочишга уриниб кўрди, лекин ушлаб олиниб, партизанлар судининг ҳукмига мувофиқ қатл этилди. Италия тупроғи гитлерчи босқинчилардан батамом тозаланди.

Май ойининг бошларида чех ерларида халқ қўзғолони бошланди. Қўзғолон Прагада жуда кенг ёйилди. Ватанпарварлар мамлакатни озод қилишда Қизил Армияга ёрдам беришга ва гитлерчиларнинг кўпроқ кўшинларини Ғарбга олиб чиқиб кетишларига тўсқинлик қилишга интилдилар. Шаҳарда шиддатли жанглар бошланиб кетди. Фашистлар чекиниш пайтида Чехословакия пойтахтини вайрон қилмоқчи бўлдилар. Лекин бу ният барбод қилинди. Совет танк қисмлари уч кеча-кундуз шитоб билан юриш қилиб, 9 майда Прагада кириб бордилар. Халқ қўзғолони ғолибона яқунланди.

1945 йил 17 июль — 2 августда Потсдамда (Берлин яқинида) СССР, АҚШ ва Буюк Британия ҳукумат бошлиқларининг учинчи конференцияси бўлиб ўтди. Унинг ишида И. В. Сталин, 1945 йил апрелда Рузвельт вафотидан кейин президент лавозимига ўтирган Г. Трумен ва У. Черчилль қатнашдилар, Конференция давомида У. Черчилль ўрнини сайловда лейбористлар ғалаба қилганидан кейин Британия бош вазири бўлган К. Эттли эгаллади. Потсдам конференцияси дунёнинг урушдан кейинги тузилишига бағишланган эди. У иттифоқчиларнинг Германияга нисбатан тутадиган сиёсати принципларини ишлаб чиқди.

Битим Германияни батамом қуролсизлантириш, фашизмни тугатиш ва мамлакатнинг сиёсий ҳаётини демократик негизда қайта қуриш зарурлигини кўзда тутар эди (ҳужжатга қараңг).

Конференция янги тузилган орган — *Ташқи ишлар министрлари кенгашига* Германиянинг собиқ иттифоқчилари билан сулҳ шартномаларини тайёрлашни, шунингдек Германия билан сулҳ шартномаси шартларини тайёрлашни топширди.

Ташқи ишлар министрларининг кенгаши СССР, АҚШ, Буюк Британия, Франция ва Хитой вакиллари составида таъсис этилган эди. У ёки бу сулҳ шартномасининг шартларини ишлаб чиқиш тегишли мағлуб мамлакатнинг таслим бўлиш шартларини имзолаган голиб давлатлар зиммасига юклатилар эди.

Конференцияда Польшанинг гарбий чегараси Одер (Одра) ва Гарбий Нейсе (Нысе-Лужицка) дарёлари бўйлаб ўтиши белгилаб қўйилди. Шундай қилиб, Польша ўзининг илгари немислар томонидан босиб олинган азалий ерларини қайтиб олди.

Конференция қарори билан бош фашист ҳарбий жинойтчилари устидан суд қилиш учун *Халқаро ҳарбий трибунал* ташкил этилди. Урушдан кейин **Нюрнберг**да ўтказилган суд процессида гитлерчилар инсониятга қарши қилган гоят оғир жинойтлар очилди ва фош қилиб ташланди. Бутун дунё фашизмнинг қиёфаси нақадар мудҳиш эканлигини яна бир бор кўрди. Суд фашист бошлиқларини каттиқ жазолади.

**6. Империалистик Япониянинг тор-мор қилиниши ва унинг сўзсиз таслим бўлиши.** Иттифоқчиларнинг қуролли кучлари Тинч океан ҳавзасида япон қўшинларига қарши хужум олиб бориб, **1944 йилда** Маршалл ва Мариан ороллари эгалладилар. **1944 йил** октябрида бўлган йирик денгиз жангида америкаликлар япон флоти ва авиациясини жиддий мағлубиятга учратдилар. **1945 йил ёзига** келиб иттифоқчилар Филиппин ва Бирманинг катта қисмини оккупантлардан тозаладилар ва Индонезияни озод қила бошладилар. Япон босқинчиларига қарши курашда Жануби-Шарқий Осиё халқлари, айниқса коммунистлар раҳбарлик қилган ватанпарвар кучлар актив роль ўйнадилар.

СССР иттифоқчилик мажбуриятларини бажариб, **9 августда** Японияга қарши урушга кирди. Совет қўшинларининг Шимоли-Шарқий Хитойда МХР қўшинлари иштирокида амалга оширилган шиддатли хужуми Квантун армиясини таслим бўлишга мажбур қилди. Япония ўзининг қуруқликдаги асосий зарбдор кучидан маҳрум бўлди. Шимоли-Шарқий Хитой Шимолий Корея, Жанубий Сахалин ва Куриль ороллари япон босқинчиларидан озод қилинди. СССР хитой ва корейс халқларига нисбатан ўзининг интернационал бурчини шараф билан бажарди.

*Хитой миллий озодлик армияси* (ХМОА) меҳнаткашларнинг қўллаб-қувватлашига таяниб, мустақамланиб олди. **1945 йил** баҳорида унинг назорати остида аҳолиси 100 миллион кишини ташкил этган территория бор эди. **10 августда** ХМОА хужумга ўтди ва Шимолий Хитойдан японларни қувиб чиқаришда иштирок этди.

СССР Японияга қарши урушга киришидан уч кун олдин, **1945 йил 6 августда** Америка самолётидан Япониянинг **Хиросима** шаҳрига атом бомбаси ташланди, СССР милитаристик Японияга қарши уруш бошлаган куни — **9 августда** эса иккинчи бомба **Нагасаки** шаҳрига ташланди. Атом бомбардимонлари натижасида



270 мингдан ортиқ аҳоли ҳалок бўлди. Кейинги йилларда радиоактив нурланишдан қарийб 180 минг киши ўлди.

АҚШда атом қуролини ишлатишни америкаликлар Япония ороқларига қўшин туширганлари тақдирда кўришлари мумкин бўлган оғир талафотларга йўл қўйишни хоҳламаганликлари билан оқламоқдалар. Аслида эса атом қуролини қўлланиш учун ҳарбий зарурат йўқ эди. Инсоният тарихидаги мана шу мисли қўрилмаган жиноят билан АҚШнинг империалистик — доиралари ўз стратегик устунликларини бутун дунёга намоёниш қилмоқчи бўлдилар. Америка империализми атом қуролига вақтинча танҳо эгалик қилиб турганлигидан фойдаланиб, урушдан кейинги дунёда ўз гегемонлигини ўрнатишга ҳаракат қилди.

Япон агрессорларининг тақдири атом бомбаларининг портлаши билан эмас, балки Европадаги фашистлар коалициясининг энг жанговар дивизияларини ва деярли миллион кишилик Квантун армиясини тор-мор қилган Совет Қуроли Кучларининг ҳаракатлари билан ҳал қилинди, бу эса Япониянинг мағлубиятини олдинданок белгилаб қўйган эди.

**1945 йил 2 сентябрда** Токио қўлтиғида Американинг «Миссури» линкорида Япониянинг сўзсиз таслим бўлиши ҳақидаги ҳужжат имзоланди.

**7. Иккинчи жаҳон урушининг асосий яқунлари.** Олти йил давом этган иккинчи жаҳон уруши фашист агрессорларининг янчиб ташланиши билан тугади. *Ана шу ғалабага эришишда антифашист коалициянинг асосий кучи бўлган Совет Иттифоқи ҳал қилувчи роль ўйнади.* Совет Қуроли Кучлари уруш давомида 506,5 немис дивизиясини ва Германия сателлитларининг 100 дивизиясини тор-мор келтирдилар. СССР иттифоқчилари душманнинг 176 дивизиясини мағлубиятга учратдилар. Шунингдек, империалистик Япония қуруқликдаги қўшинларининг 49 дивизияси ва 27 бригадаси, йирик авиация ва флот кучлари тор-мор қилинди ҳамда асир олинди.

7 миллионга яқин Совет жангчиси Европадаги 11 мамлакатни озод қилишда ҳамда 1,5 миллион совет жангчиси Шимоли-Шарқий Хитой ва Шимолий Кореяни озод қилишда бевосита қатнашди. Европа ва Осиё халқларини озод қилиш учун курашнинг ўзидагина 1 миллиондан ортиқ совет солдати ва офицери ҳалок бўлди.

**Урушга тўланган қонли ўлпон:** СССР 20 миллиондан ортиқ; Польша 6 миллион; Хитой 5 миллион; Индонезия 2 миллион; Югославия 1,7 миллион; Филиппин — 1 миллион; Франция 600 минг; Англия 375 минг; АҚШ 300 минг одам йўқотди. Германиянинг умумий талафоти 13,6 миллион, Япониянинг талафоти 2,5 миллион кишини ташкил этди.

Нацистлар инсониятга қарши қилган жиноятларнинг кўлами ўрта асрлардаги инквизиторларнинг ёвузликларидан анча ошиб кетди. Концентрацион лагерларга тушиб қолган 18 миллион евро-

палик гражданнынг 11 миллиондан ортиғини гитлерчилар кириб ташладилар.

Империализмнинг энг реакцион кучларига қарши тарихда мисли кўрилмаган курашнинг ғалаба билан тугаганлиги бутун жаҳон тараққиётига жуда чуқур таъсир кўрсатди. Мехнатқашларнинг социал ва миллий озодлик учун, тинчлик, демократия, социализм учун курашига қулай шароитлар вужудга келди. Прогрессив кучларнинг мавқеи мустақкамланди, коммунистик ва ишчи партияларининг таъсири ошди. Жаҳон социалистик системаси вужудга келди ва у муваффақиятли ривожланмоқда. Социализмнинг афзалликлари, унинг жуда катта иқтисодий, социал-сиёсий ва маънавий имкониятлари бутун дунё олдида намоён бўлди. Совет Иттифокининг халқаро обрў-эътибори мислсиз даражада кўтарилди.

Империализм мустамлакачилик системасининг парчаланиш жараёни жадаллашиб, унинг ҳалокати билан тугади.

Уруш сабоқлари алоҳида аҳамиятга эга. *Бу сабоқлардан энг асосийси инсониятни глобал ядровий ҳалокат жарига ағдариб юбориши мумкин бўлган янги урушга йўл қўймасликдан иборатдир.* Тарихий тажриба сабоқ беради: тинчликни сақлаб қолиш учун барча тинчликсевар кучлар халқаро империализмнинг агрессив, авантюристик йўлига қарши жипслашиб, келиши ва актив ҳаракат қилишлари керак. Одамларнинг ҳушёрлигини ошириш, социализм ғалабаларини асраш ва кўпайтириш керак.

## Ҳ У Ж Ж А Т

Уч давлат Потсдам конференциясининг Германия ҳақидаги қарорларидан.

Контроль Кенгаш<sup>1</sup> амал қилиши лозим бўлган Германияни оккупация қилиш мақсадлари қуйидагилардан иборат:

1. Германияни тамомила қуролсизлантириш ва демилитаризациялаштириш ҳамда ҳарбий ишлаб чиқариш учун фойдаланиш мумкин бўлган ҳамма герман саноатини тугатиш ёки унинг устидан назорат ўрнатиш. Шу мақсадларни кўзда тутиб:

а) Германиянинг барча қуруқлик, денгиз ва ҳаво қуроли кучлари, СС, СА<sup>2</sup>, СД<sup>3</sup> ва гестапо, уларнинг ҳамма ташкилотлари, штаблари ва муассасалари, шу қаторда бош штаб, офицерлар корпуси, резервистлар корпуси, ҳарбий мактаблар, уруш ветеранлари ташкилотлари ва барча ҳарбий ва ярим ҳарбий ташкилотлар, уларнинг Германияда ҳарбий аъёналарини сақлаб қолиш манфаатларига хизмат қиладиган клублари ва уюшмалари билан бирга батамом ва узил-кесил тугатилади, токи герман милитаризми ва нацизмнинг тикланиши ва қайта тузилишига бундан буён ҳеч қачон йўл қўйилмасин... III) национал-социалистик партия ҳамда унинг филиаллари ва унинг назорати остида бўлган ташкилотлар йўқ қилинсин, барча нацист муассасалари тарқатиб юборилсин. Шундай чора кўрилсинки, бу муассасалар ҳеч қандай формада қайтадан бунёдга келмасин ва ҳар қандай нацистик ва милитаристик фаолият ёки пропаганданинг олди олинсин...

<sup>1</sup> Контроль Кенгаш — СССР, АКШ, Буюк Британия ва Франциянинг бирлашган органи бўлиб, 1945 йилда таъсис этилган. Унинг вазифаси — Германия сўзсиз таслим бўлишнинг асосий талабларини бажариши лозим бўлган бутун давр давомида у ерда олий ҳокимиятни амалга ошириб туришдан иборат.

<sup>2</sup> СА (SA) — Sturmabteilungen штурмчи отрядлар.

<sup>3</sup> СД (SD) — Sicherheitsdienst хавфсизлик хизмати.

5. Ҳарбий жиноятчилар ҳамда оқибат-натижаси йирткичликка ёки ҳарбий жиноятга олиб борувчи нацист тадбирларни планлаштиришда ёки амалга оширишда қатнашган кишилар камокка олиниши ва судга берилиши лозим...

9. ...11) бутун Германияда барча демократик сиёсий партияларга руҳсат этилиши ва рағбатлантирилиши, уларга мажлислар чақириш ва халқ орасида очик муҳокама қилиш ҳуқуқи берилиши лозим...

(Энг янги тарих хрестоматияси II т., 131—132-бетлар).

### Савол ва топшириқлар

1. Нима сабабдан АҚШ билан Буюк Британия 1944 йилда Европада иккинчи фронтни очишга мажбур бўлдилар? 2. Альбомдаги 3-картадан иттифокчи қўшинларнинг 1944—1945 йиллардаги Ғарбий Европадаги ҳаракатларини кузатинг ва уларга баҳо беринг. 3. Жануби-Шарқий ва Марказий Европа халқларининг антифашист кураши қандай аҳамиятга эга бўлди? 4. 1-жадвал ва дарслик тексти асосида гитлерчилар Германияси СССРга қарши ва барча бошқа фронтларда урушнинг ҳал қилувчи дамларида эга бўлган қўшинлар сонини таққосланг ва хулосалар чикаринг. 5. 2-жадвалда келтирилган маълумотларни таққосланг ва 21—24-параграфлар тексти асосида СССР билан АҚШнинг иккинчи жаҳон урушида ғалаба қозонишга қўшган ҳиссасини аниқланг. 6. Крим ва Потсдам конференцияларида қабул қилинган қарорларни таърифланг. (Жавоб бериш учун дарслик тексти ва ҳужжатдан фойдаланинг.) 7. Японияга қарши атом қуролининг қўлланилиши муносабати билан АҚШ позициясига ўз муносабатингизни белгиланг. 8. 3-жадвал асосида жаҳон урушларининг энг муҳим кўрсаткичларини таққосланг ва хулосалар чикаринг.

1-жадвал. Иккинчи жаҳон уруши фронтларида герман дивизияларининг сони

Саналар	Дивизияларнинг умумий сони	Шулардан совет-герман фронтда	Бошқа ҳамма фронтларда	Оккупация қилинган ерларда ва Германияда
1941 йил 22 июнга	217,5	153	2	62,5
1942 йил 1 майга	237,5	181,5	3	53
1943 йил 1 июлга	297	196	8	93
1944 йил 1 июнга	326,5	181,5	81,5	63,5
1945 йил 1 январга	314,5	179	119	16,5

8:

2-жадвал. Германия ва унинг Европадаги иттифокчилари қуролли кучларига қарши ҳаракат қилган СССР ва АҚШ қўшинларининг сони

Мамлакат	Йиллар	1942	1943	1944	1945
СССР (млн. киши)		5,1	6,6	6,6	6,4
АҚШ (млн. киши)		0,5	қарийб 1,0	2,2 га а	3,0 гача

3- жадвал. Биринчи ва иккинчи жаҳон урушларининг энг муҳим кўрсаткичлари

Асосий кўрсаткичлар	Биринчи жаҳон уруши (1914—1918)	Иккинчи жаҳон уруши (1939—1945)
1. Урушнинг этиши	4 йил-у 3 ярим ой	6 йил
2. Урушда катнашган давлатлар	30 дан ортиқроқ	60 дан ортиқроқ
3. Урушда катнашган мамлакатлар аҳолисининг сони	1 млрд. дан ортиқ киши	1,7 млрд. дан ортиқ киши
4. Уруш ҳаракатлари бўлган территорияларнинг умумий майдони	4 млн. кв. км. дан ошиқроқ	22 млн. кв. км дан ошиқроқ
5. Қуроли кучларга сафарбар қилинганлар сони	70 млн. дан ортиқ киши	110 млн. дан ортиқ киши
6. Ҳалок бўлган ва ярадор бўлиб ўлганлар	13,6 млн. дан ортиқ киши	50 млн. дан ортиқ киши
7. Ярадор ва майиб бўлганлар	20 млн. дан ортиқ киши	90 млн. дан ортиқ киши
8. Моддий талафотлар (миллиард доллар	360	4000
Шу жумладан, бевосита ҳарбий чиқимлар	208	1117

**Жаҳон социализм системасининг ташкил топиши ва ривожланиши. Капитализм умумий кризисининг чуқурлашуви. Империализм мустамлака системасининг емирилиши ва қулаши. Халқларнинг империализмга қарши тинчлик, миллий мустақиллик, социал тараққиёт, демократия ва социализм учун кураши**

4-Б О Б

*Жаҳон социализм системасининг ташкил топиши ва ривожланиши.*

ЕВРОПАНИНГ СОЦИАЛИСТИК МАМЛАКАТЛАРИ

## **25—26- §. Марказий ва Жануби-Шарқий Европа мамлакатларида 40- йиллардаги халқ-демократик ва социалистик революциялар**

Марказий ва Жануби-Шарқий Европа мамлакатларида 30-йилларда синфий кураш қандай ривожланиб борганлигини эсланг («Энг янги тарих, 1917—1939» дарслигининг 102—105-бетларига қаранг)

1. 40-йиллардаги революцияларнинг шарт-шароитлари ва вазифалари. Марказий ва Жануби-Шарқий Европа мамлакатларининг урушлар оралиғидаги йиллар тарихини ўрганган вақтингизда сиз уларнинг муштарак томонлари кўп бўлганлигига ишонч ҳосил қилдингиз. Бу мамлакатларнинг кўпчилигида капитализм ўртача даражада тараққий этган эди. Фақат Чехословакиягина Европанинг sanoati ривожланган мамлакатлари жумласига кирар эди. Фарбдаги капиталистик давлатларга қарамлик, кўпчилик мамлакатларда ернинг анчагина қисми йирик ер эгалари қўлида сақланиб қолаётганлиги, сиёсий тузумнинг фашистлашиш тенденцияси, бир қанча давлатларда эса — фашист диктатураларининг ўрнатилиши ҳам халқнинг кўпчилиги билан ҳукмрон юқори табақалар ўртасида кескин зиддиятлар туғдирмокда эди. 30-йиллардаги Халқ fronti учун кураш тажрибаси демократияни ҳимоя қилиш, миллий мустақиллик учун кенг халқ оммасини ишчилар синфи раҳбарлиги остида бирлаштиришнинг объектив имконияти мавжудлигини кўрсатди.

Европада гитлерчиларнинг «янги тартиби» ўрнатилиши ва у билан бирга Чехословакия, Албания, Польша ва Югославиянинг миллий мустақиллиги йўқ қилиниши, Болгария, Венгрия ва Руминия гитлерчилар Германиясининг сателлитларига айланттилиши, қул қилинган мамлакатларни иктисодий талаш сиёсати, юз

минглаб кишиларни кириб ташлашнинг бошланиши Марказий ва Жануби-Шарқий Европада янги вазиятни вужудга келтирди. Бу мамлакатларнинг халқлари учун биринчи даражали вазифа фашизмни йўқ қилиб ташлашдан иборат бўлиб қолди.

Шундай қилиб, Марказий ва Жануби-Шарқий Европа мамлакатларида умумдемократик характердаги антиимпериалистик, антифашист вазифаларни — чет эл империализми ҳукмронлигини, фашизмни тугатиш, миллий мустақилликни тиклаш, ижтимоий-сиёсий тузумни демократиялаш вазифаларини ҳал қилиши керак бўлган революциялар учун шарт-шароит вужудга келди. Бу революциялар фақат халқаро империализмга қарши эмас, балки фашист золимлар билан ҳамкорлик қилиш йўлига кириб, миллий манфаатларга хиёнат қилган ўз йирик буржуазияси ва помещикларига ҳам қарши қаратилган эди. Ишчилар синфи, коммунистик партиялар революция вазифаларини ҳал қилиш учун Халқ фронти учун кураш соҳасида тўпланган тажрибадан фойдаланган ҳолда ғоят кенг оммани жиқлаштириши керак эди.

Гитлерчилар Германияси ва унинг сателлитлари Совет Иттифоқига ҳужум қилганидан кейин Коминтерн Ижрокоми VII Конгресс йўл-йўриқларини янги шароитларда ривожлантириб, коммунистик партиялар олдига фақат меҳнаткашларгина эмас, балки буржуазиянинг антифашист доиралари ҳам кириши мумкин бўлган кенг миллий фронтлар ташкил этиш вазифасини кўйди. Коминтерн коммунистик партияларга ўз тавсияларида гап социалистик революция тўғрисида эмас, балки фашизмдан озод бўлиш ҳақида бормокда, деб таъкидлади. Босиб олинган мамлакатларда нофашист буржуа ва майда буржуа партиялари ғарб давлатларининг ҳаракатлари натижаси фашизмдан озод бўлишга умид боғлаб, коммунистларнинг ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги таклифларини рад этдилар. Улар ишчилар синфи раҳбарлигидаги кенг демократик кучлар коалициясининг ҳокимият тепасига келиши буржуазиянинг синфий ҳукмронлигига хавф туғдиради, деб кўрқар эдилар. Албания, Польша ва Югославияда буржуа партиялари ва группировкаларининг антикоммунистик позицияларда туриши оқибатида миллий фронтлар тор доирада, демократик кучларнинг коммунистлар теварагида бирлашиши тарзида вужудга келди. Фақат буржуазия сўл партиялар билан мурося қилишга мойил бўлган Чехословакиядагина буржуа ва майда буржуа партиялари иштирокида кенг миллий фронт ташкил этилди. Болгария, Венгрия ва Руминияда урушнинг бурилиш босқичида нофашист партиялар ва группировкалар коммунистлар ташаббуси билан тузилган миллий фронтларга қўшилдилар.

**2. Халқ-демократик ҳукуматларнинг тузилиши.** Фашизмга қарши қуролли кураш шароитида Марказий ва Жануби-Шарқий Европа мамлакатларида янги ҳокимиятнинг дунёга келиш жараёни бормокда эди. Гитлерчилар Германияси тор-мор қилиниши билан у ташкил этган ҳарбий-фашист давлат аппарати йўқ қилиб ташланди. Янги, халқ-демократик ҳукуматларда муҳим лавозим-

ларни коммунистлар эгаллар, улар, одатда, ички ишлар ва давлат хавфсизлиги органларига раҳбарлик қилар эдилар. Уларнинг аппарати асосан антифашист кураш қатнашчилари, ишчилар ва деҳқонлардан тузилар эди. Коммунистик партия *Демократик фронтдаги* бирдан-бир сиёсий партия бўлган Албанияда барча давлат органларида тўла ҳокимият коммунистлар қўлида эди. *Югославия коммунистик партияси* (ЮКП) ҳам давлат ҳокимиятининг ҳамма органларида етакчи позицияларни эгаллаб турар эди.

Бошқа мамлакатларда ҳокимият органларида Миллий фронт бўйича иттифоқчилар қатнашар эди. Болгариянинг *Ватан fronti* ҳукуматига коммунистлар, социал-демократлар, деҳқонлар партияси — *Болгария деҳқончилик халқ иттифоқи* (БДХИ) ҳамда ўрта ҳол буржуазия ва бир қисм деҳқонларнинг манфаатларини ифода этувчи «Звено» группаси кирди. Бу коалицияда *Болгария коммунистик партияси* (БКП) етакчи роль ўйнар эди.

Польшада кучларнинг ўзига хос жойлашиши вужудга келди. ПХОК га коммунистлар (*Польша ишчи партияси* — ПИП), социалистлар, деҳқонлар ҳаракати сўл қанотининг вакиллари ва унча катта бўлмаган Демократик партия (майда буржуазия, ҳунармандлар) кирди. *Миллий бирлик* ҳукумати (1945 йил июнь) составига демократик кучлар томонидан ишлаб чиқилган ўзгартишлар программасига розилик билдирган С. Миколайчик ва бошқа буржуа арбобларининг киритилиши либерал буржуазиянинг ҳокимиятни амалга оширишда иштирок этишига имкон берди. Ҳокимиятнинг ишчилар синфи билан буржуазия ўртасида ҳаммадан кўра аниқроқ бўлиниши Чехословакияда юз бериб, бу ерда *Миллий фронт* ҳукумати составига коммунистлар ва социал-демократлар билан бир қаторда учта буржуа партияси — миллий-социалистик, халқ партияси ва словак демократик партияси вакиллари кирдилар. Руминияда 1944 йил 23 августдаги антифашист кўзғолони натижасида ҳокимият тепасига келган ҳукумат буржуа-помешчиклар ҳукумати эди ва фақат 1945 йил 6 мартдагина король «қуйдан» бўлган сиқувга ён бериб, П. Гроза (1884—1958) бошчилигидаги халқ демократик ҳукуматнинг тузилишига розилик берди. Унда демократик кучларнинг вакиллари — коммунистлар, социал-демократлар, «Деҳқонлар fronti» партияси устун позицияларни эгаллади.

Марказий ва Жануби-Шарқий Европа мамлакатларида биринчи марта ҳокимият тепасига коммунистлар ва уларнинг *Миллий фронтларга* бирлашган иттифоқчилари келди. Октябрь революциясидан кейинги Совет ҳокимиятидан фарқли ўларок, халқ-демократик ҳокимияти анча кенг синфий иттифоқка асосланган эди.

**3. Умумдемократик, антимонополистик ўзгаришлар.** Аграр-деҳқонлар масаласи ғоят муҳим социал-иқтисодий масала бўлиб, бир қанча мамлакатларда бу масалани хал қилш улар фашизмдан тўла озод бўлишидан олдинок бошланган эди. Ишчилар синфи билан деҳқонлар иттифоқининг мустақкамлиги ва революцион

жараённинг янада ривожланиши ана шу масаланинг ҳал қилинишига боғлиқ эди. Унга «Ер — ишлаганники» деган принцип асос қилиб олинди. Помешчикларнинг ерлари ва черков-монастир ерлари (Польша ва Руминиядан ташқари) мусодара қилинди ва қисман унча катта бўлмаган ҳақ эвазига энг аввало ерсиз ва кам ерли деҳқонлар ўртасида таксимланди, қисман эса давлат мулкига айлантирилди. Босқинчилар билан ҳамкорлик қилганларнинг ерлари ҳам мусодара этилиши керак эди.

Аграр масала ерни национализация қилиш асосида ҳал этилган Совет Россиясидан фарқли ўлароқ Марказий ва Жануби-Шарқий Европанинг барча мамлакатларида ер деҳқонлар ихтиёрига ўтган эди. Шу тарика уларнинг буржуа тузуми ҳукмронлик қилган даврдаёқ илгари суриб келинган талаблари кондирилди. Энг катта ер майдонини 20—100 га қилиб белгилаб қўйиш ҳамда ер ислоҳоти бўйича теккан ерларни олиш ва сотишни тақиқлаб қўйиш кишлоқ хўжалигида капиталистик муносабатларнинг ривожланиши учун тўсиқ бўлар эди.

Югославия ва Болгарияда аграр ислоҳотлар қисман кишлоқ буржуазиясининг мулкига ҳам даҳл қилди. Бу мамлакатларда 1944—1945 йиллардаёқ дастлабки ишлаб чиқариш кооперативлари тузила бошлаган эди.

Ислоҳотлар «юкоридан» туриб — давлат органлари томонидан ҳам, шунингдек «қуйидан» туриб — деҳқонлар комиссиялари, «ер талаб қилувчи комитетлар» (Венгрия) томонидан ҳам амалга оширилди. Реакция аграр ўзгаришларга қаттиқ қаршилик кўрсатган мамлакатларда деҳқонлар комиссиялари ишчилар синфининг мададида ислоҳот душманларининг қаршилигини енгдилар. Кишлоқда ишчи бригадалари мадад берар, улар экишда, ҳосилни йиғиб олишда, техника ремонтда ёрдам кўрсатар эдилар. Бу ҳол ишчилар синфи билан деҳқонлар иттифокини мустаҳкамлашга, деҳқонларнинг бир қисмидаги халқ-демократик ҳокимиятга ишончсизликни енгилтиришга ёрдам берар эди.

Аграр ислоҳотлар ҳамма мамлакатларда қаттиқ синфий кураш вазиятида амалга оширилди. Ислоҳотнинг моҳиятини ўзгартиришга уринишлар ҳам қилинди.

Польшада аграр ислоҳот масалалари бўйича министр лавозимини эгаллаб турган С. Миколайчик ўзининг аграр ўзгартиришлар программасини илгари сурди. Бу программа 10 гектардан 50 гектаргача ери бўлган йирик деҳқон хўжалиқларини барпо этишни назарда тутар эди. У деҳқонлар ҳаракатини ажратиб юборди ва Польша деҳқонлар партиясини (Польске строиництво людове -- ПСЛ) ташкил этди. Бу партия амалда Миллий фронтда оппозиция ролини ўйнай бошлади. Болгарияда БДМИ ўнг қанотининг раҳбари Н. Петков бу партияди бўлиб юборди ва оппозициячи ташкилот тузди. Албания, Югославия, Венгрия ва Чехословакияда деҳқонлар орасида анча катта таъсирга эга бўлган католик черкови аграр ислоҳотларга қарши чиқди.

Деҳқонларни ўз томонларига қаратиб олиш учун курашда коммунистлар сўл деҳқонлар партиядари ва группировкаларига, чунончи Руминияда *Деҳқонлар фронти*, Болгарияда *БДХИ*, Польшада *Деҳқонлар партиясини*, Венгрияда *Миллий-деҳқонлар партиясини*



*сига* таянар эдилар. Дехқонларга хос иккиланишларга қарамай, улар аста-секин ишчилар синфининг тарафини ола бошладилар. Бунга аграр ўзгаришларни амалга ошириш ҳам, шунингдек халқ ҳокимиятининг дехқонларга ёрдам кўрсатишга қаратилган сиёсати — солиқларни, ижара ҳақини камайтириш, арзон кредит бериш ва шу кабилар ёрдам берар эди. Реакцион кучларнинг қаршилик кўрсатишига қарамай, Марказий ва Жануби-Шарқий Европа мамлакатларининг кўпчилигида 1948 йилга келиб аграр ислохотлар асосан тамомланди. Ислохот аввалига чех ва словак йирик ер эгалигига даҳл қилмаган Чехословакияда ҳамда монархия тугатилгунга қадар король оиласи ўз мулкларини сақлаб келган Руминияда аграр ўзгаришлар буржуазия устидан ғалаба козонилганидан кейин охирига етказилди.

Ер ислохотлари натижасида помещиклар синфи йўқ бўлди, ернинг кўпчилик қисми дехқонлар мулкига айланди, ўрта ҳол дехқонлар сони кўпайди, кишлоқ буржуазиясининг меҳнаткаш дехқонларни эксплуатация қилиш имкониятлари қискарди. Бирок ер майдонларининг камлиги ерга мухтожларнинг ҳаммасини қаноатлантириш имконини бермади. Кишлоқда «ортиқча ишчи қўллар» муаммоси қисман ҳал қилинди, холос.

Миллий фронтларнинг программаларида капиталистик мулкни йўқотиш талаби тўғридан-тўғри қўйилмаган эди, лекин уларда фашист давлатлар мулкни олиб қўйиш ҳамда миллатга хиёнат қилганлик учун жазолаш кўзда тутилган эди.

Югославия, Албания ва Польшада ишчилар синфи антифашист, ватанпарварлик шиорлари остида амалда ишлаб чиқариш воситаларининг анча қисмини қўлга киритди ва қонун ҳужжатлари қабул қилинишидан олдинок буржуазияни муҳим иқтисодий позициялардан маҳрум қилди.

Миллий фронтга фақат ишчилар синфи ва меҳнаткашларнинг нопролетар қатламигина эмас, балки буржуазиянинг антифашист қисми ҳам кирган Чехословакияда гитлерчилар давлатига, немислар, венгрлар ва хоинларга қарашли бўлган корхоналар миллий (давлат) бошқаруви остига ўтди. Бу фақат немис капиталининггина эмас, балки чех ва словакия буржуазияси энг реакцион қисмининг ҳам мавқеи йўқотилганлигини англатар эди.

Маҳаллий буржуазия уруш йилларида мамлакатнинг хўжалик ҳаётини герман капиталига бўйсундирган, бирок гитлерчилар билан бевосита ҳамкорлик қилмаган Болгария, Венгрия ва Руминияда фашист давлатларнинг мулкидан ташқари ана шу буржуазияга қарашли ишлаб чиқариш воситаларининг озгина қисми тортиб олинди холос. Бунинг устига халқ-демократик ҳукуматларнинг фаолияти Иттифоқчи контроль комиссиялари томонидан назорат қилиб турилди. Бу комиссиялар составига СССР, Буюк Британия ва АКШ вакиллари кирган эдилар. Ана шундай шароитда коммунистлар буржуазиянинг фаолиятини давлат органлари ва ишчилар синфи томонидан контрол қилиб туриш йўли би-

лан уни иктисодий позицияларидан аста-секин сиқиб чиқариш учун кураш олиб бордилар.

4. «Ким кимни?» масаласининг ҳал қилиниши. Ишчилар синфи умумдемократик, антимонополистик вазифаларни ҳал қилиш учун курашда меҳнаткашлар оммасига бошчилик қилиб, социалистик мақсадларни амалга оширишга ўтишга интилди. Бунинг учун социалистик революциянинг сиёсий армиясини вужудга келтириш, яъни меҳнаткашларнинг нoproлетар қатламларини ишчилар синфи раҳбарлиги остида бирлаштириш, буржуазияни яққалаб қўйиш керак эди. Коммунистик партиялар мана шу йўлни қўллаб-қувватлаши мумкин бўлган сиёсий партиялар ва ташкилотлар билан, энг аввало социал-демократик (социалистик) ва дехқонлар партиялари билан, ана шу партиялардаги сўл оқимлар билан иттифоқни сақлаб қолиш ва мустақкамлаш учун курашдилар. Буржуазия социал-демократик ва дехқонлар партияларининг ўнг элементлари орасидаги ўз таъсирдан фойдаланиб, уларни ўз томонига жалб қилишга ҳаракат қилар эди. Ишчилар синфи билан буржуазия ўртасидаги эндиликда асосий бўлиб қолаётган зиддиятни ҳал қилиш синфий ва сиёсий кучларнинг жойлашишига, ким — ишчилар синфими ёки буржуазиями — оммани ўзига эргаштира олишига боғлиқ эди.

1945 йил 29 ноябрда Таъсис скупщинаси депутатларнинг аксарият кўпчилик овози билан *Югославия Федератив Халқ Республикаси* (ЮФХР) ташкил этилганлигини эълон қилди. 1946 йил январда қабул қилинган конституция мамлакатда бутун ҳокимият халқдан чиқади ва халқ ихтиёрида бўлади, деб белгилаб қўйди. Конституция асосида кўпчилик саноат корхоналари, транспортни, молия системасини, улгуржи савдони национализация қилиш ҳақида қонун қабул қилинди. Саноатни батамом национализация қилиш 1948 йил апрелда тугалланди.

Албанияда 1946 йил январда конституция қабул қилиниб, у Албанияни *Халқ Республикаси* деб эълон қилди. 1946—1947 йилларда *Халқ мажлиси* национализация тўғрисида бир канча қонунлар қабул қилдики, уларнинг натижасида давлат сектори саноат маҳсулотининг 85 процентдан ортиқроғини ишлаб чиқарди.

Польшада Миколайчик партияси ва уни қўллаб-қувватлаб турган реакцион кучларга қарши кескин кураш вазиятида 1946 йил январда қонун чиқарувчи олий ҳокимият органи — Крайова Рада Народова 50 дан ортиқ ишчи ишлайдиган йирик ҳамда ўртача корхоналарни национализация қилиш тўғрисида қонун қабул қилди. Давлат сектори экономикада етакчи роль ўйнай бошлади. ПСЛ бу қонунни амалга оширишни тўхтатиб қўйишга уринди, лекин сиёсий курашда мағлубиятга учради. 1947 йил январда сеймга ўтказилган сайловда демократик блок партиялари ишончли ғалаба қозондилар. Улар ПСЛ иштирокисиз янги ҳукумат туздилар. Шундан кейин тез орада Миколайчик чет элга қочиб кетди, унинг партияси эса парчаланиб кета бошлади.

Венгрияда 1945 йил ноябрда *Миллий мажлисга* сайловда дехконлар ҳамда шаҳар майда буржуа қатламлари орасида катта таъсирга эга бўлган *Майда қишлоқ хўжайинлари партияси* (МКХП) сайловчилар овозининг 57 процентини қўлга киритди. Коммунистлар ташаббуси билан Миллий фронт доирасида *Сўл блок* тузилиб, унга компартия, социал демократлар ва миллий-дехконлар партияси кирди. Компартия шахталарни национализация қилиш ҳамда бир канча йирик корхоналарнинг давлат бошқарувига ўтиши ҳақида қонунлар қабул қилинишига эришди. Мамлакатда реакцияга қарши кураш жараёнида сиёсий кучлар қайтадан группаланиб олдилар. Давлат мажлисига ўтказилган янги сайловда Сўл блок овозларнинг 45,5 процентини, МКХП эса атиги 15,4 процентини олди. Янги ҳукуматда раҳбарлик лавозимлари ишчилар синфи партиялари ва уларнинг иттифокчилари қўлида эди. Бу ҳол 1947 йил охирида банклар, йирик корхоналарни национализация қилиш имконини берди. Буржуазия фақат енгил саноатдагина ўз позицияларини сақлаб қолди.

Руминияда П. Гроза бошчилигидаги *Миллий-демократик фронт* ҳукумати ишлаб чиқариш устидан давлат назоратини кенгайтириб борди, буржуазиянинг мамлакат экономикасини тиклашга қаратилган чораларни саботаж қилишига барҳам беришга интилди. Буржуазияни қирол саройи ва монархнинг ўзи қўллаб-қувватлар эди. У ҳукумат қарорларини имзолашдан бош тортди. Бирок бу қарорлар қороль тасдиқламаса ҳам амалга оширилаверди. 1946 йил майда коммунистлар ташаббуси билан *Демократик партиялар блоқи* (ДПБ) ташкил этилиб, унга социал-демократлар, дехконлар fronti ҳамда буржуа партияларидан ажралиб чиққан группировкалар кирди. 1946 йил ноябрда *Буюк халқ мажлисига* бўлган сайловда ДПБ овозларнинг 80 процентини қўлга киритди. Буржуа партиялари тез орада жамиятдаги ўз позицияларини йўқотдилар ва яшашдан тўхтадилар. Коммунистлар иттифокчиларни ўз теваракларида жипслаштирдилар ва ғалаба қилдилар. 1947 йил 30 декабрда реакциянинг энг сўнгги ошқора кўргони бўлиб қолаётган монархия тугатилди, Руминия эса *Халқ Республикаси* деб эълон қилинди.

Болгарияда ҳам революцион жараён шу тарика ривожланиб борди. 1946 йил 15 сентябрда референдум ўтказилиб, унинг иштирокчиларининг қарийб 95 проценти монархияни тугатишни ёқлаб овоз берганлиги натижасида Болгария *Халқ Республикаси* (БХР) деб эълон қилинди. Мамлакатнинг янги Конституциясини ишлаб чиқиши керак бўлган *Буюк Халқ мажлисига* тез орада ўтказилган сайловда сайловчиларнинг 53 процентдан ортиқроғи коммунистларга овоз берди (*Ватан fronti* (ВФ) партиялари учун ҳаммаси бўлиб сайловчиларнинг 88 проценти овоз берди). ВФ янги ҳукуматига компартия раҳбари Георгий Димитров (1882—1949) бошчилик қилди.

Коммунистлар ва уларнинг иттифокчилари янги конституция социалистик характерда бўлишига эришдилар. 1947 йил декабрда

қабул қилинган бу конституция капиталистик мулкни национализация қилиш учун юридик негиз яратиб берди. Шундан кейин хусусий корхоналар ва банкларни давлатга топшириш ҳақида қонунлар қабул қилинди.

Марказий ва Жануби-Шарқий Европа мамлакатларида асосий ишлаб чиқариш воситаларини национализация қилиш усулларини таққосласак, уларнинг хилма-хиллигини кўришимиз мумкин. Югославия, Албания ва Польшада буржуазиядан тортиб олинган ишлаб чиқариш воситалари дарҳол давлат мулкига ўтган ва бу ҳақдаги тегишли қонунлар 1946 йилдаёқ қабул қилинган эди. Болгария, Венгрия ва Руминияда давлат ва ишчилар контроли системасидан капиталистик мулкни тугатишга ўтиш аста-секин амалга ошириб борилди. Бу ўтиш 1947 йилда национализация қилиш тўғрисида қонунлар қабул қилиниши билан тугалланди.

Ишчилар синфи билан буржуазия ўртасидаги зиддиятни ҳал қилиш учун курашда коммунистик партиялар кенг меҳнатқашлар оммасини чуқур социал-иктисодий ва сиёсий ўзгаришлар қилиш ва шу тариқа буржуазияни яқкалаб қўйиш зарурлигига ишонтира олди. Бу кураш умумдемократик вазифаларни ҳал қилиш учун кураш билан барабар олиб борилди ҳамда ишчилар синфи ва коммунистик партияларнинг раҳбарлик ролини мустаҳкамлади.

**5. 1948 йил февралда Чехословакияда буржуазия устидан қозонилган ғалаба.** Чехословакияда ишчилар синфи курашнинг турли шаклларида фойдаланиб, буржуазиянинг позицияларига ҳужум қилди. Президент Бенеш декрети билан 1945 йил октябрида антифашист, ватанпарварлик акцияси сифатида йирик корхоналар, банклар ҳамда фашист оккупантлар ва хоинларнинг мулклари национализация қилинди. Миллий фронт ҳукуматига кирган буржуа партиялари ишчилар синфига охириги марта ён бердик ва революция шу билан тамом бўлди, деб ҳисоблар эдилар. Революцияни янада ривожлантиришни ёқлаб чиққан ЧКП **1946 йил** майда Қонун чиқарувчи мажлисга сайловда миллий фронтга кирувчи бошқа барча партияларга қараганда ҳаммадан кўп овоз тўплади (38 процент). ЧКП раҳбари Клемент Готвальд (1896—1953) янги ҳукуматга бошчилик қилди.

Ҳукумат программаси тўғрисидаги масалада ЧКП билан унинг шериклари ўртасида жиддий келишмовчиликлар пайдо бўлди. 1947 йил охирида ЧКП га қарши қаратилган буржуа партиялари блоки тузила бошлади. 1948 йил 20 февралда ана шу партияларнинг аъзолари бўлган министрлар ҳукуматдан чиққанликларини маълум қилдилар. Бунга жавобан коммунистлар меҳнатқашлар оммасига мурожаат қилиб, Миллий фронтга хиёнат қилаётганларга қарши чиқишга чақирдилар. 21 февралда Праганинг Старомест майдонида бўлган оммавий митинг қатнашчилари «Биз Клемент Готвальд ҳукумати реакционер-министрларсиз бўлишини хоҳлаймиз!» деган резолюция қабул қилдилар. Сўл социал-демократлар коммунистлар томонига ўтдилар. Буржуа партиялари-

нинг оддий аъзолари ўзларининг ўнг лидирлари тутган позицияни кораладилар.

Қорхоналарда коммунистлар ташаббуси билан Халқ милицияси ташкил этилиб, у қорхоналарни ўз ҳимоясига олди.

Коммунистларнинг ракибларига хайрихоҳ бўлган президент Бенеш ҳукумат танглигини хал қилишни орқага сурди, лекин 25 февралда Готвальднинг Миллий фронт тарафдорлари бўлган министрлар билан тўлдирилган ҳукумат фаолиятни давом эттирсин деган таклифига қўшилишга мажбур бўлди. Бу ҳокимият масаласи тинч йўл билан ишчилар синфи ва унинг иттифокчилари фойдасига хал бўлганлигини англатар эди.

**6. Германия Демократик Республикасининг ташкил топиши.** Совет ҳарбий маъмурияти (ГСХМ) Шарқий Германияда демилитарлаш, денацификациялаш ва демократиялаш сиёсатини ўтказиши натижасида фашист давлат аппарати йўқ қилиб ташланди, нацистлар партияси тарқатиб юборилди, нацистлар ва ҳарбий жиноятчилар ҳаққоний жазога тортилдилар. *Германия Коммунистик партияси* (ГКП), сўнгра эса *социал-демократик партия* (ГСДП) ва буржуа демократик партиялари — *Христиан-демократик иттифоқи* (ХДИ), *Либерал демократик партия* (ГСДП) ўз фаолиятларини янгидан бошладилар. Бу партиялар антифашист-демократик блокни ташкил этдилар. ГСХМ зарур ўзгаришларни амалга оширган вақтида ана шу блокка таяниб иш кўрди. **1946 йил апрелда** ГКП билан ГСДП марксизм-ленинизм принциплари асосида *Германия бирлашган социалистик партиясига* (ГБСП) бирлашганларидан сўнг ишчилар синфининг позицияси янада мустаҳкамланди. Бирлаштирувчи съездда бу партияларнинг раҳбарлари — Вильгельм Пик (ГКП) ва Отто Гротеволь (ГСДП) қўл бериб кўришганлари немис ишчилар синфи сафларидаги ажралишга барҳам берилганлигининг белгиси эди. ГБСПнинг ташкил этилиши антифашист, демократик ислохотларни амалга оширишда ишчилар синфи раҳбарлик ролини ўйнашга таъминлаб берди.

Аграр ислохот мамлакатдаги энг реакцион кучлардан бири бўлган юнкерликни тугатди. Юнкерлик ерларининг кўпчилиги қишлоқ хўжалик ишчилари, кам ерли деҳқонлар ҳамда Польша, Чехословакия ва РСФСРнинг Калининград областидан кўчиб келганлар ўртасида тақсимланди. Мусодара қилинган ерларнинг бир қисмида халқ мулклари ташкил этилди.

Монополистик бирлашмалар тугатилди, уларнинг мулкларини эса ГСХМ демократик ўз-ўзини бошқарув органларига топширди. Нацистлар ва ҳарбий жиноятчиларнинг мулки национализация қилинди, бу эса денацификация сиёсатининг таркибий қисми эди. Бу чоралар натижасида саноатда ишлаб чиқаришнинг барча муҳим тармоқларини бирлаштирган халқ сектори вужудга келди. Майда ва ўрта қорхоналар национализация қилинмади.

Нацистлар идеологиясини илдизи билан қуритиш ва ёш авлодни антифашизм руҳида тарбиялаш учун таълим системаси

кайта қурилди. Реакцион ўқитувчилар мактабда ишлашдан чет-латилди ва нацистлар даврида қувиб юборилган педагоглар қайтарилди. Кўпгина ишчи коммунистлар ўқитувчи ва тарбиячи бўлдилар. Олий ўқув юртарининг эшиклари ишчилар ва деҳқонлар учун очилди.

Антифашист демократик ўзгаришларни изчиллик билан ўтказиб келган ГСХМ ва ГБСП нинг сиёсатини деҳқонлар ва майда буржуазия қўллаб-қувватлади. 1948 йилда янги пайдо бўлган икки партия — *Демократик деҳқонлар партияси* ҳамда аҳолининг ўрта қатламларининг, шунингдек собик нацистлар партиясининг ўз ўтмиши билан алоқасини узган оддий аъзоларининг вакили бўлган *Национал-демократик партия* ГБСП бошчилигидаги партиялар блокига қўшилди.

Шаркий Германияда амалга оширилган ўзгаришлар антифашист-демократик революция вазифалари амалга оширила бошлаганини англатар эди. 1949 йил 7 октябрда Берлинда *Германия Демократик Республикаси* эълон қилинди. ГДРнинг ташкил этилиши немис халқи тарихида бурилиш нуктаси бўлди: Германия тарихида биринчи марта ўларок ишчилар ва деҳқонларнинг тинчликсевар демократик давлати вужудга келди. Совет ҳукумати Шаркий Германияни бошқаришни Отто Гротеволь (1894—1964) бошчилик қилган ГДР ҳукуматига топширди. ГДР Президенти қилиб К. Либкнехт ва Р. Люксембургнинг сафдоши Вильгельм Пик (1876—1960) сайланди.

**7. Совет Иттифоқининг халқ демократияси мамлакатларига кўрсатган ёрдами.** Марказий ва Жануби-Шаркий Европа мамлакатларидаги халқ-демократик ҳокимиятлар Совет Иттифоқининг сиёсий ва иқтисодий ёрдамига таянар эди. Польша, Чехословакия, Болгария, Венгрия ва Руминия территориясида турган совет қўшинлари бу давлатларнинг ички ишларига аралашмас эди, лекин уларнинг мавжудлиги революцион жараённинг ривожланишига ҳалақат беришга интилган ички реакциянинг ҳаракатларини бўғиб турди ва унга граждандар урушини бошлаш учун имконият бермади. Халқаро майдонда Совет Иттифоқи ғарб давлатларининг буржуа оппозицияси билан биргаликда капиталистик тузумни тиклаш йўлидаги ҳамма уринишларига қарши турди. Болгария, Венгрия ва Руминиядаги социал-сиёсий ўзгаришларнинг халқаро кўламда эътироф этилиши бу мамлакатларда революцион жараённинг янада ривожланиши учун қулай шароит яратди. Сулҳ шартномалари тузилганидан кейин (1947 йил февраль) СССР Болгария, Венгрия ва Руминиянинг БМТга қабул қилиш ҳақидаги илтимосларини қўллаб-қувватлади, лекин ғарб давлатлари то 50-йилларнинг ўрталаригача бунга қаршилиқ қилиб келдилар.

Совет ҳукумати Марказий ва Жануби-Шаркий Европа халқларига озиқ-овқат, хом ашё, кредит бериб кўрсатган ёрдам уларнинг уруш даврида ва оккупация туфайли вайрон бўлган экономикасини тиклаш билан боғлиқ қийинчиликларни енгишда муҳим

роль ўйнади. СССР халқ демократияси давлатлари билан бир қатор савдо-иқтисодий битимлар тузди. Бу битимлар кенг иқтисодий алоқаларга асос солди ва ана шу давлатлар халқ хўжалигини ривожлантириш учун замин хозирлади. Совет ҳукумати Болгария, Венгрия ва Руминия сулҳ шартномалари бўйича тўлашлари керак бўлган репарациялар суммасини камайтирди. Бир қатор мамлакатларга Совет Иттифоқи ҳақли бўлган немис ўлжа мулкларининг каттагина қисми топширилди. Совет Иттифоқи билан халқ демократияси мамлакатлари ўртасида вужудга келган дўстона муносабатлар дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартномаларда мустаҳкамланди. Бу мамлакатлар бир-бирлари билан ҳам ана шундай шартномалар тузишди. 1950 йилда ИХР билан ГДР ўртасида шартнома имзоланиб, у икки давлатнинг Одер ва Ғарбий Нейсе дарёлари бўйлаб ўтадиган чегаралари бузилмаслигини тасдиқлади. Ана шу шартномаларнинг ҳаммаси халқ-демократик давлатларининг халқаро мавқеини мустаҳкамлади, уларнинг ҳамдўстлиги учун пойдевор яратди.

**8. 40-йиллардаги революцияларнинг характери.** Марказий ва Жануби-Шарқий Европа мамлакатларидаги 40-йиллар революциялари уларнинг синфий ва сиёсий кучлар нисбати билан вужудга келган ички шароитларига мувофиқ ривожланиб борди. Бу ҳол революцион жараённинг ўзига хослигини, унинг суръатларини, етилган муаммоларни ҳал қилиш шакллари ва усулларини белгилаб берди. Шу билан бирга революцияларнинг муштарак жиҳатлари ҳам бор эди. Революцияларнинг бошланғич нуқтаси фашизмни ва монополистик капитал ҳукмронлигини йўқотиш учун, миллий мустақилликни тиклаш учун курашдан иборат бўлди. Ана шу вазифаларни ҳал қилишдан ишчилар синфи бошчилигидаги меҳнаткашлар оммаси ҳам, шунингдек ўрта буржуазиянинг бир қисми ҳам манфаатдор эди. Коммунистик партиялар бошчилик қилган ишчилар синфи раҳбарлик ролини ўйнамоқда эди. Марказий ва Жануби-Шарқий Европа мамлакатларининг кўпчилигида революциялар натижасида ўрнатилган давлат ҳокимияти *пролетариат билан деҳқонларнинг революцион-демократик диктатураси эди.*

40-йиллар революциялари антифашист, антиимпериалистик, умуммиллий вазифаларни (миллий мустақилликни тиклаш), аграр мамлакатларда эса — антифеодал вазифаларни ҳам ҳал қилди. Ишчилар синфи ўз иттифокчилари билан биргаликда экономикада раҳбарлик позицияларини эгаллаб олди ва аста-секин ўз сиёсий позицияларини кенгайтирди, бунинг натижасида буржуазия тинч йўл билан, граждандар урушисиз ҳокимиятдан четлатилди. Бу эса пролетариат ва деҳқонларнинг революцион демократик диктатураси *пролетариат диктатурасига* ўсиб ўтганлигини англатар эди.

Шундай қилиб, *40-йилларнинг революциялари буржуа-демократик революциялар доирасидан чиқиб, янги типдаги революциялар, халқ-демократик революциялари бўлди.* Чехословакияда

революцияни *миллий-демократик революция* деб, ГДРда — *антифашист-демократик революция* деб атайдилар.

Халк-озодлик уруши шароитида ишчилар синфи билан буржуазия ўртасида ажралиш юз берган Югославияда революцион жараён аввал бошданок *социалистик йўналишдан* борди. Бу эса у ерда *социалистик революция* юз берганлигини, ҳокимият эса *пролетариат диктатураси* вазифаларини бажарганлигини англатар эди. Бирок Югославияда ҳам революция маълум даражада умумдемократик вазифаларни бажарди.

40-йиллар революциялари ўз олдиларида турган вазифаларни бажарибгина қолмасдан, шу билан бирга революцион жараённинг навбатдаги босқичга — социалистик ўзгаришлар босқичига ўтиши учун зарур шарт-шароитларни ҳам яратди.

Шуни назарда тутиш керакки, 40-йиллар революцияларининг характери масаласида тарих фанида яқдил фикр йўк. Кўпгина олимлар бу революциялар йўл-йўлакай демократик вазифаларни ҳал қилган социалистик революцияларнинг бир тури деб ҳисоблайдилар.

#### Савол ва топшириқлар.

1. Реакцион буржуа тарихчилари Марказий ва Жануби-Шарқий Европа мамлакатлари революцияларга тайёрланган эмас эди ва бу революциялар «совет тиглари» ёрдамида ташқаридан «олиб кирилган эди», деб даъво қиладилар. Сизнинг нуктаи назарингиз қандай? 40-йиллар революцияларининг тарихан қонуний бўлганлигини исботланг. 2. Миллий фронтларда ишчилар синфи раҳбарлиги остида факат меҳнатқашлар оммасигина эмас, балки бир қанча мамлакатларда буржуазиянинг ҳам бир қисми бирлашишига ёрдам берган факторларни кўрсатинг. 3. 40-йиллар революцияларининг синфий моҳиятини ва ҳаракатлантирувчи қучларини аниқланг. 4. Аграр ислохотларнинг йўналишлари ва натижалари қандай? 5. Ишчилар синфи билан буржуазия ўртасидаги зиддият қандай йўллар билан ҳал қилинди? Турли мамлакатларда қўлланилган усуллари такқосланг. 6. Шарқий Германияда революцион ўзгаришларни амалга ошириш хусусиятларини таърифлаб беринг. 7. Сизнингча кўпчилик мамлакатларда пролетариат диктатурасини тинч йўл билан, граждандар урушисиз ўрнатишга нима имкон берди? 8. Халк-демократик революцияларининг натижаларини Улуғ Октябрь социалистик революциясининг натижалари билан такқосланг. Халк-демократик ва социалистик революцияларнинг ўхшашлиги ва фарқи нимада?

#### **27—28- §. Марказий ва Жануби-Шарқий Европа мамлакатларида социализм асосларини қуриш**

1. Халқ демократияси — пролетариат давлат ҳокимиятининг янги формаси. 40-йиллар революциялари натижасида Марказий ва Жануби-Шарқий Европа мамлакатларида қарор топган давлат тузуми Совет ҳокимияти билан бир қаторда пролетариат диктатурасининг формаси бўлиб қолди. Бу форманинг хусусияти эски давлат институтларини аста-секин ўзгартиришдан ҳамда озодлик кураши даврида вужудга келган, демократик партияларнинг, буржуа элементларидан тозаланган миллий фронтларнинг блоки-



ни саклаб қолишдан иборат эди. Халқ демократиясининг синфий мазмуни В. И. Лениннинг қуйидаги қондасига мос келар эди: «Пролетариат диктатураси меҳнаткашларнинг авангарди бўлган пролетариат билан пролетар бўлмаган бирталай меҳнаткаш қатламлар майда буржуазия, майда хўжайинлар, деҳқонлар, интеллигенция ва бошқа шу қабилар ёки буларнинг кўпчилиги ўртасидаги синфий иттифокнинг... социализмни узил-кесил барпо қилиш ва мустақкамлаш мақсадида тузилган иттифокнинг алоҳида формасидир (Ленин В. И. Тўла асарлар тўплами — 38-том, — 439—440-бетлар).

Ижтимоий-сиёсий ҳаётда ишчилар синфининг роли кучайишига, пролетариат диктатураси мустақкамланишига ишчилар ҳаракатида тарихан вужудга келган ажралиш барҳам топганлиги ёрдам берди. Коммунистлар ва сўл социалистларнинг 40-йиллардаги революциялар ғалабаси учун биргаликда олиб борган курашларнинг яқинлашувига, социалистик ҳаракатдаги реформизм меросини енгиллаштиришга олиб келди. Сўл социалистлар — коммунистлар мададида таяниб, анъанавий социал демократик қарашларнинг тарафдорларини мағлубиятга учратганларидан ҳамда ўз партияларининг сафларидан қувиб чиқарганларидан кейин, уларнинг коммунистлар билан бирлашиши учун шароит етилди. Бу бирлашиш 1948 йилда марксизм-ленинизм платформасида юз берди ва ишчилар ҳаракатида марксча-ленинча йўналишнинг ғалаба қилганлигини англатди. Демократик партиялар ишчилар синфи ва унинг партияларининг раҳбарлик ролини, улар эълон қилган социалистик қурилиш программасини эътироф этдилар.

40-йиллар революцияларининг сиёсий ва иқтисодий натижалари 1946—1948 йилларда Польшада 1952 йилда қабул қилинган конституцияларда мустақкамлаб қўйилди. Бу конституцияларда давлат ҳокимиятининг халқчил характери таъкидланди, давлатнинг ишлаб чиқариш воситаларига эгаллиги социал-иқтисодий тузумнинг негизи деб эълон қилинди ва айни вақтда кооператив ва хусусий мулкнинг мавжуд бўлишига йўл қўйилди. Социализм қуриш энг яқин орадаги вазифа қилиб қўйилди.

**2. Социализм асосларини қуришга ўтиш.** Ўтиш даври вазифалари буржуазия устидан тўла ғалаба қозонилганидан кейин, 40-йиллар охири — 50-йиллар бошларида изчил ҳал қилина бошлади. Иқтисодий тараққиёт даражаларидаги фарқлар социализмнинг моддий-техника базасини қуриш вазифалари хилма-хил бўлишини ҳам белгилаб берди. ГДР ва Чехословакия каби саноати ривожланган мамлакатларда мавжуд бўлган йирик машина индустриясига таянган ҳолда ишлаб чиқариш структурасини ўзгартириш, етарли даражада ривожланмаган тармоқларнинг даражасини кўтариш керак эди. Аграр-индустриал ва аграр мамлакатларда социалистик индустриалашни амалга ошириш керак эди. Қишлоқ хўжалигини социалистик асосда ўзгартириш барча мамлакатларнинг муштарак вазифаси эди.

Социалистик қурилиш йўлига ўтган давлатлар бу муаммони яқка ўзлари ҳал қилганлари йўқ. 1949 йил январда улар *Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши* УИЕК ташкил этдилар. Бу ташкилот унга кирувчи давлатларнинг иқтисодий ривожланишига ёрдам бериши, уларнинг куч-ғайратларини бирлаштириб туриши ва уйғунлаштириши керак эди.

Коммунистик ва ишчи партиялар ишлаб чиққан беш йиллик (Польшада олти йиллик) планлар оғир саноатни, биринчи навбатда машинасозликни, шунингдек, экономиканинг янги тармоқларини барпо этиш ёки ривожлантиришни асосий вазифа қилиб қўйган эди. Янги саноат марказлари: Нова Гута (ПХР), Димитровград (БХР), Дунауйварош (ВХР) қурила бошлади. Индустриалаш кишлоқ хўжалигини техника билан қайта қуроллантириш ва кишлоқда «ортиқча ишчи қўллар» муаммосини ҳал қилиш учун шарт-шароит яратар эди.

1948--1949 йилларда коммунистик ва ишчи партиялар томонидан қабул қилинган кишлоқни ишлаб чиқариш жиҳатидан кооперациялашга ўтиш ҳақидаги қарорларни деҳқонлар партиялари қўллаб-қувватлади. Бу даврга келиб улар ўз сафларини ўнг элементлардан тозаладилар. меҳнатқаш деҳқонлар партияларига айландилар ва социализм қуришни ўзларининг мақсадлари деб тан олдилар. Кўпчилик мамлакатларда нўншлаб чиқариш кооперациясининг хилма-хил шакллари: боғдорчилик-сабзавотчилик, таъминот-сотиш ва шу каби кооперациялар азалдан мавжуд эди. Албания, Болгария ва Югославияда одатда майда деҳқонлар томонидан ташкил этилган дастлабки ишлаб чиқариш кооперативлари, бошқа мамлакатларда эса ишлаб чиқариш бирлашмаларининг энг оддий формалари — ўзаро ёрдам группалари иш олиб бормоқда эди. СССРдан фарқли ўлароқ, кишлоқни социалистик асосда ўзгартириш деҳқонларнинг хусусий ер эгаллиги сақланиб қолгани ҳолда бошландики, бу кооператив аъзоларининг даромадлари фақат меҳнатга қараб эмас, балки умумий хўжаликка қўшилган ер улусининг катталигига қараб ҳам тақсимланишида ўз аксини топди. Кооперативлар ер, кишлоқ хўжалик инвентари ва чорва моллар оз ёки кўп даражада умумлаштирилганлигига қараб фарқланар эди.

Бошланиб кетган социалистик қурилиш билан бир қаторда йирик социал ўзгаришлар ҳам юз берди. Юз минглаб деҳқонлар саноат қурилишларига борар, ишчи касбларини ўрганар, тез ўсиб бораётган ишчилар синфи сафларини тўлдираар эдилар. Индустриалаш ишчилар синфининг йирик қорхоналарда тўпланишига, унинг билим даражаси ва ишлаб чиқариш малакаси ўсишига олиб келди. Қишлоқда янги синф кооператор-деҳқонлар синфининг вужудга келиш жараёни бошланди.

Маданий революция меҳнатқаштар оммасининг билим даражаси ва маданияти ўсишигагина эмас, балки уларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятга жалб қилинишига ҳам ёрдам берди. Янги, социалистик идеологиянинг қарор топиш жараёни бормоқда эди.

Бирок одамлар онгидан чуқур жой олган буржуа идеологияси хали ҳам уларнинг қарашларига таъсир ўтказмоқда эди. Бунга сабаб шу эдики, Марказий ва Жануби-Шарқий Европа мамлакатларидаги кўпчилик аҳолининг состави асосан нoproлетар эди. Шаҳар ва қишлоқда майда буржуача идеаллар ва анъаналар кенг ёйилган эди. Бунинг устига индустриялаш жараёнида ишчилар синфининг сафларини собиқ эксплуататор синфлар орасидан чиққан кишилар тўлдирган эди. Шундай қилиб, буржуа ва майда буржуа идеологиясининг социал базаси сақланиб қолмоқда эди.

**3. Социалистик қурилиш қийинчиликлари.** Социалистик қурилишнинг дастлабки натижалари муваффақиятли бўлиб чиқди: саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш топшириқлари ҳамма ерда бажарилди, меҳнаткашларнинг моддий аҳволи бирмунча яхшиланди. Бирок Марказий ва Жануби-Шарқий Европадаги бир қанча давлатларнинг раҳбарлари ўтиш даври шароитида жадал суръатлар билан индустриялаш ва қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш амалга оширилган СССРдаги социализм қуриш усуллари ва формаларини танқидий баҳоламасдан ўз мамлакатларига кўчира бошладилар.

Бир қанча мамлакатларнинг раҳбарлари социалистик экономикани барпо этиш соҳасидаги дастлабки муваффақиятларга ортиқча баҳо бериб юбордилар ва индустриялаш суръатларини жадаллаштириш вазифаларини илгари сурдиларки, бу ҳол қишлоқ хўжалигида қийин аҳволни вужудга келтирди. Қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини юксалтириш учун дастлаб планларда ажратилган маблағлар анча қисқартирилди. Дастлабки ишлаб чиқариш кооперативлари қисқа муддат ичида юксак даражада ишлаб чиқариладиган хўжаликларга айланиш ва дехқонларни коллектив ишлаб чиқаришнинг афзал эканлигига ишонтириш имконига эга эмас эдилар.

Қийинчиликлар шу билан ҳам мураккаблашган эдики, империализм социализм дунёсига қарши бошлаб юборган «совуқ уруш» муносабати билан социалистик давлатлар ўз мудофаа қобилиятларини мустаҳкамлаш учун кўп миқдорда маблағ сарфлашга мажбур эдилар. Бир қанча капиталистик давлатларнинг реакцион доиралари социализм мамлакатларидаги антисоциалистик кучлар ташқаридан берилган ёрдам билан социалистик тузумни ағдариб ташлаш учун аҳолининг вужудга келган қийинчиликлардан норози бўлишидан фойдаланиб қола олишларига умид боғлар эдилар.

Ана шу мураккаб вазиятда социализм қуриш программасини қабул қилган синфлар ва социал қатламлар билан иттифоклар системасига асосланган ишчилар синфи диктатурасини мустаҳкамлаш зарур эди. Бирок бир қанча коммунистик ва ишчи партиялар раҳбарлари орасида пролетариат диктатураси ҳақидаги ленинча тушунчага зид бўлган тасаввур — партия диктатураси тўғрисидаги тасаввур яшаб қолмоқда эди. Айрим раҳбарлар — Венгрияда М. Ракоши, Болгарияда В. Червенков, Албанияда Э.

Хўжа ва бошқалар ўзларининг хато қилмасликларига, доноликларига ишониб қолдилар. Шахсга сиғиниш раҳбарликнинг маъмурий-буйруқбозлик усуллари устун бўлиб қолишига, ленинча коллегиялик принциплари бузилишига олиб бормоқда эди. Сталиннинг социализм қуриш даврида синфий қураш кескинлашади, деган хато «назарияси» ялписига ишончсизлик вазиятини вужудга келтирар ва социалистик қонунчиликни бузиш учун асос бўлиб хизмат қилар эди. Гўё коммунистик партияларга чуқур ўрнашиб олган «синфий душманни» излаш бир қанча партия ва давлат арбобларига қарши асоссиз репрессияларга олиб келди. Фашизмга қарши қурашнинг таниқли қатнашчилари – Венгрияда Янош Кадар, Польшада Владислав Гомулка, Чехословакияда Густав Гусак, Болгарияда Трайчо Костов ва бошқалар ўзбошимчалик қурбони бўлдилар.

Социалистик мамлакатларнинг баъзи раҳбарлари Совет Иттифоқидаги ўзига хос шароитда вужудга келган бир партияли система тажрибасини догматик суратда ўз мамлакатларига кўчириб, у ерларда мавжуд бўлган нoproлетар партияларни «ўз умрини яшаб бўлган» партиялар деб ҳисоблар эдилар. Бундай қарашлар Болгария, Венгрия ва Польшада ҳаммадан кўп тарқалган эди. Венгрияда М. Ракоши деҳқонлар партияларига нисбатан билдирган ишончсизлик натижасида *МҚХП* ва *Миллий-деҳқонлар партияси* аста-секин ўз фаолиятини тўхтатди. Ликвидаторлик тенденциялари миллий фронтларга нисбатан ҳам намоён бўлиб, уларнинг ҳуқуқлари ва вазибалари торайтириб қўйилди.

Саноат ишлаб чиқаришнинг тез суръатлар билан ўсиб бориши ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг орқада қолиши ўртасидаги зиддиятни кўпинча қишлоқни коллективлаштиришни жадаллаштириш йўли билан ҳал қилишга уринар эдилар. Холбуки, дастлаб қабул қилинган планларда бундай вазифа қўйилмаган эди. Бунда В. И. Лениннинг «миллионларча майда деҳқон хўжаликларига фақат секин-аста, эҳтиётлик билан, фақат муваффақиятли амалий намуна кўрсатиш билангина таъсир қилиш...» ҳақидаги кўрсатмаси унутиб қўйилар эди (Ленин В. И. Тўла асарлар тўплами, 39-том, 429-бет).

Коллективлаштиришни амалга ошириш чоғида ихтиёрийлик принциплари бузилди, гарчи кооперативлар ва давлат хўжаликлари аҳолини қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлай олмасалар-да, яққаҳол деҳқонларнинг фаолияти чеклаб қўйилди.

Қўпол хатолар ва социализм принципларидан чекинишлар Марказий ва Жануби-Шарқий Европа мамлакатларининг иқтисодий ҳамда сиёсий ривожланишида қийинчаликлар келтириб чиқарди, социалистик қурилиш вазибаларини амалга оширишга тўсқинлик қилди.

Социалистик давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда ҳам хатоларга йўл қўйилди. ЮФХР Болқонда урушдан кейинги тузилишнинг баъзи масалаларини ҳал қилишда Совет Иттифоқи билан келишилмаган йўлни ўткази бошлади. Бунга жавобан Сталин

ЮКП раҳбарлари шаънига марксизм-ленинизмдан чекиниш ва миллатчиликда айбладан иборат асосиз даъволарни илгари сурди, бу даъволарни социалистик мамлакатларнинг компартиялари кўллаб-қувватладилар. ЮКП бу айбашларни рад этди. Низо партиялар ўртасида ўртоқларча мунозаралар олиб бориш йўли билан ҳал қилинмади ва партияларaro ҳамда давлатларaro жанжал тусига айланиб кетди. Унинг оқибатлари ҳар иккала томонга салбий таъсир кўрсатди ва умуман социализм манфаатларига зарар келтирди.

**4. Хатоларни тузатиш. Социалистик мамлакатлар ҳамкорлигининг кенгайиши.** Сталин вафотидан сўнг, 1953—1955 йилларда коммунистик партиялар социалистик қурилиш йўлини амалга оширишдаги жиддий камчиликларни очиб ташладилар ва ўз сиёсатларига маълум тузатишлар кирита бошладилар. Индустриалашнинг ҳаддан ташқари юқори суръатлари пасайтирилди, енгил саноат ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга солинадиган капитал маблағлар кўпайтирилди, ишлаб чиқариш кооперативларини ташкил этишда ихтиёрийлик принципларини бузиш қораланди. Қуйи типдаги кооперативларга кўпроқ эътибор берила бошлади. Бу кооперативларда деҳқонлар ер, чорва мол ва инвентарнинг эгаси бўлиб қолганлари ҳолда, ўз чек ерларининг бир қисминигина биргаликда ишлаш учун умумлаштирар эдилар. Яқкаҳол деҳқонлар давлатдан ёрдам ола бошладилар, деҳқонларнинг ўз қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотишига бўлган кўпгина чеклашлар бекор қилинди. Бу ўзгаришларнинг ҳаммаси саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг кўпайишига, аҳолининг турмуш даражаси бирмунча ошишига ёрдам берди. Бироқ бир қанча мамлакатларда, айниқса, Албания, Венгрия ва Польшадаги сиёсий йўлга киритилган тузатишлар етарли даражада изчил ва қатъий эмас эди.

Коммунистик ва ишчи партияларнинг сиёсатига КПСС XX съездининг қарорлари, хусусан социалистик қурилиш йўлига кирган ҳар бир мамлакатнинг тарихий ўтмишини ва миллий хусусиятларини ҳар томонлама ҳисобга олиш зарурлиги ҳақидаги ҳулосалар катта таъсир кўрсатди. Коммунистик ва ишчи партиялар партия ва давлат ҳаётининг ленинча нормаларини тиклашга, синфий иттифоқларни мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга, миллий фронтларнинг родини оширишга, социалистик демократияни ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқа бошладилар. Иттифоқчи партияларга нисбатан ликвидаторлик тенденцияларига барҳам берилди, уларнинг социалистик қурилиш ишига ўз ҳиссаларини кўшишлари учун имконият берилди. Бир қанча мамлакатларда асосиз репрессия қилинган граждaнларни оқлаш ишлари олиб борилди.

Янги беш йиллик планлар экономикани ҳар бир мамлакатларнинг реал имкониятларига мувофиқ ҳамда социалистик давлатларнинг ЎИЕК доирасидаги ўсиб бораётган ҳамкорлигини ҳисобга олган ҳолда ривожлантиришни белгилаб берар эди. ЎИЕК

аъзолари бўлган мамлакатлар бир-бирларига хом ашё, саноат ускуналари етказиб бериш, кредитлар ва қарзлар, техникавий ёрдам бериш ҳақида битимларни имзоладилар. 50-йиллар охирида ЎИЕК аъзолари бўлган мамлакатлар ишлаб чиқаришни ихтисослаштириш ва кооперациялаш зарур деган хулосага келдилар, ўз планларини мувофиқлаштира бошладилар.

Экономика соҳасидаги ҳамкорлик ҳарбий-сиёсий соҳадаги ҳамкорлик билан тўлдирилди: Европада тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш учун Албания, Болгария, Венгрия, ГДР, Польша, Руминия, СССР ва Чехословакия 1955 йил майда *дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида Варшава Шартномасини* имзолادилар. *Варшава Шартномаси Ташкилоти* (ВШТ) аъзолари иқтисодий ва ҳарбий имкониятларига мувофиқ ҳолда иттифоқнинг мудофаа қудратини мустаҳкамлашга ўз ҳиссаларини қўшар эканлар, барабар ҳуқуқлардан фойдаланадилар. Ҳаракатларни уйғунлаштиришни ва олий даражадаги раҳбарликни *Сиёсий маслаҳат комитети* (СМК) амалга оширади. Бу комитетнинг қарорлари яқдиллик принципи асосида қабул қилинади. Варшава Шартномаси катнашчилари СМК доирасида халқаро сиёсатнинг муштарак манфаатларга даҳлдор бўлган масалалари юзасидан маслаҳатлар ўтказадилар. ВШТ Бирлашган қўмондонлиги ихтиёрига ҳар қайси мамлакат ўз қуроли кучларини ажратади.

Шундай қилиб, *50-йилларда Совет Иттифоқи билан Европадаги социалистик давлатларнинг ўзаро яқинлашиш жараёни бормоқда эди. Бу жараёнга социал-иқтисодий ва сиёсий тузумнинг бир хилдалиги, туб манфаатлар ва мақсадларнинг муштараклиги асос эди.* Ана шу асосда давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг илдиэлари тарихий ўтмишга бориб тақаладиган қийинчиликлари бартараф этиб борилди. Совет ҳуқуматининг ташаббуси билан 1955—1956 йилларда Югославия билан муносабатлар нормаллаштирилди.

**5. Югославияда социалистик қурилиш хусусиятлари.** 1945 йил ноябрда составида тўла тенг ҳуқуқлилиқ принциплари асосида олти республика — **Сербия** (иккита автоном тузилмаси билан бирга), **Хорватия, Словения, Босния ва Герцеговина, Македония ва Черногория** — бирлашган ЮФХР нинг эълон қилиниши социалистик революция ғалабасини мустаҳкамлади. ЮКП ўтмишда буржуа Югославияси халқлари ўртасида бир неча бор кескин зиддиятларни келтириб чиқарган миллий масалани ҳал қилишнинг мамлакатдаги кўп миллатли аҳоли учун мақбул усулини топди. Социалистик революция ғалабаси, ЮКП раҳбарлиги остида асосий сиёсий ва социал-иқтисодий ўзгаришларнинг амалга оширилиши, халқ хўжалигининг тикланиши социализм қуришга ўтиш учун зарур шарт-шароитлар яратди.

СССР ва бошқа социалистик мамлакатлар билан низо вазиятида белгиланган планларини амалга оширишда жиддий қийинчиликлар туғилди. 1945—1948 йилларда таркиб топган экономикани бошқаришнинг марказлаштирилган системаси ўрнига янги

система шакллана бошлади. Бу система *ишларнинг ўз-ўзини бошқариши* системаси деган ном олди. Давлат корхоналарини бошқариш ишчи коллективларига топширилди, бу коллективлар ўз ораларидан *ишчилар кенгашларини* сайлар эдилар.

Давлатни бошқариш системаси ҳам ўзгартирила бошлади: марказий давлат органларининг бир қанча вазифалари республика ва маҳаллий органларга топширилди. Таъсис этилган ЮФХР президенти лавозимига ЮКП раҳбари Иосип Броз Тито (1892 -1980) сайланди.

Ўз-ўзини бошқариш системасининг ривожланиши ЮКП функцияларининг ўзгаришига олиб келди. Партиянинг номи *Югославия коммунистлар Союзи* ЮКС деб ўзгартирилди, «партиянинг раҳбарлик роли» тўғрисидаги қоида эса «партиянинг етакчи роли» деган қоида билан алмаштирилди. ЮКС иктисодий, давлат ва жамият ҳаётига бевосита аралашидан воз кечди ҳамда ўз йўлининг қабул қилинишига сиёсий ва идеологик фаолият ёрдамида, ишонтириш йўли билан эришмоқда. Халқ fronti *Югославия меҳнаткаш халқининг социалистик иттифоқи* ЮМХСИ га айлан-тирилди ва «ўз-ўзини бошқариш системасининг энг кенг сиёсий негизи» деб ҳисобланади.

Янги система шароитида социалистик индустриялаш сиёсати давом эттирилди, кам тараққий этган республикалар - Босния ва Герцеговина, Македония, Черногориянинг иктисодий колоклигини тугатиш жараёни давом этди. Қишлоқни оммавий суратда кооперациялаш етарли даражада тайёрланмаган бўлиб чиқди, кўпгина ҳолларда деҳқонларнинг кооперативларга кириши ихтиёрийлиги принципи бузилди. Бу ҳол кооперативларни қайтадан тузишга олиб келди: уларнинг бир қисми умумий типдаги кооперативларга (задруги) айланиб, таъминот-сотиш характерига эга бўлди, бир қисми эса ўз умрини тугатди. Қишлоқда капиталистик элементларнинг ўсишига тўсқинлик қилиш учун хусусий мулк бўлган ишланадиган ер энг кўпи билан 10 гектар қилиб чегаралаб қўйилди.

50-йилларда таркиб топган ўз-ўзини бошқариш системаси ижобий натижалар билан бир каторда салбий натижалар ҳам берди: жамият ҳаётида партиянинг роли кучсизланди, кўпгина корхоналарда даромадларни тақсимлаш чоғида ўз-ўзини бошқариш органлари жамғариш фондига қараганда истеъмол фондини афзал кўрар эдилар, шахсий даромадларнинг ўсиши меҳнат унумдорлигининг ўсишидан илдам борар эди. Буларнинг барчаси ЮФХР экономикасининг ривожланишини қийинлаштириб қўймоқда эди.

**6. Контрреволюция кучларига қарши кураш.** Марказий ва Жануби-Шарқий Европа мамлакатларида социалистик қурилиш давомида йўл қўйилган хатоларни тузатиш жараёни собиқ эксплуататор синфларнинг ташқаридан мадад олиб турган қолдиклари қўлдан кетган ҳукмронликни тиклашга уринаётганликлари туфайли қийинлашмоқда эди. Хатолар ўз вақтида очиб ташланган ва тузатилган мамлакатларда ижтимоий-сиёсий можаролар

юз бермади. Польша ва Венгрияда ҳукмрон партияларнинг раҳбарлари ички зиддиятларни аниқлаб ҳал қила олмади. Социализм душманлари меҳнаткашлар оммасининг социализм принципларидан чекинишлар туфайли келиб чиққан норозилигини социалистик тузумга қарши қаратишга ҳаракат қилдилар. Улар майда буржуа катламларининг беқарорлигига, сафларига нoproлетар муҳитдан чиққан кўп сонли кишилар қўшилган ишчилар синфининг яхлит эмаслигига, ёшларда синфий тажриба йўқлигига, барҳам берилмаган миллатчилик кайфиятларига умид боғлар эдилар. Католик черковнинг динга ишонувчилар оммасига кўрсатаётган таъсири анча роль ўйнади. Унинг юқори катламлари Польша ва Венгрияда социализмга нисбатан душманлик позициясида турар эди. Ташқаридан бериладиган мададга ҳам умид боғланган эди. Чет эл реакциясининг кучлари халқ ҳокимиятини ағдариб ташлаш планларини ишлаб чиқмоқда эди.

1956 йил кузида *Польша бирлашган ишчи партияси* (ПБИП) мураккаб вазиятда янги сиёсий йўлни ишлаб чиқа олди. Партияга раҳбарлик қилишга В. Гомулка қайтди. ПБИП ўтмишда йўл қўйилган ҳаётларни тузата бориб, иттифокчи партиялар — Бирлашган деҳқонлар партияси БДП ва Демократик партия билан бузилган муносабатларни тиклади, социалистик демократияни кенгайтириш чораларини кўрди.

Ленинча ихтиёрийлик принциплари бузилганлиги туфайли обрўсизланган коллективлаштириш ғояларини поляк деҳқонлари қабул қилмаганлиги шунга олиб келдики, 1956 йилгача тузилган ишлаб чиқариш кооперативларининг кўпчилиги тарқалиб кетди. ПБИП билан БДП биргаликда ишлаб чиққан аграр сиёсатдаги янги йўл узок муддат давомида икки сектор — социалистик ва майда товар секторлари тинч-тотув яшашини назарда тутар эди.

Венгрияда ички ва ташқи контрреволюция кучлари социализмга қарши мувофиқлаштирилган ҳужумни ташкил этишга мувоффақ бўлдилар. Улар Венгрия меҳнаткашлар партияси (ВМП) раҳбарияти ўзи йўл қўйган католикларни тузатишга ноқобил бўлиб чиқди. 1956 йил ёзида М. Ракоши ВМП Марказий Комитетининг Биринчи секретарини лавозимидан бўшатилди, лекин Ракоши ўрнига ўтирган, партиянинг иктисодий сиёсати учун у билан бирга жавобгар бўлган Э. Гере ҳақиқатда аввалги йўлни давом эттирди. Мамлакатда норозилик ўсиб борди, атоқли ёзувчилар, зиёлилар ва студентларнинг вакиллари ВМП раҳбарияти позициясини фаол танқид қилиб чиқдилар. Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг VIII пленуми тўғрисидаги хабарлар студентларнинг 1956 йил 23 октябридаги намоёнишига туртки берди. Ўша куни Будапешт кўчаларига чиққан минглаб кишилар, асосан студентлар ВМП съездини дарҳол чақиришни ва янги раҳбариятни сайлашни, асосланмаган репрессиялар қурбонларини оқлашни, бунга жавобгар шахсларни жазолашни, ижтимоий-сиёсий турмушни демократиялашни, венгер-совет муносабатларида тенглик принципи бўлишини талаб қилдилар. Илгари ўнг оппортунизмда



айбланиб, ВМП сафидан чиқарилган машхур сиёсатчи Имре Надьни ҳукумат бошлиғи лавозимига тайинлаш талаби ҳам кўтариб чиқилди.

Ўша куни кечкурун радио орқали сўзлаган Э. Гере намоишни кескин қоралаб, унинг қатнашчиларини миллатчилик ва антисоветизмда айблади, бунда аввалги хатоликларни тузатиш ва ислохотлар ўтказиш зарурлиги тўғрисида индамади. Унинг нутқи шу-сиз ҳам мураккаб бўлиб турган вазиятнинг жуда кескинлашиб кетишига олиб келди. Қуролли кишилар гуруҳлари венгер радиоси биносига ҳужум қилдилар, қурол заводини ва бошқа бир қанча объектларни босиб олдилар, жамоат биноларидан қизил юлдузларни олиб ташладилар. Будапештдаги воқеалар ВМП Марказий Комитетининг шошилинич мажлисида контрреволюцион ҳаракатлар сифатида баҳоланди ва уларни бостириш учун Варшава битими асосида Венгрияда турган совет қўшинларига ёрдам сўраб мурожаат қилишга қарор қилинди, ваҳоланки, тартибни ўз хавфсизлик кучлари ҳам тиклай оларди. Бу янглиш қарор вазиятни янада кўпроқ мураккаблаштирди.

Марказий Комитетнинг ўша мажлисида ВМП раҳбарияти таркибига янги кишилар, шу жумладан ҳукумат бошлиғи лавозимига тайинланган И. Надь киритилди, лекин амалда ҳокимият Гере қўлида қолаверди. 25 октябрда парламент биноси олдида намоиш бўлиб, унинг қатнашчилари давлат хавфсизлиги кучларини тарқатиб юборишни, Гере истеъфо беришини талаб қилдилар. Парламент биносини совет танклари қўриқлаб турди. Намоиш кутилмаганда қўшни уйлардаги пулеметлардан ўққа тутилди, бунга жавобан танкистлар ҳам ўт очдилар. Намоиш қатнашчилари ва совет солдатларидан анчаси ҳалок бўлди. Бу ифвонинг ҳақиқий ташкилотчилари шу вақтгача аниқланмай қолиб келмоқда.

Ўша куни ВМП Марказий Комитетининг қарори билан ВМП раҳбари лавозимидаги Гере Янош Кадар билан алмаштирилди. И. Надь эса ҳукумат қайта тўзилишини эълон қилиб, унга илғари тарқатиб юборилган партияларнинг бир қанча аъзоларини киритди. У қон тўкилишини тўхтатишга чақирди ҳамда демократиялаш йўлини амалга оширишини маълум қилди. Лекин унинг чақириқларига қарамай, Будапештда ва вилоятда қуролли кураш давом этарди. Исёнчилар давлат хавфсизлиги қароргоҳларига, партия комитетларига ҳужум қилдилар. И. Надь ташаббуси билан ВМП Марказий Комитети 23 октябрда бошланган воқеаларга берилган баҳони ўзгартирди, уларни ўз мақсадларига эришган халқ кўзғолони сифатида таърифлади. Давлат хавфсизлиги тарқатиб юборилганлиги, совет қўшинларини Будапештдан олиб чиқиб кетиш тўғрисида битим тузилганлиги, ўт очиш тўхтатилганлиги, халқ оммасининг ислохотлар тўғрисидаги талаблари қондирилганлиги эълон қилинди. Шундан сўнг ВМП раҳбарияти бир партияли система тугатилганлигини, коалицион ҳукумат тикланганлигини ва ВМП тарқатиб юборилиб, ўрнига янги партия — Венгрия со-

циалистик ишчи партияси — ВСРП тузилаётганлигини маълум қилди.

Бундай шароитда И. Надь вазиятнинг барқарорлашишига эришишга, граждандлар урушига йўл қўймасликка уришиб, янги вужудга келган социал-демократик партия вакиллари янада кўпроқ кенгайтирди. И. Надь коалициядаги ўз шериклари тазйқи остида 1 ноябрда Венгриянинг бетараф мамлакатга айланганини ва Варшава шартномасидан чиққанлигини эълон қилди. Лекин бу нарса партия комитетларини тор-мор келтираётган, коммунистларни ўлдираётган, давлат хавфсизлиги ходимларини дорларга осаётган исёнчилар ҳаракатини тўхтатмади. Ўзларининг социализмга душманлигини яширмаган исёнчиларнинг ўнг гуруҳлари айниқса шарфкатсизлик билан ҳаракат қилдилар. Янгидан тузилган Венгрия социалистик ишчи партияси (ВСИП)га бошчилик қилган Я. Қадар ўзи министр бўлган И. Надь ҳукуматини ташлаб чиқди ва 4 ноябрда Венгрия шарқида Революцион ишчи-деҳқон ҳукумати тузилганлигини эълон қилди ҳамда унинг номидан Венгрияда халқ ҳокимиятини тиклашда ёрдам беришни сўраб, Совет Иттифокига мурожаат қилди. Совет Иттифоки раҳбарияти бошқа социалистик давлатлар раҳбарияти билан маслаҳатлашгандан кейин Қадар ҳукуматига ёрдам беришга қарор қилди. Совет қўшинлари бир неча кун ичида исёнчилар кучларини тор-мор қилди.

1957 йил охирига келиб, Венгриянинг янги раҳбарияти мамлакатда сиёсий ва иқтисодий бирлашувга эришди. У Ракоши сиёсатини 1956 йилги кризисга олиб келган асосий омил деб эътироф этди ва айни вақтда 1958 йилда суд томонидан ўлим жазосига ҳукм қилинган И. Надь ҳаракатларини қоралади. 1989 йил ёзида Венгриянинг Олий суди И. Надни оқлади. Ҳозир Венгрияда халқ кўзғолони деб баҳолана бошлаган 1956 йилги воқеалар уларнинг характери тўғрисида узил-кесил фикр юритиш учун чуқур ўрганишни талаб қилади.

Мураккаб вазиятда бир группа коммунистлар ташаббуси билан социализм тарафдорлари маркази вужудга келди. 2—3 ноябрда ишчилар синфининг марксчи-ленинчи партияси — *Венгрия социалистик ишчи партияси* (ВСИП) ни тиклаш ҳақида қарор қабул қилинди. ВСИП Марказий Комитетининг биринчи секретари Янош Қадар 1956 йил 4 ноябрда ташкил топган *Венгрия революцион ишчи-деҳқон ҳукуматига* бошчилик қилди. Бу ҳукумат совет қўмондонлигига мурожаат қилиб, контрреволюция кучларини тор-мор қилишда венгер халқига ёрдам беришни сўради. Шундан кейинги бир неча кун ичида исён бостирилди. Венгрияда капитализмни тиклаш планлари барбод бўлди.

1956 йил воқеаларини баҳолаб, ВСИП Марказий Комитети бу воқеаларга бир вақтда ва бир-бири билан боғлиқ ҳолда амал қилган тўртта фактор: *М. Ракоши бошлиқ ВМП раҳбарларининг хато сиёсати, И. Надь ревизионистик группасининг фаолияти, ички буржуа-помешчиклар ва хортичилар контрреволюциясининг*

чиқиши ҳамда халқаро империализмнинг ҳаракатлари сабаб бўлди, деган хулосага келди.

7. Марказий ва Жануби-Шарқий Европадаги бир қанча мамлакатларда социализм асосларининг қурилиши. Социалистик қурилиш тажрибаси шуни кўрсатдики, ижтимоий муносабатларнинг бутун системасини тубдан қайта қуриш йўлида ҳам ички, ҳам ташқи характердаги қийинчиликлар, айрим ҳолларда эса — кризис вазиятлари пайдо бўлади. Йўл қўйилган хатоларни ўз вақтида тугатиш, ҳукмрон партиялар бундан кейинги тараққиётнинг реал программаларини қабул қилиши, туғилаётган муаммоларни ҳал қилишга кенг меҳнаткашлар оммасини ва энг аввало ишчилар синфини жалб қилиш социализм мавқеини мустаҳкамлашга, қийинчиликларни енгишга имкон беради. 50-йилларнинг иккинчи ярми — 60-йилларнинг бошларида Марказий ва Жануби-Шарқий Европа мамлакатларида миллий даромадда саноатнинг улуши анча кўпайди. Чехословакияда машинасозлик саноатнинг етакчи тармоғи бўлиб қолди, ГДР да металлургия ва оғир машинасозлик барпо этилди. Болгария, Польша, Руминия, Югославия индустриал-аграр мамлакатларга айланди. Совет Иттифоқининг ёрдами билан бир қатор саноат корхоналари қурилган Албания эса аграр-индустриал мамлакат бўлиб қолди.

Индустриалаш соҳасидаги муваффақиятлар қишлоқ хўжалигини техника билан қуроллантиришни бошлаш имконини берди. Бу эса уни ленинча ихтиёрийлик асосида кооперациянинг деҳқонлар учун мақбул бўлган турли шаклларида фойдаланиб социалистик тарзда ўзгартиришни тугаллашга ёрдам берди. 1958 йилдаёқ бу вазифани биринчи бўлиб Болгария ҳал қилди. БКП БДХИ билан биргаликда кооперациянинг болгар деҳқонлари учун ҳаммадан тўғри келадиган, ернинг хусусий мулкчилигини саклаб қолишни ҳисобга оладиган формасини топди. Меҳнатсиз даромад — ер пайи учун ҳақ тўлашни — саклаб қолиш кооператив ҳаракатга ўрта ҳол деҳқонларни жалб этиш имконини берди. Астасекин, кооперативлар мустаҳкамланиб борган сари, ер пайи учун ҳақ тўлаш кискартирилди, сўнгра эса батамом тўхтатилди. Бундай практика бошқа мамлакатларда ҳам қўлланди.

Кооперациялаш жараёнида қулоқларни тугатиш вазифаси ҳал қилинди. Қулоқларни яқка тартибда, уларнинг халқ ҳокимиятига муносабатига қараб кооперативларга қабул қила бошладилар, бунда уларнинг маълум вақт давомида раҳбарлик лавозимларини эгаллаб туриш ҳуқуқи чекланди.

60-йиллар бошига келиб кўпчилик мамлакатларда қишлоқда социалистик сектор — ишлаб чиқариш кооперативлари ва давлат хўжаликлари ихтиёрида ишлов бериладиган ерларнинг 80—90 проценти бор эди. Фақат Польша ва Югославиядагина ерларнинг кўпчилик қисми — 80—85 процентга яқини — яқка деҳқонлар мулки бўлиб қолаверди.

Бир қанча социалистик мамлакатларнинг — ГДР, Венгрия, Польша, Чехословакия, Югославиянинг — социал структурасида

асосан чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлган майда ишлаб чиқарувчилар қатлами сақланиб қолди. Майда ишлаб чиқарувчилар ва савдогарлар давлат назорати остида иш олиб бориб, давлат маблағларини жалб қилмаган ҳолда аҳолига хизмат кўрсатишда ёрдам берадилар. ГДРда ГБСП ва ҳукумат ўрта ҳол ва майда буржуа қатламлар билан иттифок бўлиш сиёсатини амалга ошириб, хусусий капиталистик корхоналар ва хусусий савдони ўзгартирдилар. Сохибкорларнинг розилиги билан давлат уларнинг корхоналарига шерикчилик асосида эга бўлиб қолди.

Экономика соҳасида социалистик қурилиш вазифаларини муваффақиятли ҳал қилиш билан бир қаторда маданий революция ҳам амалга оширилди. Ишчилар синфи ва дехконлар сафларидан чиққан янги, социалистик интеллигенция ўсиб етилди, Албания, Руминия, Югославия каби мамлакатлар учун айниқса долзарб бўлган муаммо — катта ёшдаги аҳоли орасида саводсизликни тугатиш муваффақиятли ҳал қилинмоқда эди. Илмий социализм идеологиясини кенг ёйиш ва қарор топтириш жараёни бормоқда эди, бироқ маънавий соҳадаги революция социал-иктисодий соҳадаги революцияга қараганда секинроқ амалга оширилмоқда эди. Меҳнаткашлар оммаси ҳали ҳам буржуа идеологияси таъсири остида бўлиб, аҳолининг бир қисми ҳозирга қадар диний дунёкарашга амал қилади.

Давлат билан черков ўртасидаги ўзаро муносабатлар халқ тузумини қарор топтириш давридаги қараганда анча ўзгарди. Коммунистик партияларнинг виждон эркинлиги ва диний одатларга эркин риоя қилишни таъминлаш принципларига асосланган сиёсати социализм қуриш учун курашда динга ишонувчилар билан ишонмайдиганларнинг бирлигини таъминлаш имконини берди. ГДР, Венгрия, Югославия руҳонийлари 50-йиллар охири — 60-йиллар бошида социалистик давлатга нисбатан холис эканликларини маълум қилдилар. Польшада католик черкови епископати сиёсий ҳаётга аралаштиришга уринишлардан батамом воз кечмасида, ўз фаолиятида давлат манфаатларига риоя қилишга ваъда берди.

Социалистик мамлакатларнинг сиёсий системасида социалистик қурилиш йилларида коммунистик партияларнинг раҳбарлик роли ўсди. Коммунистик партиялар ишчилар синфининг дехконлар, интеллигенция ва бошқа непролетар меҳнаткашлар қатламлари билан иттифоқини мустаҳкамлаб, уларни социализм қурилишига жалб этишга ҳаракат қилдилар. Барча мамлакатларда антифашист кураши даврида таркиб топган миллий фронтлар у ёки бу шаклда ўз ишини давом эттирмоқда эди, ГДР, Болгария, Польша ва Чехословакияда эса миллий фронтлар доирасида кўп партияли система сақланиб қолди. Иттифокчи партиялар кўпгина масалаларда, гарчи қийинчиликсиз бўлмасида, марксистик қоидаларга кўшила бошладилар. Бу партиялар коммунистик партияларнинг раҳбарлик родини эътироф этган ҳолда социализм қуриш

суръатлари ва усулларига доир масалалар юзасидан ўз фикрларини билдирар эдилар.

Марказий ва Жануби-Шарқий Европа мамлакатларида социалистик қурилиш тарихини ўрганиш 50-йиллар охири — 60-йиллар бошларида келиб социалистик революция вазифаларини амалга ошириш натижасида бу мамлакатларда чуқур социал тўнтариш юз берди. Хусусий мулкчиликнинг ҳукмронлиги йўқотилди, кишини киши томонидан эксплуатация қилишга барҳам берилди, ҳокимият деҳқонлар, интеллигенция ҳамда меҳнаткашларнинг нoproлетар қатламлари билан иттифок бўлган ишчилар синфи қўлида тўпланди, маданий революция амалга оширилди, деб хулоса чиқариш имконини беради. Бу эса Марказий ва Жануби-Шарқий Европа мамлакатларининг кўпчилигида социализм негизлари қурилганлигини англатар эди. Шу билан бирга капитализмдан социализмга ўтиш даврининг ҳамма вазифалари ҳам 60-йиллар ҳал қилинган эмас эди. Чунончи, Польша ва Югославияда ижтимоий мулк ҳукмронлиги билан бир қаторда майда товар уклади ҳам сакланиб қолмоқда. Бошқа бир қанча мамлакатлар каби бу ерда ҳам маънавий-идеологик соҳада ўтиш даврининг баъзи вазифалари ҳал қилинмай қолмоқда эди.

#### Савол ва топшириқлар

1. Пролетариат диктатурасининг халқ-демократик формаси билан совет формасининг ўхшашлиги ва фарқи нимада? 2. Социализм қуришга ўтишни мумкин қилиб қўйган факторларни аниқланг. 3. Социалистик қурилиш йўлидаги кийинчиликларнинг сабаби нимада? 4. Югославиядаги социалистик қурилишнинг хусусиятларини кўрсатинг. 5. Контрреволюцион кучларнинг ҳаракати учун замин яратдиган ички ва халқаро шароитлар қандай? 6. Венгриядаги 1956 йил кризисининг сабаблари нимада эди? 7. Жамиятнинг иқтисодий, сиёсий ва маънавий ҳаётидаги қандай ўзгаришлар Марказий ва Жануби-Шарқий Европа мамлакатларида социализм негизлари қурилганлигидан далолат берад эди?

### **29- §. Марказий ва Жануби-Шарқий Европанинг социалистик мамлакатлари 60—80- йилларда**

1. Тараққиётнинг янги босқичи. Асосий ишлаб чиқариш воситаларини умумлаштириш ҳажми бу мамлакатларда ўтиш даври тугаганлигининг мезони деб ҳисобланар эди. Ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги — социал синфий муносабатлар, сиёсат, онгдаги аҳвол ҳисобга олинмас эди. Ўша вақтда социалистик мамлакатларнинг коммунистик партияларида барча социализм мамлакатлари озми-кўпми бир вақтда шу билан бирга нисбатан қисқа тарихий муддатда коммунизмга ўтишлари мумкин, деган тасаввур вужудга келган бўлиб, бу КПСС XXII съезди (1961 йил) қарорларига асосланган эди. Социалистик қурилишни тугаллаш ва коммунизмга ўтиш проблемаси назарий жиҳатдан етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги шунга олиб келдики, айрим социалистик мамлакатларда бевақт илгарилаб кетишга йўл қўйилди. Болгарияда 1961-1980 йиллар учун тараққиёт планларини тас-

диқлаш чоғида биринчи ўн йилликнинг ўзидаёқ социализм қурилишини тугаллаш ва шундан кейин аста-секин коммунизмга ўтишни бошлаш эълон қилинган эди. Чехословакияда ЧКП раҳбарлари мамлакат синфсиз коммунистик жамият арафасида турибди, деган фикр билдирди ва «Бизнинг авлод коммунизмда яшайди!» деган шioriни илгари сурди. Бошқа мамлакатларда эришилган натижаларни ва бундан кейинги тараққиёт истикболларини баҳолашга анча эҳтиёткорлик билан ёндашдилар. Чунончи, ВСИП 60- йиллар бошида қишлоқ хўжалигини социалистик асосда қайта қуриш тугалланиши муносабати билан социализм негизлари қурилди, деб қайд этган бўлса-да, 1970 йилдагина «бизнинг давлатимиз ва ижтимоий тузумимиз ўзининг характери ва синфий муносабатлари жиҳатидан, шунингдек мулк формалари жиҳатидан социалистик давлат ва тузумдир» деб айтди.

Социализмга ўтиш муаммоларини назарий жиҳатдан ишлаб чиқишни давом эттирар эканлар, коммунистик партиялар социализм асослари яратилиши билан уни бундан буёнги қуриш капитализмдан қолган негизда эмас, балки ўзининг социалистик асосида, аввало ишлаб чиқариш воситаларининг ижтимоий мулклиги асосида боради, деган хулосага келдилар. 70-йиллар боши ва ўрталарида бир қанча социалистик мамлакатлар коммунистик партияларнинг съездлари ривожланган социалистик жамият қуришнинг 15—20 йилга мўлжалланган программаларини қабул қилдилар. Лекин практика бу назарий хулосалар хато эканлигини кўрсатди. Социалистик мамлакатларда совет намунаси бўйича барпо этилган тузум киши кишини эксплуатация қилиши, социал ва миллий антагонизмлардан ҳоли жамият бўлган социализм идеалидан узок бўлиб қичди.

Давлат мулкнинг мутлақ ҳукмронлиги ва халқ хўжалигини бошқаришнинг маъмурий-буйруқбозлик системаси экономика гуллаб-яшнаши ҳамда аҳоли турмуш даражаси юксалишига эмас, балки министрликлар ва идораларнинг монопол мавқеига, ходимларнинг ишлаб чиқариш воситаларидан бегоналашувига, истеъмолчилар манфаатлари унутилишига олиб келди. Натижада озик-овқат ва уй-жой сингари муҳим муаммолар ҳал этилмай қолди, миллий ҳамда социал зиддиятлар бир неча бор кескинлашди, бутун социалистик қурилиш давомида тараққиётга техника-технологик жиҳатдан биринчи даражали эътибор бериб келинган ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқариш капиталистик давлатлардан орқада қолди. Социалистик мамлакатлар аҳолисининг турмуш даражаси индустриал жиҳатдан ривожланган давлатлардагидангина эмас, балки кўпгина ривожланаётган давлатлардагидан ҳам анча пастдир. Социалистик тузум ўзининг капиталистик тузумдан ҳал қилувчи устунликларини кўрсата олмади.

Социалистик давлатларнинг ҳокимиятга ҳукмрон коммунистик ва ишчи партиялари монополияси характерли белгиси бўлган сиёсий системаси демократик тузумнинг авторитар тузум билан алмашишига олиб келдики, бунда бир қанча мамлакатлардаги

партия раҳбарлари ва улар атрофидагилар амалда чекланмаган ваколатларга эга бўлиб, сайлаб қўйиладиган конституцион органлар диктаторлик ҳокимияти мавжудлигини пана қилибгина турди.

Буларнинг ҳаммаси биргаликда социалистик мамлакатларнинг иқтисодий ва сиёсий тараққиётига тўсиқ бўлди, кризис ҳолатларига олиб келди ҳамда охир-оқибатда иқтисодий ва сиёсий системани тубдан қайта қуриш заруратини шартлади.

**2. Экономикани интенсивлаш зарурлиги.** 60-йиллар бошларида Марказий ва Жануби-Шарқий Европадаги аграр-индустриал ва аграр мамлакатлар социалистик индустриялаш жараёнларини тугата бориб, ўзларнинг иқтисодий тараққиёт даражалари жиҳатидан саноати ривожланган давлатлар — ГДР билан Чехословакия анча яқинлашдилар. Аҳолининг кишлоқ хўжалигидан саноатга ва ноишлаб чиқариш соҳасига ўтиши тугалланмоқда эди. Бу эса янги саноат корхоналари барпо этиш ва янги иш жойлари яратиш йўли билан ишлаб чиқаришни бундан буён ўстириш имкониятлари анча қисқарганлигини англатар эди. Демография жараёнлари (туғилишнинг камайиб кетиши оқибатида аҳолининг табиий ўсиш суръатлари пасайиши) шунга олиб келдики, бир қанча мамлакатларда моддий ишлаб чиқариш соҳасида банд бўлган кишиларнинг сони қисқара бошлади. Социалистик мамлакатлар экономикасини *интенсивлаш*, яъни фан-техника тараққиёти суръатларини жадаллаштириш, халқ хўжалигини техника билан қайта қуроллантириш, илғор технологияни қўлланиш, меҳнат унумдорлигини ошириш йўлига ўтказиш зарур бўлиб қолди.

60-йилларда бир қатор социалистик мамлакатларда иқтисодий ислоҳотлар ўтказила бошлади: корхоналарга ишлаб чиқариш масалаларини ҳал қилишда маълум даражада мустақиллик берилди, меҳнат коллективларининг бошқаришда иштирок этиши кенгайтирилди, хўжалик ташкилотлари фаолияти натижаларидан меҳнатқашларнинг моддий манфаатдорлиги оширилди. Ислоҳотлар маълум ижобий натижалар берди, лекин халқ хўжалигига раҳбарлик қилишнинг марказлаштирилган системаси ҳали ҳам сақланиб қолмоқда эди. Интенсивлаш жараёни секин борди. Бутун халқ хўжалигини сифат жиҳатидан қайта қуриш узок вақтни талаб қилди.

70-йиллар бошида нефтнинг нархи кескин ошганлиги ва шу муносабат билан капиталистик дунёда бошланган ёқилғи-энергетика кризиси социалистик мамлакатларнинг ташқи-иқтисодий алоқаларига ёмон таъсир кўрсатди. Халқаро бозорларда ҳам ашё ва тайёр маҳсулот нархларининг ўзгариши шунга олиб келдики, социалистик мамлакатлар ўзлари экспорт қилаётган маҳсулотнинг нархлари сезиларли даражада пасайган бир вақтда машиналар, ускуналар ва энергия манбаларини импорт қилиш учун кўпроқ маблағ сарфлашга мажбур бўлдилар. Протекционистик сиёсат ва империалистик давлатлар социализм мамлакатларига қарши қўллаган камситиш чоралари бу қийинчиликларни яна ҳам

ошириб юборди. Илгари бўлмаган бир фактор: 70- йилларда бир қанча социалистик давлатларнинг Фарб мамлакатларига ва халқаро валюта марказларига анча миқдорда қарздор бўлиб қолганлиги ҳам салбий роль ўйнади. Қарзга олинган маблағларни экспорт маҳсулоти билан қоплашга боғланган умид Польша, Венгрия, Руминия, Югославия каби мамлакатларда пайдо бўлган қийинчиликлар туфайли окланмади.

Экономиканинг интенсив ривожланиш йўлига суствашлик билан ўтиши ҳамда ташки омилларнинг таъсири шунга олиб келдики, Ўзаро Иқтисодий Ердам Кенгашига аъзо бўлган социалистик мамлакатларнинг жами миллий даромади 1971—1985 йилларда ривожланган капиталистик мамлакатлардаги 2,9 процент ўрнига ҳар йили 4,6 процентдан кўпайиб борган бўлишига қарамай, социалистик мамлакатларда иқтисодий ўсиш суръатлари 70-йилларда ва 80-йилларнинг бошларида 60-йиллардагига қараганда пасайди. 60-йилларда бошланган иқтисодий ислохотлар бошқарув шакллари ва усулларида ўзгаришларга олиб келмади. Баъзи мамлакатларда қийинчиликларнинг ошиб бориши ва турғунлик ходисаларининг кучайиши меҳнаткашларнинг турмуш даражаси пасайишига олиб келди. Чехословакияда 1968—1969 йилларда ва Польшада 70- йиллар — 80- йилларнинг бошларида кризис ходисалари пайдо бўлди, булар мана шу мамлакатларнинг раҳбарлари иқтисодий сиёсатда жиддий хатоларга йўл қўйганлиги, социал проблемаларни ўз вақтида ҳал қилмаганлиги, социализм принципларини бузганлиги оқибатида юз берди. Бу мамлакатлар ичидаги социализм душманлари, халқаро империалистик марказлар сингари кризис вазиятидан социалистик тузумни беқарор қилиб қўйиш учун фойдаланишга интилдилар.

Социалистик мамлакатлар тараққиётининг 70- йиллар — 80- йиллар бошидаги нохуш тенденциялари социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш, социализм эга бўлган имкониятларни янада тўларок очиш зарурлигини кўрсатди.

**3. Социалистик мамлакатлар қайта қуриш йўлида.** ҚПСС XXVII съезди илгари сурган янги иқтисодий стратегия халқаро аҳамиятга эга. Европадаги социалистик мамлакатларнинг миллий хўжалик организмлари бир-биридан фарқ қилса-да, улар иқтисодий соҳада Совет Иттифоқи билан ўхшаш муаммоларни: экономикани жадал суръатлар билан интенсив ривожланиш йўлига ўтказиш, фан-техника тараққиёти асосида халқ хўжалигини қайта қуроллантириш, барча ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш муаммоларини ҳал қилмоқдалар. Ана шу вазифаларни ҳал қилиш экономикани ҳам, шунингдек, жамият ҳаётининг ҳамма томонларини: социал муносабатларни, сиёсий системани, маънавий-идеологик соҳани, коммунистик партиялар фаолиятининг шакли ва усулларини қайта қуришни талаб қилмоқда.

Ҳар бир мамлакат иқтисодий ислохотни у ерда вужудга келган шароитларга мувофиқ ҳолда амалга оширмоқда. Ислохотни амалга ошириш суръатлари ва чуқурлиги ана шу шароитларга



боғлиқдир. Шу билан бирга социалистик мамлакатлар хўжалик юритиш тажрибасини, ёкилғи, хом ашё ва материалларни тежаш чораларини ўртоқлашадилар. Бу мамлакатларнинг миллий экономикалари бир-бирини ўзаро тўлдириб туради. ЎИЕК мамлакатлари энергетика ресурслари ва хом ашёнинг кўпгина турлари билан ўзларини деярли тўла таъминлайдилар, шу билан бирга бу соҳада Совет Иттифоқи катта роль ўйнамоқда. ГДР, Венгрия, Болгария ва Чехословакияда ишлаб чиқарилаётган машина ва ускуналарнинг 30—40 проценти ЎИЕК бозорига тушмоқда.

Социалистик мамлакатларнинг иккиёклама ва кўпёклама асосдаги кўп йиллик ҳамкорлиги тажрибаси, ривожланган моддий-техника базасининг барпо этилиши ЎИЕК аъзолари бўлган мамлакатларнинг янги босқичга — *социалистик иқтисодий интеграция* босқичига ўтиши учун шароит таъминлаб берди. Социалистик иқтисодий интеграция — *халқаро (давлатлараро) социалистик меҳнат тақсмоти асосида жаҳон социалистик хўжалигини шакллантириш жараёни* бўлиб, унинг давомида социалистик давлатларнинг экономикалари ўзаро яқинлашади, уларнинг иқтисодий тараққиёт даражалари бараварлашади. 1971 йилда ЎИЕК мамлакатлари *Социалистик иқтисодий интеграцияни ривожлантиришнинг 15—20 йилга мўлжалланган Комплекс программасини* қабул қилдилар. Бу программани амалга ошириш жараёнида биргаликда куч-гайрат сарфлаб магистрал трубопроводлар, электр узатиш линиялари, атом электростанцияларни куриш бошлаб юборилди. ЎИЕК аъзолари бўлган мамлакатларнинг хўжалик соҳасидаги ўзаро алоқалари 70- йилларда жаҳон капиталистик хўжалигини камраб олган кризис ҳодисаларининг улар экономикасига таъсирини юмшатиш имконини берди.

80- йиллар бошларида ЎИЕК мамлакатлари бир қанча кўп томонлама битимлар туздилар. Бу битимлардан мақсад уларнинг халқ хўжалигини фан-техника революцияси ютуқлари асосида модернизациялашдан иборат эди. 1985 йилда эса ЎИЕК аъзолари бўлган мамлакатлар 2000 йилгача мўлжалланган *фан-техника тараққиёти Комплекс программасини* қабул қилдилар.

Фан-техника тараққиётининг асосий йўналишларида энг юксак даражага эришиш — электронлаш, комплекс автоматлаш, атом энергетикаси соҳасида, янги материалларни ва уларни ишлаб чиқариш ҳамда қайта ишлаш технологияларини яратиш, биотехнология соҳасида коммунистик ва ишчи партиялар қўйган вазифа социалистик давлатлар ҳамкорлигининг шакл ва усулларини янгилашни, уларнинг ўзаро алоқалари йўлидаги бюрократик тўсиқларни бартараф этишни талаб қилди. 1988 йилда ЎИЕК сессияси 1991—2005 йилларга мўлжалланган халқаро меҳнат тақсмоти концепциясини қабул қилди. У ЎИЕК аъзолари бўлган мамлакатлар ўртасида товарлар ва хизматларнинг эркин кўчиб юришини, валюта-молия муаммоларини ҳал қилишни назарда тутди. Бу концепцияни амалга ошириш миллий экономикаларни ривожлантиришга ҳам, жаҳон бозорида уларнинг мавқеларини мустаҳ-

камлашга ҳам ёрдам бериши керак. Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик давлатлар капиталистик мамлакатлар билан анъанавий савдо муносабатларини кенгайтириш билан бир қаторда, иқтисодий алоқаларнинг янги шаклларида — ишлаб чиқариш кооперацияси, ғарб капитали иштирокида аралаш жамиятлар ташкил этишдан фаол фойдаланишга ҳаракат қилмоқдалар. Бундай практика ҳозир Болгария, Венгрия, Польша, Руминия, Югославияда бор. 1988 йилда ЎИЭК аъзолари бўлган мамлакатлар Европа иқтисодий жамияти билан расмий муносабатлар ўрнатдиларки, (39- параграфга қаранг) бу ўзаро манфаатли шерикчиликнинг кенгайтиши ва чуқурлашувиغا олиб келиши керак.

Ислохотлар, экономика ва сиёсий системани қайта қуриш зарурлигини эътироф этиш кўпчилик социалистик давлатларда амалда декларациялар ёки косметик ўзгаришлардан нари ўтмади. Маъмурий-бўйрукбозлик системасининг сакланиб туриши чинакам қайта қуришга тўсик бўлди, 80-йиллар охирида иқтисодий ўсиш суръатлари секинлаша бошлашига олиб келди. Техника, технология, аҳолини саноат ва озиқ-овқат товарлари билан таъминлаш соҳасида Ғарбнинг индустриал давлатларидан орқада қолиш тобора сезиларли бўла борди. Ҳукмрон коммунистик ва ишчи партияларининг ҳокимиятга конституцияларда мустаҳкамлаб қўйилган монополияси сакланиб туриши демократиялаш йўлидаги тўсик хизматини ўтарди. Айни вақтда ошкораликнинг бироз кенгайганлиги, турли норасмий уюшмалар ва клублар тузишга рухсат берилганлиги ижтимоий фаоллик кескин ўсишига, бу ташкилотларнинг етилган сиёсий ҳамда иқтисодий муаммоларни ҳал этишга ўз нуқтан назарларини билдиришига олиб келди.

80-йилларда чуқур сиёсий ва иқтисодий кризисни бошидан кечирган Польшада ПБИП раҳбарияти бу кризисдан чиқиб олиш йўлини излаб, сиёсий оппозиция билан мулоқатга борди. 1989 йил баҳорида бўлиб ўтган «думолоқ стол» конференциясида сиёсий системани плюрализм принциплари асосида қайта қуришни, оппозицион сиёсий партиялар ва ташкилотлар ҳамда «Бирдамлик» мустақил касаба союзини расмийлаштиришни, экономика соҳасида эркин бозорга ўтишни кўзда тутувчи программа қабул қилинди. Парламент сайловида «Бирдамлик» нинг Граждан парламент комитети ғалаба қозонди, натижада 1989 йил сентябрида коалицион ҳукумат тузилди. Таникли католик арбоб М. Мазовецкий бош министр бўлди. ПБИП вакиллари ҳукуматда тўртта лавозимни, шу жумладан мудофаа ва ички ишлар министри лавозимини эгалладилар. Янги таъсис этилган президент лавозимига генерал В. Ярузельский сайланди.

Сайловда мағлубиятга учраган ва ҳокимиятга бўлган монополиядан ажраган ПБИП ўз турмушини тугатди. Унинг ўрнига янги партия — Польша Республикаси социал-демократияси тузилди. Бу партия сиёсий плюрализм, кўппартиялилик ва гоёвий ҳамда сиёсий изланишлар эркинлигини ҳимоя қилмоқда. У экономика-

нинг кўпукладлиги, давлат мулкани аста-секин турли шакллардаги ижтимоий мулк билан алмаштириш, эркин бозор, кишлок хўжалиги барча секторларнинг тенг ҳуқуқлиги тарафдори бўлиб чиқмоқда. ПБИПнинг Польша сиёсий саҳнасида кетиши билан парламент демократияси системаси ривожлана бошлади.

Венгрия ҳам парламент демократияси йўлига кирди, бу ердаги ҳукмрон Венгрия социалистик ишчи партияси ҳокимиятга бўлган монополиядан воз кечиб, 1989 йил ёзида «думолок стол» конференциясида сиёсий ва иқтисодий ислохотлар тўғрисида оппозицион партиялар ҳамда ташкилотлар билан келишиб олди (31-§ га қаралсин).

Польша ва Венгрияда парламент демократиясига тинч йўл билан, ҳукмрон партиялар ташаббусига кўра ўтилган бўлса, бошқа социалистик мамлакатларда бу 1989 йил куяда бошланган демократик революциялар натижасида амалга оширилди. ГДР, Болгария ва Чехословакия раҳбариятининг умрини яшаб бўлган маъмурий-буйруқбозлик системасини, партиянинг ҳокимиятга бўлган монополиясини сақлаб қолишга уринишлари оммавий демократик ҳаракатлар вужудга келишига олиб келди, уларнинг қатнашчилари экономикани чинакам қайта қуришни ва сиёсий плюрализмни амалга оширишни қатъий талаб қилдилар. Миллионлаб кишилар қатнашган бу ҳаракатларнинг кўлами шунчалик улуг эдики, натижада бу мамлакатларнинг партия ва давлат раҳбарияти ҳокимиятдан воз кечишга мажбур бўлди. Демократик централизм принципларига асосланган ва мутлақ ҳокимиятни даъво қилган аввалги партиялар ўрнига плюрализм ҳамда кенг демократияга ўтишни мақсад қилиб қўйган янги типдаги сўл партиялар тузила бошлади. Уларнинг кўплари демократик бирлик асосидаги фаолиятга ўтди, бунда қарорлар камчилик фикри ҳисобга олинган ҳолда қабул қилинади.

Тоталитар диктатура норозиликнинг ҳар қандай кўринишини бостириб келган Руминияда унинг йўқ қилиниши тинч йўл билан эмас, балки халқ ва қуроли кучларнинг зўрлик билан ағдариб ташлаши натижасида содир бўлди.

Марказий ва Жануби-Шарқий Европа мамлакатларидаги демократик революциялар маъмурий-буйруқбозлик системаси йўқ қилинишига ва янги система, демократик социализм шаклланишига олиб келди. Бу мамлакатларнинг Совет Иттифоқи билан ўзаро муносабатлари чинакам тенг ҳуқуқлик ва шериклик асосида қурила бошлади. Улар Варшава шартномаси аъзолари ва иқтисодий ҳамкорликда шериклар бўлиб қолмоқдалар.

#### Савол ва топшириқлар

1. Марказий ва Жануби-Шарқий Европа мамлакатларининг кўпчилиги социализм қурилишида 60-йиллар бошида қандай натижаларга эришдилар? 2. Социалистик мамлакатлар тараққиётнинг янги босқичига қадам қўйишлари муносабати билан пайдо бўлган проблемаларни кўрсатинг. 3. Социалистик мамлакатлар экономикасини интенсилаш зарурлигини исбот қилинг. 4. 80-йиллар охирида Марказий ва Жануби-Шарқий Европа давлатларида содир бўлган ўзгаришлар харак-

терини аниқланг. 5. Оммавий ахборот воситалари бераётган материаллардан фойдаланиб, Европадаги социалистик давлатларнинг социал-иқтисодий тараққиёти, ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётидаги янги ҳодисалар ҳақида ахборот тайёрланг.

### 30- §. Германия Демократик Республикаси

60—80-йиллардаги иқтисодий ва сиёсий тараққиёт. 60-йиллар бошида ГДРда ўз металлургия базаси яратилди, машинасозлик, химия, электротехника етакчи ўринни эгаллади, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш кооперативлари тузиш жараёни тугалланди. Ишчи ва хизматчилар ҳалқ хўжалигида банд бўлган барча кишиларнинг 80% ни ташкил этди. Лекин ўрта ва майда буржуазиянинг ҳали анчагина табақаси мавжуд эди: 1960 йилда яримдавлат ва хусусий корхоналар миллий даромаднинг 17% ни берарди. Давлат 70-йиллар бошида корхоналари уларнинг эгаларидан сотиб олди, уларга ўз корхоналарида ёки бошқа корхоналарда директорлар, инженерлар, техниклар бўлиб ишлаш имконини берди. Шу билан бирга хунармандлар ва майда савдогарларнинг ўз шахсий меҳнатига асосланган фаолияти давом эттаверди. Майда хусусий устаноналар ва савдода асосан улар соҳиблари ҳамда уларнинг оила аъзолари меҳнатидан фойдаланилди. Хунармандларнинг ярмидан кўпи кооперативларга бирлашди.

Экономикани ривожлантиришнинг ГДР раҳбарияти ишлаб чиққан стратегияси фан ва техниканинг энг янги ютуқларини жорий этиш, саноат корхоналарини янгилаш ва реконструкция қилиш асосида ишлаб чиқаришни жўшқин ўстиришни кўзда тутарди. 70—80-йиллар оралигида саноатни бошқариш системаси янгидан тузилди. Бир қанча ҳолларда саноатнинг бутун-бутун тармоқларини бирлаштирган гигант комбинатлар асосий бўғин бўлиб қолди. Уларга умумдавлат йиллик ва беш йиллик планларига мувофиқ равишда социал-иқтисодий ривожлантириш планларини мустақил ишлаб чиқиш ҳуқуқи берилди. Бу нарса амалда ҳалқ хўжалигини бошқаришнинг янада кўп марказлашувига, иқтисодий тараққиёт кўрсаткичларининг ёмонлашувига олиб келди.

Экономика самарадорлигининг пасайганлиги қуйидаги бир қанча сабаблар билан изоҳланди: фан ва техниканинг энг янги ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, эскирган ускуналарни алмаштириш секинлик билан борди, капитал қўйилмалар аввало пировард маҳсулот чиқарувчи корхоналарга солинди, уларнинг шериклари зарур маблағ олмаган ҳолда талаб қилинган қисмларни етказиб беришни таъминлашга ноқобил бўлиб қолдилар. ГДР меҳнат унумдорлиги бўйича саноат жиҳатдан ривожланган давлатлардан орқада қола бошлади:— У 1980-йиллар охирида ГФРда эришилган даражанинг атиги 60% ини ташкил этди. Ёқилғи энергетика базаси етарли даражада ривожланмаганлиги, меҳнат ресурслари етишмаслиги туфайли қийинчиликлар янада чуқурлашди. ГДР ускуна ва саноат товарларини капиталистик мамлакатлардан кенг равишда келтиришга мажбур бўлди, бу эса қарз-

дорлик юкори даражада бўлишига олиб келди, у 80-йиллар охирида 20 млрд долларга етди. Иктисодий ривожланиш суръатлари пасая борди: 1981—1985 йилларда миллий даромад йилига 4,3% ўсган бўлса, 1986—1989 йилларда атиги 3,4% ўсди. Йиллик ва беш йиллик планлари муттасил бажарилмади.

Гарчи ГДР аҳоли жон бошига саноат ва озиқ-овқат товарлари истеъмол қилиш бўйича бошқа социалистик мамлакатлардан ўзиб борса-да, лекин аҳолининг шу товарлардан анчагинасига бўлган талаблари қондирилмади. Нархларнинг яширин ва очиқ тарзда ортиб бориш жараёни давом этди, соя экономика авж олди. Аҳоли қўлидаги анчагина пул массаси товар массаси ва хизматлар билан таъминланмади.

Экономиканинг бундай ҳолати қайта қуриш чораларини кўришни, бошқа социалистик мамлакатларда бўлганидек, ГДР да ҳам маъмурий-буйрукбозлик системасидан воз кечишни қатъий талаб қилди. Лекин Давлат кенгашининг Раиси ва ГСБП Марказий Комитетининг Бош секретари Эрих Хонеккер бошчилигидаги ГДР раҳбарияти СССРда содир бўлаётган қайта қуриш ва ошқоралик жараёнларига салбий муносабатда бўлди, унга «Социализм ГДР рангларида» деган шиорни қарши қўйди, унинг мазмуни эса узок йиллар мабайнида таркиб топган социализмнинг сталинча моделидан иборат эди.

ГДР нинг сиёсий тараққиёти жамият ҳаётининг барча соҳаларида ГСБП монопол мавқеининг мустаҳкамланиши билан характерланарди, бу эса ишчилар синфи ва унинг партиясининг етакчилик ролини эълон қилган конституцияда мустаҳкамлаб қўйилган эди. ГСБП нинг Миллий фронт бўйича иттифоқчилари бўлган демократик партиялар мамлакат сиёсий ҳаётида катта роль ўйнамасдилар. 60-йиллар бошига қадар мавжуд тузумдан норози кишилар Ғарбий Берлин ва ГФР билан очиқ чегарага эга бўлган ГДРни ташлаб кетишлари мумкин эди, бироқ 1961 йил августда ГДР ҳукуматининг қарорига кўра Ғарбий Берлин теварагида баланд бетон девор қурилиб, ГФР билан бўлган чегарада қатъий контрол ўрнатилди. Эндиликда ГДР дан капиталистик мамлакатларга пенсионерларгина чиқиб кетиш ҳуқуқига эга эдилар. ГДР раҳбарияти «антифашист ҳимоя тўсиғи» деб атаган Ғарбий Берлин теварагидаги девор Германиянинг турлчи ижтимоий тузумга эга бўлган иккита мустақил давлатга ажралиши рамзи бўлиб қолди. ГДР раҳбарияти ГФР раҳбар доиралари эълон қилган якка ўзи барча немисларнинг вакили бўлиши ҳуқуқини рад қилди.

**Социализм сталинча моделининг кризиси.** ГДР раҳбариятининг сиёсати аҳолининг қатъий норозилигини туғдирди, бу норозилик узок вақт мобайнида сиёсий оппозиция характерида бўлмади. Бу норозилик мактаб ёшларини ҳарбий ишга ўргатишга қарши, сўнгра ГДР территориясида совет ракеталарини жойлаштиришга қарши қаратилган пацифистлар ҳаракатини қувватлаб чиққан протестант черковидан бошланди. Лекин 80-йиллардан эътиборан граждан ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳаракати ривожлана бошлади,

бу ҳаракат аста-секин ГСБП нинг ҳокимиятга бўлган монополиясига қарши, ҳуқуқий давлат барпо этиш, сиёсий турмушни демократиялаш учун ҳаракатга айланди. Бунинг ташаббускори зиёлилар бўлди, лекин у 80-йиллар охирида аҳолининг кенг доираларини қамраб олди. Совет Иттифоқи, шунингдек Венгрия ва Польшада содир бўлган ўзгаришлар бу ҳаракатнинг кучайишига ёрдам берди.

1989 йил кузида, Венгрия Австрия билан бўлган чегарани очиб, у ердаги тўсиқларни олиб ташлаганда ГДР нинг ГФР га кўчиб кетишни истаган минглаб гражданлари бундан фойдаландилар. Бу нарса оммавий тус олди — 1989 йил охиригача ГФР га 200 мингдан ортиқ киши кўчиб ўтди.

Иш кучининг бундай жўнаб кетиши натижасида республиканинг иктисодий ҳолати ёмонлашди. Миллий даромад 1989 йилда атиги 2% кўпайди. Лейпцигда ва ГДР нинг бошқа шаҳарларида оммавий намоишлар бўлиб, уларнинг қатнашчилари «Биз жўнаб кетмоқчи эмасмиз!» деган шиорни эълон қилгани ҳолда мамлакат раҳбариятидан дарҳол иктисодий ва сиёсий ислоҳотларга киришишни талаб қилдилар, бироқ Хонеккер ва ГСБП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг бошқа аъзолари жамият билан мулоқот қилишдан бош тортдилар ҳамда ислоҳотлар учун ҳаракатни куч билан бостиришга уриндилар. Лекин бу ҳаракат шундай бир кўлам касб этдики, 1989 йил 18 октябрда ГСБП Марказий Комитетининг пленуми Хонеккери у эгаллаб турган барча лавозимлардан бўшатди. Янги раҳбарият кризисдан чиқиш йўлини топа олмади — мамлакатда оммавий намоишлар тобора авж олди, минглаб гражданлар мамлакатни тарк этди. ГСБП сафларидан оммавий равишда чиқиш бошланди.

Кенг халқ оммасининг тинч ҳаракати натижасида 1989 йилнинг ноябрь-декабрида ГДР да йирик сиёсий ўзгаришлар содир бўлди: ГДР Халқ палатасининг сессияси конституциядан партиянинг етакчилик роли тўғрисидаги моддани чиқариб ташлади, коммунист Ханс Мордов бошчилигида ҳукумат тузилиб, унинг таркибига демократик партиялар вакиллари кирди, ГДРнинг Ғарбий Берлин ва ФРГ билан бўлган чегараси очилди. Декабрь ойида ГСБП нинг Фавкуллда съезди бўлиб, унда партия мамлакатни кризисга келтириб қўйган сталинчилик билан алоқани узил-кесил узганлигини эълон қилди. ГСБПнинг Хонеккер бошчилигидаги аввалги раҳбарияти ҳокимиятни суистеъмол қилишда ҳамда партия ва халққа қарши жиноятларда айбдор деб топилди. Съезд ГДР нинг демократия, инсонпарварлик, социал адолат принциплари асосида социалистик йўлдан ривожланишига қўшилди. Партия съезддан кейин тез орада Демократик социализм партияси (ДСП) деган ном олди.

Ҳокимиятга бўлган монополиясини йўқотган ДСП республиканинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида бошқа партиялар билан тенг ҳуқуқларда қатнашмоқда, улар билан «думалок стол» конференциясида ҳокимият олий органларига ўтказиладиган эркин сайлов

хамда янги конституция қабул қилиш тўғрисида келишиб олинди. ГДР даги сиёсий ўзгаришлар ягона немис давлати барпо этиш тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун шароитлар яратди.

### Савол ва топшириқлар

1. Чехословакиядаги 1968- 1969 йиллар ва ГДР даги 1989 йил кризисларида қандай умумийлик бор? 2. Бу кризисларни ҳал этиш йўлларидаги тафовут нимадан иборат? 3. Вактли матбуотдан фойдаланиб, Чехословакия ва ГДР даги демократик ўзгаришлар тўғрисида ахборот тайёрланг.

## Чехословакия Социалистик Республикаси

1968– 1969 йиллар кризиси. 60- йиллар ўртасида ЧССР экономикасида анчагина қийинчиликлар пайдо бўлди. Чехословакия Компартияси раҳбарияти эълон қилган «Бизнинг авлодимиз коммунизмда яшайди», «Уй-жой муаммоси 1970 йилгача ҳал этилади!» деган шиорлар тамоман нореал бўлиб чиқди. 1961— 1965 йилларга мўлжалланган ва ишлаб чиқариш ўсишининг ҳаддан зиёд юқори суръатларини белгилаб берган иқтисодий ривожлантириш планини бекор қилиб, етти йиллик план билан алмаштиришга тўғри келди. ЧКП раҳбарияти иқтисодий ривожланишнинг илмий концепциясини ишлаб чиқиш ва амалга оширишга, халқаро меҳнат тақсимоти имкониятларидан самарали фойдаланишга ноқобил эди. Бир қанча иқтисодчилар халқ хўжалигини бошқаришнинг ҳаддан ташқари марказлаштирилган аввалги методларидан воз кечишни, корхоналарга мустақиллик беришни ва бозор иқтисодиётига ўтабошлашни таклиф қилдилар. Ислохотлар тарафдорлари ЧССР сиёсий системасини ҳамда партиянинг ўзини демократиялашни ҳам талаб қилдилар. Лекин ЧКП раҳбарияти иқтисодиётни қайта қуришга ва сиёсий ислохотларга киришишни истамади. ЧПК Марказий Комитетининг Биринчи секретари ва мамлакат президенти А. Новотний бошчилигидаги раҳбариятни тобора кучайиб борган танқид қилиш негизида 1967 йил охирида ЧКП да кризис вужудга келди.

ЧКП Марказий Комитетининг 1968 йил январдаги пленуми Новотнийни ЧКП раҳбарлиги лавозимидан четлаштирди (у президент лавозимидан кейинроқ олиб ташланди) ва Новотний сиёсатининг қатъий танқидчиси сифатида танилган Александр Дубчекни ЧКП Марказий Комитетининг Биринчи секретари этиб сайлади. Янги раҳбарият хатоликларни тузатиш йўлини тутди ҳамда сиёсий ва иқтисодий ислохотларнинг кенг программасини ишлаб чиқди. Бу программа социализмнинг, ўша вақтда айtilган «инсон юзли» социализмнинг янги қиёфасини яратиши лозим эди. Турли хил назарларни ифодалаш эркини олган оммавий ахборот воситалари янги ғояларни тарғиб қилишда катта роль ўйнади. Мамлакатда янги ижтимоий-сиёсий ташкилотлар пайдо бўла бошлади,

демократик партиялар фаолияти активлашди, улар ЧКП нинг каттик назоратидан ҳоли килинди.

ЧКП 1968 йил баҳорида қабул қилган «Ҳаракат программа-си»,-- да бир қанча принципиал масалалар янгича қўйилди: ЧКП ўз раҳбарлик ролини жамият устидан ҳукмронлик йўли билан эмас, балки унга хизмат қилиш билан амалга ошириши керак, Миллий фронт партиялари ўртасидаги ўзаро муносабатлар шерикчилик принципида олиб борилиши лозим. Мамлакатнинг федератив тузилишига ўтиш, иктисодий ислохот ўтказиш ва ҳоказолар белгиланди. Жамиятнинг барча табақалари бу программани кенг равишда қўллаб-қувватлади, лекин партиядо бирлик йўқ эди. ЧКПнинг аввало аппаратдаги консерватив кайфиятдаги аъзолари бу программага социализм негизларини қўпоришга қаратилган программа сифатида қарадилар, унинг тарафдорларини ревизионизмда айбладилар.

КПСС ва бошқа социалистик мамлакатлар компартиялари раҳбарлари ҳам ЧССРда содир бўлаётган ўзгаришларга салбий муносабатда бўлдилар. Улар ЧКП раҳбарияти билан бўлган учрашувларда уни партиядоги очикдан-очик антисовет кучлар билан иттифок тузган ўнг кучларга гўё принципсиз ён беришларда, партия жамиятдаги раҳбарлик ролидан маҳрум бўлаётганлигида айбладилар. ЧКП раҳбарияти ичдан бирдам эмасди ҳамда КПСС ва партиядоги ислохотлар муҳолифларининг ортиб борган тазйиқи остида мамлакатда танг вазиятни вужудга келтирарди. Ўз позицияларини мустаҳкамлаш ва ислохотлар сиёсатини қувватлаш учун ЧКП съездини чақиришга қарор қилинди.

21 августга ўтар кечаси Варшава шартномаси аъзолари бўлган бешта мамлакат — БХР, ВХР, ГДР, ПХР ва СССР қўшинлари Чехословакияда контрреволюция хавфи пайдо бўлганлигини далил келтириб, Чехословакия чегараларидан ўтдилар. ЧКП Марказий Комитетининг Президиуми кўнчилик овоз билан бу ҳаракатларни социалистик мамлакатлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар принципларига ҳамда халқаро ҳуқуқ нормаларига хилоф ҳаракатлар сифатида баҳолади. Дубчек ҳамда партия ва давлат раҳбарларининг бир қисми қамокқа олиндилар. Лекин Марказий Комитетнинг озодликда қолган аъзолари 22 августда Прагада ЧКП нинг XIV съездини ўтказишга олдилар, у барча давлат арбобларини ўз лавозимларига қайтаришни талаб қилди. Миллат мажлиси ва ҳукумат съезд қарорларини эътироф этдилар ҳамда совет аралашувиغا салбий муносабат билдирдилар.

1968 йил август охирида Москвада бўлиб ўтган ҳамда Дубчек ва ЧССР нинг бошқа раҳбарлари қатнашган музокараларда мамлакатдаги ҳолатни нормаллаштириш тўғрисида битимга эришилди. ЧКП даги консерватив кучлар совет қўшинлари мададига таянгани ҳолда (Варшава шартномасининг бошқа аъзолари тез орада Чехословакиядан ўз қўшинларини олиб чиқдилар) авж олдирган ҳужум давомида партия, ҳукумат раҳбариятидан ва Миллий фронтдан ислохотлар тарафдорлари аста-секин четлаш-



тирилди. Илгари ишлаб чиқилган программадан фақат ЧССРни иккита тенг ҳуқуқли республика -- Чех ва Словак республикаларидан иборат федерация этиб қайта тузишни амалга оширишгагина эришилди. 1969 йил апрелда ЧКП Марказий Комитетининг Биринчи секретари лавозимидаги Дубчек Густав Гусак билан алмаштирилди. ЧКП нинг ислохотлар йўлини қўлаб-қувватлаганлиги ва Варшава шартномаси қўшиқларини мамлакатга киритишга қарши чиққанликлари учун юз минглаб коммунистлар партиядан чиқарилди. ЧКПнинг янги раҳбарияти партия XIV съезди қарорларини қонунсиз деб эълон қилди ва Варшава шартномаси мамлакатлари ҳаракатларини «байналминнал ёрдам» сифатида баҳолади.

**ЧССР нинг 70—80-йиллардаги тараққиёти.** 1968—1969 йиллар кризис бартараф қилинганидан сўнг ЧКП раҳбарияти ривожланган социалистик жамият қуриш йўлини эълон қилди ва ҳақиқатда мамлакатни бошқаришнинг аввалги методларига қайтди. Иқтисодиёт бирмунча кўтарилганидан кейин 70-йилларнинг ўрталариданок мамлакат тараққиёти секинлаша бошлади. ЧССР жаҳон иқтисодиётидаги мамлакат четдан олаётган товарлар нархи ошганлиги ва четга чиқараётган товарлар нархи пасайганлиги билан боғлиқ силжишга тайёр эмасди. Чехословакия саноатининг ишлаб чиқаришга саноат жиҳатдан ривожланган давлатларга нисбатан ҳаддан зиёд кўп хом ашё, материал ва қувват сарфланадиган буюмлари жаҳон стандартлари даражасига эришмади ва рақоботга ноқобил бўлиб чиқди. Кенг қўламдаги саноат қурилиши натижасида ҳайдаладиган ерлар ва ўрмон массивлари майдони кескарди, атроф-муҳитнинг ифлосланиш жараёни хавфли тус олди. Аҳолининг турмуш даражаси кўтарилмай қолди. ЧКП раҳбарияти СССРда бошланиб кетган қайта қуришни оғизда табрик-лаб, амалда маъмурий-буйрукбозлик системасини қарийб ўзгаришсиз холда сақлаб қолди. ЧКП Марказий Комитетининг Бош секретари лавозимидаги 75 яшар Г. Гусакнинг 1987 йил охирида М. Якеш билан алмаштирилганлиги (Гусак президент лавозимини сақлаб қолган эди) ЧКП раҳбариятининг чуқур иқтисодий ва сиёсий ислохотлар ўтказишга интилишини англатмади. Мамлакатда норозилик етилиб борди, партияга, унинг мамлакатни тобора ортиб бораётган қийинчиликлардан чиқариб олиш қобилиятига ишонч камайди.

1988—1989 йилларда ЧКП раҳбариятининг сиёсий йўлини танқид қилиш кучайди; зиёлилар, 1968—1969 йиллар ислохотлари учун қурашнинг фаол катнашчилари гуруҳи шундай танқид билан чиқдилар, улар граждон ҳуқуқларини кенгайтиришни, сиёсий системани демократиялашни талаб қилдилар, лекин мамлакат раҳбарияти оппозиция билан сўзлашишга қизиқилшдан бош тортди. Оппозиция талабларини қувватлаб ўтказилган намоийишларни полиция тарқатиб юборди, уларнинг иштирокчилари қамокка олинди. 1989 йил 17 ноябрдаги студентлар намоийишининг Прага полицияси томонидан шафқатсизлик билан босгирилиши мамла-

катда норозиликни авж олдириб юборди. ЧКП раҳбариятининг истеъфо беришини талаб қилган ишчилар студентларга қўшилди ва бир ҳафтадан сўнг Яқеш ЧКП Марказий Комитетининг Бош секретари лавозимидан олиб ташланди, шунинг кетидан эса Федерал парламент ЧССР конституциясининг ЧКП раҳбарлик ролини тасдиқловчи моддасини бекор қилди.

1989 йил декабридаги кизгин сиёсий вазиятда ЧКП нинг фавкулудда съезди бўлиб ўтди; съезд партия ва мамлакатни бошқаришнинг нодемократик, маъмурий-директив методларини, ЧССР да социализмнинг бузилишлари бўлганлигини қоралади. Съезд қабул қилган ҳаракат Программаси социал адолатли, демократик, инсоний жамият барпо этишни мақсад деб эълон қилди. Партия ҳокимиятга бўлган монополиядан воз кечди. 1968--1969 йиллар воқеаларининг аввалги баҳоланишлари бекор қилинди.

Давлат раҳбариятига сиёсий ва иқтисодий ислохотлар тарафдорлари келди. Граждан эркинликлари учун курашнинг фаол иштирокчиси ёзувчи Вацлав Гавел ЧССР президенти этиб, А. Дубчек Федерал мажлис раиси этиб сайланди. Чехословакия ўз тараққиётининг янги босқичига қадам қўйди.

**2. Социалистик жамиятнинг ривожланиши.** Кризис оқибатларини бартараф этгач, ЧССР ЧКП томонидан ишлаб чиқилган ривожланган социалистик жамият куриш йўлини амалга оширмоқда. 70-йилларнинг ўрталарига қадар ЧССРнинг иқтисодий тараққиёти юқорилаб борди, лекин кейинчалик секинлашди. Бу ҳол бир қанча сабаблар билан изоҳланар эди: хом ашё, энергия ва меҳнат ресурслари запасларининг чекланганлиги энг янги техника ва технологияни жорий этиш йўли билан ишлаб чиқаришни интенсифлаш вазифасини актуал қилиб қўймоқда эди. Лекин эски усуллардан янги усулларга ўтиш секин борди. Бунинг устига ЧССР жаҳон экономикасидаги силжишларга, у экспорт ва импорт қиладиган буюмларнинг нархлари ўзгаришига етарлича тайёрланмаган эди. Капиталистик мамлакатлар бозорларига экспорт қилинадиган товарлар сифатнинг жаҳон стандартларига мос келмаслиги Ғарбдан олинган қарзларни узишни мураккаб қилиб қўймоқда эди. Қийинчиликлар шунга олиб келдики, миллий даромадни ўстириш планлари тўла-тўқис бажарилмади. Хўжалик механизмини қайта куриш зарурати пайдо бўлди.

ЧКП ишлаб чиққан иқтисодий ва социал тараққиётни жадаллаштириш, комплекс қайта куриш ва социалистик демократияни чуқурлаштириш йўли корхоналарга анча мустақиллик беришни, меҳнат коллективларининг бошқарувда кенг иштирок этишини, хўжалик юритиш натижалари учун уларнинг жавобгарлигини оширишни назарда тутди. Меҳнат коллективларида ўз-ўзини бошқариш принциплари қарор топтирилмоқда, раҳбар ходимларни сайлаб қўйиш жорий этилмоқда. ЧКП ўзининг авангардлик ролини ошқоралик, демократия шароитида, давлат ва хўжалик органларининг ролини, ташаббускорлигини ва масъулиятини

мустаҳкамлаган, уларнинг вазифаларини ўз зиммасига олмаган ҳолда турли нуқтаи назарларни таккослаш йўли билан амалга ошириши керак.

Янги ҳўжалик механизмини жорий этишни 1991 йилдан бошлаш кўзда тутилган. Социалистик иқтисодий интеграцияга, УИЕК аъзолари бўлган мамлакатларнинг фан-техника тараққиёти Комплекс программасини амалга оширишга муҳим аҳамият берилмоқда. Социал сиёсат халқнинг турмуш шароитини янада яхшилашга қаратилган. Овқатланиш ҳамда уй-рўзғор ҳўжалигини узок фойдаланиладиган буюмлар билан жиҳозлаш даражаси бўйича ЧССР индустриал жиҳатдан тараққий этган мамлакатлар билан бир қаторда туради, лекин кўпгина товарларга бўлган талаб ички бозорда тўла қондирилмаётир.

1987 йил декабрда республика Президенти ва ЧҚП Марказий Комитетининг Бош секретари лавозимларини ажратиш ҳақида қарор қабул қилинди. Г. Гусак ЧССР Президенти лавозимини сақлаб қолди, ЧҚП Марказий Комитетининг Бош секретари қилиб эса Милош Якешич (1922 йилда туғилган) сайланди.

#### Савол ва топшириқлар

1. ГДРда саноатдаги хусусий секторни тугатиш қай тарзда охирига етказилган эди? 2. 1968—1969 йилларда ЧССРда юз берган кризиснинг сабабларини аниқланг. Нима сабабдан кризис вақтида ЧҚП вақтинча жамиятдаги раҳбарлик ролин йўқотиб кўйди? 3. ГДР билан ЧССР социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш вазифаларини ҳал қилишнинг муштарак жиҳатлари нимада? Жавоб бериш учун вақтли матбуот материалларидан фойдаланинг.

### 31- §. Польша Халқ Республикаси

1. 60—70- йиллардаги социал-иқтисодий ва сиёсий тараққиёт 60-йилларда Польшада социалистик индустриялаш жараёни давом этди. Топшўмири казиб чиқариш ва металл эритиш кўпайди, янги саноат тармоқлари — кемасозлик, трактор, автомобиллар ишлаб чиқариш ва ҳоказолар ривожланди. Экономика экстенсив усуллар билан, яъни меҳнат унумдорлигини ошириш йўли билан эмас, балки янги корхоналар қуриш ва иш кучи сонини кўпайтириш йўли билан ривожланди. Шаҳар транспорти, соғлиқни сақлаш ва социал-маданий муассасалар тармоғи етарли даражада ривожлантирилмади.

Бошқа социалистик мамлакатларда социал-иқтисодий ислохотларни амалга ошириш бошланган бир вақтда, ПБИП Марказий Комитети ва ПХР ҳукумати планлаштириш ва бошқариш системасини тубдан ўзгартиришга ботина олмади. 60-йилларнинг ўрталаридан эътиборан 1956 йилдаёқ қораланган эски раҳбарлик усулларини қўлланиш тенденцияси кучая бошлади. 60-йиллар охирига келиб экономиканинг ўсиш суръатлари секинлашди, турғунлик даври бошланди. Аҳолининг турмуш даражаси пасайиши социал кескинликни келтириб чиқарди.

ПБИП раҳбарлари салбий ҳодисаларнинг ривожланиш сабаб-

ларини очиб ташлай олмадилар. Улар кучайиб бораётган кийинчиликлардан қутулиш йўлини излаб, 1970 йил декабрда кенг истеъмол молларининг нархларини анча ошириш ҳақида қарор қабул қилдилар. Бунга жавобан Балтика соҳилидаги Гданьск, Щецин ва бошқа шаҳарларда иш ташлашлар бўлди, уларни бостириш учун милиция ва қўшинлардан фойдаланилди. ПБИП Марказий Комитети пленуми В. Гомулканинг ПБИП Марказий Комитетининг Биринчи секретари лавозимидан истеъфосини қабул қилди ва бу лавозимга Э. Герекни сайлади.

ПБИП янги раҳбарлари Балтика соҳилидаги воқеаларни ишчилар синфининг партия олиб бораётган иқтисодий сиёсатга нозилиги деб баҳоладилар. Улар нархларнинг оширилишини бекор қилдилар ва меҳнаткашларнинг социал эҳтиёжларини қондириш йўлини эълон қилдилар. Ишчи ва хизматчилар анчагина категориясининг иш ҳақи, кўп болали оилаларга тўланадиган нафақалар, пенсиялар оширилди, деҳқонларнинг давлатга қишлоқ хўжалик маҳсулотларини мажбурий суратда етказиб беришлари йўқ қилинди. Бу натижаларга ПХР экономикасида мавжуд бўлган резервлардан фойдаланиш, СССР ҳамда ЎИЕК аъзолари бўлган бошқа мамлакатлар ёрдамида эришилди. ПБИП раҳбарлари эришилган натижаларга ортиқча баҳо бериб, мамлакатда социализм негизлари қурилди, деб барвақт хулоса чиқарди. Поляк халқининг маънавий-сиёсий бирлиги тўғрисидаги даъволар ҳам хато эди. Ҳақиқатда эса ревизионистик назариялар, миллатчилик, антисовет қарашлари кенг ёйилди. Польшанинг XVIII—XX асрлардаги ўзига хос тарихий тараққиёти шунга олиб келдики, халқ оммаси черковдан ажралмади. 1978 йилда тарихда биринчи марта поляк Краков архиепископи Карол Войтила католик черковидаги энг юқори лавозимга — Рим папаси лавозимига сайланганидан кейин католицизмнинг сиёсий роли айниқса ўсиб кетди. У Иоанн Павел II номини олди.

1975 йилда ПБИП раҳбарлари олдинги бир неча йилда эришилган ютуқларни ортиқча баҳолаб, мамлакат ривожланган социалистик жамият қуриш йўлида турибди, деб эълон қилдилар. Шу билан бирга Польша капиталистик мамлакатларга экспорт қилиш учун товарлар ишлаб чиқаришига умид боғлаб, ғарб мамлакатларидан кўп миқдорда ускуналар ва технологиялар сотиб олинди. Ҳукумат Ғарбдан йирик кредитлар ва қарзлар олди. Кредиторлар Польшага жуда катта маблағни қарзга берган вақтларида социализм қурилишига ёрдам бермоқчи эмас эдилар, асло Ғарб давлатлари ва банклар Польша экономикасини издан чиқаришга, ПХРни Совет Иттифоқидан ва ЎИЕК ҳамда Варшава Шартномасига аъзо бўлган бошқа мамлакатлардан ажратиб олиш сиёсатини ўтказдилар. 70-йилларнинг ўрталаридан бошлаб Ғарб мададида пайдо бўлган ҳар хил ярим ошқора ташкилотлар ва комитетлар антисоциалистик кучларни жипслаштириш соҳасидаги ўз фаолиятларини авж олдириб юбордилар.

**2. 1980—1981 йиллардаги иқтисодий ва социал-сиёсий кризис.**

Емонлашиб бораётган иқтисодий аҳвол ҳамда антисоциалистик кучларнинг ошкора ифвогарлик фаолияти шароитида 1980 йил июль-августда бутун мамлакатда иш ташлашлар бўлиб ўтди. Бундай иш ташлашларнинг асосий марказлари Балтика соҳилидаги шаҳарлар — Гданьск, Шчецин ва бошқалар эди. Ҳукумат аҳволни нормаллаштиришга ҳаракат қилиб, иш ташловчилар билан музокаралар олиб боришга рози бўлди. Иштирокчилар «Социализм — ҳа, уни бузиш — йўқ!» деган шиор остида чиққан ҳаракатнинг бир қанча социал талабларини асосли деб эътироф қилиш билан бирга, ПХР раҳбарлари янги қасаба союзларини тузиш ҳақида талабга ҳам рози бўлди, чунки мавжуд қасаба союзлари меҳнаткашларнинг социал манфаатларини ҳимоя қилиш вазифаларини бажармаётган эдилар. Битимлар имзоланди, бу битимларга кўра янги қасаба союзлари ПБИП нинг раҳбарлик ролини эътироф этган ҳолда ПХР конституцияси асосида иш олиб бориш мажбуриятини олди.

Бироқ аҳвол барқарорлашмади. Вужудга келган «Солидарность» (Бирдамлик) қасаба союз ташкилотида антисоциалистик кучларнинг лидерлари раҳбарлик ролини ўйнар эдилар. Улар «социализмни соғломлаштириш», «хатоларга қарши кураш» шиорлари остида қасаба союзлари сафига бир неча миллион ишчини, шу жумладан ПБИП аъзоларини ҳам жалб қила билдилар.

Қасаба союзидан амалда «Турмуш даражасини дарҳол ошириш» шиори остида тезгина оппозициячи сиёсий партиёга айланиб олган «Солидарность» янги иш ташлашлар тўлқинини уюштирди ва корхоналардан ПБИПнинг четлатилишига ҳаракат қила бошлади. Иш ташлашлар иқтисодий тартибсизликка ва меҳнаткашларнинг аҳволи ёмонлашишига олиб келди. «Солидарность» нинг Фарбдан берилган молиявий ва сиёсий мададга таянган экстремист раҳбарлари экономикани издан чиқариш ПБИП ва ҳукуматнинг позицияларини кучсизлантиради, уларни оммадан ажратиб қўяди ва мавжуд тузумнинг кулашига олиб келади, деб умид қилган эдилар.

Бироқ контрреволюция кучлари ўз мақсадларини амалга оширишга муваффақ бўла олмадилар. ПБИП кризисни енгишга ва ўз сафларини жиқлаштиришга муваффақ бўлди. Ҳукуматга (1981 йил февралда), сўнгра эса партиёга ҳам генерал Войцех Ярузельский (1923 йилда туғилган) бошчилик қилди. Мамлакатда аҳволни нормаллаштиришнинг конструктив программаси илгари сурилди. Бу программани «Солидарность» рад этди. Контрреволюцион тўнтариш хавфи реал бўлиб қолган бир шароитда ҳукумат фавқулодда чораларни қўллашга мажбур бўлди. 1981 йил 13 декабрда Давлат кенгаши ҳарбий ҳолат жорий этди, у 1983 йил ўрталаригача амал қилиб турди. «Солидарность» қасаба союзининг ва бошқа оппозициячи группировкаларнинг фаолияти тақиқлаб қўйилди.

ПБИП социал-иқтисодий ва ғоявий-сиёсий вазиятни соғломлаштириш учун ёрдам беришга тайёр бўлган барча кучлар билан

хамкорлик қилиш ва битим тузиш йўлини амалга ошириб, аста-секин ахволнинг нормаллашувига эришди. 1982 йил январда чуқур иқтисодий ислохот амалга оширила бошланди. Ислохот давлат халқ хўжалик планининг стратегик ролини сақлаб қолган ҳолда корхоналарнинг иқтисодий мустақиллигини, ўз-ўзини маблағ билан таъминлаш ва ўз-ўзини бошқаришини жорий этишни кўзда тутар эди. Сайлаб қўйиладиган органлар-мехнат коллективларининг кенгашлари кенг ваколатлар олди.

ПБИПнинг социализм платформасида турган барча полякларни бирлаштиришга қаратилган йўли *Миллий уйғониш ватанпарварлик ҳаракати* (МУВХ) тузилишига олиб келди. Бунда иттифоқчи партиялар ва турли жамоат ташкилотлари иштирок қилдилар. Қасаба союз ҳаракати қайта тиклана бошлади.

АҚШ ва унинг иттифоқчилари Польшада капитализмни реставрация қилиш планлари барбод бўлаётганлигини, англаб, иқтисодий чоралар қўллаганлиги туфайли нормаллаштириш жараёни мураккаблашди. Аслида ПХР га қарши иқтисодий ва идеологик уруш олиб борилмоқда эди. Мана шу қийин вақтларда ПХРга Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик ҳамдўст мамлакатлар катта ёрдам бердилар ва уни қўллаб-қувватладилар.

**3. Кризисни енгиш учун кураш ва шундан кейинги социалистик тараққиёт.** Ҳарбий ҳолат амал қилиб турган даврдаёқ бошланган экономикани қайта қуриш аввалига саноат ишлаб чиқаришининг пасайишини тўхтатиш, сўнгра эса 1982 йил ёзидан бошлаб унинг ўсишига эришиш имконини берди. Бирок миллий даромад ҳали кризисдан олдинги даражага етгани йўқ. Бу ҳол ташқи қарзнинг оғир юки билан ҳамда АҚШ 1987 йилдагина воз кечган иқтисодий жазо чоралари сиёсати билан шунингдек кризис даврида экономика кўрган зарар билан изоҳланади. Шу билан бирга кризис даврида жорий қилинган аҳолини озик-овқатлар ва саноат моллари билан норма асосида таъминлаш (гўшт ва гўшт маҳсулотларидан ташқари) аста-секин бекор қилинди. ПБИП ва БДП нинг янги аграр сиёсати умумлаштирилган ва оилавий ишлаб чиқариш хўжаликларини ривожлантиришга давлат ёрдами, экономиканинг барча секторлари ўртасида ўзаро алоқа ва ҳамкорликни кенгайтиришни назарда тутди.

Халқ хўжалигида мувозанатга эришиш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш ҳамда экономиканинг самарадорлигини ошириш учун ПХР 1988 йилда иқтисодий ислохотнинг иккинчи босқичини амалга оширишга, хўжалик механизмини мустақиллик, ўз-ўзини бошқариш ва ўзини ўз маблағ билан таъминлаш принциплари асосида янада такомиллаштиришга киришди. Корхоналарда қайта тикланган қасаба союзлари иш олиб бориб, аста-секин мехнаткашларнинг обрў-эътиборини қозонмоқда.

Турли социал гуруҳларнинг манфаатлари хилма-хил эканлигини ҳисобга олиб, ПБИП МУВХ нинг, ўз-ўзини бошқариш органлари, қасаба союзларининг активлигини ошириш йўлини ўтказиб келмоқда, бундан буюнги социалистик қурилиш масалалари

юзасидан уларнинг фикрларини билмокда ва таккосламокда. Партия ўзининг раҳбарлик ролини сақлаб қолди. У социалистик янгиликни, СССР ва бошқа социалистик мамлакатлар билан иттифоқни ва дўстликни мустаҳкамлаш йўлини амалга оширмокда.

## **Венгрия Республикаси**

**1. Социалистик қурилиш.** 60- йиллар бошларида кишлоқни социалистик асосда ўзгартириш тугаши билан янги ишлаб чиқариш муносабатлари шаҳарда ҳам, кишлоқда ҳам ҳукмрон бўлиб қолди. ВСШЭ эришилган натижаларни баҳолаб, мамлакатда социализм асослари қурилди, деган хулосага келди. Янги шароитда ишлаб чиқаришни интенсивлаштириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш ҳамда халқаро меҳнат тақсимотида янада активроқ қатнашиш йўли билан ишлаб чиқаришни интенсивлаштиришнинг самарадорлигини бутун чоралар билан оширишга эришиш зарур эди. Ана шу мақсадда бир неча йил тайёргарлик қўрилганидан кейин 1968 йилдан бошлаб *иқтисодий ислоҳот* амалга оширила бошланди. Бу ислоҳотнинг моҳияти марказлаштирилган тартибда планлаштириш билан товар-пул муносабатларини қўйиб олиб боришдан, бошқаришнинг иқтисодий усулларини қўлланишдан, корхоналарга мустақиллик беришдан иборат эди.

Интенсивлашнинг дастлабки қадамлари жуда муваффақиятли бўлди, бироқ 70-йилларнинг ўрталаридан бошлаб бу жараён халқаро бозорда Венгрия учун ноқулай ўзгаришлар (импорт қилинадиган хом ашё, ёқилғи ва материалларнинг қиймати ошганлиги ва экспорт қилинадиган саноат ҳамда кишлоқ хўжалик маҳсулотининг нархлари пасайганлиги) юз берганлиги муносабати билан ҳам, Венгрия экономикасининг юзата чиққан ички заиф томонлари (унинг маҳсулотининг анчагина қисми етарли даражада юқори сифатли бўлмаганлиги, хом ашё ва материаллар кўп миқдорда сарфланиши ва меҳнат унумдорлиги ривожланган мамлакатлардагига қараганда пастлиги) оқибатида ҳам пасайиб қолди. Венгрия импортга бўлган ўз эҳтиёжларини қондириш учун Г'арбдан катта-катта қарзлар олиншга мажбур бўлди.

Венгрия кишлоқ хўжалигини ривожлантиришида катта ютуқларга эришди. У аҳоли жон бопига галла (130 кг дан ёўп) ва гўшт (140 кг) етиштиришида Европалэги олдинги ўринлардан бирини эгаллайди. Бу натижаларга 70- 80-йиллар четарасида кишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг саноат усулларига ўттиш бошланиши туфайли эришилди. Ишлаб чиқаришнинг у ёки бу турига (масалан, гўшт чорвачилиги) ихтисослашган кооперативлар ва давлат хўжаликлари индустриал ишлаб чиқариш системаларига бирлашиб, бунда етакчи корхона ўз шерикларига индустриал техникани берадиган, фан техника тараққиётни ютуқларидан фойдаланишда ёрдам кўрсатадиган бўлди. Кооперативлар ва давлат хўжаликлари билан шартнома муносабатлари боғлаган ёрдамчи ҳамда томорқа хўжаликлари кишлоқ хўжалик маҳсулотини етишти

тиришда муҳим роль ўйнайдилар. Қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиришнинг юксак даражаси уни бошқа мамлакатларга чиқариш имконини берди (Венгрия ялпи экспортнинг 25% и микдорда).

Аҳолининг кенг истеъмол товарлари ва хизматлар соҳасига бўлган эҳтиёжларини қондиришда йирик ишлаб чиқариш билан бирга саноат кооперативлари ҳам (кийим-кечак, мебель ишлаб чиқариш) муҳим роль ўйнайди, улар 80-йиллар ўртасида саноат маҳсулотининг 7% га яқинини бердилар. Хусусий кишилар давлат мулки бўлган савдо тоқчалари ва умумий овқатланиш корхоналарини ижарага олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Экономика ривожига муайян ютуқларга қарамай, Венгрия 80-йиллар ўртасидан эътиборан жиддий кийинчиликларга тобора кўп учраб турди. Саноатнинг эскирган ишлаб чиқариш структураси, у ишлаб чиқарган маҳсулотнинг юқори қувват ҳамда материал сифими уни айниқса капиталистик мамлакатлар ташқи бозорларида сотишда мураккабликлар туғдирди.

1988 йил май ойида ВСИП конференцияси экономикани барқарорлаш ва ташқи қарзни камайтиришга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқди. Чет эл фирмалари билан қўшма корхоналар барпо этишни рағбатлантиришдан, зарар қўриб ишлайдиган корхоналарни ёпишдан қўзланган мақсад товар сифатини яхшилаш, уларни ташқи қарздорликни тугатишдир. Партия раҳбариятига янги, анча ёш кишилар келди. Конференцияда сиёсий ва иқтисодий ислохотларни бошлашга, партия ишининг услуб ва усулларини ўзгартиришга, раҳбарликнинг маъмурий усулларидан воз кечишга ҳамда янгилаш жараёнини бошлаб юборишга қарор қилинди.

Партия конференциясидан сўнг у эълон қилган сиёсий плюрализм асосида Венгрия демократик форуми, Эркин демократлар иттифоқи ва бошқалар сингари бир қанча сиёсий партиялар ҳамда ташкилотлар тузила бошлади. 1948 йилгача мавжуд бўлган Майда қишлоқ соҳиблари мустақил партияси (МҚСП), Социал-демократик партия ва бошқа партиялар тикланди. ВСИП социализм принципларида турган барча партиялар билан мулоқот қилишга тайёрлигини билдирди. ВСИП янги конституция қабул қилиш, унинг асосида граждан демократияси ва демократик социализм кадриятлари амалга оширилиши тарафдори бўлиб чиқди.

1989 йилнинг ёзида ВСИП билан бошқа сиёсий ташкилотлар ўртасида тўрт ойча давом этган музокаралар бўлиб ўтди. Бу «миллий думалоқ стол» атрофида Венгриядаги парламент системаси кўппартиявийлик системасига таяниш кераклиги тўғрисида келишувга эришилди. ВСИП судлар, прокуратура, курулти кучлар ва ҳокимият органларидаги ўз партия ташкилотлари фаолиятини тўхтатишга рози бўлди. ВСИП ўз мулкининг бир қисмини ҳукуматга бошқа партиялар фаолиятини пул маблағи билан таъминлаш учун берди.



1989 йил октябрида ВСИП нинг съезди бўлиб, унда турли харакат дастурлари тарафдорлари ўртасида кураш авж олди. Партияни тубдан ўзгартириш тарафдори бўлган реформистик йўналиш ғалаба қозонди. Съезд партия номини Венгрия социалистик партияси (ВСП) деб ўзгартириш тўғрисида қарор қабул қилди. Янги партия парламент демократиясига хилоф бўлган пролетариат диктатураси ва демократик централизмдан воз кечди. ВСП социалистик бозор эканомикаси, мулк шаклларининг хилма-хиллиги, кўппартияли система тарафдори бўлди. Реже Ньерш партия раиси этиб сайланди.

Съезд делегатларининг бир қисми қабул қилинган қарорларга рози бўлмадилар ва аввалги ВСИП хатоликлари билан алоқасини узган ҳамда коммунистлик ва социал-демократик ҳаракатнинг яхши анъаналарига таянадиган марксистик сўз партия сифатида ВСИП фаолиятини давом эттиришларини билдирдилар. ВСИП мулк барча шаклларининг тенглигини эътироф этгани ҳолда кризисдан чиқиш йўлини капитализм йўлларида эмас, балки эконимикада ижтимоий мулкнинг устунлиги асосида излаш тарафдори бўлиб чиқди. Дюла Тюрмер ВСИП раиси этиб сайланди.

Шу тариқа Венгрияда кўппартияли система таркиб топиб, амал қилмоқда, сайловчиларни ўз томонига оғдириб олиш учун йиғирматадан кўпроқ партия кураш олиб бормоқда. Социализмни янгилаш тарафдори бўлаётган партиялар билан бирга социализм ғояларини инкор этиб, либерализм ва социал-демократизм анъаналарини тиклашни тарғиб қилаётган Эркин демократлар иттифоқи сингари партиялар ҳам ҳаракат қилмоқда. Венгрия истикболини парламент сайловларида у ёки бу партияни ёхуд бир қанча партиялар коалициясини афзал кўрадиган халқнинг ўзи ҳал этади.

#### Савол ва топшириқлар

1. ПХР даги кризиснинг сабаблари нимада? 2. ПБИП кризисдан чиқишга қандай усуллар билан эришди? 3. Нима учун Венгрияда кризис вужудга келди? 4. Нима сабабдан венгр коммунистлари партиясини янгилаш зарураги туғилди?

#### **32-§. Болгария Халқ Республикаси. 60—80-йиллардаги сиёсий ва социал-иқтисодий тараққиёт.**

50-йиллар охирига келиб, илгари, амалга оширилган ўзгаришлар натижасида Болгария индустриал-аграр мамлакатга айланди, лекин унинг sanoat жиҳатдан ривожланган мамлакатлардан орқада қолганлигига барҳам берилмаган эди. Тодор Живков 1954 йилдан буён бошқариб келган Болгария Коммунистик партиясининг раҳбарияти бу муаммони Ўзаро Иқтисодий Ердан Кенгаши доирасида Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик давлатлар билан ҳамкорликни кенгайтириш воситасида ҳал этиш йўлини эълон қилди. Ўзаро Иқтисодий Ердан Кенгаши-

да БХР транспорти воситалари (электр паралар), металлни қайта ишлаш станоклари, кемалар ва ҳоказо ишлаб чиқаришга ихтисослашди. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш кооперациялаштириш жараёни туғалланганидан кейин давлат хўжаликлари ва кооперативларни йирик хўжалик бирликлари — агросаноат комплекслари (АСК) га бирлаштириш бошланди. АСК нинг яратилиши қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг ихтисослаштириш, энг чини техника ва фан ютуқларини жорий этиш асосида озиқ-овқат муаммосини бағамом ҳал этишга эришиш ҳамда жаҳон бозорларига маҳсулот чиқаришни кенгайтиришни таъминлаш имконини берди, деб мўлжалланган эди.

1971 йил май ойида БХРнинг янги конституцияси қабул қилинди, унда БКП нинг раҳбарлик роли ва унинг иттифокдоши бўлган БДМН сиёсий системасидаги ўрни қонун йўли билан мустаҳкамлаб қўйилди. Янги давлат органи — Давлат кенгаши Халқ мажлиси сессиялари ўртасидаги даврда давлатга раҳбарлик қилиш ҳуқуқига эга бўлди. БКП Марказий Комитетининг Бош сиретари Т. Живков Давлат кенгаши раиси этиб сайланди.

70 -80-йилларда машинасозлик, химия саноати жадал ривожланиб борди, лекин Болгария товарларининг сифати жаҳон даражасига мос келмасди, бу эса уларни капиталистик мамлакатлар бозорларидаги рақобатга ноқобил қилиб қўярди. 80-йиллар бошида саноат маҳсулоти сифатини яхшилашга қаратилган бир қанча чора-тадбирлар кўрилди — илгор технологиядан фойдаланувчи ихтисослашган корхоналар, шунингдек катъий планлаштириш билан боғлиқ бўлмай, истеъмолчилар талаби ўзгаришини йирик корхоналардан кўра тезроқ ҳисобга ола биладиган майда ва ўрта корхоналар барпо этилди. Капиталистик мамлакатлар билан алоқаларчи кенгайтириш учун чет эл фирмаларига БХР территориясида аралаш корхоналар барпо этиш учун рухсат берилди, БХР нинг бир қанча хўжалик ташкилотлари Ғарб давлатларидаги аралаш корхоналарда қатнашиш ҳуқуқини олди. Бундан мақсад Болгария товарларини капиталистик мамлакатлар бозорларига чиқаришни кенгайтириш эди.

Лекин 80-йиллар ўртасида Болгария экономикаси тараққиётининг суръатлари ескинлашди. Бир қанча ишлаб чиқариш тармоқларида ўзинга аввалгидек янги корхоналар қуриш, хом ашё ва материаллар сарфини ошириш ҳисобига эришилди. Социализм қурилишининг бошланғич даврда таркиб тошган маъмурий-буйруқбозлик системаси, каттик марказлаштирилган планлаштиришнинг сакланиб қолганлиги экономиканинг янада ривожланишини, унинг самарадорлиги ошишини таъминлай олмасди. Юзлаб корхоналар зарар кўриб ишларди, уларнинг яшаб туриши давлат бюджетидан бериладиган дотациялар эвазига қўллаб қувватларди, ишлаб чиқариладиган маҳсулот таннархи ортиб борарди. Капиталистик мамлакатлардан халқ хўжалигининг бир қанча тармоқларини янгилашга иштирокчи билан боғлиқ бўлган саноат

ускуналари келтириш чет элга маҳсулот чикаришдан анча кўп эди. БХР нинг қарзлари 9 млрд долларга етди.

АСК нинг тузилиши шунга олиб келдики, уларнинг кўплари 50—75 минг гектар ерга эга бўлиб, ёмон бошқариладиган ғоят катта хўжаликларга айланди, собиқ кооператорлар қишлоқ хўжалик ишчилари бўлиб қолдилар. АСК оладиган фойда қарийб тўла равишда марказга бериларди, илгари гуллаб яшнаган хўжаликлар зарар кўрадиган хўжаликларга айланарди. Ешлар қишлоқлардан шаҳарларга кетиб қола бошлади. Ҳосил йиғим-термига шаҳарликлар ва ҳарбий хизматчиларни жалб этишга тўғри келди. БХР 1985 йилдан бошлаб, ғалла, картошка, пиёз ва бошқа озиқ-овқат товарларини бошқа давлатлардан келтиришга мажбур бўлди. Болгария экономикаси самарадорлигининг пастлиги аҳоли турмуш даражасининг тушиб кетишига, чайқовчилик ва порохўрлик кўпайишига олиб келди.

Улкан ҳокимиятни ўз қўлига тўплаб олган Т. Живков режими тутган сиёсий йўли билан Болгария ўз бошидан кечиб турган қийинчиликларни янада чуқурлаштирди. Ўзини қариндош-уруғлари билан қуршаб, раҳбарият составига ўзига шахсан содик кишиларни танлаб олган Живков унинг шахсий ҳокимият режимини танқид қилишга уринганлардан қаттиқ ўч оларди. Живковнинг мамлакатда гўё «болгар миллатининг метиндек мустаҳкам бирлиги» яратилганлиги тўғрисидаги гаплари турк тилида сўзлашувчи ва мусулмон аҳолининг ҳуқуқлари паймол қилинишига олиб келди — динга қарши ҳужум қилинди, мачитлар ёпиб қўйилди, мусулмон урф-одатлари таъқиқланди, мусулмонлар болгарча номлар олишга мажбур қилинди.

**Демократик социализм йўли.** Болгария аҳолиси Совет Иттифокида бошланган қайта қуришни табриклади, СССРга муҳаббатини муттасил таъкидлаб келган БКП раҳбарияти КПСС намунасига амал қилади, деб кутди. 1987 йил ёзида БКП Марказий Комитетининг пленумида Живков «шахсга сизининг қайтала ниши ҳоллари» борлигини ва партия аппаратининг чексиз ҳукмронлигига барҳам бериш зарурлигини тан олишга мажбур бўлди. «Социализмнинг янги модели» ни яратиш, экономикани бошқариш системаси ҳамда мамлакат маъмурий бўлинишини ислоҳ қилиш зарурлиги эълон қилинди. Лекин шундан кейин бошланган ўзгартишлар маъмурий-буйрукбозлик системасининг барҳам топишига олиб келмади. Бутун ҳокимият Живков ва унинг атрофидагилар қўлида тўпланганича қолаверди.

1989 йил ёзида Болгария иқтисодий ва сиёсий кризис палласига кирди. Мамлакат раҳбарияти эълон қилган «қайта қуриш» кутилгандек бўлиб чиқмади, товар танқислиги ва кадрсизланиш ўсиб борди. Чет элга эркин жўнаб кетиш тўғрисидаги қонун бу вазиятда турк тилида сўзлашувчи ва мусулмон аҳолининг Туркияга оммавий тарзда жўнаб кетишига олиб келдики, бу нарса қийинчиликларни янада чуқурлаштирди. БХР Давлат кенгаши граждандан сафарбарлиги эълон қилишга --- меҳнатга яроқли ўн минглаб

гражданларни ҳосил йиғим-теримига юборишга, отпускарларни бекор қилишга мажбур бўлди. ГДР, Чехословакия ҳамда Марказий ва Жануби-Шарқий Европанинг бошқа мамлакатларидаги воқеалар чинакам қайта қуриш тарафдори бўлган барча кучларни ҳаракатга келтирди, лекин Живков ўсиб бораётган норозиликни куч билан бостиришга тайёрланарди. БКП раҳбариятидаги соғлом кучлар унга қарши чиқди.

1989 йил 10 ноябрда БКП Марказий Комитетининг пленуми Т. Живковни у эгаллаб келган ҳамма лавозимлардан бўшатди, бу нарса демократик янгиланиш жараёни бошланишига хизмат қилди. Авторитар режимга нафрат туфайли бирлашган кенг халқ оммаси ҳаракатга келди. Мамлакатда ўнлаб сиёсий ташкилотлар тузила бошлади, илгари мавжуд бўлган партиялар, шу жумладан Болгария социал-демократик партияси ўз фаолиятини яна бошлаб юборди. Бир қанча ташкилотлар мамлакатда кўппартияли парламент демократияси тарафдори бўлиб чиққан Демократик кучлар иттифоқи (ДКИ) га бирлашди. БКП нинг собиқ иттифокчиси БДМИ унга нисбатан оппозицияга ўтди. БКП «думалоқ стол» атрофида оппозициячи кучлар билан мулоқотга киришди, лекин бу музокараларда муҳим келишмовчиликларга барҳам бериб бўлмади. ДКИ ҳамда бошқа сиёсий партиялар ва ташкилотлар БХР ҳукумати составига киришдан бош тортдилар, коммунист А. Луканов ҳукумат бошлиғи бўлди.

1990 йил 30 январда БКПнинг навбатдан ташқари XIV съезди бўлиб ўтди, съезд партиянинг бош мақсади — Болгариядаги социалистик жамиятни қайта қуриш ва янгилаш, «барча граждандарга тенг ҳуқуқларни ва ҳар бир кишига эркин камол топиши учун тенг имкониятларни берувчи ҳамда гарантияловчи меҳнат эркин кишилари жамияти» бўлган демократик социализм қуриш эканлигини эълон қилди. Партия ўзининг жамиятдаги раҳбарлик роли тўғрисидаги қоидадан, демократик централизм принципидан воз кечди, мусулмон озчилик аҳолига нисбат бўлган сиёсатни энг оғир бузилишлардан бири сифатида қоралади. БКП қўйилган мақсадларга эришиш учун бошқа сиёсий партиялар ва ҳаракатлар билан коалицияга киришга тайёр эканлигини билдирди. Партиянинг янги раҳбариятига илгари Живков таъкибларига учраб келган Александр Лилев бошлик бўлди.

Болгарияда маъмурий-буйруқбозлик системасини бузиб ташлаш, сталинчилик ва живковчиликка барҳам бериш жараёни бошланди.

## **Руминия**

**60—80-йиллардаги сиёсий ва социал-иқтисодий тараққиёт.** 1965 йилда Николае Чаушеску Руминия Коммунистик партиясининг раҳбари этиб сайланди. Уша вақтда Буюк миллий мажлис янги конституцияни қабул қилди, бу конституция РКП нинг раҳбарлик ролини ва давлатнинг Руминия Социалистик Республика-

си (РСР) деган номини конун йўли билан мустаҳкамлаб қўйди. 1974 йилда РСР нинг президенти лавозими таъсис этилди, президент давлат бошлиғи, курулти кучларнинг олий бош қўмондони ва Давлат кенгаши раиси функцияларини бажаради. Шу барча лавозимларни ҳамда РКП нинг Бош секретари лавозимини Н. Чаушеску эгаллади. Компартияларнинг бу лавозимга Марказий Комитетлар сайлаб қўядиган бошқа раҳбарларидан фарқли ўларок, РКП да бошқа тартиб белгиланган бўлиб, бунда Бош секретарь бевосита съездда сайлаб қўйиларди ва шундай қилиб Марказий Комитетдан мустақил бўларди. Шунингдек партия ва давлат лавозимларини бирлаштириш принципи ҳам қабул қилинган эдики, бу партия ва давлат органлари фаолиятини чамбарчас уйғунлаштириш, параллелизм ва такрорлашга барҳам бериш зарурати билан асосланган эди.

Бундай система партиянинг ҳокимиятга мунтлақ монополиясига ва тепасида Чаушеску турган тоталитар система ўрнатилишига олиб келди. У барча олий партия ва давлат лавозимларини эгаллабгина қолмай, балки ҳокимиятга ўз уруғ-аймоқларини ҳам олиб келди — Чаушескунинг хотини Елена РКП олий раҳбариятининг аъзоси эди, унинг ўғли Нику комсомол ташкилотига бошчилик қиларди, Никунинг хотини эса пионер ташкилотига бошчилик қиларди. Чаушеску уруғ-аймоқларининг қиркка яқин аъзолари юқори партия ва давлат лавозимларини эгаллаган эди. Бу уруғ-аймоқлар куч-ғайрати билан Чаушеску шахсига сиғиниш яратилди, тарғибот органлари уни «раҳнамолардан энг донишмани», «беқиёс стратег», «келажак башоратчиси» деб, Руминиянинг 1965 йилдан кейинги тарихини эса «Чаушеску даври» деб атади.

РСР нинг Чаушеску ишлаб чиққан таракқиёт стратегияси мамлакатнинг саноат жиҳатдан ривожланган давлатлардан тарихан таркиб топган қоқоқлигига барҳам беришини, нисбатан қисқа вақт мобайнида улар даражасига яқинлашишни кўзда тутарди. Бу мақсадга раҳбарияти социалистик иқтисодий интеграция программасини амалга оширишда қатнашган ҳолда Ўзаро Иқтисодий Ердан Кенгаши доирасида эришини мўлжаллаган Болгариядан фарқли ўларок, Чаушеску Руминиядек қоқоқ мамлакат учун ЎИЕҚ интеграцион жараёнларида қатнашиш фойдасиз, деб даъво қилиб, капиталистик давлатлар билан алоқаларни ҳар томонлама кенгайтириш йўлини тутди.

Қўйилган мақсадни амалга ошириш учун Руминияда жадал ривожлантириш йўли тутилди: металлургия комбинатлари, нефтни қайта ишлаш ва нефть химияси заводлари ва бошқа корхоналар қурила бошлади, бу кўп маблағлар талаб қиларди. Асбобускуна ва технологиянинг анчагина қисми чет элдан, капиталистик мамлакатлардан олинди. Бу нарса Фардан қарздор бўлиб қолишга, экономика кўп тармоқларининг ҳам ашё келтиришга қарамлигига олиб келди. Оғир саноат тез суръатлар билан ривожланаётган бир вақтда енгил ва озик-овқат саноати тобора орада қола бошлади, ички бозорда асосий саноат товарлари тан-

кислиги кескин сезилди. Кишлоқ хўжалик унумдорлигининг етарли даражада юқори эмаслиги, озиклар ва ўғитлар етишмаслиги аҳолининг озик-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш имконини бермасди, бу эса уларни норма бўйича тақсимлашга олиб келди.

Чаушескунинг тоталитар режими ҳар қандай норозиликни қаттиқ бостирарди. Аҳолининг бутун ҳаёти хавфсизлик органлари — «секуритате»нинг сергак назорати остида бўлиб, телефонда сўзлашувлар эшитиб олинарди, ажнабийлар, шу жумладан социалистик давлатлар граждани билан мулоқот таъқиқланган эди, чақувлар рағбатлантириларди, «секуритате» камокхоналарида махбусларга азоб бериларди. Норози кишиларни руҳий қасаллик шифохоналарига жўнатиш практикаси кенг қўлланиларди.

Руминияни иқтисодий ривожлантириш стратегияси 70-йиллар охири — 80-йиллар бошида мамлакат ниҳоятда оғир аҳволга тушиб қолишига олиб келди. Унинг қарзлари сўнгги даражага етди, халқ хўжалиги таракқиётидаги номутаносибликлар кучайиб борди. РКП раҳбарияти вужудга келган ҳолатдан чиқиб олиш йўлини аввало энергетика соҳасида қаттиқ тежашдан излаб топишга уринди. Электр станциялари армия офицерлари назоратига бўйсундирилди, саноат корхоналари ва аҳолининг қувват истеъмолига қаттиқ лимитлар жорий қилинди. Кеч кириши билан румин шаҳарларини қоронғилик босар, ўнта фонусдан биттасигина ёқиларди. Оддий кунларда телевидение асосан «Чаушеску даври» хроникасини кўрсатиб, суткада икки-уч соат ишларди, уйлардаги харорат музлаш нуқтасидан салгина юқори бўларди.

1989 йил ўртасида Руминия фавқулодда куч-ғайрат сарфлаш йўли билан 21 миллиард долларли ташқи қарзини тўлади, лекин бу аҳвол реал яхшиланишига олиб келмади, чунки унга мамлакатга зарур товарлар ва озик-овқат маҳсулотини ташқи бозорларга чиқариш эвазига эришилган эди. Анчагина венгр майда миллати яшаётган Трансильванияда кичик қишлоқларни тугатиш ва аҳолини анча йирик урбанизацияланган посёлкаларга кўчиришни (бу ерда «секуритате» органларининг аҳолини назорат қилиши осонлашарди) кўзлаган сиёсатнинг ўтказилиши натижасида аҳоли кулфатлари кучайиб кетди.

**Демократик революция.** Оммавий террорга қарамай, Чаушеску диктатурасининг аҳволи мустаҳкам эмасди. 1987 йил охирида йирик саноат шахри бўлган Брашовода «секуритате» «Йўқолсин диктатор!» шiori остида бўлиб ўтган иш ташлаш ва намоёйишни бостирган эди. 1989 йил бошида турли вақтда ўз лавозимларидан четлатилган собиқ йирик партия ва давлат арбобларидан олти киши Чаушескуга «Очик хат» билан мурожаат қилиб, уни халқ учун ҳалокатли сиёсат ўтказишда айбладилар. Улар ўзларининг бу мардона қадамлари учун янги таъқибларга дучор қилиндилар, Чаушеску уларни АҚШ, СССР, Англия ва Франция айғoқчилари деб эълон қилди. Трансильванияда венгр майда миллатини таъқиб этиш венгр миллатидан бўлган кўпгина граж-

данларнинг Венгрияга қочишига ва Венгрия республикаси билан низо чиқишига олиб келди. Бу масала БМТ да муҳокама қилинди.

1989 йил декабри ўртасида маъмурларнинг Тимишовара шаҳридан (Трансильвания) венгр протестант руҳонийсини зўрлик билан кўчиришга уриниши шаҳарда ғалаёнлар чиқишига олиб келди. Чаушеску уларни куч ишлатиб бостиришни буюрди. Бу воқеа демократик революцияга туртки берди.

1989 йил 22 декабрда Бухарестдаги президент саройи районида «секуритате» билан қўзғолон кўтарган ва армия қисмлари ўз томонига ўтган халқ ўртасида бўлиб ўтган қаттиқ жанглар натижасида Чаушеску диктатураси ағдариб ташланди. Шундан сўнг тез орада революцион трибунал ҳукми билан Чаушеску ва унинг хотини Елена содир қилинган жиноятлари учун қатл этилди. Руминиядаги ҳокимият қўзғолон пайти ташкил топган Миллий қутқариш fronti кўлига ўтди, Илие Илиеску унга бошлик бўлди. У илгари Руминия Коммунистик партияси раҳбариятининг аъзоси бўлиб, Чаушеску ўтказган сиёсатга рози бўлмаганлиги учун унинг томонидан ўз лавозимидан олиб ташланган эди. Армия ва халқ кучлари билан қисқа вақт ичида Чаушескунинг асосан «секуритате» кучларидан иборат тарафдорлари қаршилиги синдирилди. Революция демократик революция ғалаба қозонди.

Демократик революциянинг ғалабаси шу вақтгача тоталитар режим зулми остида қолиб келган халқни фаол сиёсий ҳаёт сари уйғотди. Мамлакатда сиёсий партиялар ва ташкилотлар, шу жумладан 1947 йилгача йўқ бўлиб кетган миллий-либерал ва миллий-царанист (деҳқонлар) партиялар вужудга кела бошлади. И. Илиеску муваққат президент этиб сайланди. Мамлакат ўз тараққиётининг янги босқичига қадам қўйди.

### Савол ва топшириқлар<sup>1</sup>

1. Болгария билан Руминиянинг 70-80-йиллардаги сиёсий ва иқтисодий тараққиёти асосий йўналишларини таққосланг. 2. Бу мамлакатлардаги сиёсий режимлар кризисларнинг пайдо бўлиши нима билан изоҳланади? 3. Болгария билан Руминиядаги кризислар қандай воситалар билан ва қандай шароитда ҳал этилганлигини таққосланг. 4. Вақтли матбуот материалларидан фойдаланиб, Чаушеску диктатураси ағдариб ташланганлиги тўғрисида ахборот тайёрланг.

## 33-§. Югославия Социалистик Федератив Республикаси

1. Социал-иқтисодий тараққиёт. Югославияда 50-йилларда жорий этилган ишчиларнинг ўз-ўзини бошқариш системаси 60-йиллар бошларида амал қилмоқда эди. Бу система 1963 йил апрелда қабул қилинган конституцияда мустаҳкамлаб қўйилди ва янада ривожлантирилди. Конституцияга мувофиқ мамлакат *Югославия Социалистик Федератив Республикаси* деб (ЮСФР)

атала бошлади. Конституцияда ижтимоий ва давлат тузумининг негизи деб ишлаб чиқариш воситаларининг ижтимоий мулкчилиги ҳамда меҳнаткашларнинг ўз-ўзини бошқариши эълон қилинган. Югославиядаги барча халқлар тенг ҳуқуққа эга эканлиги таъкидланган.

ЮСФРда вужудга келган халқ хўжалигига раҳбарлик қилиш системаси саноатнинг янги тармоқлари — автомобиль, электротехника ва бошқа тармоқлар ривожланишига ёрдам берди. Айни вақтда капитал маблағларни кўп талаб қиладиган тармоқлар қора металлургия, электр энергетика орқада қолмоқда эди. Умуман эса 60- йиллар ўрталарига келиб саноат ишлаб чиқариши ҳажми урушдан олдинги даражадан деярли 7,5 баравар ошиб кетди. Индустрия бутун миллий даромаднинг қарийб ярмини бермоқда эди. Бирок қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг ривожланиши мамлакат эҳтиёжларидан орқада қолмоқда эди.

Вужудга келган қийинчиликларни енгиш учун 1965 йилда иктисодий ислохот амалга оширила бошлади. Қорхоналар хўжалик соҳасида кўпроқ мустақиллик ҳамда соф даромаднинг учдан икки қисмини тақсимлаш ҳуқуқини олдилар. Қорхоналарга давлатнинг дотация бериши бекор қилинди, ривожланиш учун зарур бўлган маблағларни эса улар хўжалик ҳисоби принципи асосида ихтисослаштирилган банклардан олишлари мумкин эди. Республикалар ўзларининг ички проблемаларини ҳал қилиш учун қўшимча ҳуқуқларга эга бўлдилар. Қишлоқ хўжалигининг юксалишини таъминлаш учун у ишлаб чиқараётган маҳсулотнинг харид нархлари оширилди. Айни вақтда Югославия товарлари халқаро бозорга чиқишини таъминлаш учун экспортни кенгайтириш чора тари қўрилди.

Ислохот бир қанча саноат тармоқларини модернизациялашга ёрдам берди, улар янги ускуналар олдилар. Натижада меҳнат унумдорлиги ошди, қишлоқ хўжалик маҳсулотининг ҳажми ўсди. Бирок иктисодий тартибга солишнинг ягона механизми йўқлиги сабабли вужудга келган номутаносибликларни йўқотишга муваффақ бўлинмади. Камроқ ривожланган республикалар ҳали ҳам иктисодий тараққиёт даражаси жиҳатидан Словения ва Хорватиядан орқада қолмоқда эдилар. Қишлоқ хўжалиги, ишлаб чиқариш ўсган бўлишига қарамай, шаҳар аҳолисининг ўсиб бораётган талабларини ва саноатнинг эҳтиёжларини таъминлай олмади. Бунда умумлаштирилган сектор — давлат хўжаликлари — қишлоқ хўжалиги товар маҳсулотининг тахминан 2/3 қисмини бермоқда эди, 1/3 қисмини эса 2,6 миллион яқка деҳқон хўжаликлари бермоқда эди. Донга бўлган барча эҳтиёжларнинг учдан бир қисми импорт ҳисобига қопланар эди. Давлатнинг план соҳасидаги, ташкилотчиллик ва контрол қилиш, тартибга солиш соҳасидаги функциялари бўшашиши, экономикани ривожлантиришдаги номутаносибликлар кучайиши билан бир қаторда ташқи савдо балансининг дефицити ҳамда кривалистик мамлакатларга қарздорлик ўсди. Айни вақтда нархлар ошиб борди, аҳолининг харид



килиш қобилияти насайди. 60-йилларнинг ўрталаридан бошлаб Югославия граждaнларининг вақтинча ишлаш учун чет элга чиқиши кўпайиб, ўн йил ичида 1 миллион кишидан кўпроқни ташкил этди. Капиталистик мамлакатларнинг экономикасидаги кризис ҳодисалари муносабати билан уларнинг кўплари ватанларига қайтиб келишга мажбур бўлдиларки, бу ҳол аҳолини ишга жойлаштириш муаммосини кийинлаштирди. 80-йиллар ўрталарида Югославиянинг 600 мингга яқин граждaни чет элда ишламоқда эди.

**2. Сиёсий таракқиёт.** ЮСФРда ЮКС нинг раҳбарлик роли, ташкилий ва ғоявий-сиёсий бирлигининг бўшашиш жараёни ривожланди. Айрим республикаларда, масалаи индустрияси таракқий этган Хорватияда, шунингдек иқтисодий жиҳатдан қолоқ бўлган албан аҳолиси кўпчилиқни ташкил этган Косово автоном ўлкасида миллатчи ва сепаратчи элементлар активлашди. Агар Хорватияда бу элементларни федерация составида бўлиш гўё бу республикага иқтисодий жиҳатдан фойдали эмас, деган тасаввур билан иш кўрган бўлсалар, Косовода миллатчи элементлар бу ўлка экономикаси секин ривожланаётганлигидан ўз манфаатлари йўлида фойдаландилар. 80-йилларда Косово миллатчилиқ чиқишларининг ўчоғи бўлиб қолади. ЮСФР раҳбарлари ЮКС ролини ва Югославия халқларининг бирлигини мустаҳкамлаш учун бир қанча чоралар кўрди. 1974 йилда ЮСФРнинг ижтимоий-сиёсий система механизмини мустаҳкамлаган янги конституцияси кучга кирди. ЮКС X съезди (1974 йил) Н. Броз Тито ташаббуси билан ЮКСнинг ғоявий-сиёсий ва ташкилотчилик ролини ошириб бориш, демократик централизм принципларини тиклаш зарурлигини кўрсатиб ўтди. Социалистик ўз-ўзини бошқариш давлатни инкор этиш деб эмас, балки пролетариат диктатурасининг ўзига хос шакли деб ҳисоблана бошлади. Социалистик жамиятнинг ривожланиши стихияли ва ўз-ўзидан юз бериши ҳақидаги тасаввурлар рад этилди.

ЮСФР президенти ва ЮКС Раиси лавозимларини эгаллаб турган Н. Броз Тито вафотидан кейин (1980 йил май) давлатнинг коллегиял бошлиғи ЮСФР Президиуми бўлиб, у республикалар ва автоном ўлкаларнинг вакиллиғи принципи асосида ташкил этилади. Раис лавозимни навбати билан президиум аъзолари томонидан бир йил муддатга эгалланади. ЮКС раҳбарияти ҳам ана шу принцип асосида ташкил этилади.

**3. ЮСФРнинг ҳозирги аҳволи.** ЮКСнинг 70-80-йиллардаги съездлари қарорларида илгари сурилган ва ижтимоий таракқиёт планларида ўз аксини топган мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантириш вазифалари экономиканинг жўшқин ўсиб боришига таъминлашни, унинг самарадорлигини ошириши, халқ хўжалигининг баланслалигини яхшилашни, структуралардаги номуносиблиқни тугатишни ва бунинг натижаси ўлароқ иқтисодий барқарорликка эришишни, турмуш даражасини ошириши ва иш билан бандлик проблемасини ҳал қилишни ўз ичига олган эди. Ҳа-

кикатда эса, 70-йилларнинг охиридан бошлаб, кўп йиллар давомида тўпланиб қолган ва ҳал қилинмаган муаммолар туфайли иқтисодий ривожланиш суръатлари ва аҳолининг турмуш даражаси пасая бошлади.

1983 йилда *Иқтисодий барқарорлаштиришнинг узоқ муддатли программаси* қабул қилинди. Бу программа айрим республикаларнинг тараққиёт даражаларини бараварлаштиришга, иш билан бандликни оширишга, ташқи савдо тақчиллигини қисқартиришга, пулнинг кадрсизланишига қарши курашишга қаратилгандир. Бу муаммоларни ҳал қилишда Совет Иттифоқи катта ёрдам бермоқда. Совет кредитлари ҳисобига Югославияда 1965—1985-йилларда 90 та йирик саноат объекти барпо этилди. ЮСФР СССРга ҳар хил товарлар етказиб бермоқда, қурилиш ишларини олиб бормоқда. ЮСФРнинг бошқа социалистик мамлакатлар билан ҳам алоқалари ривожланиб бормоқда. 1964 йилдан эътиборан Югославия УИЕКнинг бир қанча органлари фаолиятида актив иштирок қилмоқда.

ЮСФР Болкон ярим оролини тинчлик ва ҳамкорлик, ядровий қуролдан ва уни қўлланиш таҳдидан озод зона деб эълон қилиш ташаббуси билан чиқди. Югославия қўшилмаслик ҳаракатида актив иштирок қилиш билан халқаро қўламада кенг ҳурмат ва обрў қозонди.

### **Албания Халқ Социалистик Республикаси**

60- йиллар бошига келиб Албания социалистик ўзгаришлар ва СССР ҳамда бошқа социалистик давлатлар билан яқиндан ҳамкорлик қилиш натижасида аграр-индустриал давлатга айланди. СССР ёрдами билан Тирана яқинида В. И. Ленин номидаги йирик гидроэлектр станцияси қурилди, тўқимачилик, нефтни қайта ишлаш, ёғочни қайта ишлаш корхоналари ва бошқа саноат тармоқлари вужудга келтирилди. Хром рудаси казиб олиш бўйича Албания Европада олдинги ўринлардан бирига чиқди. 1960 йилда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 1939 йилдагига қараганда 25 баравар кўпайди. Қишлоқ хўжалигида 70-йиллар бошига келиб дехқон хўжаликларини кооперациялаш жараёни тугалланди, бироқ қишлоқ хўжалиги ҳали ҳам кам унум бўлиб қолмоқда, аҳолининг эҳтиёжларини қондиролмас эди.

60-йиллар бошидан Албаниянинг ички тараққиёти ва ташқи сиёсий йўлидаги салбий жиҳатлар ўз таъсирини кўрсата бошлади. Булар бирон-бир объектив факторлар туфайли келиб чиққан эмас, балки Энвер Х ў ж а (1908—1985) бошчилигидаги *Албания меҳнат партияси* (АМП) раҳбарлари туган сиёсий йўлнинг оқибати эди. Улар КПСС XX съезди қарорлари асосида қардош коммунистик партиялар амалга оширган партия ва жамият ҳаётининг ленинча принципларини қарор топтириш сиёсатида салбий муносабатда бўлдилар. АМП раҳбарлари халқаро коммунистик ҳаракатнинг 1957 ва 1960 йиллардаги коммунистик ва ишчи партиялар

Халқаро кенгашларида белгиланган йўлига ҳам қарши чиқдилар. 1961 йил охирида Албания билан СССР ўртасида дипломатия муносабатлари узиб қўйилди. 1962 йилда Албания УИЕК фаолиятида катнашишни тўхтатди, 1968 йилда эса Варшава Шартномаси Ташкилотидан чиққанлигини расман маълум қилди.

Айни вақтда ХХР билан сиёсий ва иқтисодий алоқалар ривожлана бошлади. СССР билан алоқаларни узиш ва Европадаги социалистик мамлакатлар билан алоқаларни бўшаштириш мамлакатнинг иқтисодий тараққиётига салбий таъсир кўрсатди. Маблағ етишмаслиги туфайли бир қанча саноат объектларини қуриш тўхтатиб қўйилди, УИЕК доирасида ҳамкорлик қилишдан воз кечиш эса кучсиз ривожланган Албания экономикаси учун қўшимча кийинчиликлар туғдирди.

АМП раҳбарларининг ХХР га қараб иш тутиши шунга олиб келдики, Хитойдаги «маданий революция» нинг баъзи усуллари билан Албания шароитида фойдаланилди. «Ортиқча билимларга» қарши кураш баҳонаси остида ўқув юртларида ҳарбийлаштирилган тарбия жорий этилди, «ақл-заковатли бўлиш ва билимдонлик»га эришиш тенденциялари эса буржуа таълим системасининг кўринишлари деб эълон қилинди. 60—70-йилларда партия ва давлат аппаратида тозалаш ўтказилди, кўпгина кадр ходимлар репрессия қилинди. Барча динларга амал қилиш тақиқлаб қўйилди, ҳамма мачитлар қосёллар (поляк католикларининг черкови), ибодатхоналар ёпиб ташланди.

Иқтисодий ривожланиш планлари бажарилмади, мамлакатни ўзида ишлаб чиқарилган ғалла билан таъминлаш вазифаси ҳал қилинмай қолиб кетди. Моддий стимуллари инкор этиш меҳнатқашларнинг ишлаб чиқариш натижаларидан манфаатдорлигини оширишга ёрдам бермади. Деҳқонлар томорқа ерларининг қисқартирилишидан норози бўлдилар.

Халқаро майдонда Албания алоҳида позицияни эгаллади. 1975 йилда Европадаги ҳамма мамлакатлар орасида унинг ёлғиз ўзи Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларига бағишлаб Хельсинкида ўтказилган Кенгашда катнашишдан бош тортди.

Янги конституция қабул қилиниши (1976 йил) муносабати билан давлат Албания Халқ Социалистик Республикаси (АХСР) деб атала бошлади. 60-йиллар охирида Албания билан ХХР ўртасидаги муносабатлар ёмонлаша бошлади. ХХР саноат ускуналари етказиб беришни чўзиб юборди, кредитлар асосан саноатни эмас, балки қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун берилар эди. Халқаро сиёсат масалаларида ҳам келишмовчиликлар юз берди: АХСР ХХРнинг АҚШ билан муносабатларни ривожлантириш йўлини маъқулламади. Муносабатлар 1973 йилда узилди. ХХР АХСРдан ўз мутахассисларини чақириб олди ва иқтисодий ҳамда техникавий ёрдам кўрсатишни тўхтатди. Вужудга келган ташқи иқтисодий алоқаларнинг яна бузилиши АХСРнинг иқтисодий тараққиётига салбий таъсир кўрсатди.

Албания раҳбарлари «ўз кучларига таяниш» йўлини эълон

қилди, лекин унинг ички ва ташқи сиёсатида 80- йиллар охиригача жиддий ўзгаришлар юз бермади. 1985 йилда АМП раҳбари қилиб сайланган Халқ мажлиси Президиумининг Раиси Али Я эски усулларни янгилари билан қўшиб олиб бориш, жойларда ташаббусни ривожлантириш зарур деб айтди. «Мамлакатда социалистик қурилиш жараёнини жадал илгарилатиш» вазифаси қўйилди. Гидроэнергетика, химия, машинасозликни жадал ривожлантириш, кишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқаришни ўстириш чоралари кўрилмоқда. Саноат ва кишлоқ хўжалиги ходимларининг моддий манфаатдорлик принципи тикланмоқда.

АХСР 50 дан ортиқ давлат, шу жумладан баъзи социалистик мамлакатлар билан ҳам савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантирмоқда. Халқаро майдонда АХСР тинчликни ёқлаб, қуроуланиш пойғасига қарши, социализм қуриш учун тинч шароитларни таъминлашни ёқлаб чиқмоқда.

### Савол ва топшириқлар

1. ЮСФРда 1965 йилда ўтказилган иқтисодий ислохотнинг мақсадлари ва натижаларини таърифланг. 2. ЮСФРнинг социалистик қурилиш йўлида қандай қийинчиликлар бор ва улар қандай бартараф этилмоқда? 3. 60—80- йилларда АХСРнинг иқтисодий ва сиёсий ривожланиш хусусиятларини кўрсатиб беринг.

### Осиёдаги социалистик мамлакатлар

Осиёдаги революцион ўзгаришлар Улуғ Октябрь социалистик революцияси таъсирида бошланиб, кўпгина мамлакатларда халқлар ўзларининг миллий озодликлари учун курашга кўтарилдилар. Монгол халқи ҳаммадан кўп ютуқларга эришди: 1921 йилдаги антиимпериалистик, антифеодал революция Монголиянинг капиталистик босқинчи четлаб, социализмга ўтиши учун йўл очиб берди. Монголия Халқ Республикаси (МХР) Осиёдаги биринчи халқ демократияси мамлакати бўлди. Милитаристик Япониянинг ҳарбий-сиёсий жиҳатдан мағлубиятга учраши 1945 йилда Вьетнамда Август революцияси ҳамда Лаос ва Камбоджанинг (Кампучия) миллий озодлиги учун шароит яратди. Агар Марказий ва Жануби-Шарқий Европа мамлакатларидаги халқ-демократик революциялари тахминан бир вақтда, 1944—1945 йилларда ғалаба қилган бўлса, Осиёда улар фақат Корея ва Вьетнамдагина иккинчи жаҳон урушининг охирида ғалаба қилди. Хитойда революция 1949 йилда, Лаос ва Кампучияда — 1975 йилда ғалаба қилди. Бу мамлакатларнинг халқлари компрадор буржуазия ва феодалларга таянган халқаро империализмга қарши узоқ вақт кураш олиб боришга мажбур бўлди.

Ўзларининг социал-иқтисодий, сиёсий ва маданий тараққиёт даражалари, синфий кучларнинг жойлашиши жиҳатидан Осиё мамлакатлари Европадаги халқ демократияси давлатларидан анча фарқ қилар эди. Корея ва Ҳинди-Хитой мамлакатлари империалистик давлатларнинг мустамлакалари эди, Хитой эса ярим

мустамлака эди. Бу мамлакатларда капиталистик муносабатлар билан бир қаторда феодал муносабатлар ҳам сақланиб қолган эди. Буржуазия икки лагерга-компрадор ва миллий лагерга ажралган эди. Бундай шароитда Осиё мамлакатларидаги халқ демократик революциялари мустамлакачиликка қарши, антиимпериалистик ва антифеодал вазифаларни ҳал қилиши керак эди. Ишчилар синфи революцияларнинг раҳбар кучи бўлиб, у барча антифеодал, антиимпериалистик кучларнинг демократик фронтига таянар эди. Вьетнам, Лаос ва Кампучиядаги революцияларнинг хусусияти шу эдики, 1951 йилга қадар бу революцияларга битта партия — *Хинди-Хитой Коммунистик партияси* раҳбарлик қилди. Кейинчалик Лаос ва Кампучиядаги революцион кучлар Вьетнам армияси ва халқ билан жанговар ҳамдўст бўлиб ҳаракат қилди. Осиё мамлакатларидаги революциялар жаҳон революцион ҳаракатидан ва социалистик давлатлардан, энг аввало СССРдан доимо мадад олиб турди.

Европадаги халқ демократияси мамлакатларида бўлганидек, Осиёдаги давлатларда ҳам умумдемократик ўзгаришларни амалга ошириш биринчи навбатдаги вазифа эди. Социализмга ўтиш Марказий ва Жануби-Шарқий Европа мамлакатларидагига қараганда анча паст даражадан бошланди. Халқ хўжалигининг давлат ва кооператив секторлари шаклидаги социалистик уклад халқ-демократик революцияси босқичидаёқ вужудга келтирила бошлаган эди, лекин экономиканинг асосий соҳаси бўлган қишлоқ хўжалигида майда товар уклади узоқ вақт давомида устун бўлиб қолаверди. Қишлоқни социалистик асосда ўзгартириш жараёни ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш даражаси Европа мамлакатларидагига қараганда анча паст бўлган бир пайтда бошланди ва кооперациянинг қуйи формаларидан — меҳнатда ўзаро ёрдам группалари, кредит, таъминот-сотиш кооперацияси формаларидан нисбатан кенг фойдаланиш йўли билан амалга оширилди.

Тарихан вужудга келган хўжалик қоқоқлигини ва экономиканинг кўп укладлилигини йўқотиш жараёни гарчи баъзи ноқулай факторлар (Хитойдаги «маданий революция» социалистик қурилиш жараёнида йўл қўйилган хатолар, Вьетнамнинг империалистик агрессияга қарши кураши) бу жараённи секинлаштириб қўйган бўлса-да, борган сари кучаймоқда. Осиё мамлакатлари иқтисодий ривожланишнинг асосий кўрсаткичлари ва турмуш даражаси бўйича Европадаги социалистик мамлакатлардан анча орқада.

Осиё халқларининг социализм томон боришида уларнинг СССР, бошқа социалистик давлатлар билан ҳамкорлиги катта аҳамиятга эга. МХР ва ВСР ЎИЕК аъзоларидир. Лаос Халқ-Демократик Республикаси ЎИЕК аъзолари бўлган мамлакатлар билан бир қанча шартномалар тузиб, аста-секин социалистик иқтисодий интеграция жараёнига қўшилмоқда. Корея Халқ-Демократик Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси икки ёқлама би-

тимлар асосида бошқа социалистик давлатлар билан ҳамкорлик-ни ривожлантирмоқда.

#### Савол ва топшириқлар

1. Осиё мамлакатларидаги халқ-демократик революцияларининг ички ва ташқи шарт-шароитларини таърифлаб беринг. 2. Осиё мамлакатлари социализмга ўтишининг Марказий ва Жануби-Шарқий Европа мамлакатларига қараганда спецификаси қандай?

### 34- §. Хитой Халқ Республикаси

1. Халқ революциясининг ғалабаси ва ХХРнинг ташкил топиши. Япон империализмига қарши миллий-озодлик кураши давомида (1937—1945 йиллар) япон қўшинларининг орқа томонида яхлит территориал массивни ташкил этмаган озод районлар пайдо бўлди. Бу районларга *Хитой Коммунистик партияси* (ХКП) сиёсий раҳбарлик қилди. Бу ерда демократик ҳокимият органлари иш олиб бориб, улар оккупантлар билан ҳамкорлик қилган помешчикларнинг ерларини мусодара қилди, ер учун ижара ҳақини қамайтирди, халқ оmmasининг аҳволини яхшилаш чораларини кўрди. Япон босқинчиларига қарши уруш охирида озод қилинган районлар Хитой территориясининг қарийб чорак қисмини, аҳолиси эса деярли 150 миллион кишини ташкил этар эди. ХКП Хитойни демократик давлатга айлантиришни ёқлаб, гоминьданчи ҳукумат билан музокаралар бошлади ва граждандар урушига йўл қўймаслик учун муросага келишга тайёр эканлигини билдирди. Бирок Чан Кайши ҳукумати эришилган битимни 1946 йил июлда бузди ва озод қилинган районларга ҳужум бошлаб АҚШ мададида граждандар урушини авж олдирди.

Гоминьданчилар ҳукуматининг сиёсати бутун хитой халқининг ғазабини келтирди. Ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар, мамлакат экономикаси устидан амалда АҚШ контроли ўрнатилишидан қамситилган миллий буржуазиянинг бир қисми ҳукмрон тузумни қўллаб-қувватлашдан бош тортди.

Шимоли-Шарқий Хитойнинг Совет Иттифоқи чегараларига яқин бўлган озод қилинган районлари гоминьданчиларга қарши кураш олиб бориш учун ғоят муҳим база бўлди. *Халқ-озодлик армияси* (ХОА) чанкайшичиларнинг ҳужумини қайтариб, 1947 йил июлда ҳужумга ўтди. Бу ҳужум граждандар урушида бурилиш юз берганлигини кўрсатар эди. ХОА Декларацияси ана шу бурилишни акс эттирди. Унда халқ гоминьданчилар ҳокимиятини ағдариб ташлашга ҳамда демократик ҳукумат тузишга даъват этилган эди. Бу ҳукумат умумдемократик характердаги ўзгаришларни амалга ошириши: империалистлар билан тузилган асоратли битимларни бекор қилиши, ерни деҳқонларга топшириши, меҳнатқашлар оmmasининг турмуш шароитларини яхшилаши керак эди. Гоминьданга оппозицияда бўлган бир қанча демократик партиялар ва ташкилотлар бу чакириқни қўллаб қувватладилар. Ҳужум

операциялари натижасида 1949 йил кузига келиб ХОА Хитойнинг анча катта қисмини озод қилди. Чан Қайши кўшинларининг қолдиқлари Тайвань оролига эвакуация қилинди.

1949 йил сентябрда Пекинда *Бирлашган халқ-демократик фронтининг* олий органи — *Халқ сийсий маслаҳат кенгаши* (ХСМК) биринчи сессияси бўлиб ўтди. Сессия ҳукумат сайлади ва давлатнинг пойтахти Пекин бўлади, деб қарор қилди. 1949 йил 1 октябрда Хитой Халқ Республикаси (ХХР) ташкил этилганлиги тантанали суратда эълон қилинди. СССР ХХР ташкил этилганлигини таниган биринчи давлат бўлди, тез орада эса кўпгина бошқа давлатлар ҳам ХХРни таниганликларини маълум қилдилар. Фақат АҚШгина Чан Қайшини қўллаб-қувватлашни давом эттирди ва ХХР 22 йил мобайнида, то 1971 йилгача БМТдаги қонуний жойидан маҳрум бўлишига эришди.

ХХРда халқ революцияси ғалаба қилгач ХКП раҳбарлик қилган халқнинг демократик диктатураси қарор топди.

**2. Социализм қуришга ўтиш.** 1950 йил баҳорида ХОА Хитойнинг ҳамма территориясини озод қилди. Тибет ҳукумати билан олиб борилган музокаралар натижасида Тибетни тинч озод қилиш ҳақида битим имзоланди, у миллий автономия ҳуқуқини олди. Ҳамма жойда халқ ҳокимиятининг янги органлари тузилди. Миллий автоном районлар пайдо бўлди. 1953 йил бошига келиб, граждандар уруши давомидаёқ озод қилинган районларда амалга оширила бошлаган аграр ислохот деярли охирига етказилди. Помешчиқлар синфи тугатилди, 300 миллион деҳқон 47 миллион гектар ер олди. Бюрократик ва чет эл капиталининг мулкларини мусодара қилиш социалистик секторга мамлакат экономикасида раҳбарлик позицияларини эгаллаш имконини берди. Миллий буржуазиянинг фаолиятини давлат контрол қилиб турди. Кўп йиллик урушлар давомида вайрон бўлган халқ хўжалигини тиклаш жараёни борди, бироқ экономика ҳали ҳам қолоқ эди.

Иқтисодий қурилишда ХХРга Совет Иттифоқи катта ёрдам берди. 1950 йилда дўстлик, иттифок ва ўзаро ёрдам тўғрисида совет-хитой шартномаси имзоланди. Биринчи беш йиллик планни (1953—1957 йиллар) бажариш жараёнида СССР мадади билан Хитойда 300 га яқин йирик саноат корхонаси ва бошқа объектлар қурилди. СССР ХХР га жами 2 миллиард сўмлик кредит ва қарзлар берди. Минглаб совет мутахассислари Хитой экономикасини ривожлантиришда ёрдам бердилар, 38 минг хитой граждани СССРда таълим олди ва ўз малакасини оширди.

1954 йил сентябрда *Халқ вакиллари умумхитой мажлисининг* (ХВУМ) биринчи сессияси ХХР конституциясини қабул қилди ва ХКП раҳбари Мао Цзэдунни ХХР расми қилиб сайлади.

50-йилларда ХХР да ХКП ишлаб чиққан социалистик индустриалаш ва майда товар ҳамда хусусий капиталистик секторларни социалистик асосда ўзгартириш йўли амалга оширилди. 1956 йилга келиб деҳқонларнинг 98 проценти ишлаб чиқариш кооперативларига кирган бўлиб, уларга помешчиқлар ва кулоқлар

хам маълум шартлар билан қабул қилинар эди. Хусусий капиталистик саноат ва савдо корхоналари аралаш корхоналарга айлантирилди, майда хусусий корхоналар кооперативларга бириктирилди.

ХКПнинг VIII съезди (1956 йил сентябрь) мамлакатни индустриалаш, қишлоқ хўжалигига солинадиган капитал маблағларни кўпайтириш ва халқнинг турмуш даражасини ошириш орқали экономикани янада ривожлантириш йўларини белгилаб берди. Бу вазифаларни навбатдаги уч беш йилликда амалга ошириш мўлжалланган эди.

**3. ХХР 50-йиллар охири — 70-йилларнинг биринчи ярмида.** VIII съездининг йўлига Мао Цзэдун бошчилигидаги ХКП раҳбарларининг бир қисми қаршилик кўрсатди. Улар социализмни «муддатидан олдин» куриш мумкин деб ҳисоблаб, беш йиллик план топшириқлари қайта кўриб чиқилишига ва кескин кўпайтирилишига эришдилар. «*Уч йил қаттиқ меҳнат қиламиз — ўн минг йил бахтиёр бўламиз!*» деган шиор эълон қилинди. ХКП VIII съезди илгари сурган реал вазифа — беш йил ичида 10,5—12 миллион тонна пўлат эритиш вазифаси ўрнига мутлақо амалга ошириб бўлмайдиган план — пўлат эритишни 80—100 миллион тоннага етказиш плани пайдо бўлди. Ана шу мақсадда «кичик металлургия» барпо этила бошлади: мўрт, саноатда ишлатиб бўлмайдиган пўлат эритувчи кўпдан-кўп кустар печлар қурилди. Қишлоқ хўжалигида «жадал суръатлар билан коммунизмга ўтиш» яна ҳам мудҳишроқ оқибатларга олиб келди. Қисқа муддат ичида 740 минг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш кооперативи 25 минг «халқ коммунасига» айлантирилди. Бутун ер, шу жумладан, томорқа участкалари, анжомлар, чорва моллар, уй паррандалари, шахсий идишлар, рўзғор буюмлари ва ҳоказолар «умумий мулкка» айланди. Коммуналарда ҳарбийлаштирилган тартиблар, озиқ-овқат маҳсулотларини тенг тақсимлаш жорий қилинди. Бу чораларнинг ҳаммаси турмуш даражаси кескин пасайишига ва Хитойнинг бир қанча вилоятларини қамраб олган очарчиликка олиб келди. Бу вилоятларда ғалаёнлар кўтарилди. «Катта сакраш» сиёсатига қарши чиққан ХКП Марказий Комитетининг бир қанча таниқли арбоблари репрессияларга учради.

1961 йилда кустар усулда оммавий суратда пўлат ишлаб чиқариш тўхтатилди, «халқ коммуналари» қайтадан ташкил этилди, деҳқонларга томорқа участкалари қайтариб берилди, бозор савдосига яна руҳсат берилди. «Қишлоқ хўжалиги — халқ хўжалигининг асоси» деган йўл эълон қилинди. Бу йўлга мувофиқ шаҳарларда капитал қурилиш қисқартирилди, шаҳарлардан эса қишлоқ жойларга мажбурий тартибда 20 миллион киши кўчирилди. Иккинчи йилликнинг охиридагина (1958—1960 йиллар) саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг таназзулини тўхтатишга муваффақ бўлинди. Бироқ каттиқ марказлаштириш ва бюрократизм, меҳнатга ҳақ тўлашдаги тенгчилик ва меҳнат унумдор-



лигининг пастлиги узок вақт мобайнида халқ хўжалигининг ривожланишига тўсиқ бўлиб келди.

ХКПдаги сўл оппортунистик элементлар демократияни батамом йўқотиш, жамиятда армиянинг ролини кучайтириш, буюк давлатчилик, миллатчилик кайфиятларини авж олдириш йўлини ўтказдилар. Айни бир вақтда бир томондан ХКП ва иккинчи томондан КПСС ҳамда бошқа коммунистик партиялар ўртасида халқаро сиёсат ва социалистик қурилишнинг бир қанча муҳим проблемалари юзасидан ихтилофлар етилди. Партиялар ўртасидаги низо давлатлараро муносабатларнинг кескинлашувиغا олиб келди.

«Сўллик» йўлининг янги кўринишлари қаршиликка дуч келгач, бу йўлнинг тарафдорлари партия ва давлат аппаратида қарши кенг ҳужум бошладилар. Улар армия қисмларига, «хунвэйбинлар» («қизил сокчилар») ва «цзаофанлар» («бузғунчилар», «исёнчилар») ҳаракатига тортилган мактаб ва студент ёшларидан фойдаланиб, халқ ҳокимиятининг давлат институтларини тор-мор қилдилар, уларни «революцион комитетлар» билан алмаштирдилар. Кўпгина илмий ва маданий муассасалар ҳам тор-мор қилинди, йирик партия ходимлари, олимлар, ёзувчилар устидан таҳқиқловчи «судлар» ўтказилди. Репрессиялар партия ва давлатнинг бир қатор таниқли арбобларини, ХКП Марказий Комитети ва Сиёсий бюросининг аъзоларини, шу жумладан, 1959 йилдан бошлаб ХХР Раиси лавозимини эгаллаб келган Лю Шаоцини ҳам ўз домига тортди. «Маданий революция» деб ном олган бу ҳаракатларнинг ҳаммаси ХХР экономикасига ҳам, маданият ва фаннинг ривожланишига ҳам оғир зарар етказди, мамлакатнинг бутун ижтимоий-сиёсий ҳаётига салбий таъсир кўрсатди.

Халқаро майдонда СССР билан ҳамкорликдан четлашиш билан бир қаторда АҚШ билан яқинлашиш томон бурилиш юз берди. Япония ва Ғарбий Европа давлатлари ХХР нинг асосий иқтисодий шериклари бўлиб қолди.

Мао Цзэдун вафотидан сўнг (1976 йил сентябрь) ХХРда сиёсий кучлар кураши давом этди. Бу кураш «тўртлар тўдаси» («маданий революция» даврида кўтарилган Мао Цзэдунга яқин арбоблар) деб ном олган «сўллар» группировкасининг ҳокимиятдан четлатилиши билан тугади. «Маданий революция» оқибатларини бартараф этишда ХКПнинг энг кекса арбобларидан бири Дэн Сяопин катта роль ўйнади.

**4. ХХР нинг 70-йиллар охири — 80-йиллардаги тараққиёти.** ХКП Марказий Комитетининг 1978 йил декабрда бўлиб ўтган пленуми ХХР тараққиётида бурилиш нуқтаси бўлди. Унинг қарорлари *иқтисодий ислоҳотни* амалга оширишга асос солди. Ислоҳотнинг мақсади-социалистик планли товар экономикаси системасини яратишдан иборат бўлиб, бу системада давлат корхоналар ишини тартибга солувчи бозорнинг фаолиятини белгилайди.

ХХР даги иқтисодий ислоҳот икки босқичдан ўтди. *Биринчи босқичда* (1978 йил декабрь - 1984 йил октябрь) у асосан мам-

лакат аҳолисининг 4/5 қисмидан кўпроғи яшаб меҳнат қилаётган кишлоқда ўтказилди. Экономикани модернизациялаш, «халқ коммуналари» ни хонадон (оила) ишлаб чиқариш пудрати системаси билан алмаштириш йўлидан борилди. Оила ёки бир группа оилалар узоқ муддатга (10—50 йилга) фойдаланиш учун ер участкаси олгач, ишлаб чиқарилган маҳсулотни участкадан фойдаланиш ҳуқуқи учун давлат билан ҳисоб-китоб қилиб бўлинганидан кейин ўз ихтиёри билан тасарруф қилади. Аграр сектордаги ўзгаришлар ва товар-пул муносабатларининг ривожланиши натижасида озиқ-овқат ишлаб чиқариш кескин ошди. ХХР ўз халқини боқиш имкониятига эга бўлди.

*Ислохотнинг иккинчи босқичида* (1984—1987 йиллар) шаҳардаги иқтисодий структура ўзгартирилди, шу билан бирга ишлаб чиқаришдан тортиб маҳсулотни сотишгача бўлган ҳамма функцияларни корхона ўз зиммасига олди. Саноатни бошқаришнинг маъмурий-буйруқбозлик усуллари иқтисодий тартибга солиш усуллари билан алмаштирилди, экономикани децентрализациялаш амалга оширилди. Кўпчилик корхоналарда ўз харажатларини ўзи қоплаш асосида пудрат ёки ижара системаси жорий қилинди. Бозор экономикаси мавжуд бўлгани ҳолда давлат умумий планлаштиришни, капитал маблағларни белгилашни, нархларни контроль қилишни ўз қўлида сақлаб қолмоқда.

ХКПнинг XIII съезди (1987 йил октябрь — ноябрь) *учинчи босқичга* асос солди. Бу босқичда ислохот ҳамма ерда ёйилди. Ўтган йиллар мобайнида Хитой тараққиётининг барқарорлиги мустаҳкамланди, халқнинг турмуш даражаси ошди, ишсизлик камайди. Ислохот бошланганидан бери деҳқонларнинг реал даромадлари 1,8 баравар, шаҳар аҳолисининг реал даромадлари эса 85 процент кўпайди. Партия ва давлатнинг куч-ғайратлари экономикадаги ва жамиятнинг турли қатламлари олаётган даромадлардаги номутаносибликларни, пулнинг кадрсизланишини, хом ашё ва электр энергиясининг етишмаслигини бартараф этишга қаратилди. ХХРнинг жаҳон хўжалигида иштирок этишидан келадиган нафдан фойдаланиш учун чет эл капитали, техникаси ва технологияси кириб келиши учун очик бўлган махсус иқтисодий зоналар тузилди, чет эл капитали иштирокида компаниялар амал қилмоқда.

Иқтисодий ислохотлар сиёсий ислохотлар билан қўшиб олиб борилмоқда. 1982 йилда қабул қилинган Конституцияга мувофиқ ХХР *халқ демократик диктатурасининг социалистик давлати бўлиб, унга ишчилар синфи раҳбарлик қилади ва у ишчилар ва деҳқонлар иттифоқига асослангандир*. ХКП Мао Цзэдун шахсига сиғинишни қоралади, ўтмишда мавжуд бўлган практикадан — партия ва давлатдаги лавозимларни умрнинг охиригача эгаллаб туриш практикасидан воз кечди. ХХРда коллектив раҳбарлик жорий этилди, партия ва давлат органларининг вазибалари чегаралаб қўйилди, маҳаллий ҳокимият органларининг ва Халқ вакиллари умумхитой мажлисининг ҳуқуқлари кенгайтирилди. Асоссиз

репрессияларнинг қурбонлари оқланди, партия сафлари «маданий революциянинг» энг актив тарафдорларидан ва ХКП нинг янги йўлига қарши бўлганлардан тозаланди.

ХКП халққа «хитойча специфика»га эга бўлган социализм қуриш концепциясини таклиф қилди. Бу концепцияда мамлакатнинг хусусиятлари яъни аҳолининг кўплиги ва экономиканинг қолоқлиги ҳисобга олинади. Бунда шу вақтга қадар турмуш тарзида ва ижтимоий онгда феодализм қолдиқлари сақланиб қолганлигига, «маданий революция» эса ижтимоий-сиёсий ҳаётга салбий таъсир кўрсатганлигига эътибор берилди.

ХКП Марказий Комитетининг Бош секретари қилиб 1987 йилда Чжао Цзян (1919 йилда туғилган) сайланди.

Совет-Хитой муносабатларини нормаллаштириш ва иккала мамлакатнинг амалий ҳамкорлигини ривожлантириш жараёни юз бермоқда.

### Савол ва топшириқлар

1. Хитойда халқ революцияси ғалабасининг ички ва ташқи факторларини таърифлаб беринг. 2. Хитой халқи қандай шароитда социализм қуришга киришди? 3. «Маданий революция» билан боғлиқ бўлган салбий ҳодисаларга баҳо беринг. 4. ХКП социалистик қурилишнинг ҳозирги босқичидаги вазифалар нимадан иборат деб билмоқда? 5. Вақтли матбуотдан фойдаланиб, Хитойда экономика, ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаётда амалга оширилаётган ўзгаришлар тўғрисида ахборот тайёрланг.

## 35- §. Мянғолия Халқ Республикаси

1. 40—50- йиллардаги социалистик ўзгаришлар. 1940 йилга келиб МХРда халқ революциясининг асосий вазифалари бажариб бўлинган эди. Феодаallar синфи батамом тугатилган, аратларнинг асосий кўпчилигини ўрта ҳоллар ташкил этар эди. Ишчилар синфининг сони 15 минг кишига етди. Мамлакат экономикасининг асосини ташкил этувчи кишлoқ хўжалигида майда товар-сектори ҳукмрон эди, лекин дастлабки давлат хўжаликлари ва унча кўп бўлмаган ишлаб чиқариш бирлашмалари пайдо бўлди.

Социалистик уклад давлат ва кооператив корхоналаридан, давлат ва кооператив савдосидан иборат эди. Ёлланма меҳнатдан фойдаланадиган йирик арат хўжаликлари, шунингдек, хусусий савдогарлар ҳали ҳам сақланиб қолган эди, лекин уларнинг роли капиталистик элементларни сиқиб чиқариш сиёсати натижасида жуда кам эди. Шундай қилиб, *МХР нокапиталистик тараққиёт йўлини танлаб олиб, умумдемократик ўзгаришларни амалга оширди ва социализмга ўта бошлади.*

Тараққиётнинг янги босқичи иккинчи жаҳон урушининг қийин шароитларида ўтди. Бу вақтда милитаристик Япония мамлакат мустақиллигига хавф солмоқда эди. 1945 йил августида 80 минг кишилик монгол армияси уни тор-мор қилишга ўз ҳиссасини қўшди. Уруш тамом бўлгандан кейин МХР нинг халқаро аҳволи

мустаҳкамланди. Гоминьданчилар Хитойнинг ҳукумати МХРнинг давлат мустақиллигини узил-кесил эътироф этишга мажбур бўлди. 1946 йил февралда имзоланган СССР билан дўстлик ва ўзаро ёрдам ҳақидаги Шартнома МХРга ташқаридан ҳужум қилиш хавфидан сақланишни таъминлади.

МХР СССР ёрдамига таяниб, индустриялашни амалга оширди. Биринчи навбатда саноатнинг чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган тармоқлари ривожлантирилди. Ўз саноат базасини вужудга келтириш ва Совет Иттифоқининг моддий ёрдами кишлоқ хўжалигини социалистик асосда ўзгартириш учун шароит яратди. *Монголия халқ-революцион* партияси (МХРП) социализмга ўтишни Европадаги мамлакатларда бўлганидек деҳқончилик хўжаликлари эмас, балки чорвачилик хўжаликлари амалга ошираётганлигини ва бу ўтиш илгари капиталистик тузум эмас, балки феодализм тузум ҳукмрон бўлган мамлакат шароитида амалга оширилаётганлигини ҳисобга олган эди. Буларнинг ҳаммаси қўйилган вазифани ҳал қилишга эҳтиёткорлик билан ёндашишни ва узоқ вақтни талаб қилар эди. Аратларнинг кишлоқ хўжалик уюшмаларига ихтиёрий суратда киришлари секин-аста борди. Аввалига кооперативларга фақат онлаларнинг бошлиқларигина киришди, сўнгра эса бу кооперативлар мустаҳкамланиб борган сари оиланинг 16 ёшига етган бошқа ҳамма аъзолари ҳам киришди. Аратлар ҳаётининг асосий манбаи бўлган чорва молларнинг анчагина қисми уларнинг шахсий мулки бўлиб қолаверди. Ўзига тўқ хўжаликлар ўрта ҳол ва камбағал хўжаликлар билан тенг ҳуқуқлар асосида кооперативларга кирдилар, улар кулоқ қилинмади. 1959 йил охирига келиб кооперациялаш жараёни тугади. *МХР қишлоқ хўжалигини ўзгартириш ленинча кооператив планни капиталистик тараққиёт босқичини четлаб социализмга ўтаётган мамлакатларда амалга ошириш мумкинлигини тасдиқлади.*

Айни вақтда диний-феодал идеологияни енгиш ва марксча-ленинча дунёқарашни қарор топтириш жараёни бормоқда эди. Бу жараёнга умумдемократик босқичдаёқ асос солинган эди. Мадааний революция натижасида аҳолининг саводсизлиги тугатилди, адабиёт ва санъат ривожланди. Малакали кадрлар тайёрлашда 1942 йилда очилган Монголия давлат университети катта роль ўйнади. Минглаб монгол студентлари СССРда таълим олдилар.

60-йиллар бошига келиб МХР ўтмишдаги қолоқ чорвачилик мамлакатидан аграр-индустриал давлатга айланди.

**2. 60—80-йиллардаги социалистик қурилиш.** Социалистик ишлаб чиқариш муносабатлари халқ хўжалигининг ҳамма тармоқларида ҳукмрон бўлиб қолганидан кейин мамлакатни индустриялашни давом эттириш, кишлоқ хўжалигини механизациялаш зарур эди. 1962 йилда республика ҶИЁКга кирди. ВХР, ГДР, ПХР, СССР ва ЧССРдан келган қурувчилар мамлакат пойтахти Улан-Батордан кейинги ўринда турувчи энг йирик саноат маркази Дархон шахрини қуришга ёрдамлашдилар. Совет-монгол ҳамкорлиги

туфайли кудратли кон-бойитиш комбинати «Эрдэнэт» барпо килди. Бу комбинатнинг махсулоти Монголия экспортининг каттагина қисмини ташкил этади. МХРда бир қанча саноат тармоқларини вужудга келтириш тугалланмоқдаки, улар мамлакатни энергия, халқ истеъмоли моллари, экспорт товарлари билан таъминлай оладилар. Саноат миллий даромаднинг қарийб учдан бир қисмини бермоқда, лекин ҳозирча ускуналар ва станоклар асосан бошқа мамлакатлардан сотиб олинмоқда. Саноат корхоналарининг каттагина қисми қишлоқ хўжалик махсулоти ва хом ашёсини қайта ишлаш билан банд. Халқ хўжалигини бошқариш ишлаб чиқариш коллективларининг мустақиллигини кенгайтириш, хўжалик ҳисобини жорий этиш йўли билан такомиллаштирилмоқда.

Қишлоқ хўжалигида янги тармок — деҳқончилик вужудга келтирилди, лекин аҳоли кам яшайдиган районларда асосий машғулот кўчманчи, яйлов чорвачилигидан иборат бўлиб қолмоқда.

Экономикани ривожлантиришда катта ютуқларга эришилган бўлишига қарамай, МХР ўзининг тараққиёт даражаси жиҳатидан ҳали Европадаги социалистик мамлакатлардан орқада қолмоқда. Аҳоли жон бошига гўшт истеъмом қилиш юқори даражада бўлгани ҳолда, қанд, сабзавот ва мевалар етишмайди.

МХРП жамиятда раҳбарлик ролини ўйнаб, социалистик демократияни ривожлантириш, ошкораликни кенгайтириш, партия сисъатидан халқни хабардор қилиш йўлини амалга оширмоқда. МХР меҳнатқашлари давлат ва жамоат ташкилотлари орқали бошқаришда иштирок этмоқдалар. Ҳокимиятнинг олий органи *Буюк халқ хуралидир*. Буюк халқ хурали Президиумининг Раиси лавозимини МХРП Марказий Комитетининг Бош секретари Жамбин Б а т м у н х (1926 йилда туғилган) эгаллаб турибди.

Капиталистик тараққиёт босқичини четлаб социализмга ўтган МХР тажрибаси халқаро аҳамиятга эга. Бу тажриба Лениннинг бундай ўтишни бошқа социалистик давлатлар мададида ҳамда социализм йўлига кирган мамлакат тараққиётининг спецификасини ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш мумкинлиги ҳақидаги олдиндан кўриб айтган фикри тўғри эканлигини тасдиқлади.

## **Корея Халқ-Демократик Республикаси**

1. **Халқ-демократик революцияси.** Корейс халқи япон босқинчилари мамлакатни оккупация қилиб турган кўп йиллар мобайнида миллий озодлик учун кураш олиб борди. Иккинчи жаҳон уруши йилларида коммунистлар раҳбарлигидаги партизанлар отрядлари актив ҳаракат қилдилар, лекин чет эл ҳукмронлигини ўз кучлари билан ағдариб ташлаш мумкин бўлмади. **1945 йил** августда Корейни Совет Армияси озод қилди. Милитаристик Япония тор-мор қилиниши натижасида мустамлакачи ҳарбий аппарат йўқ қилиб ташланди, у билан бирга эса япон маъмуриятининг таянчи бўлиб хизмат қилган помещиклар ва компрадор буржуазия ҳокимият-

дан четлатилди. Ҳамма жойда янги ҳокимият органлари — *халқ комитетлари* тузила бошлади.

1945 йил 8 сентябрда мамлакат жанубига америка қўшинлари тушдилар. Потсдам конференцияси қарорига мувофиқ совет ва америка қўшинлари ўртасидаги чегара чизиги бўлиб 38- параллел хизмат қилиши керак эди. АҚШ қўшинларининг қўмондонлиги халқ комитетларини тарқатиб юборди. СССР, Буюк Британия ва АҚШ Ташқи ишлар министрларининг Москва кенгаши (1945 йил декабрь) демократик мустақил корейс давлатини ташкил этишга ёрдам бериш ҳақидаги қарорининг бажарилишини АҚШ барбод қилди.

Кореянинг шимолида антиимпериалистик, антифеодал вази-фаларни ҳал қилган халқ демократик революцияси авж олиб кетди. Айни вақтда у ўтмишда япон империализми билан ҳамкорлик қилган реакцион буржуазияга қарши қаратилган эди. 1946 йил февралда Пхеньянда халқ ҳокимиятининг олий органи — Шимолий Кореянинг Муваққат Халқ комитети тузилди. Тез орада у аграр ислохот ҳақида қонун қабул қилди. Бу қонунга мувофиқ япон граждандаридан, корейс помешчикларидан мусодара қилинган ер, шунингдек, черков-монастир ерларининг бир қисми ҳам дехконларга мулк қилиб берилди. Саноатни национализация қилиш тўғрисидаги қонун япон капитали ва сотқин корейслар мулкни (барча ишлаб чиқариш воситаларининг 80 процентга яқинини) давлат қўлига топширди. Меҳнат, эркаклар билан хотин-қизларнинг тенг ҳуқуқлиги тўғрисидаги ва бошқа қонунлар мустамлакачилик ва феодализм қолдиқларини тугатди.

Революцион ўзгаришлар жараёнида ишчилар синфи билан дехконлар иттифоки кучайди. Бу иттифоқ Бирлашган демократик миллий фронтнинг асоси бўлиб қолди. Бу фронтда коммунистлар — *Шимолий Корея меҳнат партияси* раҳбарлик қилар эди. 1947 йил бошида халқ-демократик революциясининг асосий вази-фалари ҳал қилинди. Кореянинг шимолида социализмга ўтиш учун зарур шарт-шароитлар вужудга келди.

**2. Мамлакатнинг бўлиб юборилиши.** АҚШ Ташқи ишлар министрларининг Москва кенгаши қарорларни бажаришдан бош тортиб, мамлакатни бўлиб ташлаш, Жанубий Кореяда сепарат буржуа давлати тузиш йўлидан борди. 1948 йил майда полиция террори вазиятида ўтган сайлов натижасида «миллат мажлиси» чақирилиб, у «Корея республикаси» ташкил этилганлигини эълон қилди. Бу республикада йнрик буржуазия ва помешчиклар диктатураси ўрнатилди. АҚШ билан тузилган битим Америка империализмига Жанубий Кореяда иктисодий ва харбий ҳукмронликни таъминлаб берди.

Ана шундай шароитда коммунистлар мамлакатни тинч йўл билан бирлаштириш йўлига ўтдилар. Шимолий ва Жанубий Корея сиёсий партиялари ва жамоат ташкилотлари вакилларининг кенгаши қарорига мувофиқ *Корея Олий халқ мажлиси*га сайловлар ўтказилиб (мамлакат жанубида бу сайловлар яширинча ўт-

казилди) у 1948 йил 9 сентябрда *Корея Халқ-Демократик Республикаси* (КХДР) ташкил этилганлигини эълон қилди.

Мамлакатнинг парчалаб юборилиши, оғир саноатнинг асосий корхоналари тўпланган Шимол билан мамлакатнинг кишлоқ хўжалик райони бўлган, енгил саноат корхоналари ҳам жойлашган Жануби ўртасида ажралиш юз бериши мамлакатнинг ҳар иккала қисми экономикасига салбий таъсир кўрсатди. КХДР саноат корхоналарини тиклаш ва реконструкция қилишга, енгил саноат ишлаб чиқаришини кенгайтиришга киришди. Давлатнинг контроли остида хусусий капиталдан фойдаланилди. Кишлоқ хўжалигида давлат хўжаликлари тарзида социализмнинг дастлабки ўчоқлари тузила бошлади.

КХДРнинг барча сиёсий партиялари ва ташкилотлари *Корея Меҳнат партияси* (КМП -- Корея коммунистларининг партияси 1949 йилдан бошлаб шундай аталадиган бўлди) *Бирлашган Демократик Ватан фронтига* (БДВФ) биришди. Бу фронт мамлакатни тинч йўл билан бириштиришни бир неча бор таклиф қилди.

Жанубий Кореяда АҚШ кўп сонли, яхши қуролланган армия ташкил этиб, уни КХДРга қарши урушга тайёрлади. 1950 йил 25 июнда уруш бошланди. Бу урушни КХДРда Ватан уруши деб атайдилар. АҚШ талаби билан БМТ Хавфсизлик Кенгаши КХДР ни агрессор деб эълон қилди. Совет вакили бундай қарорнинг қабул қилинишига қаршилик кўрсата олмади, чунки у Хитойга тегишли жойни Тайвань вакили эгаллаб турганига қарши норозилик белгиси сифатида Хавфсизлик Кенгаши ишида қатнашмаган эди. Урушда ҳаракат қилган БМТ кучларининг 90 процентини АҚШ кўшинлари ташкил этар эди. Социалистик мамлакатлар КХДР га интернационал ёрдам кўрсатдилар. 1950 йил октябрда Хитой халқ кўнгиллиларининг қисмлари Корея халқ армиясига кўшилдилар ва душманни 38- параллелга улоқтириб ташладилар. 1951 йил ёзида фронт чизиги барқарорлашди. Икки йиллик музокаралардан сўнг 1953 йил 27 июлда яраш ҳақида битим имзоланди. Бу битим ҳозир ҳам амал қилиб турибди. Яраш шароитларига рноя қилинишини бетараф мамлакатлардан тузилган комиссия контроль қилиб туради.

**3. КХДР да социалистик қурилиш.** 1950—1953 йиллардаги уруш КХДР халқига оғир зарар келтирди. Пхеньян ва бошқа кўплаб шаҳар ва кишлоқлар вайрон бўлиб ётар, юз минглаб одамлар ҳалок бўлган эди. 50- йилларнинг ўрталарига келиб КХДР меҳнаткашлари урушда вайрон бўлган халқ хўжалигини СССР, ХХР ва бошқа социалистик давлатлар мадади билан тиклаб олдилар. Айни вақтда у реконструкция қилинди. Саноат ва савдодаги хусусий сектор соҳибкорларни ва савдогарларни кооперативларга жалб қилиш йўли билан ўзгартирилди. Кишлоқни социалистик асосда қайта ташкил этиш жараёни тугалланди. Шундай қилиб, 60- йиллар ўрталарига келиб экономиканинг ягона социалистик системаси вужудга келтирилди. Корейс халқининг социализм ку-

ришдаги муваффақиятлари 1972 йил декабрда қабул қилинган конституцияда мустаҳкамланди.

Шундан кейинги социалистик қурилиш жараёнида КМП мамлакат экономикасини комплекс ривожлантириш йўлини амалга оширмоқда. Оғир саноат, айниқса машинасозлик юқори суръатлар билан ривожланиб бормоқда, металлургия қувватлари кенгаймоқда, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш, кишлоқ хўжалигини саноат негизига кўчириш давом этмоқда. Ана шу йўлда Шимол билан Жануб ўртасидаги анъанавий иктисодий алоқалар бузилганлиги билан ҳам, АҚШнинг ҳарбий базалари жойлашган Жанубий Корея билан муносабатлардаги кескинлик билан ҳам боғлиқ бўлган анчагина қийинчиликларни енгишга тўғри келмоқда. КХДР мамлакатнинг муҳофаа қобилятини мустаҳкамлашга кўп маблағ сарфлашга мажбур бўлмоқда.

Мана шу қийинчиликлар КМП эътироф этаётганидек, «халқ Европа мамлакатларининг аҳолиси каби яхши яшамаслигига» олиб келмоқда. Давлат аҳоли учун озик-овқат, кийим-кечак ва уй-жойлар проблемасини ҳал қилишни таъминлаш чораларини кўрмоқда. Озик-овқат маҳсулотларини норма бўйича тақсимлаш сақланиб қолмоқда. Мактаб ўқувчилари ва студентлар устки ва ички кийимларни, пойабзални, ишчилар ва кишлоқ хўжалик кооперативларининг аъзолари кийим-кечакни бепул оладилар. Мактаб ёшига етмаган ҳамма болалар ясли ва болалар боғчаларида бепул боқилади. Аҳолига бепул медицина хизмати кўрсатилади.

КМП халқнинг моддий ва маданий турмуш даражаси ошишига, товарларнинг сифати яхшиланишига, аҳолини озик-овқат, кийим-кечак ва уй-жойлар билан таъминлашга эришиш вазифасини қўйди.

КХДР конституцияси республикани «бутун корейс халқининг манфаатларини ифода этувчи суверен социалистик давлат» деб эълон қилди. КХДР Президенти қилиб КМП Марказий Комитетининг Бош секретари Ким Ир Сен (1912 йилда туғилган) сайланди.

КХДР ҳукумати 1973 йилда Шимол ва Жануб аҳолисининг вакилларидан буюк халқ мажлисини чақирди ва бирлашган *Корё* (Корея давлати X — XIV асрларда шундай аталган) *демократик конфедератив республикаси* давлатини ташкил этиш, бу давлатда Шимолий ва Жанубий Корея ўзларининг ижтимоий-сиёсий системаларини сақлаб қолишлари ҳақидаги таклифни илгари сурди.

1961 йилда тузилган СССР билан дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги Шартнома КХДР нинг халқаро позицияларини ва Узоқ Шарқда тинчликни мустаҳкамлаш манфаатларига хизмат қилмоқда.

#### Савол ва топшириқлар

1. МХРдаги социалистик ўзгаришларнинг хусусиятлари қандай? 2. СССР сиёсати билан АҚШнинг Кореядаги сиёсатини таққосланг. Бу хилма-хил йўллар Шимолий ва Жанубий Кореянинг ривожланиши учун қандай аҳамиятга эга эди?



3. Шимолий Кореядаги халқ-демократик революциясининг вазифаларини амалга оширишга нима сабаб бўлди? 4. КХДР даги социалистик қурилишнинг асосий жihatларини таърифлаб беринг.

### **36- §. Вьетнам Социалистик Республикаси**

**1. Вьетнамда Август революциясининг ғалабаси.** Иккинчи жаҳон уруши йилларида Хинди-Хитойдаги Япония босиб олган француз мустамлакалари — Вьетнам, Лаос ва Камбоджа халқлари миллий озодлик учун кураш олиб бордилар. Хо Ши Мин (1890—1969) бошчилик қилган Хинди-Хитой Коммунистик партияси 1945 йил мартда умумий кўзғолон йўли билан Хинди-Хитой халқларининг революцион ҳокимиятини ўрнатиш шиорини илгари сурди. Қаршилик кўрсатиш ҳаракати Вьетнамда ҳаммадан кўп муваффақиятга эришди, бу вақтга келиб мамлакатнинг бир қанча шимолий районлари босқинчилар ҳокимиятидан озод қилинган эди. Совет Иттифоқи Японияга қарши урушга кирганидан кейин Вьетнамда Август миллий, халқ-демократик революцияси ғалаба қозонди. **1945 йил 2 сентябрда** Ханойда Хо Ши Мин *Вьетнам Демократик Республикаси* (ВДР) ташкил этилганлигини эълон қилди. Япониянинг Хинди-Хитойни оккупация қилиши барбод бўлганлиги Лаос ва Камбоджанинг миллий озодлиги учун шарт-шароит яратди. Бирок иттифокчиларнинг қарорига мувофиқ япон армиясини қуролсизлантириш ва унинг таслим бўлишини қабул қилиб олиш учун Вьетнам территориясига 16-параллелдан шимолга гоминьданчи Хитой кўшинлари, бу чизикдан жанубга эса инглиз кўшинлари юборилди. Шундан кейин тез орада Сайгонга француз кўшинлари тушиб, улар 1946 йил бошларида Вьетнамнинг жанубий ва марказий областларининг анчагина қисмини босиб олдилар. Франция билан битимга мувофиқ гоминьданчи ва инглиз кўшинлари Вьетнам территориясидан олиб чиқиб кетилди ва француз кўшинлари билан алмаштирилди. Лаос ва Камбоджада француз мустамлака тузуми тикланди.

Хинди-Хитой халқлари феодаллар ва компрадор буржуазияга таянган француз янги мустамлакачилигига қарши кураш бошладилар. Бу курашга ишчилар, хунармандлар, дехқонлар, зиёлилар, студентлар, миллий буржуазия ва рухонийларнинг бир қисми, бир қанча ҳолларда эса ватанпарварлик кайфиятидаги помещиклар ҳам қўшилдилар. Мураккаб шароитда ВДР ҳукумати вайрон бўлган экономикани тиклаш, халқ ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун чоралар кўрди. Хинди-Хитой Компартияси «Қаршилик кўрсатиш, давлат қуриш» шиорини илгари сурди. Айни вақтда ВДР Франция билан муносабатларни тинч йўл билан тартибга солиш чораларини излади. Бирок Француз импернализми куч билан ўз ҳукмронлигини тиклашга уринди.

**2. 1946—1954 йиллардаги Қаршилик кўрсатиш уруши.** **1946 йил декабрда** Француз кўшинлари ВДРга қарши агрессия бошладилар. Тез орада улар ВДР пойтахти Ханой ва бошқа ша-

харларни босиб олдилар. Узоққа чўзилган *Қаршилик кўрсатиш уруши* бошланди. Аввалига партизан отрядларининг кучлари билан олиб борилган уруш давомида ВДР мунтазам халқ армияси тузилди. Бу армия ихтиёрида фақат ўқ отар қурооллар бор эди ҳолос. Урушнинг охирига қадар унинг ихтиёрида танклар ва самолётлар бўлмади. Шунга қарамай у босқинчиларга қарши муваффақиятли уруш ҳаракати олиб борди. 1949 йилда ХХР ташкил этилгач, республика социалистик давлатлардан ёрдам ола бошлади.

Ҳинди-Хитой Компартияси кенг умуммиллий фронт сиёсатини ўтказди, бу фронтда ишчилар, деҳқонлар шаҳар майда буржуазияси, миллий буржуазия ва барча ватанпарварлар бирлашдилар. Оккупантлардан озод қилинган районларда муҳим социал-иқтисодий ўзгаришлар амалга оширилди: француз мустамлакачилари, хонлар ва помешчикларнинг (Қаршилик кўрсатиш урушида қатнашган помешчикларнинг ерлари сотиб олинди) мусодара қилиниб, деҳқонлар ўртасида тақсимланди. Чакалакзорларда саноат қорхоналари барпо этилди, ўқув юртлари иш олиб борди.

1951 йилда *Вьетнам, Лаос ва Камбоджа Бирлашган миллий-озодлик fronti* ташкил этилди. Вьетнамнинг халқ қўнгиллилари Лаос ва Камбоджанинг озодлик кучларини қўллаб-қувватлаб турдилар. 1953 йил кузидан бошлаб уруш ҳаракатларида бурилиш юз берди. Лаос ва Камбоджанинг бир қанча районлари мустамлакачилардан батамом тозаланди. Вьетнамда Халқ армияси ҳужумга ўтди. 1954 йил баҳорида Дьенбьенфу мустаҳкамланган пункти учун жанг бошланиб, бу жанг давомида озодлик қисмлари блокада қилинган 16 минг кишилик француз гарнизонига мадад кучлари етиб келишига йўл қўймадилар. 55 кун давом этган жанглардан кейин гарнизон таслим бўлишга мажбур бўлди.

Ҳинди-Хитой халқлари озодлик курашининг муваффақиятлари Францияни 1953 йил охирида Лаос ва Камбоджани мустақил ва суверен давлатлар деб тан олганлигини маълум қилишга мажбур этди. СССР, ХХР, Буюк Британия, АҚШ ва Франция ташқи ишлари министрларининг ВДР, Лаос, Камбоджа ва Жанубий Вьетнам иштирокида Женевда бўлган кенгашида (1954 йил апрель-июль) Ҳинди-Хитойда уруш ҳаракатларини тўхтатиш тўғрисида битимлар имзоланди. Франция ва кенгашнинг бошқа қатнашчилари Жануби-Шарқий Осиё давлатларининг суверенитетини, мустақиллигини, бирлигини ва территориал яхлитлигини ҳурмат қилиш ҳамда уларнинг ички ишларига аралашмаслик мажбуриятини олдилар.

**3. ВДРда социалистик қурилишнинг бошланиши.** Шимолий Вьетнам тўла озод қилиниши билан халқ-демократик революциясининг вазифалари бажариб бўлинди. *Вьетнам меҳнаткашлари партияси* (ВМП — Ҳинди-Хитой Коммунистик партияси 1951 йилдан бошлаб шу ном билан аталадиган бўлди) антифеодал ва демократик ўзгаришларни тугаллаш ҳамда социалистик қурилишга ўтиш программасини илгари сурди. Совет Иттифоқи ва

бошқа социалистик мамлакатларнинг ёрдами капиталистик тараққиёт босқичини четлаб социализмга ўтиш учун имконият яратиб берадиз.

Халқ ҳўжалигини тиклаш билан параллел суратда ВДРда муҳим социал-иктисодий ўзгаришлар амалга оширила бошлади. Қаршилиқ кўрсатиш уруши давридаёқ қабул қилинган аграр ислохот тўғрисидаги қонуннинг амалга оширилиши помешчиклар синфини батамом тугатди. 1957 йил охирида тикланиш даври асосан тугади. ВМП социалистик ишлаб чиқариш муносабатларининг ғалаба қилиши йўлини амалга оширди. Қишлоқни кооперациялаш меҳнатда ўзаро ёрдам кўрсатиш группаларини ташкил этишдан бошланиб, улар аста-секин ишлаб чиқариш кооперативларига айлантирилди. 1960 йил охирида кооперативларда деҳқон оилаларининг қарийб 85 проценти аъзо эди. Майда товар ва хусусий капиталистик секторларни социалистик асосда ўзгартириш аралаш давлат-хусусий корхоналар ташкил этиш ва майда ишлаб чиқарувчиларни ишлаб чиқариш кооперативларига бирлаштириш йўлидан борди. Саводсизлик асосан тугатилди, олий таълим ривожлана бошлади, минглаб вьетнамликлар СССР ва бошқа социалистик мамлакатларнинг олий ўқув юртларида таълим олдилар.

1960 йил январда кучга кирган ВДР конституциясида Вьетнам халқи эришган ютуқларга яқун ясалди. Конституцияда мамлакат шимолида социализм қуриш, Жанубий Вьетнамни озод қилиш ва ягона давлатни барпо этиш вазифалари эълон қилинган эди.

**4. Вьетнам халқининг мамлакатни бирлаштириш учун, америка империализмига қарши кураши.** 1954 йилги Женева битимлари имзоланганидан кейин ВДР ҳукумати мамлакатни тинч йўл билан бирлаштиришга ҳаракат қилди. Бироқ АҚШ олган мажбуриятларини бузиб, бу жараёнга турли йўллар билан қаршилиқ кўрсатди. АҚШ мададида Жанубий Вьетнамда ҳокимият тепасига помешчик-компрадор доиралар қелишди. Амалда у ерда АҚШга таянувчи ҳарбий диктатура тузуми вужудга келтирилган эди. АҚШ Лаос ва Камбоджада америкапараст ҳукуматларни вужудга келтиришга ҳаракат қилиб, бу мамлакатларнинг ички ишларига аралашмоқда эди.

Жанубий Вьетнам аҳолиси миллий, халқ-демократик революциясини охирига етказиш учун кураш бошлади. 1960 йил декабрда *Жанубий Вьетнамни озод қилиш миллий fronti* (ЖВМФ) ташкил этилиб, у озодлик ҳаракатига бошчилик қилди. АҚШ Жанубий Вьетнам тузумига кўрсатаётган ёрдамини кучайтира бориб, 1964 йил августдан эътиборан ВДР территориясини мунтазам бомбардимон қилишга киришди, республика шаҳар ва қишлоқларига иккинчи жаҳон уруши йилларидагидан кўра кўпроқ — 7,8 миллион тонна бомба ташлади. Бу бомбардимонлар ВДР аҳолиси ва халқ ҳўжалигига жуда катта зарар етказди. 1965 йил мартдан бошлаб Жанубий Вьетнамдаги ватанпарвар кучларга қарши курашга Америка қўшинлари киришиб, уларнинг сони тез орада 500 минг кишига етди.

Жанубий Вьетнамнинг ватанпарвар кучларига ВДР ёрдам бериб турди. «Хо Ши Мин сўкмоғи»— Лаос территорияси оркали ўтадиган ҳарбий-стратегик йўллар системасидан Жанубий Вьетнамга қурол, озик-овқат, ўк-дорилар етказиб бериб турилди. Шимолги Вьетнам жанубий вьетнамлик ватанпарварлар учун «катта фронт ичкараси» бўлиб қолди. 1969 йил июнда озод қилинган территорияда Сайгон яқинида тўпланган *Жанубий Вьетнам халқ вакилларининг Конгресси Жанубий Вьетнам Республикаси Муваққат революцион ҳукумати*ни (ЖВРМРХ) тузиш ҳақида қарор қабул қилди. Халқ озодлик қуроли кучларининг муваффақиятлари ва бутун дунёдаги прогрессив жамоатчиликнинг АҚШнинг Вьетнамдаги агрессиясининг тўхтатиш ҳақидаги талаблари АҚШ ҳукумати 1968 йил ноябрдан бошлаб ВДРни бомбардимон қилишни тўхтатишга, 1969 йил июндан бошлаб эса Жанубий Вьетнамдан ўз қўшинларини олиб чиқиб кета бошлашга мажбур қилди. АҚШ «урушни вьетнамлаштириш» сиёсатини эълон қилиб, уруш ҳаракатларининг бутун оғирлигини Жанубий Вьетнам тузumi зиммасига юклади, унга ҳарбий ва моддий ёрдам кўрсатишни давом эттирди.

1973 йил январда Парижда тўрт йилдан ортиқ давом этган музокаралардан кейин АҚШ Вьетнамда урушни тўхтатиш ва тинчликни тиклаш ҳақидаги битимларни имзолади. Бу битимларга мувофиқ АҚШ 1954 йилги Женева битимларида эътироф этилганидек, Вьетнамнинг мустақиллигини, суверенитетини, территориал бутунлигини ҳурмат қилиш мажбуриятини олди. АҚШ Жанубий Вьетнамдан чиқиб кетганидан кейин ватанпарвар кучлар реакцион тузум қўшинларини мағлубиятга учратдилар ва 1975 йил баҳорида Жанубий Вьетнамнинг бутун территориясида ҳокимият ЖВРМРХ қўлига ўтди. *Империализмнинг миллий-озодлик ҳаракатига қарши қаратилган йirik ҳужуми мағлубият билан тугади.*

**5. Вьетнам Социалистик Республикасининг ташкил топиши. Социалистик жамият қуриш.** ВДР ва Жанубий Вьетнам Республикаси ҳукуматларининг қарорига мувофиқ 1976 йил апрелда *Миллат мажлисига* умумий сайлов ўтказилиб, у 1976 йил 2 июлда ягона пролетариат диктатураси давлати бўлган Вьетнам Социалистик Республикаси (ВСР) ташкил этилганлигини эълон қилди. Мамлакатни бирлаштириш вазифаси тугалланганидан кейин Шимолда социалистик қурилишни активлаштириш ва айни вақтда социал-иктисодий тараққиёт даражаларидаги тафовутни бартараф этиш ҳамда бутун мамлакатнинг социализм томон янада илгарилаб бориши мақсадида Жанубда социалистик ўзгаришларни амалга ошириш биринчи навбатдаги проблема бўлиб қолди. Бу йўлни *Вьетнам Коммунистик партияси* (ВКП - ВМП ана шундай ном олди) белгилаб берган эди.

Мамлакат қайтадан бирлаштирилганидан кейин Жанубда миллий, халқ-демократик революциясининг социалистик революциясига ўсиб ўтиш жараёни бошланди. Саноат ва савдодаги ху-

сусий сектор аралаш давлат — хусусий корхоналар ташкил этиш йўли билан ўзгартирила бошлади, хунармандлар ишлаб чиқариш кооперативларига бирлашдилар. Қишлоқни социалистик асосда ўзгартириш бошланди. Мамлакатни қайтадан бирлаштириш ҳамда социалистик қурилиш вазифаларини ҳал қилиш билан боғлиқ бўлган чуқур ўзгаришлар 1980 йил декабрда қабул қилинган ВСР конституциясида ўз аксини топди.

Оғир мустамлака мероси, империалистик агрессияга қарши олиб борилган кўп йиллик қуроли кураш мамлакатнинг социализм томон ҳаракатига ўз таъсирини кўрсатди. Социалистик ўзгаришларни амалга ошириш чоғида жиддий хатоларга: шошма-шошарликка, экономикадаги носоциалистик секторни тезроқ тугатиб, уни давлат секторига айлантиришга интилишга йўл қўйилди. Халқнинг турмушида кийинчиликлар кўп: кўпгина корхоналар тўла қувват билан ишламайди, юз минглаб кишилар иш билан таъминланган эмас.

ВКП VI съезди (1986 йил декабрь) партия сиёсатидаги хатоларни, ўз тажрибасини ва бошқа социалистик мамлакатлар тажрибасини анализ қилишга етарли эътибор берилмаганлигини очиқ ташлади. ВСР социал-иқтисодий аҳволини барқарорлаштириш учун, деб кўрсатилган эди съезд қарорларида, озик-овқат, халқ учун товарлар ишлаб чиқаришни ва экспорт учун маҳсулот чиқаришни кўпайтириш зарур. ВКП Марказий Комитетининг Бош секретари қилиб Нгуен Ван Линь (1915 йилда туғилган) сайланди.

Социалистик қурилиш вазифаларини ҳал қилиш Жануби-Шарқий Осиёдаги кескин вазият, бир қанча ҳал қилинмаган муаммоларнинг мавжудлиги туфайли мураккаблашган эди. 1978—1979 йилларда хитой маъмурлари ВСРга ёрдам беришни бир томонлама тўхтатиб қўйганликлари сабабли ХХР билан муносабатлар ёмонлашди. 1979 йил февраль — мартада Вьетнам-Хитой чегарасида қуроли тўқнашувлар бўлиб ўтди. ВСР ХХР билан давлатлараро муносабатларнинг нормаллаштириш тарафдоридир.

1979 йилда ВСР Кампучия халқига интернационал ёрдам берди. Бу ерда 1975 йилда америкапараст тузум ағдариб ташланганидан кейин ҳокимиятни Пол Пот тўдаси эгаллаб олди. Бу тўда сохта революцион шнорлар билан никобланиб геноцид, яъни аҳолини оммавий суратда қириб ташлаш сиёсатини ўтказди. Уч миллионга яқин киши бу сиёсат қурбони бўлди. Мамлакатда полпотчилар тузумига қарши оммавий чиқишлар бошланди. Вьетнам кўнгилли қисмлари томонидан қўллаб-қувватланган революцион қуроли кучларнинг ҳаракатлари натижасида полпотчилар тузуми ағдариб ташланди. 1979 йил январда *Кампучия Халқ Республикаси* ташкил этилганлиги эълон қилинди. Бошқа социалистик давлатлар каби ВСР ҳам мамлакатни ривожлантиришда кампучия халқига мадад бермоқда. Кампучия Халқ Республикаси ва Лаос Халқ-Демократик Республикаси билан биргаликда ВСР Жа-

нуби-Шарқий Осиёни яхши қўшничилик ва ҳамкорлик регионига айлантириш йўлини амалга оширмоқда. Империалистик агрессия хавфига қарши курашда ВСР СССР билан дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида 1978 йилда имзоланган Шартномага таянмоқда.

## **Лаос Халқ-Демократик Республикаси**

**1. Миллий-демократик революциянинг галабаси. Социалистик ўзгаришларнинг бошланиши.** Лаосдаги миллий-демократик революция француз, сўнгра эса америка империализмининг Жануби-Шарқий Осиёнинг бу қисмида ўрнашиб олиш йўлидаги уриниш-ларига ҳам, бюрократик-милитаристик тўдага таянувчи феодал тузумга ҳам қарши қаратилган эди. Революцияга Хинди-Хитой Коммунистик партиясининг Лаос секцияси асосида ташкил этилган *Лаос халқ-революцион партияси* (ЛХРП) раҳбарлик қилди. Лаос Хинди-Хитой мамлакатлари орасида биринчи бўлиб граждандлар уруши ҳолатидан чиқди. 1973 йил февралда Вьетъянда миллий тотувликка эришиш ва миллий бирлик Муваккат ҳукуматини тузиш ҳақида битим имзоланди. Муваккат ҳукумат составига ўзаро курашаётган кучларнинг вакиллари кирдилар. АКШ Лаос территориясини бомбардимон қилишни тўхтатди.

1975 йил баҳорида Жанубий Вьетнамда миллий революциянинг галаба қилиши Лаосда революцион жараёни жадаллаштиришга ёрдам берди. Аҳолининг кенг катламлари монархистик феодал тузумни тугатишни талаб қилар эдилар. ЛХРП раҳбарлиги остида реакционерларни ҳокимиятдан четлаштириш учун, янги ҳокимият органларини барпо этиш учун оммавий ҳаракат бошланди. Ана шу вазиятда король тахтдан воз кечишга мажбур бўлди. 1975 йил 2 декабрда *Халқ вакиллари миллий конгресси* мамлакатни *Лаос Халқ-Демократик Республикаси* (ЛХДР) деб эълон қилди. ЛХРП Марказий Комитетининг Бош секретари Кейсон Фомвихан (1920 йилда туғилган) ЛХДР ҳукуматининг бошлиғи бўлди. ЛХДР ташкил этилиши билан миллий демократик революция жараёни тугалланди. Бу революция Хинди-Хитой мамлакатларидаги революциянинг таркибий қисми эди. Лаос халқи олдида капиталистик ривожланиш босқичини четлаб, социализмга ўтиш йўли очилди.

Лаос халқи бу йўлни жуда оғир шароитларда бошлади: мамлакатнинг социал-иқтисодий ривожланиш даражаси паст эди, қишлоқ хўжалиги асосан натурал характерда, саноат кустар устахоналардан иборат эди, баъзи майда миллатларда ҳали уруғчилик тузуми сақланиб қолган. Лаос аҳолиси деярли ёппасига саводсиз эди. Шундай қилиб, социализмга ўтиш натурал хўжалик элементлари бўлган майда ишлаб чиқаришдан бошланди. Бу кийинчиликлар шу билан ҳам оғирлашган эдики, Лаос экономикаси узок давом этган уруш туфайли хонавайрон бўлган эди.

ЛХРП социализмга ўтиш стратегиясини ишлаб чиқар экан, айни бир вақтнинг ўзида учта революция: ишлаб чиқариш муно-

сабатлари, фан ва техника, идеология ва маданият соҳаларида революция қилиш зарур деб ҳисоблар эди. Ана шу вазибаларни ҳал қилиш учун партия аҳолининг кенг қатламларини турли жамоат ташкилотларни ўзида бирлаштирган *Лаос миллий қурилиш fronti* (ЛМКФ) сафларида жипслаштирди. Лаосда йирик феодал ва капиталистик ер мулки вужудга келмаганлиги туфайли аграр ислохотни амалга ошириш зарурати ҳам йўқ эди. Қишлоқни аста-секин кооперациялаш бошланди. Индустриялаш учун шароит бўлмаганлиги сабабли асосий эътибор мамлакатни озик-овкат, хом ашё ва экспорт учун маҳсулот билан таъминлаш мақсадида қишлоқ ва ўрмон хўжалигини ривожлантиришга қаратилмоқда. Саноат соҳасида энг аввало қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишлайдиган ва қишлоқ хўжалигининг эҳтиёжларини таъминлайдиган корхоналар ривожланмоқда. Майда ва кустар корхоналарнинг ривожланиши келажакда йирик ишлаб чиқаришга ўтиш учун шарт-шароит яратиб бериши керак.

Социалистик қурилиш йилларида ЛХДРда компрадорлар ва сотқинлар мулкни национализация қилиш натижасида экономиканинг давлат сектори вужудга келтирилди. Ҳозирги замон ишчилар синфини шакллантириш жараёни бормоқда Қишлоқда аста-секин кооператив ҳаракат кучайиб бормоқда: 80- йиллар ўрталарида ҳар хил кооперативларда деҳқон оилаларининг ярмидан кўпроғи бирлашди. Шу билан бирга давлат якка деҳқон хўжалиқларини рағбатлантирмоқда. Маданият, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳасида сезиларли ютуқларга эришилди. Бир неча олий ўқув юрти, ўнлаб ўрта ўқув юртлари ташкил этилди, катта ёшли аҳолининг саводсизлиги аста-секин тугатилмоқда.

Энг муҳим социал-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишга ЛХДРга СССР, ВСР ва бошқа социализм мамлакатлари катта ёрдам бермоқдалар. Лаос халқининг меҳнати ва социалистик давлатларнинг ёрдами туфайли ЛХДРда социалистик жамият қуриш пойдевори яратилмоқда. Бу мамлакатда ўтиш даври узок вақт давом этади.

#### Савол ва топшириқлар

1. Вьетнам ва Лаосдаги халқ-демократик революцияларининг хусусиятлари қандай? 2. Вьетнам халқининг Қаршилик кўрсатиш урушида галаба қозонишини таъминлаб берган факторларни аниқланг. 3. Қандай қилиб вьетнам халқи америка аггрессорларини мағлубиятга учратишга ва мамлакатнинг қайтадан бирлаштирилишига эришишга муваффақ бўлди. 4. ВСРдаги социалистик қурилишнинг хусусиятларини кўрсатинг. 5. ЛХДР нинг социализмга ўтиши Оснёдаги бошқа мамлакатлардан нимаси билан фарк қилади?

#### 37- §. Куба Республикаси

1. Антиимпериалистик, демократик революция галабаси. «Антиль ороллариининг дурдонаси»— Куба серҳосил ерларга, яхши иқлимга, никель, хром рудалари запасларига ва бошқа табиий бойликларга эгадир. Бирок XX аср бошларидан эътиборан бу ер-

да АҚШ монополиялари ҳукмронлик қилар эди. «Қўшма Штатларнинг розилигисиз,— дер эдилар кубаликлар алам билан,— Кубада биронта барг ҳам қимирлай олмайди» Монополияларнинг ҳукмронлиги мамлакат экономикасини бир ёклама қилиб қўяр, унга мустамлака характерини берар эди. Куба «Американинг шакар идиши»га айланди: унинг экспортининг 80 процентини шакар ташкил этар эди. Ишлов бериладиган ернинг ярмидан кўпроғини эгаллаб олган шакарқамиш плантациялари америка компаниялари ва латифундиячи — помешчикларга қарашли эди. Дехконлар одатда, нисфикор ижарачилар эдилар. 1952 йил мартда ҳарбий исён натижасида ҳокимиятни эгаллаб олган полковник Фульхенсио Батиста ҳукмронлиги америка монополиялари ва помешчиклар учун «гуллаб-яшнаш даври» бўлди.

Қашшоқлик, ишсизлик, помешчикларнинг ўзбошимчалиги, одамларни ўлдириш ва қийнаш куба халқининг ғазабини кўзғатди. 150 кишидан иборат бир группа ёш ватанпарварлар жасур кишиларнинг муваффақиятли чиқиши порохбочкасига тушган учқун вазифасини ўташига умид боғлаб, 1953 йил 26 июлда Сантьягоде-Куба шаҳридаги Монкада ҳарбий казармаларига ҳужум қилди. Отряд бошида адвокат Фидель Кастро Рус (1926 йилда туғилган) турар эди. Штурм қилишга уриниш муваффақият қозонмади. Мунтазам армия солдатлари билан бўлган қаттиқ жангдан сўнг ёш революционерлар тор-мор қилинди. Ватанпарварларнинг кўпчилиги ўлдирилди, асир олинганлар ҳарбий трибунал қарши-сида жавоб бердилар. Судда Ф. Кастро нутқ сўзлаб, уни қуйидаги сўзлар билан тамомлади: «... Модомики республикада жиноятчи ва бандит президент экан, ҳалол одамлар ё ҳалок бўлишлари, ёки турмада ўтиришлари керак... Сиз мени ҳукм қилишингиз мумкин! Бунинг аҳамияти йўқ. Тарих мени оқлайди!»

1953 йил 26 июль воқеалари диктатурага қарши қуролли қурашни бошлаб берди. Тез орада жамоатчилик фикри тазйиқи остида Батиста Ф. Кастро ва унинг ўртоқларини афв қилишга мажбур бўлди. Улар Мексикага муҳожир бўлиб кетдилар. Бу ерда улар «26 июль ҳаракати» революцион ташкилотини туздилар ва Кубага тушишга тайёрландилар. Бу вақтда Халқ-социалистик партияси (1925 йилда асос солинган Куба коммунистик партияси, 1944 йилда унинг номи Халқ-социалистик партияси деб ўзгартирилган эди) ва студентлар ташкилотлари яширинча иш олиб бормоқда эди. Террорчи тузумга факат меҳнаткашларгина эмас, балки америка монополияларининг зўравонлигидан ҳамда оппозиция ҳаракатининг шафқатсизлик билан бостирилишидан норози бўлган майда ва ўрта буржуазия ҳам қарши чикмоқда эди. Мамлакатда диктатурага қарши қаратилган умуммиллий революцион фронтни ташкил этиши учун шарт-шароит вужудга келмоқда эди.

1956 йил 2 декабрда Ф. Кастронинг 82 кишилик отряди «Гранма» моторли яхтасида денгиз орқали қийинчилик билан ўтиб Кубанинг жануби-шарқий соҳилига тушди, лекин Батиста қўшинлари томонидан тор-мор қилинди. Отряднинг унча катта бўлмаган



кисми — Ф. Кастро, унинг укаси Рауль, Эрнесто Че Гевара ва бошқалар (жами 22 киши) Сьерра-Маэстра тоғларида яширинди. Бу довурак кишилар *Кўзғолончилар армиясининг* ядроси бўлдилар. Тоғларга улар олдига атрофдаги районлардан хизматкорлар ва деҳқонлар келар эди. Кўзғолончиларнинг ҳаракатлари таъсири остида 1957 йил 13 мартда бир группа ёш ватанпарварлар Гаванадаги президент саройига ҳужум уюштирди. ХСП кўзғолончилар армиясини актив қўллаб-қувватлаб, «26 июль ҳаракати» билан ўз алоқаларини кенгайтириб борди. Мамлакатда революцион вазият вужудга келмоқда эди.

Аста-секин партизан уруши зонаси кенгайиб борди, мамлакатнинг турли қисмларида янги фронтлар пайдо бўлди. 1958 йил охирида Кўзғолончилар армиясининг қўмондонлиги «Деҳқонларнинг ерга бўлган ҳуқуқи тўғрисида қонун» чиқарди. Бу Қонун 27 гектаргача бўлган ер майдонини эгаллаб ва ишлаб турган барча кишиларга бу ерга бепул эгалик қилиш ҳуқуқини берди. Декретни деҳқонлар шавқ-завқ билан кутиб олдилар. Тез орада кўзғолончилар отрядлари ҳамма фронтларда ҳужумга ўтди. Мамлакатда умумий сиёсий стачка бошланди. 1959 йил 2 январда Кўзғолончилар армияси Гаванага кириб борди.

Антиимпериалистик, демократик революциясининг ғалабаси гарчи ҳамма вақт ҳам мувофиқлашган бўлмаса-да, қуроли курашнинг ҳам, шунингдек, шаҳар билан қишлоқ меҳнатқашлари оммавий ҳаракатларининг ҳам натижаси бўлди. Революциянинг ҳаракатлантирувчи кучлари асосан қишлоқ хўжалик ишчиларидан иборат бўлган пролетариат, энг камбағал деҳқонлар, зиёлилар, студентлар, шаҳар майда буржуазияси эди. Революциянинг хусусияти шу эдики, унга марксистик партия эмас, балки «26 июль ҳаракати» бошчилик қилди. Бу ҳаракатнинг Ф. Кастро бошлик кўпгина қатнашчилари Маркс ва Ленин ғоялари билан таниш эдилар, лекин революциянинг асосий вазифаси социализм куриш эмас, балки латифундиячилар ва америкапараст компрадор буржуазия ҳокимиятини йўқотишдан иборат бўлганлиги учун улар ўз қарашларини очик айтмас эдилар.

Революция натижасида Кубада ишчилар синфи, деҳқонлар, шаҳар майда буржуазиясининг революцион-демократик диктатураси қарор топди. Гаванада Муваққат революцион ҳукумат тузилиб, у 1940 йилдаги демократик конституциянинг амал қилишини тиклади, сиёсий маҳбусларни озод қилди, эски давлат апаратини бузишга киришди. Ф. Кастро қуроли кучлар бош қўмондони бўлиб қолди.

Тез орада буржуазия вакиллари кўпчиликни ташкил этган ҳукумат билан Кўзғолончилар армияси қўмондонлиги ўртасида низо чикди. Бу низога сабаб шу эдики, Батистага собиқ буржуа оппозициясининг ҳукумат составига кирган арбоблари буржуа-демократик эркинликларни тиклаш билан революцияни чеклаб қўйишни истар эдилар, холбуки Кўзғолончилар армиясининг қўмондонлиги чуқур социал-иқтисодий ва сиёсий ўзгаришларни амалга

оширишни талаб қилар эди. Низо 1959 йил февралда Ф. Кастро-нинг Революцион ҳукумат бошлиғи бўлиши билан тугади.

Аграр ислохот тўғрисидаги қонун асосида латифундиячилар ҳукмронлиги батамом йўқотилди. Латифундиялар давлат мулк-лари ёки кооперативларга айлантирилди. Бу кооперативларга собиқ кишлок хўжалик ишчилари кирар эди. Латифундиялар майда участкаларга бўлинмади, чунки Куба шароитида бу иш шакар ишлаб чиқаришнинг кескин камайиб кетишига олиб келар эди. Ижарачи деҳқонлар ўзлари ишлаб турган ерни мулк сифатида олдилар. Ҳукумат бир қатор бошқа социал ислохотларни ҳам ўтказди: ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақини оширди, солиқларни, квартира ва коммунал хизматлар ҳақини камайтирди. 300 минг кўнгилли ўқитувчи саводсизликни тугатишга киришди. Кубада маданий революция бошланди.

Бу тадбирларни амалга ошириш мамлакатда синфий кураш кескинлашишига олиб келди. Собиқ помешчиклар, буржуазия, Батиста тузумининг барча тарафдорлари революцияга қарши курашни авж олдириб юбордилар, улар Америка монополияларидан мадад олиб турдилар. АҚШ Кубага нефть маҳсулотлари етказиб беришни тўхтатди, Куба шакарини олишни кескин қисқартирди. Бунга жавобан ҳукумат америка монополияларининг бутун мулк-ини национализация қилди. Кубада империализм ҳукмронлигининг негизи йўқ қилиб ташланди.

Шундай қилиб, қисқа муддат ичида куба халқи революция-нинг антиимпериалистик, демократик вазифаларини амалга оширди. 1960 йил охирига келиб социалистик вазифаларни ҳал қилишга ўтиш учун шароит етилди.

**2. Социалистик қурилиш.** 1961 йил 16 апрелда Ф. Кастро Га-ванада бўлган митингда Куба революциясининг социалистик ха-рактерга эгаллигини эълон қилди. Социализм негизларини қуриш-га ўтиш америка империализми солиб турган ташқи хавф ва ички контрреволюциянинг ҳаракатлари шароитида бошланди. Бу ҳол Кубада пролетариат диктатураси «қуроолланган халқ демократия-си» тарзида бўлишини белгилаб берди. Қуроолли кучлар ва давлат хавфсизлиги органлари билан бир қаторда мамлакатда *Револю-цияни ҳимоя қилиш комитетлари* иш олиб бориб, катта ёшли аҳо-лининг деярли ҳаммасини бирлаштирди. Сиёсий раҳбарликни уч революцион ташкилот — «26 июль ҳаракати», «13 март револю-цион директорати» (1957 йил 13 мартда ватанпарварларнинг пре-зидент саройига ҳужуми шарафига шундай ном олган ташкилоти) ва ХСП амалга оширмоқда эди. Куба революциясини Совет Ит-тифоқи ва бошқа социалистик давлатлар кенг қўллаб-қувватла-дилар.

АҚШ революцион Кубани бўғиб ташлашни ўз олдига вазифа қилиб қўйди. 1961 йил 17 апрелда америкалик маслаҳатчилар бошчилигидаги 1,5 минг кубалик муҳожир контрреволюционер Плайя-Хирон районида Куба соҳилига тушди. Уч суткадан кам-рок вақт мобайнида ёлланма «ҳужум армияси» батамом тор-мор

қилинди. Бирок АҚШ Озодлик оролини йўқ қилиб ташлаш ҳақидаги ўз ниятларидан қайтмади. Куба билан савдо тўла тақиқлаб қўйилиши эълон қилинди, янги ҳарбий интервенция хавфи туғилди. Вужудга келган шароитда Куба ҳукумати илтимосига кўра Совет Иттифоқи Кубада ўртача олисликка учадиган ракеталарни жойлаштирди. Бунга жавобан АҚШ 1962 йил 22 октябрда Кубани ҳарбий-денгиз камалига олди. СССР билан АҚШ ўртасидаги музокаралар йўли билан Қариб танглиги ҳал қилинди: АҚШ Кубага яна ҳужум қилмаслигини айтди, шундан сўнг Совет Иттифоқи унинг территориясидан ўз ракеталарини олиб чикиб кетди. АҚШ томонидан қўллаб-қувватлаб турилган ички контрреволюциянинг кирдикорлари тўхтамади. Бу эса Кубани йирик қуролли кучларни ушлаб туришга мажбур қилар эди.

Куба халқи револүция ғалабаларини ҳимоя қилишга муттасил эътибор бериш билан бирга социалистик қурилишни давом эттирди. Уч револүцион ташкилотнинг бирлашиши асосида марксчиленинчи партияни ташкил этиш жараёни бормоқда эди. Бу жараён уларнинг 1961 йилда марксизм-ленинизм платформасида ягона партияга бирлашиши билан тугади. Бу партия 1965 йилдан эътиборан *Куба Коммунистик партияси* деган ном олди. Куба Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари қилиб Фидель Кастро сайланди.

60- йилларда Куба экономикасида социалистик сектор анча мустаҳкамланди. Иккинчи аграр ислохот натижасида (1963 йил) қишлоқ буржуазиясининг мулки йўқотилди. Қишлоқ хўжалик кооперативлари халқ мулкларига айлантирилди. Тез орада қишлоқ хўжалигининг давлат сектори ишланадиган ерларнинг 70 процентини қамраб олди.

Куба халқининг янги жамият қуриш учун кураш тажрибасини Куба Коммунистик партиясининг I съезди (1975 йил декабрь) умумлаштирди. Съезд партияни тузишни ниҳоясига етказди ва Программ платформа қабул қилди. Бу платформа «марксизм-ленинизмнинг илмий негизида социализм қурилишини давом эттиришни» асосий мақсад деб эълон қилди. 1976 йилда умумхалқ референдуми конституцияни маъқуллади. Давлат ҳокимиятининг олий органи *Миллат ассамблеясидир*, ассамблея сессиялари ўртасидаги даврда эса унинг вазифаларини *Давлат кенгаши* бажарди. Давлат кенгаши ва Министрлар Советининг Раиси Куба Компартияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Фидель Кастродир.

Куба халқ хўжалигини ривожлантириш АҚШ ўтказиб келаётган иқтисодий камал сиёсати билан, ўтмишдан мерос бўлиб қолган мамлакатнинг қоқоқлиги билан, монокультурага асосланган структура билан, малакали кадрларнинг етишмаслиги билан мураккаблашмоқда. Социалистик қурилиш йўлини амалга оширишда хатолар юз берди. Экономикага раҳбарлик қилиш ҳаддан ташқари марказлаштирилган эди, моддий рағбатлантиришнинг роли инкор этилди, товар-пул муносабатларининг аҳамиятига етарли

баҳо берилмади, бошқа социалистик давлатларнинг тажрибаси етарли ҳисобга олинмади. 70—80- йилларда марказлаштирилган раҳбарлик усуллари ишлаб чиқариш корхоналари коллективларининг ташаббусини кенгайтириш билан бирга қўллана бошлади. Фақат маънавий рағбатлантиришгина эмас, балки моддий рағбатлантириш ҳам амал қилмоқда. Бошқарув системасидаги ўзгаришлар маълум самара берди, лекин кўпгина корхоналар норентабел бўлиб қолмоқда.

Кубанинг иктисодий колоқлигини энгиш учун Совет Иттифоки ва бошқа социалистик давлатлар кўрсатаётган ёрдам катта аҳамиятга эга. 1972 йилда Куба ЎИЕКга кирди. Совет Иттифоки саноат корхоналари қуришда, саноатнинг никель, нефтни қайта ишлаш ва бошқа тармоқларини ривожлантиришда, миллий кадрлар тайёрлашда ёрдам берди. Индустриалаш сиёсати натижасида машинасозлик, рангли металлургия сингари саноат тармоқлари ривожлана бошлади. Шакар ишлаб чиқариш 80- йилларда ҳам халқ хўжалигининг асосий тармоғи бўлиб қолмоқда.

Республикада бенул медицина хизмати жорий этилган, поликлиникалар ва касалхоналар қурилиши касалланишни кескин камайтириш ва умрни узайтириш имконини берди. Саводсизликни тугатиш кампанияси амалга оширилди, бенул таълим, шу жумладан, олий таълим ҳам, жорий этилди.

Ташки сиёсатда асосий йўналиш СССР ва бошқа социалистик давлатлар билан ҳар томонлама алоқаларни ривожлантиришдан иборатдир. Ф. Кастро Совет — Куба муносабатларига баҳо бериб, уларни «саноати ривожланган мамлакат билан камбағал, кам тараккий этган мамлакат ўртасидаги иктисодий муносабатлар» намунаси деб атади.

Кубанинг капиталистик мамлакатлар билан — Канада, Франция, Испания, Япония билан алоқалари ривожланиб бормоқда. Куба Осиё ва Африканинг ривожланаётган давлатлари билан ҳамкорлик қилмоқда, у қўшилмаслик ҳаракатининг фаол иштирокчисидир. 150 минг кубалик Осиё, Африка ва Латин Америкасидаги 45 мамлакатда меҳнат қилиб, уларга саводсизликка қарши курашда, саноат, қишлоқ хўжалиги, соғлиқни сақлашни ривожлантиришда ёрдам бермоқда. Кубанинг халқаро мавқеи Куба тупроғидаги Гуантанамо ҳарбий-денгиз базасини сақлаб келаётган АҚШнинг душманлик сиёсати билан мураккаблашмоқда. Бу ҳол Кубани юксак мудофаа қобилиятини сақлаб туришга мажбур қилмоқда.

#### Савол ва топшириқлар

1. Кубадаги революциянинг ривожланиш босқичларини таърифланг. 2. Қандай шароитлар нисбатан қисқа муддатда социалистик революцияга ўтиш имконини берди? 3. Нима сабабдан АҚШнинг Куба революциясини бўғиб ташлаш йўлидаги уринишлари муваффақиятсизликка учрамоқда? 4. Республикада социализм

қуриш йўлида қандай қийинчиликлар бор ва улар қай тарзда бартараф этилмокда?

### **38- §. Турли мамлакатлардаги социалистик революциялар ва социализм қурилишининг умумий қонуниятлари ва хусусиятлари**

1. Социалистик мамлакатлар тарихий тараққиётининг қонуниятлари ва ўзига хослиги. Европа, Осиё мамлакатларида ва Кубада социализмнинг қарор топиши ва ривожланиши тарихини ўрғанар экансиз, В. И. Ленин ҳамма миллатлар социализмга тамомла бир хил йўл билан келмаслигини, уларнинг ҳар бири ижтимоий ҳаётнинг турли томонларини ўзгартиришга ўз хусусиятларини кўшишини айтганида нақадар ҳақли бўлганлигига ишонч ҳосил қила олдингиз. Ҳар бир мамлакат революцияни ўзича, ўзининг социал-иқтисодий ривожланиш даражасига, синфий кучларнинг жойлашишига, ташки шароитларга қараб амалга оширди. Социализм асосларини барпо этиш ҳам, социалистик жамият қуриш ҳам ўзига хос бўлди. Социализм шароитларни жиҳатидан бир хил бўлмаган мамлакатлар группасида реал воқеалик бўлиб қолди, шу билан бирга уларнинг баъзилари социализмга капитализм озми-кўпми юқори даражада ривожланган пайтда, бошқалари эса капиталистик босқични четлаб ўтдилар. Шу ўзига хосликка қарамай, тарихий тажриба социализмнинг ижтимоий тузум сифатида умумий ривожланиш қонуниятлари мавжудлигини кўрсатади.

Бу қонуниятлар Совет Иттифоқига ҳам, шунингдек, бошқа барча социалистик давлатларга ҳам хосдир. Энг аввало *ишчилар синфи етакчи роль ўйнагани ҳолда меҳнаткашлар ҳокимияти бўлиши ва илмий коммунизм идеологияси билан қуролланган коммунистик партия жамиятга раҳбарлик қилиши* қонуниятдир. Халқ-демократик ва социалистик революциялар натижасида ё ишчилар синфи ва деҳқонларнинг, кейинчалик пролетариат диктатурасига ўсиб ўтган революцион-демократик диктатураси, ё бўлмаса биратўла пролетариат диктатураси ўрнатилди. Ишчилар синфининг сиёсий авангарди — коммунистик партиялар марксча-ленинча таълимотга амал қилиб, сиёсий йўлни ўз мамлакатларининг ҳам миллий ва тарихий хусусиятларини, ҳам социализмнинг умумий қонуниятларини ҳисобга олиб ишлаб чиқмокдалар.

Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар тажрибаси меҳнаткашлар ҳокимиятининг қарор топиши хусусий мулкни йўқотиш ва *ишлаб чиқариш воситаларининг ижтимоий мулклиги*ни вужудга келтириш имконини беришини кўрсатмокда. Нисбатан қиска вақт мобайнида саноат, банклар, транспорт ва шу каби-ларни национализация қилиш, майда ишлаб чиқарувчиларни кооперациялаш, социализмнинг моддий-техника базасини вужудга келтириш натижасида социалистик мулк Европанинг барча социалистик мамлакатларда, Осиёдаги кўпчилик социалистик мамлакатларда, Кубада ҳукмрон бўлиб қолди. Бир қанча давлатларда

якка тартибда иш юритиш мавжуд бўлиб, ижтимоий мулк ҳукмрон бўлган шароитда ундан жамият манфаатлари йўлида фойдаланилмоқда.

Ижтимоий мулк базасида социализм мамлакатларида *экономиканинг планли ўсиши* амалга оширилмоқда. Ҳукмрон коммунистик ва ишчи партиялар ишлаб чиқаётган социал-иктисодий ривожланиш стратегияси ички ва ташқи шароитларга қараб ўзгаради, лекин пировард натижада унинг мақсади иктисодий потенциални ошириш ва меҳнатқашларнинг турмуш даражасини ўстиришдан иборатдир. УИЕК аъзолари бўлган мамлакатларнинг иктисодий стратегияси миллий экономикаларнинг ҳам, шунингдек, бутун жамиятнинг ҳам юксалишини таъминлаб бериши керак бўлган социалистик иктисодий интеграцияни ривожлантиришга қаратилган.

Социалистик тузум кишининг киши томонидан эксплуатация қилиниш ва ўзгалар меҳнатининг натижаларини ўзлаштириш имкониятини истисно этишга асосланган «ҳар кимдан қобилиятига яраша, ҳар кимга — меҳнатига қараб» деган принципни амалга ошириш экономиканинг ҳолатига боғлиқдир. Бу социал адолат принципи ўз-ўзидан жорий этилиб қолмайди, чунки социализмда ҳам чайқовчилик, хўжалик соҳасида фирибгарликлар, коррупция сингари салбий ҳодисалар учраб туради.

Социалистик мамлакатларда меҳнатқашларнинг манфаатлари сиёсий система билан, яъни давлат ва жамоат органларининг фаолияти билан таъминланади. Ўтиш даврида қарор топган сиёсий система меҳнатқашлар оммасининг, энг аввало ишчилар синфининг манфаатларини ифодалаб ва амалга ошириб, эксплуататор синфлар янги тузумнинг қарор топишига кўрсатган қаршиликни бостириб келди. Бу синфлар тугатилгач, жамиятнинг структураси ўзгарди, лекин социалистик жамият синфлари ва қатламларининг манфаатлари ва эҳтиёжларида фарқлар сақланиб қолмоқда. Социалистик жамиятда сиёсий система ўзининг таркибий қисмлари — партиялар, давлат органлари, миллий ёки халқ фронтлари, ижтимоий-сиёсий ташкилотлар орқали айрим қатламларнинг манфаатларини ҳам, шунингдек, бутун жамиятнинг манфаатларини ҳам ифодаламоқда ва ўзида гавдалантирмоқда.

Социалистик қурилиш жараёнида сиёсий системани такомиллаштириш жараёни бормоқда. У социалистик давлатлар парламентларининг роли ошиб бораётганлиги, улар олдида ҳукуматларнинг масъулияти ошаётганлиги, маҳаллий ҳокимият органларининг ҳуқуқлари кенгайтирилаётганлигидан ҳам, шунингдек, ижтимоий-сиёсий ташкилотларнинг роли кучаяётганлиги ва социалистик ўз-ўзини бошқариш ривожланаётганлигида ҳам ифодаланмоқда. Меҳнатқашлар, уларнинг коллективлари ва ташкилотлари меҳнат коллективларининг кенгашлари, ишчилар кенгашлари ва бошқа органлар орқали ғоят хилма-хил масалаларни ҳал қилишда қатнашмоқдалар. Шундай қилиб, *тарихий практика со-*

*циалистик демократияни ривожлантириш социализмнинг қонуниятларидан бири эканлигидан далолат бериб турибди.*

Социализмда илдишлари тарихий ўтмишга бориб такаладиган миллий специфика йўқ бўлиб кетмайди. Коммунистик ва ишчи партиялар ана шу спецификани ҳисобга олиб, халқларнинг тўла тенг ҳуқуқлилигини, миллий районларнинг иқтисодий, социал ва маданий тараққиётини таъминлашга, миллий маҳдудлик тенденцияларни бартараф этишга қаратилган сиёсатни амалга оширмоқдалар. *Барча миллатлар ва элатларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва дўстлиги социализмнинг қонунияти бўлиб қолди.*

Социализм тажрибаси *революцион ютуқларни синфий душманнинг тажовузларидан ҳимоя қилиш* унинг қонунияти эканлигидан далолат беради. У ёки бу мамлакат ичидаги социализм душманлари, энг аввало эксплуататор синфларнинг қолдиклари, шунингдек, жаҳон империализми социалистик мамлакатларни капитализм йўлига қайтариш учун бир неча бор уриниб кўрдилар.

СССР да ҳам, шунингдек, Европа, Осиёдаги бир қанча мамлакатларда ва Кубада ҳам реал мавжуд бўлиб турган социализм тарихини ўрганиш уни турмушга татбиқ этишда факат муваффақиятларгина эмас, балки муваффақиятсизликлар ҳам бўлганлигини кўрсатмоқда. Социализм қуришнинг марксча-ленинча принципларини ва усулларини бузиш, коммунистик партиялар йўл қўйган хатолар социализмнинг бузилишига, айнишига олиб келдики, булар 1956 йилда Польшада ва Венгрияда, 1968—1969 йилларда Чехословакияда, 1970 ва 1980—1981 йилларда Польшада юз берган кризис ҳодисаларининг асосий сабаби бўлди. Социалистик мамлакатларда ҳал қилинмаган муаммолар хали кўп. Белгиланган социал програмиалар тўла бажарилмаётир. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган миллий даромад, озик-овқат маҳсулотлари истеъмол қилиш ва узоқ фойдаланиладиган буюмлар — холодильниклар, телевизорлар, автомашиналар, рўзғор техникаси ва шу қабилар жиҳатидан социалистик мамлакатлар ривожланган капиталистик давлатлардан орқададир. Осиё мамлакатлари ва Кубада аҳолининг энг оддий талабларигина қондирилмоқда, ҳолос.

Шу билан бирга социалистик давлатлар тарихан қисқа муддат ичида ўтмишдан мерос қолган қолоқликни бартараф эта олганлиги, иккинчи жаҳон уруши йилларида вайрон бўлган экономикани тиклаганлиги, иқтисодий ва сиёсий бойкот юки айрим даврларда эса — блокада юки остида қадди букилмаганлиги, ХХР, ҚХДР, ВСР, ЛХДР, Куба каби мамлакатлар тўғридан-тўғри империалистик агрессияга ҳам муваффақиятли бардош берганлиги шубҳасиздир.

**2. Социализмнинг жаҳон системасига айланиши.** Европа ва Осиёдаги бир қанча мамлакатларда 40-йиллар революцияларининг ғалаба қилиши ва уларнинг социализм йўлига ўтиши шунга олиб келдики, дастлаб Совет Иттифоқида реал бўлиб қолган социализм жаҳон системасига айланди. Социалистик қурилиш таж-

рибаси Улуғ Октябрь социалистик революциясининг халқаро аҳамиятини тасдиқлади: *социализмнинг асосий жиҳатлари ва қонуниятлари тараққиётнинг ана шу йўлини танлаб олган барча халқлар учун муштарак бўлиб чиқди*. Бир типдаги сиёсий ва социаликтисодий структура, мақсадларнинг муштараклиги — социализм ва коммунизм куриш — жаҳон социалистик системасига кирувчи давлатларнинг интернационал бирлигига сабаб бўлди. Бу системанинг шаклланиш жараёни миллий давлатлар доирасида социалистик ижтимоий тузумнинг қарор топиши ва ривожланиши йўли билан ҳам, шунингдек, улар ўртасида сиёсий, иктисодий ва маданий алоқаларни аниқ мақсадни кўзлаб ва ҳар томонлама ривожлантириш йўли билан ҳам борди. Жаҳон социалистик системасининг ядроси ўзаро Иктисодий Ёрдам Кенгаши ва Варшава Шартномаси Ташкилоти аъзолари бўлган мамлакатларнинг *социалистик ҳамдўстлигидан* иборатдир. Туб манфаатлар ва мақсадларнинг муштараклиги билан бирлашган бу мамлакатлар кенг кўламда ҳар томонлама ҳамкорлик қилмоқдалар, халқаро майдондаги ўз ҳаракатларини мувофиқлаштирмоқдалар, империализмга қарши курашда бир-бирларига ёрдам бермоқдалар.

Жаҳон социализм системаси ташкил топиши билан *пролетар интернационализи* принципи давлатлараро муносабатларга ҳам ёйилди. Янги типдаги халқаро муносабатлар вужудга келдики, уларнинг муҳим жиҳати умумдемократик принципларга: тенг ҳуқуқлилиқ, мустақиллик ва суверенитетни ҳурмат қилиш, давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик принципларига риоя қилишдангина эмас, балки қардошларча ҳамкорлик ва ўзаро ёрдамдан ҳам иборатдир. Шундай қилиб, пролетар интернационализи принципи бойинди, янги босқичга — *социалистик интернационализм* босқичига кўтарилди. Бу принцип социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари ўртасидаги муносабатларда тўла-тўқис намоён бўлди. Барча даражалардаги — партиялар, ҳукуматлар, давлат ва жамоат ташкилотлари ўртасидаги — қалин алоқалар социализмнинг афзалликларини, халқаро социалистик меҳнат таксимотининг фойдасини рўёбга чиқаришга қаратилгандир. Интернационал тажрибадан фойдаланиш қардош давлатларнинг социалистик курилишдаги кучларини оширмоқда, уларнинг хавфсизлигини таъминлашга ёрдам бермоқда.

Жаҳон социалистик системасининг ривожланиши шуни кўрсатмоқдаки, тараққиёт даражаларидаги, синфий структурадаги, тарихий-маданий анъаналардаги, ички ва ташқи сиёсатнинг афзалликларидаги тафовутлар ва бошқа факторлар баъзан социалистик давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда қийинчиликлар ва ҳатто низолар тугдиради (масалан, 1948—1949 йиллардаги СССР билан Югославия ўртасидаги низо, Албаниянинг УИЕК ва ВШТ дан чиқиши, ХХР билан ВСР ўртасидаги муносабатлардаги кескинлик). Социалистик давлатлар ўртасидаги зиддиятлар антагонистик зиддиятлар эмас. Халқаро муносабат проблемаларига ёндашувларда фарқ бўлишига қарамай, социалистик тузумнинг,



синфий манфаатларнинг муштараклиги ҳамма масалаларни тенг ҳуқуқли ва принципал негизда ҳал этиш имкониятини беради.

Социализм мамлакатлари ҳарбий соҳада капитализм билан мусобақалашига қатъиян қарши бўлиш билан бир қаторда мудофаа қудратини империализм томонидан бўладиган ҳар қандай сиқувга бардош бериш учун етарли даражада сақланиб келмоқдалар. Социалистик давлатларнинг сиёсати кишилик маданияти ҳалок бўлишига йўл қўймасликка, барча мамлакатларнинг коллектив куч-ғайратлари билан умуминсоний, глобал муаммоларнинг ҳал қилинишига эришишга, ер курраси ресурсларидан унда яшовчи ҳамма одамларнинг манфаатлари йўлида оқилона фойдаланишга қаратилгандир.

Социалистик системанинг мавжудлиги, жаҳон сиёсатига унинг таъсири ўсиб бораётганлиги халқаро ишчилар ҳаракатига таъсир этмоқда. Коммунистик ва ишчи партиялар социалистик давлатларнинг тажрибасини, бу тажрибанинг ижобий ва салбий томонларини ўрганмоқдалар, социализмга боришнинг ўз йўллари билан белгиламоқдалар. Кўпгина капиталистик давлатлар буржуазияси социализм мамлакатлари социал соҳада эришган ютуқларини ҳисобга олиб, баъзи социал программаларни амалга оширишга мажбур бўлмоқда. Айни вақтда социалистик қурилиш жараёнида йўл қўйилган камчилик ва хатолар, социал вазифаларни амалга оширишда орқада қолиш ва сусткашлик қилиш социализмнинг таъсирига қарши камайитирмоқда.

Жаҳон социализм системаси озод бўлган мамлакатларга борган сари катта таъсир кўрсатмоқда, империализмга қарши курашда уларга таянч бўлиб хизмат қилмоқда, бу мамлакатларнинг капиталистик системага қарамлигини бўшаштиришга ёрдам бермоқда.

Мустамлака қарамлигидан озод бўлган бир қанча давлатларнинг халқлари социализм мамлакатлари намунасидан илҳомланиб, социалистик йўналишни танлаб олдилар.

Шундай қилиб, социализмнинг бутун дунёда юз бераётган жараёнларга кўп томонлама таъсири В. И. Лениннинг социализм жаҳондаги бутун сиёсатга ҳал қилувчи таъсир кўрсатишга қодир бўлган кучга айланиши мумкинлиги ҳақидаги фикрини тасдиқламоқда. Планлаштиришни ва халқ хўжалигини бошқаришни қайта қуриш, СССРда ва бир қанча социалистик мамлакатларда КПСС XXVII съезди ва қардош партиялар съездларининг қарорларига мувофиқ амалга оширилаётган социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш йўли, иқтисодий потенциални ва аҳолининг турмуш даражасини анча ошириш капиталистик ва озодликка чиққан мамлакатлар меҳнатқашлари учун социализмнинг жозибадорлиги ўсишига ёрдам беради.

1. Нима сабабдан социализм куриш вазифаларини хал қилган вақтда умумий қонуниятларни ҳам, шунингдек, мамлакат тараққиётининг конкрет хусусиятларини ҳам ҳисобга олиш шарт? 2. Европадаги социалистик мамлакатлар тарихи бўйича ўрганилган материалдан фойдаланиб, умумий қонуниятларни бузиш ва миллий хусусиятларни менсимаслик социализм куришда нималарга олиб келишини кўрсатинг. 3. Вақтли матбуот материалларини жалб қилиб, жаҳон социализм системаси халқаро сиёсатнинг энг муҳим проблемаларини хал қилишга кўрсатаётган таъсирни таърифлаб беринг.

## Такрорлаш учун 4- бобга доир савол ва топшириқлар

1. Халқ-демократик революцияларининг асосий хусусиятлари қандай? 2. Европадаги бир ёки иккита социалистик мамлакат мисолида халқ-демократик революцияларининг социалистик революцияларга ўсиб ўтиш жараёни қай тарзда борганлигини кўрсатиб беринг. 3. Европадаги ва Осиёдаги социалистик мамлакатларда ўтиш даврининг вазифалари қандай хал қилинганини таққосланг. 4. Вақтли матбуот материалларидан фойдаланиб, УИЕК аъзолари бўлган мамлакатлар ҳамкорлигининг ҳозирги босқичи ва уларнинг умумий проблемаларни хал қилиш йўллари тўғрисида реферат тайёрланг.

### 5-БОБ

## *Капиталистик мамлакатлар (1945 йил — 1980-йиллар)*

### **39- §. Капитализм умумий кризисининг чуқурлашуви**

Капитализм умумий кризисининг асосий жиҳатларини эсланг («Энг янги тарих. 1917—1939» дарслигининг 1- параграфига қаранг). Иккинчи жаҳон урушининг капиталистик давлатлар учун асосий яқунларига таъриф беринг (23—24- § нинг охири қисмига қаранг).

1. 40—60- йилларда капитализм умумий кризисининг ривожланиши. Бутун буржуа жамиятини қамраб олган капитализмнинг умумий кризиси урушдан кейинги ўн йилликларда чуқурлашиб бораверди. Бу ҳол энг аввало жаҳон социалистик системасининг вужудга келиши ва мустақамланишида, социалистик давлатлар халқаро таъсирининг кучайишида ўз ифодасини топди. Миллий-озодлик революциялари натижасида империализмнинг мустамақачилик системаси қулади. Илгари эзиб келинган кўпгина мамлакатлар мустақил ривожланиш йўлига ўтдилар. Капитализмнинг ҳукмронлик қилиш доираси торайди. Ички қийинчиликларнинг чуқурлашувига дуч келган капитализмнинг зиддиятлари янада кескинлашди. Капиталистик дунёда меҳнаткашларнинг эксплуатацияга қарши гражданлик ва социал ҳуқуқлар учун кураши кучайиб борди. Ядровий қуролни пайдо бўлиши, қуролланиш пойгасининг кучайиши ва дунёнинг турли районларида бўлиб турган

хавfli ҳарбий низолар урушга қарши оммавий ҳаракатнинг ўсишига сабаб бўлди.

Жаҳонда юз бераётган барча жараёнларга фан-техника тараққиёти жуда катта таъсир кўрсатмоқда. Урушдан кейинги ўн йилликлар мобайнида *фан-техника революцияси*. (ФТР) турли даражада интенсивлик билан дунёнинг барча мамлакатларини қамраб олди (64- § га қаранг). Монополиялар ва буржуа давлатлари ФТР натижаларидан ўз мавқеларини мустаҳкамлаш, бойлик орттириш ва ҳокимиятни қўлга олиш, меҳнаткашларни эксплуатация қилишни кучайтириш учун кенг фойдаланмоқдалар, айни вақтда миллий ва халқаро майдонларда рақобатчилик курашида устунликка эга бўлиб олишга умид қилмоқдалар. Социализм билан яккама-якка курашда империализм фан-техника тараққиётини қуролланиш пойғаси томон буриб юбориб, фан ва техниканинг энг янги ютуқларини эгаллаб олишга умид боғламоқда.

Ҳозирги шароитда империализм даврида капиталистик ишлаб чиқаришнинг ривожланишидаги икки тенденция — ўсиш ва чириш тенденциялари тўғрисидаги ленинча қоида ўз аҳамиятини сақлаб қолмоқда. Турли босқичларда ана шу тенденцияларнинг униси ёки буниси устунлик қилади, лекин умуман олганда биринчи тенденция устун келмоқда. Ўзининг империалистик босқичида аввалгига қараганда тезроқ ривожланаётган капитализмнинг ҳали резервлари кўп. Улар асосан жаҳон саноат маҳсулотининг ярмига яқинини ишлаб чиқараётган бир гурппа юқори даражада ривожланган мамлакатларда тўплангандир.

Урушдан кейинги ўн йилликлар мобайнида капиталистик экономика ўз тараққиётида уч даврдан: тикланиш давридан — 50- йилларнинг ўрталаригача нисбатан барқарорлик давридан — 70- йилларгача ва, ниҳоят, иктисодий ўсишнинг кескин секинлашиб мўътадил ўсиш суръатларига ўтиш билан алмашган даврни (70—80- йиллар) босиб ўтди.

Дастлабки икки давр мобайнида капиталистик хўжалик бекарор, нотекис характерини сақлаб қолди, лекин унга ортиқча ишлаб чиқариш кризисларининг чуқурлиги ва давом этиш муддатлари қамайиши хос эди. Экономиканинг структураси анча ўзгарди: ФТР келтириб чиқарган янги тармоқлар тез ривожлана бошлади, нисбатан арзон энергия ресурслари ва хом ашёлар пайдо бўлди, ноишлаб чиқариш соҳаси ўсиб, моддий ишлаб чиқариш борган сари кўпроқ ана шу соҳага боғлиқ бўлиб қолмоқда. Капиталистик хўжаликни бошқаришда ўсиб бораётган давлат-монополистик марказлаштириш ҳукмрон роль ўйнай бошлади. Капитализм икки системанинг қарама-қаршилигидаги янги тарихий вазиятга ва ФТР талабларига мослашиб, фақат экономикадагина эмас, балки социал муносабатларда ва жамият ҳаётининг бошқа соҳаларида ҳам давлат-монополистик тартибга солиш усулларини борган сари активроқ қўллашга мажбур бўлди. Халқаро меҳнат тақсмоти ва унга асосланган иктисодий, илмий-техникавий алоқалар, ташқи савдон ривожлантириш, капитални экспорт ва им-

порт қилиш ва бошқалар жуда катта аҳамият касб этди. Мана шу барча ўзгаришлар натижасида капитализмнинг ишлаб чиқарувчи кучлари шубҳасиз ўсди.

**2. Капитализм умумий кризисининг ҳозирги босқичи.** 70- йиллардан эътиборан капитализмнинг беқарорлашув палласи бошланди, бу ҳол унинг зиддиятлари аввалгига қараганда анча кенг негизда кескинлашуви туфайли келиб чиқди. Экономиканинг ички беқарорлиги кучайди, унинг умумий ўсиш суръатлари секинлашди. Ортиқча ишлаб чиқаришнинг циклли кризислари капиталистик ҳўжалиқдаги номутаносибликнинг кучайиши туфайли келиб чиққан структура кризислари билан (ёқилғи-энергетика, хом ашё, озик-овқат кризислари), валюта-молия соҳасидаги кризис билан чирмашиб кета бошлади. Буни 1974– 1975 ва 1980– 1983 йиллардаги кризислар айниқса яққол кўрсатди. Бу кризислар вақтида, масалан, АҚШда ишлаб чиқариш қувватларининг 1/4 қисмидан то 1/3 қисмигача фойдаланилмади. Кўп кризисларнинг бирлашиб бир тугун ҳосил қилиши билан бирга давлатлар ўртасидаги муносабатларда ихтилофлар юз берди, капиталистик дунёнинг пул-кредит системаси бузилди. Пулнинг кадрсизланиши сурункали касалликка айланиб қолди, бюджетнинг дефицитлари ва давлат қарзлари мисли кўрилмаган миқдорга етди. Таназзул чоғида ҳам, иктисодий ўсиш вақтида ҳам сақланиб қолаётган кўп миллион кишилик ишсизлик ФТР шароитида социал-сиёсий вазиятнинг беқарорлашуви кучайтирувчи жиддий фактордир.

70- йилларнинг ўрталаридан бошлаб монополистик буржуазия меҳнатқашларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларига ҳужум қилишга ўтди. У социал реванш сиёсатини ўтказиб, ишчилар синфи қаттиқ курашда қўлга киритган кўпгина ютуқларни тортиб олди. Эксплуатация қилиш механизми янада нозиклашди. Юксак даражада ривожланган капиталистик мамлакатларда ҳокимият тепасига ўнг консерватив кучлар келиши билан жамиятни бошқариш усуллари қаттиқлашди, сиёсий шантаж, қўпол суратда тазйик ўтказиш, репрессиялар, террор, жазо акциялари кенг қўлланилмади. Буржуа жамиятининг бутун ҳаётини қуролланиш пойғасида семириб бораётган милитаризм камраб олмакда. У монополистик буржуазиянинг айрим группаларини бойитиб, жуда катта меҳнат ва моддий ресурсларни унумсиз мақсадлар учун исроф қилмоқда, миллатларнинг силласини қуритмоқда, ялпи тинчликка хавфли таҳдид туғдирмоқда. Милитарист кучлар ҳокимиятнинг сиёсий воситаларини эгаллаб олишга зўр бериб интилмоқдалар.

Ишлаб чиқаришни ва капитални концентрациялаш ва марказлаштириш аллақачон миллий чегаралардан чиқиб кетган. Уларнинг ҳозирги замон формаси ишлаб чиқаришни айрим мамлакатлар қўламида ҳам, бутун жаҳон ҳўжалиги қўламида ҳам монополия қилиб олувчи *транс-миллий корпорациялар* (ТМК) дан иборатдир. Булар индустриал жиҳатдан тараққий этган капиталистик ва ривожланаётган мамлакатларнинг суверенитетини барбод қилаётган, меҳнатқашларнинг турмуш даражаси пасайиб ке-

тиши, ишсизлик ўсиши, демократик ҳуқуқлар чекланиши билан хавф солаётган ҳақиқий саноат-молия империяларидир. 80- йиллар ўрталарида ТМК капиталистик дунёдаги саноат ишлаб чиқаришининг учдан бир қисмидан кўпроғини, ташқи савдонинг ярмидан кўпроғини, янги техника ва технологияга бўлган патентларнинг қарийб 80 процентини контрол қилиб турар эди. ТМК ядроси америка монополиялари бўлиб, улар халқаро майдонда АҚШнинг йўлини амалга оширувчи муҳим ташкилотлардир.

Бир вақтнинг ўзида турли мамлакатлар экономикасининг ҳар хил тармоқларида иш олиб бораётган жуда катта молия-саноат чирмовуқлари ўртасида кескин рақобатчилик кураши авж олиб кетмоқда.

**3. Давлат-монополистик капитализми. (ДМК).** Жаҳон социалистик системасининг таъсири остида буржуа давлатининг иқтисодий ва социал сиёсий вазифалари анча кенгайди. *ДМК ривожланиши ишлаб чиқаришни капиталистик йўсинда умумлаштиришнинг йўлини бориши келтириб чиқарган объектив жараён*дир.

Этажчи империалистик мамлакатларда реал ҳокимият борган сари кўпроқ энг йирик монополистик группалар қўлида тўпланмоқда. Империалистик давлатларнинг ҳукуматлари кўпроқ қудратли банклар, концернлар, трестларнинг ишончли вакилларидан ёки монополистларнинг ўзларидан ташкил топадиган бўлиб қолди. Шу тариқа монополиялар вакиллари билан ҳукуматларнинг аъзолари ўртасида шахсий уния вужудга келмоқда. Давлат бюджет орқали ва йирик капитал фойдасига солиқлар солиш ёрдамида хўжаликдан олиб кўядиган миллий даромаднинг улуши кўпайиб бориши билан ДМК ҳам ривожланади.

Экономиканинг давлат сектори мавжудлиги хусусий мулк эгаларининг позициясини пугурдан кетказётганига қарамай, унинг роли анча ошди. Фарбий Европанинг бир қанча мамлакатларида (Буюк Британия, Франция, Италия, Австрия, Скандинавия мамлакатлари) миллий бойликнинг 30—40 процентигача давлат сектори ҳиссасига тўғри келади. АҚШ ва Японияда бу улуш 20 процентга яқинни ташкил этади.

ДМК формаларидан бири экономикани *давлатнинг тартибга солишидан*, шу жумладан, кризисга ва пулнинг кадрайсизланишига қарши тадбирларни амалга оширишидан, монополияларга ҳар хил имтиёзлар беришдан, экономикани программалашдан (капиталистик планлаштиришдан) иборатдир. Бирок ишлаб чиқариш анархияси ва рақобатчилик шароитида тартибга солишнинг роли чеклангандир.

АҚШ ва бошқа юксак даражада ривожланган капиталистик мамлакатларда урушдан кейинги ДМК ҳарбий-саноат комплексининг шаклланиши ва ривожланиши билан боғлангандир (40—41- § га қarang).

ДМКга ФТР катта таъсир кўрсатди. Буржуа давлати илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини (ИТТКИ) таш-

кил этиш ва пул билан таъминлашда хал қилувчи роль ўйнайди. Қиммат турадиган, натижалари молия соҳасида таваккалчилик қилиш билан боғлиқ бўлган (айниқса ҳарбий соҳадаги), изланишларнинг кўпгина қисмини давлат ўз зиммасига олмоқда.

*Ишлаб чиқаришнинг ва капиталнинг интернационаллашуви* ҳозирги замон ДМҚнинг давлатлараро иқтисодий интеграция каби шакли ривожланишига олиб келди. У Европа иқтисодий ҳамжамиятида (ЕИХ, ёки «Умумий бозор» да) ҳаммадан тўлароқ гавдаланди. Бу ҳамжамият 1957 йилда йирик монополиялар ва капиталистик давлатларнинг таъсири остида вужудга келди. Унга ГФР, Франция, Италия, Бельгия, Нидерландия, Люксембург, 1973 йилдан бошлаб — Буюк Британия, Дания, Ирландия, 1981 йилдан бошлаб Греция, 1986 йилдан бошлаб эса Испания ва Португалия кирган. Ҳамжамиятда қатнашувчи мамлакатлар учун божхона тўсиқларини аста-секин йўқотиш, учинчи давлатларга нисбатан муштарак савдо сиёсати, капиталлар, товарлар ва иш кучининг эркин кўчиб юриши назарда тутилган эди. Интеграция икки ижтимоий система мусобакасида капитализмнинг позицияларини мустақамлаш мақсадини ҳам кўзлайди.

1979 йилдан бошлаб ЕИХ мамлакатларида ҳар беш йилда ҳамжамиятнинг бюджетини белгилаб берувчи орган — *Европа парламенти*га тўғри умумий сайлов бўлиб ўтади. Ундаги депутатлар ўрнининг кўпчилиги ўнг партияларнинг вакилларига тегишлидир. ГФР ва Италиянинг раҳбар доиралари Европа парламентининг ваколатларини кенгайтиришни, унинг фаолиятини миллатлардан устун турадиган қилиб қўйишни талаб қилмоқдалар.

«Умумий бозор» нинг мавжуд бўлиб туриш тажрибаси бу давлат-монополистик ташкилот жаҳон капиталистик бозорини қайта тақсимлашнинг, интеграцияда қатнашувчи нисбатан кучсиз давлатларни анча кучлироқ шерикларига бўйсундириш формасидан иборат эканлигини кўрсатди. Капиталистик интеграция давлатлараро монополистик бирлашмаларнинг қатнашчилари ўртасидаги рақобатни бартараф қилмайди, империалистлараро зиддиятларни кучайтиради.

«Капитал дунёси бошдан кечираётган проблемалар ва кризислар унинг ўз қаърида вужудга келмоқда, булар эски жамият ички антагонистик зиддиятларининг қонуний натижасидир. Ана шу маънода капитализм ривожлана бориб, ўзини ўзи инкор этади. Капитализм тараққиётни пасайиб боришидан келиб чиқувчи проблемаларнинг кескинлашувини тўхтатишга қурби етмаган ҳолда империалистик мамлакатларнинг ҳукмрон доиралари тарихнинг ўзи бошданок ҳалокатга маҳкум этган жамиятни қутқариб қолишга қодир эмаслиги кўрнниб турган воситалар ва методларни ишга солмоқдалар» (КПСС XXVII съездининг материаллари. — 13- бет).

## Савол ва топшириқлар

1. Урушдан кейинги ўн йилликларда капитализмнинг умумий кризиси чуқурлашганлигининг асосий белгилари қандай? Капитализм тараққиёти ҳозирги босқичининг (70—80- йиллар) хусусиятларини кўрсатинг. 2. Иккинчи жаҳон урушдан кейин ДМК кўринишининг шаклларини таърифлаб беринг. 3. Капиталистик давлатлар, иқтисодий интеграциясининг вужудга келиши ва ривожланиши нима билан изоҳланади?

## 40—41- §. Америка Қўшма Штатлари

30-йилларда АҚШ давлат-монополистик капитализми қандай ривожланганлигини эсланг («Энг янги тарих. 1917—1939» дарслигининг 10-§ ига қаранг).

1. АҚШ — энг кучли империалистик давлат. Қўшма Штатларнинг халқи гитлерчилар Германияси ва милитаристик Япония устидан ғалаба қозонишга катта ҳисса қўшди. АҚШ Европа ва Осиёдаги кўпгина халқлар бошига тушган кулфатларни тортгани йўқ. Америкаликлар уруш вақтида берган қурбонлар Совет Иттифоқи йўқотган одамлардан деярли 70 барабар камдир.

Иккинчи жаҳон уруши натижасида АҚШнинг молиявий-иқтисодий ва ҳарбий қудрати анча кучайди. Америка монополиялари ҳарбий маҳсулотлар етказиб бериш ҳисобига жуда катта фойда тўпладилар. Саноатнинг ишлаб чиқариш қуввати одатдан ташқари ўсди. Америка капитализмининг ички ривожланиш табиати (капиталнинг тез жамғарилиши, ишлаб чиқарувчи кучларнинг гуркираб ўсиши) уни кенг қўламда ташқи экспансияга ундади. Бунга уруш тамом бўлганидан кейин капиталистик дунёда вужудга келган кучларнинг жойлашиши ҳам қулайлик туғдирди. АҚШнинг асосий империалистик рақиблари ё вақтинча сафдан чиқдилар (Германия, Япония), ёки Америкалик кредиторларга молиявий-иқтисодий жиҳатдан қарам бўлиб қолдилар (Буюк Британия, Франция). АҚШ бундан фойдаланиб, янги бозорларни қўлга киритди, товарлар ва капиталистларни экспорт қилишни кўпайтирди ва жуда катта «доллар империясини» барпо этди.

АҚШнинг қуроли кучлари капиталистик дунёнинг энг муҳим нуқталарида жойлашиб олди. Америка империализми «озодлик» ва «демократияни» ҳимоя қилиш байроғи остида революцион ва миллий-озодлик ҳаракатига, туб сиёсий ва социал-иқтисодий ўзгаришларга қарши, халққа қарши реакцион тузумларни қўллаб-қувватлаш учун курашда асосий куч бўлиб чиқди, социализм мамлакатларига қарши «совуқ урушни» авж олдириб юборди.

Уруш тамом бўлганидан кейин америка империализми атом қуролига монопол эгаллигига, ҳарбий базалар системасига ва молиявий-иқтисодий жиҳатдан устунлигига таянган ҳолда жаҳонда ўз ҳукмронлигини қарор топтириш планларини амалга оширишга уринди. Монополистик буржуазия идеологлари XX асрни «америка асри» деб атай бошладилар. Лекин ҳаёт бу режаларни улоктириб ташлади. Халқаро майдонда кучлар нисбатида социализм

фойдасига юз берган туб ўзгаришлар Америка монополияларининг фаолият доирасини анча чеклаб қўйди. АҚШнинг ракобатичилари кучайиб олдилар ва бозорлар учун, хом ашё манбалари ҳамда капитал солиш соҳалари учун ўзларининг кудратли ракибларига қарши курашга киришдилар. Капитализм мамлакатларининг иктисодий ривожланиши нотекис борганлиги сабабли АҚШнинг капиталистик дунёдаги етакчи роли кучсизлана бошлади. Шундай бўлса ҳам Қўшма Штатлар энг кучли империалистик давлат бўлиб қолмоқда.

**2. АҚШ экономикаси урушдан кейинги ўн йилликларда.** АҚШ иктисодий тараккиётда юксак даражага эришди ва кудратли илмий-техникавий потенциалга эга. У саноатнинг бир қанча энг янги тармоқлари маҳсулотини ишлаб чиқариш бўйича ва ИТТКИ га харажатлар ҳажми бўйича капиталистик дунёда етакчи ўринда туради. АҚШ юқори унумли кишлоқ хўжалигига эга.

Бироқ мамлакатнинг иктисодий тараккиёти беқарорлиги билан ажралиб туради. Бир неча бор (1948—1949, 1953—1954, 1957—1958 ва 1960—1961 йилларда) саноат ишлаб чиқариши кризисларни бошидан кечириб, улар оқибатида АҚШ 415 миллиард доллар миқдоридан зарар кўрди. 1969—1970 йилларда АҚШ яна иктисодий кризис исканжасига тушиб қолди, бу кризис молиявий қийинчиликларнинг кучайиши билан бирга юз берди.

60—70-йиллар маррасида АҚШнинг урушдан кейинги иктисодий ривожланишида бурилиш юз берди. Иктисодий ўсишнинг нисбатан юқори суръатлар билан бориш даври тугади, пулнинг қадрсизланиши кучайди. Экономиканинг ёқилғи-энергетика ва хом ашё секторларида, саноатнинг ундирувчи ва қайта ишловчи тармоқларини ривожлантиришда чуқур номутаносибликлар кўриниб қолди. Буни 1974—1975 йиллардаги кескин кризис ларзалари аниқ кўрсатиб берди.

70-йиллар охирида экономикани структура-технология жиҳатидан узок муддатли қайта қуриш бошланди. Унинг моҳияти ФТРнинг энг янги ютуқларини жорий этиш асосида ишлаб чиқаришни техника билан тубдан қайта қурулантиришдан иборатдир. Ишлаб чиқаришни реконструкциялаш борасидаги йирик программалардан кўзда тутилган мақсад — меҳнат унумдорлигида, хом ашёнинг тақчил турларини тежашда сифат жиҳатидан янада юқори даражага эришишдан, ёқилғи-энергетика балансини тубдан яхшилашдан иборатдир. Автоматлаштирилган системаларни, саноат роботларини, лазер техникаси ва технологиясини кенг қўлланиш металлургия, машинасозлик, автомобилсозлик ва саноатнинг бошқа етакчи тармоқларига хосдир. Радиоэлектрон, аэрокосмик, приборсозлик ва бошқа шулар сингари кўп илм талаб қиладиган тармоқлар гуркираб ривожланди. Микропроцессор техникасидан фойдаланиш борган сари кенгайиб бормоқда. ЭҲМлар парк 1987 йилда 20 миллиондан ортик бирликка (шу жумладан, 19 миллион шахсий компьютерларга) эга эди.



Йирик капитал манфаатларини кўзлаб президент Рональд Рейган маъмурияти пулнинг кадрсизланишини живовлаш ҳамда экономикани қайта қуриш, жаҳон бозорида АҚШнинг рақобатчилик позицияларини кучайтириш учун шароит яратиш йўлини тутди. «Рейганомика» деб ном олган бу программа миллий даромад йирик капитал ва аҳолининг ўзига тўқ қатламлари фойдасига янада қайта тақсимланишига ҳамда унда ишчилар синфининг улуши қисқаришига олиб келди. Социал харажатлар қисқартирилди. Аини вақтда ҳарбий мақсадлар учун ажратмалар ошиб бораверди.

Бирок ФТРнинг ривожланиши ва ҳукуматнинг бизнесни рағбатлантириш сиёсати иқтисодий ривожланишнинг мавжуд бекарорлигини бартараф этмади. Экономикани структура-технология жиҳатидан қайта қуриш бир қанча корхоналарнинг ёпиб қўйилиши, иш жойларининг йўқотилиши, ишсизликнинг ўсиши билан бирга юз берди. 1980—1983 йилларда АҚШ ишлаб чиқаришнинг навбатдаги қисқаришини бошидан кечирди ва шундан кейинги йиллардагина саноат юксалди.

**3. Давлат-монополистик капитализмининг ривожланиши.** АҚШ учун ишлаб чиқариш ва капиталнинг, шу жумладан, банк ишида ҳам, юксак даражада концентрациялашуви, молия олигархиясининг зўравонлиги хосдир. 200 та энг йирик корпорация мамлакатдаги саноат ишлаб чиқаришнинг ярмига яқинини контрол қилиб туради.

Илгари бўлганидек ҳозир ҳам шимоли-шарқий (Нью-Йорк) ва ўрта ғарбий (Чикаго) монополистик группировкалар нуфузли мавкени эгаллаб туради. Кейинги ўн йилликлар мобайнида Жануб ва Жануби-Ғарбий штатлар индустриал жиҳатидан гуркираб ривожланганлиги муносабати билан Техас ва Калифорния монополистик капитал группаларининг салмоғи ўсди. Аини вақтда улар билан молия буржуазиясининг эски группалари ўртасида экономика ва сиёсатни контрол қилиш учун кураш кескинлашди.

Капиталистик ва ривожланаётган мамлакатларни эксплуатация қилаётган Америка ТМҚларининг фаолияти жуда ривожланиб кетди. 80- йилларнинг биринчи ярмида Ғарбдаги 50 та энг йирик ТМҚ нинг 21 таси америка капиталига тегишли бўлиб, бутун соф фойданинг 2/3 қисмидан кўпроғи шулар ҳиссасига тўғри келган эди. Америка ТМҚларининг чет эллардаги корхоналари ГФР, Франция ёки Англиядагига қараганда кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқармоқда.

60- йилларга келиб АҚШда ҳарбий-саноат комплекси (ХСК) вужудга келди. Унга қурол ишлаб чиқарувчи монополиялар, генералитетнинг юқори қатламлари, давлат-монополистик бюрократиянинг бир қисми, америка империализмининг идеологик аппарати ва ҳарбийлаштирилган фан кирази. Бу кучлар уюшмаси ҳарбий маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириб боровчи ва агрессив сиёсатни амалга оширувчи асосий куч бўлиб чиқмоқда.

ХСК нинг негизини курул ишлаб чиқаришни монополия қилиб олган йирик ҳарбий-саноат фирмалари ташкил этади. Пентагоннинг 100 та асосий пудратчиси ҳарбий буюртмаларнинг (қиймат бўйича) 2/3 қисмини олмақда. Бу буюртмаларни бажариш граждандан ишлаб чиқаришига қараганда 2—3 барабар кўп фойда келтиради. Ҳарбий ишлаб чиқаришни кўпайтириш миллий бойликни америка халқининг манфаатларига ёт бўлган унумсиз мақсадларга сарфлаб юборишни англатади. Гарчи Қўшма Штатларга ҳеч қим хавф солмасда, ҳарбий харажатлар кўп йиллар мобайнида йил сайин ошиб борди.

Ишлаб чиқаришни ҳарбийлаштириш иқтисодий беқарорликни кучайтирмоқда, молиявий номутаносибликларни туғдирмоқда. Чунончи, ҳарбий харажатларни тўхтовсиз кўпайтириб бориш натижасида АҚШ давлат бюджетининг камомади 1986 йилда 220 миллиард доллардан ошиб кетди, давлат қарзи эса 2 триллион доллардан иборат астрономик суммадан ошди.

АҚШ давлат-монополистик капитализмининг муҳим жиҳати кредитлар, қарзлар ва капитални экспорт қилишнинг бошқа формаларидан иборатдир. Масалан, 1948—1952 йилларда Ғарбий Европа мамлакатлари «Маршалл плани» бўйича қарийб 17 миллиард доллар олдилар. Бу план давлат секретари Д. Маршалл номи билан боғлиқ бўлиб, у Г. Трумэн ҳукумати номидан АҚШ урушдан кейинги тикланишда уларга ёрдам бериш ниятида эканлигини айтди. Кредитлар ва қарзлардан уларни олувчи мамлакатларни америка капиталига молиявий-иқтисодий жиҳатдан қарам қилиб қўйиш учун ва уларни АҚШ ташқи сиёсатида эргашиб боришга мажбур қилиш учун фойдаланилади. Конгресс давлат бюджети ҳисобидан катта-катта маблағларни реакцион тузумларга ҳамда Америка буйруғини рад этувчи суверен давлатларга қарши эълон қилинмаган урушларни олиб бораётган контрреволюцион кучларга ҳарбий ёрдам кўрсатиш учун ажратмоқда.

Ҳарбий-саноат монополияларининг давлат аппарати ва конгрессдаги вакиллари АҚШ сиёсатини шакллантиришда катта роль ўйнамоқда. Ҳарбий индустрия, Пентагон ва ижро этувчи ҳокимият ўртасида ҳамма даражаларда кадрларни муттасил алмашиб туриш практикаси вужудга келди.

**4. АҚШнинг ташқи сиёсати.** АҚШнинг атрофдаги дунёга нисбатан сиёсати икки принципни — дунёда юз бераётган ўзгаришларга куч воситасида қаршилик кўрсатиш ва уларга мослашишни (биринчиси устунлик қилгани ҳолда) маълум даражада қўшиб олиб боришга асосланади. Кўпгина факторларнинг таъсир қилишига қараб бу принципларни қўллашнинг конкрет нисбати ўзгариб туради.

АҚШ ҳозирги замон империализмининг лидери вазифаларини ўз зиммасига олиб, социализмнинг халқаро позициялари мустаҳкамланишига ҳалақит беришни, халқлар эски эксплуататорлик тартибига қарши кўтарилган жойда бу тартибни сақлаб қолишни ўз мақсади қилиб қўйган. Бу йўлнинг асосини «куч ишлатиш» си-

ёсати ташкил этди. Унинг моҳияти жаҳон социализмининг ўсишини «жиловлаб» қўйишдан, уни «қўрқитишдан», сўнгра эса «улоқтириб ташлашдан», уни мағлубиятга учратишдан иборат эди. Лекин бу мақсадларни бажариб бўлмас эди, чунки Совет Иттифоқи АҚШни атом монополиясидан маҳрум қилиб ва ракета-ядро қуроллини яратиб, у билан ҳарбий-стратегик тенгликка эришди.

Социализм мамлакатларига, ишчилар, демократик ва миллий-озодлик ҳаракатларга қарши қаратилган ҳарбий-сиёсий блоклар системаси АҚШ ташқи сиёсатини амалга ошириш қуроли бўлиб қолди. Бу блокларнинг биринчиси ва энг каттаси Шимолий Атлантик шартнома ташкилоти, ёки қисқартирилган ҳолда НАТОдир (инглизчаNorth Atlantic Treaty Organization деган номнинг биринчи ҳарфларидан олинган). Бундан ташқари АҚШ ўнлаб давлатларни икки томонлама ҳарбий битимлар билан боғлаб ташлади, уларнинг территорияларида ўз қўшинлари ва ҳарбий базаларини ушлаб туриш ҳуқуқини олди. 500 мингдан ортиқ Америка солдат ва офицери мамлакатдан ташқарида туради.

АҚШ бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмоқда, давлат тўнтаришлари ташкил қилмоқда, ўзига ёқмайдиган ҳукуматларни четлаштирмоқда. Терроризм, жосуслик ва диверсияларга, контрреволюцияни экспорт қилишга **марказий разведка бошқармаси (МРБ)** ҳар йили миллиардлаб доллар сарфламоқда. АҚШ ер юзининг турли районларида ҳарбий тўқнашувлар хавфини туғдирган халқаро кризисларни бир неча бор келтириб чиқарди.

Америка империализмининг Вьетнам халқига қарши агрессияси тинчликка ҳаммадан кўра жиддийроқ хавф туғдирди. Аввал бошданок бу уруш АҚШ учун истикболсиз эди. Вьетнам халқининг галабаси халқаро империализмнинг имкониятлари нақадар торайганлигини ишонарли қилиб кўрсатди.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин ўтган чорак аср мобайнида АҚШ билан СССР ўртасидаги муносабатлар кескин бўлиб қолаверди. Бу ҳол бутун халқаро вазиятга ҳам таъсир кўрсатди. Совет Иттифоқи 70- йиллар бошида ядро қуроллари бўйича АҚШ билан тахминан бараварлашиб олганлиги, ҳарбий қарама-қаршиликни хавфли эканлигини тушуниш АҚШнинг ҳукмрон доиралари СССР билан муносабатларга ёндашишни қайтадан кўриб чиқиши учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди.

Совет раҳбарлари АҚШ Президенти Ричард Никсон билан **1972 йил** майда Москвада олиб борган музокаралар натижасида совет-америка муносабатларини яхшилашга асос солинди. Бу бурилиш 1973 ва 1974 йилларда бўлиб ўтган олий даражадаги совет-америка учрашувлари натижасида мустаҳкамланди. Музокаралар бир қатор шартнома ва битимлар тузилишига олиб келди. Булар ижтимоий тузуми турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшаши принципи асосида турли соҳаларда икки томонлама ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун пойдевор яратди.

Бирок АҚШнинг урушқоклик кайфиятлари яна устун келган ҳукмрон доиралари совет-америка муносабатларини позитив ривожланишини барбод қилдилар ва эришилган келишувлардан амалда бош тортиш йўлига тушдилар. Улар мавжуд ҳарбий-стратегик мувозанатни бузишга ва СССР устидан ҳарбий устунликка эга бўлиб олишга қарор қилдилар. 70—80- йиллар маррасида айниқса ҳокимият тепасига республикачилар маъмурияти келганидан кейин, АҚШнинг СССРга нисбатан тутган сиёсий йўли кескин ёмонлашди. АҚШ ҳукумати ва ҳарбий-саноат монополиялари СССР дош беролмаслигига ва америка империализми қаршида таълим бўлишига умид боғлаб янги, мисли кўрилмаган, миқёсда қуролланиш пойғасини бошлаб юборди.

1983 йил мартда Рейган элементлари космосда жойлаштириладиган кенг кўламдаги ракетага қарши мудофаани вужудга келтиришнинг узок муддатли программасини эълон қилди. У «*стратегик мудофаа ташаббуси*» (СМТ) деган расмий ном олди. Бу программанинг вазифаси СССРга қарши ядро қуролини биринчи бўлиб ишлатиш ва Америка территориясига бериладиган қарчи зарбанинг оқибатларини камайтириш учун зарбдор космик қуролларнинг эшелонларини жойлаштириш йўли билан АҚШ территориясини тўсиб қўйиш мақсадида ракетага қарши «қалқон» яратишдан иборатдир. СМТ программаси бўйича тадқиқотлар олиб бориш, ишлаб чиқариш ва синаш ишларига миллиардлаб пул ажратилди. СМТнинг мақсади — космос орқали СССРдан ҳарбий устунликка эга бўлиб олиш ва жаҳонда АҚШнинг устунлик мавқеини таъминлашдан иборатдир. АҚШнинг кучга таянувчи бундай ҳисоб-китоблари истикболсиздир, лекин улар, айниқса қуролланиш пойғасини космосга ёйиш планлари ялпи тинчлик учун жиддий хавф туғдирмоқда.

СССРнинг совет-америка муносабатларида яхшиланиш томонига бурилишни вужудга келтиришга қаратилган ташаббуси АҚШда кўллаб-қувватланди. 1985—1988 йилларда олий даражада тўрт марта учрашув бўлиб ўтди. Бу учрашувларнинг асосий якуни ядро аслаҳахоналарининг бир қисмини йўқотиш тўғрисидаги тарихда биринчи битим — *ўртача ва камроқ олисликка учадиган ракеталарни йўқотиш тўғрисидаги Шартноманинг* кучга киришидан иборат бўлди (63- § га қаранг). Турли соҳаларда икки томонлама алоқалар ва айирбошлашлар ривожланди. Президент Жорж Буш (1924 йилда туғилган) маъмурияти америка-совет муносабатларидаги ана шу йўлни давом эттирди.

**5. Буржуа демократиясининг кризиси.** Буржуа сиёсий партиялари — *демократик партия* ва *республикачилар партияси* давлатни бошқаришда бир-бирлари билан ўрин алмашиб, энг аввало монополияларнинг манфаатларига жавоб берадиган йўлни амалга оширмоқдалар. 40- йилларнинг охири — 50- йилларнинг биринчи ярми АҚШда сиёсий реакция кучайган давр бўлди. Монополиялар ва ҳукумат демократик ҳуқуқлар устига юриш ташкил қилиб, бу юриш касаба союзларини, компартияни, прогрессив

ташкilotларни қувғин қилишга ва суд таъкиби остига олишга айланиб кетди.

1947 йилда конгресс Вагнер қонуни билан касаба союзларига берилган ҳуқуқларни қирқиб ташлаган ишчиларга қарши Тафт-Хартли қонунини (қонун лойиҳасининг авторлари — сенатор Тафт ва вакиллар палатасининг аъзоси Хартли) қабул қилди. Қонун касаба союзларини ўз аъзоларининг сони ҳамда пул харажатлари тўғрисида ҳукуматга маълумотлар бериб туришга мажбур қилди, уларга сиёсий кампанияларни, бирдамлик юзасидан иш ташлашларни ва пикетлар уюштиришни маблағ билан таъминлашни тақиқлаб қўйди. Коммунистларга касаба союзларида сайлаб қўйиладиган лавозимларни эгаллаш тақиқланди, касаба союзларининг эса биринчи навбатда касаба союз аъзоларини ишга олишни талаб қилиш ҳуқуқи йўқ қилинди. Қасаба союзлари бўлажак стачка ҳақида хўжайинлар ва маъмурларга олдиндан хабар беришга мажбур эдилар. Йирик иш ташлаш пайдо бўлган тақдирда президент уни 80 кунга кечиктириши мумкин эди. Судларга стачкаларни тўхтатиш ҳақида ҳал қилув қарорларини чиқариш ҳуқуқи берилди.

1950 йилда «Ички хавфсизлик тўғрисида» қонун кучга кирди (бу қонун лойиҳасининг авторси сенатор Маккарэн эди), бу қонун компартия ва бошқа прогрессив ташкilotлар зиммасига «кўпорувчи» ташкilotлар сифатида адлия министрлигида рўйхатдан ўтиш вазифасини юқлар эди. Рўйхатдан ўтишдан бош тортиш беш йил турмага қамаб қўйиш билан ва 10 минг доллар штраф билан жазоланар эди.

АҚШ Коммунистик партиясининг кўпгина раҳбар ходимлари ва унинг активистлари ўз эътиқодларини ҳимоя қилганликлари учун қамокқа олиндилар ва суд қилиндилар. Юзлаб жамоат ташкilotлари «кўпорувчи» ташкilotлар деб эълон қилинди. Фан, маданият, адабиёт ва маорифнинг кўпгина таниқли арбоблари таъкиб остига олиндилар. «Ишончсиз» шахслардан бармоқ излари олинди, уларнинг кўплари *Федерал тафтиш бюроси* (ФТБ) талаби билан ишдан бўшатилды. 2,5 миллиондан ортиқ давлат хизматчиси «хайрихоҳлик» текширувидан ўтди.

50-йиллар бошларида АҚШни маккартизм-сенатнинг тафтишлар бўйича кичик комиссиясига бошчилик қилган сенатор Жозеф Маккарти номи билан аталган реакцион оқим камраб олди. Маккартичилар антикоммунистик жазавани авж олдирдилар, эркин фикрловчи ҳамма кишиларни таъкиб қилдилар.

Антикоммунизм, милитаризм ва ирқчилик заминиди АҚШда монополиялардан катта молиявий мадад олиб турган ашаддий реакцион ташкilotлардан иборат ўта ўнг ҳаракат ривожлана бошлади. Мамлакатнинг ички турмушини кўпроқ демократиялаш керак деб ҳисоблаган ва жаҳондаги кучлар нисбатини реал ҳисобга олишга ҳаракат қилган президент Жон Кеннеди нинг сиёсий йўли ашаддий реакционерларнинг газабини қўзғатди. 1963 йил 22 ноябрда Кеннеди Даллас шахрида (Техас штати)

ёвузларча ўлдирилди. Халқаро жамоатчилик бу «аср жиноятини» МРБ ва ФТБ билан боғланган ўта ўнглارнинг иши деб баҳолади.

1964 йилги президент сайлови вақтида ўнгл кучлар мамлакатда сиёсий ҳокимият учун курашга киришдилар. Уларнинг лидери сенатор Барри Голдуотер республикачилар партиясидан президентликка номзод қилиб кўрсатилди. Унинг программаси буржуа-демократик эркинликларни йўқотишни, куруланиш пойгасини кучайтиришни, «совуқ урушнинг» ҳамма фронтларида ҳужум олиб боришни талаб қилар эди. Сайловчиларнинг кўпчилиги Голдуотер программасини рад этдилар ва демократларнинг номзоди Линдон Жонсонга овоз бердилар, чунки у ўта ўнгларнинг мулоҳазасиз иш юритишини қоралаган, тинчлик йўлларини излашни ёқлаб чиққан эди.

Бирок аслида Жонсон халқаро ишларда Голдуотер ёқлаган йўлни амалга ошира бошлади. Вьетнамдаги уруш АҚШ ички ва ташқи сиёсатининг кризисини кескин кучайтириб юборди. милитаризм ва ирқчиликка бирон бир даражада қарши чиққан сиёсий арбоблар шафқатсизлик ва конунсизлик вазиятида ўлдирила бошлади. 1968 йил апрелда Мемфисда (Теннесси штати) америкалик негрларнинг гражданлик ҳуқуқлари учун ҳаракатнинг атоқли раҳбари, тинчлик учун Нобель мукофотининг лауреати руҳоний Мартин Лютер Кинг ўлдирилди. Орадан икки ой ўтгач демократик партиядан президент лавозимига номзод қилиб кўрсатилишига ҳаракат қилаётган сенатор Роберт Кеннеди Лос Анжелесда (Калифорния штати) қотилнинг ўқидан ҳалок бўлди. Сиёсий гангстеризмнинг мана шу кўринишлари америка халқининг кенг қатламларида ва халқаро жамоатчиликда қаҳр-ғазаб туғдирди.

*Уотергейт иши* буржуа демократияси чуқур кризисга учраганлигининг кўрсаткичи бўлди. 1972 йилда сайлов компанияси вақтида Р. Никсонни президент қилиб қайтадан сайлаш комитети билан боғланган бир группа шахслар демократик партияннинг штаб-квартираси жойлашган Вашингтондаги «Уотергейт» отелида (мехмонхонасида) овоз тинглаш қурилмасини ўрнатаётган пайтида ушлаб олинди. Тафтиш йўллари Оқ уйга олиб борди. Давлат бошлиғининг кўпгина ёрдамчилари ва ишончли шахслари суд жавобгарлигига тортилди. Лавозимдан четлатилиш хавфи остида қолган Никсон 1974 йил августда президентлик ваколатларини ўз зиммасидан соқит қилди.

Кейинги йилларда Америка халқи коррупцияни фош қилиш билан боғлиқ шов-шувларнинг бир неча бор шохиди бўлди. АҚШда юқори лавозимли амалдорларнинг ўз мансаб мавқеидан шахсий бойлик орттириш мақсадида фойдаланиши оддий ҳол бўлиб қолган.

80- йиллар ўрталарида «Эрон-контрас» деб аталган иш юзасидан жанжал машҳур бўлиб кетди. Бу ишнинг моҳияти шундан иборатки, Эронга қурул етказиб берганлик учун олинган маблағларнинг бир қисмини Оқ уй яширинча, конгресс руҳсатисиз, Ни-

карагуа халкига қарши эълон қилинмаган уруш олиб бораётган контрреволюционерларга ҳарбий ёрдам сифатида берган эди. «Уотергейт» ва «Ирангейт» жанжаллари америкаликларнинг ижро этувчи ҳокимиятга бўлган ишончини сезиларли даражада камайтирди.

**6. Меҳнаткашларнинг аҳволи.** Буржуа идеологлари Қўшма Штатлар «ялпи фаровонлик» мамлакатига айландилар, деб даъво қилиб, АҚШдаги турмуш даражасини ҳар мақомга солиб кўкларга кўтардилар. Шубҳасиз, 60—80- йилларда америка жамиятида чуқур социал ўзгаришлар юз берди. Аҳолининг товарлар ва хизматлардан, таълим ва спортдан баҳраманд бўлиши анча ўсди, фан-техника тараққиёти ва маданий турмуш ютуқларидан фойдаланиш имкониятлари кўпайди. Лекин мулк соҳасидаги тенгсизликни ва социал қарама-қаршиликларни яшириб бўлмади. Бир қутбда — миллионлаб меҳнаткашларни шафқатсиз эксплуатация қилиш ҳисобига жуда катта бойлик орттирган энг йирик миллиардерлар туради. Иккинчи қутбда камбағал яшайдиган 35 миллионга яқин америкалик туради.

Ишчилар синфининг турли группалари ўзларининг иқтисодий мавқелари бўйича бир-бирларидан фарқ қилади. АҚШда катта иш ҳақи оладиган ишчилар оз эмас. Лекин айни вақтда миллионлаб кам ҳақ оладиган меҳнаткашлар камбағал ҳаёт кечирмоқдалар. Ишсизлик юқори даражада сақланиб қолмоқда. Иш билан бандлик муаммоси фан-техника революцияси шароитида айниқса кескин бўлиб қолди. Меҳнатга кадам қўяётган кўпгина ёшлар ўзларига иш топа олмайдилар.

Мамлакатда турмушнинг нархи узлуксиз ўсиб бормоқда. Жуда катта ҳарбий харажатлар меҳнаткашлар зиммасига оғир юк бўлиб тушди. Чакана нархлар, транспорт тарифлари ўсмоқда, медицина хизмати қимматлашмоқда, квартира ҳақи ошди. Эгри солиқлар ва социал страхованига меҳнаткашлардан олинadиган бадаллар ошди. Муомаладаги пул массасининг кўпайиши, нархларнинг ўсиши ва солиқ юқининг оғирлиги мамлакат тараққиётининг баъзи босқичларида аҳолининг бир қисми оладиган реал даромадлар пасайиб кета олиб келди.

**7. Ишчилар ҳаракати ва демократик ҳаракат.** 40- йилларнинг иккинчи ярми — 50- йиллар бошидаги монополиялар ва ҳукуматнинг ишчиларга қарши қаратилган сиёсати америка ишчиларининг ўз ҳуқуқлари учун кураш шароитини ёмонлаштириб қўйди. Лекин иш ташлаш ҳаракати давом этаверди. У айниқса 60- йиллар охири — 70- йиллар бошида кучайди. Бирок монополияларнинг меҳнаткашлар ютуқларига ва қасаба союзларига ёпирилиб қилган ҳужуми 80- йиллар бошидан ишчилар синфи учун янги кийинчиликлар туғдирди.

Иш ташлаш кураши натижасида бир қанча тармоқларнинг ишчилари иш ҳақининг анча оширилишига эришдилар. Социал страхование ҳақида қонун қабул қилиниб, унга мувофиқ қариллик бўйича нафақалар тўлаш кўпайтирилди. Қасаба союзлари билан

сохибкорлар ўртасида меҳнаткашларнинг манфаатларини ҳимоя қилишни кўзда тутадиган коллектив шартномаларни мунтазам суратда қайта тузиш практикаси вужудга келди.

АҚШда касаба союзлари йирик ижтимоий кучдир. Лекин уларга ёлланиб ишлайдиганларнинг бешдан бир қисмидан камроғи аъзо бўлган. 1955 йилда иккита касаба союз маркази — АФТ ва КПП бирлашди. АФТ — КПП нинг юқори қатлами антикоммунизм ва буржуа реформизми позицияларида қолган ҳолда ишчилар ҳаракатини буржуазия билан синфий ҳамкорлик қилиш позицияларида сақлаб туришга ҳаракат қилмоқда, унинг мустақил сиёсий ҳаракатларга ўтишига тўсқинлик қилмоқда. Монополияларнинг эгалари ва уларнинг идеологлари ишчиларга агар қуролланиш пойгаси тўхтатиладиган бўлса, миллионлаб одамлар ишсиз қоладилар, деб уқтирмақдалар.

АҚШ шундай капиталистик мамлакатлар жумласига кирадики, у ерда ишчилар синфи орасида марксистик дунёқарашнинг ривожланиш йўлида жиддий тўсиқлар мавжуд. Монополияларнинг иктисодий қудрати, аҳолининг анча қисми турмуш даражаси нисбатан юқорилиги, фан-техника тараққиётининг ютуқлари, буржуа реформизмининг кучли таъсири, оммавий ишчилар партиясининг йўқлиги, антисовет ва антикоммунистик идеологиянинг таъсири — булар Америка Қўшма Штатларида антимонополистик курашнинг қийинчиликларини белгилаб берувчи асосий омиллардир. Ишчилар ҳаракати олдида сиёсий мустақилликка эришиш, синфий онгнинг бирмунча юқори поғонасига кўтарилиш вазифаси туради. Ана шу вазифани ҳал қилган тақдирдагина ишчилар синфи антимонополистик кучлар иттифоқига бошчилик қила олади.

Вьетнамдаги агрессия муносабати билан АҚШда урушга қарши ҳаракат авж олиб кетди, митинглар, намойишлар, тинчлик юришлари ва эстафеталари ўтказилди. Ядро уруши хавфининг кучайиши СССР ва АҚШнинг ядровий арсеналларини кўпайтирмаслик учун, стратегик қуролларни чеклаш ва қисқартириш ҳақида Совет Иттифоқи билан музокаралар олиб бориш учун, ядровий қуроллар синовини батамом таъқиқлаб қўйиш ҳақидаги совет таклифларини қўллаб-қувватловчи оммавий ҳаракатни келтириб чикарди. Тинчлик тарафдорларининг кўп сонли ташкилотлари урушга қарши шиорлар остида юришлар ўтказмақдалар. Бу юришларда минглаб америкаликлар қатнашмоқда.

**8. Қора танли ва рангли америкаликларнинг аҳволи ҳамда кураши.** Америкалик буржуа сиёсатчилари ва идеологлари АҚШ — озодлик, демократия ва инсон ҳуқуқларига намуна бўладиган давлат деб даъво қиладилар. Шунинг эътирофи этиш керакки, кўпчилик америкаликлар конституцияга, ҳуқуқлар тўғрисидаги биллимига, қонуннинг кучига ишонадилар.

Бирок америка воқелиги буржуа-демократик институтларнинг шимолий Америка миллатининг таркибий қисми бўлган 30 мил-



лион кишилик негр аҳолисини, шунингдек, мексикаликларни, пуэртикаликларни, хиндуларни, эскимосларни иркий камситишга чек қўйишга кодир эмаслигидан далолат бериб турибди. Монополиялар қора танли ва рангли меҳнаткашларни эксплуатация қилиб, жуда катта бойлик орттирмакдалар. Оқ танлилар билан баравар меҳнат қилсалар-да, улар икки баравар кам ҳақ оладилар. Улар орасида ишсизлик бир неча баравар юқори, кўпгина кишилар ёмон уй-жой шароитларида яшамоқда.

Жанубий штатларда мавжуд бўлган ирқчилик тартиботлари узоқ вақт мобайнида сегрегация режимини сақлаб келди. Американинг қора танли граждандари сиёсий ҳаётда қатнашиши чеклаб келинди. 50- йилларда АҚШда қора танли америкаликларнинг гражданлик ҳуқуқлари учун ҳаракати кучайиб, халқ оммаси демократия учун олиб борган умумий курашнинг бир қисмига айланди. АҚШнинг Олий суди 1954 йилда қора танли ва оқ танли болаларни алоҳида-алоҳида ўқитишни бекор қилди. Бироқ ирқчилар бу қарорга бўйсуншдан бош тортдилар. Литл-Рок шаҳрида (Арканзас штати) негр мактаб ўқувчиларининг бир группаси оқ танли болалар ўқийдиган мактабга қатнашга уриниб кўрганида, ирқчилар террор уюштирдилар. Бундай ҳодисалар мамлакатнинг бошқа штатларида ҳам юз берди.

60- йиллар бошида негр аҳолисининг ҳаракати янги босқичга кирди. Бу кураш социал ҳуқуқлар учун, чинакам гражданлик тенг ҳуқуқлилигига эришиш ва сиёсий ҳокимиятга эга бўлиш учун кураш характерини олди. Ҳаракат шу қадар кучайиб кетдики, натижада у ҳукуматнинг ва конгресснинг катта-катта ён беришларига эришишга муваффақ бўлди. Кеннеди президентлик қилган вақтлардаёқ ишлаб чиқилган ва 1964 йилда қабул қилинган гражданлик ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун жамоат жойларида, шунингдек иш кучи ёллаш ва ишдан бўшатиш чоғида иркий камситишни тақиқлаб қўйди. Айрим штатларда қора танли аҳолини овоз беришда қатнаштирмаслик мақсадида жорий этилган бир қанча цензларни бекор қилувчи бошқа бир қонун 1965 йилда кучга кирди. Махсус қонун билан уй-жойларни ижарага олиш пайтида камситиш тақиқлаб қўйилди. Бу чоралар америка жамиятида чиқишиб яшашнинг шубҳасиз ўсишига олиб келди, иркий хурофотларни енгиш жараёнига ва этник ўзига хосликни сақлаб қолган ҳолда миллий бирикишнинг ривожланишига ёрдам берди.

Бироқ ирқчи ташкилотларнинг фаолияти тақиқлаб қўйилган эмас. Қора танли ва рангли америкаликларнинг ҳокимият органларидаги сайлаб қўйиладиган лавозимларга ўтиши амалда чеклаб қўйилган. Қора танли ва рангли аҳолига нисбатан социал адолатсизликни бартараф этиш учун ҳам ҳеч иш қилинган эмас. Шу сабабли, мамлакатдаги жами негр аҳолининг 3/4 қисми яшайдиган негр кварталларида иркий камситишга, қашшоқлик ва сиёсий репрессияларга қарши чиқишлар бир неча бор юз бериб турганлиги ажабланарли эмас. Маъмурлар бу галаёнларни шайқатсизлик билан бостирдилар. Қора танли ва рангли аҳолининг

ҳаракати кўп даражада стихияли ривожланмоқда, унинг аниқ ғоявий платформаси йўқ, ташкилий жиҳатдан ҳам тарқоклигича. қолмоқда. Оқ танли ва қора танли ишчилар ўртасидаги ажралишни йўқотиш, уларни эксплуатацияга қарши, демократияни ҳимоя қилиш учун олиб бориладиган курашнинг умумий манфаатлари негизда бирлаштириш негрлар ҳаракатига ишчилар синфининг ҳақиқий иттифоқчисига айланиш имконини беради.

**9. АҚШ Коммунистик партияси.** Америка халқи манфаатларининг содиқ ва изчил ҳимоячиси *АҚШ Коммунистик партиясидир*. Каттик репрессияларга қарамай, у шиддатли курашга дош бера олди. 1956—1957 йилларда компартия уни йўқотмоқчи бўлган ре-визионистларнинг ҳужумини бошдан кечирди. Улардан, сўнгра эса «сўл» фракциячилардан ўз сафларини тозалаб олган, сон жиҳатдан кўпчилик бўлмаган компартия ўз позицияларини аста-секин мустаҳкамлаб бормоқда. Коммунистлар омма билан, айниқса ёшлар билан алоқа ўрнатмоқда, уларни марксизм-ленинизм таълимоти билан, компартиянинг амалий фаолияти ва мақсадлари билан таништирмоқдалар. *Ёшлар коммунистик лигаси* иш олиб бормоқда. АҚШ компартиясининг янги программаси ва унинг XXIV съездининг (1987 йил) қарорлари партиянинг яқин вақтда мўлжалланган вазифаларини белгилаб берди. Програмада америка жамиятининг социал-сиёсий аҳволи анализ қилинди. Съезд қарорларида барча демократик, антимонополистик кучларни жипслаштириш йўлларига ва мамлакатнинг сиёсий ҳаётига таъсир кўрсата оладиган халқ ҳаракатини вужудга келтиришга алоҳида эътибор берилган. Съезд социал-иқтисодий талаблар, ишсизликка қарши кураш, меҳнатқашларнинг демократик ҳуқуқларини таъминлаш программасини илгари сурди. АҚШ Коммунистик партиясининг миллий раиси қилиб Гэс Холл (1910 йилда туғилган) сайланган.

Прогрессив кучлар тазйиқи остида маъмурлар Маккарэн қонунини асосида компартияни суд йўли билан таъқиб қилишни тўхтатдилар, 1974 йилда эса бу репрессив қонунни батамом бекор қилдилар. Коммунистлар граждандарни бошқа антидемократик ва ишчиларга қарши қаратилган қонунларнинг бекор қилинишига, граждандар ҳуқуқларининг, шу жумладан, коммунистларни ёқлаб овоз бериш ҳуқуқининг тўла тикланишига эришишга чакирадилар.

#### **Савол ва топшириқлар**

1. АҚШнинг энг кучли империалистик давлат сифатидаги роли нима билан белгиланади? 2. Урушдан кейинги ўн йилликлар мобайнида АҚШ экономикаси ва давлат-монополистик капитализми ривождаги янги ходисаларни кўрсатинг. 3. Илмий-оммабоп адабиёт ва вақтли матбуотдан фойдаланиб, АҚШнинг 80-йиллардаги ташқи сиёсати тўғрисида ахборот тайёрланг. 4. Оммавий ахборот воситаларининг материаллари асосида совет — америка муносабатларининг ҳозирги аҳволига баҳо беринг. 5. АҚШда ишлаган совет журналистларининг китобларини жалб қилган ҳолда 50-йиллар бошларидан эътиборан америка жамиятининг ҳаётида юз берган ўзгаришлар ҳақида ҳикоя тайёрланг. 6. АҚШда буржуа демокра-

тияси кризиснинг кўринишларига мисоллар келтиринг ва бу кризиснинг сабабларини кўрсатинг. 7. Америка ишчилар ва демократик ҳаракатининг муваффақиятлари ва заиф томонлари нимадан иборат?

## ЕВРОПАНИНГ КАПИТАЛИСТИК МАМЛАКАТЛАРИ

### 42- §. Буюк Британия

Буюк Британияда қандай сиёсий партиялар борлигини эсланг. Лейбористлар партиясига хос бўлган жиҳатлар тўғрисида сиз нимани биласиз? («Энг янги тарих. 1917—1939» дарслигининг 9 § и га қаранг).

1. **Буюк Британия иккинчи жаҳон урушидан кейин.** Гарчи Буюк Британия урушдан кейинги йилларда етакчи гарб давлатларидан бири, жуда бой монополиялар мамлакати, фан ва техника тез ривожланиб борган мамлакат, «ядро клуби» аъзоси бўлиб қолаверган бўлса-да, ўз тараққиёт суръатлари жиҳатидан у Ғарбий Европадаги бошқа мамлакатлардан, АҚШ ва Япониядан орқада қолмоқда эди. Бунинг сабаби фақат урушда қўрилган талафотлар, мустамлакачилик империясининг парчаланиши, АҚШнинг капиталистик дунёда етакчи сиёсий ва ҳарбий куч сифатида олдинга чиқиб олганлиги, рақобатчилик курашини қайта бошлаган Ғарбий Германия ва Япониянинг тез тикланиб олганлигигина эмас, балки Британия ҳукмрон синфининг зарур ички қайта қуришни амалга оширишга қобилиятсизлиги ҳам эди.

Урушдан кейинги даврда Англияда лейбористлар ва консерваторлар навбати билан ҳокимият тепасида турдилар. Иккала партия ҳам буржуа тузумининг негизларига даҳл қилмаган ҳолда мамлакатни бошқаришга интилди. Бироқ уларнинг социал таянчлари ўртасидаги фарқлар бу партияларнинг сиёсий вазифаларни ҳал қилишга турлича ёндашишини ҳам белгилаб берди.

Қасаба союзларига таянувчи лейбористлар партияси меҳнаткашларга баъзи масалаларда ён беришни, иктисодий ҳаётга давлатнинг аралашуви ёрдамида монополияларни қисман чегаралаб қўйишни ёқлаб чиқар эди. У «демократик социализмни» ўз мақсади деб эълон қилди. Лейбористлар назарийтчиларининг фикрича, бундай социализмни аста-секин, революциясиз ва хусусий капиталистик мулкни йўқотмасдан туриб қуриш мумкин. Ҳақиқатда эса бу йўл давлат-монополистик капитализм формалари ва усулларини ривожлантиришни англатар эди.

Консерваторлар давлатнинг халоскорлик ролига камроқ ишонар, унинг иктисодий ҳаётга аралашшига истар-истамас рози бўлар, социализмга қарши, хусусий мулкни химоя қилиб чиқар эдилар. Ўзгаришлар қилиш муқаррарлигини тушунган консерваторлар ислохотларни амалга ошириш чоғида монополияларнинг манфаатларига риоя қилишга мумкин қадар интилар эдилар.

Улар кўп нарсаларни эскича колдиришни истар, бунда анъаналарни, миллий қаҳрамон даражасига кўтарилган У. Черчилль каби сиёсий лидерларнинг обрўсини рўқач қилар эдилар.

Лейбористлар билан консерваторларнинг тутган йўллари ўртасида кескин фарқ йўқ эди. Буюк Британиянинг анъанавий сиёсий системаси икки партиялидир. Ҳокимият тепасида лейбористлар ва консерваторларнинг бир-бирини алмаштириб туриши экономикадаги янги жараёнларни, меҳнаткашлар ўз ҳуқуқлари учун олиб бораётган курашдаги юксалиш ва пасайишларни, Британия империясининг кризиси кучайиб бораётганлигини англатар эди. Шу муносабат билан Буюк Британиянинг урушдан кейинги тараққиётида *уч босқичли* ажратиш мумкин: 1945—1964 йиллар, 1964—1974 йиллардаги ўн йиллик, 70- йиллар иккинчи ярми — 80- йиллар.

**2. 1945—1951 йиллардаги лейбористлар ислохотлари. Консерваторлар ҳокимият тепасида («Бекор кетган 13 йил»—1951—1964 йиллар).** Лейбористлар ҳукумати олдида турган иқтисодий тикланиш проблемаси кўпгина саноат тармоқларининг техника жиҳатидан орқада қолганлиги билан боғлиқ эди. Қорхоналарнинг эгалари ишлаб чиқаришни янгилашга маблағ сарфлашни фойдали эмас деб ҳисоблар эдилар, чунки бу капитални бошқа мамлакатларга экспорт қилиш каби тез ва катта фойда ваъда қилмас эди.

1945 йилда Клемент Эттлнинг лейборист ҳукумати ҳокимият тепасига келгач, ўзининг энг муҳим ислохотларидан бирини амалга оширди — Англия банкини, кўмир саноатини, электроэнергетикани, газ саноатини, ички транспортни ва алоқа воситаларини национализация қилди. Бу тармоқлар буржуа давлатининг контроли остига берилди ва давлат маблағлари ёрдамида янгиланиб борди. Шу тариқа, капиталистик экономикани мустаҳкамлаш манфаатларини кўзлаб, катта давлат-монополистик сектор ташкил этилди. Лейбористлар национализацияни «капитализм доирасида социализм куришининг» бошланиши деб эълон қилдилар. Бирок уларнинг ислохотида ҳеч нарса социализмдан дарак бермас эди. Собик мулкдорларга национализация қилинган қорхоналар эвазига йирик компенсация берилди. Кўпгина ишлаб чиқариш тармоқлари национализация қилинмади. Тез орада лейбористлар ислохотлар жараёни секинлаштирилишини ва «аралаш экономикани» сақлаб қолиш зарурлигини эълон қилдилар.

Лейбористлар ўрнига келган консерватив ҳукуматлар давлатнинг экономикага аралашини бўшаштиришга интилдилар. Лейбористлар национализация қилган пўлат қуйиш қорхоналари юк автомобиллари транспорти каби ўз эгаларига қайтариб берилди. Бирок фан-техника революциясининг таъсири остида консерваторлар давлат-монополистик секторни сақлаб қолишга ва ҳатто уни давлат атом саноати ва бошқа энг янги тармоқларни барпо этиш йўли билан бирмунча кўпайтиришга ҳам мажбур бўлдилар.

Лейбористлар омманинг талаблари билан ҳисоблашиб, 1927 йилги касаба союзларга қарши қаратилган қонунни бекор қилдилар, ишсизлик бўйича ва социал страхованиенинг бошқа турлар бўйича нафақалар системасини кенгайтирдилар, бепул соғлиқни сақлашнинг миллий системасини жорий этдилар, уй-жой курилишига киришдилар. Булар синфий кураш кескинлашишининг олдини олган муҳим ислохотлар эди. Бирок солиқларнинг ўсиши иш ҳақининг ўсишидан илдамроқ борар, ишсизлик сақлашиб қолмоқда эди. Лейбористлар сайловда берган ваъдалар қисман бажарилди, ҳолос. Консерваторлар маблағ етишмаслигини ва уни тежаш зарурлигини баҳона қилиб, айрим социал программаларни қисқартира бошладилар. Айни вақтда улар sanoatни ривожлантириш зарурлигини айтиб, давлат хазинасидан йирик компанияларга, энг аввало ҳарбий компанияларга субсидиялар ва ҳар хил имтиёзлар бердилар.

Англиянинг таъсири тушиб кетиши мустамлакачилик системасининг кризиси билан маҳкам боғланган эди. Бир неча асрлар давомида барпо этиб келинган жуда катта Британия империяси иккинчи жаҳон урушидан кейин парчаланди. Инглиз империализми ўзининг мустамлакачилик характерини йўқота бошлади. Лейбористлар эски мустамлакачилик агрессияси усулидан бутунлай воз кечмаган ҳолда (Малайядаги озодлик ҳаракатига қарши уруш, Индонезияда Голландия империализмига ёрдам) Вьетнамда француз империализмига ёрдам, неоколониализм ёрдамида мустамлакалардаги ўз таъсирини сақлаб қолишга ҳаракат қилдилар. Бу эса янги давлатларнинг сиёсий мустақиллигини эътироф этиб, айни вақтда уларнинг иқтисодий қарамлигини сақлаб қолишни, собиқ мустамлакаларни ҳарбий блоklarга тортишни ва маҳаллий реакцияни қўллаб қувватлашни англатар эди. К. Эттли ҳукумати жўшқин миллий-озодлик ҳаракати авж олган Ҳиндистон, Покистон, Бирма ва бошқа мамлакатларнинг мустақиллигини эътироф этди.

Консерватив кабинетларнинг ҳукмронлик қилган йиллари мустамлакачилик системасининг парчаланishi кучайган даврга тўғри келди, шу сабабли лейбористларга ўхшаб консерваторлар ҳам чекинишга мажбур бўлдилар. Бирок уларнинг сиёсатида ҳарбий усуллар ва, масалан, 1956 йилдаги Мисрдаги интервенция, бошқа империалистик мамлакатлар билан биргаликда Жануби-Шарқий ва Марказий Осиёда ҳарбий блоklar ташкил этиш тарзидаги «Коллектив мустамлакачилик» устунилик қилар эди. Шунга қарамай, Англия Мисрдаги (1952 йилда), Ямандаги (1962 йилдаги) революцияларни бостиришга ҳам, Кипр ва Мальтанинг мустақиллигини эълон қилишга ҳам ҳалақит бера олмади. Африкада 50- йиллар охири — 60- йиллар бошларида амалда Британиянинг барча мустамлакалари мустақиллик эълон қилдилар (альбомдаги 7- қартага қаранг).

¶ Консерваторлар кетма-кет учраган мағлубиятларини «бутун ер юзида ўзгаришлар шамоли эсмоқда», шу сабабли Англия ихтиё-

ний равишда ўз империясини *Миллатлар ҳамдўстлигига* айлан-тирди, деган гаплар билан ниқоблашга уриндилар. Англия ҳақи-катан ҳам собиқ мустамлакаларда маълум иқтисодий ва сиёсий позицияларини сақлаб қолган эди, лекин бу Осиё, Африка ва бошқа халқларни эксплуатация қилиш соҳасидаги олдинги имко-ниятларга асло ўхшамас эди.

Ташки сиёсат соҳасида лейбористлар билан консерваторлар ўртасида ўхшашлик ҳаммадан кўп эди. Бу «совук уруш», «Мар-шалл плани», НАТОга кириш, ГФРни ана шу ҳарбий-сиёсий блокка тортиш сиёсати эди.

**3. 1964—1974- йиллардаги ўн йиллик.** Консерваторларнинг бу-тун идора қилган йиллари «бекор кетган 13 йил» деб эълон қилиб, лейбористлар 1964 йилда ҳокимият тепасига қайтиб келдилар. Улар яна национализация қилиш ва планлаштириш асосида «Ан-глияни янгилаймиз ва қайта тиклаймиз» деб ваъда қилдилар. Пу-лат қуйиш саноати тўғрисидаги чўзилиб кетган баҳс давлат фой-дасига ҳал қилинди, 14 та энг йирик металлургия компанияси катта пул эвазига уларнинг эгаларидан сотиб олинди. Йирик портларни ва айрим бошқа объектларни национализация қилиш бошланди. Лекин умуман олганда иш секин борди ва бутун мам-лакат кўламида ҳақиқий планлаштириш амалга оширилмади. Консерваторлар лейбористларни «хусусий ташаббусни барбод этаётганликлари» учун танқид қилар эдилар. 1970—1974 йиллар-да ҳокимият тепасида бўлган торилар «судралувчи денационали-зация»ни ўтказдилар, яъни айрим авиация линиялари, маҳаллий радиостанциялар ва бошқалар гурли баҳоналар билан хусусий қўлларга қайтариб берилди.

Гарчи фан-техника революцияси янги техника, замонавий са-ноат тармоқлари ва бошқариш усуллари пайдо бўлишига ёрдам берса-да, лейбористларнинг журъатсизлиги ва консерваторлар-нинг жоҳиллиги экономиканинг нотекис ривожланишига олиб келди. 60- йилларнинг ўрталаридан бошлаб пулнинг кадрсизла-ниш проблемаси кескинлашди, у энг аввало нархларнинг ўсишида ифодаланди. Турмушнинг қимматлашиб бориши кейинги йиллар-да ҳам тўхтовсиз ўсди. Бу ҳол кўпроқ Англиянинг хаддан ташка-ри катта ҳарбий харажатлари туфайли юз берди.

60- йилларнинг иккинчи ярми ва 70- йилларнинг боши ишчилар ҳаракатининг юксалиши ва бошқа демократик кучларнинг омма-вий чиқишлари билан нишонланди. Инглиз ишчилар синфи ўзи-нинг состави ва савияси жиҳатидан бу вақтга келиб катта ўзга-ришларга учради: унинг умумий сони ошди, малакали ишчилар улуши ўсди, Британиянинг собиқ мустамлакаларидан иммигрант-лар келиши кучайди, ўз мавқеи жиҳатидан ишчилар синфига яқин турувчи хизматчилар сони кескин ошди. Стачка ҳаракати бир те-кис ривожланмади. Иш ташлашлар хусусий секторда ҳам, шу-нингдек, национализация қилинган тармоқларда ҳам юз бериб турди. Ишчиларнинг уюшқоклиги ўсди, янги қасаба союзлари ту-зилди.

Ишчилар харакати ўсган сари лейбористлар меҳнат муносабатларини кўпроқ давлат йўли билан тартибга соладиган бўлиб қолдилар. 60- йилларнинг охирида лейбористлар ҳукумати «Саноатдаги муносабатлар тўғрисида» қонун лойиҳасини ишлаб чиқди. Бу қонун лойиҳаси касаба союзлари зиммасига стачка бошланишидан олдин ҳукумат вакилининг воситачилигида корхоналарнинг эгалари билан музокара олиб бориш мажбуриятини юклар эди. Бу чора ишчилар синфи қўлга киритган ютуқларни чеклаб қўйишга қаратилган давлат-монополистик тартибга солиш йўлидаги уринишдан иборат эди.

Касаба союзлари стачкалар ўтказиш ҳуқуқини химоя қилиб, лейбористлар ҳукумати билан кескин, жуда чўзилиб кетган конфликтни бошлади. Ҳукумат ўз планидан воз кечишга мажбур бўлди. Лекин 1970 йилда ҳокимият тепасига келган консерваторлар тез орада ишчиларга қарши қонун қабул қилинишига муваффақ бўлдилар. Бунга жавобан янги стачкалар тўлқини кўтарилди. Юқори Клайддаги иш ташлаш кескин бўлди. Бунда кemasозлик корхоналарининг эгалари уларни ёпиб қўйишга қарор қилдилар, ишчилар эса корхоналарни ўз қўлларига олиб, бунга йўл қўймадилар. Қаттиқ кураш бир йил давом этди ва ишчилар галабаси билан тугади.

Тез орада шахтёрларнинг кураши ўз кескинлиги ва узок давом этиши билан биринчи ўринга чиқди. Уларни темир йўл машинистлари қўллаб-қувватладилар. Консерватив ҳукумат «сабоқ беришни» ваъда қилди ва қандай бўлмасин ишчиларнинг иродасини букишга қарор қилди. У фавқулодда ҳолат жорий қилди, сўнгра эса кўпчилик заводлар, муассасалар ва магазинлар учун уч кунлик иш хафтасини (иш хақини тегишли суратда камайтирган ҳолда) жорий қилди. Қиш авжига чиққан пайтда иситилмаётган қоронғи квартираларда ўтирган одамларга ҳукумат ҳаммасига қончиларнинг «масъулиятсиз хатти-харакатлари» айбдор, деб зўр бериб таъкидлар эди.

Бу сиёсат анчагина иқтисодий қийинчиликлар туғдирди ва 1974 йилда консерваторлар ҳукуматининг қулашига сабаб бўлди. Қончиларнинг ҳукумат билан яккама-якка олишуви миллий низога айланиб кетди, мамлакатда социал зиддиятлар кескинлигини ва ишчилар синфининг роли ўсганлигини кўрсатди.

Мустамлакачилик муаммолари 1964—1974 йилларда ҳам каттагина роль ўйнамоқда эди. Мана шу ўн йиллик мобайнида озодлик жараёни Арабистон ярим оролидаги, Латин Америкаси ва Океаниядаги инглиз мустамлакалари ва протекторатларини қамраб олди. Ташқи сиёсатда Англиянинг «Умумий бозорга» кириши марказий воқеа бўлди. Бу ҳол унинг анъанавий мустамлакачилик алоқалари бўшашганлигини ва Фарбий Европа қитъаси билан алоқалари мустаҳкамланганлигини, инглиз товарларининг рақобат қилиш қобилияти кучайганлигини англатар эди. Энг замонавий ва қудратли монополиялар ҳамма фойдани қўлга киритар, халқ оммаси эса асосан нарх-навонинг ошишига эга бўлар эди.

**4. Консерватив тенденцияларнинг кучайиб бориши.** М. Тэтчер ҳукуматининг сиёсати. 70- йилларнинг биринчи ярмида бошқа капиталистик мамлакатлар қатори Англия ҳам энергетика, валюта ва иктисодий кризисни бошидан кечирди. Саноат ишлаб чиқариши 10,6 процент пасайди. Мамлакатда барча ишлаб чиқариш қувватларининг 20 проценти ишламади, ишсизлар сони эса 1 миллион кишидан ошди ва кризисдан кейин ҳам кўпаяверди. Пулнинг кадрсизланиши ўсди. Кризис лейбористларнинг ярим-ёрти ва нодемократик тартибга солиш йўли кучсиз эканлигини кўрсатди.

Мана шундай шароитда бозор иктисодиётига қайтиш, хусусий бизнесни ривожлантириш, «пулни ҳавога совуриш»га (яъни ишсизларга, кексаларга давлат ёрдами кўрсатишга ва шу қабиларга) барҳам бериш кераклигини таъкидлаган консерваторлар ўнг томонга бурилиш ясаш ва 1979 йилги сайловда ўз партияларининг ғалаба қилиши учун замин тайёрладилар. Консерваторларнинг ҳокимият тепасида мустаҳкамланиб олишларига, хусусан, Шимоллий денгиз шельфида нефть запасларининг очилиши туфайли мамлакатнинг иктисодий мавқеи яхшиланганлиги ёрдам берди, лекин 1982 йилдан бошлаб нефтнинг баҳоси пасайганлиги ўша вақтда туғилган қувончли умидларни қамайтириб қўйди.

Консерваторларнинг лидери Маргарет Тетчер (1925 йилда туғилган) бошчилигидаги ҳукумат давлат секторининг зарар кўриб ишлаётганлиги ва самарасиз эканлигини баҳона қилиб, «қучилар яшаб қолиши йўлини эълон қилиб, корхоналар ва компанияларни денационализациялаш йўли билан «янги консерватизмни» амалга ошира бошлади. Саноатчилар бу корхоналарни ўз қўлларига олгач, кўплаб ишчиларни бўшатиш ҳисобига уларни модернизацияладилар. 1979—1987 йилларда ишсизлик уч баравар ортиб, 3,2 миллион кишидан ошиб кетди. Денационализация, консерваторлар даъво қилганларидек, давлатнинг тартибга солишдан воз кечишни эмас, балки унинг монополиялар фойдасига ўзгаришинигина англатар эди, холос.

Лейбористлар ҳукумати 70- йилларда касаба союзлари билан тузилган «социал битимни», яъни касаба союзлари иш ҳақини кўпайтириш талабини чеклаш мажбуриятини олишлари эвазига давлатнинг нарх-навони барқарорлаштириш ва социал тўловларни кўпайтириш мажбуриятини амалга оширишга қодир бўлмади. Консерваторлар бундан касаба союзларига қарши ҳужумга ўтиш учун фойдаланиб қолдилар. 1982 йилда стачка қилиш ҳуқуқини чеклайдиган «иш билан бандлик қонуни» қабул қилинди. Айни вақтда ишсизлик бўйича нафақаларни ва бошқа социал тўловларни каттиқ тежаш йўли амалга оширилди. Мамлакатда бошпанасизлик, жиноятчилик, наркомания муаммолари кескинлашди.

80- йиллар ишчиларнинг синфининг йирик мудофаа жанглари билан ўтди. Шахтёрларнинг 20 та шахта ёпиб қўйилиши ва 20 минг ишчи ишдан бўшатилишига қарши иш ташлаши бир йил (1984 йил март — 1985 йил март) давом этди. 1986 йилдаги матбаачилар стачкаси йирик синфий конфликт бўлди. Бу стачка ҳам



ишчиларни оммавий суратда бўшатишга қарши қаратилган эди. Хукумат иш ташлаганларни қаттиқ жазолади.

Оғир эксплуатацияга, мутлақо ҳуқуқсизликка ва ирқчилик таъкибларига қарши чиққан иммигрант меҳнаткашлар ва рангли граждандлар (2 миллион кишига яқин) масаласи жуда кескин бўлиб қолди. Бундан оддий инглизларни ўз томонига жалб қилишга интилиб, ирқий нафратни авж олдирган, қалтаклаш ва погромлар ташкил этган «Миллий фронт» ва бошқа янги фашист ташкилотлари фойдаланиб қолдилар.

60- йиллар охиридаёқ Ольстерда узокка чўзилган можаро бошланди. Бу ердаги диний жиҳатдан камситилаётган католик ирланд аҳолиси граждан сифатида ва социал жиҳатдан тенг ҳуқуқлилик учун курашга кўтарилди. Британия ҳукумати Ольстерни ўз кўшинларига тўлдириб юборди, резина ўқлардан, захарлайдиган газлардан, турмаларда азоб беришдан, концентрацион лагерлар ташкил этишдан фойдаланди. У аслида жангари протестант группаларининг террорини рағбатлантирди. Ольстернинг католик аҳолиси олиб бораётган, 80- йилларда гоят кескинлашган кураш диний тусда бўлишига қарамай, аслида демократик ҳуқуқлар учун, мустамлакачилик тарзида эзшига қарши ҳаракатдир.

Гордон М а к л е н н а н (1924 йилда туғилган) Бош секретари бўлган *Буюк Британия коммунистик партияси* (ББКП) ишчилар синфи ва бутун меҳнаткашларни манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида ҳаммадан кўра изчил позицияда туради. Бир қанча сабаблар — антикоммунистик идеологиянинг ҳукмронлиги, чуқур илдиз отган тред-юнионизм ва лейбористлар партияси мавжудлиги ББКП оз сонли партия бўлиб қолаётганлигига сабабдир. Компартия кийин шароитларда кураш олиб бормокда, лекин у доимо Буюк Британиянинг АКШ ҳарбий планларида иштирок этишига қарши чиқмокда, СССРнинг тинчлик ташаббусларини, ишчилар синфининг ҳуқуқларини ва манфаатларини ҳимоя қилмокда.

Компартия дастлаб 1951 йилда ишлаб чиқилган ва 1977 йилда янгиланган «Британиянинг социализм томон йўли» программасига амал қилади. Програма социализм сари тинч йўл билан бориш мумкинлигига ва бу йўлдан ҳаракат қилишнинг гоят муҳим шarti сифатида барча демократик кучларни бирлаштиришга асосланади. Лейбористларнинг «социализмига» ва консерваторларнинг соф бизнесга умид қилишига қарама-қарши ўларок, компартия монополияларга қарши кураш олиб боришнинг саноатни национализация қилишни кенгайтириш, йирик мулкдорларнинг ерларини мусодара қилиш, ҳарбий бюджетни қисқартириш каби чораларини белгилади. Компартия консерваторлар 1979, 1983 ва 1987 йилларда қўллаб-қувватланганлигини куйдаги факторлар билан, яъни сон жиҳатдан ўсган ўрта қатламлар талабига ён бериш ва Фольклэнд кризиси (Англия 1982 йилда Аргентинанинг Жанубий Атлантикадаги Фолклэнд (Мальвин) оролларига бўлган ўз ҳуқуқини тиклаш йўлидаги уринишини ҳарбий йўл билан бостирганлиги ва бу оролларда Британия ҳар-

бий-стратегик базасини вужудга келтирганлиги) туфайли авж олган шовинистик кайфиятлар билан изоҳлайди.

Ташқи сиёсатда Ғарб мамлакатларининг кескинликни юмшатишдан 70- йиллар ўрталарида бошланган умумий чекиниши Англиянинг тугган йўлини ҳам белгилаб берган эди. 80- йиллар бошларида М. Тэтчернинг консерватив ҳукумати социалистик мамлакатларга қарши душманлик кампаниясини олиб борди, қуроолларни кўпайтирди, Американинг ўртача олисликка учадиган ядро ракеталарини ўз территориясида жойлаштиришга розилик берди, СМТ программасини қўллаб-қувватлади. Буларнинг ҳаммаси Англия — Совет муносабатларида узок турғунлик юз беришига олиб келди. СССРнинг 1985—1988 йиллардаги Совет Иттифокининг обрў-эътиборини кескин оширган тинчлик ташаббуслари таъсирида, шунингдек, ядро қуролига қарши оммавий ҳаракат таъсирида Англия — Совет муносабатларида позитив силжишлар юз берди (М. Тэтчернинг 1987 йил мартда Москвага, М. С. Горбачевнинг 1989 йил апрелда Англияга визити, савдо ва иктисодий алоқаларнинг ривожланиши, сиёсий алоқалар).

#### Савол ва топшириқлар

1. Лейбористлар билан консерваторларнинг сиёсий вазифаларни ҳал қилиш усулларидаги ўхшашлик ва фарқларни аниқланг. 2. Лейбористлар амалга оширган саноатни национализация қилиш нима сабабдан давлат-монополистик капитализмнинг бир кўриниши деб баҳоланади? 3. 1979 йилда консерваторлар ҳокимият тепасига келгач экономикани давлат-монополистик тартибга солиш сиёсати қандай ўзгарди? 4. Англиядаги ишчилар ҳаракатининг асосий жиҳатлари қандай? 5. Вактли матбуот материалларидан фойдаланиб, Буюк Британиянинг ташқи сиёсати тўғрисида ҳамда хозирги босқичдаги Совет — Англия муносабатлари хақида ахборот тайёрланг.

#### 43- §. Франция

Жаҳон урушлари оралиғидаги даврда Франция тараққиётининг асосий босқичларини эсланг. Компартия мамлакат ҳаётида қандай роль ўйнади? («Энг янги тарих. 1917—1939» дарслиги, 12- § га қаранг).

Францияда иккинчи жаҳон урушининг охирларидан бошлаб, кетма-кет учта давлат тузилиши; *муваққат тузум* (1944—1946 йиллар), *Тўртинчи республика* (1946—1958 йиллар) ва *Бешинчи республика* (1958 йилдан) алмашди. Бу уч даврнинг ҳар қайсиси синфий кучларнинг ўзига хос жойлашиши билан ажралиб туради.

1. *Муваққат тузум* йилларида мамлакатни демократиялаш учун кураш. Иккинчи жаҳон уруши охирларига келиб, Францияда демократик ҳаракат анча юксалди. Фашизмга қаршилиқ кўрсатишга бошчилик қилган *Франция коммунистик партияси* (ФКП) мамлакатнинг катталиги жиҳатидан биринчи партиясига айланди. Аввалги сиёсий арбоблар фашизм қаршида таслим бўлганликлари натижасида обрўсизланган эдилар. Сиёсий майдонда Қар-

шилиқ кўрсатиш ҳаракатининг таниқли арбоби генерал де Голль бошчилигидаги янги буржуа группировкаси пайдо бўлди.

Уруш тамом бўлганидан кейин энг муҳими фашизмга қарши чиққан турли оқимларни Францияни қайтадан дунёга келтириш ва тиклаш учун бирлаштиришдан иборат эди. Шу сабабли ФКП 1944 йил июнда де Голль тузган *Муваққат ҳукуматни* қўллаб-қувватлади. Бу ҳукуматга мамлакат тарихида биринчи марта икки коммунист кирди. Францияда вайронгарчиликлар унчалик катта эмас эди, лекин оккупация бутун миллий экономиканинг хароб бўлишига ва чуқур таназзулга юз тутишига олиб келган эди. ФКП бошлиқ демократик кучлар саноатни тез юксалтиришнинг шартли сифатида уни национализация қилиш талабини илгари сурдилар. Бу кучлар йирик мулк эгалари манфаатларини ифода этувчи партиялар билан шафқатсиз кураш олиб бориши натижасида кўмир саноати, газ заводлари, электр станциялари, темир йўллар, «Рено» автомобиль корхоналари, бешта йирик банк национализация қилинди. Унг кучларнинг тазйиқи остида национализация ҳақ тўлаш эвазига амалга оширилди ва чала қолди. Бироқ у прогрессив аҳамиятга эга эди, чунки у ишлаб чиқаришни ўстиришга туртки бўлди ва дастлабки вақтларда ундан монополияларни чеклаб қўйиш воситаси сифатида фойдаланилди.

Компартия «ишлаб чиқариш учун жанг»га бошчилик қилиб, ишчиларни вақтинча стачкалардан воз кечишга ҳамда ҳамма кучларни саноатни тиклаш, меҳнат унумдорлигини ўстириш учун сафарбар этишга чақирди. Франция меҳнаткашлари бу чақириқни иштиёқ билан қўллаб-қувватлаб, асосан 1948 йилга келиб хўжалиқнинг урушдан олдинги даражаси тикланишини таъминладилар. Бунга мамлакатнинг демократик кучлари эришган социал қонунлар: иш ҳақи минимумини, 40 соатлик иш ҳафтасини, икки ҳафталик отпускларни, 65 ёшдан пенсия тўлашни, кўп болали оилаларга нафақалар белгилаш, деҳқонларга ёрдам чораларини (кредитлар, кексаларга пенсиялар, нарх-навони тартибга солиш) жорий этиш ёрдам берди. Франция социал таъминот даражаси жиҳатидан капиталистик мамлакатлар орасида биринчи ўринга чиқди.

Бошланган ўзгаришлар тақдири марказий масалани — сиёсий тузум масаласини ҳал қилишга боғлиқ эди. Икки референдум ва Франция *Таъсис мажлисига*, сўнгра эса *Миллат мажлисига* 1945—1946 йилларда бўлиб ўтган учта сайлов давомида ўнг группировкалар кутуриб антикоммунистик агитация олиб бордилар. Бироқ демократик кучлар бир қанча ишонарли ғалабаларни қўлга киритди. Сайлов давомида ФКП одатда сайловчилар овозларининг 30 процентга яқинини тўплар эди. Кучлар янгича жойлашган бир шароитда генерал де Голль ўзининг президент идора усулини барпо этиш йўлини ўтказма олмади ва 1946 йил январда истеъфога чиқди.

Сиёсий кураш натижасида 1946 йилда Франция тарихидаги энг демократик конституция қабул қилинди. У республика тузу-

минни, 21 ёшдан бошлаб умумий сайлов ҳукукини, агрессив, урушлар бошламаслик мажбуриятини, гражданларнинг меҳнат қилиш, дам олиш, иш ташлашлар ташкил этиш, корхоналарга раҳбарлик қилишда қатнашиш ҳукукини эълон қилди. Бепул дунёвий таълим жорий этилди. Бирок хусусий мулк аввалгидек давлатнинг асоси деб эътироф этилди, ваъда қилинган кўпгина ҳуқуқлар эса қоғозда қолиб кетаверди. **1946 йил декабрда** конституция кучга киргач, *Тўртинчи республика* ўз ҳаётини бошлади. (Эсланг, Биринчи, Иккинчи ва Учинчи республикалар қачон бўлган).

**2. Тўртинчи республика 1946—1958 йиллар.** Францияда Тўртинчи республиканинг ўрнатилиши «совуқ урушнинг» бошланишига тўғри келди. Уша вақтда ҳокимият тепасида ўнг социалистик лидерлар турган Франция ҳукумати антисовет кампаниясига қўшилди, АҚШга қараб иш тутди ва иктисодий ислохотларни саботаж қилди. Ҳукумат составига кирган бешта коммунист министр бундай йўлга қарши қатъият билан курашди. 1947 йил майда улар конституцияни бузган ҳолда ҳукуматдан чиқариб юборилди.

Франция «Маршалл плани» га қўшилди, НАТОга кирди, Германиянинг бўлиб юборилишини охирига етказишга ва ГФРнинг НАТОга қўшилишига ёрдам берди, «Умумий бозорга» кирди. Булар натижасида «атлантизм» деб аталган сиёсат — ташқи ишларда, муҳофаада, кулолли кучларда — Француз йўлини АҚШ планларига бўйсундириш сиёсати вужудга келди. «Атлантизм» гўё «совет хавфига» қарши курашиш учун зарур бўлган «Ғарб бирдамлиги» шиорлари билан оқланди ва шу тариқа антисовет йўналишига эга бўлди.

Мамлакатнинг мустамлакачилик сиёсати ҳам француз империализмининг манфаатлари билан белгиланар эди. Франция саккиз йил мобайнида (1946—1954 йиллар) ўзининг Вьетнамдаги мустамлакачилик ҳукмронлигини тиклаш учун уруш олиб борди. Бу «ифлос уруш» натижасида у кўплаб кишиларни қурбон берди, катта-катта харажатлар қилди ва қақшатқич мағлубиятга учради.

Франция бир урушни тамомлаб улгурмай, иккинчиси — Жазоирдаги урушни бошлади (1954—1962 йиллар). Жазоирга чуқур ўрнашиб олган ва Сахара нефти очилганидан кейин ундан ғоят манфаатдор бўлиб қолган француз плантаторлари у ердан кетишни ҳеч ҳам истамас эдилар. 1956 йилда Англия ва Исроил билан биргаликда Франция Мисрга қарши агрессияда қатнашди. Мустамлака урушларининг вайрон қилувчи таъсири мамлакатнинг молиясида ҳам, шунингдек унинг ички аҳволида ҳам акс этди.

Тўртинчи республиканинг ички сиёсати турғунлик ва консервативлик билан ажралиб турар эди. Саноатни национализация қилиш тўхтатиб қўйилибгина қолмай, балки бир қанча ҳолларда денационализация билан алмашди. Фавқулодда солиқлар жорий

этилди, тарифлар оширилди. Афв этиш оқибатида кўпгина коллаборационалистлар озодликка чиқди. Сайлов системасига киритилган ўзгаришлар натижасида парламентдаги пропорционал вакиллик мажоритар (муайян округда овозларнинг 50 процентдан кўпроғини олган партияларнинг ёки партиялар блокларининг шу округнинг парламентдаги барча ўринларини батамом эгаллаш ҳукуки) вакиллик билан алмаштирилдики, бу ҳол коммунист депутатлар сони кискаришига олиб келди.

Бироқ мамлакатнинг демократик кучлари буржуа ҳукуматларининг реакцион йўлига қатъий қаршилик кўрсатдилар. Қурашни ишчилар синфи бошлаб берди. Ишчилар турмуш даражасини ҳимоя қилиш шорини илгари суриб, национализацияни давом эттиришни талаб қилдилар, сиёсий намойишлар ўтказдилар, полиция билан олишдилар. Қурашга хизматчилар, ҳунармандлар, деҳқонлар борган сари кенгрок қўшилдилар. Тинчлик ҳаракати вужудга келди ва ривожланди. У турли социал қатламлар ва жамоат ташкилотларининг вакилларини бирлаштирди.

Реакция янги фашизм ҳаракатини вужудга келтиришга уринди. У жазоир халқининг озодлик қурашидан антикоммунистик, шовиннистик кампанияларни авж олдириш учун фойдаланди. Ҳукуматларнинг тез-тез алмашилиб туриши мамлакатда сиёсий бекарорликни кучайтирди. Тўртинчи республика ўз умрининг охирида кризис ҳолатида эди.

**3. Бешинчи республика.** Генерал де Голлнинг президентлик қилиши. 1958 йил баҳоринда реакцион генераллар ва ўнг сиёсатчилар Жазоирда исён кўтариб, Францияда парламент тузумини ағдариб ташлашга чақирдилар. Мамлакатнинг демократик кучлари, энг аввало коммунистлар республикани ҳимоя қилишга кўтарилдилар, халқ намойишлари ва иш ташлашлар бошланди. Ана шундай шароитда истеъфода бўлган генерал де Голль воситачи бўлишни таклиф қилиб, ўнглarga кучли ҳукумат тузишни, демократик доираларга эса Жазоирдаги исённи тугатишни ваъда қилди. 1958 йил июнда де Голль ҳукумати тузилиб, парламент унга чекланмаган ваколатлар берди.

Янги конституция ҳокимиятини кескин кучайтирди (бу лавозимга де Голль сайланган эди) ва парламентнинг ваколатларини кучсизлантирди. ФКП *Бешинчи республика* ташкил этилишини баҳолаб, голлчилар билан ўта ўнглар, фашист кучлар ўртасидаги зиддиятларни, буржуа сиёсатчисини, лекин ҳақиқий ватанпарвар де Голль шахсининг ўзи ҳам зиддиятли эканлигини кўрмаслик мумкин эмас, деб кўрсатиб ўтди. ФКП илгари тузумга фашист тузуми деб нотўғри берган баҳосидан воз кечиб, уни «шахсий ҳокимият тузуми» деб таърифлади.

Де Голль мамлакатдаги аҳволни барқарорлаштиришга ҳаркат қилиб, ашаддий мустамлакачиларни жиловлаш чораларини кўрди ва 1962 йилда Жазоирдаги урушни тўхтатиш тўғрисида битимлар имзолашга рози бўлди. Жазоир халқи узок давом этган ва қийин қурашда ғалаба қозониб, мустакиллигини қўлга киритди. Бу

вокеа француз мустамлакачилик империясининг парчаланиш жараёнида муҳим бўғин бўлди. 1958 йилги конституцияга мувофиқ уруш тамом бўлганидан кейин тез орада империя расман ўзгартирилиб, унга Француз иттифоқи деган ном берилди ва «тенг хуқуқли ҳамжамият» деб эълон қилинди. Бирок ҳамжамият мамлакатларида миллий-озодлик ҳаракатининг ривожланиш жараёни давом этди. Африкадаги собиқ Француз мустамлакалари сиёсий жиҳатдан мустақил давлатларга айландилар (альбомдаги 6- картага қаранг).

Ташқи сиёсат соҳасида де Голль ўзининг вазифасини «мамлакатга у кўп йиллар мобайнида эга бўлмаган салобат ва нуфузни қайтариб беришдан иборат» деб эълон қилди. Ҳукумат бунга эришиш йўллари билан бири ҳарбий қудратни оширишдан иборат деб биларди: биринчи француз атом бомбаси синаб кўрилди, шундан сўнг атом сувости кемаларни пайдо бўлди. Шу билан бирга бошқа, анча самарали йўлдан — АҚШга қарамликни камайтириш, «атлантизм» сиёсатидан бирмунча чекинниш йўлидан ҳам фойдаланилди. 1966 йил мартда Франция НАТО ҳарбий ташкилотидан чиқди (унинг фаолиятининг ҳамма бошқа соҳаларида бу иттифок аъзоси бўлиб қолаверди). АҚШ, Англия, ГФР де Голль ҳукуматига тазйиқ ўтказиш учун ҳамма воситалардан фойдаландилар, лекин у ўз позициясида қатъий тураверди.

Франциянинг мустақиллиги кучайишидан табиий суратда унинг социалистик мамлакатлар билан яқинлашуви келиб чиқар эди. 1966 йилда де Голлнинг СССРга сафари ва олий даражадаги совет-француз музокаралари натижасида Европа муаммолари энг аввало Европа доирасида қараб чиқилиши кераклиги ҳақидаги қўшма декларация эълон қилинди. СССР билан Франция ўртасида ўзаро манфаатли иқтисодий ва маданий ҳамкорлик ривожлана бошлади.

Бешинчи республика тузуми давлатнинг экономикага аралашуви кучайиши билан ажралиб турар эди. Бу аралашниш, хусусан, иқтисодий ривожланиш планларини тузишда ифодаланди. Бирок бу планлар хусусий фирмалар учун мажбурий кучга эга эмас эди. «Даромадларни жиловлаб туриш» амалга оширилди. Лекин бу иш капиталга солиқ солишдан ҳам кўпроқ, иш ҳақини ўстирмаслик йўли билан амалга оширилди.

Давлатнинг аралашуви фан-техника революцияси билан ҳамда «Умумий бозор»нинг таъсири билан қўшилиб, иқтисодий ривожланишнинг жадаллашувига олиб келди. Саноат ишлаб чиқариши урушдан олдинги даражага қараганда уч баравардан зиёд кўпайди. Француз империализми ўзининг судхўрлик характерини йўқотди. Мамлакат аҳолисида структура ўзгаришлари юз берди: ишчилар синфининг сафлари ўсди, унга идоралар ва савдо ходимларининг йирик отряди, шунингдек, кўп сонли хотин-қизлар, иммигрантлар қўшилди. Бирок саноатнинг ўсishi суръатлари, масалан, ГФР ва Италиядагига қараганда паст эди. Ишсизлик сақланиб қолди, оммавий истеъмол молларининг нархлари тез ўсди,

айни вақтда монополияларнинг даромадлари тўхтовсиз кўпайиб борди. Уларнинг одамлари давлат аппарати ва молияда асосий лавозимларни эгаллаб турар эди.

Узок вақт давомида ФКП голлизмнинг ички сиёсатини танқидий баҳолаган ва барча синфларнинг қўшилиб «бирлашган ўрта синфга», «метродаги оммага» айланишини тарғиб қилишни фаш этган бирдан-бир партия бўлиб қолаверди. Бирок оппозиция аста-секин кенгайиб борди. Бу ҳол ҳукмрон доираларнинг иқтисодий сиёсатига қарши оммавий ҳаракатларида, энг аввало иш ташлашларда ўз ифодасини топди. 1967 йилги парламент сайловларида *Демократия ва социалистик сўл кучлар федерацияси* (коммунистлар, социалистлар, радикаллар) майдонга чиқди ва голличилар парламентдаги абсолют устунликдан маҳрум бўлдилар. Мамлакатда ички кризис етилиб келмоқда эди.

**4. 1968—1969 йиллардаги социал-сиёсий кризис.** 1968 йилнинг май — июнь воқеалари турмуш шароитларини яхшилашни, таълим системасини қайта қуришни талаб қилган студентларнинг оммавий чиқишлари билан бошланди. Империализм ва иркчиликка, АКШнинг Вьетнамдаги урушига, умуман «бойлик орттириш жамияти»га қарши қаратилган сиёсий шнорлар ҳам илгари сурилди. Асосан адолатли бўлган студентлар ҳаракати дарҳол революция қилиш шнорини илгари сурган ва «урғуннинг анархистик шакллари — ўт қўйиш, погромлар қилиш, баррикадаларда жанг олиб боришни зўрлаб тикиштирган сўл группаларнинг таъсирига тез орада берилиб кетди. ФКП сўлларни коралади, бироқ студентларнинг адолатли талабларини қўллаб-қувватлади. Асосий касаба союз марказлари ишчиларни студентлар билан бирдамлик юзасидан умумий иш ташлаш бошлашга чакирди. 1968 йил 13 майда бўлган 24 соатлик иш ташлаш мамлакатда ривожланиб бораётган тангликнинг марказий воқеаси бўлди. У шу қадар кенгайиб кетдики, бундай воқеалар 1936 йилги Халқ фронти вақтидан бери бўлмаган эди. Иш ташлашда 10 миллион киши катнашди.

Ҳукмрон доиралар ғафлатда қолган эдилар. Ҳеч ким чиқишлар бу қадар қизғин бўлишини кутмаган эди. Давлат ва монополиялар меҳнаткашларга ён беришди. Гарантиялаб қўйилган энг кам иш ҳақи 35 процент оширилди, иш ҳақини дарҳол ялписига ошириш ўрта ҳисобда 12 процентга етди, отпускарлар уч ҳафтагача узайтирилди, соҳибкорлар касаба союзларининг ҳуқуқларини эътироф этиш мажбуриятини олдилар. Бу меҳнаткашларнинг катта ютуғи бўлиб, уни 1936 йил ютуқларига тенг деб ҳисоблар эдилар. Лекин айна вақтда реакцион кучлар антикоммунистик пропаганда ёрдамида обивателларни анархия билан ва «тоталитар диктатура» хавфи билан кўрkitиш учун сўл экстремизмдан кенг фойдаландилар.

Ҳукмрон доиралар ахволни барқарорлаштиришга муваффақ бўлдилар, лекин шундан кейинги воқеалар норозилик потенциали

сақланиб қолганлигини кўрсатди. 1969 йил апрелда ўтказилган референдум чоғида унинг қатнашчиларининг ярмидан камроғи президент таклиф қилган, маҳаллий бошқарувни марказлаштиришни аниқлаган маъмурий ислохотни ёқлаб чиқди. Эртаси куни де Голль ўз лавозимидан кетди, тез орада эса Бешинчи республиканинг асосчиси вафот этди.

**5. Франция 70—80-йилларда.** Де Голлнинг ворислари — Жорж Помпиду ва Валери Жискар д'Эстен голлизм сиёсатини давом эттиражакларини маълум қилдилар. Улар тутган йўлнинг ижобий жиҳати совет-француз муносабатларининг янада ривожланишидан иборат бўлиб, у икки мамлакат раҳбар давлат арбобларининг бир-бирларига ташриф буюришлари, 1971 йилда «Хамкорлик принциплари»нинг имзоланиши, бир қанча сиёсий ҳужжатлар ва иқтисодий битимларнинг тузилиши билан, шунингдек 1980—1990 йилларга мўлжалланган иқтисодий, sanoat ва техника соҳасидаги ҳамкорликни чуқурлаштиришнинг узоқ муддатли программаси қабул қилиниши билан нишонланди.

Шу билан бирга Бешинчи республика раҳбарлари жиддий қийинчиликларга дуч келдилар. Бу қийинчиликлар экономикани бошқаришда ҳам, сиёсий соҳада ҳам голлчиларнинг рецептлари етарли эмаслигини кўрсатди. 70-йилларнинг биринчи ярмида Францияни валюта, энергетика кризиси, сўнгра эса иқтисодий танглик қамраб олди. Хўжалик планлари деб аталган планлар хусусий сектор учун мажбурий бўлмаган ҳамда бутун миллатнинг эмас, балки капиталистларнинг тор манфаатларини кўзлаб амалга оширилган айрим тадбирлардангина иборат бўлди. Қимматчиликнинг ўсиши, ишсизликнинг ошиши, пулнинг тўхтовсиз қадрсизланиши, иммигрант ишчиларнинг мушкул аҳволи — буларнинг барчаси меҳнатқашларнинг янгидан-янги чиқишларига сабаб бўлмокда эди.

Ана шу шароитда Жорж М а р ш е (1920 йилда туғилган) Бош секретари бўлган ФКП энг яқин орадаги мақсад сифатида илғор демократия ва *Халқ бирлиги* демократик ҳукуматини тузиш учун кураш шиорини илгари сурди. Бундай мақсадга эришилганидан кейин социализм учун кураш босқичи бошланиши мумкин эди. 1972 йилда у биргаликдаги ҳукумат программаси тўғрисида *Француз социалистик партияси* (ФСП) билан битим имзоланди. Бу сўл кучларни ялпслаштириш жараёнида олға ташланган катта кадам бўлиб, уларнинг 1973 ва 1974 йиллардаги парламент ва президент сайловларида муҳим ютуқларга эришишига имкон берди. Бу сайловлар чоғида қўшма программа негизида иш олиб борган партиялар тегишли суратда овозларнинг 45 ва 49 процентини олдилар. Сайлов натижалари мамлакатнинг чуқур социал-ислохотларни талаб қилаётганлигини кўрсатди.

*Сўл кучлар иттифоқининг* галаба қилишидан кўрканган ўнг партиялар ва группировкалар афсонавий «коммунистларнинг ҳокимиятни босиб олиш хавфи»га қарши кампания бошладилар. Коммунистларнинг ҳукуматга киришига йўл қўймаслик мақсади-



да НАТО ва АҚШнинг рахбар доиралари тазйик ўтказдилар. Сўл радикаллар Сўл кучлар иттифокидан чиқдилар, улар кетидан эса социалистлар ҳам қўшма программани меҳнаткашлар манфаатларини кўзлаб янгилашдан бош тортиб, Компартия билан ҳамкорликни уздилар. 1978 йилдаги сайловда сўл партиялар тарқок ҳолда чиқдилар ва ғалабага эриша олмадилар.

Бирок ФКП 80- йиллар бошларида мамлакатда вужудга келган вазиятдан: жамоатчилик фикрида сўл томонга юз берган силжишдан, икки группировка — голлчилар ташкил этган *Республикани қўллаб-қувватлаш уюшмаси* (РҚУ) билан марказ кучларни бирлаштирган *Француз демократияси учун иттифоқ* (ФДИ) нинг ҳокимият учун кураши оқибатида ҳукмрон блокда юз берган ажралишдан фойдаланиб, сўл кучлар бирлиги учун курашни давом эттирди. 1981 йилги президент ва парламент сайловларида сўл партиялар жиддий ғалаба қозондилар: социалист Франсуа Миттеран (1916 йилда туғилган) президент бўлди, Миллат мажлисидаги ўринларнинг кўпчилигини сўл партиялар олишди. 1947 йилдан кейин биринчи марта коммунистлар ҳукуматга киришди.

Гарчи сиёсий тузумнинг синфий характери ўзгармаган бўлсада, демократик ислохотлар учун кенгрок имкониятлар пайдо бўлди. Янги ҳукумат бир қатор йирик банклар ва саноат компанияларини национализация қилди. Меҳнаткашларнинг манфаатларини кўзлаб, айрим чора-тадбирлар амалга оширилди: энг кам иш хақи, пенсиялар, болаларга тўланадиган нафақалар кўпайтирилди, йирик мулклар учун оширилган солиқ жорий қилинди, корхоналарда касабасоюзларнинг ҳуқуқлари кенгайтирилди.

Бирок монополияларнинг тазйики ва 1980—1982 йиллардаги иктисодий танглик таъсири остида ҳукуматнинг йўли борган сари консерватив бўла борди. Мамлакатда 1972 йилдаёқ ташкил этилган янги фашистлар партияси «Миллий фронт»нинг фаолияти активлашди. Национализация қилиш тўхтатиб қўйилди. 1983 йил мартда солиқларни ошириш йўли билан «экономикани соғломлаштириш» программаси қабул қилинди, лекин монополияларнинг фойдаси ва уларнинг бошқа мамлакатларга зўр бериб капитал чиқариши чеклаб қўйилмади. Иктисодий кийинчиликларни бартараф этишнинг гўё бирдан-бир мумкин бўлган йўли сифатида хусусий ташаббусни рағбатлантириш борган сари кўпроқ макталди. Буларнинг барчаси ҳукумат ичида ихтилоф туғдирди. 1984 йил ёзида коммунистлар ФКП консерватив бурилиш учун масъулиятни ўз зиммасига ололмаслигини айтиб ҳукуматдан чиқдилар.

1986 йил мартадаги сайловда ўнг партиялар ғалаба қилдилар. Ж. Ширак бошлиқ янги ҳукумат (РҚУ) бир қанча ҳолларда социалист-президент Ф. Миттеранга қарамай, саноатни денационализация қила бошлади ва меҳнаткашларнинг ҳуқуқларига ҳужум қилди. У мамлакатнинг ташки сиёсатида «атлантик» яъни америкапараст йўналишни кучайтирди. 1988 йил баҳори ва ёзида бўлиб

Ўтган президент ва парламент сайловларидан кейин Францияда янги сиёсий вазият вужудга келди. Ўнг партиялар мағлубиятга учрадилар. Ж. Ширак ўз ўрнини янги ҳукумат бошлиғи М. Рокарга (ФСП) бўшатиб берди. Ф. Миттеран президент лавозимини ўзида сақлаб қолди.

#### Савол ва топшириқлар

1. Урушдан кейинги дастлабки йилларда Франция ва Англияда ўтказилган ислохотларнинг ўхшашлиғи ва бир-биридан фарқи нимада? 2. Н. Н. Молчановнинг «Генерал де Голль» деган китобидан фойдаланиб, де Голлга сиёсий арбоб сифатида таъриф беринг. 3. 1968 йил май-июндаги воқеалар нимаси билан ажралиб туради? 4. Францияда давлат-монополистик капитализмнинг кўринишлари қандай? 5. Вактли матбуот материалларидан ва илмий-оммабоп адабиётдан фойдаланиб, Франциянинг 80- йиллардаги аҳоли тўғрисида ва совет-француз муносабатларининг ҳолати ҳақида ахборот тайёрланг. 6. ФКПнинг фаолиятини кўрсатувчи фактларни келтиринг.

### 44- §. Германия Федератив Республикаси

Поттсдам конференциясининг Германия тўғрисидаги қарорларини эсланг (23—24- §).

Германия Федератив Республикаси (ГФР) 1949 йил сентябрда империалистик давлатлар ғарбий оккупация зоналарида олиб борган антидемократик сиёсат туфайли тайёрланган Германиянинг ажратиб юборилиши натижасида вужудга келди. Уларнинг асосий таянчи канцлер Конрад Аденауэр бошлиқ *Христиан-демократик иттифоқ* (ХДИ) партияси ва унинг Бавариядаги иттифоқчиси *Христиан-социал иттифоқи* (ХСИ) эди. Монополияларнинг реакция партиялари ХДИ — ХСИ черков билан мустаҳкам боғланган бўлиб, улар АҚШ, Англия ва Франциянинг бутун чоралар билан берган мададидан фойдаланиб, 1949 йилги сайловда овозларнинг нисбатан кўпчилигини тўплашга, майда буржуазияни, хизматчиларни, амалдорларни ўз томонига жалб этишга ва ҳокимият тепасига келишга муваффақ бўлди. 20 йил мобайнида ГФР ни ХДИ — ХСИ блоки идора қилиб турди.

**1. ГФРнинг иқтисодий тараққиёти. Давлат-монополистик капитализм.** ГФР ташкил этилгандан кейинги дастлабки йилларда мамлакат экономикаси тез суръатлар билан тикланди ва ривожланди. Энг аввало янги тармоқлар — пластмассалар, синтетик толалар, электрон асбоблар ишлаб чиқариш ўсди. Экономиканинг ривожланиши аҳолининг турмуш даражаси ошишига ёрдам берди. Ўн йил ичида ГФР саноат ишлаб чиқариши ҳажми бўйича Англиядан ўзиб кетди ва капиталистик дунёда иккинчи ўринни (АҚШдан кейин) эгаллади. Бу ўриндан уни 60- йиллар охиридагина Япония сиқиб чиқарди.

Ғарбий Германия пропагандаси «иқтисодий мўъжизани» капитализм афзалликларининг тасдиқланиши деб тарғиб қилди. Бироқ бу «мўъжиза» ни кўп жихатдан специфик сабаблар ҳам келтириб чиқарган эди. Ғарбий Германияда собиқ рейхга қараш-

ли оғир саноат ва малакали ишчиларининг кўпчилиги жойлашган эди. Урушда вайрон бўлган хўжалик янги техника базасида тикланди. Иш ҳафтаси узайтирилган ва миллионлаб кўчиб келган ва кўчириб келтирилган кишилар мавжуд бўлган бир шароитда меҳнатни оширилган даражада эксплуатация қилиш айниқса катта аҳамиятга эга бўлди. Бошқа сабаблар ҳам — АҚШнинг «Маршалл плани» бўйича берган катта ёрдами (3,6 миллиард доллар), ГФР НАТОга аъзо бўлганига қадар ҳарбий харажатлар қилмаганлиги бор эди.

Гарчи ГФРнинг янги факторлар (Американинг капитал маблағ сарфлаши, мамлакатнинг «Умумий бозор»да қатнашиши) билан рағбатлантириб турилган экономикаси кейинги йилларда ҳам ривожланиб борган бўлса-да, «мўъжиза» 60- йилларнинг иккинчи ярмидаёқ тўхтаб қолди, бу вақтда экономикада суръатлар сезиларли даражада пасайди ва вақти-вақти билан таназзуллар бошланди.

ГФРнинг ҳукмрон доиралари иктисодий тараққиётнинг беқарорлигини енгишга ва фан-техника тараққиётини таъминлашга ҳаракат қилиб, кўпинча давлат-монополистик тартибга солиш усулларини қўлладилар. Гарчи ГФРда саноат тармоқлари национализация қилинмаган бўлса-да, гитлерчилар тузумидан мерос бўлиб қолган мулк ҳисобига ва янги қурилишга давлатнинг катта миқдордаги инвестицияси ҳисобига корхоналарнинг бир қисми давлат қўлига ўтиб қолди. Давлат-монополистик сектори ишлаб чиқариш қувватларининг 20 процентини камраб олди. Давлатнинг экономикага аралашуви энг аввало йирик монополияларга фойда келтирди. Крупп, Тиссен, Маннесманлар каби эски монополистик сулолалар ўз мавқеларини тиклаб олдилар. Янги магнатлар пайдо бўлиб, куч-қудрат тўплади. «Фольксваген» «Сименс» ва бошқа концернлар капиталистик дунёнинг энг йирик корхоналари сафидан жой олди. Айни вақтда иш ташлаш йўли билан олиб борилган бўлишига қарамай, меҳнаткашларнинг аҳволи секин ва кам яхшиланиб борди. Ишсизлик, меҳнатнинг оширилган интенсивлиги (айниқса автоматлаштиришнинг ривожланиши муносабати билан), социал страхованиенинг, ишчилар тўғрисидаги қонунларнинг орқада қолганлиги шундан далolat берар эди.

ГФРнинг ҳукмрон доиралари давлат-монополистик капитализмнинг характерини бежаб кўрсатишга ҳаракат қилиб, 50- йилларда «халқ капитализми» тўғрисидаги пропагандани бошлаб юбордилар. Улар давлатнинг кучайиб бораётган халқ манфаатлари йўлида монополияларни жиловлаш деб, саноат корхоналарининг майда акцияларини ишчиларга сотишни «социал шерикчилик» деб кўрсатдилар. Фабрикантлар акцияларни сотиб олган ишчиларни «шерик сохибкорлар» деб эълон қилар эдилар. Холбуки, бу «акционерлар» ҳеч қандай овозга эга эмас эдилар ва ҳақиқий хўжайинлар уларни ўз хоҳишлари билан осонгина кўчага улоқтирар эдилар.

**2. ХДИ — ХСИ нинг ички ва ташки сиёсати.** Мамлакатдаги

синфий кураш «халк капитализми» назариясини тамомила рад этди. Иш ташиловчилар иш ҳақини оширишнигина эмас, балки ишлаб чиқаришни бошқаришда қатнашишни ҳам талаб қилдилар. 50- йилларда ГФРнинг ҳарбий блоklarга қўшилишига қарши қаратилган ва «Бизнинг иштирокимизсиз!» деган шиор остида ўтган урушга қарши ҳаракат кенг авж олди.

Аденауэр ҳукумати омманинг чиқишларига қарши шовинистик репрессиялар усули билан курашиб, уни шовинистик пропаганда билан қўшиб олиб борди. Реакцион сайлов қонуни ёрдамида коммунистлар бундестагдан четлаштирилди. Узок давом этган суд процесси натижасида *Германия Коммунистик партияси* (ГКП) 1956 йилда тақиқланди ва яширин иш олиб боришга ўтди. Масъул лавозимларга кўпгина гитлерчилар чиқиб олишди, собиқ эсэсчилар жазоланмай қолавердилар. Маъмурлар реваншини пропаганда қилишни рағбатлантирдилар.

Иккинчи томондан, ГФРнинг ҳукмрон доиралари социал маневр қилишдан, давлат-монополистик тартибга солиш руҳидаги ярим-ёрти ён беришлардан фойдаландилар. Бундестаг меҳнаткашларнинг вакиллари корхоналарни бошқаришда қисман иштирок этиш тўғрисида қонулар қабул қилди. Бу ҳақиқий ишчилар контролини аниқлатмас эди, чунки ишлаб чиқариш кенгашлари ҳақиқий ҳокимиятга эга эмас эди, «меҳнаткашларнинг вакиллари» эса реформист, келишувчи элементлар орасидан танлаб олинар эди. Шундай бўлса-да, янгича «иштирок этиш» сиёсатига камтарона асос солинди. Буржуазия корхоналарда синфий низолар портлаб кетишининг олдини олиш, ишчилар билан номига «шерикчилик»ни қилиш мақсадида ана шундай ён беришга рози бўлди. Шу тариқа давлат-монополистик тартибга солиш фақат экономикагагина эмас, балки меҳнат билан капитал ўртасидаги муносабатларга ҳам тааллуқли бўлди. Бирок «иштирок этиш» демократик ишчилар контролининг ўрнатилишига, монополиялар ҳукмронлигининг чекланишига ҳам олиб келиши мумкин эди. Шунинг учун ҳам уни кенгайтириш ГФР ишчилар синфининг кейинги йиллар мобайнидаги сиёсий курашида марказий масала бўлиб қолди.

ГФР ҳукумати ХДИ -- ХСИ блоки позицияларини мустаҳкамлашга, синфий кураш алангасини пасайтиришга муваффақ бўлди. Ҳар тўрт йилда бундестагга ўтказиб турилган сайловларда ХДИ -- ХСИ бошчилигидаги блок сайловчилар овозининг ярмидан кўпрогини олар эди. Иккинчи ўринда доимо Германия социал-демократик партияси (ГСДП) турар эди. Бу партия оппозицияда турар, лекин унинг ўнг лидерлари амалда Аденауэр тузумини қўллаб-қувватлар эди. Таъсир кўрсатиши жиҳатидан учинчи ўринда буржуазиянинг либерал қаноти вакили бўлган *Озод демократик партия* (ОДП) турар эди.

ГФРнинг ташқи сиёсатида Ғарбий Европа мамлакатларининг иктисодий интеграцияси асосий йўналишлардан бири бўлиб қолди.

ГФР монополиялари интеграция жараёнида етакчи ўринни эгаллаб олдилар ва «Умумий бозорда» лидерликни даъво қила бошладилар. Бу ҳол ЕИХ ичида жиддий низолар туғдирди.

АҚШ ва Англиянинг ҳаракатлари туфайли Ғарбий Германия милитаризмини тиклашга йўл очилди: ГФР 12 дивизиядан иборат миқдорда қуролли кучларини вужудга келтириш ҳуқуқини олди ва 1955 йилда НАТОга қабул қилинди. Тез орада Ғарбий Германия генераллари шу блокдаги қўмондонлик лавозимларини эгалладилар. Бундесвер унинг Европадаги зарбдор кучи бўлиб қолди, ГФР уруш хавфи манбаига айлана бошлади.

ХДИ — ХСИ идора қилиб турган бутун давр мобайнида ГФР «совуқ уруш»ни авж олдириб, антисовет йўлини ўтказиб келди. Бу йўлнинг энг муҳим жиҳатларидан бири ГДРни тан олмаслик ҳамда ГФРнинг барча немислар номидан вакил бўлиш ҳуқуқига даъвогарлик қилишидан иборат эди. Илгари сурилган доктринага мувофиқ ГФР ГДРни таниган ҳар қандай мамлакат билан дарҳол муносабатларини узиши керак эди. ГФР Ғарбий Берлинни, Одер ва Ғарбий Нейсе бўйлаб ўтган чегараларни қайта кўриб чиқишни даъво қилди. Унинг территориясидан туриб ГДРга қарши илгаварликлар уюштириб турилди.

60-йиллар бошларида ХДИ — ХСИ нинг Ғарбдаги реакцион кучлар билан иттифок бўлиш, СССРга қарши туриш ва ГДРни йўқотишга қаратилган ташқи сиёсати асоссиз эканлиги тобора ойдинлашди. ГФРнинг ҳукмрон доираларида қаттиқ йўл тарафдорлари билан бирмунча мослашувчан реалистик йўл тарафдорлари ўртасида кураш кескинлашиб кетди. 1961 йилги сайлов ХДИ — ХСИ блокнинг таъсири пасайиб бораётганлигини кўрсатди, бу блок ОДП билан биргаликда ҳукумат тузишга мажбур бўлди. 1963 йилда Аденауэр истеъфога чиқди. ХДИ — ХСИ нинг танҳо идора қилиши натижасида ГФР боши берк кўчага кириб қолди.

1963—1969 йиллар ГФР ҳукмрон доиралари ўз сиёсатларини янги шароитларга мослашга уринган давр бўлди. Мамлакатга раҳбарлик қилишга «катта коалиция» ҳукумати келди: ХДИ министрлик лавозимларининг бир қисмини ГСДП га беришга мажбур бўлди. Бирок ХДИ социал демократлар ёрдамида ҳам аввалги мавқеини қайтариб ололмади. 60-йилларда фавқулодда деб аталган қонун ишлаб чиқилди. Бу қонун ташқи ёки ички «хавф» туғилганлигини баҳона қилиб авторитар тузумни жорий этиш мумкинлигини аниқлар эди. «Ўтмишни унутайлик!» деган шiori остида нацист жиноятчиларни суд йўли билан таъқиб қилишни тўхтатиш кампанияси бошланиб, бу кампанияда «белгиланган муддат тугаганлиги»га таяндилар. 1964 йилда ГФРда янги нацистларнинг *Национал-демократик партияси* (НДП) пайдо бўлди. Бу партия аслида ўз платформасида гитлерчиларнинг асосий программ қондаларини такрорлар эди.

Бирок мамлакатда ҳукмрон доираларнинг реакцион сиёсатидан кенг норозиликни акс эттирувчи оммавий ҳаракат кучайиб

бормокда эди. 60-йилларнинг иккинчи ярмида «фавкулотда конушлар»га қарши шиддатли чиқишлар, атом куролига қарши, Вьетнамдаги урушни тўхтатиш учун кампаниялар бўлиб ўтди, кўп жиҳатдан бетартиб бўлган ва аниқ программаси бўлмаган, лекин демократик ҳамда жанговар бўлган, капитализмга кескин танқидий муносабатни акс эттирган кенг студентлар ҳаракати («янги сўллар») пайдо бўлди.

Иш ҳақининг қотириб қўйилиши, давлат йўли билан тартибга солишнинг ғайридемократик характери, хизматчилар ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлганлар сонининг тез ўсиши социал талаблар доирасининг кенгайишига ҳамда оммавий чиқишлар катнашчиларининг активлиги ошишига ёрдам берди.

**1969 йилда** Эссенда бўлган съездда легал *Германия коммунистик партияси* (ГКП) ташкил этилди. У демократик эркинликларни химоя қилиб, ташки сиёсатда тинчликсевар йўлни амалга ошириш, милитаризм ва антисоветизмга зарба бериш учун, Европада хавфсизлик ғоясини қўллаб-қувватлашни ёқлаб ошқора кураш олиб боришнинг барча воситаларидан фойдаланди. ГКП меҳнаткашларнинг муҳим эҳтиёжларини химоя қилишни йирик социал ўзгаришлар учун ва пировардида социализм учун курашга олиб борадиган йўл деб ҳисоблаб, иш ташлашларда, қасаба союзларнинг фаолиятларида актив қатнашди.

Мамлакатда оппозициянинг кучайиб бориши 1969 йилги сайловда ХДИ — ХСИ нинг мағлубиятга учрашига олиб келди.

**3. ГФР 70—80-йилларда.** Бундестагга ўтказилган сайловда ОДП билан блок бўлиб чиққан ГСДП ғалаба қилди (улар биргалликда овозларнинг 48,8 процентини олдилар). Социал-демократлар мамлакат ичида ислохотлар ўтказишни ва социалистик мамлакатлар билан муносабатларни нормаллаштиришни ваъда қилдилар.

Вилли Брандт бошлик ГСДП --- ОДП коалицияси ҳукуматининг ҳокимият тепасига келиши билан энг аввало мамлакатнинг ташки сиёсатида ижобий ўзгаришлар юз берди. «Ўнги шарқий сиёсат»нинг энг муҳим ютуғи **1970 йилда** СССР ва Польша билан шартномалар имзоланишидан иборат бўлди. Бу шартномаларда томонлар *«Европадаги барча давлатларнинг ҳозирги чегараларидаги территориал бутунлигига риоя қиладилар»* ва бу чегараларни, шу жумладан Одер — Ғарбий Нейсе чизигини ҳам бузилмас деб ҳисоблайдилар, деб эълон қилинган эди. Шундай қилиб, ГФР ўзининг аввалги реваншчилик талабларидан чекинди.

«Шарқий шартномалар» ҳамда Ғарбий Берлин бўйича тўрт томонлама битимнинг имзоланиши (1971 йил сентябрь) Европада вазиятни соғломлаштиришга олиб келди ва ГФР билан ГДР ўртасида муносабатларни нормаллаштиришга йўл очди. **1972 йил ноябрда** иккала герман давлати тинч-тотув яшаш принципига асосланадиган *Асосий муносабатлар тўғрисида шартномани* имзоладилар ва тез орада ГДР билан ГФР БМТга қабул қилиндилар. Брандт ҳукумати ЧССР билан (бу мамлакат билан тузилган

Шартнома Мюнхен битимини «аҳамиятсиз», яъни кучга эга эмас ва амалда қонунсиз деб топан эди), шунингдек, Венгрия ва Болгария билан ҳам муносабатларни нормаллаштирди. Реалистик ташқи сиёсат ГФРдаги ўнг кучларнинг қутуриб кўрсатган қаршичилигига дуч келди. Бирок 1970 йилги шартнома асосида СССР билан ГФР ўртасидаги муносабатлар, айниқса иқтисодий соҳаларда позитив ривожланди.

Брандт канцлер лавозимидан кетгандан сўнг (1974 йил) ҳукуматга ГСДП нинг бошқа бир арбоби — Гельмут Шмидт бошчилиқ килди. Реакцион ва реалистик оқимларнинг ўзаро кураши 70-йилларда давом этиб турди. ХДИ нинг талаби билан коммунистларни давлат хизматиغا қабул қилишни тақиқловчи қонунлар қабул қилинди. ГФРда янги фашист ташкилотлари яна жонланди, терроризм каби ҳодиса кенг ёйилди.

Социал-демократлар ҳукумати меҳнатқашларга бироз ён берди, чунки ГСДП ҳокимият тепасига 1968—1969 йиллардаги иш ташлашлар тўлқинидан кейин келган эди ва унинг раҳбарлари партия составининг 47 проценти ишчилардан, 23 проценти эса хизматчилардан иборат эканлиги билан ҳисоблашмасдан илож йўқ эди. Гражданлар 18 ёшдан бошлаб овоз бериш ҳуқуқини олдилар. Ҳарбий хизмат муддати 18 ойдан 12 ойгача қисқартирилди. Пенсиялар ва кўп болали оилаларга ёрдам бирмунча кўпайтирилди. 1976 йилда ишчиларнинг sanoat янги қонун кучга кирди. Уни гўё синфий кураш ўрнини оладиган «социал шерикчилик»нинг гавдаланиши деб тарғиб қилдилар. Қонун ишчиларнинг компаниялар кузатув кенгашларида иштирок этишини кенгайтирди, лекин аввалгидек бу кенгашларда маъмурият вакилларининг кўпчилиқ бўлишини таъминлар эди.

Ислохотлар жуда катта маблағ талаб қилар эди, лекин ҳукумат партиянинг қуйи ташкилотлари ва касаба союзлари талаб қилганидек катта даромадларга солинадиган солиқларни оширишга ботина олмади. Ҳарбий харажатларни қисқартириш тўғрисидаги кўп сонли тақлифлар ҳам қабул қилинмади. Аҳвол ГФРни иқтисодий кризис камраб олган 1974—1975 йилларда ёмонлашди. Мамлакатда 1 миллиондан ортиқ батамом ишсиз бор эди. Нафақаларни уларнинг кўпи билан 70 проценти, шунда ҳам атиги бир йил давомида олар эди. Илгари ГФРга арзон иш кучи сифатида кўплаб жалб қилинган иммигрантлар ҳаммадан оғир аҳволга тушиб қолдилар. Кризис тугаганидан кейин оммавий ишсизлик ва пулнинг кадрсизланиши сақланиб қолди.

ГФРнинг ташқи сиёсий йўли ҳам зиддиятли эди. Олий даражадаги учрашувлар натижасида СССР билан ГФР ўртасида иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш ҳақида бир қанча муҳим битимлар имзоланди. ГФР СССР нинг Фарбдаги ривожланган мамлакатлар жумласидан бўлган савдо шериклари орасида биринчи ўринни эгаллади. Айна вақтда ГФР НАТОнинг Европа ракеталарини жойлаштириш ҳақидаги қарорига (1979 йил) қўшилди.

ГСДП — ОДП коалицияси 1982 йил сентябрида ХДИ — ХСИ билан ҳамкорлик қилиш йўлига ўтган озод демократлар коалициядан чиқиб кетиши муносабати билан тарқалиб кетди. 1983 йил мартда бундестагга бўлган сайловларда христиан демократлар галаба қозондилар. ХДИ — ХСИ ҳамда ОДП вакилларидан иборат янги коалицион ҳукуматга ХДИ раиси Гельмут Коль (1930 йилда туғилган) бошчилик қилди.

Г. Коль ҳукумати «регламентга солиш ташаббусни бўғади ва бюрократияни келтириб чиқаради» деган пропагандани юритиб, давлатнинг соҳибкорлар ишига бевосита аралашувини қисқартира бошлади, социал ажратмаларни қисқартириш ҳисобидан «мамлакатни янгилаш» ишини олиб борди: болаларга, маорифга тўланадиган нафақалар камайтирилди, меҳнатқашларнинг пенсия фондига тўловлар оширилди ва ҳоказолар. Айти вақтда ҳарбий харажатлар ўсиб борди. Ҳукумат АКШга қараб иш тутишни қучайтирди. ГФРда ядро қуроли кўпайди. Бонн Американинг СМТ программасини қўллаб-қувватлади ва унда иштирок этмоқда.

1987 йил январда Бундестагга ўтказилган сайлов ҳукмрон коалициянинг сиёсати, гарчи ошқора америкапарастлик характери бўлсада, мамлакатда маълум даражада қўллаб-қувватланганлигини кўрсатди. Фан-техника революциясининг авж олиши, 1980—1982 йиллардаги кризисдан кейин экономиканинг юксалиши, ўнг кучлар мамлакатда жорий этаётган миллатчилик ва анти-советимиз, ниҳоят, ГСДП нинг социал-иктисодий йўлидан умидсизликка тушиш, социал-демократлар сафидаги иккиланишлар — фақат юқори табақаларнинггина эмас, балки кенг аҳоли қатламларининг ҳам қайфиятларида консерватив бурилишлар юз берилишининг сабаблари ана шулардан иборатдир.

Бу ҳол оппозиция йўқ қилиб юборилганлигини англатмайди, албатта. Гарчи ГКП буржуа пропагандасининг тинимсиз ҳужумларига, унинг аъзолари эса ишга қабул қилишда, сайловда номзодлари кўрсатилишида ва ҳоказоларда камситилаётган бўлсада, партия сафларида 47 мингга яқин аъзоси бор. ГКП раиси Герберт Мисдир (1929 йилда туғилган).

Стачка ҳаракати билан бир қаторда ядровий урушга қарши йирик чиқишлар бўлди. Мамлакатда янги сиёсий куч — 1980 йил январда асос солинган «*Кўкатпарварлар*» партияси пайдо бўлди. «Кўкатпарварлар» табияти ва яшаш муҳитини химоя қилишдан иш бошлаб, сўнгра милитаризм ва реакцияга қарши курашга ўтдилар. Улар бундестагга ўз вакилларини ўтказишга муваффақ бўлишди. Партия сафларида 40 мингга яқин аъзо бор, уларнинг кўплари ҳукмрон доираларнинг консерватив йўлига қарши курашда ГСДП билан ҳамкорлик қилишни ёқлаб чиқмоқда.

#### Савол ва топшириқлар

1. ХДИ — ХСИ блоки ички ва ташқи сиёсатининг синфий йўналишини аниқланг. 2. Христиан-демократик ва социал-демократик ҳукуматларнинг сиёсий йўли-



ни таққосланг. 3. ГФРда давлат-монополистик тартибга солиш қандай шаклларда намоён бўлмоқда? 4. 70-йиллар бошида ГФР ташқи сиёсатида юз берган ўзгаришларни баҳоланг. Нима сабабдан бундай ўзгаришлар юз бериши мумкин бўлди? 5. Матбуотдан фойдаланиб, ГФРнинг ҳозирги аҳоли ва совет-ғарбий герман муносабатлари ҳақида ахборот тайёрланг.

## 45- §. Италия

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Италиядаги антифашист курашининг асосий воқеаларини эсланг (3-боб).

**1. 1945—1948 йилларда Италиядаги прогрессив ва реакцион кучларнинг кураши.** Италия фашизмдан озод бўлганидан ва уруш тугаганидан кейин прогрессив партияларнинг қаршилиқ кўрсатиш йилларида вужудга келган бирлашган fronti унга чуқур таъсир кўрсатди. Фашизм билан қаҳрамонларча курашган *Италия коммунистик партияси* (ИКП) жуда катта обрў-эътибор қозонди ва капиталистик дунёдаги энг йирик компартияга айланиб, мамлакатнинг сиёсий партиялари орасида биринчи ўринга чиқиб олди. ИКП «прогрессив демократия» учун кураш программасини ишлаб чиқди. Бу программа помешчиклар ер эгалигини йўқотишни, асосий саноат тармоқларини национализация қилишни, республика тузумини ўз ичига олган эди. Коммунистлар мамлакатни ўзгартириш учун курашиб, ҳукуматга кирдилар. Аъзоларининг сони жиҳатидан иккинчи ўринда компартия билан иттифок бўлган *Италия социалистик партияси* (ИСП) турар эди.

Реакцион кучлар 1943 йилда ташкил этилган де Гаспери бошчилигидаги *Христиан-демократик партия* (ХДП) теварагида бирлашган эдилар. Бу партияни АҚШ ва Англия, Ватикан ҳамда йирик буржуазия бутун чоралар билан қўллаб-қувватлаб турди. Шу билан бирга у католицизмнинг мамлакатдаги таъсиридан фойдаланиб, синфий ҳамкорликни тарғиб қилиб, ислохотлар ўтказишни ва АҚШ ёрдамида экономикани тез тиклашни ваъда қилиб, деҳқонлар, ўрта қатламлар ва ишчиларнинг бир қисми орасида оммавий базани қўлга киритишга муваффақ бўлди. Де Гаспери 1945—1952 йилларда ҳукумат бошида турди.

Прогрессив ўзгаришлар ана шу икки лагернинг ўзаро кескин кураши вазиятида амалга оширилди. Монархия тузуми республика тузуми билан алмаштирилди. **1947 йилдаги** конституцияда умумий сайлов ҳуқуқи, граждaнларнинг тенглиги ва демократик эркинликлар, қисман национализация қилиш мумкинлиги эълон этилган эди. 1947 йилда кучга кирган Италия билан сулҳ шартномасида ҳарбий жиноятчиларни жазолаш ва фашист ташкилотларини тарқатиб юбориш ҳақида пунктлар бор эди. Коммунистлар ташаббуси билан аграр ислохот ўтказилиб, у ишланмаётган ерларни ерсиз деҳқонларга берди, иш ҳақининг ўзгарувчан шкаласи, нарх-наво устидан контроль жорий этилди.

Реакция куч тўплаб хужумга ўтди. Бунга халқаро майдонда «совук уруш» томон бурилиш ёрдам берди. 1947 йил майда АҚШ талаби билан ва ИСПдан ажралиб чиққан социалистлар ўнг канонининг мадади билан де Гаспери ҳукумат танглигини келтириб чиқарди ва ўз кабинетидан коммунистларни, шунингдек, улар билан блокда бўлган социалистларни чиқарди. Бу ўзига ҳос давлат тўнтариши бўлиб, бутун мамлакатда антикоммунистик юришга берилган сигнал эди. 1948 йилда биринчи республика парламентига сайловлар жуда каттиқ синфий кураш вазиятида ўтди. АҚШнинг бевосита аралашуви, шунингдек Ватиканнинг кенг агитацияси ХДП га галаба қозонишда ёрдам берди. Натижада ҳукуматда ва мамлакатда ХДПнинг узок вақтга чўзилган монопол ҳукмронлиги қарор топди.

**2. Иқтисодий тараққиёт. ХДПнинг тузумни каттиққўл ы тини йўли.** 50-йиллардан эътиборан мамлакат хўжалиги тез ривожлана бошлади. Бу ривожланиш 1964 йилги иккирозгача давом этди ва уни Италиянинг «иқтисодий мўъжизаси» деб атадилар (саноат маҳсулотининг ҳар йилги ўсиши ўрта ҳисобда 10 процентга етар эди). Иқтисодий юксалишга дастлабки турткини Американинг «Маршалл плани» бўйича кўрсатган ёрдами берди. Мамлакатнинг «Умумий бозорга» кириши маҳсулот сотиш имкониятларини кенгайтирди. Хўжалиқнинг ўсишига давлат-монополистик капитализмнинг мустаҳкамланиши, кўп жиҳатдан фашизм давридан мерос бўлиб қолган йирик давлат секторининг мавжудлиги ёрдам берди.

Бирок иқтисодий юксалиш зиддиятлар эди. Капитализмга ҳос бўлган ўсиш суръатларининг нотекислиги ўз татсириши кўрсатди. Бу суръатлар 60-йиллардан бошлаб пасая бошлади ва машҳур «мўъжизага» барҳам берган кризисга олиб келди. Америка капиталининг кириб келиши Италия экономикасининг АҚШга қарамлигини кучайтирди. Чуқур номутаносибликлар, эш эъвало қилиш, лоқ хўжалигидаги жиддий қолоқлик, шунингдек ҳали ҳам феодализм ва ярим феодал бўлган «Жануб проблемаси» ҳам сақланиб қолмоқда эди. Бирок монополияларнинг ўсиш бораётган бойлиги билан меҳнаткашларнинг аҳволи ўртасидаги тафовут асосий зиддият бўлиб қолмоқда эди. Мамлакатда сурункали оммавий ишсизлик сақланиб қолмоқда эди. Меҳнат унумдорлиги тез, иш ҳақи эса секин ўсди. Гарчи меҳнаткашларнинг аҳволи умуман яхшилانган бўлса-да, лекин «иқтисодий мўъжиза»дан асосан ҳукмрон синф фойда кўрди.

Ички сиёсатда ХДП ўз программасига мувофиқ жузъий ислотлар қилди, лекин бу ишни энг зарур ҳолларда ва оммавий чиқиндиларнинг тазйиқи остида амалга оширди. Умуман эса реакцион йўл устун эди. Намойишчиларни жазолаш, махсус тузилган моторлаштирилган полиция «челере» ёрдамида қонли қалтаклашлар, мажоритар сайлов қонунини жорий этишга урнини «христиан» ҳукуматларининг меҳнаткашлар чиқишларига умумий жавоби ана шундан иборат эди.

50-йилларда Италияда янги фашизм пайдо бўлиб, унинг вакили *Италия социал ҳаракати* (ИСХ) эди. Ҳукуматнинг ҳаракат қилмаслик ва ҳатто ашаддий ўнглари қўллаб-қувватлаш сиёсати 1960 йилда энг юқори нуктасига етди. Бунда янги фашистларнинг съездини ўтказиш мўлжалланган Генуянинг меҳнаткашлари компартия ва касаба союзларнинг чақириғига мувофиқ кўчаларга чиқишди. Дарғазаб намоёнчилик ҳукуматнинг истеъфога чиқишини талаб қилдилар. Ҳамма жойда фашистлар отрядлари, полиция ва қўшинлар билан тўқнашувлар бўлиб ўтди. Мамлакат гражданлар уруши ёқасига келиб қолди. Фақат шундан кейингина реакция чекинишга мажбур бўлди. Генуядаги съезд барбод қилинди.

Италия НАТОни ташкил этишда қатнашибгина қолмасдан, балки АҚШ милитаризмига эшикларни кенг очиб қўйди. Американинг ҳарбий базалари мамлакатнинг кўпгина жойларида ташкил этилди. Италия НАТО жанубий қанотининг стратегик марказига айланиши билан бирга мамлакатнинг бутун ташки сиёсати АҚШга батамом бўйсундирилди. Бу йўл италия-совет муносабатлари ёмонлашувиغا олиб келди.

Италиянинг Фарбий Европа иктисодий интеграциясида иштирок этиши мамлакат экономикасини ривожлантириш манфаатларига мос келар эди. Бироқ бу жараён меҳнаткашларнинг манфаатларини ҳисобга олмасдан ва улар ҳисобига ривожланиб борди. Италия ЕИХ да иккинчи даражали ўринни эгаллади. «Умумий бозор»га аъзо бўлган бошқа мамлакатларнинг товарларига таможня чегараларини очиб қўйиш кўпинча италиялик майда мулдорлар учун оғир рақобатни англатар эди. Кўпгина эскириб қолган корхоналарнинг ёпилиши, автоматлаштиришнинг жорий этилиши ишсизлик ўсишига олиб келди.

Буларнинг барчаси ХДП нинг монопол идора қилишига қарши норозилик кучайишига ёрдам берди. ИКП буржуазиянинг сиёсатига қарама-қарши ўларок VIII съездда (1956 йил) пухта ишлаб чиқилган «структура ислохотлари» программасини — национализация қилиш, экономикани меҳнаткашлар манфаатларини кўзлаб программалаш, кенг аграр ислохот ўтказиш, майда деҳқонларни кооперациялаш, жанубни индустриялашни жадаллаштириш программасини илгари сурди. Кейинчалик «структура ислохотлари» социализм учун кураш босқичига олиб келиши керак эди. ИКП «структура ислохотлари» программасини амалга ошириш учун курашиб, омма билан ўз алоқаларини кенгайтиришга, 60-йилларда мамлакатнинг энг йирик партияси бўлиб қолишга муваффақ бўлди. Бу ҳол ХДП олиб бораётган антикоммунизм сиёсати, ИСП раҳбарлари компартия билан ҳаракат бирлиги пактини бузганлиги (1956 йил), буржуа партиялари билан ҳамкорлик қилишга ўтганлигига қарамай юз берди.

ХДПда 60-йиллар бошларига келиб гуруҳлар кураши бошланиб кетди. Ҳатто католицизмни янгилаш идеологи бўлган папа Иоанни XXIII ҳам Ватикан номидан бу йўлни қисман танқид қил-

ди. Агар унинг ўтмишдошлари коммунистларни черковдан ажратиб келган бўлсалар, Иоанн XXIII «ўзгача фикрловчилар» билан мулоқотга даъват қилди. Ватиканнинг янги йўл-йўриқлари юкори катламларда танглик юз берганлигидан далолат бўлди ва ХДПнинг «сўл марказ» сиёсатига ўтишини тезлаштирди.

**3. «Сўл марказ» ҳукуматлари. Италия 60—80-йилларда.** 1963 йилда ХДП мамлакатга раҳбариятида тўла устунлик қилишдан воз кечишга мажбур бўлди. «Сўл марказ» ҳукумати вужудга келди, бу ҳукуматга ХДПнинг (ўнглр, янги фашистлардан фарқли ўларок ўзини «марказ» деб ҳисоблар эди) ИСП билан ҳамкорлиги асос бўлган эди. «Сўл марказ» кабинетлари келишмовчиликлар социалистларни ХДП билан коалициядан воз кечишга мажбур қилган қисқа муддатли узилишларни ҳисобга олмаганда 1976 йилгача ҳокимият тепасида турди. Ҳукумат «сўл марказ» ҳукуматига айланиши муносабати билан ҳукмрон юкори табақаларнинг сиёсати ўзгардими? Маълум силжишлар юз берди. Улар асосан 60—70-йиллардаги янги вазият ҳамда меҳнаткашларнинг социал ислохотлар учун кураши туфайли келиб чиккан эди.

Италиянинг бу даврдаги иктисодий тараққиёти тез-тез рўй бериб турган инкирозлар ва кризислар билан боғлиқ эди. Барча капиталистик мамлакатларни камраб олган 1974—1975 йиллардаги кризис айниқса, оғир бўлди. Миллионлаб меҳнаткашларнинг муҳожир бўлиб кетиши Италиянинг кулфати бўлиб қолаверди (70-йилларда мамлакатдан ҳар йили тахминан 300 минг одам чиқиб кетар эди). Бу кишиларни иктисодий сабаблар ватандан «қувилишга ҳукм қилар» эди. Аҳоли оммавий суратда шаҳардан кишлоққа кочиб кетаётганлиги муносабати билан ҳам ислохотлар қилиш зарур эди. Бу ҳол уй-жой муаммосини кескинлаштириб юборди.

Кўпчилик халқнинг манфаатлари учун курашда ишчилар синфи етакчи куч бўлиб чикди. Иш ташлаш курашининг кўлами, қаттиқлиги ва хилма-хиллиги жиҳатидан Италия барча капиталистик мамлакатлардан ажралиб турар эди. Шу билан бирга ишчилар умуман мамлакатнинг ривожланиш йўлларига доир умуммиллий талабларни — ишлаб чиқаришни бошқаришда қатнашиш, нарх-навоми тартибга солиш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва шу каби талабларни ҳам илгари сурдилар.

Ишчилар синфининг энг нуфузли партияси, мамлакатдаги барча демократик кучларнинг авангарди аввалгидек ИКПдир. Унинг стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқишга партиянинг асосчиларидан бири ва унинг 1926 йилдан бери ўзгармас раҳбари бўлиб келган Пальмиро Т о л ь я т т и (1893—1964) катта ҳисса кўшди. Ҳозирги вақтда ИКП Бош секретари лавозимини Акилле О к к е т т о (1936 йилда туғилган) эгаллаб турибди. Компартия сафларида 1,6 миллион аъзо бор. У ҳамма вақт, барча сайловларда — ҳам умуммиллий, ҳам маҳаллий сайловларда сайловчилар овозининг 25 процентдан 28 процентигача олар ва парламентда,

хокимиятнинг бошқа маҳаллий органларида кең вакилликка эга эди. Коммунист сенатор ёки коммунист мэр Италиянинг сиёсий ҳаётида тез-тез учраб турадиган воқеа бўлиб қолди.

Демократик кучларнинг газийки остида, шунингдек, халқаро вазият империализм учун ноқулай тарзда ўзгарганлиги оқибатида «сўл марказ» ҳукуматлари монополияларнинг фаолиятини бир-мунча чеклаб қўйишга ҳамда социал-иктисодий электоратларни амалга оширишга мажбур бўлдилар. 60-йилларда электр энергетика саноати национализация қилинди. «Сўл марказ» монополиялар қаршилик кўрсатишига қарамай, 5 йилга мўлжалланган миллий иктисодий программани қабул қилди. Давлат туризмни рағбатлантирди, автострадалар қурди, нарх-навони тартибга солиб турди. Лекин бу тадбирларнинг ҳаммаси қутилган натижаларни бермади. Беш йиллик миллий иктисодий программа рўёбга чиқарилмади, чунки у нодемократик йўл билан (омманинг назоратсиз) ҳамда капиталистик тузумни химоя қилиш манфаатлари йўлида амалга оширилган эди (айрим монополияларнинг гаразли мақсадларини чеклаш умуман буржуазиянинг ҳукмронлигини мустаҳкамлар эди). Жужий ислохотлар — 40 соатлик иш ҳафтасини жорий қилиш, корхоналарда касабасоюзларнинг ҳуқуқларини кенгайтириш, ерни ижарага олувчиларнинг манфаатларини химоя қилиш, уй-жой қурилишида спекуляцияни чеклаш ҳақидаги қонунлар ва ҳоказолар — туб проблемаларни ҳал қила олмади. Оммавий ишсизлик, Жанубнинг сурункали қоқоқлиги, экономика ва сиёсатда монополияларнинг зўравонлиги сақланиб турди.

Монополиячилар ва ҳарбийларнинг анча қисми ислохотларга жон-жаҳди билан қаршилик кўрсатди ва прогрессив тадбирларни барбод қилишга, оммани кўрқитишга уринди. Унг партиялар «сўл марказ» коалициясини ўнг марказ коалицияси билан алмаштиришга ҳаракат қилиб, ҳукумат тангликларини чиқариб турди. 1974 йилда улар динга ишонувчиларни ўз тевақулига бирлаштириш ҳамда ораларида никоҳни бузишга қарши католиклар қўп бўлган сўл кучларни парчалаб юборишга ҳаракат қилиб, ажралиш тўғрисидаги қонунга қарши шов-шувли кампанияни кўтардилар. Бирок 32 миллион киши қатнашган референдумда овоз берганларнинг 60 проценти ажралиш ҳуқуқини ёқлаб чиқди.

60-йиллар охиридан бошлаб Италияда янги фашистларнинг террорчилик фаолияти — портлатишлар, босқинчиликлар, демократик арбобларни, одил судлов органларининг ходимларини, корхоналарнинг раҳбарларини ўғирлаш ва ўлдирish тўхтамади. Террор тўлкини анархияни келтириб чиқариши, республика тузумини путурдан кетказиши ва обивателни «кучли ҳокимият» зарурлигига ишонтириши керак эди. Террорчиларнинг фаолияти жазосиз қолиши у ёқда турсин, ҳатто ҳукмрон доираларнинг бир қисми томонидан қўллаб-қувватлаб ҳам турилди. У билан мафия — жанубда пайдо бўлиб, ўз панжаларини Шимолгагина эмас, балки чет мамлакатларга ҳам чўзган (у айниқса АКШдаги гангстерлар билан яқин алоқада), келиб чиқиши феодал бўлган

террористик ташкилотнинг активлиги бевосита чирмашиб кетди. Сохта революцион группировкалар ҳам ўнглارнинг тегирмонига сув кўйди. Юқори қатламларнинг айниши кучайди, коррупция ва ҳокимиятни сунистеъмом қилишларни фош этиш билан боғлиқ жанжаллар ана шундан далолат берар эди.

Хукуматдан яна ҳам илгарирок чикиб кетган социалистлар 1976 йилда уни парламентда ҳам қўллаб-қувватлашдан бош тортдилар. «Сўл марказ» тарқалиб кетди. Мамлакатда ҳукуматга коммунистларни жалб этиш, терроризмга барҳам беришга ва чуқур демократик ислохотларни амалга оширишга қодир бўлган умуммиллий коалицияни вужудга келтириш зарурлиги борган сари кучлироқ аён бўлиб бормокда эди. 1976 йилги сайлов натижалари ҳам шунга ундади. Бу сайловда коммунистлар сайловчилар овозининг 34,4 процентини олдилар.

ИКП таъсирининг ўсиши ўнг кучларнинг қутуриб ҳужум қилишига сабаб бўлди. НАТО ва АҚШ раҳбарлари агар коммунистлар ҳукуматга кирсалар, ҳар қандай иктисодий ёрдамни тўхтатиб қўйиш хавфи билан очикдан-очик кўрқитдилар. Ўнг ва «сўл» экстремистлар яна ҳам бебошлик билан ҳамкорлик қилишни ёқлаб чиққан ХДП раиси Альдо Моро ўғирлаб кетилди. Жиноятчиларни узок вақт қидириш самара бермади, бу эса ҳукумат кучсизгина бўлиб қолмай, балки юқори доираларда террорчиларни яширин суратда қўллаб-қувватлаб турилган зўр куч бор, деган хулосага олиб келар эди. Фожа Альдо Моронинг ўлдирилиши билан тугади, унинг жасади Рим кўчаларидан бирида машина ичидан топилди. Реакция айбни коммунистларга юклашга уриниб кўрди, чунки мана шу сиёсий бандитизмнинг ташкилотчиси сўл террорчи группировка — Қизил бригадалар эди. Бирок бу маневр иш бермади. Маҳаллий сайловлар ва 1978 йилдаги референдумлар террорни қатъиян қоралаган ва жамият хавфсизлигини тиклаш талабини илгари сурган компартия мамлакатни демократик асосда янгилаш учун курашда етакчи ўринни сақлаб қолганлигини кўрсатди.

ИКПнинг Италия буржуазиясининг асосий партияси билан тарихий компрамисс асосида ҳамкорлик ўрнатиш йўлидаги уриниши салбий оқибатларга олиб келди. Хукмрон партиялар ҳукумат омманинг манфаатларига зид бўлган ўринсиз чора-тадбирларни кўрганлиги учун масъулиятнинг бир қисмини коммунистлар зиммасига юклашга муваффақ бўлдилар. Бу ҳол 1979 ва 1983 йиллардаги парламент сайловларида компартия сайловчилар овозининг бир қисмини йўқотишга олиб келди. 1980 йилда ИКП «жанжалларга ботиб кетган ва давлатни барбод қилган» ХДП билан тил топиш йўлидаги уринишларни тўхтатишини айтди.

Ҳокимият танглигини ИСП лидери Беттино Краксининг беш партияли ҳукумати енгилашга уриниб кўрди. Бу ҳукумат 1983—1987 йилларда иктисодий ва социал сиёсатда ўнгга бурилишни мафияга қарши кураш ва католик черковининг имтиёзларини чеклаш билан қўшиб олиб борди. Бирок унинг 1987 йил ба-

хорида кулаши ҳукмрон донраларнинг барқарорликни ва демократик ривожланишни таъминлашга қодир эмаслигини яна бир бор кўрсатди.

Ташки сиёсат соҳасида Италия аввалгидек АҚШга қараб иш тутмоқда, НАТОнинг Европадаги Жанубий қанотини таъминламоқда. Ҳукумат мамлакат территориясини Америка ҳарбий базаларини жойлаштириш учун бериб қўйди ва СМТда катнашишга розилик берди.

Айни вақтда Италияда мустақил сиёсат юритиш тарафдорларининг сони кўпайиб бормоқда. СССР ва бошқа социалистик мамлакатлар билан иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий алоқалар кенгаймоқда.

#### Савол ва топшириқлар

1. Франция ва Италиянинг урушдан кейинги дастлабки йиллардаги ривожланишини таққосланг. Қандай ўхшашлик ва фарқларни кўрасиз? 2. Христиан демократларнинг 1948-1963 йиллардаги сиёсатининг синфий моҳиятини аниқланг. 3. «Сўл марказ» нима? «Сўл марказ» коалициясининг сиёсатини таърифлаб беринг. 4. Вақтли матбуот материалларини жалб қилган ҳолда ИКП ва Италиядаги бошқа сўл кучларнинг меҳнаткашлар манфаатлари, демократия ва тиричилик учун кураши тўғрисида ахборот тайёрланг.

#### 46-§. Испания, Португалия. Греция

Фашистлар Италияси ва гитлерчилар Германияси ҳалокатга учраганидан кейин Ғарбий Европада фашист диктатуралари: Испанияда — *Франко*, Португалияда — *Салазар* диктатуралари сақланиб қолди ва анча узоқ вақт яшади. Потсдам конференциясида СССР, Буюк Британия ва АҚШ ҳукумат бошлиқлари Франко тузумини фашистлар тузуми деб қораладилар ва Испанияга нисбатан иқтисодий ва сиёсий жазо чораларини қўллашни ёқлаб чиқдилар. БМТ Бош Ассамблеясининг тавсиясига кўра кўпгина мамлакатлар Испания билан дипломатия ва савдо алоқаларини узди. Мамлакатда Франкога қарши ҳаракат ривожланиб борди, бирканча районларда фашист диктатураси ўрнатилганидан кейин пайдо бўлган партизан отрядлари ўз ишларини шонли равишда адо эттирди. Бироқ Франко тузуми яшаб қолди. Бунга ғарб давлатларининг Потсдам конференциясида франкочилар тузумига нисбатан эъло қилинган йўлдан воз кечиш имконини берган «совуқ уруш» сиёсати ёрдам берди. АҚШ талаби билан БМТ Бош Ассамблеясининг резолюцияси 1950 йилда бекор қилинди, 1953 йилда эса АҚШ Испания билан ҳарбий пакт тузди. Бундай шароитда Франкога қарши ҳаракат вақтинча пасайди, партизанлар кураши тўхтади.

Португалиянинг АҚШ билан ҳарбий-сиёсий ҳамкорлиги иккинчи жаҳон уруши йилларидаёқ бошланган бўлиб, бу вақтда АҚШ Азор оролларида ҳарбий база барпо этган эди (1944 йил). Бу ҳол ўз тузумини «либераллаштиришни» эъло қилган Салазар диктатурасининг сақланиб қолишига ёрдам берди. Тез орада

Португалия «Маршалл плани» доирасида АҚШ дан иктисодий ёрдам олди, 1949 йилда эса НАТОга аъзо бўлди.

**1. Испанияда франкочилар тузумининг йўқотилиши ва унинг демократик тараққиёт йўлига кириши.** Иккинчи жаҳон урушидан кейин Испания экономикасида давлат-монополистик капитализмнинг роли анча ошди. Чет эл монополияларига ўз маблағларини Испания корхоналарига солишга рухсат берилганлиги мамлакатга АҚШ ва бошқа гарб давлатларининг капитали кенг кўламда кириб келишига йўл очиб берди. 60-йилларда Испания индустриал-аграр давлатга айланди. Саноат маҳсулотининг ўсиш суръатлари жиҳатидан у фақат Япониядан орқада эди, холос. Юз минглаб испанларнинг пул топиш учун Г'арбий Европа мамлакатларига кетиши вақтинча ишсизлик муаммосини йўқ қилди.

Индустриялаш жараёни ишчилар синфи, ўрта қатламлар, техника интеллигенциясининг сонини кўнайишига олиб келди. 60-70-йилларда ишчилар синфи франкочилар тузумига қарши курашини кучайтирди. Соҳибкорлар корхоналарда пайдо бўлган, иш ташлаш ҳаракатини танкил этиб турган *Ишчи комиссиялар* билан ҳисоблашини мажбур эдилар. Испания коммунистик партияси (ИКП) чуқур подпольеда иш олиб бориб, диктатурага қарши курашиш ва уни «қонли кураш ва ўзаро урушларнинг янги даврисиз гражданик эркинликлари тузуми» билан алмаштириш учун барча испанларни бирлаштиришга қаратилган «миллий тотувлик» сиёсатини ўтказди. Бу сиёсатни бошқа оппозициячи кучлар тушуниш билан қарши ола бошладилар.

70-йилларда бошқа капиталистик мамлакатларда бошланиб кетган кризис Испания экономикасини ҳам издан чиқарди. Чет элдан испан ишчиларининг қайтиб келиши ва оммавий эмиграциянинг тўхташи ишсизликнинг ўсишига олиб келди. Франкога қарши ҳаракат кучайиб борди. Бу курашга студентлар, зиёлилар қўшилдилар. Каталония ва Басклар мамлакатида миллий автономияни тиклашга қаратилган ҳаракат ривожланди. 70-йилларнинг ўрталарида мамлакатда 300 га яқин оппозициячи ташкилот иш олиб борди.

1975 йил ноябрда 82 ёшли Франко вафот этди. 1931 йил революциясида ағдариб ташланган король Альфонс XIII нинг невераси Хуан Карлос I (1938 йилда туғилган) давлат бошлиғи деб эълон қилинди. 1947 йилдаёқ Франко уни ўзининг вориси деб эълон қилган эди. Король Испанияда ўзгаришлар қилиш зарурлигини эҳтиёткорлик билан айтди. Король тайинлаган ҳукумат аъзоларининг кўчининги гражданилар урушида иштирок этмаган ва ўтмишда Франко билан яқиндан боғланган эмас эди. «Юкоридан» туриб ўтказиладиган ислохотлар йўли билан франкочилар тузумининг асосий негизларини аста-секин тугатиш сиёсати амалга оширилади бошлади. Лекин бу жараёнда испанияликларнинг кўпчилиги мамлакатни демократиялашга интилаётганлиги ҳал қилувчи роль ўйнади.



1977 йил октябрда ҳукумат билан сиёсий партиялар, шу жумладан коммунистлар, социалистлар ва бошқалар ўртасида «Монклоа пакти» (ҳукумат резиденциясининг номидан олинган) имзоланди. Бу пакт мамлакат экономикасини барқарорлаштириш ва сиёсий ислохотлар ўтказиш: янги конституция қабул қилиш, ишчиларга давлат корхоналарига раҳбарлик қилишда қатнашиш ҳуқуқини бериш ва шу қабила юзасидан бир қанча чораларни амалга оширишни назарда тутган эди. 1979 йил январда конституция кучга кириб, у Испанияда парламентар монархияни қарор топтирди. Қонун чиқарувчи ҳокимият икки палатали парламент — *кортеслар* томонидан амалга оширилади, улар ҳукуматнинг фаолиятини контроль қилиб турадилар. Басқлар мамлақати, Каталония ва бошқа миллий районлар автономия ҳуқуқини олишди. Шундай қилиб, франкизмнинг сиёсий системасига барҳам берилди.

Буржуа-реформистик ҳукуматлар жиддий иқтисодий ва сиёсий проблемаларни ҳал қилишга қодир бўлмадилар. Мамлакатнинг баъзи областлари иқтисодий жихатдан қолоқ бўлиб қолаверди, саноатда фан-техника революцияси ютуқлари секин жорий этилди, ишсизлик ўсиб борди. Демократиялаш жараёни реакцион кучларнинг қаршилиқ кўрсатиши туфайли секинлашиб қолди. Бу кучлар 1981 йил февралда давлат тўнтариши қилишга уриндилар. Буларнинг барчаси шунга олиб келдики, 1982 йилда *кортесларга ўтказилган сайловда Испания социалистик ишчи партияси (ИСИП)* ғалаба қозонди, унинг лидери Фелипе Гонсалес (1942 йилда туғилган) 1936 йилдан кейин биринчи сўл ҳукуматни тузди. Ҳукумат ҳокимият тепасида турган вақтда (1986 йилда *кортесларга ўтказилган сайловда ИСИП* яна ғалаба қозонди) ўзининг бир қанча ваъдаларини бажарди: иш ҳафтаси 42 соатдан 40 соатгача қисқартирилди; отпусқа 30 кунгача узайтирилди, куролли кучлар ҳукумат контроли остига олинди. Бироқ ҳукумат иқтисодий қийинчиликларни енгиш мақсадида амалга оширган «каттик тежаш» тартиби, пулнинг қадрсизланиши ўсиши ва юқори даражадаги ишсизлик 1986 йил охирида 3 миллион кишидан ортик меҳнатқашларнинг норозилигини туғдирди.

ИСИП оппозицияда бўлган вақтида Испаниянинг НАТОдан чиқишини ёқлаган эди, лекин ҳокимият тепасига келгач, ўз позициясини ўзгартирди ва 1986 йилда ўтказилган референдумда унинг қатнашчиларининг 52,5 проценти НАТОда аъзо бўлиб қолишни ёқлаб овоз беришига эришди. Шу билан бирга АҚШ билан тузилган битимга мувофиқ уч йил мобайнида 79 америка ҳарбий самолёти Испаниядаги ўз базасини ташлаб кетиши керак. Иқтисодий соҳада Испания Фарб билан маҳкам боғланган: 1986 йилда у «Умумий бозор»га аъзо бўлди.

Гонсалес ҳукуматида оппозицияда ўнг партиялар блоқи — *Халқ коалицияси* (1982 йилда тузилган; *Халқ Альянси*, *Халқ-демократик ва Либерал* партияларни бирлаштиради) туради, у йирик ва қисман ўрта буржуазиянинг, ўнг клерикалларнинг

манфаатларини нфода этади. Мамлакатда католик черкови катта таъсирга эга. ИСИП сиёсатини сўлдан коммунистлар танқид қилдилар. Еттига сиёсий партия, шу жумладан 1989 йилда ягона партияга бирлашган *Испания Коммунистик партияси* ва *Испания халқлари Коммунистик партияси* кирган *Бирлашган сўллар* блоки муваффақиятга эришди.

**2. Португалияда «Чинни гуллар революцияси».** Ярим аср давом этган фашистлар диктатураси — 70-йиллар бошига келиб Португалия Ғарбий Европадаги энг қолоқ мамлакатлардан бири бўлиб қолганлигининг сабабидир. Мамлакатнинг асосий бойликларини эгаллаб олган чет эл монополияларининг зўравонлиги, қишлоқ хўжалигида латифундиячи помешчиклар ҳукмронлик қилиши мамлакат экономикасини чуқур кризисга олиб келди. Икки миллионга яқин португалиялик иш қидириб чет элга чиқиб кетди. Португалия армияси Ангола, Мозамбикни ва Африкадаги бошқа мустамлакаларни сақлаб қолиш учун олиб борган мустамлакачилик уруши туфайли халқнинг қулфатлари янада ортди. Халқнинг фашист диктатура сиёсатидан норозилиги армияда ҳам ўз аксини топди. Унинг майда буржуа оилаларидан чиқиб, университетни битирганлар ҳисобига тўлдириб борилган офицерлар состави аста-секин аввалги табақалик характерини йўқотди.

1974 йил бошларига келиб армия қисмларида асосан кичик ва ўрта офицерларни бирлаштирган *Қуроли кучлар ҳаракати* (ККХ) («капитанлар ҳаракати») шаклланди. ККХ Португалияда демократик тузум ўрнатишини ва мустамлакачилик урушини тўхтатишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

**1974 йил 25 апрелда** иккита радиостанция шартли сигнал берди ва бу сигнал бўйича Қуроли кучлар ҳаракати фашист диктатурани қулатди. Ҳукумат бошлиғи М. Каэтану (диктатор Салазар 1970 йилда вафот этган эди) ҳокимиятни ККХ раҳбарлари қўлига топширди. «Чинни гуллар революцияси» (бу ном халқ кўзғолончиларнинг танқидларини, ККХ солдатлари эса ўз қуроллари чинни гуллар билан беэзаганлиги туфайли келиб чиққан) *антиимпериалистик, антифашист, демократик* характерга эга эди. Фашист диктатурага қарши курашда кенг халқ оммаси — ишчилар, қишлоқ хўжалик пролетариати, майда буржуазия, зиёлилар, студентлар ККХ билан иттифок бўлиб фаол иштирок этдилар.

ККХ ўз состави жиҳатидан бир хил эмас эди — у революцион ва консерватив элементларни, шунингдек кўпгина сўлларни бирлаштирган эди. Ҳаракатнинг консерватив қаноти вакиллари томонидан тузилган ККХ программаси антимонополистик сиёсат олиб бориш, меҳнаткашлар оммасининг манфаатларини ҳимоя қилиш ва аста-секин халқнинг турмушини яхшилаш зарурлигини ғоят умумий тарзда эълон қилган эди. ККХнинг кўпгина раҳбарлари барча сиёсий партияларга ишончсизлик билан қарар, ККХ «бўтув халқнинг партияси» бўлиши керак, деб ҳисоблар эди.

Революциянинг бошлариданок ККХнинг консерватив қаноти унинг бундан буёнги ривожланишини тўхтатиб қўйишга уринди.

лекин бу уринишлар меҳнаткашлар оммасининг актив иштирокида бостирилди. Янги ҳокимият органлари — *Миллий қутқариш кенгаши* ва *Муваққат коалицион ҳукумат* — социалистлар, коммунистлар ва бошқа партияларнинг вакилларини ўз ичига олган эди. 1975 йил апрелида ҚҚХ билан сиёсий партиялар ўртасида бир қанча радикал ўзгаришлар қилишни назарда тутадиган, бўлажак конституциянинг характерини белгилайдиган битим имзоланди. ҚҚХ революцион қонунчиликнинг гаранти бўлиб чикди.

1974—1975 йиллар мобайнида Португалияда бир қанча муҳим ўзгаришлар амалга оширилди: монополистик капиталга қаршли банклар, темир йўллар, корхоналар национализация қилинди. Бу национализация иккинчи жаҳон урушидан кейин Англия ва Францияда амалга оширилган национализациядан анча фарқ қилар эди. Португалияда корхоналарда ишчилар контроли органлари тузилди, меҳнаткашларнинг вакиллари национализация қилинган фабрикалар ва заводларнинг бошқармалари таркибига киритилди. Аграр ислохот натижасида Жанубдаги латифундиячилардан экспроприация қилиб олинган ер давлат мулкига айланиб, давлат уни қишлоқ хўжалик ишчилари ташкил этган кооперативларга фойдаланиш учун берди. Майда деҳқон ер эгаллиги устуңлик қилган Шимолда ислохот ўтказилмади.

1975 йил апрелда *Таъсис мажлиси*га ўтказилган сайловда сўл партиялар сайловчиларнинг кўпчилиги овозини қўлга киритдилар. Бирок бу вақтда сўл кучларда ажралиш бошланди: социалистларнинг раҳбарлари антикоммунистик позицияларда туриб сўзлай бошладилар, армия қўмондонлигидаги аввалги ихтилофлар кескинлашди, ДҚХ га раҳбариятидан прогрессив кайфиятдаги бир қанча офицерлар чиқарилди. Сўл элементларнинг авантюристларча чиқиши муносабати билан вазият кескинлашди, бу чиқиш бостирилди. Ўнглларнинг давлат тўнтариши қилиш йўлидаги ҳамма уринишларини меҳнаткашларнинг оммавий чиқишлари туфайли бартараф этишга муваффақ бўлинди.

Таъсис мажлиси сўл партияларнинг овозлари билан 1976 йил апрелда *Португалия Республикасининг* конституциясини қабул қилди. Унинг преамбуласида конституция «португал халқининг иродасини ҳурмат қилган ҳолда социалистик жамият қуриш учун йўл очиб беради», дейилган эди. Конституция 1974 йил революциясининг ютуқларини мустаҳкамлади.

1975 йил ўрталаридан бошлаб реакцион кучлар ҳужумга ўтишди. Бир-бири билан ўрин алмашиб турган социалистлар ва ўнғ буржуа партияларининг ҳукуматлари монополистик капитал позицияларини тиклаш сиёсатини олиб бордилар. 1982 йилда улар конституцияга тузатишлар киритилишига, Португалиянинг социалистик тараққиёт йўли тўғрисидаги қоидалар чиқариб ташланишига эришдилар. Национализация қилинган сектор корхоналарида ишчиларнинг вакилларини раҳбарликдан четлатишар, қишлоқ хўжалик кооперативларининг фаолиятини турли йўллар билан чеклашар, уларни аграр ислохот бўйича олган ерларидан маҳрум

килишга уринишар эди. Бундай сиёсат экономикада тургунликка олиб келди. 80-йиллар бошларида аҳоли жон бошига тўғри келадиган миллий даромад бўйича Португалия Фарбий Европадаги ривожланган мамлакатлардан 4—6 баравар орқада эди. Унинг 1986 йилда «Умумий бозор»га кириши ишсизлик ва пулнинг кадр-сизланиши ўсишига олиб келди.

Меҳнатқашлар апрель революцияси ютуқларини саклаб қолиш учун кураш олиб бормоқдалар. Бу курашда Алвара Куньял (1913 йилда туғилган) бошчиллигидаги *Португалия Коммунистик партияси* ПКП фаол роль ўйнамоқда. ПКП ишчилар синфининг бирлигини ёқлаб чиқмоқда, биргаликда куч-гайрат сарфлаб, реакциянинг позициялари мустақкамланишига йўл қўймастик учун социалистлар билан ҳамкорлик қилишга тайёр эканлигини билдирмоқда. 1986 йил февралда бўлган президент сайловида социалистик партиянинг лидери Мариу Соареш (1924 йилда туғилган) ПКП мададида ўнг партияларнинг номзоди устидан ғалаба қозонди.

**3. Грецияда демократик кучлар билан реакция кучлари ўртасидаги кураш.** Гитлерчи оккупантлар қувиб чиқарилганидан кейин (1944 йил октябрь) грек халқи олдида халқ демократияси йўлидан бориш имконияти пайдо бўлди. *Греция коммунистик партияси* (ГКП) раҳбарлик қилган *Миллий озодлик fronti* (ЭАМ) нинг антифашист кураши жараёнида халқ ҳокимияти органлари тузилган эди. Бирок гитлерчилар Грецияни ташлаб чиқиб кета бошлаган вақтда унинг территориясига тушган инглиз кўшинлари ёрдамида реакция демократик ҳаракатни бостиришга муваффақ бўлди. Мамлакатда монархия тузуми тикланди. Реакция кучлари билан демократия кучлари ўртасидаги кураш гражданлар урушига олиб келди, бу уруш 1946 йил мартдан 1949 йил октябрга қадар давом этди. АҚШ мададида ҳукумат кўшинлари *Греция демократик армиясини* мағлубиятга учратди. Минглаб ватанпарварлар қатл этилди, компартиянинг фаолияти тақиқлаб қўйилди.

Реакция ғалаба қилиши натижасида Грециянинг чет эл монополияларига қарамлиги кучайди. 1952 йилда Греция НАТОга кирди, 1953 йилда ўз герриторияларини ҳарбий базалар қуриш учун АҚШга бериш тўғрисида у билан тенг ҳуқуқли бўлмаган битимлар тузди. Мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий аҳволи барқарор эмас, аҳолининг турмуш даражаси Европадаги энг паст даражалардан бири эди. Иқтисодий кийинчиликлар ҳамда демократик кучларнинг реакция ҳукмронлигига қарши кучайиб бораётган кураши шароитида 1967 йил 21 апрелда бир гуруҳи армия офицерлари давлат тўнтариши қилди. «Қора полковниклар»нинг ҳарбий-фашист диктатураси ўрнатилди. Ҳукуматдаги ва давлат аппаратидаги муҳим лавозимларни ҳарбийлар эгаллашди. Сиёсий партияларнинг фаолияти тақиқланди, кўплаб кишилар қамокка олинди.

Янги тузум деҳконларни қарзлардан озод қилиш, иш ҳақи ва пенсияларни, кичик офицерларга тўланадиган маошларни кўпайтириш, монархияни тугатиш ва Грецияни республика деб эълон қилиш (1973 йил 1 июнь) каби тадбирлар билан омма орасида таянч орттиришга муваффақиятсиз уринди. «Қора полковниклар» сиёсати натижасига Грециянинг чет эл монополиялари ва АҚШга қарамлиги кучайди, бу сиёсат фақат меҳнаткашлардагина эмас, балки буржуазиянинг бир қисмида ҳам норозилик туғдирди. Ҳарбий йўл билан «энозис»ни — Кипрни Грецияга қайта қўшишни — амалга ошириш йўлидаги муваффақиятсиз уриниш шунга олиб келдики, оролга турк қўшинлари тушди ва мамлакат Туркия билан урушиш хавфи остида қолди. Бу ҳол халқни шу қадар қаттиқ ғазаблантириб юбордики, натижада 1974 йил 23 июлда ҳарбий хунта ҳокимиятни граждан ҳукуматига топширишга мажбур бўлди.

Буржуа парламент демократияси тиклангач, сиёсий маҳбуслар авф қилинди, давлат аппарати аввалги ҳужумнинг кўпгина тарафдорларидан тозаланди. Йирик молия-саноат буржуазиясининг манфаатларини ифода этган, чет эл капитали билан боғланган «Янги демократия» партиясининг ҳукумати иктисодий ва сиёсий проблемаларни ҳал қилмади. Демократик эркинликлар чекланди, компартия таъқиб остига олинди. Грециянинг «Умумий бозорга» кириши (1981 йил январь) иктисодий қийинчиликларни яна ҳам ошириб юборди. Мамлакатнинг кучсиз экономикаси «Умумий бозорнинг» шароитларига қийинчилик билан мослашди, кўпгина корхоналар ёпиб қўйилди.

1981 йилда ўтказилган парламент сайловларида *Бутун грек социалистик ҳаракати* партияси (ПАСОК) ғалаба қилди. Бу партиянинг социал базаси шаҳар ва қишлоқ майда буржуазиясидан, зиёлиларнинг бир қисмидан, ўрта ҳол буржуазиядан иборат. Партия миллий мустақиллик, «мамлакатни социалистик асосда қайта қуришнинг грекча демократик тинч йўли» шиорлари остида чикди. Партия лидери Андреас П а п а н д р е у (1919 йилда туғилган) бошчилигидаги ПАСОК ҳукуматининг ҳокимият тепасига келиши сўл томон бурилишни англатар эди. Парламентнинг, маҳаллий ҳокимият органларининг ҳукуқлари кенгайди, монополияларнинг ўзбошимчалиги бирмунча бўшашди. Греция америка ҳарбий базаларининг тугатилишига эриша олмади, лекин «фавқулодда вазият» туғилган тақдирда уларнинг фаолиятини чеклаш ҳуқуқини олди. Мамлакатнинг НАТО ҳарбий ташкилотида иштирок этишини тўхтатиш учун ҳаракат кучайиб бормокда.

Амалга оширилаётган социал-иктисодий характердаги чоратадбирлар — меҳнаткашлар учун уй-жойлар қуришга кредит бериш, пенсиялар ва иш ҳақини ошириш, майда ва ўрта соҳибкорлар учун имтиёзларни кенгайтириш — кўп жиҳатдан «қаттиқ тежаш» сиёсати туфайли кадрсизланиб қолмокда. Ишсизлик даражаси юқори. Ҳарилаос Ф л о р а к и с (1914 йилда туғилган)

бошчилик қилаётган Греция Коммунистик партияси Грециянинг мустақиллигини кучайтиришга, монополистик капитал фаолиятини чеклаб қўйишга қаратилган тadbирларни қўллаб-қувватламокда, лекин мамлакатнинг кескин социал-иқтисодий проблемаларини ҳал қила олмаётганлиги учун ПАСОК сиёсатини танқид қилмокда.

#### Савол ва топшириқлар

1. Нима сабабдан иккинчи жаҳон уруши тамом бўлганидан кейин деярли 30 йил мобайнида Пиреней ярим оролида фашист тузумлар сақланиб қолди? 2. Франкизм тинч йўл билан тугатилишига қандай факторлар сабаб бўлди? 3. Португалиядаги «чинни гуллар революцияси»нинг характери ва йўналишини аниқланг. 4. Испания ва Португалиядаги фашист тузумлар йўқотилган шароитларни Грециядаги «қора полковниклар» ҳукмронлигининг кулаши билан таққосланг. 5. Ижтимоий тараққиёт Испания, Португалия ва Греция халқлари олдига қўйган ва теварагида сиёсий кураш авж олиб бораётган проблемаларни кўрсатиб ўтинг.

#### 47-§. Япония

(Иккинчи жаҳон урушининг Япония учун яқунларини эсланг, 23—24-§.)

1. Япониянинг урушдан кейинги дастлабки йиллардаги тараққиёти. Урушдан енгилганидан кейин Япония АҚШ қўшинлари томонидан оккупация қилинди. 1952 йил бошларигача давом этган оккупация даври унинг иқтисодий ривожланишига, ички ва ташқи сиёсатига катта таъсир кўрсатди.

Япония учун Иттифок Кенгашининг ва Узоқ Шарқ комиссиясининг аъзоси бўлган СССР бу мамлакатни демократиялашда катта роль ўйнади.

Урушдан кейин Японияда муҳим ўзгаришлар амалга оширилиб, улар 1968 йил революцияси ҳал қилмаган вазифаларнинг амалга оширилишини ниҳоясига етказди. (Янги тарих, 1871—1917: Ўрта мактабларнинг 9-синфи учун дарслик — Т., 1988.—8, 10-ларга қаранг.) 1947 йилда қабул қилинган конституция демократик ҳуқуқлар ва эркинликларни эълон қилди хотин-қизларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқлилигини, умумий сайлов ҳуқуқини жорий этди. Япония конституцион монархия бўлиб қолди, парламентнинг ҳуқуқлари кенгайтирилди. Илгари бутун хокимиятга эга бўлган император номигагина «давлатнинг ва халқ бирлигининг рамзи» бўлиб қолди. 9-моддада миллатнинг суверен ҳуқуқи сифатида урушдан, шунингдек халқаро низоларни ҳал қилиш воситаси тарзида қуролли кучни қўллаш таҳдидидан ёки қўллашдан воз кечилганлиги ёзиб қўйилган эди. Япониянинг ўз қуролли кучларига эга бўлиши тақиқлаб қўйилган эди.

Аграр ислохот йирик ер эгалигини йўқотди. Давлат помешчик ерларининг кўпчилик қисмини ҳақ тўлаш эвазига деҳқонларга топширди. Энг йирик монополиялар (дзайбацу) тарқатиб юборилиши керак эди, реакцион ташкилотлар эса тақиқланди. Меҳнат

гўғрисида қонуи қабул қилинди, мактабда ўқитиш системаси ислох қилинди. Демократик ислохотлар халқ оmmasининг сиёсий активлиги ўсишини, ишчилар ҳаракатининг ривожланишини рағбатлантирди.

Агар урушдан олдинги Японияда буржуазия ҳокимиятни ҳарбий-монархиячи юқори қатламлар ва помещиклар билан баҳам кўришга мажбур бўлган бўлса, урушдан кейин Япония феодал сарқитларга эга бўлган тоталитар-милитаристик буржуа давлатидан буржуа-демократик типдаги ҳозирги замон капиталистик давлатига айланди. Мамлакатда ҳокимият монополизтик капитал позицияларини мустаҳкамлаш йўлини тутган йирик буржуазия ва амалдорлар бюрократияси қўлида қолди. Бунга америка оккупациячи маъмурулари бутун чоралар билан ёрдам бердилар.

50-йил ўрталарида мамлакатдаги икки асосий сиёсий лагеръ — консерватив ва прогрессив лагернинг кутбларга ажраллини тугалланди. Уша вақтдан бери ҳокимият тенасида узлуксиз *Либерал-демократик партия* (ЛДП) туриб келмоқда. ЛДП молия олигархиясининг кучли мададига таяниб, гарчи ўзини «умумхалқ партияси» деб гарниб килса-да, энг аввало йирик буржуазиянинг манфаатларини ҳимоя қилади. ЛДП раҳбарлари ўзларининг бир партияни ҳукуматлари юритаётган сиёсатин монополизтик капитал ташкилоглари билан мувофиқлаштириб туради.

1945 йилда ташкил этилган *Япония социалистик партияси* (ЯСП) ва 1945 йилда подпольедан чиққан *Япония коммунистик партияси* (ЯҚП) асосий оппозициячи партиялар бўлиб қолди. ЯСП билан ЯҚПнинг социал базаи умумий бўлгани ҳолда, идеологик йўл-йўриқларидаги принципиал тафовутлар демократик кучларининг бирлашган фронтини ташкил этиш имкониятини исетино қилар эди. Бундан ташқари ЯСП ўз состави жиҳатидан бир хил бўлмай, бу ҳол унинг сўя ва ўнг партияга бўлиниб кетишига олиб келди. Бу нарса йирик капиталнинг сиёсий ва социал жиҳатдан маневр қилиши учун йўл очиб берди.

50-йилларда халқ хўжалигини тиклаш тугалланди. Экономикада олтига молия-монополизтик гурушаси мустаҳкам позицияни эгаллаб олди. Уларнинг баъзилари (Мицубиси, Мицуи, Сумитомо) эски концериларни тубдан қайта қуриш патижасида, бошқалари эса янгидан пайдо бўлди.

**2. Иқтисодий ўсиш. Ички сиёсат.** 50-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб япон экономикаси гуркираб ривожланиш даврига кирди ва бу давр 1973 йилга қадар давом этди. Саноат техникавий қатқоқликни енгиб, ФТР нинг энг янги ютуқлари билан қуролланди ва улардан усталик билан фойдаланди. Экономикада огир индустрия етакчи ўринни эгаллади. Япония учун янги бўлган тармоқлар — нефть химияси, синтетик газламалар ишлаб чиқариш, радиоэлектроника, автомобилсозлик ривожланиб борди. Экономиканинг ингенсив ривожланишига давлат анча ёрдам кўрсатди. Япония Америкадан катта-катта кредитлар олди. Узок вақт мобайнида мамлакат ҳарбий мақсадлар учун маблағ сарфламасдан

асосий куч-гайратини иктисодий ривожланишга қаратди. Экономика юқори суръатлар билан ўсишининг асосий сабабларидан бири иш кучи юқори малакали бўлгани ҳолда иш ҳақининг пастлиги эди. Натижада Япония саноат ишлаб чиқаришининг ҳажми жиҳатидан Ғарбий Европа мамлакатларидан ўзиб кетди ва капиталистик дунёда АҚШдан кейин иккинчи ўринга чиқиб олди, империалистик рақобатнинг асосий марказларидан бирига айланди.

Экономика тез ривожланиши билан бирга жуда катта тармок ва тармоқлараро комплекслар барпо этилди, энг янги технологиялар жорий қилинди. Монополизация жараёни янги босқичга кирди. Лекин майда ишлаб чиқариш бошқа ривожланган мамлакатлардагига қараганда Японияда ҳали ҳам анча катта роль ўйнамоқда. Арзон иш кучидан фойдаланиладиган унча катта бўлмаган корхоналар йирик ишлаб чиқаришни деталлар ва ярим тайёр маҳсулотлар билан таъминлайди, хилма-хил маҳсулот ишлаб чиқаради.

Ишчилар синфининг составида, меҳнатни ташкил этишда ҳамда меҳнаткашлар катта отрядларининг меҳнат фаолияти характерида муҳим ўзгаришлар юз берди. Ишчилар синфи сон жиҳатдан ўсди, унинг сафларини билимли ёш ишчилар тўлдирди. ФТР ривожланиши билан иш кучини такрор ишлаб чиқариш шароитлари яхшиланди. Бу ҳол монополиялар ўз фойдалари ўсганлиги муносабати билан ён берганлиги ҳамда ФТР шароитида иш кучининг нархи ошганлиги натижасида юз берди. Йирик корхоналарда бир умрга ишга ёллаш системаси ҳамда юқори унумли меҳнатни рағбатлантириб келаётган ҳукмрон синфнинг социал сиёсати муҳим аҳамиятга эгадир.

Япон меҳнаткашлари яхши овқатланадиган, яхши кийинадиган бўлиб қолдилар. Улар узок фойдаланиладиган товарлардан ва турли хизматлардан фойдаланадилар, бўш вақтларини хилма-хил ўтказадилар, умумий таълим, хунар-техника ва маданий савияларини ошириш имконига эгадирлар. Японияда умрнинг узунлиги жаҳондаги энг юқори поғоналардан бирида туради. Бирок турмуш шароитидаги бу силжишлар бошқа муҳим томонларга — уй-жой, транспорт соҳасидаги аҳволга, социал страхование системасига, медицина хизмати кўрсатишга, атроф-муҳитнинг аҳволига таъсир кўрсатмади. Натижада мавжуд эҳтиёжлар билан уларнинг реал кондирилиши ўртасида фарқ сақланиб қолмоқда.

70-йилларда иктисодий ўсиш суръатлари секинлашди. 1974—1975 йилларда Япония кризисга учради, бу кризис урушдан кейинги даврдаги энг кучли ва узок давом этган кризис бўлди. 80-йиллар бошида Япония экономикаси яна турғунлик ҳолатини бошидан кечирди. Мамлакатнинг хом ашё ва ёкилғини импорт қилишга боғлиқлиги иктисодий таназзуллар даврида ҳаётнинг кўпгина томонларига ёмон таъсир кўрсатди.

**3. Ташқи ва ҳарбий сиёсат.** Япониянинг иктисодий потенциали ўсиши билан бирга миллатчилик ҳам кучайиб, 70-йилларда сиёсий ва идеологик ҳаётнинг жиддий факторига айланди. Ташқи сиёсий



фаолият активлашди. Бу фаолиятдан мақсад Япониянинг халқаро майдондаги ролини унинг жаҳон капиталистик экономикасидаги мавқеига мувофиқлашдан иборатдир. Япония фирмалари АҚШ, Ғарбий Европа, Осиё, Африка, Латин Америкаси мамлакатларида актив фаолият бошлаб юборди. Уларнинг ривожланаётган мамлакатларга кириб бориши энг аввало янги энергетика ва хом ашё ресурсларини, япон маҳсулотини сотиш бозорларини ўзлаштириш билан боғлангандир. Жануби-Шарқий Осиё мамлакатлари, шунингдек Хитой билан муносабатларни ривожлантиришга айниқса катта аҳамият берилмоқда.

Урушдан кейинги барча йиллар мобайнида АҚШ билан ҳамкорликни мўлжаллаб иш тутиш Япония ташқи сиёсатининг асосидир. 1951 йил сентябрда АҚШ ҳамда Японияга қарши урушда қатнашган бошқа капиталистик давлатлар Сан-Францискода сулҳ шартномасини имзоладилар. Социалистик мамлакатлар бу хужжатга ўз имзоларини қўйишдан бош тортдилар ва буни шартноманинг мазмуни уруш даврида Япония тўғрисида иттифоқчилар эришган битимга зид эканлиги билан исботладилар. Шартнома кучга кириши билан Американинг Японияни оккупация қилиши тугади. Лекин айни вақтда АҚШ япон халқининг оммавий норозилик ҳаракатига қарамай, Токиони икки мамлакат ўртасида ҳарбий-сиёсий иттифоқни расмийлаштирган «хавфсизлик шартномаси»ни қабул қилишга мажбур этди. 1960 йилда шартнома қайта кўриб чиқилди ва 1970 йилдан бошлаб ўз-ўзидан узайтирилаверади. Япония территориясида Американинг 116 ҳарбий объекти бўлиб, уларда АҚШнинг 47 мингдан ортиқ ҳарбий хизматчиси жойлаштирилган.

Вьетнамдаги уруш тамом бўлганидан кейин (1973 йил) япон-америка ҳарбий системасини «хавфсизлик негизи» сифатида мустаҳкамлаш ва АҚШ билан ҳарбий ҳамкорликни кучайтириш йўлига ўтилди. Вашингтон Японияни Осиё-Тинч океани регионидagi ўзининг асосий ҳарбий-сиёсий иттифоқчиси деб билади. Кейинги йилларда Япония қуролларини кўпайтириб, ҳарбий соҳадаги куч-ғайратларини борган сари кўпроқ НАТО билан мувофиқлаштирмоқда. АҚШ уни ўзининг ракета-ядро стратегиясини ва СМТ прогаммасини амалга оширишга тортди.

Япония конституцияни бузиб, 1954 йилда «ўз-ўзини мудофаа қилиш кучлари»ни ташкил этди. Ҳозир бу кучлар замонавий қуроллар билан таъминланган доимий мунтазам армиядир. Ҳарбий бюджет йил сайин ўсиб бормоқда. Милитаристик ташкилотлар ўз фаолиятларини бошлаб юборди, аҳолини шовинистик руҳда идеологик жиҳатдан тарбиялаш давом этмоқда. Япониянинг «мумтозлиги»ни ва унинг таракқиёт йўли «алоҳидалигини», япон миллати фақат Осиёдаги эмас, балки бутун дунёдаги бошқа халқлардан «устунлиги»ни пропаганда қилишга катта эътибор берилмоқда.

Хиросима ва Нагасакига атом бомбалари ташланганидан кейин япон халқи орасида пацифистик кайфиятлар кучли эканлигини ҳисобга олиб, ҳукумат 50-йиллардаёқ учта «ядросиз принципни»:

ядро куролни яратмаслик, унга эга бўлмаслик ва уни мамлакатга олиб келмаслик принципини расмий сиёсат деб эълон қилди. Бироқ бу принциплар қонун билан мустаҳкамлаб қўйилмаган бўлди, бу ҳол уларни бузиш учун шаронг яратади. Американинг ядро куроли орнотган ҳарбий кемалари япон портларига кирмоқда. Хукуматнинг учга «ядросиз принцип» хусусидаги позициясида қўйилган ветинолар пайдо бўлди.

СССР билан Япония муносабатлари 1956 йил октябрда томонлар ўзаро уруш ҳолатини тўхтатиш тўғрисидаги қўшма декларацияни имзолашлари билан кейин тикланди. 1967 йилда савдо шартномаси тузилди. 70-80 йилларда ўзаро манфаатли иқтисодий ҳамкорлик ривожланди. Маданий алоқалар ривожланиш бораётган эди.

Совет-Япон сулҳ шартномасининг йўқлиги икки томонлама муносабатларни яхшилатиш йўлида тўққизликлар туздирмоқда. Бу масаланинг асосий тўққизлик Япониянинг СССРга янбатан асосан территориял даъволарини изгари сураётганидандан иборатдир. Совет Иттифоқи ҳар қанчала мамлакатнинг и манфаатларига жавоб берадиган дўстона муносабатларни ривожлантиришга интилиб, японнинг мустақамлаш чоралари тўғрисида келишиб келиши талаб қилди.

СССР билан Япония совет-япон сулҳ шартномаси тўғрисидаги масалани қараб чиқиш учун доимий ишлайдиган механизмини йўқ қилиб келтириш ҳоқига шартлашни олдилар. Ана шу механизм доирисида иккала томонни ҳам қизиқтириб турган муаммоларнинг бутун комплексини муҳокама этишга қарор қилинди.

**4. Ишчилар ҳаракати. Ишчилик учун кураш.** Меҳнатқавиларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, демократияни кенгайтириш учун, япон ҳарбий потенциалини ошириб боришга ҳамда АҚШ билан ҳарбий иттифоқни мустаҳкамлашга қарши қувватли мамлакатда энг кўп сонли бўлган ишчилар синфининг диққат марказида туради. Унинг отрядлари ўсиши билан ишчилар ташкилотлари ҳам ривожланди ва мустақамланди. Япон қасаба соҳиблари ёлганиб ишлайдиларининг 30 процентга яқинини бирлаштиради. Японияда турли сиёсий йўлдан бораётган туртга мингдан қасаба союз маркази мавжуд. Энг йирик қасаба союз укимаки *Япония қасаба соҳиблари боти кенгаши* (Сохё) дир. Унда 1,5 миллиондан ортиқ аъзо бор. Сохё Социалистик партияни қўллаб қувватлайди. Ана шу қасаба союз марказининг ташаббуси билан 1955 йилдан бошлаб меҳнатқавиларнинг ўз ҳуқуқларини ва турмуш даражаларини ҳимоя қилиш учун қудратли баҳорни бахши «хуқуқларни» ўтказилган бўлди.

Бироқ кейинги йилларда Сохёнинг сиёсий йўли ўнглашди. Қасаба союз аъзолари сиёсий қисқариш тенденцияси кузатиламоқда. Бу ҳол ишлаб чиқаришни автоматлаштиришни, ЭХМлар ва релс техникасини кен қуланиши туфайли япон жамияти экономикаси ва сиёсий составининг структураси ўзгаргани билан боғлиқдир. Ўқсиз союз кучларининг жинслигини яқини асо-

сан ўнг реформистик, келишувчилик негизида ривожланиб бормоқда.

ЯСП парламентдаги асосий оппозициячи партия бўлиб қолмоқда. Социалистлар ЯКП билан биргаликдаги ҳаракатларни фақат маҳаллий даражада ва айрим масалалар юзасидангина амалга оширдилар. Умуммиллий микёсида партиялар ўртасида ҳамкорликнинг йўқлиги ишчилар синфи сафларини ажратиб юборишга ёрдам берди. Икки партия ўртасидаги муносабатлар 70-йиллардаёқ, лекин айниқса социалистлар коммунистлар иштирокисиз коалицион ҳукумат тузишни талаб қилиб чиққанларидан кейин ёмонлашди.

ЯКП 50-йиллар бошида репрессия, қўрқинчилик, ажралишни ва стратегия ҳамда тактика масалаларида келишмовчиликларни бошдан кечирди. Лекин у қийинчиликларни оқсараф эта олди, омма орасидаги ўз таъсирини мустаҳкамлади, миллионлаб сайловчиларнинг ишончини қозонди. Компартия сафларида 480 мингга яқин аъзо бор (1984 йил). Партия барча прогрессив кучларни жипслаштиришни ёқлаб, йирик капитал манфаатларига мос келадиган сиёсатга қарши меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва талабларини химоя қилиб чиқмоқда. Коммунистлар япон-америка ҳарбий иттифоқини бузишга, мамлакатни бетарафлик йўлидан ривожлантиришга, милитаризмнинг қайта тикланишига йўл қўймасликка чақирмоқдалар.

ЯКП, ЯСП, марказ партиялари Совет Иттифоқи билан муносабатларни яхшилашни, Осиё-Тинч океани регионида сиёсий вазиятни соғломлаштиришни ёқлаб чиқмоқдалар.

Японияда урушга қарши ҳаракат кенг қулоч ёзди. Қўпгина шаҳарлар ва префактуралар ўзларини ядро қуролидан ҳоли зоналар деб эълон қилди. Меҳнаткашлар америка ҳарбий кемаларининг япон портларига киришига ҳамда Япониянинг АҚШ ҳарбий планларида иштирок этишига қарши қатъиян норозилик билдирмоқдалар. ҳарбий ҳаражатларни қисқартиришни ва социал эҳтиёжлар учун маблағларни кўпайтиришни талаб қилмоқдалар.

#### Савол ва топшириқлар

1. Урушдан кейинги ислохотлар Япониянинг янада ривожланиши учун қандай аҳамиятга эга бўлганини аниқланг. 2. Илмий-оммабоп адабиётдан ва оммавий ахборот воситаларининг хабарларидан фойдаланиб, Япония монополистик капитали мамлакат ичида ва капиталистик дунёда ўзининг позицияларини қандай мустаҳкамлаётганлигини сўзлаб беринг. 3. Вактли матбуот материалларини жалб қилган ҳолда совет-япония муносабатларининг ҳозирги ҳолатига баҳо беринг. 4. Японияда ишчилар ҳаракатининг ривожланишини таърифлаб беринг.

## 48-§. Ҳозирги замон капитализми зиддиятларининг кескинлашуви

1. Капиталистик дунёдаги социал-сиёсий зиддиятларнинг чуқурлашуви. Ҳозирги замон капитализмининг ривожланиши унинг эксплуататорлик табиатини ўзгартирмади. Капитализмнинг ишлаб чиқарувчи кучлардан тўла ва оқилона фойдалана олмаслигининг тобора кучайиши, экономикани давлат-монополистик усулда тартибга солишнинг самарасизлиги капитал дунёсида ички зиддиятларнинг янада кескинлашувига олиб келди. Бундан ташқари капитализм зиддиятларнинг барча группалари мисли кўрилмаган даражада чиқаришнинг қилишига, бир-бирини кучайтиришига дуч келди. Энг аввало бу ишлаб чиқаришнинг ижтимоий характери билан унинг натижаларини ўзлаштиришнинг хусусий капиталистик формаси ўртасидаги конфликтдир. ДМК ҳозирги замон формаларини кенг қўлланиш ФТР шароитида бу конфликтни кучайтирмоқда. Айни вақтда ФТР очиб бераётган имкониятлар билан капитализм улардан бутун жамият манфаатлари йўлида фойдаланишга қўяётган тўсиқлар ўртасида зиддият кучайиб бормоқда.

Монополиялар ва буржуа давлати меҳнаткашларнинг социал ютуқларига қарши ҳужум олиб бораётган бир вазиятда меҳнат билан капитал ўртасидаги зиддиятлар кескинлашмоқда. Ишсизликнинг ўсиши, социал адолатсизликнинг кучайиши, мулкӣ ва бошқа тенгсизликнинг чуқурлашуви социал портлашларга олиб келаётган вазиятнинг туғилиш хавфини яратмоқда. Бироқ монополиялар ҳамда кўпчилик ривожланган капиталистик мамлакатларда ҳокимият тепасига келган консерватив кучлар бу билан ҳисоблашишни истамаётирлар ҳамда борган сари кўпроқ сиёсий, социал ва ижтимоий амалиётда авторитар бошқарув усулларидан фойдаланмоқдалар. Бундай ҳаракат тарзи ҳукмрон доираларнинг очикдан-очик жамиятнинг таъминланган қатламларига қараб иш тутишида ва камбағаллар, ишсизлар, уйсизларнинг, қашшоқлик, очлик ва касалликлар шароитида яшаётган барча кишиларнинг манфаатларини инкор этишида ўз ифодасини топди. Ривожланаётган мамлакатлар халқларини янги мустамлакачилик усулида эксплуатация қилиш ҳукмрон синфга ўзи олаётган фойдани кўп ҳам йўқотмаган ҳолда индустриал жиҳатдан тараққий этган мамлакатлардаги ишчилар оммаси асосий кўпчилигининг яшаш минимуми нисбатан юқори бўлишини таъминлаш ва шу тариқа социал норозиликнинг кескинлигини камайтириш имконини бермоқда.

Ички ҳаётнинг бюрократлашуви ва милитарлашуви, ҳарбий ва полиция-репрессия аппаратининг ўсиши кенг меҳнаткашлар қатламларининг борган сари кучли норозилигини келтириб чиқармоқда. Ижро этувчи ҳокимият кучайиб, айни вақтда сиёсий йўлни белгилашда парламентнинг роли пасаймоқда. Коррупция, шу жумладан ҳокимиятнинг юқори қатламларида, кенг ёйилди. Мо-

нополиялар янги фашист ва бошқа реакцион гуруҳларнинг фаолиятини рағбатлантирмоқда. Капиталистик жамиятни жиноятчилик, бангичилик ва терроризм камраб олган. Конституцион эркинликларга ҳужум қилиш, инсон ҳуқуқларини бузиш, маъмурларнинг граждандар шахсий ҳаётига аралashiши, уларни расмий идеология билан сиғишмайдиган эътиқодлари учун таъқиб қилиши омма орасида чуқур ғазабланиш ҳиссини уйғотди.

Бу соҳадаги зиддиятларни камайтириш учун буржуазия ва унинг ҳокимият тепасида турган вакиллари сиёсий демагогияни ишга солмоқдалар, кўп партиялиликни озодлик ва демократиянинг кўриниши деб айтмоқдалар, ишчилар ва демократик ҳаракатларни ажратиб юбориш ва айнитиш сиёсатини усталик билан олиб бормоқдалар, оммавий ахборот воситалари ёрдамида жамоатчилик фикрини чалғитмоқдалар.

Ташки ва ички сиёсатда антикоммунизм ва антисоветизм кенг ёйилмоқда. Булар капиталистик мамлакатларда ҳукмрон синфнинг идеологияси ва сиёсатигина эмас, балки индивидуал ва оммавий онгнинг бир кўриниши ҳам бўлиб қолган. Антикоммунизм ва антисоветизм ёрдамида прогрессив кучларга, янги ижтимоий тенденцияларга, илғор қарашларга кучли тазйик ўтказилмоқда. Одамларнинг эътиборини кескин социал муаммолардан чалғитиш учун асосий ахборот манбаи ҳамда омманинг руҳиятига таъсир кўрсатишнинг асосий воситаси бўлиб қолган телевидение худбинликни, юлғичликни, кучга сиғинишни зўрлаб ўрнатмоқда. Оммавий ахборот воситалари ҳукмрон юқори табақаларнинг манфаатларини кўзлаб, одамлар онгини хиралаштирмоқда, бу доиралар учун фойдали бўлган граждандлик ва социал позицияни шакллантирмоқда.

Социал муносабатлар, сиёсий институтлар, буржуа жамияти маънавий ҳаётининг кучайиб бораётган кризиси капитализм ижтимоий тараққиётга тўсиқ эканлигини кўрсатмоқда.

**2. Империалистлар ўртасидаги зиддиятларнинг ўсиши.** Капитализм умумий кризисининг чуқурлашуви жаҳон капиталистик хўжалиги зиддиятларининг кескинлашувида намоён бўлди. ФТР таъсирида капиталистик мамлакатлар тараққиётининг нотекислиги кучайди. Империалистик рақобат жуда кескин ва қаттиқ тус олди. Бунда у ёки бу мамлакатдаги ДМК нинг ошиб кетган кудрати ва манфаатлари, буржуа давлатининг ғаразли иш тутиши, жаҳон капиталистик бозоридаги вазиятнинг кескинлашуви анча катта роль ўйнамоқда.

Трансмиллий корпорацияларнинг жўшқин ўсиши муносабати билан зиддиятларнинг янги тугуни пайдо бўлди. Халқаро монополиялар ишлаб чиқарувчи кучларни интернационаллашнинг янги имкониятларини очмоқдалар, лекин уларнинг фаолияти кўп даражада миллий манфаатларга зид бўлиб тушмоқда. Агар у ёки бу буржуа ҳукуматининг сиёсати ТМК олаётган фойдаларга хавф туғдиргудек бўлса, улар бу ҳукумат билан можаро чиқарадилар ва ўзларининг тор манфаатпарастлик мақсадлари йўлида дав-

латнинг суверенитетини чеклаб қўйишлари мумкин. Шу билан бирга ТМК капитализмнинг система сифатида химоя қилиб, социализм билан иктисодий беллашувда асосий оғирликни ўз зиммаларига олмакдалар, буржуа давлатининг реакцион сиёсатни амалга оширишида, ишчилар синфини ажратиб юборишида, демократияга қарши курашида унга ёрдам бермокдалар.

70-йилларда ТМК Чили ва Португалияда вазиятни ўнг кучлар фойдасига бекарорлаштиришида катта роль ўйнадилар. Коммунистларни Италия ҳукуматига киритмасликка ҳаракат қилиб, ТМК бу мамлакатни молжавий жиҳатдан қамал қилишни ташкил этдилар. Францияда сўл кучлар ҳукумати национализация қилиш соҳасида кўрган чораларга жавобан монополиялар мамлакат ичида капитал маблағ сарфлашдан бош тортиш йўлига ўтиб олдилар. Социалистларнинг ўнгдан бўлган тазйикка ён бериши оқибатида ФКП ҳукуматдан чиқди.

ТМК пайдо бўлиши капиталистик бозорни қайтадан таксимлаш учун курашни кескинлаштириб юборди. 50-йиллар охиригача АҚШ капитализм экономикасида устунлик мавқеини эгаллаб келган эди. 50-йилларнинг иккинчи ярми — 60-йиллар бошида иккинчи иктисодий марказ — Ғарбий Европа ўсиб чиқиб, у «Умумий бозорни» АҚШга қарши курашдаги асосий куч сифатида илгари сурди. 60-йиллар охирида янги, янада жўшқинроқ ривожланаётган рақиб — Япония пайдо бўлиб, у капиталистик дунёда иктисодий жиҳатдан гегемон бўлишга даъвогар эканлигини билдирди. У саноат ишлаб чиқариши ҳажми бўйича ГФРни ортта қолдириб, иккинчи ўринга чиқиб олди. Ғарб бозорларида Япония ва Ғарбий Германия монополияларининг тазйики борган сари кучаймокда.

Империалистлар ўртасидаги рақобатнинг учта асосий маркази ўртасидаги кучлар нисбатининг ўзгаришини қуйида келтирилаётган жадвал ишонарли қилиб кўрсатиб турибди.

4-жадвал. Империалистик давлатлар ўртасида ўзгариб бораётган кучлар нисбатининг кўрсаткичлари

Ривожланган капиталистик мамлакатларнинг феолат ишлаб чиқаришидаги улushi % ҳисобида				
	1960 й.	1970 й.	1980 й.	1985 й.
АҚШ	39,5	35,7	36,3	37,1
«Умумий бозор» мамлакатлари	41,	38,	35,7	33,
Япония	6,8	13,	14,8	16,

Сотиш бозорлари, капитал солиш соҳалари, хом ашё манбалари учун, фан-техника тараққиётининг ҳал қилувчи соҳаларида устунлик қилиш учун империалистик давлатлар ўртасидаги кураш борган сари кўпроқ шафқатсиз савдо ва молия урушига айланиб кетмокда. Ҳозирги замон империализмнинг учта асосий маркази ўртасидаги зиддиятларга ЕИХ ичидаги рақобат, «Умумий бозор»

билан унда қатнашмайдиган Европа мамлакатлари ўртасидаги ихтилофлар кўшилмоқда. Кейинги йилларда Тинч океани хавзасида ва Латин Америкасида янги рақобат марказларининг вужудга келишидан иборат интенсив жараён ривожланиб бормоқда. Империалистлар ўртасидаги зиддиятлар ҳозирги замон капитализми тараққиётининг муҳим қонуниятлари бўлиб қолмоқда.

Капитализм жаҳон системаси бўлган социализм қаршида ўз позициялари бўшашишга йўл қўйишни истамай, икки зиддиятлар чегарадан чиқиб кетишига йўл қўймаётир. Улар технология соҳасидаги рақобатчилик йўлига буриб юборилмоқда, капиталистик хўжаликда ҳар хил ўзгаришлар қилиш йўли билан бартараф этилмоқда. Маблагларни ҳарбий-саноат комплекси тармоқларига ўтказиш ва янги мустамлакачилик воситасида «учинчи дунё» мамлакатларига кириб боришнинг кучайиши катта роль ўйнамоқда.

Капитализмнинг беқарорлиги кучайиб боришидан иборат муқаррар жараёни тўхтатиб қолишга ва социализмга қарши бирлашган кураш фронтини ташкил этишга интилиш етакчи империалистик давлатларни ўз иқтисодий, сиёсий ва идеологик стратегияларини уйғунлаштиришга ундамоқда. 1975 йилдан бошлаб ҳар йили ўтказиб келинаётган «катта еттилик» — *АҚШ, Буюк Британия, Франция, ГФР, Италия, Япония, ва Канада* ҳукуматлари бошлиқларининг кенгаши империалистик давлатлар сиёсатини мувофиқлаштириш ҳамда зиддиятларни енгиш йўллари аниқлашнинг формаси бўлиб қолди. Бирок бу учрашувлар мавжуд ихтилофларни бартараф қилмаётир, улар ёнига янгилари қўшилмоқда.

**3. Империализм — уруш хавфини туғдиради.** Империализм икки система мусобақасини ҳарбий қарама-қаршилик соҳасига ўтказишга зўр бериб ҳаракат қилмоқда. Бунга уни эксплуататорлик тузумининг социал-иқтисодий моҳияти мажбур қилмоқда. «Империализм ўз ижтимоий табиатига кўра тажовузкорлик, авантюристик сиёсатини муттасил кучайтириб бормоқда» (КПСС XXVII съездининг материаллари. ... Т. 1986. 12-бет).

Икки дунёни ажратиб турган зиддиятларни ҳарбий куч ёрдамида ҳал қилиш тенденциясига қандай сабаблар асос бўлмоқда? «Бу ўринда шунга олиб келувчи сабабларнинг бутун бир комплекси: курол-яроғ ишлаб чиқарувчиларнинг ва нуфузли ҳарбий-бюрократик гуруҳларнинг йирткичларча нишақалари, монополияларнинг хом ашё манбалари ва сотиш бозорларидан ғаразли манфаатдорликлари, буржуазиянинг содир бўлаётган ўзгаришлардан таҳликага тушиши, ниҳоят, ўзининг кескиллашиб бораётган проблемаларини социализм ҳисобига ҳал этишга уринишлари ҳақида гапириш мумкин» (Ўша жойда).

Империализм кучлари сиёсий реалликлар билан ҳисоблашишни истамаётир, суверен халқларнинг иродасини инкор этмоқда, уларнинг хавфсизлигига таҳдид солмоқда, турли регионларда можаролар ташкил этмоқда. Лекин тинчликка асосий хавф курол-

ланиш пойгаси ва ядро қуролларининг жуда катта запаслари тўпланиши туфайли вужудга келган бўлиб, уларнинг озгина қисмини ишлатиш ҳам инсониятни ва ер юзида ҳаётни йўқ қилиб ташлаши мумкин. Шу билан бирга империализм ўз агрессивлигини яширмақчи бўлиб, совет «хавфи» ёки коммунистик «хавф» тўғрисидаги афсонадан кенг фойдаланмоқда.

СССР ҳозирги замоннинг энг муҳим вазифаси ядро урушига моддий тайёргарликни тўхтатишдан, уруш чиқиб кетиш хавфининг ўсиш тенденциясини енгишдан, мавжуд ҳарбий қарама-қаршиликнинг юксак даражасини пасайтиришдан иборат деб ҳисоблайди. Ҳозир мутлақо равшанки, ядро урушида ғалаба қилиб бўлмайди, унда ғолиблар бўлиши мумкин эмас. Қуролланиш пойгаси, ҳарбий устунликка интилиш ҳеч кимга сиёсий ютуқ келтира олмайди. Давлатларнинг ҳарбий потенциаллари оқилона етарли даражага келтирилиши керак. Қуролланиш пойгасини космосга кўчиришнинг олдини олиш вазифаси, ҳозирча бу ишни тўхтатиб қолиш мумкин экан, принципиал аҳамиятга эгадир.

Ядро қуролидан ва бошқа оммавий қирғин воситаларидан холи бўлган адолатли ва хавфсиз дунёни барпо этишнинг совет программаси бутун дунёдаги кўп миллионлаб кишиларнинг онгига етиб борди. Бу программа барча халқларнинг манфаатларига мос ва шу сабабли борган сари кўпроқ тарафдор орттирмоқда, улар ўз қуч-ғайратларини инсоният устида пайдо бўлган даҳшатли хавфни бартараф этиш учун бирлаштирмоқдалар.

#### **Савол ва топшириқлар**

1. Параграф текстини анализ қилиш натижасида ўтмишда мавжуд бўлган капитализм зиддиятларини кўрсатинг, янги зиддиятларни ажратинг. 2. Нима сабабдан империалистлараро рақобатни бартараф этиб бўлмайди? 3. Империализм уруш хавфининг манбаи эканлигини нима билан изоҳлаш мумкин? 4. Илмий-оммабоп адабиётдан ва вақтли матбуот материалларидан фойдаланиб, ривожланган капиталистик мамлакатлардаги урушга қарши ҳаракат тўғрисида ахборот тайёрланг.

#### **5-бобга доир такрорлаш учун савол ва топшириқлар**

1. Капитализм умумий кризиснинг чуқурлашиш сабаблари қандай? 2. Капиталистик экономиканинг беқарорлиги нимада намоён бўлмоқда? Жавобингизни мисоллар билан тасдиқланг. 3. Капиталистик тузумнинг бундан буён мавжуд бўлиб туриши учун ДМҚнинг аҳамиятини таърифланг. 4. Вақтли матбуотдан фойдаланиб, капиталистик давлатларда консерватив тенденциялар ва сиёсий реакция кучаяётганлигига мисоллар келтиринг. 5. Сиз энг йирик капиталистик мамлакатларнинг ички ва ташқи сиёсатлари ўртасидаги ўзаро алоқани қандай тасаввур қиласиз? 6. Матбуот материалларини ва илмий-оммабоп адабиётни



жалб қилган ҳолда капиталистик мамлакатлар меҳнатқашларининг ўз манфаатлари ва ҳуқуқлари учун кураши тўғрисида ахборот ёки реферат тайёрланг.

## 6-Б О Б

*Осиё ва Африка халқларининг миллий озодлик кураши.*

*Империализм мустамлакачилик системасининг емирилиши.*

*Озодликка эришган давлатларнинг ривожланиши*

**49-§. Иккинчи жаҳон урушидан кейин мустамлака ва қарам мамлакатлар халқлари миллий озодлик ҳаракатининг юксалиши**

1. Иккинчи жаҳон урушининг якунлари ва мустамлакаларнинг халқлари. Иккинчи жаҳон урушининг натижалари Осиё ва Африка халқларига жуда катта таъсир кўрсатди. Уруш йилларидаёқ империализм мустамлакачилик системасининг кризиси кескинлашди ва чуқурлашди. Урушдан кейин мустамлакачилик системаси парчалана бошлади.

Шарқий ва Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларини ҳаммадан кучли қамраб олган миллий озодлик ҳаракатлари империалистик мустамлакачилик зулмига қарши қаратилган эди. Улар халқларнинг антифашист кураши билан қўшилиб кетди. Фашист-милитарист блокнинг асосий кучлари Совет Иттифоқи томонидан тор-мор қилинганлиги жуда катта аҳамиятга эга бўлди. Айти вақтда Япония ва Италия мустамлакачи империялари тугатилмоқда эди. Уруш энг йирик мустамлакачи давлат бўлган Буюк Британияни кучсизлантirdи. Бошқа мустамлакачи давлатлар — Нидерландия, Бельгия ва Франция ҳам урушдан кучсизланиб чикдилар. Бу факторларнинг ҳаммаси Осиё ва Африка мамлакатларида миллий озодлик революцияларининг ғалаба қилиши учун қулай шароитлар яратди.

Мазлум халқларнинг курашига иккинчи жаҳон уруши вақтида мустамлака ва қарам мамлакатларда юз берган чуқур иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар қулайлик туғдирди. Пролетариатнинг сони ошди, унинг уюшқоклиги мустаҳкамланди. Компартияларнинг обрў-эътибори ошди. Бу партиялар Осиёдаги бир канча мамлакатларда чет эллик босқинчиларга қарши курашда раҳбарлари эдилар. Бу курашда деҳқонлар кенг иштирок этдилар. Шаҳар майда буржуазияси, ватанпарварлик кайфиятидаги зиёдилар миллий озодлик ҳаракатининг актив қатнашчилари бўлдилар. Қўпинча бу курашга миллий буржуазия бош бўлди. Қўпгина мамлакатларда мустамлакачиларга қарши миллий кучларнинг бирлашган фронтини ташкил этиш учун шароит етилди. Озодлик ҳаракатининг муваффақиятларга эришишини Совет Иттифоқи-

нинг қудрати ўсганлиги, социализм мамлакатлари мазлум халқлар курашига берган ёрдам, уларни Европа ва Америкадаги ишчилар синфи қўллаб-қувватлаганлиги осонлаштирди. Натижада миллий озодлик революциялари кенг қўлоч ёзди.

**2. Осиёда янги давлатларнинг ташкил топиши.** Мустамлакачилик системасининг парчаланиш жараёни энг аввало Осиёни камраб олди. Осиёдаги кўпгина халқларни асоратга солган империалистик Япония тор-мор қилинганидан кейин бу халқларнинг мустамлакачилар ҳокимиятидан озод бўлиши учун қулай шароитлар вужудга келди. Япон оккупантларига қарши халқ кўзғолони натижасида *Индонезия* сиёсий мустақилликни қўлга киритди (1945 йил август). Япон босқинчиларига қарши узоқ ва қаттиқ кураш олиб борганидан сўнг Вьетнам халқи *Вьетнам Демократик Республикаси*ни барпо этди. Инглиз мустамлакачилари Ҳиндистонга, Покистонга (1947 йил август) ва Цейлонга (1948 йил февраль) доминион ҳуқуқини беришга мажбур бўлдилар. 1972 йил майда Цейлон *Шри-Ланка Демократик Социалистик Республикаси* деб эълон қилинди. Аҳоли ўз оролини азалдан Шри-Ланка деган ном билан атаб келади. Бу ном сингал тилида «худо марҳамат қилган», «кажойиб» деган маъноларни англатади. Англиянинг собиқ мустамлакаси *Бирма* мустақилликка эришди (1948 йил январь). Шимолий Корея ва Хитойда халқ-демократик революциялари галаба қозонди.

Иккинчи жаҳон уруши арафасида хорижий Осиё аҳолисининг 90 процентдан ортиқроғи (1,2 миллиарддан ортиқ киши) мустамлака ёки ярим мустамлака қарамлигида эди. Ҳозир империалистик давлатларнинг Осиёдаги мустамлака ерларида бор-йўғи бир неча миллион киши яшамоқда, холос.

**3. Африкадаги мустамлака империяларининг ҳалокати.** Осиё китъасидан кейин мустамлакачилик системасининг парчаланиши Африкани ҳам камраб олди. Иккинчи жаҳон урушига қадар Африка мустамлакачиликнинг асосий таянчларидан бири эди. Жуда катта материкни бешта мустамлакачи империя: британия, француз, бельгия, италия ва португал империялари бўлиб олган эди. Номигагина мустақил бўлган бир неча давлат (Миср, 1936 йилда Италия босиб олгунга қадар Эфиопия ва Либерия) мана шу мустамлака океанидаги кичик-кичик оролчалар эди, холос.

Агар 50-йилларнинг биринчи ярмида мустамлакачилик зулмидан Африкадаги баъзи мамлакатларгина озод бўлган бўлсалар, «Африка йили» деб аталган 1960 йилда 17 давлат сиёсий мустақилликни қўлга киритди. Ўтмишда мустамлакачилар томонидан Британия Шарқий Африкаси, Француз Ғарбий Африкаси ва Француз Экваториал Африкасига сунъий равишда бирлаштирилган кўпгина халқлар озодликка эришганларидан кейин ўз давлатларини ташкил этдилар (альбомдаги 7-картага қаралсин). Ҳозир китъанинг сиёсий картасида 50 та суверен давлат (Жанубий Африка Республикасидан ташқари) бўлиб, уларда Африкадаги барча аҳолининг 94 проценти яшамоқда.

Миллий озодлик ҳаракатининг кучайиши дунёда жуда катта ўзгаришларга олиб келди. Агар бевосита иккинчи жаҳон урушидан кейин мустамлакалар ва қарам территориялар ернинг куруклик қисмининг 28,6 процентини, уларнинг аҳелиси эса планета аҳолисининг 30 процентини ташкил этган бўлса, 1987 йилда бу рақамлар тегишли суратда 0,7 ва 0,3 процентни ташкил этди. Мустамлака империяларининг вайроналарида янги суверен давлатлар пайдо бўлди. Озодликка эришган ёш мамлакатларнинг халқлари олдида ўз сиёсий мустақилликларини мустаҳкамлаш, иқтисодий мустақилликни қўлга киритиш, социал ўзгаришларни амалга ошириш ва маданиятни ривожлантириш вазифалари пайдо бўлди.

**4. Озодликка эришган мамлакатларнинг ривожланиш йўллари.** Кўпгина ривожланаётган мамлакатларда прогрессив кучлар билан империализмдан мадад олиб турган ички реакция ўртасида кескин кураш бошланиб кетди.

*Капитализм йўли* — бу социал тенгсизликнинг чуқурлашиш йўлидир, бу миллий мустақилликка доимо хавф солиб туриш йўлидир. Ҳаёт халқ оммасини бир қанча давлатларда ҳукмрон мавқени қўлга киритиб олган буржуазия барча кийинчиликларни меҳнаткашлар зиммасига юклашга интилишаётганлигига, айни вақтда бир ҳовуч бойлар жуда катта мол-мулк орттираётганлигига ишонтирмоқда. Гарчи капиталистик тараққиёт йўлидан бораётган баъзи мамлакатларда иқтисодий ва маданий тараққиётда шубҳасиз ютуқлар мавжуд бўлса-да, халқ оммаси бу йўлдан бориб эксплуатацияга ва социал адолатсизликка чек қўйиб бўлмаслигини кўрмоқда.

Иқтисодий жиҳатдан кам тараққий этган мамлакатларнинг ривожланиш суръатлари юқори эмас. Бу мамлакатларда капиталистик тақчиллиги, малакали иш кучи ва техникавий тажриба етишмаётганлиги қаттиқ сезилмоқда, хом ашё ресурслари етарли даражада излаб топилмаган ташки қарзлар ўсиб бормоқда. Бир қанча мамлакатларда аграр масала ҳанузгача ҳал этилмаган. Аҳолининг тез ўсаётганлиги, у ҳозирча ўз ишчи қўлларига иш топа олмайётганлиги жиддий кийинчиликлар туғдирмоқда. Кўпгина давлатларда қабила ва уруғ бошликларининг жуда катта ҳокимияти сақланиб қолмоқда.

Иккинчи йўл — *социализмни кўзлаб ривожланиш йўли* бўлиб, у экономика ва маданиятнинг юксалишини, эксплуатация ва қашшоқликнинг тугатилишини, гарчи узок ва мураккаб жараён бўлса-да, моддий фаровонликка эришишни таъминлайди. Бевосита социализмга ўтиш учун озодликка эришган мамлакатларнинг кўпчилигида ҳали шароит етилган эмас: ишлаб чиқарувчи кучларнинг даражаси паст, пролетариатнинг ривожланиш, уюшқоқлик ва онглилик даражаси, унинг меҳнаткашлар оммасига таъсири етарли эмас, консерватив элементлар эса ҳали катта таъсирга эга.

Социализмни кўзлаб ривожланиш йўли халқ оммаси антиимпериалистик, антифеодал, демократик револүцияни чуқурлаштириш ва охирига етказишда актив иштирок этган тақдирдагина мумкин бўлади. Социализмни кўзлаб ривожланиш йўлига ўтган давлатлар аҳолисининг умумий сони 150 миллион кишидан ошиб кетади. Бу мамлакатларда кишининг киши томонидан эксплуатация қилинишига барҳам бериш, ишлаб чиқариш воситаларини халқ кўлига топшириш, планлаштириш асосида индустриялашни амалга ошириш, шаҳар ва қишлоқдаги майда ишлаб чиқарувчиларни кооперациялаш, меҳнаткашлар оммасининг аҳволини ва уларнинг давлатни бошқаришда иштирок этишини яхшилаш вазифалари қўйилган. Бу мамлакатларнинг бир қанчасида ҳокимият тепасида марксизм-ленинизм ғояларини ўзлаштириб олаётган ва амалда қўллаётган авангард партиялар деб аталувчи партиялар туради.

Озодликка эришган мамлакатлар катталиги ва табиий бойликлари, социал-иқтисодий ривожланиш даражаси, сиёсий системалари ва ижтимоий мўлжаллари жиҳатидан хилма-хилдир. Уларнинг группаларга бўлиниши маълум даражада шартлидир.

Озодликка эришган давлатларнинг катта группаси капиталистик тараққиёт йўлини танлаб олди. Бу мамлакатларда буржуа жамияти синфлари таркиб топди, давлат тепасида миллий буржуазия туради. Баъзи мамлакатларда у помешчиклар билан иттифок бўлиб иш олиб бормокда. Капиталистик йўлдан ривожланиш муқаррар суратда синфий курашнинг кескинлашувига сабаб бўлмокда.

Осиё ва Африкадаги бир қатор мамлакатлар социализмни кўзлаб ривожланиш йўлини танлаб олди (Осиёда — Яман Халқ Демократик Республикаси, Сурия; Африкада — Жазоир, Ангола, Бенин (собик Дагомея), Гвинея-Бисау, Зимбабве, Конго, Мадагаскар, Мозамбик, Танзания, Эфиопия).

#### **Савол ва топшириқлар**

1. Империализм мустамлакачилик системасининг парчаланишига қандай факторлар қулай шароит туғдирди? 2. XX асрнинг 60—80-йилларидаги миллий озодлик курашининг 40—50-йиллардаги курашдан фарқи нимада? 3. Социализмни кўзлаб ривожланиш йўлини танлаб олган мамлакатлар тараққиётидаги умумий жиҳатлар нималардан иборат?

#### **ЖАНУБИ-ШАРҚИЙ ВА ЖАНУБИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ**

Осиёда империализм мустамлакачилик системасининг парчаланишига олиб келган дастлабки миллий озодлик револүциялари Жануби-Шарқий ва Жанубий Осиёда юз берди. Бу ерда милитаристик Япониянинг тор-мор қилиниши ватанпарвар кучларнинг ғалабаси учун қулай имкониятлар яратди.

1. 1945 йили Август революцияси ва мустақилликнинг қўлга киритилиши. Индонезия — бепоён «уч минг орол мамлакати» бўлиб, турмуш шароити ва турли районларнинг ривожланиш даражаси ғоят хилма-хиллиги, аҳолиси кўп сонли тилларда сўзлашади билан ажралиб туради. У уч ярим аср мобайнида Голландиянинг мустамлакаси бўлиб келди. 1942 йилда Индонезияни япон қўшинлари оккупация қилди. Япон оккупантларига қаршилик кўрсатиш ҳаракати давомда ватанпарвар кучларнинг (ишчилар, деҳқонлар, майда шаҳар буржуазияси, миллий буржуазиянинг) кенг fronti таркиб топди. Қаршилик кўрсатишга *Индонезия коммунистик партияси* (ИКП) ва асосан миллий буржуазиянинг манфаатларини ақс эттирган *Миллий партия* бош бўлди.

1945 йил августда мамлакатда антиимпериалистик революция юз берди. Индонезия республика деб эълон қилиниб, миллий озодлик ҳаракатининг раҳбарларидан бири Сукарно унинг президенти бўлди.

Империалистик давлатлар ёш республикани бўғиб ташлаш мақсадига унга қарши курашди интервенция уюштирдилар. Помешчиклар ва компрадор буржуазия дарҳол мустамлакачилар билан тил бириктирди. Бирок халқ оммаси курашни давом эттирди, бу курашни бутун дунёнинг прогрессив кучлари қўллаб-қувватлади. Бу ҳол 1949 йилда мустамлакачиларни Индонезиянинг мустақиллигини эътироф этишга мажбур қилди. Голландия ўша вақтда фақат Ғарбий Ириан (Янги Гвинеянинг ғарбий қисми) устидангина ўз ҳокимиятини сақлаб қолди. Бирок 1963 йил майдан бошлаб у ҳам Индонезия бошқаруви остига ўтди.

Мустамлака ўтмиши оғир мерос қолдирди. Саноат корхоналари чет эл монополияларига қарашли бўлиб, энг яхши ерлар эса голланд плантаторлари қўлида эди. Индонезия деярли ёппасига саводсиз мамлакат эди. Миллий экономикани мустаҳкамлаш учун ҳукумат барча голланд плантацияларини, саноат ва савдо корхоналарини, банкларни, транспорт воситаларини ва қисман нефть конларини национализация қилди. 1965 йилга келиб корхоналарнинг аксарият кўпчилиги миллий капитал (давлат ва хусусий капитал) ихтиёрида эди. Мамлакат капиталистик йўлдан ривожланиб борди. Прогрессив кучларнинг тазйиқи остида йирик ер эгаллигини чеклаш ҳисобига ерсиз ва кам ерли деҳқонларга ер бериш ҳақида қарор қабул қилинди. Лекин помешчиклар аграр ислохотни амалга оширишга жуда каттиқ қаршилик кўрсатдилар. Деҳқонлар улардан ерни ижарага олиб, бунинг учун ҳосилнинг ярмидан кўпроғини беришга мажбур эдилар.

Фақат барча антиимпериалистик кучларни *Индонезия миллий фронт*ида бирлаштириш натижасидагина халқ катта муваффақиятларга эришди. Ватанпарвар кучларини бирлаштиришда Миллий партия ва барча меҳнаткашларнинг ҳуқуқларини ёқлаб чик-

кан энг изчил ва уюшган куч эдилар. Бу фаолиятни бутун халк эътироф этди.

**2. 1965 йил воқеалари.** Республикага асос солинган дастлабки вақтларданок реакцион доиралар миллий кучларнинг жипслашишига қарши чиқиб, ИКПни яқкалаб қўйишга ва тор-мор қилишга ҳаракат қилдилар. Реакция ўзининг маккорона планларини амалга ошириш учун 1965 йил 30 сентябрь воқеаларидан баҳона сифатида фойдаланди. Уша куни Сукарнонинг шахсий қўриқчиларидан бўлган бир группа офицерлар генералитетнинг юқори доираларига (Генераллар кенгашига) қарши чиқишга уриниб, уни президентни ағдариб ташлаш мақсадида фитна уюштиришда айблади. Оммага таянмаган бу юқори доиралардаги чиқишни қўшинлар бостирди. Мамлакатда сиёсий кризис вужудга келиб, у Миллий фронтнинг қулашига олиб келди.

Ўнг кучлар танг вазиятдан фойдаланиб, президент Сукарнони ва унинг ҳукуматининг аъзоларини лавозимидан четлаштиришга муваффақ бўлдилар. Улар 30 сентябрь воқеаларига даҳлдорликда айбландилар. Бутун ҳокимият армия қўлига ўтди. Давлат ва ҳукумат бошлиғи генерал Сухарто бўлди. Ҳарбийлар энг муҳим давлат лавозимларини эгалладилар.

Ўнг доиралар асосий зарбани ИКПга ҳамда унинг таъсири остида бўлган прогрессив ташкилотларга қаратдилар. Улар 1965 йил 30 сентябрь воқеаларини давлат тўнтаришини амалга оширишга уриниш деб кўрсатиб, компартиянинг баъзи раҳбар арбоблари юз берган воқеаларда қатнашганлигига асосланиб уни ана шу уринишга даҳлдорликда айбладилар. ИКП ва бошқа демократик ташкилотларнинг фаолияти тақиқлаб қўйилди, минглаб коммунистлар ўлдирилди ёки турмага ташланди.

Индонезия коммунистлари прогрессив кучлар мағлубиятининг сабабларини анализ қилиб чиқдилар ва Индонезия компартиясини қайта тиклаб, уни демократия учун ва кенг ватанпарвар, антиимпериалистик кучларни социал тараққиёт манфаатларини кўзлаб бирлаштириш учун халқ курашининг авангардига айлантиришга ҳаракат қилдилар. Индонезия компартияси озод демократик индонезияни куриш йўлида халқнинг манфаатларини ифода этишга кодир бўлган миллий бирлик фронтини барпо этишга мамлакатдаги барча ватанпарвар кучларни даъват этмоқда.

**3. Индонезия 70—80-йилларда.** Маъмурларнинг тазйиқи остида буржуа партиялари ўзаро қўшилиб кетди. 1973 йилда *Миллий партия* бошқа ташкилотлар билан бирга *Индонезия демократик партиясига* бирлашди. Тўртта мусулмон партиясидан *Бирлик ва тараққиёт* партияси тузилди. Бундан ташқари мамлакатда ҳукуматнинг армия томонидан қўллаб-қувватлаб турилган *Сиёсий функционал группалар ташкилоти* (Голкар) иш олиб бормоқда. Ҳукумат иқтисодий қийинчиликлардан қутулиш йўлини излаб, чет эл капиталларини, биринчи навбатда АҚШ, Япония, Нидерландия, ГФРдан капиталларни бутун чоралар билан жалб қилишга киришди.

1963 йилда қатар национализация қилingan қорувлар ва плантациялар аввалги эгаларига қайтариб берилди, ўз қисмларини Ўзбекистон экономикасига соладиган чет эл монополиялари ушбу қатга имтиёзлар беришни назарда тутувчи махсус қонун қабул қилинди. Чет эл капиталлари нефть, ранги металлургия, бегенд қонларини казинга, мамлакатнинг ўрмон бойликларини шидатинга жааб қилинмоқда. Биринчи даражали зарур буюмларнинг нархлари ошмоқда, инсизлик юкори даражада сақланиб келмоқда. Тирик ер эгалари қаршиллик кўрсатганлари туфайли аграр илохот тўғрисидаги қонуи бажарилмади. Демократик эркиндикларнинг чекланиши, давлат сиёсатининг йўналишларидан бири бўлган антикоммунизм, чет эл монополиялари миллий манфаатларга қоттираётган зарар халқнинг норозилигини борган сари оширмоқда.

Индонезия рахбарлари жамиятдаги қайфиятларини маълум даражада ҳисобга олиб, кейинги йилларда чет эл капиталларига ҳуқуқларнинг бирмунча чеклашга ва ривожланаётган мамлакатлар билан сиёсий ҳамда иктисодий алоқаларни қонлайтиришни тиринмоқда.

## Ҳиндистон

1. **Ҳиндистон Республикасининг ташкил топиши.** Иккинчи жаҳон уруши вақтинча ва урушдан кейин Ҳиндистон халқларининг муштаклик учун кураши кучайди. 1945 йилда бонлаб инглизлар ҳукмрончилигига қарши ҳаракат аҳолининг кенг қатламларини қамраб олди. Пролетариат айшикса актив иш олиб борди. Ин ташкиллар кўпинча сиёсий тус олар эди. 1945 йил ноябрда Қалькуттада бўлган 300 минг ишчининг стачкаси бутун мамлакатда кенг акс-садо берди. Иш стачкачилар билан инглиз полицияси ўртасида баррикада жангларигача бориб етди. Британия қўшинларига хизмат қилган ҳинд солдат ва матрослари миллий озодлик ҳаракатига қотилдилар. 1946 йил февралда Бомбейдаги харбий-денгиз базасининг ҳинд денгизчилари курашга кўтарилдилар. Уларнинг чақиригига мувофиқ шаҳар граждан аҳолисининг иш ташлаши бошланди. Курашга Қалькутта ва Мадрасда турган харбий қомаларнинг денгизчилари қўшилдилар. Уларнинг қадеч ҳаракатлари ва бирдамлик стачкаси бутун мамлакатни қалқитиб юборди. Ҳаракатга деҳқонлар ҳам қотилдилар.

Халқнинг қудратли чиқишлари Англиянинг лейбористлар ҳуқуматини 1947 йилда британия қўшинларини Ҳиндистондан олиб чиқиб кетишга тайёр эканлигини айтишга мажбур қилди. Бирок Ҳиндистондан чиқиб кетишдан олдин мамлакатни иккига қосишмоқда: Ҳиндистонга (ёки Ҳиндистон Иттифоқига) ва Покистонга ажратилди. Ажратилиш диний белгига қараб ўтказилди: Ҳиндистонда - кўпчилик ҳиндлар, лекин мусулмонлар ҳам кўп; Покистонда - кўпчилик мусулмон, лекин ҳиндлар ҳам кўп.

1947 йил августда Ҳиндистон билан Покистон Британия доминионлари деб эълон қилинди. Ҳиндистонни ажратиб юборишдан мақсад озодлик ҳаракатини кучсизлантириш ва Англияга ҳар иккала доминионни бир-бири билан тўқнаштириб, уларни тобе тутиб туриш имконини беришдан иборат эди. Ана шу мақсад учун мустамлакачилар ҳиндилар билан мусулмонлар ўртасида диний адоватни авж олдирдилар ва улар орасида қирғин чикардилар. Биргина Панжобнинг ўзида 500 мингга яқин одам ўлдирилди, миллионлаб кишилар эса бошпанадан ажралди. Қочоқлар оқими 8 миллион кишидан ошиб кетди.

Ҳиндистоннинг бўлиб юборилиши мамлакатнинг турли районлари ўртасидаги иқтисодий алоқаларни бузди ва иккала доминионнинг экономикасига салбий таъсир кўрсатди. Кашмирнинг Ҳиндистонга қўшилиши билан боғлиқ бўлган территориал низолар туфайли улар ўртасида бошланган уруш ҳаракатлари ҳам зарар келтирди. Фақат 1949 йил 1 январдагина Ҳиндистон Иттифоқи билан Покистон ўт очишни тўхтатиш ҳақида битим имзоладилар.

1950 йил январда Ҳиндистон ўзини республика деб эълон қилди. Ўша вақтда қабул қилинган конституция умумий сайлов ҳуқуқини ва буржуа-демократик эркинликларини эълон қилди. Мустақиллик қўлга киритилган вақтдан бери *Ҳиндистон миллий конгресси* (ХМК) мамлакатнинг ҳукмрон партияси бўлиб қолди.

**2. Иқтисодий ва сиёсий тараққиёт.** Мамлакат Британия ҳукмронлигидан озод бўлганидан кейин ҳам саноатнинг энг муҳим тармоқлари, банклар ва плантацияларнинг кўпчилик қисми аввалгидек инглиз ва бошқа чет эл капиталистлари ихтиёрида эди. Қолоқ қишлоқ хўжалиги мамлакатни озиқ-овқат билан таъминлай олмас эди. Еғоч сўка ва ўрок узок ўтмишда бўлгани каби ҳозир ҳам деҳқоннинг асосий ишлаб чиқариш қуроллари бўлиб қолмоқда эди. Ҳиндистон деҳқонлари помешчиклар асорати остида эдилар.

Хўжалик қийинчиликларини енгиш ва миллий экономикани ривожлантиришга асос солиш мақсадида ҳукумат энг аввало қишлоқ хўжалигини кўтаришга интилди. Кўпгина штатларда «Ер — уни ишлайдиганларга» принципини амалга оширишни назарда тутувчи аграр ислохотлар тўғрисида қонунлар қабул қилинди. Бироқ помешчикларнинг жуда қаттиқ қаршилик кўрсатиши бу принципни амалга оширишга тўсқинлик қилди. Деҳқон оилаларининг кўпчилиги ҳали ҳам оилани боқишга етарли бўлмаган озгина ерга эга ёки умуман ер мулкидан маҳрум. Деҳқонларнинг мана шу икки категорияси бир бўлиб, Ҳиндистондаги барча деҳқонларнинг 3/4 қисмини ташкил этади. Улар помешчиклардан ерни оғир шартлар билан ижарага олишга мажбурдирлар. Мамлакатда деҳқонларнинг чиқишлари бир неча бор бўлиб ўтди.

Урушдан кейинги йилларда мустақил Ҳиндистон миллий саноатни ривожлантиришда йирик муваффақиятларга эришди. Давлат секторининг катта қисмини СССР ёрдамида қурилган ёки қу-



рилаётган корхоналар (90 га яқин объект, шулардан 60 тадан кўпроғи фойдаланишга топширилган) ташкил этади. Булар орасида Бхилаи ва Бокародаги қудратли металлургия комбинатлари, Ранчидаги оғир машинасозлик заводи ва бошқалар бор. СССР ёрдамида барпо этилган корхоналар ҳозир мамлакатда эритилаётган барча пўлатнинг 36 фоизини, алюминнинг 32 фоизини, металлургия ускуналари ишлаб чиқаришнинг 77 фоизини, энергетика ускуналарининг 47 фоизини ва кон-шахта ускуналарининг 43 фоизини бермоқда. СССРнинг ёрдами Фарб капиталистларини Ҳиндистонда оғир саноат барпо этишга бўлган ўз муносабатларини ўзгартиришга ва баъзи заводлар қурилишида иштирок этишга мажбур қилди, лекин Фарб давлатлари ўзларининг иқтисодий ёрдамларидан Ҳиндистонга сиёсий тазйик ўтказиш учун фойдаланишга интилмоқдалар.

Иқтисодий планларни амалга ошириш саноат ишлаб чиқаришининг деярли тўрт баравар ўсишига олиб келди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотининг ҳажми икки баравардан зиёд кўпайди. Ҳиндистон аграр мамлакатдан аграр-индустриал мамлакатга айланди. Асосий ролни ҳали ҳам хусусий капиталистик сектор ўйнамоқда. Экономикада инглиз ва америка монополияларининг позициялари сақланиб қолмоқда. Ҳиндистоннинг кўпгина монополистлари улар билан боғланган бўлиб, улардан ёрдам олиб турадилар. Саноат магнатлари давлат секторининг янада ўсишидан хавфсирайдилар, собиқ князлар ва помешчиклар ўзларининг синфий имтиёзларини сақлаб қолишга ҳаракат қилмоқдалар.

Янги Ҳиндистоннинг бунёдкори, унинг биринчи бош вази Жавоҳарлал Неру (1889—1964 йиллар) бу лавозимда ўн етти йил турди. Унинг раҳбарлиги остида мамлакатнинг қолоқлигини тугатиш соҳасида катта тадбирлар амалга оширилди. 1966 йил январдан бошлаб Ж. Нерунинг кизи — Ҳиндистон миллий конгресси партиясининг лидери Индира Ганди (1917—1984) давлат бошлиғи бўлди.

60-йилларнинг охирида мамлакатнинг ривожланиш йўллари масаласида ҳукмрон партиядо кураш кескинлашиб кетди. 1969 йилда Ҳиндистонда энг йирик банклар национализация қилинган ва экономикада давлат секторини янада мустаҳкамлаш юзасидан чоралар кўрилган вақтда ХМҚда ажралиш юз берди. Лекин 1971 йилги парламент сайловларида ХМҚ кўпчилик овоз олди. Ҳукумат сайловчиларнинг қўллаб-қувватлашига таяниб, 1971—1973 йилларда бир қанча муҳим чораларни амалга оширди: страхование системаси устидан давлат контроли ўрнатилди, князларнинг пенсиялари ва имтиёзлари бекор қилинди, мис ишлаб чиқариш, кўмир ва тўқимачилик саноатига қарашли кўпгина корхоналар национализация қилинди ва давлат контроли остига олинди. Аграр ислохотни амалга ошириш биринчи даражали вазифа бўлиб қолди.

Бирок 1974—1977 йилларда бундан буёнги ўзгаришлар программаси амалда тўхтатиб қўйилди. Бу йилларда Ҳиндистон капиталистик системанинг умумий иктисодий бекарорлиги туфайли келиб чиққан жиддий иктисодий қийинчиликларни бошидан кечирди. Қийинчиликлар аҳолининг, шу жумладан меҳнаткашларнинг, ёшларнинг норозилигини туғдирди. Бундан оппозициячи кучлар фойдаландилар. Бир канча штатларда (Бихар, Гужарот ва бошқалар) тартибсизликлар ва қонли тўқнашувлар бўлиб ўтди. Ҳукумат фавқулодда ҳолат жорий этди. Прогрессив социал-иктисодий ислохотлар программаси эълон қилинди, лекин у бойларнинг қаршилигига дуч келиб, секин ва нонзчил амалга оширилди.

1977 йилги парламент сайловлари чоғида оппозициячи буржуа партиялари ҳукуматни кескин танқид қилдилар. Улар халқ оммасининг норозилигидан фойдаланишга ҳаракат қилиб, блок — *Жаната парти* («Халқ партияси»)ни ташкил этдилар. Бу партия парламентда кўпчиликни қўлга киритиб, икки йилдан ортиқроқ давлат тепасида турди. Бу вақт ичида аҳолининг кўпчилигининг турмуши сезиларли даражада ёмонлашди. Халқ оммаси кўп сонли норозилик намойишлари ва иш ташлашлар билан жавоб берди. Бундай шароитда «Жаната парти» да ички кураш бошланиб, у ҳукуматнинг истеъфо беришига олиб келди.

1980 йилдаги навбатдан ташқари сайловда ХМК парламентда мутлақ кўпчиликни қўлга киритди. Ҳукуматга яна ХМК лидери Индира Ганди бошчилик қилди.

80-йилларда Ҳиндистон иктисодий ва маданий тараққиётда янги муваффақиятларга эришди. Мамлакатнинг энергетика базаси мустаҳкамланмоқда, нефть ва газ қазиб чиқариш ўсмоқда. Ернинг сунъий йўлдошлари базасида миллий телевидение тармоғи барпо этилди.

Шу билан бирга мамлакатда ички сиёсий вазият мураккаблигича қолмоқда. Ҳар хил диний, жамоа, сепарат гуруҳларнинг фаолияти давом этмоқда. Улар Ҳиндистоннинг бирлиги ва терриориал яхлитлигини бузишга ҳаракат қилмоқдалар. Покистон билан чегарадош Панжоб штатида айниқса жиддий вазият вужудга келди. Бу ерда сикх жамоасининг жуда жангари вакиллари штатни Ҳиндистондан ажратиб чиқариш, ҳатто «Ҳолистон» деб аталган давлатни ташкил этиш талабини илгари сура бошладилар. Экстермистларнинг хатти-ҳаракатлари чет элдан туриб қўллаб-қувватланмоқда. Ҳиндистон ҳукумати сепаратчиларнинг қаршилигини армия ёрдамида бостиришга мажбур бўлмоқда.

1984 йил октябрининг охирида ёвузларча суикасд натижасида атоқли давлат арбоби, тинчлик ва мамлакатнинг миллий бирлиги учун собитқадам курашчи Индира Ганди ҳалок бўлди. Қотиллик ташкилотчилари аҳволни издан чиқаришни, Ҳиндистонни парчалаб юборишни ва кучсизлантиришни истар эдилар. Лекин бу режалар барбод бўлди.

И. Гандининг ўгли Ражив Ганди (1944 йилда туғилган) Бош министр бўлиб, ҳинд халқини тинчлик, тотувлик ва бирликни сақлашга чақирди. У ички ва ташқи сиёсатда Ж. Неру ва Индира Ганди йўлига содик эканлигини тасдиқлади. 1984 йил декабрда бўлиб ўтган парламент сайловлари ХМКнинг тўла ғалабаси билан тугади. Р. Ганди ҳукумати қонунчилик ва тартиботни таъминлаш юзасидан қатъий чоралар кўрди. У ички сиёсатда мамлакат бирлигини янада мустаҳкамлашни сепаратчи унсурларга ва ҳинд жамиятининг «эски душманлари» — камбағалчилик, ишсизлик, саводсизлик ва касалликларга қарши курашни асосий вазифалар деб эълон қилди. Давлат сектори, деди ҳукумат, бундан буён ҳам «таракқиётнинг бош воситаси» бўлиб қолаверади.

**3. Ҳиндистон компартиясининг фаолияти.** Мамлакат прогрессив кучларининг олдинги сафларида *Ҳиндистон коммунистик партияси* (ХКП) бормоқда. Унинг сафларида 480 мингга яқин аъзо бўлиб, у ишчилар ва зиёлилар орасида катта эътиборга эга. Компартия мустамлакачилик ва феодализмнинг оқибатларини тугатиш учун кураш олиб бормоқда, чет эл капиталининг таъсирига барҳам беришни талаб қилмоқда, энг йирик монополияларни национализация қилишга, давлат секторини янада ривожлантиришга ҳаракат қилмоқда. ХКП капиталистик таракқиёт йўли меҳнатқашларнинг манфаатларига мос келмайди, бу йўлда мамлакат иқтисодий мустақилликка ва социал таракқиётга эриша олмайди, деб ҳисоблайди.

ХКПнинг XIII съезди (1986 йил март) ўз қарорларида меҳнатқашларнинг ҳаётий манфаатлари учун бундан буён ҳам кураш олиб бориш зарурлигини таъкидлади. Съезд ҳинд коммунистлари ички реакция кучлари активлашганлиги муносабати билан ташвишланаётганлигини билдирди, сепаратчиларнинг нифокчилик ҳаракатларини қатъиян қоралади ва мамлакат бирлигини мустаҳкамлашга чақирди. Ҳиндистон 1965 йилда ХКПдан ажралиб чиққан Ҳиндистон компартияси (марксистик) ҳам ана шу позицияларда туради.

**4. Ҳиндистоннинг ташқи сиёсати.** Ҳиндистон республикаси кўшилмаслик ҳаракатининг фаол иштирокчисидир. Ҳиндистон империализм ва мустамлакачиликка қарши курашаётган халқлар билан бирдамлигини бир неча бор кўрсатди. 1961 йилда у қурол воситасида Гоа, Гиу ва Даманни Португалия зулмидан озод қилди, мамлакатни мустамлакачилар истибодидан халос этишни туғаллади.

Ташқи кучлар Ҳиндистоннинг ўзидаги реакцион элементлар мададида уни бетарафлик позицияларидан тушириб юборишга бир неча бор уриндилар. 1965 йилда улар Ҳиндистон-Покистон низосидан ўзларининг ғаразли максадларида фойдаланмоқчи бўлдилар. Бу низо СССРнинг воситачилиги туфайли бартараф этилди. Лекин 1971 йилда Ҳиндистон-Покистон муносабатларида яна кескин танглик вужудга келди. 1947 йилда Покистон таркибига қўшиб олинган Шарқий Бенгалия территориясида бўлган

воқеалар жараёнида мустақил давлат — *Бангладеш Халқ Республикаси* эълон қилинди. Урушда Покистоннинг мағлубиятга учраши бу мамлакатда реакцион ҳукуматнинг вақтинча бартараф этилишига олиб келди. Янги ҳукумат Ҳиндистоннинг муносабатларни нормаллаштириш ҳақидаги таклифига рози бўлди. 1972 йилда иккиёклама муносабатлар ҳақида битим тузилди. Бироқ кейинчалик Покистонда янги ҳарбий тўнтариш юз берди. Мамлакатда қарор топган тузум Ҳиндистон билан муносабатларни кескинлаштирди. 1988 йил охирида Покистонда ҳокимият тепасига граждандар ҳукумати келди.

Ҳиндистон билан СССРни ҳар иккала халқнинг империализм ва ирқчиликка қарши, мустаҳкам тинчлик ва социал таракқиёт учун Осиёда ва бутун дунёда хавфсизликни мустаҳкамлаш учун курашдаги манфаатларнинг муштараклигига асосланган мустаҳкам дўстлик боғлаб туради. СССР билан Ҳиндистон ўртасидаги муносабатларни ривожлантиришнинг муҳим негизи 1971 йилда тузилган тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномадир. Совет-Ҳиндистон ҳамкорлиги сиёсий, илмий-техникавий ва маданий соҳалардаги барқарорлик билан ажралиб туради.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачевнинг 1986 ва 1988 йилларда Ҳиндистонга қилган сафарлари катта аҳамиятга эга бўлди. Ҳиндистон билан СССР ўртасида иқтисодий ва техникавий ҳамкорлик тўғрисида битим тузилди, ядро уруши хавфини бартараф этишда икки тинчликсевар давлатнинг ўзаро ҳамкорлиги катта аҳамиятга эгаллиги таъкидланди. М. С. Горбачев билан Р. Ганди *Ядро қуролидан холи ва зўрликсиз дунё принциплари тўғрисидаги Деҳли декларациясини имзоладилар*. Декларациянинг принциплари ва ғоялар барча халқларнинг орзу-умидларига мос келади.

#### **Савол ва топшириқлар**

1. Индонезияда республика ҳаётининг дастлабки 20 йилида қандай ўзгаришлар амалга оширилди? 2. Индонезиянинг ҳозирги аҳволини таърифлаб беринг. 3. Ҳиндистоннинг иқтисодий таракқиётидаги ютуқлар қандай? 4. Ҳиндистоннинг кейинги йиллардаги ички сиёсий аҳволи тўғрисида сўзлаб беринг. 5. Илмий-оммабон адабиётни жалб қилган ҳолда Ҳиндистоннинг атокли сиёсий арбоблари Ж. Неру ва Индира Ганди тўғрисида ахборот (реферат) тайёрланг. 6. Вактли матбуот материалларидан фойдаланиб, Совет-Ҳиндистон ҳамкорлигининг ривожланиши ҳақида обзор тайёрланг.

## ҒАРБИЙ ВА ЖАНУБИ-ҒАРБИЙ ОСИЁ, ШИМОЛИИ ВА ШИМОЛИ-ШАРҚИЙ АФРИКА МАМЛАКАТЛАРИ

### 51-§. Яқин Шарқ иккинчи жаҳон урушидан кейин. Миср Араб Республикаси

1. Яқин Шарқ урушдан кейинги дастлабки йилларда. Совет Иттифоқи Улуғ Ватан урушида қозонган тарихий ғалаба ҳамда жаҳон социалистик системасининг вужудга келиши таъсирида Яқин Шарқда кучли миллий озодлик ҳаракати тўлқини кўтарилди. Озодлик ва миллий мустақилликка интилиш турли араб мамлакатларидаги деҳқонлар, ишчилар, ҳунармандларнинг кенг оммасини, прогрессив зиёлиларни ва миллий буржуазиянинг анчагина қисмини бирлаштирди. Араб давлатлари бирин-кетин империалистик ҳукмронликдан озод бўла бошладилар. Уларнинг баъзилари прогрессив ривожланиш ҳамда меҳнаткашларнинг манфаатларини кўзлаб чуқур социал-иқтисодий ўзгаришларни амалга ошириш йўлига ўтдилар. Интернационализм принципларига содиқ бўлган Совет Иттифоқи араб халқларига антиимпериалистик курашда ёрдам ва мадад кўрсатиб келди ва ҳозир ҳам кўрсатмоқда.

Империалистик давлатлар Исроил давлатининг ҳукмрон юқори қатламларидан, шунингдек араб мамлакатларидаги реакцион кучлардан қурол сифатида фойдаланиб, бу региондаги миллий озодлик ҳаракатини тўхтатишга уриндилар ва ҳозир ҳам уринмоқдалар.

Мустамлакачилик системасининг кризиси кескинлашган шариқта Буюк Британия иккинчи жаҳон урушидан кейин Яқин Шарқдаги ўз ҳукмронлигини сақлаб қола олмади. Миллатлар Иттифоқининг 1922 йилдаги мандати асосида Англия бошқариб келган Фаластинда ҳам Англияга қарши чиқишлар юз берди. Англия Фаластиннинг бундан кейинги тақдири масаласини Бирлашган Миллатлар Ташкилоти муҳокамасига топширишга мажбур бўлди. 1947 йил ноябрда БМТ Бош Ассамблеяси Британия мандатини бекор қилиш ва Фаластин территориясида икки давлат — араб ва яҳудий давлатини тузиш ҳақида резолюция қабул қилди. Қуддус шаҳри алоҳида халқаро режимга эга бўлган мустақил маъмурий бирлик қилиб ажратилди.

1948 йил майда Исроил давлати ташкил этилганлиги эълон қилинди. Ушбу буржуа давлатига америка империалистлари билан, бошқа империалистик давлатларнинг ҳукмрон доиралари ва халқаро сионизм билан маҳкам боғланган яҳудий монополистик буржуазиясининг манфаатларини ифода этувчи сионистик партияларнинг вакиллари бош бўлдилар. Янги давлатнинг биринчи ҳужжати бўлган «Мустақиллик декларацияси» даёқ *асосий мазмуни ашаддий шовинизм ва ёвуз антикоммунизм бўлган сионизм* Исроилнинг давлат идеологияси ва сиёсати деб эълон қилинди. (БМТ Бош Ассамблеясининг XXX сессияси 1975 йил ноябрда сионизмни ирқчилик ва ирқий камситишнинг бир шакли сифатида қораловчи резолюция қабул қилди.) Исроил ўз умрининг дастлабки кунлариданоқ фаластинлик араблар ва араб давлатларига нисбатан агрессив сиёсат юрита бошлади. Импери-

ализм, сионизм ва араб реакциясининг кирдикорлари натижасида фаластин араб давлати ташкил этилмай қолди.

Исроил давлати эълон қилинганидан кейин 1948—1949 йиллардаги араб-исроил уруши бошланди. Араб давлатларининг қўшинлари мағлубиятга учради. Исроил БМТ қарорига мувофиқ Фаластин араб давлатига тегиши керак бўлган территориянинг 60 фоизини босиб олди. Ташкил этилиб улгурмаган мана шу давлатнинг қолган территорияси Мисрга (Ўрта Ер денгизи соҳили бўйлаб Ғазо районидаги унча катта бўлмаган ерлар) ва Иорданияга (Иордан дарёсининг ғарбий қирғоғи) ўтиб қолди. Сионистларнинг террори ва репрессияларидан қутулиб қолиш учун 950 мингга яқин араб қўшни араб мамлакатларига қочиб кетди. Фаластинлик қувғин-қочоқларнинг фожиали тақдири ана шундай бошланган эди. Империалистик давлатларнинг воситачилигида урушда қатнашган Исроил билан араб мамлакатлари ўртасида яраш битимлари имзоланди, лекин барибир Яқин Шарқда ҳақиқий тинчлик қарор топмади.

Яқин Шарқ можаросининг асосий масалаларидан бири фаластин масаласи бўлиб қолди. Бу масаланинг моҳияти шундаки, ҳар қандай бошқа халқ сингари мустақиллик ҳуқуқига эга бўлган фаластинлик араблар қувғин бўлиб қолишга мажбурдирлар, уларнинг анчагина қисми эса кўп йиллар мобайнида оккупация шароитида яшамоқда. Исроилнинг ҳукмрон доиралари империализмнинг, биринчи навбатда АҚШнинг мададига таяниб, фаластинликларга ўз давлатларини ташкил этиш, БМТ қарорларида кўзда тутилганидек ўз уйларига қайтиш имкониятини беришга тўсқинлик қилмоқдалар.

**2. 1952 йил июль революцияси ва Мисрнинг миллий озод бўлиши.** Миср-араб мамлакатлари ичида энг йирик ва иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатдир. 1922 йилдан бошлаб Миср расман мустақил мамлакат деб ҳисоблаб келинди, лекин у амалда Буюк Британияга қарам, инглиз тўқимачилик саноатининг кенг «пахта плантацияси» бўлиб қолди. Англия Сувайш каналидан ва унинг зонасида жойлашган ҳарбий базалардан Миср ва бошқа араб мамлакатлари устидан ҳукмронлик қилиш учун фойдаланди. Инглизлар феодаллар ва йирик миср буржуазияси билан иттифок бўлиб иш олиб бордилар. Қирол саройи реакциянинг муҳим таянчи эди.

Мисрнинг халқ оммаси инглиз қўшинларини Сувайш канали зонасидан олиб чиқиб кетишни ва мамлакатнинг ҳақиқий мустақиллигини таъминлашни қатъиян талаб қилди. **1952 йил 23 июлга** ўтар кечаси Қоҳира гарнизонининг қўшинлари кўзғолон кўтардилар. Кўзғолонга Жамол Абдул Носир бошчилигидаги яширин иш олиб борган «Озод офицерлар» ташкилоти раҳбарлик қилди. Кўзғолон кўтарганлар қирол Фарруҳни тахтдан воз кечишга ва мамлакатдан чиқиб кетишга мажбур қилдилар. Июль миллий революцияси *антиимпериалистик* ва *антифеодал* *характерга* эга эди.

1953 йилда Миср республика деб эълон қилинди. 1956 йилдан бошлаб Ж. А. Носир республика президенти бўлди.

Жамол Абдул Носир (1918—1970) 1942 йилда бош штабнинг ҳарбий коллежини тамомлади, сўнгра эса шу коллежда дарс берди. Носир 1952 йилги июль революциясини тайёрлаган «Озод офицерлар» ватанларвар ташкилотини тузиш ташаббускори ва унинг раҳбари эди. Республика эълон қилинганидан кейин бош министр бўлди, 1956—1970 йилларда эса мамлакат президенти лавозимида турди. Носир Миср ва бошқа араб давлатларининг мустақил, прогрессив ривожланиши учун, империализмга қарши курашда араб халқларининг бирлиги учун атоқли курашчи эди. У совет-миср дўстлиги ва ҳамкорлигини ривожлантиришга катта ҳисса қўшди.

Мисрдаги 1952 йил июль революцияси мамлакатнинг чет эл ҳукмронлигига сиёсий қарамлигини тугатишга, Сувайш канали зонасидан инглиз қўшинларининг олиб чиқиб кетилишига ёрдам берди. 1956 йил июлда Сувайш канали компаниясининг национализация қилиниши миллий мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида муҳим марра бўлди, у империализмнинг Яқин Шарқдаги позицияларига кучли зарба берди. Миср ҳукуматининг мана шу қонуний ишига жавобан Англия, Франция ва Исроил 1956 йил 30 октябрда Мисрга қарши уруш бошладилар. Бироқ уч давлат агрессияси мағлубиятга учради. Миср халқи ўз территориясига бостириб кирган интервентларга майдон қаршилик кўрсатди. Совет Иттифоки агрессорларни қатъият билан оғохлантирди, Мисрни қаттиқ қўллаб-қувватлади. Интервенциячиларнинг қўшинлари Миср территориясини ташлаб кетишга мажбур бўлдилар.

### 3. Миср ҳукуматининг ички ва ташқи сиёсати.

1957 йил охири — 1958 йил бошларида арабларга қарши кучлар Сурияга зарба бермоқчи бўлдилар. 1958 йил февралда Миср билан Сурия Бирлашган Араб Республикаси (БАР) деган ном билан бир давлатга бирлашдилар. Бироқ бу бирлашиш вақтинча бўлиб чиқди. 1961 йил июлда БАРда йирик капиталистларнинг мулкларини зарба остига қўядиган қонулар чиқарилган вақтда Сурия буржуазияси Мисрдан ажралошга қарор қилди. Уни ҳарбий доиралар қўллаб-қувватлади. 1961 йил сентябрда Сурияда тўнтариш амалга оширилиб, унинг БАРдан чиқишига олиб келди.

Сувайш канали национализация қилинганидан кейин Миср ҳукумати куч-ғайратларини мамлакатнинг сиёсий мустақиллигини мустаҳкамлашга ва иқтисодий мустақиллигини қўлга киришига қаратди. У инглиз ва француз компанияларининг мулкларини мусодара қилди, сўнгра эса барча бошқа чет эл корхоналари ва банкларини национализация қилди. Натижада 1961 йилга келиб чет эл капитали мамлакатдан амалда сиқиб чиқарилди.

50—60-йилларда Мисрда прогрессив социал-иқтисодий ўзгаришлар амалга оширилди: йирик саноат, банклар, транспорт национализация қилинди, давлат сектори барпо этилди, помешчикларнинг эгаллигини чегаралаб қўйган аграр ислоҳот ўтказилди. Бироқ аграр масала охиригача ҳал қилилмади. Йирик шаҳар буржуазиясининг бир қисми ҳам ўз позицияларини сақлаб қолди.

1971 йилда мамлакатнинг янги конституцияси қабул қилиниб, унга мувофиқ БАР Миср Араб Республикаси (МАР) деб аталадиган бўлди.

1952 йилги июль революциясидан кейин Миср мустақил ташкил шаклини йўлни амалга ошира бошлади, империализм ва мустамлакачиликка қарши чиқди. Мисрнинг Совет Иттифоқи билан дўстона муносабатлари ривожланди ва мустақамланди. СССР Миср халқига Хелуан металлургия комбинатини қуришда ва улкан Асвон гидроэнергетика комплексини барпо этишда ёрдам берди. Бу комплекс МАРни индустриалаш базаси ва мамлакат тараққиётининг рами бўлиб қолди. Миср экин майдонларини 30 процент кенгайтириш имконига эга бўлди. СССР 150 та саноат, қишлоқ хўжалик ва ўқув объектларини барпо этишда МАРга ёрдам берди. Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик давлатларнинг ёрдами миср халқининг миллий мустақилликни кучайтириш, Исроил агрессиясига қарши бардош билан курашиш имконини берган ҳал қилувчи факторлардан бири бўлди.

Мисрда 50—60-йилларда амалга оширилган прогрессив ўзгаришлар, мустақил ташкил шакли йўл, Совет Иттифоқи билан дўстлик ва ҳамкорликни мустақамлаш миср халқининг ҳақиқий манфаатларига мос келар эди. Лекин бу сиёсат помешчиклар ва йирик буржуазия орасидаги реакцион элементларнинг қутуриб қилган қаршилигига дуч келди. Ж. А. Носир вафотидан кейин ўнг кучлар империализмнинг мададига таяниб, 1952 йилги июль революцияси ютуқларини барбод қилишга қаратилган ўз фаолиятларини активлаштирдилар.

Президент Анвар Саодат бошчилигидаги Мисрнинг янги ҳукумати ўзидан олдинги даврда амалга ошириб келинган прогрессив йўлдан чекинди. У «очик эшиклар» ва экономикани «либераллаштириш» сиёсатини эълон қилди. Бу сиёсат чет эл ва Мисрнинг хусусий капитали фаолиятини бутун чоралар билан рағбатлантиришни кўзда тутар эди. Бу ҳол чет эл монополияларининг МАР экономикасига кенг қўламда кириб келишига, миср буржуазиясининг позициялари мустақамланишига ва давлат секторининг кучсизланишига олиб келди. Ҳукумат аграр ўзгаришларни помешчиклар ва қишлоқ буржуазиясининг фойдасига қайта кўриб чиқди. 1975 йилда деҳқонларга ижарага бериладиган ердан олинган ҳақни оширишни кўзда тутувчи қонун қўриб кирди. Помешчиклардан тортиб олинган ерлар аввалги эгаларига қайтарилди, мулкдорлар ижарачиларни чек ерлардан қувиб юбориш ҳуқуқини олдилар. Бундай сиёсат натижасида миср қишлоғида камбағаллар ва ерсиз фаллоҳлар кўпчиликни ташкил қилмоқда. Бунинг эвазига ер эгаларининг йигирмадан бир қисми (помешчиклар ва қулоқлар) экин майдонларининг 43 фоизига эгалик қилмоқда. МАР экономикаси катта-катта қийинчиликларга дуч келди, кенг меҳнаткашлар оммасининг турмуш даражаси пасайди.

А. Саодат ҳукумати ташкил сиёсат соҳасида ҳам 1952 йил июль революцияси принципларидан чекинди. Мисрнинг Ғарб давлатла-



рига, биринчи навбатда АКШга қарамлиги кучайди. Миср Яқин Шарқ можаросини тартибга солиш масалаларида таслимчилик позициясини эгаллади. СССР ва бошқа социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари билан муносабатларни тўхтатиш йўлига ўтди, прогрессив араб тузумлари билан ҳамкорликдан воз кечди. 1976 йил мартда Саодат 1971 йилда тузилган СССР билан МАР ўртасида Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартноманинг амал қилишини тўхтатиш ҳақида бир томонлама қарор қабул қилди. Мисрнинг миллий манфаатларига жиддий зарар келтирган бу қарор араб мамлакатларида ғазаб ва кескин танқидга учради.

Саодатнинг сиёсати Мисрнинг халқро аҳволини жиддий мураккаблаштирди, унинг араб дунёсида яқкаланиб қолишига олиб келди. Босқинчи Исроил билан сепарат битимлар тузганлиги натижасида Миср *Араб давлатлари иттифоқидан* (АДИ) чиқарилди, деярли барча араб давлатлари унга қарши сиёсий ва иқтисодий бойкот эълон қилдилар. Саодатнинг мамлакат ичидаги сиёсатидан норозилик йил сайин кучая бориб, миср президентига қарши суиқасдга айланди. 1981 йил октябрида бўлган ҳарбий парад вақтида у ярадор бўлиб ўлди. Бу вақтга қадар вице-президент лавозимини эгаллаб келган М. Х. М у б о р а к (1928 йилда туғилган) мамлакатнинг янги президенти қилиб сайланди.

У раҳбарлик қилган ҳукумат баланслаштирилган сиёсат олиб бора бошлади, миллий экономика позицияларини мустаҳкамлашга ва давлат секторини ривожлантиришга кўпроқ эътибор берди. МАР ҳукумати бир қанча араб мамлакатлари билан дўстона муносабатларни тиклашга ҳаракат қилмоқда. Совет Иттифоқи билан нормал муносабатлар йўлга қўйилди.

Миллий-ватанпарвар кучлар яширин иш олиб бораётган *Миср коммунистик партияси* билан биргаликда мамлакатни мустақил ривожланиш ва тараққиёт йўлига қайтариш, июль революцияси принциплари ва мақсадларини химоя қилиш учун кураш олиб бормоқда.

**4. Исроилнинг 60—80-йиллардаги араб мамлакатларига қарши агрессияси.** 50—60-йилларда араб халқлари озодлик ва социал тараққиёт учун курашда сезиларли муваффақиятларни қўлга киритдилар. Бир қанча араб мамлакатларида амалга оширилган демократик ўзгаришлар Яқин Шарқда империализм ва унинг агентларининг позицияларини кучсизлантирди.

Ғарбнинг империалистик доиралари араб халқларининг прогрессив мустақил тараққиётини тўхтатиб қолишга ҳаракат қилиб, араб мамлакатларига қарши бир неча бор агрессия қилган Исроилнинг ҳукмрон юқори табақаларидан фойдаландилар. 1967 йил июнь ойининг бошларида Исроил ҳукмдорлари халқаро империализм ва сионизм мададида Сурия, Миср ва Йорданияга қарши уруш бошладилар. Исроил кўкқисдан зарба беришдан фойдаланиб, араб мамлакатлари территориясининг анча қисмини (Синай ярим оролини, Ғазо секторини, Йордан дарёси ғарбий соҳилидаги ерларни, Қуддуснинг араб қисмини, Жолон тепаликла-

рини) босиб олди. Урушнинг дастлабки кунларидаёқ Совет Иттифоки бошқа социалистик мамлакатлар билан биргаликда Исроил агрессиясини тўхтатиш ҳамда араб халқларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун ғайрат билан чоралар кўрди.

Исроилнинг орқасида турган империалистларнинг асосий максадлари араб халқларининг миллий озодлик ҳаракатига зарба бериш, озодлик ва мустақилликни қўлга киритган мамлакатларни яна ўзларига бўйсундириб олишдан иборат эди. Гарчи араб давлатлари ҳарбий мағлубиятга учраган бўлсалар-да, СССР ва бошқа социалистик мамлакатларнинг ёрдами туфайли бу ниятлар рўёбга чиқмади.

Исроил ҳукмрон доираларининг босқинчилик йўли, оккупация қилинган ерларни араб мамлакатларига қайтариб беришдан, Фаластиндаги араб халқининг қонуний миллий ҳуқуқларини тиклашдан бош тортиш 1973 йил октябрида янги араб-исроил урушини келтириб чиқарди. Уруш ҳаракатлари совет курали билан қуроллантирилган араб армияларининг кучи ошганлигини кўрсатди. Исроил армияси бир неча бор мағлубиятга учратилди. Уруш ҳаракатлари тўхтаганидан кейин 1973 йил декабрида БМТ Хавфсизлик Кенгаши резолюциясига мувофиқ Женевада СССР ва АҚШ вакилларининг раислиги остида Якин Шарк бўйича сулҳ конференцияси чакирилди. Бирок АҚШ билан Исроил унинг ишини барбод қилдилар. Улар араб мамлакатларининг бирлашган фронтини парчалаш, Исроил агрессиясининг барча оқибатларини йўқотишга тўсқинлик қилувчи жузъий сепарат битимларни зўрлаб қабул қилдириш йўлига ўтдилар. 1975 йил сентябрда АҚШ кўмагида Синайдаги қўшинларни олиб кетиш ҳақида миср-исроил сепарат битими тузилди. Шу тарика араб халқларининг бириги бузилди, Фаластиндаги араб халқининг қонуний ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган куч-ғайратларга зарар етказилди. Сепарат битимни барча араб мамлакатлари ва 1964 йилда ташкил этилган *Фаластин озодлик ташкилоти* (ФОТ) қоралади.

Мисрнинг собиқ президенти Саодат Исроил билан яна сепарат музокаралар олиб борди. Бу музокаралар АҚШнинг ҳомийлиги остида ва актив иштирокида олиб борилиб, 1978 йил сентябрда *Кэмп-Дэвид* (АҚШ) да арабларга зид битимлар имзоланиши билан тугади. Исроил ҳукмдорлари 1967 йилда оккупация қилиб олган барча араб территорияларини бўшатиб беришдан бош торган бўлишларига қарамай (Синайдан ташқари, Мисрнинг бу территория устидан суверенитети катта чеклашлар билан тикланган эди) Миср билан Исроил ўртасида уруш ҳолати тўхтатилди. Исроил Фаластиндаги араб халқининг қонуний ҳуқуқларини, энг аввало ўз мустақил давлатини ташкил этиш ҳуқуқини қондиришдан бош тортди. Кэмп-Дэвид битимлари асосида 1979 йил мартда Миср билан Исроил ўртасида «сулҳ» шартномаси имзоланди. АҚШ ҳомийлигида юз берган бу тил бириктириш Якин Шаркдаги вазиятни яна ҳам мураккаблаштирди. Араб мамлакатларининг ҳукуматлари ва халқлари ҳамда ФОТ сепарат битимни қоралади-

лар ва рад этдилар, Миср тузуми билан барча муносабатларни уздилар.

Кэмп-Дэвид битимлари аслида агрессорнинг қўлини бўшатиб юборди. У АҚШнинг қўллаб-қувватлашига таяниб, янги босқинчиликларни амалга оширди. 1980 йилда Исроил ҳукумати мусулмонлар ва христианларнинг диний мукаддас жойлари жамланган Қуддусни «Исроилнинг ягона ва бўлинмас пойтахти» деб эълон қилди. 1981 йилда Тель-Авив ҳукмдорлари Сурияга қарашли Жолон тепаликларини аннексия қилганликларини эълон қилдилар. Бу ҳаракатларни БМТ қонуний бўлмаган ҳаракатлар сифатида қатъиян рад этди. БМТ Бош Ассамблеясининг фавқулодда махсус сессияси 1982 йилда резолюция қабул қилиб, унда БМТнинг барча аъзолари бўлган давлатларни агрессорни яққалаб қўйиш мақсадида у билан барча алоқаларни узишга чақирди.

Шунга қарамай, АҚШ ўзининг Якин Шарқдаги позицияларини мустаҳкамлашга умид боғлаб, Исроилнинг агрессив ҳаракатларини бутун чоралар билан қўллаб-қувватлайверди. 1981 йил охирида АҚШ билан Исроил «стратегик ҳамкорлик» тўғрисида битим туздилар. Бу битим арабларга қарши қаратилгандир.

Исроил ўзининг шимолий территориялари «хавфсизлигини таъминлаш» ҳақидаги сохта баҳона остида 1982 йил июнда АҚШ ҳукуматининг мадади билан Ливанга қарши уруш бошлади. Америка қуроли билан қуролланган агрессорнинг юз минг кишилик армияси Байрутгача борди ва Ливан пойтахтининг ФОТ раҳбарлари ва унинг асосий ҳарбий тузилмалари жойлашган гарбий қисмини қамал қилди. ФОТ ва Ливан миллий ватанпарвар кучларининг жангчилари душмanning устун кучларига қаттиқ қаршилик кўрсатиб, жасорат ва қаҳрамонлик намуналарини кўрсатдилар. Исроил ҳарбийлари Ливан пойтахтини ваҳшийларча вайрон қилиб, тинч аҳолини — асосан хотин-қизлар, болалар, кексаларни ўққа тутди. Тинч аҳолининг бундан буён ҳам йўқ қилинишига ва шаҳарнинг вайрон этилишига йўл қўймаслик учун ФОТ раҳбарлари ўзларининг жанговар отрядларини Байрутдан эвакуация қилишга розилик берди.

Оккупантлар фаластинликлар яшайдиган лагерларда қонли қирғин ўтказиб, у ерда гитлерчиларнинг усулларидан фойдаландилар. Исроил интервентларининг жиноятлари бутун инсониятнинг қаҳр-ғазабини кўзгади. Лекин Исроил ўзининг асосий мақсадларига эриша олмади. У Ливаннинг ватанпарвар кучларини тор-мор этишга ва ФОТни йўқ қилиб ташлашга муваффақ бўлолмади. АҚШнинг Байрутни ва бошқа аҳоли пунктларини ваҳшийларча бомбардимон қилиш йўли билан ўз иттифокчисига ёрдам бериш йўлидаги уриниши ҳам шармандаларча тугади. Америка флоти Ливан соҳилини ташлаб кетишга мажбур бўлди. Исроил ўз қўшинларини мамлакат жанубига олиб кетди ва бу ерни ҳозир ҳам ғайри қонуний суратда оккупация қилиб турибди. Исроил авиацияси Ливаннинг аҳоли пунктларини вақт-вақти билан бомбардимон қилиб туради. Ливанликларнинг ўзаро душман бўлган

сиёсий гуруҳлари ўртасида тўқнашувлар чиқиб, улар ҳарбий можароларга ва қон тўкишига айланиб кетаётганлиги мамлакатнинг суверенитетини тиклаш йўлидаги жиддий тўсиқдир. Исроил босқинчилари Ливан миллий-ватанпарвар кучларининг сафларида бирлик йўклигидан, шунингдек ФОТ сафларида сўнгги вақтларгача сиёсий кураш юз бериб келганлигидан ўз манфаатлари йўлида фойдаланмоқдалар.

Исроил босиб олган территорияларнинг араб аҳолиси оккупантларга қатъий қаршилик кўрсатмоқда. 1987 йил охирида Ғазо секторида ва Иордан дарёсининг ғарбий соҳилида араблар кўзғолони бошланиб кетди. Оккупантларнинг бу кўзғолонни бостириш йўлидаги ҳамма уринишлари муваффақиятсиз чиқмоқда. 1988 йил ноябрда Жазорда тўлиланган Фаластин Миллий кенгаши мустақил фаластин давлати ташкил этилганлигини эълон қилди.

Совет Иттифоқи Исроил ўтказиб келаётган геноцид сиёсатини қатъиян қоралади. СССР Яқин Шарқ муаммоларини ҳал қилиш юзасидан барча манфаатдор томонлар, шу жумладан ФОТ иштирокида халқаро конференция чақириниши таклиф қилмоқда.

#### Савол ва топшириқлар

1. Миср халқи мустақиллигини қандай қўлга киритди? 2. Мисрда 1952 йил июль революциясидап кейин амалга оширилган прогрессив ислохотларнинг натижасини очиб беринг. 3. Илтимой-оммабон алабиётни жалб қилган ҳолда Ж. А. Носир ҳақида ахборот тайёрланг. 4. Мисрнинг ҳозирги гараққиётига баҳо беринг. 5. Яқин Шарқ кризисининг манбаларини ва маъна шу регионал можаро узок вақтдан бери мавжуд бўлиб турганлигининг сабабларини аниқланг. 6. Сионизмнинг моҳиятига таъриф беринг. Исроилнинг агрессивлиги нима билан изоҳланади? 7. Вақтли матбуотдан ва бошқа оммавий ахборот воситаларининг хабарларидан фойдаланиб, босиб олинган араб территорияларидаги аҳвол ҳақида сўзлаб беринг.

#### **52- §. Сўрия Араб Республикаси. Яман Халқ Демократик Республикаси Ироқ Республикаси**

1. Сурия 1943—1963 йилларда. Иккинчи жаҳон урушига қадар Сурия Франция мандати остидаги территория бўлиб келган эди. Халқ оммасининг актив чиқишлари натижасида 1943 йилда Сурия мустақиллиги эълон қилинди, 1946 йилда эса француз қўшинларининг ҳаммаси олиб чиқиб кетилди. Ўша вақтда ҳокимият тепасига келган буржуа-помешчиклар партияларининг вакиллари халқ ҳаракатини репрессия остига олдилар, коммунистик партияни тақиқлаб қўйдилар. Пички сиёсий курашнинг кескинлашувидан турли офицерлар гуруҳлари фойдаландилар ва 1949—1954 йилларда навбати билан ҳокимият тепасида гурдилар.

1954 йилда Сурия армиясининг қисмлари томонидан қўллаб-қувватланган халқ оммасининг қудратли чиқишлари натижасида

ҳарбий диктатура ағдариб ташланди ва мамлакатда конституцион тартиблар тикланди.

Сурия мустақилликини мустаҳкамлаш йўлини ўтказа бошлади. 1955—1957 йилларда СССР билан бир қанча иқтисодий битимлар тузилди, Сурия Мисрга қарши 1956 йилги уч давлат агрессияси вақтида уни қўллаб-қувватлади. Мамлакатда прогрессив партиялар ва ташкилотлардан иборат *Миллий фронт* тузилди. Фронт катнашчилари қабул қилган *Миллий ҳаракатлар хартияси* халққа зид ишларга қарши курашишни, демократиялаш чораларини амалга оширишни ва бир қанча социал-иқтисодий ислохотларни ўтказишни назарда тутар эди. Бу ҳол Ғарбдаги империалистик доираларга ва Суриянинг ўзидаги реакцион элементларга маъқул эмас эди. Улар Сурия республикасига қарши ифвогарликларни давом эттирдилар. Вужудга келган шароитда 1958 йилда Сурия билан Миср бирилашиб БАҲ тузилди. 1961 йилда бу бирилашма ажралиб кетди. Натижада *Сурия Араб Республикаси* (САҲ) вужудга келди.

**2. САҲдаги социал-иқтисодий ўзгаришлар.** Мустақиллик тикланганидан кейин мамлакатда вазият беқарор эди. Ҳокимият тепасига келган йирик буржуазия вакиллари халққа қарши тузумни ўрнатдилар. Улар Сурия БАҲга кирган даврда национализация қилинган корхоналарни капиталистларга қайтариб бердилар. Помешчиклар илгари аграр ислоҳот бўйича дехқонларга берилган ерларни улардан тортиб ола бошладилар. Мамлакатда партиялар, касаба союзлари матбуот эркинлигини тақиқловчи гайри демократик қонунлар амал қилар эди. Буларнинг барчаси кенг халқ оммаси ва армиянинг норозилигини тугдирди. 1963 йил мартда тўнтариш натижасида ҳокимият тепасига *Араб социалистик уйғониш партияси* (АСУП ёки Баас) келди.

Баас, арабча «уйғониш» деган маънони англатади, дехқонлар, хунармандлар, майда савдогарлар, ишчилар, прогрессив зиёлилар, ҳарбий хизматчиларнинг вакилларидан иборатдир. Баас умумараб партияси ҳисобланиб, Сурия, Ироқ, бошқа араб мамлакатларида ўз регионал ташкилотларига эга.

Ҳукумат социал-иқтисодий ислохотлар йўлини эълон қилди, бироқ бу йўл 1968 йилдан бошлаб, ҳокимият тепасига партиянинг сўл қаноати келганидан кейингина амалга оширила бошлади. Сурияда муҳим социал-иқтисодий ўзгаришларни амалга ошириш босқичи бошланди. Табiiй ресурслар давлат мулки деб эълон қилинди, аграр ислоҳотни чуқурлаштирган қонунлар қабул қилинди. Кам ерли ва ерсиз дехқонлар имтиёзли шартлар билан чек ер олишди. Қишлоқда таъминот-сотиш кооперативлари тузилди, айни вақтда қулоқлар ва помешчиклардан иборат каттагина қатлам сакланиб қолди.

1967 йилда Исроил агрессорлари Сурия ва бошқа араб мамлакатларига қарши уруш бошлаб, уларнинг прогрессив тараққий

этиш жараёнини тўхтатишга ҳаракат килдилар. Лекин улар ўз максадларига эриша олмадилар.

Президент Ҳафиз А с а д (1930 йилда туғилган) бошчилигидаги САР ҳукумати социал-иктисодий ўзгаришларни давом эттирди. Мамлакатда йирик саноат корхоналари, банклар ва страхование компаниялари национализация қилинди. Ҳозир саноат ишлаб чиқаришнинг 80 фоиздан ортиқроғи давлат сектори ҳиссасига тўғри келмоқда. Халқнинг турмуш даражаси сезиларди ўсди, саводсизликка қарши курашда, маданиятни ривожлантиришда маълум ютуқларга эришилди.

Сурияда ижтимоий-сиёсий ҳаётни демократиялаш соҳасида муҳим тадбирлар амалга оширилди. Бу ҳол парламентнинг составида ҳам ўз аксини топди: унда кўпчилик ўринларни меҳнатқашларнинг вакиллари олган.

Суриянинг социал-иктисодий ва сиёсий жиҳатдан янада ривожланиши учун мамлакатдаги барча ватанпарвар кучларнинг 1972 йилда ташкил этилган *Миллий прогрессив фронтга* (МПФ) бирлашганлиги муҳим аҳамиятга эгадир. *Унга Баас, Сурия коммунистик партияси, социалист-юнионистлар партияси, араб социалистик иттифоқи, араб социалистлари партияси* киради. МПФ қабул қилган Хартия Суриянинг социализмни кўзлайдиган йўлдан боришини, империализм ва сионизмга, шунингдек ички реакцион кучларга қарши курашда социализм мамлакатлари ва прогрессив араб давлатлари билан ҳамкорликни ривожлантириш вазифасини кўяди.

Сурия билан Совет Иттифоқи ўртасида дўстона муносабатлар қарор топган. СССР ёрдамида Сурияда 40 дан ортиқ иктисодий объект қурилди ва 30 га яқин объект қурилмоқда, Евфрат дарёсида Яқин Шарқдаги энг йирик гидроэнергетика комплекси қурилиши муваффақиятли тугалланди. СССР Суриянинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлашда ёрдам кўрсатди. 1980 йилда Совет Иттифоқи билан Сурия ўртасида Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида шартнома тузилди.

**3. Яман Халқ демократик Республикаси.** ЯХДР социалистик йўлни танлаб олган ривожланаётган мамлакатлар жумласига ки-ради. Жанубий Яман халқи Британия мустамлакачиларига қарши кўп йиллик қуролли кураш жараёнида мустақилликни қўлга киритди. 1963 йил октябрда кўтарилган ва умумхалқ озодлик кура-шини бошлаб берган кўзғолон золимлар устидан ғалаба қозониш учун алоҳида аҳамиятга эга бўлди. Кўзғолонга бошчилик қилган *Миллий фронт* озодлик армиясини ташкил этди ва ўз томонига Жанубий Яман аҳолисининг кенг қатламларини тортди. Миллий фронт билан бирга бошқа революцион ташкилотлар ҳам антиим-периалистик ва антифеодал шнорлар остида чиқишди.

Жанубий Яман ватанпарвар кучларининг кураши ғалаба билан якунланди. 1967 йилда Жанубий Яман Халқ Республикаси-нинг мустақиллиги эълон қилинди (1970 йилдан бошлаб Яман Халқ Демократик Республикаси — ЯХДР).

Демократик Яманда чуқур социал-иктисодий ўзгаришлар амалга оширилди: табиий бойликлар чет эл ва маҳаллий sanoat корхоналари, банклар, страхование компаниялари национализация қилинди. Ташқи ва улгуржи ички савдога давлат монополияси жорий этилди, аграр ислохот ўтказилди — илгари султонлар, амирлар, шайхларга карашли бўлган ерлар деҳқонларга берилди. Экономикада давлат ва кооператив секторлари мустақкамланмоқда.

Мамлакатнинг социал-иктисодий тараққиёти давлат планлари асосида амалга оширилмоқда. Янги корхоналар, суғориш системалари қурилди. Меҳнаткашлар оммасининг фаровонлиги ошди. Халқ таълими ва соғлиқни сақлаш ривожланди.

Шу билан бирга, сепаратчилик тенденциялари ва қабилачилик саркитларининг ролини қирқишга, мамлакатнинг ривожланишига буржуа таъсирини бўшаштиришга муваффақ бўлинмади. Бу ҳол ЯХДРнинг прогрессив йўлига қарши контрреволюцион чиқиш юз берган 1986 йил январидан намоен бўлди. Хукмрон социалистик партиядан ана шу йўл тарафдорлари халқнинг актив мадади билан революция ғалабаларини сақлаб қолишга ва ЯХДРнинг барқарор ривожланишини таъминлашга муваффақ бўлдилар.

ЯХДРнинг раҳбар сиёсий кучи 1978 йилдан бери *Яман социалистик партияси* (ЯСП) бўлиб, у революцион-демократик *Бирлашган сиёсий Миллий фронт ташкилоти* (БСМФТ) асосида тузилгандир. Партия илмий социализм назариясини ўзининг идеологик негизи деб эълон қилди. Партиянинг программаси миллий-демократик революция босқичини тугаллаб, кейинчалик ЯХДРда социализм асосларини қуришга ўтишни ўз мақсади қилиб қўйган. Ташқи сиёсат соҳасида антиимпериалистик кураш, Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари билан ҳамкорликни кенгайтириш ва чуқурлаштириш, региондаги барча давлатлар билан, айниқса прогрессив араб мамлакатлари билан муносабатларни ривожлантириш, Яқин Шарқда ва бутун дунёда мустақкам тинчлик учун кураш биринчи ўринга қўйилган.

Совет Иттифоқи ЯХДРга иктисодий ва маданий қурилишда ёрдам кўрсатмоқда. СССР билан ЯХДР ўртасидаги муносабатларни мустақкамлаш учун 1979 йилда тузилган Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома катта аҳамиятга эга.

**4. Ироқдаги 1978 йил июль революцияси.** Биринчи жаҳон уруши охиригача Ироқ Туркия ҳукми остида эди. Сўнгра Буюк Британия Ироқни оккупация қилди ва у Буюк Британиянинг мандати остидаги территорияга айланиб қолди. Инглиз босқинчиларига қарши 1920 йилда кучли халқ кўзғолони кўтарилди, бу кўзғолонни мустамлакачилар зўр шафқатсизлик билан бостирдилар. Буюк Британия ўз хукмронлигини никоблаш учун Ироқни кўғирчок қирол Файсал I бошлик монархия деб эълон қилди. Фақат 1932 йилдагина Ироқнинг мустақиллиги формал тан олинди, у шартнома билан чеклаб қўйилди. Бу шартномага мувофиқ Британия кўшинлари Ироқ территориясида қолаверган эди. Англия ҳукумати

аслида бу мамлакатни ҳарбий ва сиёсий жиҳатдан контроль қилиб турар эди.

Ироқдаги бутун ҳокимият 1958 йилга қадар инглизларнинг гуашталари қўлида бўлиб, улар террор ва зулм тузумини ўрнатган эдилар. Халқ уни «қора тузум» деб атади. Ироқ ҳукмдорлари халқ ҳаракатини жазоладилар, 1934 йилда ташкил этилган компартия ва бошқа прогрессив ташкилотларнинг таниқли арбобларини йўқ қилиб юбордилар. Соткин ироқ ҳукмдорлари ёрдамида ва империалистларнинг буйруғи билан агрессив *Бағдод пакти* (1955 йил) тузилди. Унинг мақсади миллий озодлик ҳаракатини бўғиб ташлаш эди.

Халқ оммаси ҳукмрон юқори табақанинг сиёсатидан борган сари кўпроқ норози бўлди. Бу норозилик армиядаги ватанпарвар доираларни ҳам камраб олди. 1958 йил июлда ироқ армиясининг кўзғолон қўтарган ва халқ томонидан қўллаб-қувватланган қисмлари монархия тузумини ағдариб ташлади. Ироқ республика деб эълон қилинди.

Июль буржуа-демократик революциясидан кейин мамлакатда баъзи муҳим ўзгаришлар амалга оширилди. Аграр ислоҳот бошланди. Янги ҳукумат мамлакат аҳолисининг қарийб 20 процентини ташкил этган ва олдинги тузум томонидан шафқатсиз эзиб келинган қурдларнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилишга ваъда берди. Ироқ Бағдод пактидан чиқди, унинг территориясида чет эл ҳарбий базалари тугатилди, СССР ва бошқа социалистик мамлакатлар билан иқтисодий ва маданий алоқалар ривожлана бошлади.

Бироқ 1959 йил охиридан бошлаб Ироқ ҳукумати ўзининг ички сиёсатида демократик эркинликларни бостириш йўлига ўтиб олди, коммунистларни таъқиб қила бошлади, қурдларнинг ҳуқуқларини камситди, уларга қарши ҳарбий ҳаракатлар бошлади (1961 йил). Миллий ватанпарвар кучларнинг бирлиги барбод бўлди. Бундан Баас фойдаланди ва 1963 йил февралда ҳокимиятни ўз қўлига олди. Бироқ Баас ўша вақтда мамлакатнинг демократик кучларига, шу жумладан коммунистларга ҳам нисбатан салбий позицияни эгаллаганлиги туфайли Ироқнинг халқ оммаси орасида ўзига таянч топа олмади ва 1963 йил ноябрда янги давлат тўнтариши натижасида бассчилар ҳукумати ағдариб ташланди. Ҳокимият тепасига ҳарбий гуруҳ келиб, у зарур ислоҳотларни ўтказишга ваъда берди. Лекин бу ҳарбий режим ҳам Ироқдаги аҳволни барқарор қила олмади.

**5. Ироқдаги социал-иқтисодий ўзгаришлар.** 1968 йил июлда революцион ўзгаришлар натижасида мамлакатга раҳбарлик қилишга яна Баас келди. Бу вақтда унда муҳим силжишлар юз берган эди. Ироқ ҳукумати халқ оммасининг антиимпериалистик ва антифеодал кураши манфаатлари йўлида прогрессив чораларни амалга оширди. Сиёсий маҳбуслар озод қилинди. Ироқ компартияси легал фаолият олиб бориш имконига эга бўлди: унинг иккита вакили 1972 йилда ҳукуматга кирди. Аграр ислоҳот ҳақида анча прогрессив қонун қабул қилинди. Бу қонуннинг мақсади — по-



мешчиклар ер эгалигига бархам бернш ҳамда помешчикларга ҳақ тўламаган ҳолда ерсиз ва кам ерли деҳқонларга ер беришдан иборат эди. Қишлоқда кооперация ривожлана бошлади. Баас съезди (1974 йил) Ироқ учун капиталистик тараққиёт йўли номақбул деб айтди.

Ҳукумат 1970 йилда *Курдистон демократик партиясининг* раҳбарлари билан уруш ҳаракатларини тўхтатиш ҳақида битимга келди. Ироқ Курдистони ўзининг конун чиқарувчи ва ижро этувчи кенгашларига эга бўлган ва маҳаллий ўз-ўзини бошқарувчи автоном район деб эълон қилинди, Районда прогрессив аграр ислохот ўтказилди.

Ироқ территориясидаги барча чет эл нефть компанияларини национализация қилиш натижасида Ироқ нефтини қазиб чиқариш, қайта ишлаш ва сотиш батамом ҳукумат қўлига ўтди. Бу ҳол Яқин Шарқда мустамлакачиларга кучли зарба берди. СССР билан ҳамкорликда давлат секторининг асосларидан бири бўлган миллий нефть саноати барпо этилди.

Мамлакат раҳбарларининг прогрессив тадбирларини *Ироқ компартияси* (ИКП), бошқа ватанпарвар кучлар қўллаб-қувватлади. Ана шу асосда 1973 йилда Ироқда *Прогрессив миллий-ватанпарвар фронт* (ПМВФ) ташкил этилиб, унга Баас, Ироқ компартияси, баъзи курд ташкилотлари кирди. Бирок Яқин Шарқда империализм ва реакция активлашган бир шароитда Ироқнинг ўзида кўпуровчи кучлар фаолияти сезиларли даражада зўрайди. ИКП таъсири ўтаётганидан чўчиб қолган бу кучлар 1977—1978 йилларда кенг антикоммунистик кампанияни бошладилар, бу кампания коммунистларга қарши шафқатсиз репрессияларга олиб келди. Бу ҳол ИКПни ҳукуматдан ўз вакилларини чақириб олишга, Прогрессив фронтдан чиқишга ва нолегал ҳолатга ўтишга мажбур қилди (1979 йил).

Ироқ ҳукумати империализм ва исроил агрессиясига қарши чиқмоқда. Ироқ СССР билан муносабатларни 1972 йилда тузилган Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома асосида ривожлантирмоқда. Шунингдек, иқтисодий ва техникавий ҳамкорлик тўғрисида икки томонлама битим ҳам мавжуд. Совет Иттифоқининг иштирокида Ироқда 80 та иқтисодий объект барпо этилган.

1980 йил сентябрда Ироқ билан Эрон ўртасида чегара можароси чиқиб, у кўпга чўзилган урушга айланиб кетди. Бу уруш АҚШга регионнинг ички ишларига аралаштиш учун баҳона бўлди. Бу уруш Исроил ҳукмдорларига ҳам фойдалидир. У ҳар иккала давлат халқларига беҳисоб кулфатлар келтирди, кўплаб одамларнинг ўлишига, хўжалик вайрон бўлишига сабаб бўлди, Яқин ва Урта Шарқда вазиятни мураккаблаштирди. 1988 йилда БМТ Бош секретарининг воситачилигида бутун Эрон-Ироқ фронт чизиги бўйлаб уруш ҳаракатларини тўхтатиш ҳақида битимга келинди.

## Савол ва топшириқлар

1. Сизнингча, Суриянинг араб дунёсидаги обрў-эътибори нима билан белгиланади? 2. ЯХДРда қандай социал-иктисодий ва сиёсий ўзгаришлар амалга оширилди? 3. Ироқдаги ҳозирги аҳволни таърифлаб беринг. 4. Оммавий ахборот воситалари материалларини жалб қилган ҳолда Эрон-Ироқ уруши ва Форс қўлтиғидаги аҳвол тўғрисида ахборот беринг. Бу можаро ва унинг оқибатлари тўғрисида сиз қандай фикрдасиз?

## 53-§. Жазоир Халқ Демократик Республикаси. Эфиопия Халқ Демократик Республикаси

50-йиллар ўрталарида асосан араблар яшайдиган Шимолий Африка миллий озодлик ҳаракатининг марказларидан бири бўлиб қолди. Миллий озодлик учун кураш Марокаш, Тунис ва Жазоирда кенг қулоч ёзди. Бу мамлакатларда меҳнаткашлар ва миллий буржуазиянинг бирлашган антиимпериалистик fronti вужудга келди. Марокаш ва тунис халқларининг озодлик кураши Францияни 1956 йилда Марокаш ва Туниснинг мустақиллигини эътироф этишга мажбур қилди.

1. **Жазоир халқининг француз мустамлакачиларига қарши кураши.** 130 йилдан ортиқ Франциянинг мустамлака зулми остида бўлган Жазоирда миллий озодлик ҳаракати чўзилиб кетди. Иккинчи жаҳон уруши охиридаёқ Жазоирнинг кенг халқ оммаси миллий озодлик учун курашни бошлаб юборди. 1954 йил 1 ноябрда жазоир халқи француз мустамлакачиларига қарши кўзғолон кўтарди. Унга аҳолининг кенг қатламларини бирлаштирган оммавий ватанпарвар ташкилот — *Миллий озодлик fronti* (МОФ) бош бўлди. Миллий озодлик ҳаракатининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи меҳнаткашлар — фаллоҳлар ва ишчилар эди. Улар билан бирга бу ҳаракатда миллий буржуазия ва ҳатто феодал элементлар ҳам қатнашдилар. Жанглар алангасида халқ *Миллий озодлик армиясини* (МОА) ташкил этди. Бу армияга МОФ раҳбарлик қилди. Миллий озодлик курашининг бошларида МОФ унинг асосий мақсадларини: мамлакатни мустамлака зулмидан озод қилиш, мустақил Жазоир республикасини ташкил этиш мақсадларини таърифлади. Жазоир коммунистлари МОФ билан бирга ҳаракат қилдилар ва ана шу ташкилотдан бўлган ватанпарварлар билан ўз ватанларининг озодлиги учун қаҳрамонларча жанг қилдилар. 1956 йилда жазоир коммунистларининг қуроли отрядлари МОА га кирди.

Француз мустамлакачилари АҚШ ва бошқа иттифоқчилар ёрдамида қиргин уруши олиб бордилар. Уруш жараёнида деярли 1,5 миллион киши ҳалок бўлди, 2 миллион жазоирлик концентрацион лагерларда ва турмаларда азоб чекди ёки Тунис ва Марокашга қочди. Бирок жазоир халқи мустамлакачилар қаршисида бош эгмади. МОА халқ билан бирга 600 минг кишилик француз армиясига қарши уруш олиб борди. Франция меҳнаткашлари жазоир халқининг адолатли талабларини қўллаб-қувватладилар.

Ана шу йилларда у СССРдан катта маънавий-сиёсий ва ҳарбий мадад олиб турди.

Жазоир ватанпарварларининг етти йилдан ортиқ давом этган кураши ғалаба билан якунланди. 1962 йил мартда Франция ўт очишни тўхтатиш ҳақида *Эвиан битимларини* имзолади. Мамлакатда бўлиб ўтган референдумдан кейин у Жазоирнинг мустақиллигини тан олди. Шу билан революциянинг биринчи босқичи — қуроли кураш босқичи тугади. Унинг асосий натижаси мустамлака тузуми йўқотилганлигидан ва сиёсий мустақиллик қўлга киритилганлигидан иборат бўлди. Қуроли кураш тамом бўлгандан кейин МОФ сафларида синфий кучларнинг ажралиш жараёни юз бериб, у ўнг элементлар четлаштирилишига ҳамда жамиятни революцион-демократик тарзда қайта қуришни ёқлаб чиққан сўл қанотнинг ғалаба қилишига олиб келди.

**2. Жазоир Халқ Демократик Республикасининг ташкил топиши. Унинг ички ва ташқи сиёсати.** Революциянинг мустақил Жазоир барпо этилганидан кейин бошланган иккинчи босқичи муҳим сиёсий ва социал-иқтисодий ўзгаришлар билан нишонланди. 1962 йил сентябрда *Миллий таъсис мажлиси Жазоир Халқ Демократик Республикаси* (ЖХДР) ташкил этилганлигини эълон қилди. Жазоир халқи олиб борган қаҳрамонона миллий озодлик курашининг ғалаба билан тугаши ва ЖХДРнинг ташкил этилиши Африка қитъасида мустамлакачилик ва империализм позицияларига кучли зарба берди ҳамда мустақиллик, социал адолат ва тарққиёт учун курашга қўшилган йирик ҳисса бўлди.

Жазоир ҳукумати хусусий секторни чеклашга ва экономиканинг давлат секторини кенгайтиришга қаратилган бир қанча социал-иқтисодий тадбирларни ўтказди. Собик мустамлакачилар ва улар билан боғлиқ бўлган йирик феодалларнинг ер мулклари национализация қилинди. Бу ерларда коллектив фермалар ташкил этилиб, ўз-ўзини бошқариш комитетларига топширилди. Ҳукумат банклар, страхование компаниялари, транспорт воситалари, электр станциялари, кўплаб саноат, савдо ва бошқа корхоналари, шу жумладан нефть ва газ саноатини национализация қилди. Национализация қилинган корхоналарнинг кўпчилиги бевосита давлат бошқарувидадир. Ташқи савдо монополияси тўғрисида қонун қабул қилинди.

Бу ўзгаришлар давлат секторини тез ривожлантириш учун асос яратди. Ҳозир унинг ҳиссасига саноат маҳсулотининг 90 фоизи тўғри келмоқда. Миллий, хусусий капитал савдода, енгил саноатда, хунармандчилик ишлаб чиқаришида ва хизмат кўрсатиш соҳасида анча катта позицияни сақлаб қолмоқда.

Жазоир экономикани планли ривожлантириш йўлига қатъий ўтиб олган. ЖХДРни ривожлантиришнинг биринчи (1980—1984) ва иккинчи (1985—1989) беш йиллик планларида миллий мустақиллиқни мустаҳкамлаш, мамлакатни ўз озик-овқати билан таъминлаш, чет эл ёрдами ва қарзларига қарамлиқни қисқартириш, тез кўпайиб бораётган аҳолининг эҳтиёжларини қондириш

вазифалари қўйилган. Индустриянинг янги тармоқлари барпо этилган бўлиб, улар қишлоқ хўжалик машиналари, нефть саноати ва сув хўжалиги учун қувурлар, холодильниклар ва телевизорлар ишлаб чиқармоқда.

Жазоирнинг ёш ишчилар синфи асосан мамлакатнинг бундан буёнги тараққиёти негизини ташкил этувчи давлат сектори корхоналарида тўпланган. Бюджетнинг 30 процентдан кўпроғи таълим эҳтиёжларига ва миллий кадрлар тайёрлашга сарфланмоқда. Хукумат саводсизликни тугатиш, социал страхование системасини яхшилаш чораларини кўрмоқда. Аҳолига бепул медицина хизмати кўрсатиш жорий этилган.

Давлат секторига қарашли саноат корхоналарида ва миллий компанияларда меҳнат унумдорлигини ошириш учун, бюрократизм ва талон-торожларга қарши кураш олиб бориши, ишчи ва хизматчиларни ишлаб чиқаришни бошқаришга ва фойдани тақсимлашга актив жалб этиши керак бўлган «меҳнаткашлар ассамблеялари» ташкил этилмоқда.

Аграр ислохот тўғрисидаги қонунга (1971 йил ноябрь) мувофиқ мамлакатда амалга оширилган ўзгаришлар Жазоирнинг келажиги учун алоҳида аҳамиятга эгадир. Улар «Ер — уни ишлайдиганларга» деган принципти амалга оширишни, хусусий мулк бўлган ер ва чорва моллар миқдорини чегаралашни, кооперативлар ва замонавий посёлкалар барпо этишни назарда тутди. Аграр ўзгаришларни амалга оширишда *Жазоир деҳқонларининг миллий иттифоқи* муҳим ўрин тутди. Қишлоқ хўжалигининг рентабеллигини ошириш учун аграр ислохот жараёнида ташкил этилган «ўз-ўзини бошқарувчи фермалар» ва кооперативлар асосида 3,4 минг ишлаб чиқариш қишлоқ хўжалик уюшмаси ташкил этилган. Қишлоқ хўжалигидаги хусусий сектор ҳали ҳам 1,3 миллион деҳқонни ўз ичига олади, ишланадиган ерларнинг 60 процентига эга, чорванинг кўпчилиги қисми унинг қўлидадир.

1976 йилда *Миллий хартия* маъқулланиб, у мамлакат олдида миллий мустақилликни кучайтириш ва эксплуатациядан озод жамият қуриш вазифаларини қўйди. ЖХДР конституцияси социализм йўли жазоир халқининг танлаб олган орқага қайтмайдиган йўлидир, деб эълон қилди.

МОФнинг навбатдан ташқари съездида (1985 йил) мамлакат хўжалигида жиддий ўзгаришларга: экономикани бошқаришни такомиллаштиришга, саноат корхоналарига катта ҳуқуқлар беришга, рентабелликка эришишга, қишлоқ хўжалигида иқтисодий децентрализацияга асос солинди. Съезд «Биз йўлимизни тўғрилаймиз, лекин чекинмаймиз» деган шиор остида ўтди. Социалистик тараққиёт йўлининг ва мамлакат экономикасида давлат сектори етакчи роль ўйнашининг тўғрилиги тасдиқланди. Шу билан бирга Миллий хартиянинг янги таҳрири (1986 йил январь) хусусий секторни актив жалб қилишга чақиради, идеологияда миллатчилик ва ислом тенденцияларини кучайтиради.

Мамлакатнинг ҳукмрон ва бирдан-бир партияси део *Миллий озодлик fronti* эълон қилинган. МОФ Бош секретари, 1979 йилдан ЖХДР президенти Шадли Бенжадин (1929 йилда туғилган). Жазоирни прогрессив таракқиёт йўлидан қайтаришга уринаётган ички ва ташқи реакциянинг кирдикорларига жавобан мамлакатнинг ватанпарвар кучлари меҳнаткашларни хушёрликни оширишга, жазоир революциясининг программ ҳужжатларига амал қилишга чақирмоқдалар.

Янги Жазоир катта халқаро обрўга эга. ЖХДР Африкада, араб дунёсида, қўшилмаслик ҳаракатида муҳим роль ўйнамоқда. Республика антиимпериалистик, мустамлакачиликка қарши йўлни ўтказиб келмоқда, миллий озодлик ҳаракатларини қўллаб-қувватламоқда, араб халқларининг жипслигини мустаҳкамлашга ҳаракат қилмоқда, тинчлик, қуролланиш пойғасини тўхтатиш, халқаро иқтисодий муносабатларни адолатли негизда қайта қуришни ёқлаб чиқмоқда.

ЖХДР билан Совет Иттифоқи ўртасида дўстона муносабатлар кенгаймоқда ва мустаҳкамланмоқда. СССР Жазоирни иқтисодий ва маданий ривожланишда, миллий кадрлар тайёрлашда катта ёрдам бермоқда.

**3. Эфиопия революцияга қадар.** 70-йилларда озодлик ҳаракати Африканинг шимоли-шарқида авж олиб кетди. Узок йиллар мобайнида Эфиопия ярим феодал-ярим капиталистик мамлакат бўлиб келди. Экономиканинг асоси қишлоқ хўжалиги эди. Барча ерларнинг ярмидан кўпроғи мингта жуда йирик феодалларга қарашли эди, ерларнинг анча қисми черков мулки эди. Император оиласи катта ер майдонларига эга эди. Мамлакатдаги барча аҳолининг 90 фоизини ташкил этган деҳқонларнинг асосий қисми ерни оғир шартлар билан помешчиклардан ижарага олишга мажбур эди.

Ховуч бойлар ҳукмронлик қилган шаҳарларда ҳам меҳнаткашларнинг аҳволи ёмон эди. Ишчиларни «ўз капиталистлари ва чет эл капиталистлари шафқатсиз эксплуатация қилар, аҳолининг 93 проценти саводсиз эди. Болаларнинг 15 процентга яқинигина мактабга бора оларди. Юқумли касалликлар авж олган, аҳолининг асосий кўпчилиги медицина хизматидан бебаҳра эди.

Император Хайла Селассие I нинг монархия тузуми ҳар қандай оппозиция ҳаракатини бостирад эди. Феодализм ва монархияга қарши чиқишлар айниқса 60-йилларда — 70-йилларнинг бошларида тез-тез юз бериб турди. Уларда ишчилар, деҳқонлар ва ҳарбийларнинг бир қисми иштирок этди. Мустабид тузум бу чиқишларни бостиришга муваффақ бўлди. Бирок 1973 йил декабри — 1974 йил январида монархияга қарши чиқишлар солдатлар кичик офицерлар, студентлар, қурилиш ишчилари, деҳқонлар, зиёлиларни қамраб олди. Уларнинг чиқишлари революцияга айланиб кетди.

**4. 1974 йил революцияси.** 1974 йил 18 февралда ишчилар, студентлар иш ва ўқишни тўхтатдилар. Улар Аддис-Абеба ва мамла-

катнинг бошқа шаҳарларида кўчаларга чиқишди. Хамма жойда полиция билан тўқнашувлар юз берди. Деҳқонлар ерни зўрлик билан тортиб ола бошладилар, солиқлар ва ўлпонларни тўлашдан бош тортдилар; солдатлар ва кичик офицерлар очикдан-очик бўйсунмадилар. Аграр ислохот ўтказиш, меҳнаткашларнинг турмуш шароитларини яхшилаш, демократик эркинликлар жорий этиш талаблари машҳур бўлиб кетди. Хукмрон доиралар ён беришлар воситасида халқ оммаси ва солдатларни тинчлантиришга уриндилар. Аини вақтда революцион арбобларни жазолаш тенденцияси кўриниб қолди.

Бундай шароитда армиядаги революцион кучлар янада активроқ ҳаракат қила бошладилар. Улар *Қуролли кучларнинг мувофиқлаштирувчи комитетини* ташкил этдилар. Бу комитет революция штаби бўлиб қолди. Унда бир группа революцион демократлар ғоят актив роль ўйнадилар. Уларга армияда халол ва принципал офицер сифатида машҳур бўлган майор Менгисту Хайла Марнам бошчилик қилди. 1974 йил июлда Комитет «Энг аввало Эфиопия» деган ном билан биринчи сиёсий платформани эълон қилди. Бу ҳужжатда халқнинг қашшоқлиги ва ҳуқуқсизлигига барҳам бериш, чет эл капиталининг зўравонлигини йўқотиш, муслмонларни диний камситишдан воз кечиш, мамлакатнинг мустамлакачилик ва империализмга қарши курашда янада активроқ қатнашиши вазибалари илгари сурилган эди.

1974 йил сентябрда кекса император тахтдан туширилди ва камокқа олинди. Қонун чиқарувчи бутун ҳокимият номи *Муваққат ҳарбий маъмурий кенгаш (МХМК)* деб ўзгартирилган Мувофиқлаштирувчи комитет, ижро этувчи ҳокимият эса *Муваққат ҳарбий ҳукумат* қўлига ўтди. Бу органларда мўътадил кайфиятли ҳарбийлар билан прогрессив фикрлайдиган ҳарбийлар ўртасида кураш борди, бу кураш прогрессив фикрлайдиган ҳарбийлар ғалабаси билан тугади. Кенг халқ оммасининг манфаатларини ақс эттирувчи ҳарбий-революцион демократия вакилларининг ҳокимият тепасига келиши феодаллар ва бюрократик буржуазия ҳокимиятдан четлаштирилганлигини англатар эди. Шу билан бир вақтда 1975 йил мартда монархия тугатилди, барча монархияга хос унвонлар ва имтиёзлар йўқотилди. Ундан олдинроқ император ва унинг оиласининг барча мулклари, шунингдек энг йирик феодаллар ва давлат амалдорларининг мулки национализация қилинган эди. Уларнинг ерлари, саройлари, уйлари, виллалари, капиталлари, фабрикалари, заводлари халқ мулки деб эълон қилинди. Аслида бу тадбирларнинг барчаси феодализмга ва монархияга қарши революция *миллий демократик революцияга* ўсиб ўтганлигини англатар эди.

Революциянинг янги босқичига ўтиш 1976 йил апрелда халққа эълон қилинган ғоят муҳим ҳужжат — *Миллий демократик революция* программасида мустаҳкамлаб қўйилди. Программа мамлакатни феодал зулмдан, империалистик қарамликдан тўла озод

қилишни ва социализм асосларини қуришга ўтиш учун шарт-шароитлар яратишни пировард мақсад деб эълон қилди.

Аввал бошданок революцион ўзгаришлар ва мамлакат танлаб олган тараққиёт йўли ағдариб ташланган синфларнинг жуда каттик қаршилигига дуч келди. МХМК нинг сўл қанотига қарши бир неча бор хавфли фитналар уюштирилди, бу фитналардан мақсад империалистик давлатлар кўмагида революцион ҳокимиятнинг ағдариб ташлашдан иборат эди. Бирок «Революцион ватан ёки ўлим!» деган шиордан руҳланган халқ оммаси революцияни давом эттиришни ёқлаб, монархистларга, сепаратчиларга ва контр-революциянинг бошқа кучларига қарши қатъият билан чиқди. Эфиопия территориясининг бир қисмини ажратиб қолмокчи бўлган Сомалининг ҳарбий ҳужуми ҳам кенгайтирилди. Эфиопияга СССР, Куба, ГДР катта ёрдам бердилар. Революцион Эфиопия узок вақт мобайнида сепаратчилар ҳаракат қилиб келган Эритрея вилоятидаги аҳволни ва унинг устидан назоратни тиклашга муваффақ бўлди.

**5. Эфиопия революциясининг энг муҳим социал-иқтисодий ютуқлари.** Эфиопия ҳукумати революция ютуқларини химоя қилиш билан бирга прогрессив социал-иқтисодий ўзгаришларни ҳам амалга оширди. Аграр ислохот ўтказилди. Ер умумхалқ мулки деб эълон қилинди ва деҳқонларга тақсимлаб берилди. Ортиқча ерлар собиқ эгаларидан ҳақ тўламасдан олиб қўйилди. Қишлоқда кооперациянинг ривожланиши рағбатлантирилмоқда. Эфиопия революциясининг бошқа бир галабаси банкларни, йирик саноат ва савдо корхоналарини национализация қилишдан иборат бўлди. Саноат ишлаб чиқаришининг 90 проценти давлат сектори ҳиссасига тўғри келмоқда.

Бу ўзгаришларнинг ҳаммаси халқ ҳокимиятини ташкил этиш билан бир вақтда амалга оширилди: шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг уюшмалари тузилиб, улар маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари бўлиб қолди, бутун мамлакат кўламида республика идора усулини вужудга келтириш юзасидан тайёргарлик ишлари олиб борилди.

Мамлакатда революцион жараённи янада ривожлантириш учун 1984 йил сентябрда марксизм-ленинизм принципларига асосланган *Эфиопия революцион партиясининг* (ЭРП) ташкил этилиши жуда катта аҳамиятга эга бўлди.

**1987 йил 1 февралда** умумхалқ референдуми натижасида Эфиопия конституцияси маъқулланди. Бир палатали *Миллат мажлиси* олий ҳокимият органи бўлди. **1987 йил сентябрда** у Эфиопияни *Халқ Демократик Республикаси* деб эълон қилди. Республика президенти қилиб Эфиопия ишчи партияси Марказий Комитетининг Бош секретари Менгисту Хайле Мариама (1941 йилда туғилган) сайланди.

Янги ҳаёт қурувчилари йўлида жуда катта қийинчиликлар учраётган бўлишига қарамай (бир неча йил кетма-кет давом этган мислсиз қурғоқчилик, ҳар хил террорчи гуруҳларнинг душман-

ларча муносабати, сепаратчиларнинг чиқишлари ва ҳоказолар), Эфиопияда революцион жараён давом этмоқда.

СССР Эфиопияга унинг экономикаси ва маданиятини ривожлантиришда, миллий кадрлар тайёрлашда ёрдам кўрсатмоқда. 1978 йилда СССР билан Эфиопия ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида Шартнома тузилди. Мамлакатнинг жуда катта районлари қурғоқчиликдан зарар кўрган вақтида Совет Иттифоқи Эфиопияга ёрдам бериб, у ерга техника, дори-дармон, озик-овқат юборди.

#### **Савол ва топшириқлар**

1. Жазоир халқининг мустақиллик учун кураши қандай ривожланиб борди? 2. Жазоирдаги социал-иктисодий ўзгаришлар унинг социалистик йўлдан ривожланиётганлигини тасдиқлашини исбот қилинг. 3. Эфиопияда революция қандай бошланди? 4. Вақтли матбуот материалларини жалб қилган ҳолда Эфиопия халқи янги ҳаёт қуриш йўлидаги қийинчиликларни қандай енгиб бораётганлиги тўғрисида ахборот тайёрланг.

### **54-§. Афғонистон Республикаси**

**1. Афғонистон революция арафасида.** 70-йилларнинг ўрталарига қадар Афғонистон дунёнинг энг қолоқ мамлакатларидан бири бўлиб келди. Мамлакатда ҳукмронлик қилган монархиячи ярим феодал тузум мамлакатнинг тараққий этишига тўсқинлик қилди. Ҳозирга қадар аҳолининг 86 проценти қишлоқда яшайди, деярли 3 миллион киши кўчманчи. Экин экишга яроқли ернинг ярмидан кўпроғи қаровсиз қолиб келди. Деҳқонларни помешчик ва судхўрлар шафқатсиз эксплуатация қилдилар. Иккинчи жаҳон урушидан кейин капитализмнинг ривожланиши тезлашган бўлишига қарамай, Афғонистонда замонавий саноат ҳам, темир йўллари ҳам йўқ эди. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад бўйича у дунёдаги охириги ўринлардан бирида турар эди.

Халқ оммаси бир неча бор ўз чиқишлари билан мавжуд аҳволдан норози эканлигини билдирди. 1968 йил баҳорида Қобулда ва бошқа шаҳарларда ишчилар иш ташлашди ва ҳукуматга қарши чиқишлар бўлди. 70-йиллар бошида стачка ҳаракатининг янги тўлкини кўтарилди. Чиқишларда илғор ишчилар, прогрессив зиёлиларнинг вакиллари фаол иштирок этдилар.

Мамлакатда **1965 йилда** пайдо бўлган марксистик тўғарақлар ва социалистик группалар *Афғонистон халқ-демократик партиясига* (АХДП) бирлашдилар. АХДП Афғонистонда кишини-киши томонидан эксплуатация қилишдан холи бўлган жамият қуришни ўзининг мақсади деб эълон қилди. АХДП билан боғланган революцион ташкилот афғон армиясининг ватанпарварлик кайфиятида бўлган офицерлари орасида вужудга келди.

Ўз умрини яшаб бўлган, мамлакатнинг капиталистик тараққиёти йўлида тўсиқ бўлиб қолган феодал-монархия системасига барҳам бериш зарурлигини англаб, подшонинг амакиваччаси М.



Довуд бошлиқ миллий-буржуа доираларининг манфаатларини ифода этувчилар 1973 йилда давлат тўнтаришини амалга оширдилар. Монархия ағдариб ташланди, Афғонистон эса республика деб эълон қилинди.

Бирок янги ҳукумат ваъда қилинган социал-иқтисодий ва сиёсий ислохотлар ўрнига халққа қарши сиёсатни амалга оширди. У демократик ҳаракатга қарши террор уюштирди, АХДПни таъқиб қилиш бошланди. Довуд Эрон ва Саудия арабистонининг монархиячи тузумлари билан яқинлашди. Мамлакатда синфий кураш тобора кескинлашди.

**2. 1978 йилги Савр миллий демократик революцияси.** 1978 йил 27 апрелда Қобулда кўзғолон бошланиб, унда АХДП раҳбарлиги остида иш олиб борган революцион офицерлар ва солдатлар бош ролни ўйнадилар. Кўшинлар ҳукумат резиденциясини эгалладилар, пойтахтнинг энг муҳим стратегик пунктларини қўлга киритдилар ва АХДП раҳбарларини турмадан озод қилдилар. Ҳокимият *Қуроли кучларнинг ҳарбий-революцион комитети* қўлига ўтди. Тез орада у ҳокимиятни ташкил этилган Революцион кенгашга топширди, бу кенгаш *Афғонистон Демократик Республикасини* (АДР) эълон қилди ва халқ ҳукуматини тузди.

Қуроли кўзғолон ғалаба қилганидан кейинги биринчи баёнот — «Революцион вазифаларнинг асосий йўналишлари»да турмушнинг ҳамма соҳаларида туб демократик ўзгаришларни амалга оширишга киришишга қарор берилганлиги эълон қилинди. Ҳукумат судхўрликни тақиқлаб қўйди ва 11 миллиондан ортиқ деҳқонни помешчиклар ҳамда судхўрларга қарздорликдан озод қилди. Ер-сув ислохотига мувофиқ катта-катта ер мулклари ерсиз ва кам ерли деҳқонларга бериш учун мусодара қилинди. Ҳукумат 1978 йилга келиб деярли миллион кишига етган ишсизликни қисқартириш чораларини кўрди. Социал-иқтисодий ривожланиш биринчи беш йиллик плани ишлаб чиқилди. Хотин-қизларнинг ҳуқуқлари эркакларники билан бараварлаштирилди.

Революциядан кейинги дастлабки ойлардаёқ мактаб ёшидаги барча болалар учун бепул умумий бошланғич таълим жорий этилди. Аҳолининг деярли ёппасига саводсизлигини тугатиш учун умуммиллий кампания бошланди. Афғонистонда миллий ва қабилла тафовутлари катта роль ўйнашини ҳисобга олиб, ҳукумат барча қабилалар ва миллатларнинг тенг ҳуқуқлилигини гарантиялади. Республика гражданларига демократик ҳуқуқлар берилди. Революциядан кейинги дастлабки йилларда амалга оширилган ўзгаришлар помешчиклар, судхўрлар ва йирик буржуазиянинг мулкий манфаатларига ва таъсирига кучли зарба берди.

АДР қўшилмаслик ҳаракатида актив қатнашиб, СССР ва бошқа социалистик мамлакатлар билан дўстона алоқаларни мустаҳкамлади. 1978 йил декабрда СССР билан АДР ўртасида дўстлик, яхши қўшничилик ва ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланди.

Ағдариб ташланган синфлар афғон революциясига қутуриб қаршилиқ кўрсатдилар. Аҳолининг катта қисми саводсизлиги ва сиёсий жиҳатдан онгсизлигидан фойдаланиб, реакциян унсурлар алданган кишиларни босмачилар группаларига тортишга муваффақ бўлдилар. АҚШнинг империалистик доиралари ҳамда Покистон билан Эроннинг реакциян ҳукмдорлари ички контрреволюцияга ёрдам бердилар. Улар революцион Афғонистонга қарши эълон қилинмаган уруш бошладилар. Покистонда Америка маблағларига кўпоровчилар ва террорчилар тайёрлайдиган 100 дан ортиқ лагеръ ташкил этилди. Бу кўпоровчи ва террорчилар тоғ сўқмоқлари орқали АДРга кириб, мактаблар, касалхоналарга ўт қўяр, электр узатиш, телефон-телеграф алоқаси линияларини бузиб ташлар, ўқитувчиларни, халқ ҳокимияти органларининг ходимларини, АХДП активистларини ўлдирар эдилар. Контрреволюция бошлиқлари очикдан-очик империалистик кучларнинг аралашшига умид боғладилар. Афғонистон революциясига ўлим хавф сола бошлади.

АДР раҳбарлари Дўстлик, яхши кўшничилик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномага мувофиқ республикага ҳарбий ёрдам кўрсатишни сўраб СССР ҳукуматига бир неча бор мурожаат қилди. Совет ҳукумати ўз интернационал бурчини бажариб ва СССРнинг жанубий чегарасида мамлакат хавфсизлигига таҳдид ўчоғи вужудга келишига йўл қўймасликка ҳаракат қилиб, 1979 йил декабрда Афғонистон территориясига чекланган микдорда совет кўшинларини олиб кирди. Бунда АҚШ ва бошқа давлатлар АДРга қарши кўпоровчилик урушини тўхтатишлари ва уларнинг душманлик ҳаракатлари қайтарилмаслигининг гарантиялари таъминланиши биланоқ СССР дарҳол ўзининг чекланган микдордаги кўшинларини Афғонистондан олиб чиқиб кетади, деб айтилди.

3. Афғонистон 80-йилларда. 1979 йил декабрининг охирларида революциянинг иккинчи босқичи бошланиб, унинг асосий жиҳати Афғонистондаги барча прогрессив ва ватанпарвар кучларнинг АХДП теварагида жипслашишидан иборат бўлди. Марказда ва жойларда революцион ҳокимият органлари мустаҳкамланди, революцион армияни, халқ милицияси ва хавфсизлик органларини кучайтириш чоралари кўрилди. Революцион кенгаш ва ҳукуматнинг состави партиясиз арбобларни киритиш ҳисобига кенгайтирилди.

Мамлакатда социал-иктисодий ўзгаришлар, биринчи навбатда ер-сув ислоҳоти давом эттирилди. 1985 йил охирига келиб 313 минг ерсиз ва кам ерли деҳқон оиласи бепул чек ерлар олди. Лекин ислоҳот ҳали тугаллангани йўқ: ҳозирча муҳтожларнинг ярмидан камроғи ер олган, холос.

Революция жараёнида анчагина кийинчиликлар туғилиб, улар революциянинг янада ривожланишини секинлаштириб қўйди ва мамлакатдаги аҳволга таъсир кўрсатди. АХДП раҳбарлари экономиканинг ҳолати паст даражада эканлигини ва унинг ўсиши

мураккаблигини, аҳолининг сиёсий онги етилмаганлигини, руҳонийларнинг роли ва таъсири жуда катта эканлигини етарли даражада ҳисобга олмадилар. АХДПда бирлик йўқ эди, баъзан пухта ўйланмаган шарорлар қабул қилинди. Аҳолининг моддий аҳволини, турмуш шароитини яхшилаш учун ҳали кўп иш қилиш керак.

Афғонистонга қарши эълон қилинмаган уруш муносабати билан жуда катта қийинчиликлар мавжуд бўлишига қарамай кейинги йилларда мамлакатнинг сиёсий ва ижтимоий ҳаётини демократиялаш мақсадида муҳим қадамлар ташланди. Бунда 1986 йилда маҳаллий ҳокимият органлари — *жирғаларга* (кенгашларга) бўлиб ўтган сайлов катта роль ўйнади. Сайланган депутатлар орасида барча синфлар ва аҳоли группаларининг вакиллари ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар, майда буржуазия, ҳозирги Афғонистонда катта таъсирга эга бўлган мусулмон руҳонийлари бор.

Афғонистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида барча миллий демократик ва ватанпарвар кучларни бирлаштириб турган. *Миллий фронт* (МФ) сезиларли роль ўйнамоқда.

АХДП олдида аҳолининг турмушини тўла нормаллаштиришга ва Афғонистон теварагидаги аҳволни умуман тартибга солишга эришишдан иборат кечиктириб бўлмайдиган вазифа турибди. Мамлакатдаги вазиятнинг мураккаблигига сабаб шуки, у ерда гражданлар уруши шаклига кирган кескин синфий кураш бормоқда, бу кураш ташқаридан бўлаётган аралашув билан бирга бормоқда. АХДП тақлифига мувофиқ Революцион кенгаш «Афғонистонда миллий яраш тўғрисида» декларация қабул қилди. **1987 йил 15 январдан** бошлаб мамлакат территориясида барча уруш ҳаракатлари тўхтатилиши эълон қилинди. Ҳукумат кўшинлари биринчи бўлиб ўт очишни тўхтатдилар ва агар қарши томон унга риюя қилса, ўт очмасликка қарор бердилар. Қуролини ташлаган ва халққа қарши курашни тўхтатган барча кишиларга афв умумий берилди. Афғонистон ҳукумати Покистон билан Эронга мурожаат қилиб, афғон ерида тинчлик ва тотувлик қарор топишига ёрдам беришга чақирди. Шунингдек барча оппозициячи кучлар иштирокида коалицион ҳукумат тузиш таклифи ҳам илгари сурилди.

Миллий яраш жараёнига умумхалқ муҳокамасидан кейин тасдиқланган Афғонистон конституцияси ёрдам бериши керак. Конституция *Афғонистон Республикасини* (АР) эълон қилди, унда давлат ҳокимияти халқ кўлидадир. Барча гражданлар қонун олдида тенгдилар. Программалари конституция ва республика қонунларига зид келмаслик шарти билан мамлакатда сиёсий партиялар тузилиши мумкин.

Конституция Афғонистондаги ҳақиқий аҳволни акс эттириб, миллий экономиканинг кўп укладли характерини қайд этади ва унда мулк ҳамма турлари — давлат, кооператив, аралаш, хусусий ва шахсий мулк учун кафолотлар берилган. Конституция Афғонистон ҳукуматининг бошқа барча ҳужжатлари мамлакатнинг

демократик йўлдан тараққий этиши учун базани мустаҳкамлаши керак.

Республика президенти қилиб АХДП бош секретари Нажибуллага (1947 йилда туғилган) сайланди.

Бир неча йил мобайнида Женевада БМТ воясатчилигида Афғонистон теварагидаги аҳволни тартибга солиш ҳақида Афғонистон-Покистон музокаралари олиб борилди, чунки асосий оппозициячи кучлар ва кочокларнинг кўпчилиги Покистон территориясида бўлиб, ҳукуматга қарши уюшмаларга АҚШ ва бошқа мамлакатлардан асосий ёрдам яна шу мамлакат орқали келмоқда.

1988 йил февралда СССР билан АР Афғонистондаги аҳволни тартибга солиш мақсадида янги таклифларни илгари сурдилар. Натижада Женевада 1988 йил апрелида Афғонистон можаросини сиёсий йўл билан ҳал қилиш тўғрисида бир қанча битимлар имзоланди. Покистон билан Афғонистон ўз ўрталаридаги муносабатларнинг принциплари ҳақида икки томонлама битимни имзоладилар. Бу битим ички ишларга аралашмаслик ва интервенциядан воз кечишни ўз ичига олади. Шунингдек кочокларнинг ихтиёрий суратда қайтиши ҳақида битим имзоланди. Битимларнинг бири чекланган миқдордаги совет кўшинларини 1988 йил 15 майдан бошлаб тўққиз ой ичида Афғонистондан босқичма-босқич олиб чиқиб кетиш муддатларини қайд этди. СССР билан АҚШ имзоланган битимлар бажарилишининг кафиллари бўлиб чиқмоқдалар.

Афғонистон теварагидаги можарони ҳал қилиш ҳақидаги битимлар катта халқаро аҳамиятга эга. Улар Афғонистоннинг ички ишларига ташқаридан аралашини тўхтатиш ва қайтадан бошламасликни назарда тутди. Коалицион ҳукумат тузиш, миллий яраш жараёнини тугаллаш — афғон халқининг ўз ишидир.

Совет Иттифоқи билан Афғонистон эришилган битимлар бўйича ўз мажбуриятларини қаттиқ туриб бажармоқда. Покистон эса уларни бузмоқда.

Қон тўкишни тўхтатиш ва Афғонистон теварагидаги вазиятни узиш-кесил нормаллаштириш учун АР ҳукумати афғон масаласини тартибга солиш юзасидан халқаро конференция чақиришни таклиф қилди, СССР эса афғон оппозициясининг раҳбарлари билан бевосита музокаралар олиб боришга киришди.

#### Савол ва топшириқлар

1 «1978 йилги Апрель революцияси ва Афғонистондаги социал-иктисодий ўзгаришлар» деган темада тезислар тузинг. 2. Афғонистон теварагидаги аҳволни тартибга солиш юзасидан Женева битимларига қандай шартлар асосида эришилди? 3. Матбуот материалларидан фойдаланиб, Афғонистон республикасининг хозирги аҳвали тўғрисида ахборот тайёрланг.

## - 55-§. Тропик ва Жанубий Африка мамлакатлари

1. Африка халқлари мустамлака бўйинтуруғини улоктириб ташламоқдалар. Империалистик давлатлар Осиедаги кўпчилик мустамлакаларидан махрум бўлишнинг ўрнини Африка мамлакатларини кучли эксплуатация қилиш билан тўлдиришга умид боғлаган эдилар. Бироқ бу планлар фақат Шимолий Африка эмас, балки Тропик ва Жанубий Африка халқларининг ҳам кураши туфайли барбод бўлди.

Қитъанинг марказий ва жанубий қисмидаги мамлакатлар мустамлакачилар ҳукмронлигининг оқибатларини айниқса қаттиқ сездилар. Корхоналар, плантациялар мустамлакачилар ихтиёрида эди. Улар ўзларининг иқтисодий ва сиёсий қудратларидан фойдаланиб, африка мамлакатлари ўртасидаги алоқаларга тўсқинлик қилдилар, қабилавий сепаратизмни (трайбализмни), этник ва диний зиддиятларни жорий этдилар. Халқ оммасининг қисмати кашшоқлик ва ҳуқуқсизликдан иборат эди. Аҳоли жон бошига саноат маҳсулоти иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатлардагига нисбатан 10—20 баравар кам ишлаб чиқариларди. Мустамлакачилар ерли аҳолини нодон ва жаҳолатдан чиқармай келдилар. Очлик ва касалликлар халқларни қирилиб кетишга маҳкум этар эди. Умрнинг ўртача узунлиги 30 йилдан кам эди.

50-йилларнинг ўрталарида Тропик ва Жанубий Африка мамлакатларида миллий озодлик ҳаракати кучайиб, энг аввало Буюк Британия, Франция ва Бельгия мустамлакаларини қамраб олди. Кураш африка халқларидан катта фидойилик ва жасорат талаб қилди. Миллий озодлик ҳаракатининг кўпгина арбоблари ҳаққоний ишни ҳимоя қилиб ҳалок бўлдилар. Улар орасида Африка озодлиги учун атоқли курашчилар Заирда Патрис Лумумба, Гвинея-Бисауда Амилкар Кабрал, Конгода Мариан Пугаби ва бошқалар бор эди.

2. Тропик ва Жанубий Африкадаги социализмни кўзлаб ривожланаётган давлатлар. Тропик ва Жанубий Африкадаги кўпчилик мамлакатларнинг сиёсий мустақилликни қўлга киритиши билан курашнинг биринчи босқичи тугади, холос. Бу мамлакатлар олдида янги вазифалар: сиёсий мустақилликни мустаҳкамлаш, туб социал-иқтисодий ва маданий ўзгаришларни амалга ошириш вазифалари турар эди.

70-йилларда тропик ва Жанубий Африкада бир группа мамлакатлар социализмни кўзлаб ривожланиш йўлини танлаб олди. Улар орасида Португалиянинг собиқ мулклари — *Гвинея-Бисау*, *Мозамбик* ва *Ангола* кўзга кўринарли ўрин эгалладди. Португалия XV аср охири — XVI аср бошларидаёқ бу мамлакатларни ўз мустамлакасига айлантирган эди. XX асрнинг 70-йилларига қадар улар Португалиянинг хом ашё қўшоғи ва унинг товарларини сотадиган бозор бўлиб қолаверди. Бу мамлакатлар экономикасининг асосий тармоғи (қишлоқ хўжалиги) қолоқ бўлиб қолаверди, аҳолининг 95 процентдан ортиқроғи саводсиз эди. Империализм

мустамлакачилик системасининг емирилиши, Африкада ёш муस्ताкил давлатларнинг пайдо бўлиши буларнинг барчаси Португалия мустамлакалари учун изсиз ўтиб кетиши мумкин эмас эди.

Гвинея-Бисау ва Яшил Бурун Оролларининг ватанпарварлари 1963 йилдан бошлаб португалиялик мустамлакачиларга қарши кураш олиб бордилар ва 1972 йил охирига келиб мамлакат территориясининг 2/3 қисмини мустамлакачи кўшинлардан тозаладилар. 1973 йилда *Гвинея-Бисау Республикаси*, 1975 йилда эса *Яшил Бурун Ороллари Республикаси* (1986 йилдан бошлаб *Кабо-Верде Республикаси* деган ном қабул қилинган) ташкил этилганлиги эълон қилинди.

Мозамбикда халқ оммаси *Мозамбикни озод қилиш fronti* (ФРЕЛИМО) раҳбарлиги остида курашга кўтарилди. Португалиядаги апрель революциясидан кейин 1975 йил 25 июнда *Мозамбик Халқ Республикаси* (МХР) эълон қилинди. МХРнинг биринчи президенти ФРЕЛИМО раиси Самора Машел (1933—1986) бўлди.

МХР ҳукумати ерни национализация қилди, банклар ва ташқи савдо устидан контроль ўрнатди. Мозамбикда коллектив хўжаликлар ташкил этиш ва йирик ферма ҳамда плантациялар устидан давлат назоратини жорий этиш йўли билан кишлок хўжалиги қайта қурилмоқда.

Социализмни кўзлаб ривожланувчи жамият куриш учун ФРЕЛИМО фронтининг *ФРЕЛИМО партиясига* — ишчи ва хизматчиларнинг марксизм-ленинизм принциплари асосида социализм куришни ўз олдига мақсад қилиб қўйган авангард партиясига айлантирилиши (1977 йил) катта аҳамиятга эга бўлди.

Янги Мозамбик кўшилмаслик сиёсатини олиб бормоқда. Шу билан бирга республика халқи ЖАР даги ирқчиларнинг агрессив ҳаракатларини жасорат билан қайтариб келмоқда. Социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари МХРни қўллаб-қувватламоқдалар. СССР билан Мозамбик ўртасида 1977 йил апрелда Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланди.

Ангола халқи асрлар давомида португалиялик мустамлакачиларга қарши курашиб келди. Анголада озодлик ҳаракатининг янги босқичи 50-йилларда бошланди. Бу вақтда ҳаракатга оммавий ташкилот — *Анголани озод қилиш учун халқ ҳаракати* (МПЛА) бош бўлди. Бу ҳаракат илғор ишчиларни, шаҳар майда буржуазиясини, деҳқонларни, прогрессив зиёлиларни бирлаштирди.

60-йилларнинг бошларида МПЛА раҳбарлиги остида Португалия кўшинларига қарши кураш олиб бориш бошланиб, у ерда фашист тузуми кулагунга қадар давом этди. 1975 йил 11 ноябрда *Ангола Халқ республикаси* (АХР) эълон қилинди. МПЛА раҳбари Антонио Агостиньо Нето (1922—1979) республиканинг биринчи президенти бўлди.

А. А. Нето ўсмирлик йиллариданок Анголанинг муस्ताкиллиги учун курашда актив иштирок этди. Мустамлакачилар уни бир не-

ча бор таъқиб қилдилар. У Анголани озод қилиш учун халқ ҳаракатининг асосчиларидан бири, Ангола халқининг золимларга қарши қуроли қураши ташкилотчиси, 1962 йилдан бошлаб МПЛА раҳбари эди. Нето Совет Иттифоқининг яқин дўсти эди.

Анголадаги ўз бойликларини сақлаб қолишдан манфаатдор бўлган империалистик кучлар ҳар хил ниёқчи ташкилотларни қуролиштирдилар, уларга ирқчи ЖАРнинг мунтазам қисмлари ёрдам берди. Интервентлар мамлакат территориясининг каттагина қисмини босиб олишга муваффақ бўлдилар. Ангола халқининг қатъий ҳаракатлари, Совет Иттифоқи, Куба ва бошқа социализм мамлакатларининг дўстона ёрдами, Африкадаги прогрессив кучларнинг бирдамлиги ва мадади АХРга империалист агрессорлар устидан ғалаба қозониш имконини берди.

Ангола ўз тараққиётининг янги босқичига қадам қўйди. Мамлакатда хусусий капиталнинг фаолияти чекланди, банклар, экономиканинг бир қанча тармоқлари национализация қилинди, пул ислохоти ўтказилди. 1977 йил декабрда ўзининг I съезиди МПЛА ишчилар синфининг ўз фаолиятида марксизм-ленинизм ғояларига таянувчи авангард партиясига айлантирилди. У МПЛА — *Меҳнат партияс*и деб аталади. Партиянинг II съезиди 1985 йил мамлакатнинг социализмни кўзлаб ривожланишини мустаҳкамлади ва АХРнинг ҳарбий-сиёсий ҳамда иқтисодий аҳволини мустаҳкамлаш юзасидан муҳим қарорлар қабул қилди.

Социалистик мамлакатлар Анголага ҳар томондан ёрдам кўрсатмоқдалар. Совет-ангола дўстлиги мустаҳкамланмоқда. 1976 йилда имзоланган СССР билан АХР ўртасида Дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома, 1983 йилда имзоланган КПСС билан МПЛА — Меҳнат партияси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим ана шундан далолат бериб турибди.

Африканинг жанубидаги мамлакатларда янги ҳаёт қурилиши мураккаб шароитларда олиб борилмоқда. Ирқчиликка қарши қураш олиб бораётган Мозамбик, Ангола ва бошқа давлатларнинг территориялари (улар кўпинча «фронт ёқаси давлатлари» деб аталади) АКШ ва улар иттифоқчиларининг мададига, ирқчи ЖАРнинг қўллаб-қувватлашига таянаётган қуролиланган контрреволюция кучлари ҳужумига учраб келмоқда.

**3. Социал-иқтисодий тараққиёт қийинчиликлари.** Тропик ва Жанубий Африкадаги кўпгина янги давлатлар фақат номигагина мустақилликни қўлга киритдилар. Империалистик давлатларнинг иқтисодий, сиёсий, ҳарбий ва идеологик таъсири ҳали ҳам жуда кучли бўлиб қолмоқда. Улар ана шу мамлакатлар экономикасининг монокультурага асосланганлигидан нозқиввалент айирбошлаш учун фойдаланмоқдалар. Африкадаги кўпчилик мамлакатларнинг ҳўжалигида чет эл монополистик капитали муҳим позицияларни эгаллаб турибди, у иқтисодий беқарорликни келтириб чиқармоқда. ТМК ларнинг таловчилик фаолияти кенгаймоқда. Қитъани янги мустамлакачилик асоратига солишнинг шакллари-дан бири Африка мамлакатлари ташқи қарзининг ўсишидан иб-

рат бўлиб, у 1987 йилда 250 миллиард доллардан ошиб кетди. Африкадаги кўпгина мамлакатлардан фойда, қарзнинг процентлари ва ҳоказолар сифатида жуда катта маблағни олиб чиқиб кетиш давом этмоқда.

Капиталистик давлатлар Африкадаги иқтисодий жиҳатдан кам тараққий этган мамлакатларга ёрдам берар эканлар, бу ёрдамни фақат йўллар, портлар, алоқа воситалари қурилишигагина эмас, яъни уларнинг бу мамлакатлар табиий бойликларини эксплуатация қилиши ва олаётган фойдаларини сақлаб қолишини енгиллаштирадиган нарсаларгагина сарфлаб кўя қолмайдилар. Африкани жаҳон капиталистик системасида мустаҳкам ушлаб қолиш учун саноят, қишлоқ хўжалиги, таълим, шаҳарлар тарққиётига кўп маблағ солинмоқда. Ғарб давлатлари ҳозирги вақтда социалистик мамлакатларнинг ёрдамида анча ортиқ бўлган ўз ёрдамларининг асосий мақсадини ана шундан иборат деб билдилар.

Мустақил ривожланиш душманлари Африка мамлакатларининг давлатлараро муносабатларидан, шунингдек этник-сиёсий негиздаги ички можаролардан ҳам (Нигерия, Заир ва бошқалар) ўз манфаатлари йўлида фойдаланишга ҳаракат қилиб, бунда Африка давлатларини кучсизлантиришга интилмоқдалар, бир-бирига душман томонларга қурол етказиб бериш ва бошқа йўллар билан бойлик орттирмоқдалар. Территориал низолар кўпинча шунинг оқибатида келиб чиқар эдики, мустамлакачилар Африкани босиб олиш даврида мустамлакалар ўртасидаги чегараларни сунъий равишда, халқлар ва қабилаларнинг манфаатларини ҳисобга олмасдан белгилаган эдилар. Урушдан кейинги йилларда Африка халқлари ҳар турли можароларда бир неча миллион кишидан маҳрум бўлдилар, Нигерия ва Конгодаги кризислар эса халқаро тус олди.

Янги мустамлакачилар Африка мамлакатларидаги реакцион элементларга (қабила бошлиқларига, феодал юқори қатламларга, буржуа амалдорларга ва бошқаларга) таяниб, сиёсий партияларнинг ташкилий ва идеологик жиҳатдан заифлигидан, ватанпарвар кучларнинг етарли даражада жипслашмаганлигидан фойдаланиб, баъзан ўзларига керакли бўлган кўғирчок режимларни ўрнатмоқдалар, мустақил ривожланиш йўлини танлаб олган мамлакатларнинг ҳукуматларига қарши фитналар уюштирмоқдалар. Бир қанча мамлакатларда фитналар ва тўнтаришлар қилиш учун армиянинг мустамлакачилик ҳукмронлиги шароитида тарбияланган реакцион элементларидан фойдаланилмоқда. Бирок ҳамма ҳарбий тўнтаришлар ҳам реакцион характерда эмас эди. Реакцион тузумлар ҳукмронлик қилган мамлакатларда армия баъзан халқ оммасининг мавжуд аҳволдан норозилигини ҳисобга олиб ҳокимиятни ўз қўлига олар эди.

80-йилларда Африканинг кўпгина мамлакатлари қурғоқчилик фожиасини бошдан кечирдилар. 1986 йилда нефтнинг нархи туша бошлади, бу эса Африканинг нефть казиб чиқарувчи давлатлари



экономикасига ҳалокатли таъсир кўрсатди. Буларнинг барчаси Африка давлатларини айниқса оғир аҳволга солиб қўйди. Беш йил ичида (1981—1986) китъада аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртача даромад 12 процент камайди. Шундай қилиб, Африканинг ёш давлатлари жиддий қийинчиликларга дуч келишмоқда. Бу қийинчиликларни бартараф этиш учун Африка давлатларидаги барча революцион ва прогрессив кучлар бирлашиши зарур.

Мустақиллик учун ўз курашларида Африка халқлари Африка мамлакатлари раҳбарларининг **1963 йилда бўлган конференцияси** қарорига мувофиқ тузилган *Африка бирлиги ташкилоти* (АБТ) нинг бирдамлигига таянмоқдалар. Африка китъасида миллий озодлик ҳаракати тўлқинлари тобора жануб томон бормоқда. Бу тўлқинлар мустамлакачиликнинг сўнгги қўрғонларигача етиб борди.

**4. Зимбабве халқининг ғалабаси.** Зимбабве (Жанубий Родезия) халқи катта ғалабага эришди. Англиянинг ушбу собиқ мустамлакасида 200 мингга яқин европалик киши ва мустамлака қуллари ҳолатидаги 8,8 миллиондан ортиқ африкалик яшар эди. Бутун ҳокимият озчиликни ташкил этувчи европаликлар қўлида тўпланган эди. Халқ оммасининг аҳволи ирқчилар (йирик капиталистлар, катта-катта фирмаларнинг эгалари ва ҳоказолар) 1965 йилда Жанубий Родезиянинг «мустақиллигини» эълон қилганларидан кейин яна ҳам кўпроқ ёмонлашди. Улар меҳнатқашларни эзар ва шафқатсиз эксплуатация қилар эдилар.

Зимбабвенинг африкалик аҳолиси ўз озодлиги учун курашни авж олдириб юбориб, ирқчиларга қарши, мустамлака зулмидан қутулиш учун қуролли курашга тобора қатъият билан қўшилди. Бу курашга *Зимбабве африкалик халқининг иттифоқи* (ЗАПУ) ва *Зимбабве африка миллий иттифоқи* (ЗАНУ) асосида ташкил этилган Ватанпарвар фронт бошчилик қилди.

Ирқчилар ҳамда уларнинг Лондон ва Вашингтондаги хомийлари қуролли кураш алангасини ўчиришга муваффақиятсиз уриндилар. Британия ҳукумати курашаётган барча томонларнинг, шу жумладан Ватанпарвар фронт вакилларининг ҳам иштирокида конференция чақиришга мажбур бўлди.

Эришилган компромисс асосида 1980 йил февралда Зимбабве парламентига сайлов бўлиб ўтди. Африкаликлар ҳам, ок танлилар ҳам иштирок этган сайлов натижасида Ватанпарвар фронт абсолют кўпчиликни қўлга киритди. Ҳукуматга бу фронт раҳбарларидан бири — Роберт М у г а б е (1925 йилда туғилган) бошчилик қилди. 1980 йил апрелда социалистик тараққиёт йўлини танлаб олган *Зимбабве республикаси* мустақиллиги эълон қилинди.

Мустақил яшаш йилларида мамлакат иктисодий жиҳатдан мустаҳкамланди: беш йиллик ривожланиш плани қабул қилинди, мамлакат экономикасида давлатнинг позициялари кучаймоқда. Миллий кучлар Ватанпарвар фронт теварагида жипслашмоқда.

**5. Жанубий Африка Республикаси — Африка қитъасидаги мустамлакачилик ва ирқчиликнинг сўнгги таянчи.** Йирик мустам-

лакачи-иркчилик массиви ҳали ҳам Африка Жанубида (Жанубий Африка Республикаси ва Намибия) сақланиб қолмоқда. Бу ерда 25 миллиондан ортиқ африкалик туб ерли аҳоли яшамокда ва шафқатсиз эксплуатация қилинмоқда. Бу регионнинг табиий ресурсларидан АҚШ, Буюк Британия, ГФР ва бошқа мамлакатларнинг стратегик ва бошқа қимматбаҳо хом ашё олиб чиқиб кетаётган монополиялари айниқса манфаатдордирлар.

ЖАР 1961 йилга қадар Англиянинг доминиони бўлиб, Жанубий Африка Иттифоқи деб аталар эди. ЖАРда иктисодий ва сиёсий ҳукмронлик сон жиҳатдан кўп бўлмаган бир группа инглизлар ва африканерлар (бурлар) қўлида. Гарчи европалик кишилар аҳолининг 14 процентга яқинини ташкил этсалар-да, улар энг яхши ерларнинг 87 процентига, шунингдек деярли барча саноат корхоналарига эгадирлар. Туб ерли аҳоли — африкалик бантулар, шунингдек Осиёдан чиққанлар (хиндлар) ва «рангли» деб аталганлар (метислар) — мазлум аҳоли оммасини ташкил этдилар.

Эксплуатация қилинаётган аҳоли устидан ўз ҳокимиятини сақлаб қолиш учун инглизлар ва африканерлардан чиққан йирик буржуазия ва ер эгалари иркий камситиш ва апартеид (иркий ажратиш) сиёсатини ўтказмоқдалар. Мамлакатнинг барча аҳолиси ирқчилик қонунлари асосида тўртта иркий группага бўлинган, шу билан бирга африкаликлар, метислар ва Осиёдан чиққанлар сиёсий ҳуқуқлардан маҳрум қилинган (3 миллион метиснинг бор-йўғи бир неча ўн минги сайлов ҳуқуқидан фойдаланади).

ЖАР маъмурлари «бантустанлаш», яъни африкаликлар учун 10 та сохта давлат ташкил этиш сиёсатини ўтказмоқдалар. Ҳозир бир нечта ана шундай резервация ташкил этилган бўлиб, у ерга африкаликларнинг бир қисми кўчирилди. Бу иш бантустанларнинг аҳолисини ЖАР граждани бўлиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш учун амалга оширилмоқда. Африкалик ишчи оқ танли ишчига қараганда 5—6 барабар кам иш ҳақи олади. Ерли аҳоли маорифдан бебаҳра. Ҳукумат чиқарган инструкцияга кўра африкаликларни «ўзларига иш берувчилар билан жўнгина инглизча гаплашишга» ўргатиш керак.

ЖАР ирқчилари *Намибия* (Жануби-Гарбий Африка) — собик мандат остидаги территория бўлиб, уни ЖАР ҳуқумати БМТ қарорига зид ўларок қонунсиз равишда аннексия қилиб олган — аҳолисига нисбатан ҳам апартеид сиёсатини ўтказиб келмоқда. ЖАРнинг агрессив сиёсати ва апартеид режими БМТ томонидан қораланган бўлиб, у ирқчилик режимини бойкот қилиш ҳақида қарор қабул қилган.

Яширин иш олиб бораётган Жанубий Африка коммунистик партияси ва Африка миллий конгресси оммавий ташкилоти, Намибияда эса — *Жануби-Гарбий Африка халқ ташкилоти* (СВАПО) империализм ва мустамлакачиликка қарши курашаётган кучларга бошчилик қилмоқда.

80-йиллар бошидан эътиборан Жанубий Африка туб ерли аҳолисининг апартеид режимига қарши кураши кучайди. Фақат африкалик ва «рангли» аҳолигина эмас, балки демократик кайфиятдаги оқ танлилар ва Осиёдан чиққанлар ҳам зулм ва ҳақсизлик системасига қарши зўр жасорат билан кураш олиб бормокдалар. Иркчиликка қаршилик кўрсатиш бирлашган fronti шаклланиб келмокда. ЖАР ҳукмрон доираларининг озодлик учун курашчиларни террор қилиш ва жазолаш йўли билан халқ норозилигини бостиришга уринишлари муваффақият қозонмаётир. Иркчилик режими оппозициячи кучларни парчалаб юбориш учун ҳар хил найранглар ишлатмокда. Чунончи, иркчилар янги конституция қабул қилдилар. Бу конституция биринчи марта ўлароқ, келиб чиқиши ҳинд бўлган кишиларга ва «рангли» одамларга парламентда ўз вакилларига эга бўлиш имконини беради. Лекин ҳиндлар ва «ранглилар бу найрангни рад этдилар, чунки улар янги конституция бўйича ҳам ҳокимият тўла-тўқис оқ танли озчилик кўлида қолишига ишонч ҳосил қилдилар. Иркчиларнинг репрессиялари ва найрангларига жавобан халқ қаршилик кўрсатишни кучайтирмокда.

#### Савол ва топшириқлар

1. Альбомдаги 7-карта бўйича 1945 йилдан кейин Африка китъасининг сиёсий қиёфасида юз берган ўзгаришларни кузатинг ва хулосалар чиқаринг. 2. Илмий-оммабоп ва публицистик нашрларни жалб этган ҳолда параграфда тилга олинган миллий озодлик ҳаракати лидерларининг бири тўғрисида ҳикоя тайёрланг. 3. Мозамбик ва Анголада амалга оширилаётган социал-иқтисодий ўзгаришлар социализмни кўзлаб ривожланишни англатишини фактлар билан тасдиқланг. 4. Янги мустамлакачи кучлар Африкадаги ёш давлатларнинг ривожланиш йўлида қандай қийинчиликлар туғдирмокда? 5. Параграф текстидан ва вақтли матбуот материалларидан фойдаланиб, Жанубий Африканинг туб ерли аҳолиси иркчиликка қарши олиб бораётган кураш тўғрисида ахборот тайёрланг.

#### 56-§. Озодликка эришган мамлакатлар тараққиётининг ҳозирги босқичи

1. Мустамлакачилик системасининг емирилиши. Миллий озодлик ҳаракатининг сиқуви остида бугун мустамлака қуллиги системасининг емирилиши — жаҳон социалистик системаси ташкил топганидан кейин ўз тарихий аҳамияти жиҳатидан иккинчи ўринда турувчи воқеа бўлди. Мустамлакачиликнинг ҳалокатга учраши капитализмнинг умумий кризисини чуқурлаштирди, жаҳондаги кучлар нисбатига анча катта таъсир кўрсатди. Миллий озодлик революциялари — жаҳон революцион ҳаракатининг ажралмас таркибий қисмидир.

Мустамлакачи тузумларни йўқотиш жараёни ҳозирги вақтда якунловчи босқичда турибди. Эски мустамлакачи империялар тамомила йўқотилди. Собиқ мустамлакалар ва ярим мустамлакаларда яшаётган халқлар мустақилликка эришдилар ва фаол сиё-

сий ҳаёт майдонига чиқдилар. Бу ижтимоий тараққиётни жадаллаштирадиган муҳим фактордир.

Осиё ва Африка мамлакатларининг бирдамлиги жуда катта аҳамиятга эга. 1957 йил декабрда Қохирада иккита қитъа халқлари вакилларининг биринчи конференцияси бўлиб, у *Осиё ва Африка халқлари бирдамлик ташкилоти* (ОАХБТ) га асос солди. Ташкилот Африка ва Осиё халқларининг антиимпериалистик бирдамлигини кенгайтиришга ва мустақкамлашга ёрдам бермоқда.

**2. Мустақиллик, демократия ва социал тараққиёт учун курашда турли синфлар ва партияларнинг роли.** Антиимпериалистик, антифеодал демократик революцияни охирига етказиш учун кураш фақат ишчилар синфи билан дехқонлар иттифоки мавжуд бўлган тақдирдагина муваффақиятли бориши мумкин. Бундай иттифок ишчилар синфи, дехқонлар, шаҳар майда буржуазияси, миллий буржуазия ва демократик зиёлилар бирлашадиган кенг миллий фронтнинг ядроси бўлмоғи керак.

Ишчилар синфи миллий манфаатлар ва социал тараққиёт учун энг изчил курашчи бўлиб чиқмоқда. Осиё ва Африка мамлакатларида урушдан кейинги йилларда ишчилар ва хизматчиларнинг сони бир неча баравар ўсди, лекин Осиё ва Африкадаги бир қанча мамлакатларда пролетариатнинг шаклланиши эндигина бошланди. Умуман олганда, шаҳар ва қишлоқдаги йирик капиталистик ишлаб чиқаришда (корхоналар ва йирик плантацияларда) банд бўлган ишчиларнинг ёлланиб ишлайдиган одамлар орасидаги салмоғи ҳозирча унча катта эмас: Осиёда 20 процентга яқинни, Африкада 10—15 процентни ташкил этади. Озодликка эришган мамлакатларнинг кўпчилигидаги оз сонли ва етарли даражада уюшмаган пролетариат уларнинг социализмни кўзлаб ривожланишига бошчилик қилиш учун ҳали етилган эмас.

Ҳозирги шароитда шаҳар майда буржуа қатламлари сиёсий жиҳатдан энг фаол кучдир. Ўзларининг ижтимоий кайфиятлари жиҳатидан демократик зиёлилар, студентлар, офицерларнинг прогрессив доиралари уларга яқин туради. Бу социал қатламларнинг ҳаммаси *революцион демократия* кучларини ташкил этади. Пролетариат сони оз бўлган озодликка эришган мамлакатларда улар жуда катта аҳамиятга эгадир. Бу мамлакатларда ҳали оммавий компартиялар йўқ, халқ оммасининг раҳбарлари ролини эса капитализмнинг қатъий душманлари ва социалистик йўл тарафдорлари бўлган революцион-демократик партиялар бажаришмоқда. Жаҳон майдонидаги ўзгаришлар таъсири остида ва империализм ҳамда янги мустамлакачилик билан қаттиқ тўқнашувлар жараёнида революцион демократлар борган сари фаолроқ суратда илмий социализм позицияларига ўтмоқдалар. Илмий социализм гоялари ва тажрибаси *Яман социалистик партияси*, *Конго меҳнат партияси*, *Жазоир миллий озодлик fronti*, социализмни кўзлаб ривожланиш йўлини танлаб олган мамлакатлар-

даги бошқа ҳукмрон партияларнинг программ ҳужжатларида ўз аксини топди.

Озодликка эришган мамлакатларнинг миллий буржуазияси ўз табиатига кўра икки ёклама характерга эга: бир томондан у империалистик зулмнинг тугатилишидан ҳамда иктисодий тараққиётга ҳалакит бераётган феодал саркитларни бартараф этишдан манфаатдор, иккинчи томондан эса — меҳнаткашлар билан мулкдор синфлар ўртасидаги зиддиятлар кучайиб борган сари — империализм ва ички реакция билан келишишга мойилдир. Бир қанча мамлакатларда миллий буржуазия орасида маълум даражада табақаланиш борган сари сезиларли тус олмакда. Унинг юқори табақаси меҳнаткашлар оммаси билан биргаликда тараққиёт йўлидан олға боришга қодир эмаслигини кўрсатибгина қолмастан, балки баъзи давлатларда (масалан, Индонезияда) халқ манфаатларига қарама-қарши ўлароқ, реакция билан тил бириктиришга очикдан-очик ўтиб олди. Миллий буржуазиянинг баъзи қатламлари, биринчи навбатда ўртаҳол, номонополистик буржуазия қатламлари, чет эл капиталидан ҳали ҳам жафо чекаётган бўлиб, антиимпериалистик ҳаракатда қатнашмоқда.

**3. Империализмнинг ривожланаётган мамлакатлар қарамлигини сақлаб қолишга интилиши. Янги мустамлакачиликнинг моҳияти.** Мустақил ривожланиш йўлига қадам қўйган халқлардан иктисодий мустақилликка эришиш учун кўп куч сарфлаш талаб этилади. Ёш давлатларнинг олға ташлаган ҳар бир қадами собик мустамлакалар ва ярим мустамлакаларни капиталистик хўжалик системасида ушлаб қолишга, уларнинг тенг ҳуқуқли бўлмаган аҳволини асосан янги усуллар билан мустаҳкамлашга ҳаракат қилаётган империализмнинг яширин ва ошқора қаршилигига дуч келмоқда. Эски мустамлакачилик ўрнига янги мустамлакачилик — *неоколониализм* келди, у кўпинча коллектив неоколониализм бўлиб майдонга чиқмоқда. *Бу ёш давлатларнинг сиёсий мустақиллигини расман эътироф этган ҳолда уларни империалистик иқтисодий эксплуатация қилишни сақлаб қолишга қаратилган тадбирлар системасидир.* Неоколониализмни асосан ТМК амалга оширмоқда.

Янги мустамлакачилар озодликка чиққан мамлакатларга ўз «ёрдамларини» зўрлаб қабул қилдириб, бунинг эвазига ҳар хил сиёсий ва иктисодий ён беришларни талаб қилмоқдалар. Улар ушбу мамлакатларнинг суверенитетига даҳл қилмоқдалар, улар устидан назоратни кучайтиришга, уларни ўз милитаристик сиёсатлари доирасига тортишга ҳаракат қилмоқдалар. Ривожланган капиталистик мамлакатлар ривожланаётган мамлакатларни ўз экономикаларининг хом ашё қўшоғи сифатида сақлаб қолишга, бу мамлакатларга тенг ҳуқуқли бўлмаган савдони зўрлаб қабул қилдиришга бутун куч-ғайратларини сарфламоқдалар.

Бу ҳол ўтмишда қолоқ бўлган баъзи мамлакатларнинг экономикаси капиталистик давлатларнинг ёрдамида кейинги йилларда тез ва сезиларли даражада ривож топганлигини истисно этмайди

(Гонконг, Сингапур, Жанубий Корея, Тайвань). Бу мамлакатлар «кичкина иктисодий аждаҳо» номини олди. Империализм учун улар дунёнинг муҳим регионларида, хусусан Жануби-Шарқий Осиёда ва Тинч океан ҳавзасида стратегик аҳамиятга эгадир.

Монополиялар ёш давлатларнинг иктисодий ривожланишини капиталистик йўлга буриб юборишни, кучли давлат сектори ташкил этишга тўсқинлик қилишни хоҳлайдилар. Улар давлат аппарати ва армиядаги хоин унсурларни тўғридан-тўғри сотиб олиш учун маблағни аямайдилар, шу йўл билан прогрессив кучларни тизгинлаб туришга умид боғлайдилар, фитналар ҳамда ҳукумат тўнтаришларидан, шантаж ва дўк-пўписадан, ҳарбий ифвогарликлар ва тўғридан-тўғри интервенция қилишдан фойдаланмайдилар. Янги мустамлакачилар ўзлари илгари хўжайинлик қилган регионлардаги позицияларини сақлаб қолиш учун қуролли кучдан фойдаланишни ҳам тарк этмаётирлар (1956 йилда Мисрга қарши Англия-Франция-Исроил агрессияси, Исроилнинг 1967 йилдаги араб мамлакатларига қарши агрессияси ва ҳоказолар).

Хом ашёнинг нархи пасайиб кетиши оқибатида ривожланаётган мамлакатларнинг экспортдан оладиган даромадлари камайди. Бу мамлакатлар ўзлари сотаётган товарлар учун борган сари кам ҳақ олмоқдалар ва сотиб олаётган саноат буюмлари учун борган сари кўп ҳақ тўлашга мажбур бўлмоқдалар. Ривожланаётган мамлакатларнинг ташқи қарзлари уларни империализм томонидан, биринчи навбатда Америка империализми томонидан эксплуатация қилишнинг муҳим каналларидан бири бўлиб қолди. Натижада бу қарз 1,3 триллион доллардан ошиб кетди.

КПСС XXVII съездида кўрсатиб ўтилганидек, ривожланаётган мамлакатлар халқларини талаш милитаристик тайёргарликларни пул билан таъминлашнинг, капитализм системаси мавжуд бўлиб туришининг муҳим манбаидир, у монополистик капиталга социал манёвр қилиш имкониятини таъминлаб бермоқда.

Бироқ ривожланаётган мамлакатларнинг халқлари янги мустамлакачиларнинг ҳақиқий ниятларини билиб олмоқдалар. Уларнинг ҳаракатларига қаршилик кўрсатиш ўсмоқда, бу қаршилик объектив суратда халқларнинг озодлик учун, тинчлик ва социал тараққиёт учун умумий антиимпериалистик кураши билан қўшилиб кетмоқда. Мустамлакачилик системасининг қолдиқларини йўқотиш, ирқчиликка барҳам бериш жараёни, халқаро реакция қаршилик кўрсатаётган бўлишига қарамай, охирлаб бормоқда.

**4 СССР ва бошқа социалистик давлатларнинг ривожланаётган мамлакатларга ёрдами.** Озодликка эришган халқларнинг чин дўсти социалистик ҳамдўстлик мамлакатларидир. Улар Оснё ва Африканинг ривожланаётган мамлакатларига катта иктисодий ва техникавий ёрдам кўрсатмоқдалар. Озодликка эришган мамлакатлар социалистик давлатларнинг мададида саноатнинг етакчи тармоқларини барпо этмоқдалар. Булар орасида қора ва рангли металлургия, машинасозлик, ёқилғи-энергетика тармоқлари бор.

Шунингдек, кишлок хўжалигини ва озиқ-овқат саноатини ривожлантиришга ҳам техникавий ёрдам кўрсатилмоқда. Ривожланаётган давлатлар билан тенг ҳуқуқли иқтисодий ҳамкорликка асос солган СССРнинг ёрдами бу мамлакатлар учун алоҳида аҳамиятга эга. У мазкур мамлакатларнинг мустикал ривожланишига, халқаро ҳаётда уларнинг роли ошишига ёрдам бермоқда.

Бу давлатларда социалистик мамлакатларнинг ёрдами билан 6 мингдан ортиқ халқ хўжалик объекти қурилди, барпо этилмоқда ва қуриш мўлжалланмоқда. ЎИЕК аъзолари 100 дан ортиқ ривожланаётган мамлакат билан барқарор савдо алоқаларига эга.

Социалистик мамлакатларнинг ёш давлатлар учун миллий кадрлар тайёрлашдаги ёрдами муҳим роль ўйнамоқда. СССР ва бошқа социалистик мамлакатлар мададида амалга оширилаётган ҳар бир қурилиш илғор тажрибани ўрганиш мактабига айланмоқда. Совет Иттифоқи ривожланаётган мамлакатларга 1,6 миллион малакали мутахассис тайёрлашда ёрдам кўрсатди. Ёш давлатлар учун кадрлар тайёрлашда Москвадаги Патрис Лумумба номидаги Халқлар дўстлиги университети катта роль ўйнамоқда. ЎИЕК аъзолари бўлган давлатлар ёрдами билан Осиё ва Африка мамлакатларида юзлаб ўқув юртлари ва ўқув марказлари қурилди ва қурилмоқда.

Социалистик мамлакатларнинг ёрдами капиталистик давлатлар бераётган ёрдандан тубдан фарқ қилади. Бу ёрдам ҳеч қандай сиёсий ёки бошқача оғир шартларсиз берилмоқда ва хўжаликнинг ғоят муҳим тармоқларини юксалтиришга ёрдам кўрсатмоқда. Бу ёрдам социал-иқтисодий тараққиётни енгиллаштирмоқда ва тезлаштирмоқда, халқларнинг турмуш даражаси ошишига қўмаклашмоқда. У ёш давлатларга давлат секторини ривожлантиришга ва экономикани планлаштиришга имкон бермоқдаки, бу нарса ўз навбатида, асосий хўжалик вазифаларини рўёбга чиқариш ҳамда миллий экономикани трансмиллий корпорациялардан ҳимоя қилишнинг самарали воситаси бўлиб хизмат қилмоқда.

Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар ривожланаётган давлатларнинг халқаро иқтисодий муносабатларни тенг ҳуқуқлилиқ асосида қайта қуриш ҳамда янги иқтисодий тартибни вужудга келтириш ҳақидаги, капиталистик давлатлар бирмунча кучсизроқ шерикларини эксплуатация қилишининг барча формаларини йўқотиш ҳақидаги адолатли талабларини қўллаб-қувватламоқдалар. Бошқа кўпгина соҳаларда бўлгани каби бу соҳада ҳам социалистик мамлакатлар билан ривожланаётган мамлакатларнинг манфаатлари мосдир.

### Савол ва топшириқлар

1. Мустамлака зулмидан озод бўлган давлатларнинг тараққий этишида турли синфлар қандай роль ўйнамоқда? 2. Янги мустамлакачиликнинг моҳияти нимадан иборат? Унинг асосий усулларини кўрсатинг. 3. Вақтли матбуот материалларини

жалб қилган ҳолда СССР ва бошқа социалистик ҳамдўстлик давлатлари ривожланаётган мамлакатларга кўрсатаётган ёрдам ҳақида ахборот тайёрланг.

## **Такорлаш учун 6-бобга доир савол ва топшириқлар**

1. Дунёни революцион тарзда ўзгартириш учун курашда миллий озодлик ҳаракатининг аҳамияти қандай? 2. Империализм мустамлакачилик системасининг емирилишига ёрдам берган факторларни кўрсатинг. 3. Миллий озодлик революцияси ривожининг турли босқичларида унинг вазифаларини аниқланг (бир-икки мамлакат мисолида). 4. Ривожланаётган мамлакатлар ишчилар синфи ва коммунистик партияларининг иқтисодий мустақиллик ҳамда социал тараққиёт учун курашдаги роли қандай? Ўз хулосангизни мисоллар билан тасдиқланг. 5. Социализмни кўзлаб ривожланиш йўлини танлаб олган мамлакатлар билан капиталистик йўлдан бораётган мамлакатларда социал-иқтисодий тараққиёт вазифаларини ҳал қилиш йўлларини таккосланг. Бу жараёнда турли йўлдан ривожланаётган икки мамлакат мисолида кузатинг ва хулосалар чиқаринг. 6. Революцион демократларнинг миллий озодлик курашидаги ролини аниқланг. Улар асосан қандай социал қатламларга таянишмоқда? 7. «Социализмни кўзлаб ривожланиш йўлини танлаб олган мамлакатлар» жадвалини тузинг, унга ўрганилаётган давлатлар тўғрисидаги энг муҳим маълумотларни: мустақилликка эришган йилни, асосий социал-иқтисодий ўзгаришларни, кечиктирмай ҳал қилишни талаб этадиган муаммоларни, ҳукмрон партия ва унинг сиёсий лидерини ёзиб қўйинг. 8. Вактли матбуотни ва илмий-оммабоп адабиётни жалб қилган ҳолда ривожланаётган мамлакатлар халқлари мустамлакачиликка қарши олиб бораётган кураш ҳақида ахборот ёки реферат тайёрланг. 9. Жаҳон социалистик ҳамдўстлигининг озодликка эришган давлатлар миллий озодлик ва тараққиёт учун олиб бораётган курашга таъсири нималарда намоён бўлмоқда?

### **7-Б О Б**

## **Латин Америкаси халқларининг антиимпериалистик кураши.**

### **57-§. 40—60-йилларда Латин Америкаси мамлакатларининг ривожланиши**

Қитъанинг номи қаердан келиб чиққанини тушунтиринг. АҚШнинг XIX аср охири — XX аср бошларида Латин Америкаси мамлакатларидаги экспансияси ҳақида сизга нималар маълум эканлигини эсланг (янги тарих дарслиги, 13, 22—23-§).

1. Иккинчи жаҳон урушидан кейин Латин Америкаси мамлакатларининг иқтисодий ва сиёсий аҳволи. Иккинчи жаҳон урушидан кейин Латин Америкаси «уйғонаётган социал-сиёсий вулканлар занжирига» айланди. Миллий озодлик ҳаракатининг юксали-



шини бир канча сабаблар келтириб чиқарди. Уруш Латин Америкаси мамлакатларига катта таъсир кўрсатиб, маҳаллий капитализмнинг ривожланишига, миллий буржуазия позицияларининг мустаҳкамланишига, ишчилар синфининг сони ўсишига ва ижтимоий роли ошишига ёрдам берди. «Демографик портлаш» — аҳолининг тез ўсиб, 1947 йилда 152 миллион кишини, 1986 йилда эса — деярли 400 миллион кишини ташкил этиши, шунингдек шиддатли урбанизация Латин Америкасининг муҳим жиҳати бўлиб қолди.

Буларнинг барчаси қолоқликни йўқотиш, фан-техника революцияси талабларига мувофиқ келадиган жадал ривожланишга эришиш билан бу қолоқликнинг иккита асосий сабаби — ярим феодал сарқитлар ва маҳаллий олигархияга (латифундиячилар билан йирик буржуазияга) таянган чет эл, асосан Америка капиталининг зўравонлиги ўртасида зиддият кучайди.

Урушдан кейинги 15 йил мобайнида Латин Америкасининг экономикасига 5 миллиард доллар миқдорида чет эл инвестициялари сарфланди, фойда тарикасида эса 20 миллиард доллар олиб чиқиб кетилди. АҚШнинг ғоят қудратли монополиялари бўлган «Юнайтед фрут», «Стандард ойл», «Интернейшл телефон энд телеграф компани» (ИТТ) ва бошқалар маҳаллий олигархия билан иттифок бўлиб, ишчи қўлларнинг арзонлигидан фойдаланиб китъа халқларини таладилар. Улар Венесуэланинг нефтини, Бразилиянинг кофесини, Кубанинг қандини, Чилининг мисини арзон нархларда олиб чиқиб кетар эдилар.

Реакцион олигархия ва чет эл капитали ҳукмронлигининг натижасида турмуш даражаси паст бўлиб қолаверди. XX асрнинг ўрталарида аҳолининг учдан бир қисми вайрона кулбаларда, исикликсиз ва ёруғликсиз, ахлат ва каламушлар орасида, энг оддий медицина ёрдамидан ҳам маҳрум ҳолда яшар эди. Очларнинг сони ўн миллионлаб кишини ташкил этар, умрнинг ўртача узунлиги 45 йилдан ошмас, саводсизлар аҳолининг 60 процентини (Гаитида 92 процентини) ташкил этар эди. Чет эл монополиялари, латифундиячилар, маҳаллий йирик буржуазия реакцион ҳукуматларнинг ҳокимиятини қўллаб-қувватлар, халқ ҳаракатларини бостирар, улар билан курашиб, қонхўр диктатураларни — Кубада Батиста, Гаитида Дювалье, Никарагуада Сомоса, Парагвайда Стресснер ва бошқаларнинг диктатурасини ўрнатар эдилар.

Қолоқлик ва сиёсий реакция бир-бири билан маҳкам боғланган эди, демократик революция вазифалари эса ҳақиқий мустақилликни қўлга киритиш вазифалари билан чирмашиб кетди. Латин Америкасида олигархия ва империализмга қарши шиддатли, шаклан хилма-хил бўлган ҳаракат жаҳон революцион жараёнининг катта қисмига айланди.

**2. 40—50-йиллардаги озодлик ҳаракати ва АҚШ империализмининг ҳужуми.** Иккинчи жаҳон урушида фашист агрессорларининг тор-мор қилиниши, СССР ҳамда социализм ғояларининг халқаро таъсири ўсиши, ишчилар синфи ва компартиялар пози-

цияларининг мустақкамланиши урушдан кейинги дастлабки йилларда Латин Америкасида оммавий чиқишларнинг юксалишига ёрдам берди. Иш ташлашлар, бир қанча диктаторлик режимларининг кулаши, баъзи компартияларнинг подпольедан чиқиши ана шу юксалишнинг қўринишлари эди. «Совук уруш» бошланиши ва АҚШнинг экспансияси кучайиши билан Латин Америкаси мамлакатларининг реакциян кучлари халқ ҳаракатларини вақтинча бостиришга муваффақ бўлдилар. 40-йилларнинг иккинчи ярмида АҚШ 20 та давлатга Ғарбий яримшарни мудофаа қилиш тўғрисидаги пактни қабул қилдириб (1947 йил) ва уларни 1948 йилда *Америка давлатлари ташкилоти* (АДТ) га бирлаштириб, ўз ҳукмронлигини мустақкамлаб олди. Бу ташкилотни алам билан «Вашингтон мустамлакаларининг министрлиги» деб атаб эдилар. БМТда Латин Америкаси мамлакатлари Вашингтонга итоатқўй блокни ташкил этдилар.

Бирок умуман реакция устун бўлганлигига карамай, озодлик ҳаракати тўхтамади. Гватемаладаги буржуа-демократик революцияси марказий воқеа бўлди.

Бу мамлакатда 1944 йил октябрда бўлган қуроли қўзғолон ҳарбий-полициячи диктатуранинг кулашига олиб келди. Шаҳар ва қишлоқдаги майда буржуазия кенг доираларининг қарашларини ифодалаган полковник Арбенс президент қилиб сайлангач (1951—1954 йиллар) помещиклар ер эгаллигини чегаралаб қўйган аграр ислохот амалга оширила бошланди. Бир қанча чет эл монополиялари мулкнинг бир қисми национализация қилинди. Гватемала АҚШ билан ҳарбий битим тузишдан бош тортиди ва бир қанча социалистик мамлакатлар билан савдо муносабатларини ўрнатди. Бирок 1954 йилда АҚШ ёлланган кишиларга ва армиянинг реакциян офицерларига таяниб, тўнтариш ташкил қилди ва Гватемала устидан ўз назоратини тиклади. Революция ғалабалари йўқ қилиб ташланди. Мамлакатда шафқатсиз террор қарор топди.

Антиимпериалистик ҳаракат бошқа шаклларда ҳам ўзини кўрсатди. Айрим мамлакатларда буржуа-миллатчилик тузумлари вужудга келиб, улар антикоммунизм позицияларида қолсалар-да, меҳнатқашларга баъзи масалаларда ён бердилар, революциянинг олдини олиш мақсадида латифундиячиларнинг ҳам, монополияларнинг ҳам зўравонлигини чегараладилар. Мана шундай *национал-реформизм* сиёсатига 40—50-йилларда Бразилия билан Аргентина мисол бўлди.

1945 йил бошларида Бразилия президенти Варгас меҳнатқашларнинг оммавий ҳаракати вазиятида қасаба союзларининг ҳуқуқларини эътироф этишга, сиёсий партияларни легаллаштиришга мажбур бўлди. Бразилия коммунистларининг раҳбари Луис Карлос Престес турмадан чиқариб юборилди. Варгас майда ва ўрта буржуазияга таяниб, *Бразилия трабальистлар (ишчи) партиясини* (БТП) тузди. Бу партия ўзининг миллатчилик программасини компартия илгари сурган социалистик истиқболга қарши қўйди.

Буржуа-помешчик кучларнинг АҚШ томонидан қўллаб-қувватланган фитнаси 1945 йил октябрдаёқ ҳукуматнинг ағдариб

ташланишига олиб келди. Бирок демократик ҳаракатни бостиришга муваффақ бўлинмади. 1950 йилда ўтказилган сайлов натижасида Варгас яна президент лавозимини эгаллади. У иккинчи марта идора қилган даврда (1950—1954 йиллар) оммавий чиқишлар тазйиқи остида миллий экономикани чет эл монополияларининг зўравонлигидан химоя қилишга ва уни ривожлантиришга қаратилган бир қатор прогрессив тадбирларни амалга оширди. Бу йирик помешчиклар ва буржуазияни дарғазаб қилди, улар АҚШ мададида президентга қарши тўхмат компаниясини бошладилар. Ҳокимиятдан четлатилган Варгас қўйилган айблар ва хуружларга дош беролмай, ўзини-ўзи ўлдирди. «Бразилия миллатчилигининг отаси», мураккаб ва зиддиятли шахс бўлган, аммо мамлакат тарихида сезиларли из қолдирган Варгас сиёсатининг ҳалокатга учраши 50-йилларда помешчик-буржуа кучлари ва америка империализмининг блоки устун бўлганлигини кўрсатди.

Аргентинада миллий буржуазиянинг мустақиллик учун курашга бошчилик қилиш йўлидаги уриниши 1946—1955 йилларда мамлакат президенти бўлган генерал Хуан Перон номи билан боғлангандир. Перон Аргентинанинг алоҳида ривожланиш йўли, капитализмдан ҳам, социализмдан ҳам фарқ қиладиган «учинчи йўл» шиорини илгари сурди. Унинг «хустисиализм» (адолат) концепцияси оммага маълум даражада ён беришни, аргентина жамиятининг синфсизлиги ғоясини, доҳийчилик ва чет эл зўравонлигига қарши адолатли курашни ҳам, шунингдек «буюк Аргентина» бошчилигидаги «Жанубий блок»ни барпо этишга қаратилган агрессив даъватни ҳам англаган аниқ ифодаланган миллатчиликни ўз ичига олар эди.

Перон президентлик қилган йилларда темир йўллар, телефон тармоғи, марказий банк инглиз, француз, америка капиталистларидан сотиб олинди, национализация қилинди. Социал манёвр қилиш иш хақини оширишда, ҳақ тўланадиган отпускалар жорий этилишида, «меҳнат қилиш ҳуқуқининг эълон этилишида ифодаланди. Айни вақтда компартияни жуда қаттиқ таъқиб қилиш давом этди, иш ташлашлар бостирилди, Германиядан қочган гитлерчиларга мамлакатда бошлана берилди. 1949 йил конституцияси чегараланмаган шахсий ҳокимият режимини мустаҳкамлади.

Перонизм мураккаб ходиса эди. Унинг изчил эмаслиги ва зиддиятчилиги хилма-хил социал базадан келиб чиққан бўлиб, унга меҳнаткашларнинг қаттагина қатламлари, энг аввал қасаба союз оммаси ва буржуазия кирар эди. Реакцион ҳарбийлар, латифундиячилар, черков, йирик буржуазия Перон оммага ён бериш сиёсатига ҳаддан ташқари берилиб кетди ва демократик кучларнинг зўрайиб бораётган чиқишларига кучи етмай қолади, деб ҳисоблар эдилар. Пероннинг 1955 йилдаги ҳарбий тўнтариш натижасида ағдариб ташланиши ана шу билан боғлиқ бўлиб, у президентни чет элга қочиб кетишга мажбур қилди.

Шундай қилиб 40-йилларнинг иккинчи ярми ва 50-йилларда озодлик кураши алангалари муттасил кўтарилиб турди. Бирок

демократик кучлар ҳали заиф эди, уларнинг чиқишлари тарқок эди ва умуман Латин Америкасида реакция устунлик қилар эди.

**3. Куба революцияси янги босқични бошлаб берди. 60-йиллардаги озодлик ҳаракати.** Кубадаги революциянинг галабаси ва куба халқининг социалистик қурилишида ҳам, шунингдек АҚШ ташиқил этган душманлик ҳаракатларига қарши курашда ҳам эришган ютуқлари америка империализмининг таъсир зонасида бўлган мамлакатлардан бирида халқ кучлари мустақкам галаба қозониши реал мумкин эканлигини кўрсатди. Кубадаги воқеаларнинг бевосита таъсири ҳам катта эди: ҳамма жойда Кубани қўллаб-қувватловчи ҳаракатлар — митинглар, намойишлар, Куба революциясини ҳимоя қилиб жангга киришга тайёр бўлган кўнгиллилар отрядларига ёзилиш пайдо бўлди. Коммунистик партияларнинг 1969 йилги Халқаро кенгаши кўрсатиб ўтганидек Фарбий ярим шарда биринчи социалистик давлатнинг барпо этилиши Латин Америкаси халқларининг озодлик ҳаракатида тарихий бурилиш бўлди ва бутун Латин Америкаси регионида революцион ҳаракатнинг янги босқичини бошлаб берди.

50-йилларнинг охиридан бошлаб партизанлар кураши анча кенг ёйилди. «Тўғридан-тўғри ҳаракатлар» деб аталган бу кураш билан бирга ҳамма вақт ҳам омма орасида кенг қўламда ва ҳар томонлама иш олиб борилавермас эди ва бу ҳол партизан отрядларини ташкил этган довурак кишиларнинг унча катта бўлмаган группалари мағлубиятга учрашига олиб келар эди. Чунончи, Куба революциясининг қаҳрамони Эрнесто Че Геваранинг Боливияда партизанлар ҳаракатини бошлаб юбориш йўлидаги уриниши фожиа билан тугади: у ўлдирилди, отряд эса тор-мор қилинди.

Партизанлар кураши 50-йилларда Колумбияда олиб борилди, 60-йиллар ўрталарида Гватемала ва Гондурасда чиқиб турди. Бу ерларда ҳам партизанлар кураши бостирилди. Никарагуадаги сандиночилар ҳаракати мағлубиятлар орқали галаба сари узок йўл босиб ўтди.

Озодлик курашининг яна бир формаси 50-йилларнинг охирида меҳнатқашлар митинглари ва иш ташлашларнинг янги тўлқинидан иборат бўлиб, уларда катнашганларнинг сони биринчи марта ўларок миллион кишига етди. Бу митинглар ва иш ташлашларга турғунлик ва қолоқликни енгишни, умуммиллий вази-фаларни амалга оширишни талаб қилиш хос эди.

Бир йўла иш ташлаганларнинг сони 3 миллион кишига етган Бразилияда йирик касаба союзларини, миллий буржуазия гуруҳларини, студентларни, хотин-қизларни, деҳқонларнинг уюшмаларини ўзида бирлаштирган *Халқ сафарбарлиги fronti* вужудга келди. 1956—1964 йиллардаги либерал ҳукуматлар фронт таъсири остида бўлиб, саноатни национализация қилиш сиёсатини қайтадан бошладилар. Иқтисодий ривожланишнинг беш йиллик программаси амалга оширилиб, у Бразилияни аграр мамлакатдан индустриал-аграр мамлакатга айлаштиришга ёрдам берди. Меҳнатқашлар жузъий ён беришларга — иш ҳақи минимумининг

оширилишига, социал страхованиенинг кенгайтирилишига эришдилар.

Бирок ислохотлар жамиятнинг капиталистик структурасига дахл қилмади. Меҳнаткашларнинг моддий аҳволи оғир бўлиб қолаверди: ишсизлик сакланиб қолди, турмушнинг нархи кескин ошиб кетди, шаҳарлардаги аҳолининг ортикчалиги хароб қулбалар кўпайиб кетишига олиб келди. Йирик ер эгаллиги деярли дахлсиз қолди. Иқтисодий ўсиш суръатлари аста-аста секинлашди, чет элга қарамликдан қутулишга муваффақ бўлинмади, реакция тез-тез қарши ҳужумга ўтиб турди. Халқ сафарбарлиги фронтига таянишга қарор қилган ва халқ қизғин қўллаб-қувватлаган демократик ислохотларнинг кенгайтирилган программасини эълон қилган президент Гуларт реакция тўнтариш натижасида ағдариб ташланди ва мамлакатдан чиқиб кетишга мажбур бўлди.

Мексикада 1958 йилда *Институцион-революцион партиянинг* сўл қаноти (партия мамлакатни 30-йиллар бошидан бери идора қилиб келмоқда эди) ҳокимият тепасига келиши билан национализация қилишнинг янги тўлкини бошланиб, у электр энергетикани, кино саноатини, қисман тоғ-кон тармоғини қамраб олди (чет эл компанияларининг ҳуқуқларини чеклаш). Чет эл капиталига қарамлик кучсизлантирилди, холос. Аҳолининг ярми кашшоқликда яшар, унинг анча қисми мавсумий ишларда ишлаш учун АКШга жўнар ва у ерда аёвсиз эксплуатация қилинар эди.

«Ўрта қатламларга» таянган национал-реформизмнинг социал проблемаларни ҳал қилишни таъминлашга қодир эмаслиги баъзи бошқа давлатларда ҳам намоён бўлди.

Латин Америкаси мамлакатларининг кўпгина компартиялари қитъада юз бераётган силжишларни таҳлил қилиб, ўз съездларида национал-реформизмга, пировард натижада эса капиталистик тараккиётга тесқари бўлган программаларни ишлаб чиқдилар. Компартиялар давлатнинг тартибга солишини қўллаб-қувватлаб, ундан халқ манфаатлари йўлида фойдаланиш мумкинлигини кўрсатдилар. Бунда ҳақиқий мустақилликка фақат жамиятни чуқур демократиялаш асосидагина эришиш мумкинлиги таъкидланди.

**4. АКШнинг янги мустамлакачилик йўли.** Қўшма Штатлар ўзгарган вазиятга мослашиб, 60-йилларда Латин Америкасидаги ўз ҳукмронлигини сақлаб қолишнинг янги шаклларини зўр бериб қидирди. Қисман эски воситалардан: тўғридан-тўғри интервенция қилиш (Куба — 1961 йил, Доминикан Республикаси — 1965 йил), Перу, Эквадор, Гватемала, Гондурас, Бразилия ва Аргентинада реакция ҳарбий тўнтаришларга ёрдам бериш чораларидан фойдаланилди. Шу билан бир қаторда «Тараккиёт йўлидаги иттифоқ» — Латин Америкасининг иқтисодий ривожланишига ёрдам бериш программасига асос солинди. Бу программа «Куба моделига», яъни революцион йўлга қарама-қарши қилиб қўйилди. Бирок бу мақсад учун сафарбар этилган маблағлар мутлақо етарли бўлмади, улардан кўпинча реакция кучларни қўллаб-қувватлаш учун фойдаланилди. «Тараккиёт йўлидаги иттифоқ» борган сари

кўпроқ «Тараккиётсиз иттифоққа» айланди. Унинг фаолиятдан Латин Америкасидагиларнинг ҳафсалалари тамом пир бўлди. Натижада 10 йил ичида (1961—1971) бу ташкилот белгиланган программани бажармаганлиги эътироф қилинди.

АҚШ Латин Америкаси мамлакатларининг иктисодий интеграцияси гоёсини ҳам қўллаб-қувватлади. Бу мамлакатларнинг ҳукмрон доиралари «умумий бозор» ташкил этишни қоқоқликни бартараф қилиш, экономикани юксалтириш, революцион қайта қуришга йўл қўймаслик воситаси деб билар эдилар. Бунда АҚШ «умумий бозорга» ичидан, аралаш компаниялар ва ўз монополияларининг филиаллари орқали кириб боришга умид қилган эдилар. 50-йилларда 5 давлатни бирлаштирган *Марказий Америка умумий бозори* (МАУБ) ташкил этилганлиги эълон қилинди, 1961 йилда эса Жанубий Америкадаги 11 давлатни ўз ичига олган *Латин Америкаси эркин савдо уюшмаси* (ЛАЭСУ) иш бошлади. (1981 йилда ЛАЭСУ ўрнига савдо-иктисодий ташкилот бўлган *Латин Америкаси интеграция уюшмаси* (ЛАИУ) тузилди.) АҚШ Латин Америкаси мамлакатларига Вашингтон раҳбарлиги остида Америка давлатлараро қуроли кучларини барпо этиш лойиҳасини зўрлаб қабул қилдиришга уринди. Лекин Мексика, Аргентина ва бошқа мамлакатларнинг норозиликлари, АҚШнинг Доминикан Республикасига интервенцияси келтириб чиқарган ғазаб алангаси уни амалга оширишга тўсқинлик қилди. Натижада тўғридан-тўғри жазолашдан иборат эски усуллар ҳам, янги мустамлакачиликнинг янги найранглари ҳам революцион жараённинг ривожланишини тўхтата олмади.

## **58-§. Латин Америкаси халқларининг 70-80-йиллардаги демократия ва социал тараққиёт учун кураши.**

### **Чили ва Никарагуадаги революциялар**

1. **Озодлик курашининг янги жиҳатлари.** 60-йиллар охири ва 70-йилларда мустамлакачиликнинг емирилиш жараёни Ғарбий ярим шарни ҳам қамраб олди. Буюк Британия ва Нидерландиянинг Кариб регионидagi бир қанча майда орол мустамлакаларининг мустақиллиги ёки ички ўз-ўзини бошқариш ҳуқуқи эълон қилинди (альбомдаги 6-картага қаранг). Фан-техника революциясининг таъсири остида экономиканинг аграр-хом ашё йўналишидаги ривожланиши аста-секин саноат ривожланиши билан алмашинди. Бир қанча мамлакатларда, энг аввало Бразилия, Аргентина, Мексикада маҳаллий монополистик ва давлат-монополистик капитализм шаклланди, бироқ у анча қудратли бўлган чет эл, аввал Шимолий Америка корпорациялари билан маҳкам боғланган қарам капитализм бўлиб қолмоқда.

Латин Америкаси давлатларининг мустақил сиёсат юритишга интилиши кучайди. Иктисодий интеграция ҳамда «умумий бозорлар» ҳақидаги битимларга келиш жараёнида янги уюшмалар ву-

жудга келиб, уларда АҚШнинг буйруғига қаршилик кўрсатиш тенденцияси сезиларли даражада намоён бўлди. Бундай уюшмаларнинг энг йириги 1975 йилда 25 давлат ташкил этган *Латин Америкаси иқтисодий системаси* (ЛАИС) бўлди. АДТнинг Кубани камал қилишни тўхтатиш ҳақидаги қарори (1975 йил) ва шундан кейин Кубанинг ЛАИСда қатнашиши Вашингтон учун ҳақиқий мағлубият бўлди.

Бир қанча мамлакатларда ҳарбийларнинг роли ўзгарди. Илгари улар, одатда, реакция диктатураларнинг ташкилотчилари бўлишган бўлса, 60-йилларнинг охиридан бошлаб миллий буржуазия онгида силжиш юз берганлигини, «ўрта қатламлар» активлашганлигини ва оммавий ҳаракатлар таъйиқини акс эттирувчи прогрессив ҳарбий диктатуранинг ўзига хос тажрибаси пайдо бўлди. Бундай тажрибани Перу республикаси кўрсатди. Бу ерда 1968 йилда генерал А л ь в а р а д о (1968—1975 йилларда президент бўлган) бошлик қуролли кучларнинг революцион ҳукумати ҳокимият тепасига келди. Ҳукумат капиталистик ривожланиш йўлидан воз кечилганлигини эълон қилди ва хиндулар жамоасининг чуқур анъаналарига таяниб, коллектив, жамоа, кооператив, давлат мулкнинг хилма-хил шакллари турли йўллар билан рағбатлантирди, шунингдек чет эл капитални чеклаб қўйган чораларни жорий қилди. Прогрессив ўзгаришларни компартия ҳар томонлама қўллаб-қувватлади. Бирок кейинчалик тараккиётнинг антикапиталистик йўналиши тўхтаб қолди ва Перудаги ўзгаришлар буржуа реформизми йўлига кириб кетди.

Қурашнинг янги босқичидаги муҳим хусусият гарчи миллий буржуазия ҳали ҳам раҳбарликни даъво қилиб турган бўлса-да, ишчилар синфининг роли ошиб боришидан иборат бўлди. 70-йилларнинг марказий воқеаси — Чили революцияси ислохотлардан социалистик истикболга ўтиш тажрибасини берди.

**2. Чилидаги революция (1970—1973 йиллар).** 70-йилларга келганда Чили экономикаси батамом АҚШга қарам эди. Шимолӣ Американинг учта мис ишлаб чиқарувчи компанияси — «Анаконда», «Кеннекот» ва «Серро», шунингдек жуда қудратли ИТТ мамлакатнинг энг муҳим тармоқларида батамом хўжайин бўлиб олган эди. АҚШ ҳар йили Чилидан деярли 2 миллиард доллар фойда олар эди. Чет эл капитали ва маҳаллий олигархиянинг зўравонлиги натижасида ишсизлик, уй-жой тақчиллиги доимий воқеа бўлиб қолган эди. Дехқонларнинг ерсизлиги сақланиб қолмокда эди, чунки аграр ислохот секин ўтказилди. Фақат революциягина мамлакатни мана шу боши берк кўчадан олиб чиқиши мумкин эди.

Тинч революцияни 1970 йил сентябрдаги президент сайлови бошлаб берди. Бу сайловда Халқ бирлиги блоки ғалаба қозонди: унинг номзоди социалист Сальвадор Альенде (1908—1973) ҳаммадан кўп овоз тўплади. Блок 1969 йилда олти партиянинг иттифоқи асосида ташкил этилган бўлиб, улар орасида иккита ишчилар партияси коммунистик ва социалистик партия бор

эди. Блокнинг программаси меҳнаткашлар манфаатларини кўзлаб туб ўзгаришлар қилишни: саноатнинг барча асосий тармоқларини, банкларни ва ташқи савдони национализация қилишни, ҳаммининг иш билан банд бўлишини таъминлашни ва иш ҳақи минимумини белгилашни, аграр ислохотни жадал амалга оширишни, медицина хизматидан фойдаланишни ҳамда ишчи ва деҳқонларнинг болалари билим олишини назарда тутар эди. Программада пировард мақсад «Империалистлар, монополиялар, помещиклар олигархиясининг ҳукмронлигига барҳам бериш ва Чилида социализм қурилишини бошлаш»дан иборат қилиб белгиланган эди. Унг партиялар Халқ бирлигининг ғалабасига бор кучлари билан қаршилик кўрсатганлиги ажабланарли эмас.

Альенде ҳукуматининг дастлабки тадбирлариёқ бу чинакам халқ ҳукумати эканлигини, бундай ҳукумат ҳали мамлакат тарихида бўлмаганлигини кўрсатди. Давлат ҳисобидан уй-жой қурилиши бошланди. Минглаб одамлар ишлик бўлишди. Нонга ягона, пасайтирилган нарх белгиланди, иш ҳақи минимуми оширилди. Ишчиларнинг вакиллари давлат корхоналари ва аралаш корхоналарни бошқаришда қатнаша бошладилар. Давлат эгалари экономикани барбод қилишга уринаётган, ишлаб чиқаришни тўхта-тиб қўяётган, ҳукуматга қарши агитация олиб борган корхоналар ва латифундиялар устидан ўз контролини ўрнатди.

1971 йилда ҳукумат энг муҳим тармоқларни национализация қилишга ўтди. Мис конларини национализация қилиш айниқса катта аҳамиятга эга бўлиб, бу иш Шимолий Америка монополияларининг таъсирини жиддий путурдан кетказди. Сўнгра Чили капиталистларининг темир конлари, тўқимачилик корхоналари, барча хусусий банклар, селитра чиқариш, цемент ишлаб чиқариш национализация қилинди. Давлат телефон тармоғини ўз қўлига олиб, шу тариқа АҚШнинг энг йирик корпорацияси бўлган ИТТга зарба берди. Помещиклардан тортиб олинган 2,8 миллион гектар ер деҳқонларга топширилди.

Альенде ҳукуматининг дастлабки тадбирларидан бири Куба билан дипломатия ва савдо алоқаларини ўрнатишдан иборат бўлди. СССР Чилига кредитлар ва техника билан ёрдам берди. Ҳукуматни меҳнаткаш аҳоли кенг қўламда қўллаб-қувватлади. Бирок чуқур структура ислохотларини амалга ошириш силлиқ ва зарарсиз ўта олмас эди. Реакция бу ислохотларга қутуриб қаршилик кўрсатиб, Халқ бирлиги ҳукумати учун ниҳоятда оғир шароитларни вужудга келтирди. Конгрессдаги (парламентдаги) ўнг партиялар прогрессив қонунлар қабул қилинишига тўсқинлик қилдилар. Унг матбуот ҳукуматга тухмат ёғдирди. МРБ ва ИТТ пулига фитна ва қўпоровчиликлар ташкил этилди, Халқ бирлигининг таниқли арбоблари ўлдирилди, сўл партияларнинг биноларида погромлар ташкил этилди.

Реакция асосий умидни мамлакатда иқтисодий тартибсизлик вужудга келтириш билан боғлади. АҚШнинг мис рудаси казиб олувчи компаниялари жаҳон бозорларида Чили мисини бойкот



қилишни ташкил этдилар. Шимолий Америка банклари Чили учун кредитларни ёпиб қўйдилар ва Чилининг АКШга қўйган пулларига арест солдилар. Маҳаллий олигархия, латифундиячилар, савдогарлар ишлаб чиқаришни йиғиштириб қўйдилар, аграр ислохотни буздилар, энг зарур молларнинг нархини ошириб юбордилар.

Компартия ҳукуматни қўллаб-қувватлаш ва унга кириш билан бир вақтда саботажчилар ва тўхматчиларга нисбатан жуда каттик чоралар кўришни талаб қилди. Бироқ Халқ бирлигида мана шу ва бошқа масалалар юзасидан ихтилофлар пайдо бўлди. Бирлашган касаба союз маркази талаб қилган каттик чоралар амалга оширилмади. Реакция кўп сонли ўрта қатламларни — майда буржуазияни, зиёлиларнинг ва хизматчиларнинг бир қисмини ўз томонига оғдириб олишга муваффақ бўлди. У юк машиналари эгаларининг ифвогарликдан иборат бўлган ва мамлакатдаги бутун иктисодий ҳаётни тўхтатиб қўйган иккита иш ташлашини уюштиришга муваффақ бўлди.

Мана шундай вазиятда 1973 йил сентябрда Чилида реакция ҳарбийлар томонидан исён кўтарилди. Уларнинг раҳбарлари генерал Пиночет бошлиқ хунта ташкил қилдилар. Сальвадор Альенде шахсан ўзи сўнги нафаси чиққунча раҳбарлик қилиб турган кўп соатлик жангдан кейин президент саройига бостириб кирган исёнчилар томонидан ўлдирилди.

Сантьягонинг кўпгина заводларида, мамлакатнинг бошқа шаҳарларида ишчилар исёнчиларга қаршилик кўрсатишга ҳаракат қилиб, қўлларига қурол олдилар. Лекин бу ҳаракатлар тайёрланмаган, таркок эди ва шу сабабли шафқатсизларча бостирилди. Чилида ҳарбий-фашист диктатураси қарор топиб, у мамлакат тарихида қора саҳифани очди.

Революциянинг вақтинча мағлубиятга учраши унинг хизматларини ҳам, тажрибасининг аҳамиятини ҳам камсита олмайди. Чили революцияси Латин Америкасида ишчилар синфининг роли ўсганлигини кўрсатибгина қолмасдан, балки сўл кучлар давлат ҳокимиятини қуролсиз йўл билан қўлга киритиши реал эканлигини ҳам тасдиқлади. Бу революция «тинч» ривожланишининг дастлабки узок давом этган тажрибаси эди. Пролетар партиялар раҳбарлик қилган ва марксча-ленинча ғоялардан илҳомланган сўл блок амалдаги конституция асосида ҳокимият тепасига келиши мумкинлигини бутун дунё кўрди. Шу билан бирга Чили воқеалари барча коммунистлар ва демократларни хушёрликка ўргатмоқда, революция ўзини ҳимоя қила олиши кераклигини қатъий туриб эслатмоқда.

Мағлубият Чили халқининг руҳи синдирилганлигини билдирмас эди. Компартия раҳбари, норозилик компаниясининг сиқуви остида хунта қамокхонасидан чиқариб олинган Луис Корвалан ва минглаб бошқа маҳбусларнинг матонати, Чилининг озодлик учун курашчилари билан халқаро бирдамлик, халқаро коммунистик ҳаракат Чили тажрибасини ўрганиши — ана шуларнинг ҳаммаси

жасур Чили халки 1970—1973 йиллардаги империализмга, олигархияга қарши, социалистик истиқболга қаратилган революция даврида курашиб ҳимоя қилган ғоялар муқаррар суратда қайта тикланишининг гарови бўлиб қолди. Чили ватанпарварлари оғир шароитларда социал тараққиёт учун курашни давом эттирмоқдалар, ватанпарвар ва антифашист фронтнинг тузилишига эришмоқдалар.

1988 йил 5 октябрда бўлиб ўтган плебисцитда генерал Пиночет мамлакат президентлигига бирдан-бир номзод бўлиб чиққан эди. Плебисцит натижалари диктатор фойдасига бўлмади: чилиликларнинг аксарият кўпчилиги Пиночетнинг президентлик ваколатларини 1988 йилга қадар узайтиришдан бош тортди. Конституцияга мувофиқ диктаторнинг ана шу лавозимда туриш муддати 1990 йилда тугайди.

**3. Никарагуадаги революция. Сальвадор халқининг кураши.** 70-йиллар охири — 80-йиллар бошидаги муҳим воқеа Никарагуа революцияси бўлди. 1927—1933 йилларда Америка оккупантларига қарши «озод кишилар генерали» Аугусто Сандино (Никарагуанинг миллий қахрамони, 1934 йилда хоинларча ўлдирилган) раҳбарлигидаги кураш сабоқларидан ҳамда 1958 йилдаёқ бошланган Сомоса оиласининг шафқатсиз ҳарбий-полициячи диктатурасига қарши қуролли чиқишларнинг тажрибасидан фойдаланиб, никарагуалик революционерлар ғалаба қозонишга муваффақ бўлдилар. Мамлакатни жуда катта қамоқхонага айлантириб юборган Сомосанинг жирканч тузуми 1979 йил июлда ағдариб ташланди. Бу ғалаба партизанлар ҳаракати омманинг кураши билан қўшилиб кетганлиги туфайли мумкин бўлди. Қуролли ҳаракатлар иш ташлашлар билан қўллаб-қувватланди, ватанпарварларнинг ҳарбий-сиёсий ташкилоти — *Сандиночилар миллий-озодлик fronti* СМОФ теварагида эса ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар, миллий буржуазия (асосан майда ва ўрта буржуазия) бирлашди. СМОФ раҳбарлари остида Сомоса истибдодига қарши *Бирлашган халқ ҳаракати* ва *Миллий ватанпарвар фронт* кураш олиб бордилар. Уларга диктатор режимига оппозицияда бўлган сиёсий партиялар ва ташкилотлар кирган эди.

Никарагуа революцияси *халқ демократик*, антиимпериалистик революциядир. Унинг энг муҳим ютуғи кенг аҳоли қатламларининг, энг аввало шаҳар ва қишлоқ меҳнатқашларининг манфаатларини ифода этувчи сиёсий ҳокимиятнинг синфий характери тубдан ўзгаришидан иборатдир. *Миллий уйғониш* ҳукумати репрессив аппаратни йўқотди, янги ҳокимият органларини тузди, ирки, дини, тилидан қатъи назар ҳамма граждандарга тенг ҳуқуқлар берди, реал гражданлик эркинликларини жорий этди, сиёсий партиялар ва касаба союзларининг фаолиятига руҳсат берди.

Мамлакат миллий бойлигининг 1/3 қисмига эга бўлган Сомоса оиласининг мулки мусодара қилинди, банклар, кон-руда саноати, табиий ресурслар, ташки савдо национализация қилинди, халқ мулки сектори деб аталадиган давлат сектори ташкил этил-

ди. Айни вақтда мамлакатни иқтисодий жиҳатдан тиклашга жалб қилинган хусусий секторга гарантиялар ва имтиёзлар берилди. Аграр ислоҳот ўтказилмоқда. Ҳукумат саводсизликни тугатиш, соғлиқни сақлашни яхшилаш, хинду кабилаларининг жамият ҳаётида иштирок этиши йўлини тутди.

**1984 йил** ноябрда Никарагуа тарихида биринчи марта эркин, демократик, умумий сайлов бўлиб ўтди. Миллий ассамблея (парламент) ва мамлакат президенти сайланди. СМОФ номзоди Даниэль Ортега (1945 йилда туғилган) президент бўлди.

Никарагуа ватанпарварлари озодликни қўлга киритган дастлабки кунларданок уни қурол билан ҳимоя қилмоқдалар. АҚШ ҳукумати умум томонидан эътироф этилган давлатлараро муносабат нормаларини оёқ ости қилиб, Никарагуа халқига қарши иқтисодий агрессия қилмоқда, давлат терроризм сиёсатини ўтказиб келмоқда, америка қуроли билан қуроллантирилган, Гондурасдан Никарагуа территориясига мунтазам ҳужумлар уюштириб турган «контрас» тўдаларининг ёрдамида олиб борилаётган эълон қилинмаган урушни пул билан таъминлаб келмоқда.

Никарагуа қўшилмаслик ҳаракатида қатнашмоқда. Унинг СССР ва бошқа социалистик мамлакатлар билан муносабатлари ривожланмоқда ва мустаҳкамланмоқда. СССР Никарагуага экономикани ривожлантиришда, кадрлар тайёрлашда, аҳолига медицина хизмати кўрсатишда ёрдам бермоқда.

Сандиночилар революцияси ғалаба қилганидан кейин Сальвадорда халқнинг партизан уруши кучайди. Бир қанча озод қилинган районлар ташкил этилиб, уларда халқ ҳокимияти амал қилмоқда. *Революцион-демократик фронт* ва *Фарабундо Марти номидаги миллий озодлик fronti* раҳбарлик қилаётган ватанпарвар кучлар мамлакатнинг ички муаммоларини тинч йўл билан ҳал қилишни ва граждандар урушини тўхтатишни ёқлаб чиқмоқдалар. (Фарабундо Марти — Сальвадор ишчилар ва коммунистик ҳаракатининг арбоби бўлиб, 1932 йилда халқ кўзғолонини бостириш вақтида отиб ташланган.)

## **7-бўга дeir савол ва тeпшириқлар**

1. Иккинчи жаҳон урушидан кейин Латин Америкасидаги озодлик ҳаракатида қандай босқичларни ажратиб кўрсатиш мумкин? Ҳар бир босқичнинг асосий мазмунини таърифлаб беринг. 2. АҚШнинг Латин Америкасидаги сиёсатининг янги мустамакачилик характери нимада ифодаланмоқда? 3. Синдан ташкари ўқиш учун адабиётдан фойдаланиб, Чили революцияси тўғрисида ҳикоя тайёрланг. Чилидаги революция тажрибаси нимани ўргатади? 4. Вактли матбуот материалларини жалб қилган ҳолда Никарагуадаги революцион ўзгаришлар тўғрисида ахборот тайёрланг. 5. Латин Америкаси мамлакатларида (ёки Марказий Америка региониде) юз бераётган ҳодисаларнинг обзориини тайёрлаш учун оммавий ахборот воситаларининг хабарларидан фойдаланинг.

**Халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати****59-60-§. Иккинчи жаҳон урушидан кейин халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг ривожланиши (1945—1980 йиллар)**

1. Коммунистик ва ишчи партияларнинг ўсиши ва мустақамланиши. Ҳозирги даврнинг асосий революцион синфи ишчилар синфидир. Ҳозир бутун дунёда 700 миллионга яқин ишчи ва хизматчи бор. Халқаро ишчилар синфи учта асосий отряддан: социалистик мамлакатларнинг ишчилар синфи, индустриал жиҳатдан тараққий этган капиталистик мамлакатларнинг ишчилар синфи ҳамда Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатларининг пролетариатидан иборатдир. Социалистик мамлакатларнинг меҳнаткашлари капиталистик ва ривожланаётган мамлакатлар ишчилари олиб бораётган революцион курашда уларнинг ишончли иттифокчиларидир.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин халқаро ишчилар синфининг сиёсий етуқлиги, уюшқоқлиги ва жанговар қобилияти анча ўсди. Коммунистик ва ишчи партияларининг сафлари ва таъсири ўсганлиги унинг сиёсий онги ошганлигининг яққол кўрсаткичидир. Бу партиялар ер кurrasида жуда катта революцион ўзгаришларни амалга оширишда буюк роль ўйнамоқда. Агар 1918 йилда жаҳонда 10 та коммунистик партия бўлган бўлса, ҳозир коммунистлар партиялари 95 мамлакатда актив иш олиб бормоқда.

Халқаро коммунистик ҳаракат ишчилар ҳаракатининг, жаҳон революцион жараёнидаги барча кучларнинг авангарди бўлиб майдонга чиқмоқда. Компартиялар коммунистик дунёқарашга содиқликлари билан, ишчилар синфининг иши ҳаққоний эканлигига чуқур ишончлари билан, ижтимоий тараққиёт қонуниятларини яққол тушунишлари билан, социализм учун курашнинг умумий принципларини ҳар бир мамлакатнинг конкрет шароитларида қўллана олишлари билан ажралиб турадилар. Компартияларнинг кучи — меҳнаткаш халқнинг ҳуқуқларини ва ҳаётий интилишларини ҳимоя қилишда, уларнинг буржуа жамияти кризисдан чиқшининг реал йўлларини кўрсата олишида, ҳозирги замоннинг асосий саволларига жавоб бера олишидадир.

Ўз мамлакатлари миллий манфаатларининг ҳақиқий ифодачилари ва энг собитқадам ҳимоячилари бўлган коммунистлар изчил синфий сиёсат юритишлари, матонат ва жасоратлари билан халқ оммасининг чуқур ҳурмати ва меҳр-муҳаббатини қозондилар. Коммунистик партиялар легал иш олиб бораётган капиталистик мамлакатларда сайловларда уларнинг номзодларини ёқлаб 40 миллиондан ортиқ одам овоз бермоқда. Лекин ўнлаб мамлакатларда компартиялар нолегал ёки ярим легал ҳолатдадир. Чили, Судан, ЖАР, Покистон, Индонезия ва бошқа давлатларнинг коммунистлари қаттиқ террор ва репрессиялар шароитида мардона кураш олиб бормоқдалар.

Коммунистларнинг таъсири остида урушдан кейинги йилларда жаҳон касаба союз ҳаракати ўсди ва кучга кирди. Агар урушга қадар касаба союз сафларида 45 миллион киши бўлган бўлса, ҳозир касаба союзларига уюшган ишчи ва хизматчиларнинг сони 350 миллион кишидан ошиб кетади. **1945 йилда** прогрессив халқаро касаба союз уюшмаси — *Бутунжаҳон Касаба союзлари федерацияси* (БКСФ) ташкил этилди. Уша вақтда федерация 64 миллион меҳнатқашни бирлаштириб турар эди. Ҳозир бу ташкилотга кирувчи аъзолар сони 206 миллион кишидан ошиб кетади. БКСФ халқаро пролетар бирлиги ҳамда меҳнатқашларнинг империализмга қарши, ишчилар синфининг манфаатлари ҳамда Ер юзида тинчликни саклаб қолиш учун бирдамлик ҳаракатини ёқлаб актив кураш олиб бормокда.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин *Хотин-қизларнинг халқаро демократик федерацияси*, *Бутунжаҳон демократик ёшлар федерацияси*, *Халқаро студентлар иттифоқи* ва бошқа халқаро прогрессив жамоат ташкилотлари пайдо бўлди ва ўз фаолиятини бошлаб юборди.

**2. КПССнинг халқаро коммунистик ҳаракатдаги роли.** Халқаро коммунистик ҳаракат кўп йиллик тараққиёт йўлини босиб ўтиб, ҳозирги замоннинг энг обрўли ғоявий ва сиёсий кучига айланди. Энг тажрибали ва чиникқан марксчи-ленинчи партия — КПСС халқаро коммунистик ҳаракатнинг таркибий қисмидир. Совет халқи КПСС раҳбарлиги остида ижтимоий тараққиётнинг ҳамма йўналишларида катта-катта муваффақиятларга эришди. СССР тинчлик ва халқлар дўстлигининг таянчидир, у ядро урушининг олдини олиш учун қўлидан келган ҳамма ишни қилмокда. «Биз,— деб ёзган эди В. И. Ленин,— революцион пролетариатнинг халқаро интизомига бўйсуниб, турли мамлакатлардаги ишчиларнинг тажрибасини назарда тутиб, уларнинг билимлари, хоҳишлари билан ҳисоблашиб ва шу йўл билан бутун дунёда ишчиларнинг коммунизм учун олиб бораётган синфий курашининг бирлигини... амалда юзага чиқариб, ишчиларнинг ўз озодлиги учун кураши борасидаги улуғ масалаларни ҳал қилишимиз билан фахрланамиз» (В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами.— 41. Т., 304-бет. Чет эллик коммунистлар СССРда юз бераётган қайта куришни ва жамиятни янгилашни халқаро ишчилар синфининг курашига берилаётган реал ёрдам деб, КПСС фаолиятига юксак баҳо бермоқдалар. Ўз навбатида чет элдаги синфдош қардошларнинг жаҳонда биринчи социализм мамлақати билан интернационал бирдамлиги совет халқига ўз олдида турган вазифаларни ҳал қилишда кучли мадад бўлиб хизмат қилмокда.

КПСС XX съезди (1956 йил) ишчилар ҳаракатидаги ажралишни бартараф этишга ёрдам берадиган ва социалистик революция ғалабаси учун курашнинг ҳам нотинч, ҳам тинч формаларидан фойдаланиш имконини берадиган қулай шароитларни кўрсатиб ўтди. Съезд ҳужжатларида умумдемократик вазифаларни: тинчлик, демократия, миллий мустақилликни ҳимоя қилиш ҳамда

ана шу асосда монополияларнинг мутлак ҳокимиятига қарши курашнинг кенг фронтини барпо этиш зарурлиги таъкидланди. Съезд жаҳондаги синфий кучлар нисбатида юз берган ўзгаришларни анализ қилиш асосида уруш хавфи сақланиб қолгани ҳолда урушга йўл қўймаслик, унинг олдини олиш имконияти мустаҳкамланди, деган хулоса чиқарди.

КПСС XX съезди Сталин шахсига сифинишни қоралади ва унинг оқибатларини тугатиш йўлларини белгилади.

Съезд жаҳон коммунистик ҳаракатида муҳим марра бўлди. У барча компартиялар батамом мустақил эканликларини қатъий қилиб айтди. Съезд қабул қилган қарорлар коммунистик ва ишчи партиялар урушдан кейинги ўн йил ичида тўплаган тажрибани умумлаштирди, ҳаётнинг ўзи илгари сурган янги ғояларни асослаб берди. Съезд чиқарган хулосалар коммунистик ҳаракатда авж олиб кетган мунозаралар жараёнида актив муҳокама қилинди. Уларни қардош партиялар кенг қўллаб-қувватладилар. Компартияларнинг омма билан алоқалари кенгайди ва мустаҳкамланди, партиявий ишнинг шакл ва услублари анча мосланувчан ва хилма-хил бўлиб қолди. Бу ҳол коммунистик партияларнинг активлигини оширди, уларнинг обрў-эътибори ўсди, меҳнаткашларга кўрсатаётган таъсири кучайди.

Халқаро сиёсат масалалари донмо КПСС, унинг съездлари, Марказий Комитет пленумлари диққат марказида туради. КПССнинг фаолияти қардош партияларнинг бир-бирларини қўллаб-қувватлашларига ва биргаликда ҳаракат қилишларига ёрдам бермоқда. КПСС чет мамлакатларнинг компартиялари билан интернационал алоқаларни ривожлантирмоқда, улар билан партия ва давлат фаолиятининг турли соҳаларида тажриба ва ахборот алмашмоқда.

**3. 1957, 1960 ва 1969 йиллардаги коммунистик ва ишчи партияларнинг халқаро кенгашлари.** 50—60-йилларда марксчи-ленинчи коммунистик ҳаракатдаги ревизионизмга, шунингдек, догматизм ва сектантчиликка қарши курашда кўп куч сарфладилар. Баъзи капиталистик мамлакатларда ишчилар синфи ишига хиёнат қилган ренегатлар коммунистик партияларнинг тугатилишига, меҳнаткашларнинг манфаатлари буржуазиянинг манфаатларига мослаштирилишига эришдилар. Бир қанча социалистик мамлакатларда ревизионистлар ишчилар синфи ва унинг марксчи-ленинчи авангардининг раҳбарлик ролини бўшаштиришга уриндилар. Улар пролетар интернационалиزمни принципидан чекиниб, қардош мамлакатларни Совет Иттифоқидан ажратиб қўйишни истар эдилар. Коммунистлар ҳамма ерда ревизионистларни ғоявий жиҳатдан тор-мор қилдилар, ўз сафларини улардан тозаладилар, позицияларини мустаҳкамлаб олдилар.

Айни вақтда компартиялар ишчилар синфи ишига катта зарар келтирган догматизм ва сектантчиликка ҳам қарши қатъий кураш олиб бордилар. Догматикларга марксизм-ленинизмга ижодий ёндошиш ётдир. Улар ёдлаб олган формулаларни кўр-кўрона так-

порлайдилар, уларни конкрет ўзгараётган шароитларни ҳисобга олмасдан қўллайдилар, синфий кучларни ва уларнинг ўзаро муносабатларини объектив ҳисобга олиш зарурлигини тушуна олмайдилар ва тушунишни истамайдилар ҳам. Бу ҳол коммунистларни оммадан ажралиб қолишга, яъни сектантликка олиб боради, партияни пассив пайт пойлашга маҳкум этади ёки босиб ўтилмаган тараққиёт босқичларидан сакраб кетишга интилишни тугдиради, яъни «сўлчилик» ҳаракатларига, сиёсатда авантюризмга ундайди. Марксчи-ленинчилар догматиклар ва сектантларга зарба бердилар.

Ўзгариб кетган тарихий шароитларда қардош партиялар ўртасида интернационал алоқаларнинг янги формалари вужудга келди. Булар икки томонлама кўп томонлама ва регионал учрашув ҳамда кенгашлар, ўртоқларча мунозаралар, назарий конференциялар, партия делегациялари, ҳужжатлар, нашрларни бир-бирлари билан айирбошлашдир. 50-йилларнинг иккинчи ярми — 60-йилларда коммунистларнинг халқаро анжуманларини ўтказиш одат тусига кириб, уларда жаҳон тараққиётининг долзарб муаммолари коллектив бўлиб муҳокама қилинар, муштарак стратегик позициялар ва вазибалар белгиланар, курашнинг умумий мақсадларига доир баҳо ва ҳулосалар келишиб олинар эди. Коммунистик ҳаракатни ривожлантириш учун 1957, 1960 ва 1969 йилларда бўлиб ўтган коммунистик ва ишчи партияларнинг Халқаро кенгашлари катта аҳамиятга эга бўлди.

1957 йил ноябрда Москвада коммунистларнинг иккита Халқаро кенгаши бўлиб ўтди. Биринчи социалистик мамлакатлар коммунистик ва ишчи партиялари вакилларининг *Кенгаши Декларация* қабул қилган бўлиб, унда халқаро вазиятга баҳо берилган ҳамда ҳозирги даврнинг асосий масалалари бўйича коммунистларнинг принципиал позициялари таърифланган эди. Компартияларнинг кўпчилиги ушбу ҳужжатнинг мазмунига қўшилишини айтди.

Иккинчи Кенгашда 64 коммунистик ва ишчи партиянинг вакиллари қатнашган бўлиб, у барча мамлакатлардаги яхши ниятли кишиларга *Тинчлик манифести* билан мурожаат қилди. Кенгаш қатнашчилари жаҳон уруши ҳозир муқаррар эмас, деб тўла ишонч билан айтдилар. Улар тинчликни кадрлайдиган барча кишиларни ўз куч-қайратларини бирлаштиришга ва уруш хавфига қарши курашда активликни оширишга чақирдилар.

Москвада 1960 йил ноябрда бўлган янги Халқаро кенгашга 81 партиянинг делегацияси келди. Бу Кенгаш коммунистик ҳаракатнинг бутун тарихида энг кўп вакил қатнашган кенгаш эди.

Кенгаш *Баёнот* ва *Бутун дунё халқларига мурожаатни* бир овоздан қабул қилди. Баёнотда марксчи-ленинчи партияларнинг умумий-ғоявий платформаси баён этилган эди. Кенгаш революцион таълимотни ижодий ривожлантириб, жаҳон коммунистик ҳаракатининг бош йўналишини белгилаб берди. Бу йўналиш империализм, мустамлакачилик ва янги мустамлакачиликка қарши

катъий ва изчил кураш олиб боришдан, жаҳон социализм системасини мустаҳкамлашдан, ишчилар ҳаракатининг бирлигига эришишдан, монополиялар ҳукмронлигига қарши чиқаётган барча кучларни жипслаштиришдан, миллий-озодлик ҳаракатини актив қўллаб-қувватлашдан ҳамда империалистик агрессияга учраган халқларни ҳимоя қилишдан, тинчлик, демократия, миллий мустақиллик ва социализм учун хормай-толмай кураш олиб боришдан иборатдир.

Кенгаш ревизионизм, догматизм ва сектантчиликка қарши курашда ҳам, миллий чекланганлик, миллатчилик ва шовинизмнинг ҳар қандай кўринишларига қарши курашда ҳам муросасизликни сақлаб қолишга чақирди. У халқаро коммунистик ҳаракат бирлигини мустаҳкамлаш ҳақида ғамхўрлик қилиш ҳар бир марксчиленинчи партиянинг энг олий интернационал бурчидир, деб таъкидлади.

Кенгаш қатнашчилари бутун дунё халқларига оташин чакирик билан мурожаат қилиб, уларни янги жаҳон урушининг олдини олиш учун катъий курашга жипслашишга даъват қилдилар.

Орадан деярли тўққиз йил ўтгач, 1969 йил июнда Москвада яна бир Халқаро кенгаш бўлиб, унда 75 компартия вакиллари қатнашди. Бу анжуман янги тарихий тажрибани умумлаштирди ва коммунистик ҳаракатнинг революцион назарияси, стратегияси ва тактикасини ривожлантиришга ўз хиссасини қўшди.

Кенгаш «Ҳозирги босқичда империализмга қарши кураш ва-зифалари ва коммунистик ҳамда ишчи партияларнинг, барча антиимпериалистик кучларнинг ҳаракат бирлиги» деган яқунловчи ҳужжатни қабул қилди. Унда империализмга қарши курашда барча прогрессив кучларнинг биргаликда ҳаракат қилиш истикболи белгилаб берилди. Шу билан бирга, туб проблемалар бўйича қардош партияларнинг муштарак позициялари ҳам, халқаро коммунистлар армияси турли отрядларининг фаолият шароитлари, демократик кучлар ва ҳаракатларнинг интилишлари ҳам ўз аксини топди. Кенгаш жаҳон коммунистик ҳаракатини марксизм-ленинизм, пролетар интернационалиزمи принциплари асосида жипслаштиришни бир овоздан ёқлади.

Кенгаш яқунлари халқаро коммунистик ҳаракатнинг обрўси ва таъсири ўсишига, коммунистлар, кенг меҳнаткашлар оммасини империализмга қарши, тинчлик, демократия ва социализм учун курашни кучайтириш учун янги имкониятлардан фойдаланишга сафарбар этишга ёрдам берди. Халқаро коммунистик ҳаракатнинг 1957, 1960 ва 1969 йиллардаги Кенгашларда ишлаб чиқилган ғоявий-сиёсий платформасининг кўпгина қондалари компартияларнинг программ ҳужжатларида ўз аксини топди, ҳаракат учун қўлланма бўлиб қолди.

**4. Жаҳон коммунистик ҳаракатининг жипслиги учун кураш.** 70-йилларда жаҳон социализм системасидан ташқаридаги коммунистлар интернационал армияларининг кўпгина отрядлари мавқеида муҳим сифат силжишлари юз берди. Баъзи йирик капи-



талистик мамлакатларда (Италия, Франция, Япония) компартиялар таъсирли сиёсий кучга айландилар. Португалия ва Греция компартиялари ўз мамлакатларидаги сиёсий жараёнларга сезиларли таъсир кўрсатишни давом эттириб, фашистик тузумларни тугатишда актив қатнашдилар.

Бирок халқаро коммунистик ҳаракат ўз йўлида жиддий қийинчиликларга дуч келди. Бу қийинчиликларнинг сабаблари энг аввало империализмнинг хатти-ҳаракатлари билан изоҳланади. У коммунистик ҳаракатни ичидан бузишга умид боғламоқда, коммунистларни революцион йўлдан оғдиришга, улар сафларининг жипслигини бузишга, умуман жаҳон коммунистик ҳаракатини ҳам, шунингдек, айрим партияларни ҳам парчалаб юборишга ҳаракат қилмоқда. Шунингдек, революцион ҳаракат ўсаётганлигини турли ижтимоий қатламларга мансуб миллионлаб кишилар актив сиёсий ҳаракатларга тортилаётганлигини ҳам ҳисобга олиш зарур. Ишчилар синфи янги отрядларида синфий онгнинг шаклланиши уларнинг жамиятдаги мавқеи ўзгаришидан орқада қолмоқда. Айрим мамлакатларнинг иқтисодий ва социал тараққиёт даражаларидаги, халқларнинг тарихи ва анъаналаридаги, компартияларнинг амалий тажрибасидаги фарқлар сақланиб қолмоқда. Капиталистик мамлакатларнинг компартиялари революцион кураш стратегияси ва тактикасини такомиллаштиришга ҳаракат қилиб, баъзан тўғри хулосалар билан бирга мунозарали фикрлар ҳам мавжуд бўлган назарий қоидаларни илгари сурдилар.

Баъзи компартияларда хато концепциялар кенг ёйилди. Уларнинг авторлари жаҳон революцион жараёнининг ривожланишида Улуғ Октябрь социалистик революциясини роли ва аҳамиятини ўчириб ташлашга ҳаракат қилдилар, пролетар интернационалиزمи гўё эскириб қолганлигига асосланиб, ундан воз кечишни очикдан-очик таклиф қилдилар.

Коммунистик ва ишчи партияларнинг аксарият кўпчилиги коммунистлар ўртасидаги муносабатлар уларни бирлаштириб турадиган нарсаларга асосланмоғи керак деб ҳисоблайди. Бизнинг максимиз муштарак — тинчлик ва социализм, идеологиямиз умумий — илмий коммунизм, синфий душманизм бир — империализм.

Компартиялар ўртасида ҳамма вақт ҳам ва ҳамма масалаларда ҳам ҳамфикрлик мавжуд эмас. У ёки бу масалаларга ёндашишдаги тафовутлар партия сафлари интернационал бирлигини мустаҳкамлашга тўсиқ бўла олмайди. «Коммунистик ҳаракат ўзининг синфий бирдамлиги билан, муштарак мақсадлар йўлидаги курашда барча қардош партияларнинг тенг ҳуқуқли ҳамкорлиги билан кучли бўлиши мумкин ва лозим» (КПСС XXVII съездининг материаллари. — 84-бет).

**5. Ривожланган капиталистик мамлакатлар ишчилар синфи курашининг хусусиятлари.** Фан-техника революцияси таъсири остида буржуа жамияти социал структурасидаги жиддий қайта қуриш ишчилар синфини ҳам қамраб олди. Янги типдаги ёлланма

ходимларнинг — замонавий автоматлаштирилган техникага хизмат кўрсатувчи юқори малакали ақлий меҳнат мутахассисларининг (программачилар, контролёрлар, созловчилар ва бошқалар) сони кўпайиб бормоқда. «Хизматлар индустрияси»нинг гуркираб ривожланиши иш кучининг бир қисми моддий ишлаб чиқариш соҳасидан ноишлаб чиқариш соҳасига ўтишига сабаб бўлди, шунингдек, унга меҳнат ҳаётига қадам кўяётган ёш ходимларнинг кириб келишига сабаб бўлди. Айниқса каттиқ эзиб келинаётган чет эллик ишчилар АҚШ, Англия, Франция, ГФР ва бошқа мамлакатлар меҳнат бозорини ташкил этишнинг доимий амал қилиб турувчи фактори бўлиб қолдилар. Умуман олганда эксплуатация қилиш кўлами ўсди, унинг усулларини эса монополистик буржуазия тўхтовсиз такомиллаштирмоқда. ТМҚларнинг хўжайинлик қилиши капиталнинг ишчилар синфига ҳужуми кучайишига олиб бормоқда. Шунингдек, фақат ишчилар ва хизматчиларнигина эмас, балки ақлий меҳнат вакиллари ҳам қамраб олаётган ишсизликнинг кўлами ва социал чегаралари кенгайиб бораётганлигини кўрмаслик мумкин эмас.

Буржуазия экономикани давлат-монополистик йўл билан тартибга солишни кенгайтирар экан, ишчилар синфининг тазйиқи остида меҳнаткашларнинг баъзи талабларини кондиришга мажбур бўлмоқда. Лекин бу жузъий ён беришлар меҳнат билан капитал ўртасидаги жарликни бартараф этмайди. Ривожланган капиталистик мамлакатларда ишчилар синфи монополияларни ўзининг асосий синфий душмани деб билмоқда. Меҳнаткашларнинг чиқишлари чидамлилиги, қатъийлиги ва юксак даражада бирдамлиги билан ажралиб туради. Уларда коммунистлар, социалистлар, христиан-демократик ва бошқа партияларнинг аъзолари ва партиясизлар қатнашмоқда.

Ривожланган капиталистик мамлакатларнинг ишчилар ҳаракатида қуйидаги асосий жиҳатларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

— ишчилар синфи ва унинг ташкилотларининг социал-сиёсий норозиликнинг конкрет вазият талаб қилаётган ва энг самарали бўлган шакл ва услубларидан фойдаланиш қобилияти ўсганлиги;

— чиқишларнинг миқёси катталашганлиги, умуммиллий ва тармоқ иш ташлашлари салмоғининг ошганлиги;

— ишчилар илгари сураётган талабларнинг хилма-хиллиги, умумдемократик вазифалар ҳажмининг ошганлиги;

— меҳнаткашларнинг бевосита манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишни ҳозирги замоннинг асосий проблемалари юзасидан иттифоқчиларни ўзига жалб қила оладиган ва бирлаштирадиган амалий ва универсал таклифларни илгари суриш билан кўшиб олиб бориши;

— ишчилар синфи турли миллий отрядлари курашининг интернационаллашуви кучаяётганлиги (иш ташлаган синфий биродарлар билан — бошқа мамлакатдаги касбдошларнинг вакиллари билан бирдамлик, турли мамлакат ишчиларининг трансмиллий корпорацияларга қарши биргаликдаги кураши ва ҳоказолар).

Айни вақтда шуни ҳам эътироф этиш керакки, 80-йилларда ривожланган капиталистик мамлакатларда иш ташлаш ҳаракати сезиларли даражада пасайди, касаба союзларнинг таъсири камайди. Бу ҳол энг аввало фабрика завод ишчиларининг сони камайганлиги билан изоҳланади. Ҳозирги вақтда ёлланма меҳнат билан банд бўлганларнинг кўпчилигини ташкил этувчи хизмат кўрсатиш соҳаси ходимларининг тарқоқлиги уларнинг социал активлиги кучсиз бўлишига олиб келмоқда. Мураккаб техникани яратувчи ва унга хизмат кўрсатувчи мутахассислар иш билан барқарор суратда таъминланган, уларнинг иш ҳақлари ҳам нисбатан юқори. Улар касаба союзларига кириш ва иш ташлашларда қатнашишдан ўзларини тийиб турадилар. Буржуа давлатининг ва монополияларнинг уюшган ишчилар ҳаракатига ҳужуми, «социал шерикчилик» сиёсати ҳам меҳнаткашларнинг ўз манфаатлари ва ҳуқуқлари учун курашида жиддий қийинчиликлар туғдирмоқда. Вужудга келган вазиятда капиталистик мамлакатларнинг ишчилар синфи ўз куч-ғайратларини қийин курашда қўлга киритилган галабаларни сақлаб қолишга қаратмоқда.

**6. Коммунистлар ва социал демократлар.** Демократия ва социал тараққиёт учун курашда ишчилар синфи муваффақиятларга эришишининг ғоят муҳим шarti унинг барча отрядлари миллий доирада ҳам, халқаро кўламда ҳам биргалашиб ҳаракат қилишдан иборатдир. Лекин халқаро ишчилар ҳаракати парчаланган ҳолда қолмоқда. Ишчилар ҳаракатидаги икки оқим — коммунистлар билан социалистлар ўртасида ўтмишда вужудга келган чуқур ғоявий фарқлар халқаро ишчилар синфи социализм идеаллари учун олиб бораётган курашнинг самарадорлик даражасига жуда катта таъсир кўрсатди.

Ўнг социалистлар ишни социал ислохотларни социалистик революцияга қарама-қарши қилиб қўйишдан бошладилар. Кейинчалик улар социализмдан батамом юз ўгирдилар ва давлат-монополистик капитализмни ошқора ҳимоя қила бошладилар. Уларнинг социал-реформистик фаолияти буржуа жамиятининг сиёсий институтларига мослашиш шароитида ўтмоқда. ГФР, Австрия ва бошқа мамлакатларнинг социал-демократик партиялари қабул қилган программалардан энг охириги чинакам социалистик талаблар ва шиорлар аллақачон чиқариб ташланган. Социал-демократия лидерлари капитализм ўзининг эксплуататорлик моҳиятини йўқотди, буржуа давлати эса барча меҳнаткашларнинг фаровонлигини таъминлашга қодир, деб даъво қилмоқдалар. Социал-демократик раҳбарлар буржуа партиялари билан синфий ҳамкорлик қилиш сиёсатини ўтказмоқдалар, ўзларининг ташкилотларини коммунистлардан ажратиб қўймоқдалар ва шу тариқа ишчилар синфидаги ажралишни чуқурлаштириш йўлини ўтказиб келмоқдалар. Улар антикоммунизм байроғи остида ва «атлантик бирдамлик» позицияларида туриб қуролланиш пойғасини оқлаш, АҚШ ва НАТОнинг милитаристик планларини қўллаб-қувватлаш учун кўп куч-ғайрат сарфладилар.

1951 йилда социал-демократик партияларнинг халқаро уюшмаси — *Социалистик интернационал* ташкил этилди. Унда қатнашаётган партиялар аъзоларининг умумий сони қарийб 20 миллион кишини ташкил этади. Ҳозирги вақтда Социалистик интернационалнинг энг йирик партияси Буюк Британия лейбористлар партияси бўлиб, у 6,2 миллион аъзога эга, шулардан 5,9 миллиони коллектив аъзо ҳуқуқи билан кирган кишилардир. Социалистик интернационал 1949 йилда асос солинган, сафларида 85 миллион аъзо бўлган *Халқаро эркин касаба союзлар конфедерацияси*га қирадиган касаба союзларига таъсир кўрсатмоқда. Сайловларда социал-демократларни ёқлаб 100 миллиондан ортиқ сайловчиовоз бермоқда.

Нима сабабдан бир қанча капиталистик мамлакатларда социал-демократлар омма орасида анча катта таъсирга эга? Бу ҳол энг аввало социал-реформистик йўлни ўтказишни енгиллаштирадиган ижтимоий шароитлар билан изоҳланади. Ишчилар каттик кураш, маҳрумликлар ва қурбон бериш натижасида қўлга киритган ён беришларни ўнг социалистлар ўзларининг хизматлари деб кўрсатмоқдалар ва маълум даражада усталик ишлатиб, синфий курашнинг кескинлигини пасайтиришга ҳаракат қилмоқдалар. Меҳнаткашларнинг социал ва умумдемократик ғалабаларини химоя қилишни социал-демократлар капитализм негизларига даҳл қилмасдан олиб бормоқдалар. Ишчилар синфи бир хил эмас. Унинг орасида ишчи аристократиясининг имтиёзли қатламини ҳам, деҳқонлар орасидан чиққанларни ҳам, майда буржуазиянинг хонавайрон бўлган вакилларини ҳам ғоявий жиҳатдан ғўр, касбни эндигина ўрганиб келаётган ёш ишчиларни ҳам учратиш мумкин. Бу ҳол ишчилар орасида буржуача ва социал-реформистик идеологияни кенг ёйиш учун замин туғдирмоқда.

70—80-йилларда жаҳон тараққиётидаги ўзгаришлар таъсири остида социал-демократик ҳаракатдаги вазият ўзгара бошлади: аста-секин, тадрижий суратда сўлга бурилиш бошланди. Кўпгина социалистик партияларнинг позицияларида айниқса ташқи сиёсат масалаларида ижобий силжишлар ўз бери. Баъзи социалистик партиялар антиимпериалистик позицияларга амал қилмоқдалар, тинчлик иши учун ўз масъулиятларини англамоқдалар, халқаро вазиятни соғломлаштириш ва ядро уруши хавфини камайтиришни ёқлаб чиқмоқдалар. Финляндия, Франция, Чили, Япония ва бошқа мамлакатлар коммунистлари билан социалистларининг биргаликда ҳаракат қилиш соҳасидаги конкрет тажрибаси катта аҳамиятга эга.

Социалистик интернационал умуман глобал муаммоларга, энг аввало ядро урушининг олдини олиш муаммосига, «учинчи дунё» мамлакатларининг иқтисодий колоқлигини бартараф этишга бошқача қарай бошлади. Социалистик интернационалнинг хавфсизлик ва қуролсизланиш масалаларидаги позицияси бир қанча жиҳатлардан СССР ва бошқа социалистик мамлакатларнинг позициялари билан ўхшашдир.

Ҳозир коммунистлар билан социал-демократлар ўртасидаги мулоқотни анча мукамал ўзаро муносабатлар маданияти асосида чуқурлаштириш учун қулай вазият вужудга келди. Фақат парралель ҳаракат қилиш эмас, балки биргаликда, бирдамлик билан ҳаракат қилиш истикболлари вужудга келди. Баъзи ихтилофларни бартараф этиш ва ишчилар синфининг умумий манфаатлари йўлида биргаликда ҳаракат қилиш учун реал имконият мавжуд.

Коммунистлар билан социал-демократларнинг ҳамкорлиги энг аввало ядро урушининг олдини олишда катта роль ўйнаши мумкин. Худди ана шу муаммо ишчилар синфи, барча сўл кучлар биргалашиб ҳаракат қилишининг асоси ва ўзаги бўлиб қолмоғи керак. Компартиялар ишчилар синфи сафларидаги ажралишга — унинг ғалаба қозониш йўлидаги асосий тўсикка барҳам бериш учун қатъият билан курашмоқдалар.

**7. КПСС XXVII съезди ва КПСС XIX Бутуниттифоқ конференциясининг халқаро аҳамияти. 1986 йил 25 февраль — 6 мартда КПСС XXVII съезди бўлиб ўтди. У партия ва совет халқи ҳаётида тарихий марра, жаҳоншумул аҳамиятга молик воқеа бўлди.**

Делегатлар КПСС Марказий Комитетининг партия XXVII съезидига Сиёсий докладини тинглаб муҳокама қилдилар. Докладни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев қилди. Докладда ва унинг юзасидан қабул қилинган резолюцияда совет жамиятининг ҳолати, унинг ютуқ ва қийинчиликлари ҳар томонлама таҳлил қилинди, мамлакатнинг социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш, жамиятни янада демократиялашга қаратилган стратегик йўлнинг асосий томонлари аниқланди, қайта қуриш шароитида партия олиб борадиган сиёсий, идеологик ва ташкилотчилик фаолиятининг вазифалари белгиланди. Съезд КПСС Программасининг янги таҳририни, ўзгартишлар киритилган Устав текстини, СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ва 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишларини бир овоздан тасдиқлади, партиянинг марказий органларини сайлади.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий докладида ҳозирги дунёнинг ҳолати объектив кўрсатиб берилди, унинг ривожланишидаги асосий тенденциялар ва зиддиятлар очиб берилди. XX асрдаги тараққиёт жаҳон социализми билан боғлиқ деган хулоса ғоят муҳимдир. Социализм эришилган ютуқларни кўпайтира бориб, ўз намунасининг кучи ва ишончлилигини ошира бориб, уруш ва милитаризм, реакция ва зўравонлик идеологияси ва сиёсатига борган сари мустаҳкам тўсик қўймоқда, инсониятнинг социал тараққиётига актив ёрдам кўрсатмоқда.

Съезд ҳозирги замоннинг барча асосий муаммолари вужудга келганлиги, сақланиб қолаётганлиги ва кескинлашаётганлиги учун масъулият капитализм зиммасига тушади, деб кўрсатиб ўтди. Империализм, унинг энг мудҳиш натижаси бўлган милитаризм инсониятнинг яшаши учун тобора ўсиб бораётган хавфдир.

Ядровий хавфнинг характери ва кўламларини анализ қилиш халқаро майдонда *капитализм билан социализмнинг ўзаро қураши фақат ва нуқул тинч мусобақа ва тинч рақобатчилик тарзида бориши мумкин бўладиган* объектив шароитлар туғилганлиги тўғрисидаги муҳим назарий ва амалий хулосага олиб келди. Тинчлик ва тараққиёт кучлари империализмдан чиқаётган хавфни зарарсизлантира оладилар, ядровий уруш хавфи ёқасига тойиб кетишни тўхтатишга, космосни жанг майдонига айлантиришнинг олдини олишга қодирдир.

КПСС ташқи сиёсий стратегиясининг асосий мақсади — совет халқига мустақкам тинчлик ва озодлик шароитида меҳнат қилиш имкониятини таъминлаб беришдан иборатдир. СССР ўз куч-ғайратларини оммавий қирғин қуролини йўқ қилиб ташлаш ва янги жаҳон урушининг олдини олиш программасини рўёбга чиқариш учун қурашга қаратмоқда. Съезд томонидан маъқулланган *халқаро хавфсизликнинг кенг қамровли системасини вужудга келтириш Асослари* айниқса муҳимдир.

Совет жамиятини янгилаш, Ер юзида тинчликни мустақкамлашга қаратилган бош йўлнинг қабул қилиниши — съезднинг асосий сиёсий якунидир.

КПСС XXVII съездида коммунистик, ишчи, революцион-демократик, социалистик, социал-демократик, лейборист ва бошқа партияларнинг 152 делегацияси, 113 мамлакатдан келган демократик жамоат ташкилотларининг вакиллари ҳозир бўлдилар. Бундай кенг кўламдаги халқаро вакиллар совет коммунистларининг революцион, ишчилар ва озодлик ҳаракатларининг деярли барча отрядлари билан интернационал алоқалари ривожланаётганлиги ва мустақкамланаётганлигини акс эттирди. Чет эллик меҳмонлар съезд ишини, ундаги новаторларча ёндашувни ва фикрлар теранлигини, ошқоралик ва ҳамфикрликни юксак баҳоладилар, жамиятни қайта қуриш ва янгилаш, Ер юзида тинчликни сақлаш ва мустақкамлашнинг совет программасини кизғин қўллаб-қувватлашларини билдирдилар.

**1988 йил 28 июнь — 1 июлда Москвада КПССнинг XIX Буниттифоқ конференцияси бўлиб ўтди.** Унда М. С. Горбачевнинг «КПСС XXVII съезди қарорлари қандай бажарилаётгани ва қайта қуришни чуқурлаштириш вазифалари тўғрисида»ги доклады тингланди ва муҳокама қилинди. Мунозарали ва тўғрисиқлик вазиятида ўтган конференция партиянинг совет жамиятини ҳар томонлама ва революцион тарзда янгилаш, унинг социал-иктисодий ривожланишини жадаллаштириш йўли оғишмай амалга ошириб боришмоқда деган хулоса чиқарди. Конференция КПСС қайта қуришнинг ташаббусқори ва ҳамма томонидан эътироф этилган лидери — халқнинг туб манфаатларини ифода этаётган лидери эканлигини тасдиқлади. Делегатлар қайта қуришни чуқурлаштириш, сиёсий системани ислоҳ қилиш, партия ва жамиятни янада демократиялаш юзасидан муҳим қарорлар қабул қилдилар.

Конференция КПССнинг халқаро фаолиятини маъқуллаб, жаҳон тараққиётининг зиддиятларини хал қилишга ва жанжалли вазиятларни тартибга солишга сиёсий ёндашишгина СССР учун инсониятнинг омон қолишини таъминлашда ва унинг бундан бўёнги тараққиётида буюк социалистик давлатга муносиб ролни ўйнаш имконини очиб беради, деб кўрсатди.

**8. Коммунистик ҳаракатнинг ҳозирги босқичи.** 80-йилларда коммунистик ҳаракат жаҳон тараққиётининг янги реал воқеликларига дуч келди, унинг олдида пухта ўйлашни ва асосли қарорлар қабул қилишни талаб этадиган янги мураккаб муаммолар пайдо бўлди. Шу билан бирга бир қанча капиталистик мамлакатлар компартиялари аъзоларининг сони камайганлиги, сайловчиларнинг уларни қўллаб-қувватлаши пасайганлиги, баъзи партиялар ишида ихтилофлар кучайганлиги ташвиш туғдирди. Юз берган пасайиш коммунистлар жаҳон тараққиётидаги бир қанча янги ҳодисаларни ўз вақтида ва ишонarli қилиб тушунтириб бера олмаганликларини акс эттирди. КПСС XXVII съезди қардош партияларда назарий ишни активлаштиришга кучли туртки берди.

Халқаро коммунистик ҳаракат ҳозир янги ланиш ва сифат ўзгаришлари йўли билан ўз тараққиётида янги босқичга олиб чиқадиган йўлни қийинчилик билан изламоқда. Коммунистлар ҳозирги дунёнинг реал воқеликларини анализ қилиб, янги стратегик ва тактик ғояларни ишлаб чиқмоқдалар.

Улар орасида ҳозирги замоннинг туб масаласи — тинчлик масаласи биринчи ўринда туради. Коммунистик партиялар ҳар доим социал ва миллий зулмга қарши, меҳнатқашларнинг манфаатлари учун курашни тинчликни ҳимоя қилиш, одамларнинг яшаш ҳуқуқи учун кураш билан боғлаб келдилар. Коммунистлар ҳозирги даврдаги барча сиёсий кучлар орасида биринчи бўлиб ядровий уруш хавфига қарши қатъият билан курашиш, уни жамиятнинг ҳаётидан чиқариб ташлаш учун зарур бўлган ҳамма ишни қилиш керак деган масалани ўртага қўйдилар. 60—70-йилларда компартиялар халқаро кескинликни юмшатишга эришиш ва уни мустаҳкамлаш ишига жуда катта ҳисса қўшдилар, тинчлик учун курашни социал тараққиёт учун ва халқлар ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик учун кураш билан чамбарчас боғладилар.

Оммавий қирғин қуроли запасларининг жуда кўп миқдорда тўпланиши ҳамда ядровий урушда инсониятнинг ҳалок бўлиш хавфи ошганлиги уруш хавфини бартараф этиш, цивилизацияни сақлаб қолишдан иборат кечиктириб бўлмайдиган вазифани кун тартибига қўйди. Тинчлик инсон фаолиятининг ҳамма соҳасида тараққий этишнинг хал қилувчи шarti бўлиб қолди.

Коммунистлар позициясининг мутлақо янгилиги қуйидагилардан иборат. Модомики — гарчи зиддиятли бўлса-да, ўзаро боғлиқ бўлган — ҳозирги дунё шароитида умуминсоний қадриятлар, аввало инсониятнинг яшаб қолишини таъминлаш биринчи даражали аҳамият касб этган экан, жаҳон ядро тўқнашувига йўл қўймаслик учун ижтимоий кучларни капитализмга қарши револю-

цион кураш талаб қилганидан кўра кенгрок микёсда бирлаштириш зарурдир. Социал-сиёсий масалалар юзасидан ғоявий фарқлар бўлишига қарамай, коммунистлар асосий йўналишда — тинчликни сақлаб қолишда ҳаракат бирлигига ва реал муваффақиятга эришиш учун барча демократик, тинчликсевар кучлар ва ҳаракатлар билан алоқа боғлашга, ҳамкорлик қилишга, иттифок бўлишга интиломқдалар.

Айни вақтда компартиялар тинчлик учун кураш билан социал-иктисодий тараққиёт учун кураш ўртасида тўғри нисбатни топишга интиломқдалар. Бу талабларнинг бирлиги фақат уруш хавфининг манбаигина эмас, балки меҳнаткашлар оммасининг турмуш шароити ёмонлашувининг ҳам манбаи бўлган экономиканинг ҳарбийлаштирилишига қарши курашда ҳаммадан кўра тўлароқ гавдаланмоқда. Коммунистлар «дунё экономикаси» учун кураш ғоясини «дунё демократияси» учун, яъни **ҳарбий ишлаб чиқаришни чеклашга ва аста-секин уни тинч йўлга ўтказишга қодир бўлган сиёсий механизмни яратиш учун** кураш ғояси билан тўлдирмоқдалар.

Мамлакатлар ва халқларнинг ўзаро боғлиқлиги кучайиб кетган бир шароитда бутун инсониятнинг куч-ғайратлари билангина ҳал қилиниши мумкин бўлган муаммолар пайдо бўлди. Шу муносабат билан ишчилар ва коммунистик ҳаракат зиммасига жуда катта масъулият тушмоқда. Пролетар интернационализмнинг аҳамияти янада кўпроқ ўсди. Унинг асосий принциплари — коммунистик ва ишчи партияларнинг революцион бирдамлиги ва ҳамкорлиги, миллий ва интернационал вазифаларнинг бирлиги, коммунистик ҳаракат миллий отрядларининг батамом мустақиллиги ва тенг ҳуқуқлилигидан иборатдир. XX асрнинг реал воқеаликлари пролетар интернационализмни янги мазмун билан бойитмоқда.

Коммунистик партиялар инсониятнинг глобал муаммоларини биргаликда муҳокама қилиш ва ҳал этиш учун ер юзидаги барча тинчликсевар кучлар ўртасида интернационал алоқаларни ривожлантиришни ўзларининг кечиктириб бўлмайдиган вазифаларидан бири деб ҳисоблайдилар. Турли мамлакатлар ишчилар синфининг тинчлик учун халқаро ҳаракатни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш соҳасидаги уюшган фаолияти борган сари активрок амалга оширилмоқда. Халқаро майдонда трансмиллий буржуазия билан курашмоқ учун ишчилар синфи ва унинг иттифоқчилари сифатларини бирлаштириш, умумий ҳаракат программасини ишлаб чиқиш борган сари қатъийроқ кун тартибига қўйилмоқда.

Компартиялар ишчилар ҳаракати билан урушга қарши ҳаракатнинг бирлигини ёқлаб, иттифоқчилар билан, шу жумладан, бошқа сиёсий партиялар ва ташкилотлар билан ўз муносабатларини янгичасига ташкил этмоқдалар. Улар ўзгаларнинг фикрини ҳурмат қилган ҳолда мунозара юритишни ўрганмоқдалар, мулоқот ва ҳаракатларда конструктив бўлишга эътибор бермоқдалар. Шундай қилиб, ишчилар синфи ва коммунистик партияларнинг



интернационал алоқалари борган сари хилма-хил ва мослашувчан бўлиб қолмоқда.

### Савол ва топшириқлар

1. Иккинчи жаҳон урушидан кейин коммунистик партиялар сафлари ва таъсирининг ўсишига сабаб нима? 2. Коммунистик ва ишчи партиялар вакилларининг 1957—1960 ва 1969 йиллардаги Халқаро кенгашларининг аҳамияти қандай? 3. Дарслик текстидан ва КПСС Программасидан (учинчи қисм, IV бўлим) фойдаланиб, коммунистик партиялар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг принциплари ва характерини аниқланг. 4. Ривожланган капиталистик мамлакатлар ишчилар синфининг 70—80-йиллардаги аҳволи ва курашининг хусусиятлари нимадан иборат деб ҳисоблайсиз? 5. Вақтли матбуот материалларидан ва публицистик адабиётдан фойдаланиб, коммунистик партиялар ҳамда ишчилар синфининг бошқа ташкилотлари меҳнатқашларнинг манфаатлари учун олиб бораётган кураш тўғрисида ахборот тайёрланг (бир-икки мамлакат мисолида). 6. КПСС XXVII съездининг халқаро аҳамияти ҳақида сўзлаб беринг. 7. Нима сабабдан цивилизацияни сақлаб қолиш асосий умуминсоний вазифа эканлигини тушунтириб беринг. 8. Пролетар интернационалиزم принципининг ҳозирги шароитдаги мазмунини қандай тушунасиз? Вақтли матбуот материалларини жалб қилиб, коммунистларнинг социалистлар билан, бошқа демократик партиялар ва ҳаракатлар билан мулоқоти ривожланаётганлигини сўзлаб беринг.

### 9-БОБ

*Иккинчи жаҳон урушидан кейинги халқаро муносабатлар. Халқларнинг тинчлик учун ҳаракати.*

### **61-§. Урушдан кейинги дастлабки йилларда халқаро муносабатлар (1945—1949 йиллар)**

1. СССРнинг урушдан кейинги дунёни демократик асосда ташкил этиш учун кураши. Иккинчи жаҳон уруши тамом бўлганидан кейин Совет Иттифоқининг халқаро обрў-эътибори мислсиз даражада юксалди, унинг жаҳон тараққиётига таъсири кучайди. Энди биронта ҳам муҳим халқаро масала СССРнинг иштирокисиз ҳал қилиниши мумкин эмас. СССР ўзининг ташқи сиёсатида совет халқининг туб манфаатларига, қардош социалистик мамлакатлар ва бутун дунё меҳнатқашлари олдидаги интернационал бурчига асосланмоқда.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин СССР янги агрессия имкониятини истисно этадиган шароитларни таъминлаб берадиган дунёни адолатли ва демократик асосда тартибга солиш учун курашни авж олдириб юборди. Уруш йилларидаёқ Ялта ва Потсдам конференцияларида урушдан кейинги дунёни қуришнинг программаси ишлаб чиқилган эди. СССР келишилган қарорларни бажариш йўлига изчил амал қилди ва улاردан келиб чиқувчи мажбуриятларни ҳалол бажарди. Ўзларининг империалистик мақсадларини амалга оширишга интилган АҚШ, Буюк Британия ва Франция-

нинг ҳукмрон доиралари уруш йилларида имзоланган халқаро битимларни бузиш йўлига ўтдилар.

Тинч йўл билан тартибга солиш масалалари юзасидан олиб борилган кураш Германиянинг Европадаги собик иттифоқчилари — Болгария, Венгрия, Италия, Руминия ва Финляндия билан шартномалар ишлаб чиқиш жараёнида кескин тус олди. АҚШ билан Буюк Британия Марказий ва Жануби-Шарқий Европа давлатлари билан тузиладиган сулҳ шартномаларидан бу мамлакатларнинг ички ишларига аралаштириш ва демократик ўзгаришларни барбод қилиш учун фойдаланишга уриндилар. АҚШ ўз мақсадига эришиш учун атом қудратига монопол эгаллигини намойиш қилди. У музокаралар вақтида Бикини атолли (Тинч океани ҳавзаси) районида атом бомбаларини синаб кўрди. Бу синов АҚШнинг ҳарбий қудратини кўқларга кўтариб мақташ билан бирга олиб борилди. Бироқ СССР ва бошқа тинчликсевар давлатларни кўр-китишга муваффақ бўлинмади. Совет Иттифоқи ғарб давлатларининг мағлуб мамлакатлар халқларига адолатсиз, империалистик сулҳни зўрлаб қабул қилдириш йўлидаги уринишларини катъиян рад этди.

1946 йилда бўлиб ўтган *Париж сулҳ конференцияси* сулҳ шартномаларининг лойиҳаларини асосан маъқуллади ва 1947 йил 10 февралда улар имзоланди. Шартномалар Европа давлатларининг урушдан олдинги чегараларини баъзи ўзгаришлар билан тиклади (альбомдаги 5-картага қаранг). Италия Африкадаги ўз мустамлака ерларидан батамом воз кечди. Сулҳ шартномалари Германиянинг иттифоқчилари бўлган давлатлар зиммасига демократик эркинликларни таъминлаш, фашист ташкилотларни таққиллаш, ҳарбий жиноятчиларни судга тортиш вазифасини юкледи.

1919—1920 йиллардаги Париж сулҳ конференциясидан фарқли ўлароқ иккинчи жаҳон уруши тамом бўлганидан кейин чақирилган халқаро анжуман Совет давлатининг актив иштирокида ўтди. Совет давлати барча халқларнинг суверенитетини ва миллий кадр-қимматини ҳимоя остига олди. Конференция ошкоралик руҳида ва халқаро жамоатчиликнинг назорати остида ўтди. СССРнинг куч-ғайратлари туфайли сулҳ шартномалари адолатли бўлди ва сулҳ шартномалари тузилган давлатларнинг мустақил, демократик ривожланиш манфаатларига мос келди.

Урушдан кейинги дунёни ташкил этишнинг ғоят муҳим вазифаларидан бири Германия проблемасини демократик асосда тартибга солишдан иборат эди. СССР Ялта ва Потсдам конференциялари қарорларига асосланиб, умумгерман ҳукуматини тузишни, у билан сулҳ шартномаси тузишни ва Германиядан барча чет эл кўшинларини олиб чиқиш кетишни таклиф қилди. Бироқ АҚШ, Буюк Британия ва Франция келишилган қарорларни бажаришни истамадилар. Улар Германияни парчалаб юбориш ва Ғарбий Германия давлатини ташкил этиш йўлига ўтдилар.

**2. Янги типдаги халқаро муносабатларнинг қарор топиши.** Жаҳон социалистик системасининг вужудга келиши халқаро муносабатларнинг *пролетар интернационалиزم принципи*га асосланган янги, социалистик тинч қарор топиши билан нишонланди. Бу привизиш кейинчалик янада юқори даражада --- *социалистик интернационализм* принципи даражасига кўтарилди.

Совет Иттифоқи капитализм билан алоқасини узган халқларга янги ҳаёт қуришида катта ёрдам кўрсатди. СССР ўларга халқ-демократик мамлакатларнинг ички ишларига аралашини йўли билан буржуа-помешчиклар тузумини тикламоқчи бўлган ташқи кучларнинг даъволарини қайтаришида ёрдам берди. Шунингдек, бу мамлакатларни иктисодий камал ёрдамида бўғиб ташлашга уринишлар ҳам барбод қилинди. Халқаро вазият СССР ва халқ демократияси мамлакатларининг маҳкам жинслашини талаб қилмоқда эди. Улар ўртасидаги қардошларча муносабатлар дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам ҳақидаги икки томонлама шартномалар билан мустаҳкамланди. (Социалистик мамлакатларнинг харбий-сиёсий иттифоқи мустаҳкамланиши билан бир вақтда улар иктисодий ва маданий жиҳатдан ҳам яқинлашдилар.

Социализм халқаро позицияларининг мустаҳкамланишига СССР халқ хўжалигининг тикланиши ва янада ривожланиши, унинг мудофаа қудрати ўсганлиги хал қилувчи даражада ёрдам берди. 1949 йилда социалистик мамлакатлар ва бутун дунё халқлари учун жиддий хавф бўлган АҚШнинг атом қуролига монопол эгаллиги йўқотилди. Совет Иттифоқи атом қуролига эга бўлган давлатга айлангач, агрессия йўлига қудратли тўсик солди, социалистик мамлакатлар халқларининг галабаларини нишончли суратда ҳимоя қилди, тинчлик шини мустаҳкамлади. Уруш тамом бўлиши биланок СССР ялпи қуrolсизланиш масаласини яна қўйди. Атом қуrolини тақиқлаш ва йўқ қилиб ташлаш талаби асосий талаб бўлиб қолди. Бошқа социалистик мамлакатлар билан биргаликда СССР тинчлик ва халқаро хавфсизлик учун актив қурашни бошлаб юборди.

СССР ва бошқа социалистик мамлакатлар миллий озодлик ҳаракатини актив қўллаб-қувватладилар. Миллий мустақилликни қўлга киритган давлатларини халқаро муносабатларда кенг иштирок этишини табриклар, социализм мамлакатлари улар билан ҳамкорликни ривожлантирмоқдалар, бутун дунёдаги антиимпериалистик кучлар иттифоқини мустаҳкамламоқдалар.

Капиталистик дунё билан муносабатларда СССР ва бошқа социалистик мамлакатлар *ижтимоий тузуми турлича бўлган давлатлар билан тинч-тоғув яшаш ленинча принципи*га амал қилмоқда.

1948 йилда тузилган, икки мамлакат ўртасида яхши қўшничилик муносабатларига пухта асос солган *Дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги Совет-Финляндия шартномаси* тинч тоғув яшаш принципининг яққол гавдаланиши бўл-

ди. Кейинчалик бу шартнома уч марта узайтирилди. 1982 йилда у яна 20 йилга узайтирилди.

**3. Империалистик давлатлар ташки сиёсатининг агрессив йўли. НАТОнинг ташкил этилиши.** Жаҳон капиталистик системаси умумий кризиснинг чуқурлашуви билан бирга империализмнинг агрессивлиги ҳам кучайиб борди. Фарбдаги реакцион доиралар СССРни ва социалистик ҳамдўстлик мамлакатларини йўқ қилиб юбориш ёки ҳеч бўлмаганда кучсизлантириш, коммунистик, ишчилар ва миллий озодлик ҳаракатларини бостириш, капитализм позицияларини мустаҳкамлаш планларини тайёрламоқда эдилар.

Империализм табииатининг ўзи уни экспансияларга, шу жумладан, ҳарбий воситалар билан экспансия қилишга ундайди. Империалистик сиёсатга халқларнинг манфаатлари эмас, балки қуролланиш пойгасидан ва урушлардан ҳаддан ташқари кўп бойлик орттирадиган энг йирик монополияларнинг ғаразли, йиртқишларча интилишлари асос бўлади.

Урушда бойиб олган Америка монополиялари бутун дунё устидан ўз ҳукмронликларини ўрнатишни даъво қила бошладилар. Президент Трумэн АҚШ олдида бутун дунёга раҳбарлик қилишдан иборат «долзарб зарурат» пайдо бўлди, деган эди. АҚШ маъмурияти бошқа мамлакатларнинг халқларига ана шу «раҳбарликни» зўрлаб қабул қилдиришга интилиб, уларга тазйиқ ўтказиш мақсадида ўзининг иктисодий қудратидан ва «атом дипломатыяси»дан кенг фойдаланди.

АҚШда СССРга қарши уруш бошлаш планлари кўндан-кўп ишлаб чиқилган бўлиб, улар ўнлаб совет шаҳарларини атом бомбардимони қилишни назарда тутар эди. «Куч ишлатиш» сиёсати халқаро кескинликнинг кучайишига олиб келди.

Америка империализми Европа «хавфсизлигини таъминлаш» баҳонаси остида СССР ва бошқа социалистик мамлакатларнинг шундоқкина яқинида жойлашган Греция ва Туркияни ўзининг истеҳкомларига айлантиришга қарор қилди. Шу мақсадда 1947 йилда АҚШ Греция билан Туркияга 400 миллион доллар миқдорда «ёрдам» берди. Черчиллнинг Фултонда (АҚШ) президент Трумэн ёнида сўзлаган антисовет нутқи ва «Трумэн доктринаси» деб ном олган «ёрдам» программаси СССР ва бошқа социалистик давлатларга қарши «совук уруш» бошланганлигини маълум қилди.

«Маршалл плани»нинг амалга оширилиши АҚШнинг Европадаги Америка ёрдамини олаётган мамлакатлар ички ишларига аралашнишига қулай имкон берди. Социалистик ҳамдўстликка қарши қаратилган агрессив блокнинг иктисодий негизи барпо этилди. «Маршалл плани» иштирокчилари бўлган мамлакатларнинг кўпчилиги **1949 йил апрелида НАТОни** — биқик ҳарбий-сиёсий группировкани тузиш тўғрисидаги пактни имзоладилар. *АҚШ, Канада, Буюк Британия, Франция, Италия, Бельгия, Нидерландия, Люксембург, Норвегия, Дания, Исландия, Португалия*

НАТО аъзолари бўлишди. 1952 йилда НАТОга Греция ва Туркия, 1955 йилда эса ГФР кирди. 1982 йилда Испания НАТО аъзоси бўлди. НАТОга кирган ҳар бир мамлакатга америкалик ҳарбий бошликлар кўмондонлиги остида қуроли кучлар ташкил этиш учун муайян ҳарбий контингентларни ажратиш таклиф қилинди. Капиталистик мамлакатларда қуролланиш пойгаси кескин кучайди. Янги жаҳон уруши хавфи ошди.

**4. Тинчлик тарафдорлари бутунжаҳон ҳаракатининг вужудга келиши ва ривожланиши.** Уруш хавфининг кучайиши тинчликни сақлаб қолиш зарурлигини тушуниб етган миллионлаб яхши ниятли кишиларни оёққа турғазди. Тинчлик тарафдорлари ҳаракатининг бошланишига фан ва маданият арбоблари катта ҳисса қўшдилар. Уларни ишчилар, хизматчилар, деҳқонлар, шаҳар майда буржуазиясининг вакиллари фаол қўллаб-қувватладилар. Хотин-қизлар ва ёшлар бу курашнинг собиткадам иштирокчилари бўлишди.

1948--1949 йилларда кўпгина мамлакатларда тинчликни ҳимоя қилиб конференциялар ва съездлар бўлиб ўтди. Тинчлик учун курашчиларнинг миллий комитетлари ташкил этилди. 1949 йил баҳорида *Тинчлик тарафдорларининг I бутунжаҳон конгресси* бўлиб ўтди. Конгресс барча мамлакатларнинг халқларини уруш гайёрлаш планларини барбод қилишга, уруш оловини ёқувчиларга зарба беришга чақирди. Бутунжаҳон конгресси қатнашчиларининг шиори «Тинчликни кутиб турмайдилар, тинчликни кураш билан қўлга киритадилар!» деган даъватдан иборат эди.

Тинчлик учун кураш турли ирқ ва миллатларга, сиёсий ва диний қарашларга мансуб бўлган миллионлаб кишиларни -- урушдан нафратланадиган барча кишиларни бирлаштирди. Тинчлик учун кураш ҳаракати бошида атокли француз атомчи олими, фашизмга қарши актив курашчи коммунист Фредерик Жолио-Кюри турди. У вафотига қадар (1958 йил) тинчлик учун ҳаракатнинг раҳбар органи бўлган, кўпчилик мамлакатларнинг вакиллари кирган *Жаҳон Тинчлик Кенгаши* (ЖТК) га раҳбарлик қилди.

ЖТК барча мамлакатлардаги тинчлик тарафдорларини бирлаштирган бир қанча йирик халқаро кампанияларни ўтказди. 1950 йилда *атом қуролини тақиқлаш тўғрисидаги Стокгольм чақириғи* остига 500 миллиондан ортиқ имзо тўпланди. ЖТКнинг *буёқ давлатлар ўртасида Тинчлик пактини* имзолаш ҳақидаги мурожаатини 1951 йилда 600 миллиондан ортиқ одам имзолади. 1955 йилда *атом урушини тайёрлашга қарши жаҳон халқларига мурожаат* остига 650 миллиондан ортиқ одам ўз имзосини қўйди. Бу мурожаат барча мамлакатларда атом қуроли запасларини йўқотишни ва уни ишлаб чиқаришни дарҳол тўхтатишни талаб қилган эди.

Тинчлик тарафдорларининг ҳаракати -- инсоният тарихидаги энг оммавий ижтимоий-сиёсий ҳаракатдир, У янги жаҳон уруши оловини ёқувчилар йўлига жиддий тўсиқлар қўйди.

## Савол ва топшириқлар

1. Версаль системаси билан иккинчи жаҳон урушидан кейин дунёни ташкил этиш ўртасидаги принципиал фарқлар нимадан иборат? 2. Альбомдаги 5 ва 6-карталардан иккинчи жаҳон уруши натижасида давлат чегараларининг ўзгаришини кузатиш. 3. 25-26-параграф ва ушбу параграф материалларидан фойдаланиб, халқаро муносабатларнинг янги тили қарор топиши жараёнини таърифланг. 4. Иккинчи жаҳон урушидан кейин халқаро сиёсатдаги икки йўналиш ўртасида бўлган туб фарқларни кўрсатиб беринг. 5. «Совук уруш» максадларини тушунтиринг ва уни амалга ошириш шаклларини таърифланг. 6. Тинчлик тарафдорлари бутунжаҳон ҳаракатининг вазифалари ва характери нималардан иборат?

## 62-§. Тинчликсевар кучларнинг янги жаҳон уруши хавфига ва империалистик агрессия сиёсатига қарши кураши (1950—1970 йиллар)

«Совук уруш» йнгирма йилдан ортиқроқ вақт давомида халқаро муносабатларни захарлаб келди. Халқаро кескинлик вазиятида социалистик ва капиталистик давлатлар ўртасидаги муносабатлар таранг эди. Муносабатларнинг кескинлашуви бир неча бор хавфли халқаро кризисларга олиб келди, инсониятни ракета-ядро уруши ёқасига келтириб қўйди. Совет Иттифоқи, бошқа социалистик мамлакатлар, барча тинчликсевар кучлар бу йилларда халқаро кескинликни юмшатиш, жанжалли масалаларни музокара-ларар йўли билан ҳал қилиш, инсониятни янги жаҳон уруши можароси хавфидан халос қилиш учун жуда қаттиқ, изчил кураш олиб бордилар.

1. **Осиёда империалистлар агрессиясининг мағлубиятга учраши.** Иккинчи жаҳон урушида гитлерчилар Германиясининг ва милитаристик Япониянинг тор-мор қилиниши, бутун дунёда социализм ва демократиянинг зўр куч билан ўсиши Осиё халқлари ҳаётида тарихий силжишларни амалга ошириш учун қулай шароитлар яратди. Хитой халқи миллий-озодлик курашида ғалаба қозonganлиги ва ХХР ташкил этилганлиги натижасида Осиёдаги вазият анча ўзгарди. Империализмнинг позициялари кучсизланди.

Бирок АҚШнинг ҳукмрон доиралари Осиёда социализм ва миллий озодлик ҳаракатига қарши курашидан иборат ўз планларидан воз кечмадилар. 1950 йил июнда Корея ярим оролида ҳарбий можаро чиқди. КХДРга қарши агрессив урушда АҚШ бошчилигида 16 давлат қатнашди. Бу ҳол халқаро кескинликни жуда кучайтириб юборди. АҚШ Японияни ўз агрессив сиёсатига тортишга ҳаракат қилди. 1951 йилда АҚШ ва унинг иттифокчилари Сан-Францискода Япония билан сулҳ шартномасини имзолادилар. АҚШ билан Япония ўртасида ҳарбий битим тузилди. Япония территориясида янги ҳарбий базалар ташкил этила бошлади.

Кореядаги қирғин уруш уч йил давом этди. Корейс халқини дунёдаги барча софдил кишилар қўллаб-қувватлаб турдилар. Совет Иттифоқи корейс халқига қатта моддий ва сиёсий ёрдам кўрсатди. 1953 йил июлда Кореяда ярашга эришилди, шу билан бирга

уруш агрессия бошланган чегараларда тугади. Урушнинг якуни Америка империализми мағлубиятга учраганини, у кучлар нисбатини ўз фойдасига ўзгартира олмаганилигини билдирар эди.

Орадан бир йил ўтгач, Осиедаги яна бир уруш ўчоги ўчирилди. Француз мустамлакачилари деярли саккиз йил мобайнида Хинди-Хитойдаги ўз ҳукмронликларини куч билан ушлаб қолишга муваффақиятсиз уриндилар. Урушда мағлубиятга учраган Франция 1954 йил июлда *Яраш ва сиёсий йўл билан тартибга солиш принциплари тўғрисидаги Женева битимларини* имзоланга мажбур бўлди. Женева кенгашининг қатнашчилари Вьетнам, Лаос ва Камбоджанинг мустақиллиги, бирлиги ва территориял яхлитлигини ҳурмат қилиш ҳамда уларнинг ички ишларига аралашмаслик мажбуриятини олдилар. АҚШ бу декларацияга қўшилмади, лекин уни бузмаслигини айтди. Бирок кейинчалик АҚШ ўз вадасининг устидан чиқмади ва Женева битимларининг бажарилишини барбод қилди.

Агрессив сиёсатнинг барбод бўлиши уруш ишқибозларини хушёр тортирмади. Америка империализми «коммунизм хавфидан» ҳимоя қилиш ҳақидаги сохта баҳона остида Буюк Британия ва Франциянинг ҳукмрон доиралари иштирокида бир қанча мамлакатларни агрессив блокларга тортиди. 1951 йилда Австралия, Янги Зеландия ва АҚШдан иборат ҳарбий блок -- *АНЗЮС* (ана шу уч давлат номларининг бош ҳарфларидан олинган) пайдо бўлди. 1954 йилда Жануби-Шарқий Осиеда агрессив блок -- *СЕАТО* (инглизча South -- East Asia Treaty Organization -- Жануби-Шарқий Осие шартномаси ташкилоти деган номнинг бош ҳарфларидан олинган) тузилди. *АҚШ, Буюк Британия, Франция, Австралия, Янги Зеландия, Покистон, Таиланд* ва *Филиппин* унинг иштирокчилари бўлдилар.

1955 йилда *Буюк Британия, Туркия, Ироқ, Покистон* ва *Эрондан* иборат яна бир ҳарбий группировка ташкил этилди. Аввалига бу блок *Бағдод пакти* деб аталди. 1959 йилда Ироқ Бағдод пактидан чиққанидан кейин унинг номи *СЕНТО* (инглизча Central Treaty Organization -- Марказий шартнома ташкилоти деган номнинг бош ҳарфларидан олинган) деб ўзгартирилди. АҚШ блокнинг тарқалиб кетишидан кўркиб, Туркия, Покистон ва Эрон билан икки томонлама ҳарбий битимлар тузди. АҚШ блок аъзоси бўлмасда, унинг асосий органлари ишида катнашар ва алоҳида ҳуқуқлардан фойдаланар эди.

Империалистлар социалистик мамлакатларнинг чегараларни бўйлаб ҳарбий блоклар ва базалар занжирини ташкил этар эканлар, СССР ва бошқа социализм мамлакатларининг ҳаётини марказларини «доимий нишон остида» ушлаб туришга умид қилган эдилар. Айни вақтда ҳарбий блоклар ривожланаётган мамлакатларга ва миллий озодлик ҳаракатига қарши кураш қуроли бўлди.

2. Озодликка еришган мамлакатларнинг тинчликни мустаҳкамлашга қўшган ҳиссаси. Мустамлакаларга эга бўлгач давлатлар мустамлакачилик системасининг парчаланишига, Осие ва

Африкада мустақил миллий давлатлар пайдо бўлишига ҳалақит беришга ожизлик қилдилар.

**1955 йил** апрелда Бандунгда (Индонезия) Осиё ва Африкадаги 29 мамлакат конференцияси чақирилди. Конференция ижтимоий тузуми турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшаши ва ҳамкорлик қилиши принципини маъқуллади. У Осиё ва Африка халқларининг мустамлакачиликка батамом ва абадий барҳам беришга қатъий қарор қилганлигини билдирди, агрессив блокларни қоралади, ядро қуролини тақиқлашни талаб қилди. Кейинчалик бошқа озодликка эришган мамлакатлар ҳам бу принципларни қўллаб-қувватлашларини билдирдилар.

Тинчлик ва социал тараққиёт учун, империализм ва мустамлакачиликка қарши кураш кўпгина мустақил давлатларни социалистик мамлакатлар билан яқинлаштирди. Бу мамлакатлар улар мустамлакачиларнинг тажовузларидан ўз мустақилликларини сақлаб қолишларида ёрдам берди. СССР ва бошқа социалистик давлатлар, энг аввало ЎИЕК аъзолари бўлган мамлакатлар озодликка эришган мамлакатларга ўз сиёсий ва иқтисодий мустақилликларини мустаҳкамлашда ёрдам бермоқдалар.

Хозир юздан ортиқ мамлакат империализмга, мустамлакачиликка ва ирқчиликка қарши йўлни ўтказиб, мавжуд ҳарбий-сиёсий иттифоқларга қўшилмаслик сиёсатига амал қилмоқда. Жаҳон сиёсатининг муҳим мустақил факторига айланган қўшилмаган давлатлар ҳаракатининг антиимпериалистик йўналиши кучайганлиги, бу давлатларнинг ўз табиий иттифоқчилари — социалистик мамлакатлар билан ҳамкорлиги уруш ва агрессияга қарши, тинчлик ва ҳақиқий миллий мустақиллик учун курашда халқларнинг кучига куч қўшмоқда. Қўшилмаслик ҳаракатининг принциплари ва фаолият платформаси бу мамлакатлар раҳбарларининг бир канча конференциялари қабул қилган қарорларда ўз аксини топди.

**3. Социалистик мамлакатларнинг Европада тинчлик ва коллектив хавфсизлик учун кураши.** СССР ва бошқа социалистик мамлакатлар Европада кескинликни юмшатиш учун ғайрат билан чора кўрдилар. 1954 йилда СССР Европа мамлакатлари ва АҚШга коллектив хавфсизлик системасини вужудга келтиришни таклиф қилди. Европа халқлари томонидан кенг қўллаб-қувватланган совет таклифларини ғарб давлатлари рад этдилар. Улар ГФРни ремилитаризациялаш ҳақидаги ва уни НАТОга қўшиш ҳақидаги битимни имзоладилар. Ғарбий Германия Шимолий Атлантик блокининг аъзоси бўлиб олгач, мана шу ҳарбий группировкада (АҚШдан кейин) етакчи роль ўйнашни борган сари кўпроқ даъво қилди, НАТОнинг Европадаги асосий базасига айланиб борди.

ГФРда милитаризмнинг қайтадан тикланиши ялпи тинчлик учун хавф туғдирди. СССР ва Европадаги социалистик мамлакатларнинг ҳукуматлари социализм ғалабаларини ҳимоя қилиш учун Европада Тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш юзасидан



жавоб чоралари кўришга мажбур бўлдилар. 1955 йил 14 майда Варшавада бу давлатлар ўртасида *Дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартнома* имзоланди. Шартнома қатнашчилари шартномани имзолаган бирон-бир мамлакатга ҳарбий ҳужум қилинган тақдирда унга дарҳол ва ҳар томонлама ёрдам бериш мажбуриятини олдилар. НАТОдан фарқли ўларок, Варшава Шартномаси мудофаа учун тузилган бўлиб, Европада ва бутун дунёда тинчликнинг ишончли кафолати бўлиб хизмат қилмоқда. 1985 йил апрелда шартномада қатнашган давлатлар Варшава Шартномасининг амал қилиш муддатини 20 йилга узайтириш ва шундан кейин яна 10 йилга пролонгация қилиш ҳақидаги протоколни имзолادилар.

Совет фани, техникаси ва саноатини ривожлантиришда эришилган йирик муваффақиятлар туфайли жаҳондаги кучлар нисбатиде социализм фойдасига янги сифат ўзгаришлари юз берди. 1953 йилда СССРда термоядро қуроли муваффақиятли синовдан ўтди. Тез орада Совет Иттифоқида қитъалараро ракеталар пайдо бўлди. Бу агрессорларнинг кирдикорларига муносиб жавоб эди. У Америка империализмининг атом қуроли билан таҳдид солишга, социалистик мамлакатларга қарши ҳеч бир жазосиз уруш бошлашга бўлган умидларини пучга чикарди.

50- йилларда Германияда вужудга келган вазият урушдан кейинги дастлабки йиллардаги вазиятдан тубдан фарқ қилар эди. Германияда ижтимоий тузуми турлича бўлган иккита мустақил немис давлати ташкил топганлиги ва ривожланаётганлиги туфайли мамлакатни дарҳол бирлаштириш мумкин эмаслиги аён бўлиб қолди. 1959 йилда СССР ғарб давлатларига мурожаат қилиб, иккала герман давлати билан сулҳ шартномалари тузишни таклиф қилди. Бирок ғарб давлатлари бу таклифни қўллаб-қувватладилар, Германия проблемасини тартибга солишдан бош тортдилар.

Европадаги вазиятни соғломлаштириш мақсадида Совет Иттифоқи НАТО мамлакатлари билан Варшава Шартномаси аъзолари бўлган давлатлар ўртасида ўзаро ҳужум қилишмаслик тўғрисида пакт тузишни таклиф қилди. АҚШ билан унинг иттифокчилари бу таклифни ҳам рад этдилар.

АҚШнинг ҳукмрон доиралари тарих сабоқлари билан ҳисоблашмасдан ГФР милитаристлари ва реваншчиларини янада рағбатлантириш йўлига ўтиб олдилар. Бунда улар Ғарбий Европадаги ўз ҳарбий-сиёсий ҳукмронликларини таъминлашга, ГФРнинг реваншчи кучлари эса бундай йўлни қўллаб-қувватлашга рози бўлиш эвазига АҚШнинг ядровий қуролига эга бўлиб олишга умид қилар эдилар. Бирок ГФР милитаристларини ядро қуролига эга қилиш планлари амалга оширилмади. Варшава Шартномаси қатнашчилари бўлган давлатлар мавжуд чегараларни, шу жумладан, ГДР, Польша ва Чехословакия чегараларини бузиш учун ҳеч кимга имкон бермасликларини айтдилар. ЧССРдаги контрреволюцион хавфни бартараф этиш ҳамда социалистик ҳамдўст-

ликнинг ғарбий чегараларини химоя қилиш чоралари (1968 йил) бу баёнотни амалда ишонарли қилиб тасдиқлади.

**4. Тинчлик кучлари билан уруш кучларининг кураши.** КПСС XX съезди (1956 йил) халқаро майдондаги кучлар нисбатида юз берган ўзгаришларни баҳолаб, жаҳон уруши муқаррар эмас, деган хулоса чиқарди. Жаҳонда ўзининг актив ҳаракатларини уруш чиқишига йўл қўймасликка, агрессорни ўз вақтида жиловлаб қўйишига қаратаётган қудратли кучлар вужудга келди. Булар — ўзининг ғоят катта сиёсий, иқтисодий ва мудофаа қудратини тинчлик ишига хизмат қилдираётган социалистик ҳамдўстлик, тинчликни сақлашдан ғоят манфаатдор бўлган ва империалистларнинг уларни ҳарбий тайёргарликлар иштирақчисига айлантириш йўлидаги уринишларига қаршилик кўрсатаётган тинчликсевар носоциалистик давлатлар; халқаро ишчилар синфи ва унинг авангарди — уруш оловини ёқувчиларнинг агрессив планларини фoш этаётган ва барбод қилаётган коммунистик партиялар; агрессив кучларни миллионлаб кишиларнинг иродаси билан ҳисоблашишга мажбур қилаётган, тинчликни сақлаб қолишга қатъий қарор берган китъалардаги урушга қарши оммавий ҳаракатлардир.

Шу билан бирга съезд агрессив урушларни чиқариб турадиган империализмнинг табиати ўзгармай қолаётганлигини кўрсатиб ўтди. Империализм жуда катта моддий ва ҳарбий ресурсларга, оммага идеологик таъсир кўрсатишнинг қудратли воситаларига эга бўлган йирик ва хавфли куч бўлиб қолмоқда. У тарихий таракқиётнинг йўлини ўзгартиришга уринишлардан воз кечган эмас. Империализм кучлари социализм мавқеини бўшаштиришга, миллий-озодлик ҳаракатини бостиришга уриниб, 50- йилларнинг иккинчи ярми — 60- йиллар бошида бир неча хавфли халқаро кризисларни келтириб чиқардилар.

1956 йил кузида халқаро вазият мураккаблашди. Венгрияда социализм ғалабаларига жиддий хавф туғилди. Совет Иттифоқи кардош венгер халқига антисоциалистик кучларнинг хуружини қайтариш ва мамлакатда вазиятни нормаллаштиришда ёрдам берди (27—28- § га қаранг). Бутун дунё социализм ютуқлари мустаҳкам эканлигига ва социалистик ҳамдўстлик мамлакатларида капитализмни тиклаш мумкин эмаслигига ишонч ҳосил қилди.

Уша вақтда Буюк Британия, Франция ва Исроил Яқин Шарқда агрессия қилдилар. Улар Мисрда мустамлакачилик тартибларини қайта тиклашга уриниб, унга ҳужум қилдилар. Миср халқининг қатъияти, СССРнинг уни қатъий суратда химоя қилиб чиққанлиги босқинчиларни ҳарбий ҳаракатларни тўхтатишга мажбур қилди. 1956 йил кузидаги воқеалар тинчлик химоясида турган кучларнинг қудрати ўсганлигини кўрсатди ва урушнинг олдини олиш реал мумкинлигини тасдиқлади.

АҚШ Яқин ва Ўрта Шарқда мустамлакачиликнинг ҳалоскори ролини ўйнади. Унинг лидерлари бир қанча мамлакатлардан

устамлакачилар қувиб чиқарилгани натижасида «сиёсий бўш-ик» вужудга келди, бу бўшлиқни тўлдириш зарур, деб айтдилар. На шу мақсадда «Эйзенхауэр доктринаси» илгари сурилди.

Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларига Америка «ёрдамчиси», шу сумладан, «халқаро коммунизмга» қарши курашиш учун АҚШ уролли кучларидан фойдаланишни таклиф қилди. Қўшма Штатлар «Эйзенхауэр доктринаси»ни фақат Бағдод пакти қатнашчиларига ва Исроилга қабул қилдиришга муваффақ бўлдилар.

1958 йил ёзида Ироқда антиимпериалистик революция юз берган вақтида АҚШ Ливанга, Буюк Британия эса Йорданияга қуюлли интервенция қилдилар. Уруш Ироқ республикаси остоналарида турар эди. Лекин агрессорлар янглишди. Совет Иттифоксининг Ливан ва Йорданиядан қўшинларни дарҳол олиб чиқиб кетиш тўғрисидаги талабини қўллаб-қувватлаган юз миллионлаб кишилар тинчликни ҳимоя қилишга отландилар.

Энг хавfli халқаро кризис 1962 йил кузида Куба теварагидаги вазият муносабати билан вужудга келди (37- § га қаранг). Инзониятни термомядро ҳалокати чегарасига олиб келган Қариб кризиси оқилона совет-америка муросасига эришилганлиги туфайли ҳал қилинди. Куба социалистик қурилишни давом эттириш имкониятига эга бўлди.

Америка империализми халқаро майдонда вужудга келган кучлар нисбатини, СССРнинг мудофаа потенциалини ва ракета-ядро можаросининг оқибатларини ҳисобга олишга мажбур эди. Янги жаҳон урушини бошлаб юборишга умид боғлаш борган сари хавfli тус олди. Шу сабабли империалистлар майда, локал урушларга алоҳида аҳамият бера бошладилар. Империализмнинг агрессив планлари билан унинг бу планларни амалга ошириш имкониятлари ўртасидаги зиддият борган сари аниқ кўрина бошлади. АҚШнинг Вьетнамдаги мағлубияти бунинг яққол исботидир.

Америка империализми у ерда ҳарбий интервенция бошлар экан, социализмнинг Осиёдаги таянчларидан бирини бостиришни, миллий озодлик ҳаракатига зарба беришни, социалистик мамлакатлар ва бутун дунё меҳнаткашларининг бирдамлиги нақадар пухта эканлигини синаб кўришни истар эди. Айни вақтда АҚШнинг ҳукмрон доиралари Ҳинди-Хитойни ўзларининг ҳарбий-сиёсий плацдармларига айлантиришни, уни Америка монополияларининг иқтисодий экспансия объекти қилиб қўйишни хоҳлар эдилар. Бу урушда Қўшма Штатлар юксак даражада ривожланган саноат технологиясидан одамларни оммавий суратда киришининг борган сари нозик воситаларини ишлаб чиқариш ва қўлла-ниш учун фойдаландилар.

АҚШ ҳукуматининг агрессив блоклардаги ўз иттифокчиларини урушга тортиш ва унга халқаро антикоммунистик интервенция тусини бериш йўлидаги уринишлари барбод бўлди. АҚШнинг таъйиқи остида вьетнам халқига қарши урушда Австралия, Янги Зеландия, Жанубий Корея, Таиланд ва Филиппин қатнашди холос. Империализмнинг халққа қарши моҳиятини яна ҳам кўпроқ

кўрсатиб берган Вьетнамдаги агрессия АҚШнинг маънавий-сиёсий жиҳатдан яқкаланиб қолишига олиб келди, мамлакатда чуқур социал-сиёсий кризис чиқарди. Вьетнам халқининг мислсиз қаҳрамонлиги, социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари, айниқса СССР унга берган ҳар томонлама ёрдам, қурашаётган Вьетнам билан халқаро бирдамлик ҳаракатининг жуда ҳам юксалиши АҚШни Вьетнамда урушни тўхтатиш ва тинчликни тиклаш тўғрисидаги битимни имзолашга мажбур қилди.

Яқин Шарқ кўп йиллардан бери ер юзининг яна бир «қайноқ нуқтаси» бўлиб келмоқда. Исроил АҚШ мададида 1967 йил июнда Миср, Сурия ва Иорданияга қарши қилган агрессия ер қурагининг мана шу районда вазият гоят бекарор эканлигини кўрсатди. АҚШ ва халқаро сионизм томонидан қўллаб-қувватлаб турилган Исроилнинг ҳукмрон доиралари ўз агрессив кирдикорларини тўхтатганлари йўқ. Араб халқларинининг қонуний ҳуқуқлари билан ҳисоблашниши ва оккупация қилиб олинган ерларни қайтариб беришни истамаётган Исроил ҳукуматининг йўли 1973 йил октябрида уруш ҳаракатларининг янгидан бошланиб кетишига сабаб бўлди. Араб халқларининг озодлик ва мустақиллик учун, барча оккупация қилиб олинган территорияларни қайтариб олиш ва Фаластин араб халқининг ҳаққоний ҳуқуқларини таъминлаш учун адолатли қурашни дунёнинг барча прогрессив кучлари қўллаб-қувватламоқда.

СССР ва бошқа социалистик мамлакатлар империалист босқинчиларни жиловлаб қўйиш учун зарур бўлган ҳамма ишларни қилдилар, агрессия қурбонларига ёрдам бердилар, халқларнинг мустақил ривожланиш ҳуқуқини ҳимоя қилдилар, жанжалли масалалар сиёсий йўл билан ҳал қилинишига ва можаролар тинч йўл билан тартибга солинишига ҳаракат қилдилар.

**5. Ялли ва батамом қуролсизланиш — мустаҳкам тинчлик ўрнатиш йўлидир.** Империализм, энг аввало америка империализми бошлаб ўборган ядро ва бошқа қуроллар билан қуролланишнинг мисли кўрилмаган пойгаси жуда катта миқдорда оммавий қирғин воситалари тўпланиб қолишига олиб келди. Қуролланиш учун сарфланган маблағлардан инсониятнинг туб социал-иктисодий проблемаларини ҳал қилиш учун фойдаланиш мумкин эди. Фақат ялли ва батамом қуролсизланишига Ерда мустаҳкам тинчликни таъминлаб бериши мумкин. 1960 йилда Совет Иттифоқи БМТ Бош Ассамблеяси сессиясида қараб чиқиш учун барча давлатларнинг каттик халқаро назорат остида ялли ва батамом қуролсизланиш ҳақидаги шартноманинг асосий қондаларини киритди. Бироқ АҚШ, Буюк Британия ва Франция СССРни қўллаб-қувватладилар ва қуролланиш пойгасини кучайтириш йўлини давом эттирдилар.

СССР ва барча тинчликсевар кучларнинг каттик талаби АҚШ ва Буюк Британияни дастлабки қадамни ташлашга ва 1963 йил августда Совет Иттифоқи билан *Атмосфера, космик бўйлиқ ва сув остида ядро синовларини тақиқлаш тўғрисидаги Москва*

*Шартномасини* имзолашга мажбур қилди. Шартнома атмосфера радиоактив нурлар билан бундан буён зарарланиши хавфининг олдини олади, катта кудратга эга бўлган ядро қуролини такомиллаштириши секинлаштиради. 110 дән ортик давлат бу ҳужжатга қўшилди. Москва шартномасининг тузилиши — тинчлик кучларининг катта ғалабаси, халқаро сиёсий иқлимни яхшилаш учун қурашдаги муҳим кадам бўлди.

1970 йил мартда Ядро қуролини таркатмаслик тўғрисидаги шартнома кучга кирди. Уни 130 дан ортик давлат имзолади. Шартнома ядро қуролини бундан буён таркатиш йўлига жиддий ғов солди. У ядро қуролига эга бўлган давлатларнинг уни қимга бўлса-да беришини, бундай қуролга эга бўлмаган давлатларнинг эса уни ишлаб чиқаришини тақиқлаб, ядровий можаро келиб чиқиши имкониятини чеклаб қўяди. Давлатлар олган мажбуриятларнинг бажарилиши устидан умумхалқ контролини ўрнатилган ташқари шартномада қатнашувчи ядро қуролига эга бўлмаган мамлакатларнинг хавфсизлигини таъминлаш чоралари кўрилиши назарда тутилди.

Шундай қилиб, «совуқ уруш» йилларида СССР, бошқа социалистик мамлакатлар, барча тинчликсевар давлатларнинг куч-ғайратлари билан инсониятни жаҳон уруши бошланиб кетишидан асраб қолишга, халқаро кескинликни юмшатишга ўтиш учун шарт-шароит яратишга муваффақ бўлинди.

#### Савол ва топшириқлар

1. 50-йиллар бошларида Осиёдаги империалистик агрессиянинг мақсадларини ва унинг мағлубиятга учраш сабабларини аниқланг. 2. СССР ташқи сиёсатининг ленинча принциплари Осиё ва Африкадаги ёш мустақил давлатлар ташқи сиёсатига қандай таъсир кўрсатди? 3. Ижтимоий-сиёсий адабиётдан фойдаланиб, қўшилмаслик харакати тўғрисида ахборот тайёрланг. 4. Варшава Шартномасининг халқаро аҳамияти нимадан иборат? 5. 50-йиллар иккинчи ярми — 60-йилларда империализмнинг агрессивлиги кучайганиги нима билан изоҳланади? 6. «Совуқ уруш» давридаги энг йирик халқаро кризисларни ва империалистик ҳарбий авантюраларнинг барбод бўлиш сабабларини кўрсатинг. 7. Уч муҳитда ядро қуроли синовини тақиқлаш тўғрисидаги Москва шартномасининг ҳамда ядро қуролини таркатмаслик тўғрисидаги шартноманинг аҳамияти нимадан иборат?

#### 63- § 70—80- йиллардаги халқаро муносабатлар

1. «Совуқ урушдан халқаро кескинликни юмшатиш сари бурилиш 70-йиллар бошидан бошлаб халқаро муносабатлар янги босқичга — «совуқ урушдан, икки дунёнинг қарама-қаршилигидан кескинликни юмшатишга ўтиш босқичига кирди. Халқаро ҳаётдаги ўзгаришларга бир қанча объектив ва субъектив факторлар узок вақт мобайнида амал қилиши нагжасида эришиш мумкин бўлди. Уларнинг асосийлари қуйидагилардир:

— жаҳон майдонида кучлар нисбатида социализм фойдасига чуқур ва орқага қайтмайдиган силжишлар юз берганлиги, СССР ва бутун социалистик ҳамдўстликнинг иқтисодий, сиёсий ва муудо-

фаа кудрати мустаҳкамланганлиги, 70-йиллар бошига келиб СССР билан АКШ, Варшава Шартномаси Ташкилоти билан НАТО ўртасида ҳарбий стратегик мувозанатга эришилганлиги

— СССР ва бошқа социалистик мамлакатларнинг актив ташқи сиёсий фаолияти, социализм мамлакатларининг кудратли тинч хужуми;

— халқаро коммунистик, ишчилар ва миллий озодлик ҳаракатларининг муваффақиятлари, бутун дунёда халқларнинг империализм агрессив йўлига тобора кучли қаршилик кўрсатиши;

— кўшилмаслик ҳаракатининг ўсиб кетган халқаро таъсири, ривожланаётган ёш давлатларнинг империалистик сиёсат кўйруғида бориндан бош тортиши;

— капитализм умумий кризисининг кескинлашуви, империалистлараро зиддиятларининг ўсиши, капиталистик дунёда социал антагонизмларнинг чуқурлашуви;

— ядро қуролига эга бўлган давлатларнинг уруш олиб боришининг янги вайрон қилувчи воситаларини тўплаши, ядровий можаро чиққан тақдирда бу воситаларни қўллаш бутун инсоният учун ҳалокатли оқибатларга олиб келиши мумкинлиги;

— бир қанча капиталистик давлатларнинг ядровий қарама-қаршиликнинг хавфини эътироф этган раҳбарлари сиёсий жиҳатдан реал иш тутиши ва «совуқ уруш» сиёсатининг барбод бўлиши.

Социализмнинг позициялари ҳаммадан кучли бўлган Европада кескинликни юмшатиш ва тинчликни мустаҳкамлаш фойдасига айниқса катта ўзгаришлар юз берди. СССР билан Франция кескинликни юмшатиш томон қадам ташлаган дастлабки давлатлар бўлдилар, бир қанча ташқи сиёсий масалаларда уларнинг позициялари яқинлашди, ҳар гомонлама алоқалар ва мулоқотлар эса активлашди.

Совет-Ғарбий Германия муносабатларида катта силжини юз берди. Бу силжинга 1970 йил августда СССР билан ГФР ўртасида имзолашган шартнома асос солди. Шартнома Ғарбий Германия томонининг Европадаги чегараларни қайта кўриб чиқиб ҳақидаги даъволаридан воз кечишига асосланди. Ғарбий Берлинга доир масалалар юзасидан тўрт ёқлама битим, ГДР билан ГФР ўртасидаги муносабатларнинг асослари тўғрисидаги шартнома, Польша билан ГФР, Чехословакия билан ГФР ўртасидаги шартномалар Европада тинчликни мустаҳкамлаш манфаатларига хизмат қилмоқда.

Социалистик мамлакатлар ва бошқа тинчликсевар давлатларнинг, кенг жамоатчиллик доираларининг Европада хавфсизлик учун кураши сезиларли натижалар берди. 1975 йил 30 июль 1 августда *Хельсинкида Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича кенгаш* бўлиб ўтди. Европадаги 33 давлат, шунингдек АКШ ва Канада раҳбарлари *Яқинловчи ҳужжатни* имзоладилар. Бу ҳужжатда кенгаш катнашчилари бўлган мамлакатлар ўзаро муносабатларининг келиши билан принциплари ёзиб қўйилди, қуроли можаролар келиб чиқиб хавфини камайтириш чоралари, Европа-

даги давлатлар ўртасида ҳамкорликнинг мазмуни ва шакллари белгилаб берилди.

Кенгаш қатнашчилари қуйидаги принципларга амал қилиш мажбуриятини олдидлар: 1) суверен тенглик, суверенитетга хос бўлган ҳуқуқларни ҳурмат қилиш; 2) куч ишлатмаслик ёки куч ишлатиш билан таҳдид қилмаслик; 3) чегараларнинг бузилмаслиги; 4) давлатларнинг территориял бутунлиги; 5) низоларни тинч йўл билан ҳал қилиш; 6) ички ишларга аралашмаслик; 7) инсон ҳуқуқларини ва асосий эркинликларини, шу жумладан фикр, виждон, дин ва эътиқод эркинлигини ҳурмат қилиш; 8) халқларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва ўз тақдирларини ўзлари белгилаш ҳуқуқи; 9) давлатлар ўртасида ҳамкорлик; 10) халқаро ҳуқуқ бўйича мажбуриятларни ҳалол бажариш.

Кенгаш яқунлари халқларнинг тинчликдан, қуролсизланишдан, ҳамкорликни ривожлантиришдан қонуний манфаатдорлигини акс эттирди. Хельсинкида бошланган жараён барча халқларга фойдали бўлган ўзаро мақбул битимларга эришиш мумкинлигини кўрсатди. Буни *Умум Европа кенгаши* қатнашчилари бўлган давлатларнинг Белграддаги (1977—1978 йиллар), Мадриддаги (1980—1983 йиллар), Стокгольмдаги (1984—1987 йиллар), Венадаги (1986—1989 йиллар) учрашувлари ҳам тасдиқлади.

1972—1974 йилларда бўлиб ўтган олий даражадаги Совет-Америка музокараларининг натижалари ҳам 70- йиллар биринчи ярмида халқаро вазиятни соғломлаштиришга маълум ҳисса қўшди. Ана шу музокаралар натижасида «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Америка Қўшма Штатлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг асослари», ракетага қарши мудофаа системаларини чеклаш тўғрисидаги иккиёқлама Шартнома (ПРО) ва стратегик ҳужум қуролларини чеклаш соҳасидаги баъзи тадбирлар тўғрисидаги муваққат битим (СКЧ-1) имзоланди, ядро урушининг олдини олиш тўғрисидаги Совет-Америка Битими имзоланди. Узок музокаралар олиб борилганидан кейин **1979 йилда СССР билан АҚШ Стратегик ҳужум қуролларини чеклаш тўғрисида шартнома (СКЧ-2)** туздилар. Бу шартнома ҳам илгари имзоланган ҳужжатларга ўхшаб, томонларнинг тенглиги ва бир хилдаги хавфсизлигига асосланган эди. Бу шартнома ҳуқуқий ҳужжатлар ижтимоий тузуми турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшаши принципига мувофиқ узок муддатли икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш учун шарт-шартлар яратди.

Бирок қуролланиш пойгасини ҳар қандай чеклашдан бош тортишни талаб қилган халқаро кескинликни юмшатиш душманлари Совет-Америка муносабатларининг яхшиланишига тўсқинлик қилдилар. СКЧ-2 шартномаси АҚШ томонидан ратификация қилинмади ва кучга кирмай қолди. АҚШ бошқа бир қанча қелишувлардан ҳам воз кечди.

70- йилларда Осиёда катта ўзгаришлар юз берди. 1971 йилда Шарқий Бенгалия (Шарқий Покистон) халқи ўз миллий муста-

қиллиги учун курашда ғалаба қозонди. *Бангладеш Халқ Республикаси* ташкил этилди. Покистон ҳукумати 1972 йилда мамлакатнинг СЕАТОдан чиққанлигини эълон қилди. 1977 йилда бу блок ўз фаолиятини тўхтатганлигини расман эълон қилди. 70- йиллар охирида СЕНТО ҳам амалда тарқалиб кетди.

Вьетнам тупроғида узок қутилган тинчлик қарор топди. *Вьетнам Социалистик Республикаси* ташкил этилди. Лаосда тинчликнинг тикланиши ва миллий тотувликка эришилиши *Лаос Халқ Демократик Республикаси* эълон қилиниши билан нишонланди. 1978 йилги апрель революциясининг ғалабаси *Афғонистон Республикаси* тузилишига олиб келди. *Кампучия Халқ Республикаси* янги ҳаёт қуриш йўлига ўтди. Эронда монархияга қарши, антиимпериалистик революциянинг амалга оширилиши ва *Эрон Исломи Республикасининг* эълон қилиниши (1979 йил бу мамлакат халқи ҳаётида янги босқични бошлаб берди.

СССР ва бошқа социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг куч-ғайратлари сиёсий кескинликни юмшатишда эришилган ютуқларни мустаҳкамлаш ва кўпайтиришга, уни ҳарбий соҳадаги кескинликни юмшатиш билан тўлдиришга, тинч-тотув яшаш принципини халқаро ҳаётнинг ҳамма томонидан эътироф этилган нормасига айлантиришга қаратилди.

**2. 80- йилларнинг биринчи ярмидаги халқаро вазият. 70—80- йиллар маррасида халқаро вазият яна кескинлашди.** АҚШнинг урушқок империалистик доиралари кескинликни юмшатишни жаҳонда ўз гегемонияларини ўрнатиш планларини амалга ошириш йўлидаги тўсик деб билиб, унга қарши ҳужумга ўтдилар. Бунинг учун баҳона сифатида 1979 йил охирида афғон ҳукуматининг илтимосига кўра чекланган микдордаги совет қўшинларининг Афғонистонга олиб кирилишидан фойдаланилди. Океан ортидаги милитаристик кучлар «совет ҳарбий хавфи» тўғрисидаги афсонани ниқоб қилиб олиб, стратегик қурооларни кўпайтириб боришнинг кўлами жиҳатидан мисли кўрилмаган узок муддатли программаси қабул қилинишига эришдилар. Улар мавжуд тенгликни йўқотишни ва Совет Иттифоки устидан ҳарбий устунликка эришишни мақсад қилиб олдилар. АҚШда биринчи бўлиб зарба беришга мўлжалланган қуроолнинг сифат жиҳатидан янги турларини ишлаб чиқариш бошлаб юборилди. Вашингтон элементлари космосда жойлаштирилаётган ракетага қарши мудофаанинг кенг кўламли системасини яратиш ниятини эълон қилиб, космосни милитарлаш ва ўз иттифоқчиларини ана шу программанинг қатнашчиларига айлантириш йўлидаги интилишини очик кўрсатди. Ғарбий Европадаги НАТОга кирган бир қанча мамлакатларда Американинг ўртача оқисликка учадиган янги ядро ракеталари жойлаштирилди. Бу ҳол Совет Иттифоқини СССР ва бошқа социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари хавфсизлигини мустаҳкамлаш, ҳарбий-стратегик тенгликнинг бузилишига йўл қўймадлиги юзасидан жавоб чораларини кўришга мажбур қилди.



Халқаро кескинликнинг ўсишига АҚШнинг бошқа мамлакатлар ички ишларига аралашishi, давлатларнинг миллий мустақиллиги ва суверенитетини чеклаши ҳам сабаб бўлди. Чунончи АҚШ Яқин Шарқни, Африкани, Ҳинд океанини «ҳаётий манфаатлар» соҳаси деб эълон қилди. Пентагон ана шу регионларда АҚШнинг ҳарбий иштирокини кенгайтира бошлади. 70- йилларнинг охири — 80- йиллар бошларида Ливан, Афғонистон, Эрон, Никарагуа, Сальвадор, Гренада, Ливия ва бошқа мамлакатлар Американинг очикдан-очик аралашishi объектлари бўлиб қолди.

СССР ва унинг иттифоқчилари қуролланиш пойгасини тўхташига ва қуролсизланишга, тинчлик ва халқлар хавфсизлигини таъминлашга қаратилган чора-тадбирларнинг кенг конструктив программасини илгари сурдилар. 1982 йил июнда *Совет Иттифоқи* халқлар устидаги ядро қирғини хавфини бартараф этиш ва охиروقибатда бундай имкониятни инсоният ҳаётидан чиқариб ташлаш учун ўзига боғлиқ бўлган ҳамма ишни қилишга интилиб, бир томонлама тартибда *биринчи бўлиб ядро қуролини ишлатмаслик мажбуриятини ўз зиммасига олди*. 1983 йил августидан эътиборан СССРнинг космик бўшлиққа йўлдошга қарши қуролни олиб чиқишни тақиқлаш ҳақидаги бир томонлама мажбурияти амал қилиб келмоқда. СССР бир ярим йилдан ортиқроқ вақт мобайнида барча ядро синовларини бир томонлама тақиқлашга амал қилиб келди. Бироқ АҚШ бундан ўрناق олмади ва шундан сўнг СССР синовларни яна бошлашга мажбур бўлди.

**3. Янгича сиёсий фикрлаш ва халқаро муносабатлардаги ўзгаришлар.** СССРда амалга оширилаётган қайта қуриш, жамият ҳаётининг ҳамма томонларини янгилаш совет ташқи сиёсатини ҳам қатъият билан янгилашни, бу соҳадаги хато ва камчиликларга барҳам беришни талаб қилди. Шунини айтиш керакки, Совет Иттифоқи халқаро кескинликни камайтириш учун сиёсий имкониятлардан ҳамма вақт ҳам фойдалангани йўқ, борган сари кучайиб, дунёни хавфли қизикка келтириб қўйган қуролланиш пойгасига ўзини ҳам тортишларига йўл қўйиб берди.

АҚШ бошлиқ НАТОнинг агрессив йўли, СССР ва унинг иттифоқчилари учун АҚШ вужудга келтирган, ўн йилликлар мобайнида доимий микдорга айланиб қолган уруш хавфи, социалистик мамлакатларга қарши психологик уруш — буларнинг барчаси Совет Иттифоқидан инсониятнинг ядровий жарликка хавфли суратда силжиб боришида бурилиш ясашга имкон берадиган қатъий ҳаракатларни талаб қилар эди.

СССРнинг қайта қуриш шароитидаги халқаро фаолияти КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель Пленуми ва партия XXVII съездининг қарорларида асослаб берилди. Бу пленум ва съезд *янгича сиёсий фикрлашга* асос солди. Бу фикрлаш жаҳонда юз бераётган ишларда халқларнинг роли ошганлиги, инсониятнинг глобал муаммолари ва айниқса Ер юзиде ҳаётни

йўқ қилиб ташлаш хавфи кескинлашганлиги давлатлар ва социал системаларни муштарак тақдир билан боғлаб қўйганлигига асосланади. КПСС пролетар-синфий ва умуминсоний манфаатлар ўзаро боғлиқлиги ҳақидаги марксча-ленинча ғояни чуқур англаб етиб, асрлар давомида ҳосил қилинган маънавий кадриятлар ҳаётий муҳим аҳамиятга эгадир деган хулоса чиқарди. Инсониятнинг яшаб қолиши проблемаси халқаро ишларда ҳал қилувчи авзалликка эгадир. Бу муаммони ҳал қилмасдан туриб, ижтимоий тараққиётнинг бошқа вазифаларини амалга ошириш мумкин эмас. Тинч-тотув яшаш икки система давлатлари ўртасидаги муносабатларнинг бирдан-бир мумкин бўлган ҳолатига, цивилизацияни сақлаб қолиш шартига айланди.

Бизнинг давримизда хавфсизлик кенг қамровли бўлиши, яъни халқаро муносабатларнинг ҳамма соҳаларини ўз ичига олиши керак. Уни биргаликда, энг аввало ҳарбий-техникавий воситалар билан эмас, балки сиёсий воситалар билан таъминлаш мумкин. Барча давлатлар бир хил даражада хавфсиз яшашлари керак. Янгича фикрлаш ҳар бир мамлакатнинг ўз социал ва сиёсий йўлини танлаб олиш ҳуқуқини эътироф этишни, жаҳон ҳамжамиятининг аъзолари бўлган барча давлатларнинг манфаатлари балансини таъминлашни тақозо этади.

СССР янгича фикрлашни асло тугалланган доктрина деб ҳисобламасдан, бошқа давлатларни етилган муаммоларни ҳал қилиш йўллари ва энг аввало инсоният устида пайдо бўлган ядро хавфини бартараф этиш йўллари биргаликда излашга даъват қилди. Янгича фикрлаш ўтмиш стереотипларини енгилшга, бошқа мамлакатлар билан ҳамма даражаларда кенг алоқаларни ривожлантиришга, ўз навбатида Совет Иттифоқини янгидан «кашф этаётган» атрофдаги дунёни яхшироқ кўриш ва тушунишга имкон беради.

СССР халқаро майдонда кейинги йилларда ташлаган барча амалий кадамлар дунёнинг янги фалсафаси конкрет ташқи сиёсий ишларда реал гавдаланишдан иборат бўлди. Булар — 1986 йил январда асослаб берилган *2000 йилгача ядро қуролини босқичма-босқич йўқотиш программаси*, КПСС XXVI съезди илгари сурган *Халқаро хавфсизликнинг кенг қамровли системасининг яратиш асослари*, Варшава Шартномаси қатнашчилари бўлган давлатларнинг ядро қуролини синашни тўла ва ялписига тақиқлаш, химиявий қуролни батамом тақиқлаш ва унинг запасларини йўқ қилиб ташлаш тўғрисида конвенция тузиш ҳақидаги, Европада қуролли кучларни ва оддий қуролларни қисқартириб, шунга мувофиқ ҳолда ҳарбий харажатларни камайтириш тўғрисидаги тақфларидир.

Варшава Шартномаси Ташкилотининг *ҳарбий доктринасини* баён қилиш (1987 йил) жуда катта халқаро аҳамиятга эгадир. Унинг моҳияти шундан иборатки, Варшава Шартномаси қатнашчилари бўлган давлатлар агар ўзлари қуролли ҳужумга учрамасалар, ҳеч бир давлатга ёки давлатлар иттифоқига қарши уруш

харакатларини ҳеч қачон бошламайдилар. Улар ҳеч қачон биринчи бўлиб ядро қуролини ишлатмайдилар. Улар ҳеч қайси давлатга нисбатан территориял даъволарга эга эмаслар ва биронта ҳам давлат ёки халққа ўзларининг душмани деб қарамайдилар. Улар қуролли кучлар ва қурол-яроғларнинг мудофаа учун, эҳтимол бўлган агрессияни даф қилиш учун етарли миқдорда бўлишига катъий амал қиладилар.

«Умумевропа уйи» гоёси, Осиё-Тинч океани региониди, Европанинг шимолиди, Ўрта Ер денгизида тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш концепцияси, ишонч чоралари тўғрисидаги таклифлар ва бошқа совет ташаббуслари халқаро миқёсда кенг эътибор қозонди ва қўллаб-қувватланди. Кескинликни юмшатиш умумевропа жараёнига янги туртки берилди.

СССР билан АҚШ ўртасида сиёсий мулоқотнинг ривожланиши ва чуқурлашуви катта ютуқ бўлди. Бу мулоқот икки томонлама муносабатларнинг ва жаҳон сиёсатининг барча асосий муаммоларини камраб олди. Ядро уруши ҳеч қачон бошланмаслиги кераклигини, унда ғолиблар бўлмаслигини тушунишга эришилганлиги принципиал аҳамиятга эгадир. Томонлар СССР билан АҚШ ўртасида ҳар қандай урушнинг - ядровий ёки оддий урушнинг олдини олиш муҳимлигини таъкидладилар ва ҳарбий устунликка эришишга ҳаракат қилмаслик мажбуриятини олдилар.

**Женевада (1985 йил), Рейкьявикда (1986 йил), Вашингтонда (1987 йил) ва Москвада (1988 йил) ўтган олий даражадаги Совет-Америка музокаралари ядро қуролларини амалда қискартириш соҳасида олға силжишга олиб келди. 1987 йил декабрда СССР билан АҚШ ўртасида уларнинг ўртача ва камроқ оқимликка учадиган ракеталарини йўқотиш тўғрисида шартнома — тарихда биринчи бўлган ва икки классдаги ядро қуролларини ўзаро каттик назорат остида йўқотишни кўзда тутадиган халқаро битим имзоланди, 1988 йил июнда эса у кучга кирди. Шу тарихи ядро қуролисиз дунёни қуришга асос солинди. ПРО тўғрисидаги шартномани саклаб қолган ҳолда СССР ва АҚШнинг стратегик ҳужум қуролларини 50 процент қискартириш тўғрисидаги шартноманинг қўшма лойиҳасини тайёрлашда ҳам томонларнинг позициялари яқинлашганлиги қайд этилди.**

Натижада Совет-Америка муносабатлари яхшиланди. Уруш хавфини узоклаштиришга муваффақ бўлинди. Халқаро ҳаётнинг марказий қарама-қаршилиқдан бир-бирларини тушуниш ва ҳамкорлик томон силжий бошлади.

Женева битимлари ва совет ҳарбий қисмларининг Афғонистондан батамом олиб чиқиб кетилиши регионал можароларни тартибга солишда олға ташланган муҳим қадам бўлди.

Шундай қилиб, халқаро муносабатларни демократиялаш ва гуманизациялаш жараёни аста-секин ривожланиб бормоқда, халқаро вазият умуман соғломлашмоқда. Бироқ реалистик тенденция эскича ёндашишларнинг тарафдорлари кўрсатаётган қаршилиққа, халқаро ишлардаги каттик йўлга қарши зўр бериб курашиш

орқали ўзига йўл очиб бормоқда. Позитив жараёнларнинг орқага кайтмаслиги учун кафолаатлар ҳали вужудга келгани йўқ, лекин ҳозир куч ишлатиш сиёсатига аввалгига қараганда анча кенг сиёсий негизда қаршилик ўрсатиш учун янги имкониятлар пайдо бўлди.

**4. Ҳозирги халқаро ҳаётда БМТнинг роли.** Тинчликсевар кучлар БМТни тинчлик ва халқаро ҳавфсизликни таъминлашнинг таъсирчан органига айлантиришга, унинг сиёсий роли ва обрўсини оширишга жуда катта аҳамият бермоқдалар. БМТнинг состави анча ўзгарди. БМТ аъзолари бўлган давлатлар сони 1945 йилдаги 51 тадан 1988 йилда 159 тага етди. БМТ аъзоларининг 2/3 қисмидан кўпроғи ривожланаётган мамлакатлардир. Бу ҳол империалистик давлатларнинг позицияларини кучсизлантирди. Озодликка эришган мамлакатлар ғоят муҳим халқаро муаммоларни ҳал қилишга ўз хиссаларини қўшмоқдалар. Кўпгина масалаларда улар СССР ва бошқа социализм мамлакатлари билан бирга чиқмоқдалар.

Совет Иттифоқи БМТ минбаридан туриб, «совук урушни» тугатиш, уруш ҳавфини бартараф этиш ва халқаро ҳамкорликни ривожлантиришнинг конкрет ва аниқ программаси билан чиқди. БМТ тинч-тоғув яшаш принципини маъқуллайдиган резолюцияни бир овоздан қабул қилди, ядро урушини инсониятга қарши жиноят деб эълон қилди. Бу тинчлик тарафдорларининг йирик маънавий галабаси эди. Ер қуррасидаги кўпгина районларни ядросиз зоналарга айлантириш тўғрисидаги таклиф машҳур бўлиб кетди.

Бош Ассамблеянинг СССР ташаббуси билан халқаро муносабатларда куч ишлатмаслик ва ядро қуролини қўлланганини абадий тақиқлаб қўйиш ҳақидаги резолюцияни қабул қилганлиги муҳим аҳамияга эгадир.

СССР биринчи бўлиб мустамлака зулмининг ҳамма шакл ва кўринишларини тугатиш масаласини БМТга қўйди. Совет Иттифоқининг ташаббуси билан Бош Ассамблея *мустамлака мамлакатлар ва халқларга мустақиллик бериш тўғрисида Декларация*, сўнгра эса *Давлатларнинг ички ишларига аралашушга йўл қўйиб бўлмаслиги, уларнинг мустақиллиги ва суверенитетини муҳофаза қилиш тўғрисида Декларация* қабул қилди.

Империалистик кучлар СССР ва бошқа тинчликсевар давлатларнинг БМТдаги позицияларини барбод қилишга, унинг тинчлик ўрнатувчи ролини кучсизлантиришга ҳаракат қилиб келдилар ва ҳозир ҳам ҳаракат қилмоқдалар. БМТни ва унинг Уставини ҳимоя қилиб чиққан Совет Иттифоқи, бошқа социалистик мамлакатларнинг қатъий йўли туфайли бу уринишлар мағлубиятга учрамоқда.

**5. Халқ оммаси — тинчлик учун курашда қудратли куч.** Ҳозирги шароитда тинчлик учун курашда халқ оммасининг, кенг халқаро жамоатчиликнинг роли анча кучайди. Кўпгина мамлакатларда урушга қарши ташкилотлар ва ҳаракатлар пайдо бўлди. *Жаҳон Тинчлик Кенгаши* ва бошқа жамоат ташкилотларининг ташаббуси билан тинчлик, халқаро ҳавфсизлиги ва халқаро ҳам-

корлик учун бир қанча халқаро конференциялар ва конгресслар ўтказилди.

1986 йил октябрда Копенгагенда (Дания) Халқаро тинчлик йилига бағишланган Тинчликсевар кучларнинг жаҳон конгресси бўлиб ўтди. «Тинчликни ва инсоният келажagini сақлаб қолайлик» деган шиор остида ўтган мана шу анжуман ишида 136 мамлакатдан кўп сонли урушга қарши ҳаракатлар, сиёсий партиялар ва жамоат ташкилотларининг вакиллари бўлиб келган 2,5 мингга яқин делегат қатнашди. Ошқора руҳда ўтган кенг мунозара Ер юзида ядро қуроллари пойғасини тўхтатишни, космосда ядро қуроли бўлишига йўл қўймасликни талаб қилувчи «Копенгаген чакиригини» қабул қилиш билан тугади.

Англимпералистик бирдамлик, тинчлик ва дўстлик шиорлари остида ўтадиган халқаро фестиваллар демократик ёшлар ва студентлар орасида машҳур бўлиб кетди. 1985 йил ёзида Москвада 157 мамлакатдан келган 20 мингдан ортиқ вакил иштирокида XII Ёшлар ва студентлар жаҳон фестивалининг ўтказилиши барчаниннг эътиборини ўзига тортди.

Тинчлик тарафдорларининг ташкилотлари Американиннг ўртача оқисликка учадиган ядро ракеталари НАТО аъзолари бўлган бир қанча давлатлар территориясида жойлаштирилишига қарши чиқдилар, Қўшма Штатларининг милитаристик программаларини, унинг қуролланиш пойғасини космосга кўчириш ниятини қораладилар. Тинчлик учун курашчилар СССРнинг уруш хавфини камайтиришга қаратилган куч-гайратларини актив қўллаб-қувватламоқдалар, тинчлик учун оммавий юришлар ўтказмоқдалар. Тинчликни ва халқлар ўртасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш ишига қатта ҳисса қўшган ўнлаб атоқли тинчлик учун курашчилар юксак ва фахрли мукофот -- «Халқлар ўртасида тинчликни мустаҳкамлаш учун» халқаро Ленин мукофоти билан тақдирланди. Тинчлик учун кураш авангардида коммунистлар бормоқда. Улар ўзлари учун тинчликни ҳимоя қилишдан кўра зарурроқ, биринчи даражали вазифа йўқ эканлигини амалий фаолниятлари билан исботладилар.

«Урушнинг олдини олиш, инсониятни фалокатдан сақлаб қолиш мумкин, -- деб таъкидланади янги таҳрирдаги КПСС Программасида. -- Бу -- социализмнинг, Ер юзидаги барча тараккийпарвар, тинчликсевар кучларнинг тарихий бурчидир (Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Программаси: Янги таҳрири. -- 25- бет).

#### Савол ва топшириқлар

1. Амал қилиши халқаро кескиликни юмшатишга олиб келган объектив ва субъектив факторларни аниқланг. 2. Кескиликни юмшатиш жараёнининг асосий ютуқлари нималардан иборат? 3. Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган Кенгашининг якуларини баҳоланг. 4. 70- йиллар охири -- 80- йиллар бошларида халқаро вазиятнинг ёмонлашуви нима билан изоҳланди? 5. «КПСС XXVII съездининг материаллари» дан (КПСС Марказий Комитети Сиёсий докладининг

(I ва IV бўлимлари), М. С. Горбачевнинг КПСС XIX Бутуниттифок конференциясидаги докладидан (I бўлим, 4- §) фойдаланиб, СССРнинг янгича сиёсий фикрлаш асосида жаҳондаги энг мухим муаммоларга ҳозирги ёндашишини қандай тушунтиришини, унинг дастлабки ижобий натижаларини нималарда кўришини сўзлаб беринг. 6. БМТнинг халқаро аҳамиятини айтиб беринг. СССР ва бошқа социалистик мамлакатлар тинчликни мустаҳкамлаш учун БМТда актив кураш олиб бораётганидан дарак берувчи мисолларни келтиринг. 7. Вақтли матбуот материалларини ва илмий-оммабоп нашрларни жалб қилган ҳолда ядро куралига қарши оммавий ҳаракатнинг ҳозирги босқичи тўғрисида ахборот тайёрланг.

## 10-БОБ

### *Энг янги даврда маданиятнинг ривожланиши*

#### **64- §. Энг янги даврда фан ва техника. Фан-техника революцияси**

XIX аср охири — XX аср бошларида табиий фанлар инсониятни қандай ютуқлар билан бойитганлигини эсланг (янги тарих дарслиги, 1871—1917, 29- § га қarang).

**1. Фан ва техника ютуқлари.** XIX — XX асрларнинг маррасида физика соҳасидаги кашфиётлар дунёнинг электромагнит манзарасини қарор топтирди, нисбийлик назариясини, квант механикасини, атомнинг дастлабки сунъий моделларини яратишга олиб келди. Физика энг янги даврда ҳам табиий фанлар орасида юқори мавқелилигини мустаҳкам сақлаб қолди. 1919 йилда биринчи марта ўларок атом ядросини парчалашга муваффақ бўлинди, иккинчи жаҳон уруши арафасида эса турли мамлакатларнинг олимлари уран атомлари бўлинишининг занжир реакциясини кузатдилар. Американинг уран реактори 1942 йилда ядро энергиясини олиш имкониятини очиб берди. Бироқ империализмнинг агрессив табиати туфайли жаҳон бу имкониятдан фақат 1945 йилда Япония шаҳарлари устида атом бомбалари портлаганидан кейингина хабар тонди. 1954 йилда Совет Иттифоқида биринчи атом электр станцияси (АЭС) ток берди.

Электромагнит тўлқинлари физикасининг амалда ишлаб чиқилиши 20- йилларда телевидениенинг, 30- йилларда радиолокациянинг, 40- йилларда радиоастрономиянинг, 50- йилларда эса космик алоқани зарур кучайтиргичлар билан таъминлаган ва фанга лазер сингари универсал асбоб берган квант электроникасининг туғилишига олиб келди. Радио электроника соҳасидаги муваффақиятлар 40- йилларда АҚШ билан СССРда дастлабки электрон-ҳисоблаш машиналари (ЭХМ) яратишга имкон берди, улар кейинчалик соф ҳисоблаш функцияларини бажаришдан экономикани программалаш, космик учинларни бошқариш, медицина диагностикаси ва шу каби бошқа анча қийин вазифаларни ҳал қилишга ўтди.

Космосни ўзлаштиришни Совет Иттифоки бошлаб берган бўлиб, у 1957 йилда Ернинг биринчи сунъий йўлдошини орбитага олиб чиқди. 1961 йилда СССР граждани Юрий Гагарин жаҳоннинг биринчи космонавти бўлди. Космонавтика ютуқлари халқ хўжалигига хизмат қилдирилди. Ғоят аннқ ишлайдиган хилма-хил аппаратлар билан жиҳозланган йўлдошлар метеорология ахборотларини юбориб турмоқда, табиий ресурсларни разведка қилишда ёрдам бермоқда, ҳосилнинг аҳволини кузатмоқда, радиоалоқа ва навигация эҳтиёжларини таъминламоқда.

1969 йилда Америка астронавти Нейл Армстронг Ойга қадам қўйди. Кейинчалик Совет космик станциялари Венера ва Марс заминининг химиявий составини аниқладилар. Галлей кометасини тадқиқ қилдилар. Совет ва Америка олимларининг биргаликдаги куч-ғайратлари билан ер қуррасининг географияси аниқланди, бошқа планеталарнинг карталари тузилди. Қудратли радиотелескоплар инсон ақл-идрокининг узокдаги галактикаларга ёриб ўтишини таъминлади ва Коинотдаги қолдуз материаси эволюциясининг қутилмаган ҳодисаларини — пульсарлар, квазарлар, «қора туйнуқлар» ва бошқаларни очишда ёрдам берди.

Космосни ўрганишда халқаро ҳамкорлик муваффақиятли йўлга қўйилмоқда. 1975 йилда совет ва америка космик кемалари «Союз» билан «Аполлон»нинг биргаликда учини амалга ошиди. Кейинги йилларда СССР космонавтлари билан биргаликда совет орбитал станцияларида уларнинг кўнгина социалистик мамлакатлардаги, шунингдек Франция ва Ҳиндистондаги ҳамкасблари самарали ишлади.

Фан-техника тараққиёти транспорт техникасини тубдан ўзгартириб юборди. Реактив двигателлар билан таъминланган самолётлар товуш тўсигини енгди. Улар юзлаб тонна юкларни кўпнинг километр масофага ташиб бермоқда. Океанга ярим миллион тоннагача нефть сиғадиган жуда катта танкерлар чиқди. Арктика музликларида қудратли музёрар атом кемалари ишлаб, қутбда йил давомида қатновини таъминламоқда.

Химия фани катта муваффақиятларга эришди. Юқори температуралар, ўта юқори босимлар, электр ва магнит майдонлари ёрдамида ғоят қимматли фазилатларга эга бўлган моддалар — ўта тоза ва ўта қаттик, пўлатдек пишиқ, лекин унда 7—8 барабар енгил моддалар олинмоқда. Химиянинг муваффақиятлари пластмасса, каучук, синтетик толалар, дори-дармонлар ва ҳоказолар ишлаб чиқарувчи саноатнинг ғоят муҳим тармоқларини барпо этиш имконини берди.

XX аср ўрталарида физика ва химия билан бир қаторда табиатшуносликда биология, айниқса генетика етакчи ўринга чиқди. 50-йиллар бошида нуклеин кислоталарининг тузилиши кашф этилди, уларнинг оксиллар синтез бўлишидаги роли аниқланди. Биологлар ва биохимиклар генларнинг тузилишини аниқлаганларидан кейин ва ирсият механизмининг очанларидан кейин жонли мавжудодлар табиатини инсон учун керакли йўналишда ўзгарти-

ришга, хусусан витаминлар ва гормонлар, антибиотиклар ва ўғитлар ҳосил қилишга ёрдам берадиган микроорганизмларни яратишга қодир бўлган ген инженерияси усуллари ишлаб чиқилди.

Юқори савиядаги биологик ва биохимиявий кашфиётлар медицинанинг реаниматология, анестезиология, иммунология каби муҳим тармоқларини вудужга келтиришга ёрдам берди. Хирургия буйракни, сўнгра эса юрак, ўпкани, инсон танасининг бошқа аъзоларини кўчириб ўтқозишни ўзлаштириб, врачларнинг азалий орзусини рўёбга чиқарди. Бир қанча мамлакатларнинг врачлари ва инженерлари суңий юрак яратиш устида муваффақиятли иш олиб бормокдалар.

Фан ва техниканинг эволюцияси уларни революцион янгилаш билан алмашина бошлади. Кейинги 25—30 йил ичида техника мисли кўрилмаган даражада ўзгарди, дунёнинг илмий манзараси тўларок бўлиб қолди. Ҳозир тайёрланаётган машиналар, аппаратлар, асбобларнинг ярмидан кўпроғи ХХ асрнинг биринчи ярмида йўқ эди. Ихтиро ва кашфиётларнинг, янги технологиянинг тобора жадаллашаётган оқими ХХ асрнинг 60- йилларда *фан-техника революцияси* (ФТР) деган ном олди.

2. **ФТРнинг моҳияти ва асосий жиҳатлари.** ФТРнинг моҳияти фанни жамиятнинг бевосита ишлаб чиқарувчи кучига айлантиришдан иборатдир. Фан билан техниканинг, фан билан ишлаб чиқаришнинг чатишиб кетиши илмий кашфиёт қилинган пайт билан уни амалда рўёбга чиқариш ўртасидаги узилишни мисли кўрилмаган даражада қисқартирмокда. Фотография гоясини амалга ошириш учун 112 йил, радиони амалга ошириш учун 35 йил, телевидениени амалга ошириш учун 12 йил керак бўлган эди. ЭҲМ ва лазерни яратиш учун 4—6 йил кифоя қилди, куёш батареялари ва интеграл схемалар эса 2 йил ичида жорий этилди. Фаннинг ишлаб чиқаришнинг етакчи кучига айланиши йирик sanoat корхоналарини лабораториялар, тажриба-конструкторлик бўлимлари, экспериментал цехлар билан таъминлашни келтириб чиқарди.

ФТР ишлаб чиқарувчи кучларнинг ҳамма элементларини — энергетика, техника, меҳнат материаллари, технологияни, ниҳоят, одамнинг ўзини ҳам ўзгартиришни англатади. Энергияга тобора ошиб бораётган эҳтиёжлар кўпгина мамлакатларда атом электр станциялари (АЭС) барпо этилишига олиб келди. Куёш, океанлар, чуқур ер ости энергиясидан фойдаланиш бошланди. Экология жиҳатидан тоза бўлган термоядро АЭСлари чекланмаган энергия манбаи бўлади.

Техника соҳасидаги бош йўналиш ишлаб чиқаришни, контроль қилиш ва бошқаришни комплекс автоматлаштиришдан, рақамли программа билан бошқариладиган станоклардан мосланувчан автоматлаштирилган линияларга ўтиш, компьютер системалари билан бошқариладиган одамсиз технологиядан иборатдир. Ишлаб чиқаришга янги конструкцион материалларгина эмас, балки технологиянинг мутлақо янги принциплари ҳам (масалан, материал-



ларга лазер, газ плазмаси, электрон-нур, ультратовуш усуллари ёрдамида ишлов бериш) жорий этилмоқда.

ФТР янги ғоялар ва принципларнинг генератори ролини ўйнаётган, билимларни қўлланишнинг илгари маълум бўлмаган соҳаларини, янги ишлаб чиқариш усулларини кашф этаётган фундаментал фанларни устун даражада ривожлантирган тақдирдагина ФТР муваффақиятли авж олиши мумкин.

Мисли кўрилмаган даражада тез ҳаракат қиладиган микропроцессорлардан, шунингдек ахборот сифми ғоят катта бўлган видеоисклардан фойдаланиладиган ЭҲМларнинг янги авлодларини яратаётган ахборот индустрияси ҳозирги кунларда фан-техника таракқиётини жадаллаштиришнинг қудратли катализатори бўлиб хизмат қилмоқда. Компьютерлаш ижтимоий ҳаётнинг деярли барча соҳаларини қамраб олмоқда, глобал характер касб этмоқда, синф хоналарига, оила турмушига кириб келмоқда.

ФТР маромининг жадаллашуви бизнинг кўз ўнгимизда юз бермоқда. Билимларнинг жамғарилиши кўчки тусини олмоқда. Агар XX аср бошларида миллионта янги химиявий маълумот 31 йил давомида тўпланган бўлса, иккинчи, учинчи ва тўртинчи миллионларни тўплаш учун тегишли суратда 18, 7 ва 4 йил керак бўлди. 1949 йилдан кейинги 40 йил ичида ЭҲМларнинг 4 авлоди алмашди. 90- йилларда «сунъий ақл» га эга бўлган, ноаниқлик ва таваккалчилик шароитида қарорлар қабул қилишга қодир бўлган компьютерларнинг бешинчи авлоди ишга туширилади. Янги технология оқими бундан буён ҳам тобора жадал суръатлар билан ошиб боради.

ФТРнинг жамиятга таъсири кўп томонлама характерга эга бўлиб, инсон фаолиятининг ҳамма турларини қамраб олмоқда. Автоматлаштириш жараёнида одам фақат контроль қилиш функцияларинигина ўзида сақлаб қолади. Ишлаб чиқаришдаги революцион ўзгаришлар кетидан аҳолининг социал структурасида туб ўзгаришлар юз бермоқда. Учинчи минг йиллик бошларидан эътиборан аҳолининг кўпчилиги қисми моддий ишлаб чиқариш соҳасида эмас, балки хизмат кўрсатиш, таълим, медицина, бошқарув соҳаларида меҳнат қилади. Меҳнат унумдорлигининг жадал ўсиши иш кунининг узунлигини қисқартиришга, отпускарларни узайтиришга, меҳнаткашларнинг реал даромадларини кўпайтиришга имкон беради. Бирок ФТР ходимларни моддий жиҳатдан таъминлашга ёрдам бериш билан бирга, уларга янги вазифалар ҳам юклайди. Техниканинг янгиланиш суръатлари биринчи марта ўларок ишчилар авлодининг ашмадинишидан ўзиб кета бошлади. Техниканинг тўхтовсиз алмаштирилиши уни бошқарувчи кишидан динмо қайтадан ўқишга, малакасини ўзгартиришга, ишлаб чиқаришнинг ўзгарувчи шароитларига тез мослашишга тайёр туришни талаб қилмоқда. ФТР меҳнат, маданият, рўзгор ва дам олиш соҳасига кириб бориб, инсоннинг маънавий ривожланишини, ижодий қобилиятларини рағбатлантирмоқда, ижтимоий таракқиётнинг қудратли тезлаткичи бўлиб майдонга чиқмоқда.

**3. Капитализм шароитида ФТР.** Капиталистик мамлакатларда одамлар: автоматлаштириш яхшими ёки ёмонми деган саволга турлича жавоб беришмоқда. Бизнесменлар корхоналарда автомат линиялар ва роботлар жорий этилишидан мамнунлар, ишчилар бундан безовта бўлишади, чунки ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва роботлаш иш жойларининг йўқотилишига олиб келади. Америкалик социолог М. Харрингтон автомобиль компаниясининг бошлиғи Форд билан касаба союз лидери Рейтер дастлабки роботлар ўрнатилган цехларни бориб кўрганликларини ҳикоя қилади. «Мана менинг роботларим! Улар, ҳеч бўлмаганда, иш ташлашмайди»,— деб мактанди, автомобиль қироли. «Улар сиз чиқарган машиналарни сотиб олишадими?»— деб сўради кесатик билан касаба союз лидери.

Капитализм шароитида ФТРнинг ривожланиши — зиддиятли жараён дир. ФТР аҳолининг кенг қатламларига анчагина бойлик ва қулайликлар беришини инкор этиб бўлмайди. Улар бу бойлик ва қулайликларни рўзгорда, савдода ва молиявий ҳисоб-китобларда, транспорт ва алоқадан фойдаланган пайтда, ниҳоят турли даражаларда билим олиш жараёнида сезмокдалар. Капитализм ФТР ютуқларидан ўз системасини янада мосланувчан, ҳаракатчан ва рақобатлаша оладиган қилиш учун фойдаланишга интиломокда.

Айни вақтда ФТРнинг жуда катта имкониятлари билан монополияларнинг худбинлик максадлари ўртасидаги карама-қаршилик кучайиб бормоқда. Плансиз автоматлаштириш меҳнаткашларнинг турмуш даражасига зарар келтирмоқда. Фан ва техника муваффақиятлари капитализм шароитида гражданларнинг фаровон яшашини ҳам, социал адолатни ҳам таъминлаб бермайди. Жамиятнинг технологияни танлаб олиш ва уни қўллашни контрол қилиб туриши борган сари зарур бўлиб қолмоқда.

Энг йирик капиталистик мамлакатларда ФТРнинг ҳарбий соҳага қаратилаётгани бутун инсоният учун, шубҳасиз, хавфли дир. Қурол-яроғлар ва одамларни қириш воситалари ишлаб чиқариш воситаларига қараганда тезроқ такомиллаштирилмоқда. Тарихда биринчи марта ўларок, фан ва техникадаги сифат сакраши инсонни Ер юзидаги барча жонли нарсаларни йўқ қилиб юборишга қодир қилиб қўйди. АҚШ империалистик доираларининг СМТ программасини амалга ошириш, яъни космосда ядро, лазер ҳамда бошқа оммавий қирғин қуролларини жойлаштириш йўли билан СССРдан ҳарбий жиҳатдан устун бўлиб олишга интилаётгани айниқса ташвиш тугдирмоқда. Бу программанинг ақл бовар қилмайдиган даражада қимматга тушиши уни ҳарбий-саноат комплекси учун айниқса жозибали қилиб қўймоқда, чунки бу комплекс ундан жуда катта фойда олади. Қосмик комплексни компьютерларнинг бошқариши ҳаддан ташқари катта хавф манбаи бўлиши мумкин, чунки у тасодифан уруш чиқиб кетиши хавфини анча оширади.

**4. ФТР ва социализм.** Социализмнинг ривожланишининг энг янги техника ва фансиз тасаввур қилиб бўлмайди. ФТР социализмнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга ёрдам беради. Шу сабабди фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш факат иқтисодий вазифагина эмас, балки сиёсий вазифа ҳамдир. *ЎИЁК аъзолари бўлган мамлакатлар ягона, келишилган илмий-техникавий сиёсатни амалга оширмоқдалар. ЎИЁК аъзолари бўлган мамлакатларнинг фан-техника тараққиёти соҳасидаги 2000 йилгача мўлжалланган комплекс программасида* ғоят муҳим йўналишларда фан, техника ва ишлаб чиқаришнинг энг юқсак даражасига эришиш, 2000 йилга бориб, ижтимоий меҳнат унумдорлигини икки баравар ошириш вазифаси қўйилган.

Социалистик мамлакатларда ФТР экономика, маданиятга, шахсга кўрсатаётган таъсирни жамият йўлга солиб туради. Янги техникани жорий этиш ишчилар синфи, деҳқонлар, зиёлиларнинг бир-бирига яқинлашувига, ақлий меҳнат билан жисмоний меҳнатнинг фарқларини йўқотишга, қишлоқ хўжалик меҳнатини индустриал меҳнатнинг бир турига айлантиришга ёрдам бермоқда. Меҳнат унумдорлигининг ошиши бўш вақтнинг кўпайишига, инсонга муносиб турмуш шароитларини яратишга, шу йўл билан эса шахснинг қобилиятларини намоён қилишга ва уни ҳар томонлама ривожлантиришга олиб боради. Шундай қилиб, *социализм даврида ФТР чинакам инсонпарвар характерга эга, бутун жамиятнинг манфаатларига хизмат қилади.*

Меҳнатни социалистик тарзда ташкил этиш меҳнаткашларни ишлаб чиқаришни техникавий жиҳатдан такомиллаштиришдан манфаатдор қилади. Автоматлаш, техника янгиликлари меҳнаткашларга ишсизлик хавфини солмайди. Корхоналарда кашфиётчилик ва рационализаторлик иши учун қулай маънавий психологик иқлим вужудга келтирмоқда. Масалан, ГДРда ҳар уч-тўрт ишчининг биттаси ишлаб чиқариш илғоридир. Бу ерда «МММ» белгиси жуда машҳур бўлиб, ёш кашфиётчилар «эртанги кун усталари»нинг ҳар йилги техника кўргазмалари ана шу белги остида ўтказилади.

Бирок социализмда план асосида ишлашнинг ўзи ҳали фан ва техникани самарали бошқаришни гарантияламайди. Субъектив хатолар натижасида илмий кучлар ва моддий маблағларни ўз вақтида генетиканинг фундаментал муаммоларига тўпилашга муваффақ бўлинмади, бу эса қишлоқ хўжалигини интенсивлашда, биотехнологияни ривожлантиришда қолоқликка олиб келди. Техника ютуқлари халқ хўжалигига етарли суръатлар билан жорий этилмади, ишлаб чиқаришда ресурсларни тежайдиган жараёнлардан (чиқитсиз технологиядан) кам фойдаланилди, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш тадбирларини ишлаб чиқиш учун ҳамма вақт ҳам илмий тавсиялардан фойдаланилмади. КПСС XXVII съезди, социалистик мамлакатлардаги кардош партияларнинг съездлари фан-техника тараққиётидан экономикани ривожлантириш, халқларнинг турмуш даражасини ошириш, ерга, унинг бой-

ликларига, кўллар ва дарёларга, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига авайлаб муносабатда бўлишга қаратилган кенг программани белгилади.

**5. ФТР ва ҳозирги замоннинг дунё микёсидаги муаммолари.** Кейинги ўн йилликлар тарихи ФТРнинг жуда катта имкониятлари билан саноатнинг ривожланиши бу имкониятлардан бутун инсоният манфаатларини кўзлаб фойдаланиш йўлида қўйган тўсиқлар ўртасидаги зиддиятни кўрсатиб берди. XX асрнинг 70- йилларида капитализм энергетика кризисига — нефть соҳасидаги қаттиқ тақчилликка, шунингдек экология кризисининг жиддий нишонларига — сув, тупроқ, ҳавонинг саноат чиқитлари билан зарарланишига дуч келди. Индустриянинг гуркираб ривожланиши табиий ресурсларнинг камайиб кетишига олиб келмоқда, инсоннинг яшаш муҳити таҳликали даражада ифлосланиши хавфини тугдирмоқда.

Капитализмнинг экология кризисини енга олмаслигини англаётган ғарблик баъзи олимлар уни бутун инсониятнинг кризиси деб эълон қилдилар. 70- йилларда «Планета хавф остида» ва «Инсоният омон қолиши мумкинми?» деб номланган китоблар пайдо бўлди. Уларнинг муаллифлари табиатни қутқариб қолиш учун ФТРни секинлатишни таклиф қилдилар, «йўқ даражада ўсиш» принципини илгари сурдилар ва ҳатто патриархал кишлоқнинг натурал хўжалигига қайтишни таклиф қилдилар.

Бироқ жаҳон жамоатчилиги тараққиёт йўлини ташлаб кета олмайди, ФТР ютуқларидан воз кеча олмайди. Ер қуррасида экологик мувозанатни сақлашни, жамият билан табиатнинг муносабатлари уйғунлашувини фақат халқлар ўртасида актив ҳамкорлик билангина ишончли суратда таъминлаш мумкин. Саноати тараққий этган барча мамлакатларнинг илмий-техникавий потенциални бирлаштириш очлик ва қашшоқликни бартараф этишга, касалликларни енгишга, саводсизликни тугатишга, атроф-муҳитни муҳофаза қилишни таъминлашга имкон берган бўлур эди.

Инсонпарварлик руҳидаги илмий дунёқараш тарих тўплаган барча билимларга, маънавий бойликларга ва ахлоқий қадриятларга таянади. бундай дунёқарашни шакллантиришда, янгича снёсий фикрлашни кенг ёйишда, инсон омилини активлаштиришда санъат ва адабиёт муҳим роль ўйнамоқда. Рассомлар ва ёзувчиларнинг энг яхши асарлари тинчлик ва демократиянинг юксак идеалларини тарбиялашга ёрдам бермоқда, бурч ва масъулият ҳиссини тарбияламоқда, шахсни қайғудош бўлишга, инсоният тақдирини учун таъвишланишга ўргатмоқда.

#### **Савол ва топшириқлар**

1. Қўшимча адабиётни жалб қилган ҳолда кейинги ўн йилликларда фан ёки техника соҳаларидан бирида эришилган энг катта ютуқлар ҳақида ахборот тайёрланг. 2. ФТРнинг асосий жиҳатларини аниқланг. 3. ФТРнинг социал оқибатлари социализм ва капитализм даврларида нимаси билан ўхшаш ва нимаси билан фарк

килади? Сизнингча, ФТР ютуқларидан инсониятнинг оламшумул муаммоларини ҳал қилиш учун қандай фойдаланиш мумкин?

## 65- §. Жаҳон маданиятида кучларнинг янгича жойлашиши

Капиталистик мамлакатларнинг ҳар бир миллий маданиятидаги икки маданият тўғрисидаги ленинча таълимот нимадан иборат эканлигини эслаг. «Буржуа маданияти», «социалистик маданият», «демократик маданият» деган тушунчалар нимани англатади? СССРдаги маданий революциянинг асосий натижалари қандай? (Янги тарих дарслигининг 30—31- §. СССР тарихи дарслигининг 60- § ларига қаранг.)

1. Демократик зиёлилар кайфиятларидаги бурилиш. Октябрь революцияси фақат экономика ва сиёсат соҳасидагина эмас, балки инсониятнинг маънавий ҳаётида ҳам буюк тарихий марра бўлди. Демократик ва социалистик маданият илғари фақат миллий маданиятнинг элементлари сифатидагина ривожланиб келган эди.

Энг янги даврда жаҳон социалистик маданияти социалистик мамлакатларнинг маданиятидан ҳамда капиталистик ва ривожланмаётган мамлакатлардаги тез ўсаётган социалистик маданият элементларидан иборатдир. У билан ўзаро боғланган ҳолда ва унинг таъсирида демократик маданият ўсмоқда ва ривожланмоқда.

Прогрессив кайфиятлар Ғарб мамлакатларидаги ижодий зиёлиларнинг кенг қатламларини қамраб олди. Улуғ Октябрь ва Октябрдан кейинги йиллардаги революцион жанрлар бадний ва илмий зиёлиларнинг бир қисмини профессионал манфаатларини тор доирасидан тортиб олди.

Прогрессив тенденция атоқли француз ёзувчиси Анри Барбюснинг (1873—1935) ижтимоий ва абадий фаоллигида яққол намоён бўлди. Ешлигида у декадентча шеърларини, сўнгра эса адабиётда жиддий из қолдирмаган новелла ва романларини эълон қилди. Бироқ у уруш йилларини оқолларда ўтказиб, Франциянинг «оддий кишилари» — ишчилар, деҳқонлар, хизматчиларга яқиндан дуч келди. Уларнинг ҳаёти. Барбюс сўзлари билан айтганда, «қаҳрамонликнинг узлуксиз зуҳур этиши» эди. Уларнинг қарашлари, хис-туйғулари, маънавий принциплари ёзувчининг жон-танига сингиб кетди, унинг ижодининг маънавий негизи бўлиб қолди.

Оқолларда француз ва жаҳон адабиётида йирик воқеа бўлган новаторлик асари «Ўт» романи яратилди.

В. И. Ленин Барбюс романига юқори баҳо берди: «Гоялар ва хурофотларга тамоман асир бўлиб, эзилиб кетган мутлақо подон обиватель ва масҳарабознинг худди шу уруш таъсири остида революционерга айланганлиги романда ниҳоятда кучли килиб, усталик билан тўғри кўрсатилган» (В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами. 39- том, 123- бет).

1919 йилда Барбюс ёзувчилар ва маданият арбобларининг халқаро антимпериалистлар уюшмаси «Кларте»ни (французча *clarte* — нур, равшанлик деган сўздан) ва ўша ном остида журнал ташкил этди. Уюшма Советларга қарши интервенцияга, милитаризмга, янги урушни тайёрлашга қатъиян қарши чиқди. «Рус ҳақиқатини химоя қилиб, инсон ҳақиқатини асраб қолинг» — Барбюснинг бу сўзлари «Кларте»нинг ўша вақтдаги энг далзарб масаладаги позициясини ифодалар эди.

«Кларте» группалари кўпгина мамлакатларда вужудга келди. Францияда А. Франс, Англияда Г. Уэллс, Б. Шоу, Германияда — Г. Манн, Хиндистонда Р. Тагор ҳаракатда актив иштирок этдилар. (Бу ёзувчиларнинг Октябрдан олдинги ижоди ҳақида янги тарих дарслигининг 31- § ига қаранг.) Ҳаракат фаол иш олиб борган даврда (20- йилларнинг ўрталарига қадар) демократик зиёлилар билан революцион омма ўртасидаги ғовни енгишга ёрдам берди.

Баъзи ёзувчи ва рассомлар уруш даҳшатларидан мажруҳ бўлган ва жирканч жамиятдан юз ўгириб ўз инсоний кадр-қимматларини сақлаб қолишга ҳаракат қилган одамларни тасвирлар эдилар. Немис ёзувчиси Э. М. Ремаркнинг «Гарбий фронтда ўзгариш йўқ» ва «Уч ўртоқ» романларининг қахрамонлари кутулиш йўлини фронтдаги дўстликка садоқатдан изладилар. Инглиз ёзувчиси Р. Олдингтоннинг «Ҳамма одамлар — душман» романининг қахрамони бахт топининг бирдан-бир имкони ўзи севган аёл билан бемаъни дунёдан кечиб романтик Эа оролинг яшириниб олишдан иборат деб билади. Ҳатто Эрнест Хемингуэй (1899—1961) каби талантли ёзувчи ҳам 20- йилларда умидсизликка тушган, адоватли дунёдан кутулиш йўлини беҳуда излаётган одамлардан бошқа қахрамонларни кўрмаган эди.

**2. Маданият соҳасида халқ fronti.** 30- йиллардаги демократик юксалиш ижодий зиёлиларга жуда катта ва самарали таъсир кўрсатди. Фашизм инсон маданиятини ҳалок бўлиш хавфи остига қўйди, шу сабабли барча мамлакатлардаги зиёлиларнинг кенг доиралари М. Горькийнинг машҳур «Маданият усталари, сиз ким билан?» деган памфлети номида кўйилган саволга дарҳол жавоб беришлари керак эди.

**1935 йилда** Парижда ёзувчиларнинг маданиятни химоя қилишга бағишланган *Бутунжаҳон конгресси* бўлиб ўтди. Унда совет ёзувчилари билан бирга дунёнинг кўпгина мамлакатларидаги маданият усталари қатнашди. Иккинчи конгресс жанг қилаётган Испанияда 1937 йилда ўтказилди.

Испаниядан Э. Хемингуэй америка ва жаҳон матбуотига репортажлар юбориб турди, «Испания тупроғи» деган ҳужжатли фильм яратди. Бу ерда у адолатли иш учун жанг қилаётган ҳақиқий фаол қахрамонларни топди ва унинг «Кўнгирик кимни ёллаб бонг уромқда» деган романи ёзувчи ижодида бурилиш нуқтаси бўлди. Фашизмга қарши биринчи урушда ҳалок бўлган жасур

америкалик Жорданнинг ёқимтой образи Хемингуэй яратган бир қатор образлар ичида энг катта ютук бўлиб қолади.

Машхур француз rassomi Пабло Пикассо (1881—1973) «Герника» деган жуда катта панно яратди. Шу вақтда қадар кўпроқ кубизмнинг асосчиларидан бири (янги тарих дарслиги, 30- § га қаранг) ва ярим абстракционистик полотноларнинг муаллифи сифатида танилган rassom ғоят кескин сиёсий мавзуга мурожаат қилди: Герника — Испаниядаги кичикроқ шаҳарча бўлиб, фашистлар авиацияси томонидан бир кечада йўқ қилиб ташланган.

Ижодий зиёлиларнинг ишчилар синфи билан яқинлашиши демократик ва социалистик маданиятни ривожлантириш учун янги имкониятлар яратиб берди. Йирик композитор коммунист Алан Буш раҳбарлиги остида Англияда «Ишчилар музика уюшмаси» пайдо бўлиб, у ҳор жамиятларини, ҳаваскор оркестрлар, яқка ижрочиларни бирлаштирди. Профессинал ва ҳаваскор актёрлар «Юнити» «Бирлик» деган новаторлик театрини ташкил этдилар. Бу театр совет ва прогрессив чет эл драматургларининг пьесаларини кўяр эди. Францияда Совет Иттифокидаги маданий марказларга ўхшаган маданият уйлари ташкил этилиб, улар кенг ёйилди.

30- йилларда вужудга келган анъаналар шунга ёрдам бердики, иккинчи жаҳон уруши даврида илғор маданият арбоблари ўз ижодларини фашизмга қарши кураш вазифаларига онгли суратда бўйсундирдилар. Улар Қаршилик кўрсатиш ҳаракатида бевосита қатнашиб, ёки муҳожирликда бўлиб, мақола ва шеърлар ёздилар, плакат ва карикатуралар яратдилар, радио орқали ўз халқларига мурожаат қилдилар ва шу тарикка умумий ғалабани яқинлаштиришга катта ҳисса қўшдилар.

**3. Социализм мамлакатларидаги маданий революциялар.** Европа ва Осиё мамлакатларидаги, сўнгра эса Кубадаги социалистик революциялар бу мамлакатларда маданиятни ғоят юксалтириш, маданий революцияни амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратди.

Аҳолининг асосий кўпчилиги саводсиз бўлган Хитой, Вьетнам, Кореядаги халқ ҳокимияти органлари катта ёшли аҳолининг умумий саводхонлиги учун курашга киришдилар. Шу билан бирга умумий мажбурий бошланғич таълим жорий этилди. Кейинчалик мажбурий таълим олиш 14—15 ёшлиларга ҳам тааллуқли қилиб қўйилди. ГДР ва баъзи бошқа мамлакатларда ўрта маълумот олиш мажбурий бўлиб қолди.

Коммунистик ва ишчи партиялар барча мамлакатларнинг миллий маданиятларида мавжуд бўлган демократик анъаналарга таяниб, жуда катта идеологик ва маданий ишга бошчилик қилдилар. Социалистик маданият қурилишига фан, адабиёт ва санъатнинг таниқли арбоблари фаол кўшилдилар. Улар орасида атоқли чех олими Зденек Неєдли, немис антифашист ёзувчилари Иоганнес Бехер, Анна Зегерс, болгар адабиётининг классиги Людмил

Стоянов, поляк шоири Юлиан Тувим, венгер композитори Зольтан Кодай, румин ёзувчиси Михаил Садовяну ва бошқа кекса авлод маданият усталари бор эди.

Шу билан бирга халқ ҳокимияти яшаб турган ўн йилликлар мобайнида зиёлиларнинг янги авлоди етишиб чиқди. Улар орасида ишчилар синфи ва деҳқонларнинг биринчи марта олий маълумот олган вакиллари кўпчиликни ташкил этади. Улар болалик ёки ўсмирлик йилларида нарксча-ленинча дунёқараш руҳида тарбияланган эдилар.

Барча социалистик мамлакатларнинг маданияти совет маданиятининг самарали таъсири остида ва у билан доимий ўзаро алоқада ривожланиб келмоқда. Совет фани ва маданиятининг ютуқлари тезгина жаҳон социализмининг маданий бойлигига айланиб кетмоқда. Маданият даражаларининг яқинлашуви ва миллий социалистик маданиятларининг бир-бирларини бойитиши жаҳон социалистик системаси тараққиётининг қонуниятига айланиб қолди.

**4. Социалистик ва демократик маданият таъсирининг ўсиши.** Гарчи капитализм дунёсида аввалгидек буржуа маданияти ҳукмрон бўлса-да, ҳатто империализм кўрғонларида ҳам социалистик ва демократик маданиятнинг позициялари мустаҳкамланиб, таъсири ўсиб келмоқда. Кўпгина капиталистик мамлакатлардаги коммунистик партиялар ўз нашриётларига, кенг тармоқ отган матбуотларига, марксист олим кадрларига, ўз илмий марказларига эга.

Коммунистик партиялар раҳбарлиги остида илғор маданият арбоблари оммавий маданий ташкилотлар билан биргаликда социалистик маданиятни ривожлантириш ва унинг ютуқларини пропаганда қилиш соҳасида хилма-хил иш олиб бормоқдалар. Ҳар йили Париж атрофидаги шаҳарларда юз минглаб кишилар — французлар ва чет элликлар иштирокида ўтадиган «Юманите» байрамлари ана шу фаолиятнинг кўлами ва шакллари ҳақида тасаввур беради. Социалистик ва демократик маданиятнинг интернационализи ёшлар ва студентларнинг жаҳон фестивалларида янада ёрқин намоён бўлмоқда.

Мустамакчилик зулмидан озод бўлган мамлакатларда демократик маданий революция амалга оширилмоқда, бу мамлакатларнинг ўсиб бораётган ишчилар синфи ҳам аста-секин социалистик ва демократик маданият бойликларидан ҳам баҳраманд бўлмоқда. Саводсизликни тугатиш учун ғайрат билан чоралар кўрилмоқда, ўрта ва олий ўқув юртлари ташкил қилинмоқда, миллий зиёлилар кадрлари тез ривожланмоқда, ўзига хос бадиий маданият ўсмоқда.

Ривожланаётган мамлакатларда ҳукмрон синфларнинг қарашлари ва дидига ҳамда Ғарбдан келтирилаётган «оммавий маданият» «бойликларига» таянадиган буржуа маданияти билан халқ оммасининг идеалларини ифода этадиган демократик маданият ўртасида гоҳ муваффақиятли, гоҳ муваффақиятсиз кураш



бормоқда. Бу мамлакатлар группасининг, айниқса социализмни кўзлаб ривожланишга амал қилаётган мамлакатларнинг маданий тараққиётида Совет Иттифоқининг ёрдами жуда катта роль ўйнамоқда. 80- йилларнинг охирида СССРда жаҳоннинг 150 мамлакатидан, биринчи навбатда Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатларидан келган 110 мингдан ортиқ чет эллик ўқувчи таълим олди.

Шундай қилиб, социалистик ва демократик маданиятнинг инсоният маънавий ҳаётидаги салмоғи энг янги даврда бекиёс даражада ўсди, қудратли социал кучлар қарор топиб, бу маданият ана шу кучларга таянмоқда.

#### **Савол ва топшириқлар**

1. Октябрь революцияси таъсири остида жаҳон маданиятида юз берган асосий силжишларни таърифланг. 2. «Жаҳон социалистик маданияти» тушунчасини изохлаб беринг. 3. 30- йиллардаги урушга қарши ҳаракат ва иккинчи жаҳон урушида фашист-милитаристик блокнинг тор-мор қилиниши инсониятнинг маънавий ҳаётида қандай акс этди? 4. Жаҳон социализм системаси мамлакатларидаги маданий революцияларнинг асосий вазифалари ва натижалари қандай? 5. Совет маданиятнинг жаҳон социалистик маданиятини ривожлантиришдаги ролини аниқлаб беринг.

### **66- §. Буржуа маданияти кризисининг чуқурлашуви**

Буржуа маданияти қачон ва қандай сабаблар билан кризис палласига кирганлигини эсланг. XIX аср охири — XX аср бошларида буржуа маданияти кризисининг асосий кўринишлари қандай бўлди? Адабиёт ва санъатдаги декадентликнинг моҳияти нимада? (Янги тарих дарслиги, 30- §га қаранг.)

**1. Буржуа маданиятидаги реакцион оқимлар.** Октябрь революциясининг ғалабаси, Фарб ва Шарқ мамлакатларида революцион ҳаракатнинг қудратли юксалиши капиталистик мамлакатларнинг ҳукмрон синфларида халқ оmmasига нисбатан нафрат уйғотди. Бу нафрат уларнинг ўз бойликлари ва имтиёзлари учун, капиталистик системанинг мавжуд бўлиб туриши учун кўркиш билан аралашиб кетган эди. Буржуалар онгида тушқунлик ва ғамгинлик зўрликка сиғиниш билан, бақувват қўл воситасида меҳнатқашларнинг қаршилигини бостиришга, тарихни орқага буриб юборишга интилиш билан чирмашиб кетди.

Буржуазиянинг мана шу дунёга қарши ўта реакцион герман философи О. Шпенглернинг қарашларида, айтиш мумкинки, ўзининг тўла-тўқис ифодасини топди. У 20- йилларда шов-шувга сабаб бўлган «Европанинг заволи» деган китобида инсоният тақдирини ўзига биқиниб олган, инсон организми сингари болалик, йигитлик, етуқлик, кексалик босқичларини бошидан кечирадиган «цивилизацияларнинг» алмашиб туришидан иборат, деб даъво қилган эди. Шундан кейин ўлим келар эмиш. Шпенглернинг фикрича,

Европа «карилик» даврига етиб келди ва унинг ўлими яқинлашмоқда.

Мана шу тушқунлик концепциясидан муқаррар нарсага кўни-киш керак, деган хулоса чиқиши керак эди. Бироқ ҳар қандай мантикка зид ўларок, Шпенглар (айниқса ўзининг анча кейинги китобларида) бошқача хулосага келади: бу ўлимдан «кучли шахс», «доҳий» («фюрер») халос қилиши мумкин, у «қолган подани» ўзига эргаштириб кетади. «Цивилизациянинг барча қуйқаларидан» — гуманизм, демократия ва шу қабилардан воз кечиш керак. 1931 йилда, Германияда фашист диктатураси ўрнатилишидан бир оз олдин Шпенглер бундай деб ёзган эди: «Йиртқич — эркин ривожланаётган ҳаётнинг олий шаклидир». Гитлерчилар Шпенглер концепциясини ўзларига қурол қилиб олишлари учун унга озгина ўзгариш киритишди, холос.

Инглиз шоири ва публицисти Т. С. Элиот буржуа доираларида ва декадент зиёларнинг даврларида жуда машҳур бўлиб кетди. Унинг атайлаб мураккаблаштирилган, кўпинча ҳатто юқори билимли китобхонга ҳам тушунарли бўлмаган поэзияси оммага, «оломон», «билимсиз демократияга» нафратни ифодалайди. Элиот алоҳида олинган шахсга ҳам ана шундай нафрат билан қарайди. «Биз пўк одамлармиз, терисига сомон тикилган одамлармиз, шакли-шамойили йўқ образмиз, рангсиз шарпамиз» — у ҳозирги инсон хусусида ана шундай ҳукм чиқаради. Умуман жамият — «бесамар ердир» (Элиот ўз поэмаларидан бирини ана шундай атаган эди). У «цивилизацияни» қутқариб қолишга қодир бўлган кучни излаб ўзини ҳар томонга уради ва гоҳ бу кучни инглиз фашизмидан «топиб», уни шавқ-завқ билан табриқлайди, гоҳ эса диндан, айнқса католицизмдан топади.

Австралиялик врач ва психолог Зигмунд Фрейд ғоялари буржуазия ва буржуа зиёлилари доирасида катта таъсирга эга бўлди. Фрейднинг айтишича, одамнинг бутун ҳулқ-атвори, унинг интилишлари ва айнқса ижодий фаолияти инстинктлар билан, ижтимоий муҳитга ҳам, ақл-идрокка ҳам боғлиқ бўлмаган «ғайришуур» билан белгиланади. Шпенглернинг «йиртқичи», Элиотнинг «пўк кишилари», фрейдчиларнинг «ғайришуури» — булар инсонга ғайригуманистик қарашнинг, унинг ижодий имкониятларини, унинг дунёни билиш ва ўзгартириш қобилиятини инкор этишнинг турлича кўринишларидир.

**2. Буржуа санъатининг ривожланиши.** Мана шу тенденцияларнинг ҳаммаси *модернизм* адабиёти ва санъатида ўзининг ғоят тўла-тўқис ифодасини топди. Ушбу тушунчасининг мазмуни сўзнинг асл маъносига (французча *modern* — энг янги, замонавий деган сўздан) мутлақо мос келмайди.

Ғарбдаги тасвирий санъатда ҳам, поэзияда ҳам (камроқ даражада театр ва кино санъатида) машҳур бўлган модернизм оқимларидан бири *сюрреализмдир* (французча *surrealisme* — ўта реализм, реализмдан устун деган сўздан). Бу оқимнинг яратувчилари ва тарафдорлари ҳақиқий ёки «олий» реаллик бизни ўраб тур-

ган реал дунё билан мос келмайди, деб даъво қилар эдилар. Биздан яшириниб турган «олий» реалликни ақл-идрок эмас, балки «ғайришуур» англаб етиши мумкин. Лекин бунинг учун рассомдан ақлнинг барча «кишанларини» олиб ташлаш керак, у ғайришуурлик қаърига ботиб кетиши, инстинктларга, тушларга эрк бериши ва ўзида пайдо бўладиган сўзлар, образлар, ассоциацияларни улар нақадар бетартиб ва бир-бири билан боғланмаган бўлишига қарамай, мато ёки қоғозда қайд этиши керак.

**Абстракционизм** ҳақиқий воқеликдан батамом узилиб қолиш йўлида яна ҳам илгарилаб кетди. Биринчи жаҳон уруши арафасида пайдо бўлган бу йўналишнинг яратувчиларидан бири бундай деган эди: «Рассом картинасининг шакллари натурага ҳеч бир ўхшамасагина у ижодкор бўлиши мумкин». Абстракционизмга санъат воқеликни акс эттирмаслиги керак, балки рассом онгининг ҳолатини, тўғрироғи унинг «ғайришуурий» ҳолатини ифодалаши керак, деган эътиқод бўлган эди. Мана шу бетартиблик, ақл-идрок томонидан контрол қилиб турилмайдиган ғайришуурийлик баъзиларда рангли доғларнинг уйғунлашуви билан, бошқаларда геометрик фигуралар билан, учинчи бирларида эса бетартиб рангбаранг бўёқлар билан ифодаланadi.

Ҳозирги энг мода бўлган оқимлардан бири — *non-art* (сўзма-сўз — оммабоп санъат) бир қарашда абстракционизмдан мутлақо фарқ қилади. Аслида эса «рассомлар» мутлақо реал буюмлардан — газета парчаларидан, белжураклар, ваннаҳонанинг усқуналаридан, автомобиль ғилдираклари ва ҳоказолардан монтажлар яратишади. Бунда ҳеч қандай абстракция йўқ. Лекин аслида поп-арт фақат ташқи кўриниши билангина абстракционизмга қарама-қаршидир. Буюмлар ҳеч қандай мантиқий боғланишсиз группаланadi, улар тасодифан ва тутуруксиз танлаб олинади, бунинг натижасида ана шундай композициялар ҳам абстракционистларнинг полотнолари сингари реал дунёдан узокда туради.

Поп-арт худди ана шу дунёнинг тутуруксизлиги бемаънилиги ғоясини ифодалайди ва томошабинга тикиштиради. Тасвирий санъатдаги бу йўналиш билан бир вақтда театр санъатида ҳам унга мувофиқ бўлган оқим вужудга келганлиги тасодифий эмас. Бу театр очикдан-очик «бемаънилик театри» деб аталди. «Менинг персонажларим, — деб ёзган эди унинг яратувчиси француз драматурги Эжен Йонеско, — қалбларида қўрқув, виждон азобидан... ва ўз ҳаётларининг мутлақо бўш эканлигини англашдан бошқа ҳеч нарса бўлмагани ҳолда бетартиблик ичра дайдиб юрадилар». Шу тариқа «бемаънилик театри» дунёнинг билиб бўлмаслиги ва бетартиблиги ғоясини эълон қилибгина қолмасдан, балки одамга тарих бўронидаги қум зарраси деб, ўзгалар иродаси билан ўзини ҳар ёққа ураётган, актив фикрлаш ва ҳаракат қилишга қобилиятли бўлмаган мавжудот деб умидсизлик билан қарашни эълон қилади.

**3. «Оммавий маданият».** Удум бўлган сиёсий ва социологик концепциялар, модернизм санъати сингари, зиёлиларга маълум

даражада таъсир кўрсатмоқда. Бирок бу назарияларни тушуниш қийин бўлганлиги ҳамда модернизм поэзияси, тасвирий санъати ва шу кабилар ўта мураккаблаштириб юборилганлиги туфайли улар кенг оммага идеологик таъсир кўрсатиш учун унчалик яроқли эмас. Ҳукмрон синф оммага «оммавий маданият» методлари билан идеологик ва психологик таъсир кўрсатмоқда.

Бу тушунча, «модернизм» тушунчаси каби ўзининг специфик маъносига эга. «Оммавий маданият» — бу халқ оммасининг ҳақиқий манфаатлари, идеаллари, кадриятларини ифода этувчи ҳақиқий маданият эмас, балки оммага «юкоридан» зўрлаб тиқиштирилаётган сохта маданиятдир. *Бу иллюзиялар, капиталистик жамият тўғрисидаги бузуқ тасаввурлар, халқ маданияти билан ҳеч қандай ўхшашлиги бўлмаган сохта кадриятлар ва идеаллар комплексидир.*

«Оммавий маданият» XIX — XX асрлар маррасида пайдо бўлиб, 20- йиллардаёқ капиталистик мамлакатлар маънавий ҳаётининг муҳим элементи бўлиб қолди. Унинг типик кўринишларидан бири АКШ ва бошқа мамлакатларнинг газета ва журналларида, одатда, 10—15 сонда босиб чиқариладиган детектив ва саргузашт романлардир. Кўпгина детектив романлар ва фильмларда «олижаноб» шерифлар ва «беғараз» изкуварлар билан бир қаторда ўшаларга ўхшаш «олижаноб» гангстерлар ва «ёқимтой» котиллар ҳам пайдо бўлади. Улар кўпинча «олий одам», супермен — кучли, шафқатсиз, қўрқув нималигини билмайдиган ва ҳамиша омадли киши қилиб кўрсатилади. Бойликка сиғиниш билан бирга улар гарчи бошқа одамлар ҳаётини қурбон қилиш эвазига бўлса ҳам, муваффақиятга сиғинишнинг ифодасига айланади.

Муваффақиятга сиғиниш «оммавий маданият»нинг ғоят муҳим элементларидан биридир. Тез бойиб кетган ишбилармонларнинг, миллионлаб гонорар оладиган кино юлдузларининг биографиялари, улар хусусий ҳаётининг тафсилотлари капиталистик жамиятда барча одамлар учун «тенг имкониятлар» мавжудлиги ҳақидаги хом ҳаёлни уйғотади. «Оммавий маданият» одамларни шу жамиятда шахсан муваффақият қозониш учун курашга, демак жамиятнинг ўзини ўзгартириш учун курашдан воз кечишга қаратади. У воқеалар устида сирғалиб борар экан, омманинг маънавий ўсишини секинлаштиради, ҳукмрон ижтимоий муносабатларга, кадриятлар ва ахлоққа ўйламай-нетмай бўйсунушга ўргатади.

Бойликка ва муваффақиятга сиғиниш билан бир қаторда ҳозирги «оммавий маданиятда» шафқатсизликни, ахлоқсизликни, мешчанликни, сиёсатга аралашмасликни кўкларга кўтариб макташ устунлик қилмоқда. Бу муҳитда ҳақиқий маданиятнинг, тинчлик ва социал тараққиёт ишининг тақдири учун ғоят катта хавф яширингандир.

## Савол ва топшириқлар

1. Буржуа маданияти кризисининг чуқурлашуви нима билан изоҳланади ва нималарда намоён бўлмоқда? 2. «Оммавий маданият»нинг асосий хусусиятларини таърифланг. 3. Матбуот материалларидан фойдаланиб, «оммавий маданият» кимларнинг манфаатларига хизмат қилаётганлигини конкрет мисоллар билан кўрсатиб беринг. 4. Реакцион идеология капиталистик жамият адабиёти ва санъатида ўзининг қандай ифодасини топмоқда?

## 67- §. Социалистик ва демократик маданият гуманизми

1. Социалистик ва демократик маданиятнинг ўзаро алоқаси. Социалистик маданиятдан фарқли ўларок, демократик маданият мунтазам ва илмий ишлаб чиқилган дунёқарашга эга эмас. Баъзан буржуа идеологик оқимлари таъсири остида тушиб қолаётган айрим демократик маданият арбобларининг ҳар хил ғоявий оғмачиликлари ва тугуруксизлиги худди ана шу билан изоҳланади.

Демократик мухитдан чиққан маданият усталари анча адолатли жамиятга олиб борадиган йўлни кидиришмоқда, маънавий-сизлик, реакция ва зўравонликка қарши, ривожланаётган мамлакатларда эса — янги мустамлакачилик, иқтисодий ва маданий колоқликка қарши курашда шахснинг шон-шарафи ва кадр-қимматини ҳимоя қилмоқдалар. Улар кўпинча ўз гуманизмларини жамиятга социалистик асосда қайта қуриш билан, ишчилар синфининг революцион кураши билан боғламайдилар. Бирок бу чуқур ва самимий, умуминсоний мақсадларга қаратилган гуманизмдир. Бу мақсадлар орасида инсониятни ядро ўлимидан ҳимоя қилиш биринчи ўринга чиқиб бормоқда. Илғор маданият арбоблари 30-йиллардаёқ бошланган анъаналарни давом эттириб, урушга қарши ҳаракатга актив қўшилдилар, бундан масалан, «Ядро қуролсиз дунё, инсониятнинг омон қолиши учун» деб аталган Москва анжумани (1987 йил) далолат бериб турибди.

Шундай қилиб, *социалистик ва демократик маданиятларни уларнинг халқчил манбалари, умуминсоний, гуманистик идеалларни кенг қарор топтириш ва ҳимоя қилиш учун биргаликда кураш олиб бориш ўзаро яқинлаштиради.* Бу яқинлик кўпдан-кўп оралик ҳодисаларни ҳам вужудга келтирадики, бунда демократик йўналиш идеологларининг қарашларида коммунистик дунёқараш элементлари, санъат арбобларининг ижодида эса социалистик реализм элементлари пайдо бўлмоқда. Кўпинча бу жараён демократик интеллигенциянинг атоқли вакиллари социалистик маданият позицияларига батамом ўтиши билан тугалланмоқда.

2. **Илғор санъат инсон кадр-қиммати учун курашда.** Кенг халқ оммаси сиёсий активлигининг ўсиши бутун дунёдаги ёзувчилар, рассомлар, театр арбобларининг ижодий изланишларига ҳал қилувчи таъсир кўрсатди. Ҳатто революцион курашдан йироқ бўлган ҳалол санъат арбоблари ҳам халқ оммасининг, «оддий кишининг» жамият ҳаётидаги роли кескин ошганлигига бефарқ қарай олмадилар.

Бу тенденция буюк кино актёри ва режиссёр Чарльз Чаплин (1889—1977) ижодида айтиш мумкинки, ҳаммадан яққолроқ на-

моён бўлди. Биринчи жаҳон уруши йилларидаёқ кўпгина мамлакатларнинг кино экранларида ботинкаси кийилавериш тўзган, ажиб қулгили ва беўхшов қадам ташлайдиган, мутлақо қутилмаган вазиятларга тушиб қолиб, бир марта ҳам илжаймасдан улардан қутулиш йўлини топиб кетадиган аянчли дайдининг жуссаси пайдо бўлди ва тез орада ҳаммага танилиб қолди. У ажойиб масхарабоз ва қилиқлар устаси бўлиб, ўрганиш бўлиб қолган «ниқоби» — қора мўйлабли ва бош кийими тешик кичкина одамча киёфаси биланок томошабинларни қулдирар ва уларга ёкиб қолар эди. Бироқ юз минглаб томошабинлар Чарлини (ҳамма китъаларда уни шу ном билан аташарди) масхарабозлигидан ҳам кўпроқ, ана шу образнинг ғоят чуқур гуманистик мазмуни учун севиб қоладилар. Ҳақиқатан ҳам, Чапли персонажи дилни очадиган фикрлар туғдирмайди асло: чунки у оккўнгил, топқир, иш кўнгилдагидек бўлишини истаydi» — лекин барибир у камбағал ва бунинг учун ўзи эмас, балки уни сиғдирмаётган дунё айбдордир.

Ҳинд кинематографияси инсон кадр-қиммати учун, одамлар ўртасидаги муносабатларнинг покиза бўлиши учун, хотин-қизларнинг шарафи учун ўз воситалари билан кураш олиб бормокда. Баъзи ҳинд фильмларини «оммавий маданият» даражасига яқинлаштириб қўядиган сентиментализм аломатлари кўп бўлишига қарамай, умуман олганда бу фильмларга меҳнаткаш инсонга чуқур ҳурмат билан қараш, унинг кийин тақдири ва изтиробларига шерик бўлиш хосдир.

**3. Қўлига қурол олган гуманистлар.** Буржуа жамиятининг ахлоқий таназули прогрессив ёзувчилар асарларининг танкидий пафосини кескинлаштирди. Шу билан бирга улар шафқатсиз ва адолатсиз капитал дунёсига қарама-қарши тура оладиган қаҳрамонларни ҳаётдан излар ва санъатда яратар эдилар. Бу ҳол хусусан кекса авлодга мансуб маданият усталарининг ижодида ва айниқса буюк француз ёзувчиси Ромен Ролланнинг (1866—1944) Октябрдан кейинги асарларида яққол намоён бўлди.

Роллан асримиз реалистик адабиётининг энг йирик асарларидан бири бўлган «Мафтун бўлган қалб» романлари циклини яратишга киришар экан, Октябрнинг буюк намунасидан, дунёни ва инсониятни янгилаш ғоясидан илҳомланди. Дилбар ва жасур Аннета Ривьер — чинакам «мафтун бўлган қалб» — циклнинг дастлабки романларида урушдан олдинги романдаги Жан Кристоф каби ўзининг адолатга интиқлигида ва ҳаёт учун курашида таянч топа олмайди.

Бироқ сўнгги романларда — «Бир дунёнинг ўлими» ва айниқса «Туғиш»да Аннета антифашист курашида ўз ўрнини топиб, ёлғизликни енгади ва ҳақиқий дўстлар ҳамда маслакдошлар орттиради. Унинг ёнидан ўғли Марк Ривьер жой олади. Унинг образи «Туғиш»да марказий ўринда туради.

Италян фашистлари томонидан ўлдирилган Маркнинг ҳалокати ёлғиз қаҳрамоннинг ўлими эмас: кураш давом этади, Марк-

нинг дўстлари билан бирга унинг онаси Аннета Ривьер курашни давом эттиради.

Агар циклнинг дастлабки романлари танкидий реализмнинг энг яхши анъаналари рухида ёзилган бўлса, «Туғиш»да социалистик реализм элементлари яққол кўзга ташланади.

Атоқли турк шоири коммунист Нозим Ҳикмет ижоди тамомила социалистик реализм йўлида ривожланиб борди. Унинг шеърлари, поэмалари, пьесалари революцион курашчининг дил изхори ҳам, курашга чакириғи ҳам эди. Унинг поэмаларидан бирининг қаҳрамони XV асрдаги деҳқонлар кўзғолонининг етакчиси эди.

Унга ўхшаш курашчилар атоқли немис реалист ёзувчиси Генрих Манн (1871—1950) «қўлига қурол олган гуманистлар» деб атаган одамлар тоифасига киради. Муҳожирлик ва фашизмга қарши кураш йилларида ёзувчи тарихий мавзуга мурожаат қилиб, ўз диалогиясига («Генрих IV нинг ёшлик йиллари», «Генрих IV нинг етуклик йиллари») қаҳрамон қилиб француз кироли, гуенотлар раҳбарини танадди. Манн Генрих IV ни XVI асрдаги диний урушлар даврида тарихий тараққиётнинг ифодачиси сифатида тасвирлаб, реакцияга қарши курашда (бу ўринда феодал ва католик реакциясига қарши) куч, ғайрат, сиёсий етуклик зарурлигини эслатади.

Факат Г. Манн ва бошқа немис антифашист ёзувчиларигина фаол, доворак, кучли қаҳрамонни тарихдан излаб қолмадилар. Бернард Шоу (1856—1950) ҳам ўзининг «Муқаддас Иоанна» номли хроника пьесасида ана шу йўлдан борди. Француз халқининг қаҳрамони Жанна д'Арк бу фожида халқнинг кадриятлар системаси, юсак қаҳрамонлик ва фидокорлик ифодачиси бўлиб чиқади.

Хатто иккинчи жаҳон урушидан кейин Европа шаҳарларида уруш ва фашизм қурбонларига қўйилган қўпдан-қўп ёдгорликларда ҳам илғор ҳайкалтарошлар ҳалок бўлганларга муамнигина эмас, балки ҳалок бўлганларнинг ҳам, халоскор жангчиларнинг ҳам кучи, жасорати ва ишларини акс эттиришга ҳаракат қилдилар. Александр Гржетич асари — Крагуевада фашистлар отиб ташлаган югославиялик мактаб ўқувчиларига қўйилган ёдгорлик чуқур таассурот қолдиради. Азоб-уқубатлар ичида ўз ўлимини қарши олаётган икки ўспирин оқ тошга ўйиб ишланган: ҳаёт бошланиб улгурмай тамом бўлмоқда, уни шафқатсизлик билан узиб қўйганлардан нафратланмай бўлмайди.

ГДР Рассомлик академиясининг аъзоси Фриц Кремер (1906 йилда туғилган) Бухенвальд маҳбусларига ёдгорлик яратди. Бу ёдгорлик немис ҳайкалтарошлигидаги социалистик реализм намунасидир. Миллати, характери, ёши турлича бўлган одамларнинг ўн битта фигураси. Лекин очлик тинчасини қуритган бу кишиларнинг жисми куч, ғайратга, шижоатга тўлган, улар жангга боришмоқда, бу гуруҳдаги биринчи киши қулаётир, лекин у жангга чорлаб қўлини баланд кўтарганча ҳалок бўлмоқда. Совет ҳай-

калтароши Е. В. Вучетичнинг Берлиндаги Трептов-паркда турган машҳур хайкали каби бу ерда ҳам «қўлига қурол олган гуманистлар» тасвирланган. Е. В. Вучетич хайкалида бир қўлида автомат тутган, иккинчиси билан эса халос этилган немис кизчасини кўтариб олган совет жангчиси тасвирланган.

**4. Прогрессив адабиёт ва санъатда халқ образи.** Энг янги даврда тарихда халқ оммасининг роли ошгани каби, унинг жаҳон санъатида тутган ўрни ҳам одатдан ташқари кенгайди. Демократик маданият арбоблари мазлум оммага чуқур ҳамдард бўлиб, ундан жамиятнинг юкори қатламлари амал қилаётган шафқатсиз ахлоққа қарама-қарши қўйиш мумкин бўлган маънавий бойликларни излар эдилар. Ҳа, халқда инсон чидолмайдиган турмуш шароити, қашшоқлик, нодонлик туфайли келиб чиққан жиҳатлар оз эмас, лекин унда асрлар давомида тарбияланган инсонпарварлик маънавий принциплари яшириниб ётибди. Иккинчи жаҳон урушининг охирида Италияда таркиб топган *неореализм* окимига мансуб ёзувчилар, rassомлар, театр ва кино арбоблари ана шу ҳақиқатни ўз ижодларига асос қилиб олдилар.

Халқларнинг кундалик ҳаётига эътибор билан қараш, ҳеч нарса билан ниқобланмаган очик ҳақиқатга интилиш ўша вақтда бадий маданиятдаги бу йўналишга Ғарб санъатида етакчи ўринни таъминлади. Неореализмнинг асосчиларидан бири Роберто Росселлининг «Рим — очик шаҳар» деган фильми дунёдаги деярли барча экранларда қўйилди. У энг аввало ўзининг янгилиги ва кино ҳикоянинг аниқлиги билан миллионлаб томошабинларни ўзига тортди.

Ҳозирги замоннинг энг йирик rassомларидан бири Ренато Гуттузо (1912—1987) ижоди ҳам неореализмга яқин туради. Унинг полотноларидаги — «Калабрия балиқчилари», «Қир юваётган аёллар» — қаҳрамонлар ҳам ана шу йўналишга мансуб адабиёт ва кино санъатидаги қаҳрамонларнинг ўзгинаси бўлиб, булар гоят мустаҳкам биродарлик ришталари билан боғланган оддий меҳнаткашлардир.

Илғор санъатнинг халқчиллиги шунда ифодаланадими, у халққа қаратилган, халқнинг идрок этишига мўлжаллангандир. Бу тенденция, хусусан, урушдан кейинги ўн йилликлар практикасида кенг ўрин олган очик ҳавода ўтказиладиган театр фестивалларида намоён бўлди. Шундай йиллар ҳам бўлганки, улард биргина Европанинг ўзида бир неча ўнлаб фестиваллар ўтказила эди. Кўп йиллар давомида Франциянинг энг яхши театрига — *Миллий халқ театрига* бошчилик қилган атокли француз актёри ва режиссёри Жан Вилар ана шу фестивалларнинг ташаббускори эди. Вилар оммани юксак маънавий бойликлардан баҳраманд қилишга интилиб, классик ва замонавий, француз ва чет эл пьесаларини кўяр, буржуа жамиятининг ҳаловатсиз ҳаётига, маънавий ва эмоционал қашшоқлигига қарши жанг қилар эди. Вилар фикрича, «халқ театри ва халқ учун театр» бўлган миллий халқ театри урушга қарши ва антифашист спектакллари кўйиб, гоят



кескин сиёсий муаммоларга ўз фикрини билдирар эди. Улар орасида немис драматурги ва театр арбоби Бертольд Брехтнинг (1898—1956) Гитлерга ва бутун фашизмга сатира бўлган «Артур Унинг муваффақияти» деган машхур пьесаси бор эди.

Брехт энг янги даврдаги театр маданиятида алоҳида ўрин тутади. Бутун дунёда hozirgi замоннинг энг йирик драматурги деб тан олинган бу коммунист-ёзувчи жаҳон театрига жуда катта таъсир кўрсатди. 1918—1919 йиллардаги герман революциясининг катнашчиси, фашизмга қарши актив курашчи бўлган Брехт ўз ижодини онгли суратда ишчилар синфи ишига хизмат қилди. Брехт фикрича, «эпик театр» — бу томошабиннинг ҳис-туйғуларига эмас, балки кўпроқ унинг ақл-идрокига таъсир кўрсатадиган театрдир. Бунинг учун актёрлар ўз қаҳрамонлари киёфасига кир-масликлари керак. Тамомила реал кишиларни ўйнаш керак.

Брехт халқ орасидан чиққан одамдаги зиддиятларни очик кўрсатар экан, томошабиннинг ўзини бу одамнинг хатти-ҳаракатлари яхши ёки ёмонлиги ҳақида жиддий фикр юритишга ва ўзига назар ташлаб, буржуа жамияти туғдирган ҳусузиятларни қалбидан чиқариб ташлашга мажбур қилади. «Кураж Момо ва унинг фарзандлари» (1939 йил) пьесасида қаҳрамон — Ўттиз йиллик уруш давридаги маркитанкадир. У ўз соябонли араваси билан уруш йўлларидан бориб, тақдир дуч келтирган армия билан савдо-сотик қилиб, фойда олади. Уруш унинг учун фойдали, чунки унга арзимас ҳамён, яхши улфат ва бир кружка пиводан бошқа ҳаётдан ҳеч нарса керак эмас. Лекин унинг учта боласи бор, уларнинг ҳаммаси ана шу уруш туфайли ҳалок бўладилар. Кураж Момо — минг қилганда ҳам она, у чуқур изтиробга тушади, лекин унда инсонийлик эмас, балки бойлик орттиришга беҳуда интилиш ғалаба қилади.

Социалистик реализм санъати ва адабиётида халқ оммаси социал ва маданий таракқиётнинг бош ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб майдонга чиқади. Социалистик санъатнинг чуқур ҳаётбахшлиги халқнинг битмас-туганмас кучларига ишониш билан чамбарчас боғлангандир. Мексикалик монументалист-рассомлар Диего Ривера (1886—1957), Давид Сикейрос (1898—1974) жамоат биноларига жуда катта безаклар ишлашди, миллий тарихнинг қаҳрамонона эпизодларини, халқнинг революцион курашини тасвирладилар. Бу анаънани уларнинг шогирдлари давом эттиришмоқда.

Курашаётган халқ образи Теодор Драйзернинг (1871—1945) «Фожиали Америка» (1931 йил) асарида марказий ринда туради. Мана шу ўзига хос асарда америка ишчилари ва умуман меҳнат аҳлининг, шу жумладан ғоят мураккаб шароитларда кураш олиб бораётган коммунистлар ҳаётига оид жуда кўп воқеалар тасвирланган. Забардаст ёзувчи, Америка буржуазиясининг юқори катламларини жуда аччик танқид қилган романлар автори «Америка фожиаси» асарида социалистик реализмга келди.

Даниялик ёзувчи Мартин Андерсен Нексе (1869—1954) чинакам халқ эпопеясини яратди. Унинг XIX аср охиридан то XX аср ўрталаригача бўлган даврни камраб олган трилогияси-

да Дания ишчилар синфининг бадий тарихи берилган. Эпопеянинг охирги қисми бўлган «Қизил Мортен» кўп жиҳатдан автобиографик асардир: муаллифга ўхшаб Мортен ҳам ишчи оиласида туғлиб, ёзувчи, коммунист, тинчлик учун фаол курашчи бўлиб етишди. Мана шу онгли курашчи образида халқнинг энг яхши фазилатлари гавдалангандир.

Чилининг буюк шоири Пабло Неруда (1904—1973) ҳам ўзининг «Башарият кўшиғи» деган поэмасида халқ билан қонқардошлик алоқалари ғоясини яққол ифода этди.

Гарчи социалистик реализм кўпгина капиталистик мамлакатларнинг адабиётида мустаҳкам мавқе эгаллаган бўлса-да, унинг ривожланиши учун энг кулай шарт-шароит, равшанки, жаҳон социализм системаси мамлакатларида вужудга келди. Социалистик бадий маданият арбоблари халқ билан бирликни юксак илҳом манбаи деб биладилар.

Социалистик маданиятнинг ғоявий-бадий ютуқлари инсониятнинг маънавий ҳаётини бойитмоқда ва бундан буёнги маданий таракқиёт йўллари кўрсатиб бермоқда.

#### **Савол ва топшириқлар**

1. Чет эл адабиёти ва санъатида социалистик реализм қўлга киритган энг муҳим ютуқларни таърифлаб беринг. Уларнинг танқидий реализмга қараганда ўзинга хос жиҳатларини конкрет мисоллар билан кўрсатинг. 2. Ҳозирги илғор санъатнинг инсонпарварлиги нималарда ифодаланади? У буржуа маданиятидаги қандай ҳодисаларга қарши? 3. Энг янги даврда танқидий реализм адабиёти қаҳрамони тилида юз берган ўзгаришларни кўрсатинг. Янги тарих дарслигидан фойдаланиб 31-§ Т. Драйзер, Р. Роллан, Б. Шоу ижодининг эволюциясини кўрсатинг. 4. Сиз чет эл адабиёти, театр санъати ва кино санъати, тасвирий санъатининг қайси энг йирик асарлари билан танишгансиз? Уларда ёритилган муаммоларни кўрсатиб беринг.

#### **68- §. Энг янги даврда ижтимоий ривожланишнинг асосий жиҳатлари**

1. Ҳозирги даврнинг характери ва асосий мазмуни. Жаҳон тарихининг бурилиш воқеаси — Улуғ Октябрь социалистик революцияси бутун инсоният ривожининг боришини тубдан ўзгартириб юборди. Октябрь ғалабаси туфайли янги тарихий давр бошланиб, унинг асосий мазмуни капитализмдан социализмга ўтиш, дунёни бутунлай революцион тарзда ўзгартиришдан иборатдир.

Улуғ Октябрь бутун инсониятнинг тақдирига ҳал қилувчи таъсир кўрсатди. Эксплуатациясиз ва зулмсиз янги жамият қураётган Советлар мамлакатининг намунаси халқларнинг социал ва миллий озодлик учун курашини кучайтиришга ёрдам бермоқда.

Иккинчи жаҳон урушида фашист-милитарист блок устидан қозонилган ғалаба ва Европа ҳамда Осиёдаги бир қанча мамлакатларда социалистик революцияларнинг тантана қилиши ҳозирги даврнинг революцион мазмунини чуқурлаштирди. Инсониятнинг бундан буёнги ривожланиши жаҳон социалистик системаси-

нинг ташкил топиши ва мустаҳкамланиши билан, СССРда социалистик жамиятнинг ҳар томонлама янгилиниши, империализм мустамлакачилик системасининг классик шакллари емирилиши, тинчлик, демократия, миллий озодлик ва социал тараққиёт учун курашаётган кучларнинг ўсиши билан боғлиқдир.

*Ҳозирги давр — ўттиш давридир.* Капитализмдан социализмга ўтиш жараёни узок давом этадиган, мураккаб, нотекис жараён-дир. Унда прогрессив силжишлар билан жиддий мағлубиятлар, революцион ва эволюцион ҳодисаларнинг ўзаро алоқаси чирмашиб кетади. Дунёнинг катта қисми капитализм шароитида яшаб келмоқда, чунки ижтимоий ривожланишнинг ҳозирги босқичида кўпгина давлатларнинг халқлари танлаб олган социал йўл ана шундан иборат. Октябрь революцияси бошлаб берган, жаҳон кўламида социализмни қарор топтиришдан иборат бўлган жараён бутун бир тарихий даврни ўз ичига олади, бу даврнинг қанча давом этишини олдиндан белгилаб бўлмайди.

*Ҳозирги давр — икки жаҳон социал-сиёсий системасининг тарихий мусобақаланиш давридир.* Социализм билан капитализм ўртасидаги мана шу мусобақанинг моҳияти халқларга икки ижтимоий системанинг қайси бири яхшироқ эканлигини, қайси бири ўзларининг социал эҳтиёжларини, моддий ва маънавий талабларини яхшироқ, тўлароқ, хилма-хилроқ қондиришини, инсонга муносиб турмуш шароитини яратиб беришини аниқлаш имконини беришдан иборатдир. Икки система ўртасидаги кураш экономика, сиёсат, социал соҳаларда бормоқда, лекин у ҳеч қачон ҳарбий восталар билан олиб борилмаслиги керак. Уларнинг тарихий баҳсини тинч йўл билан, тенг ҳуқуқли, ўзаро манфаатли ҳамкорлик, фан ва техника ютуқларини, маданият бойлиқларини кенг айирбошлаш, инсон меҳнати натижаларидан бунёдкорлик мақсадларида фойдаланиш йўлидан бориб, ҳал қилмоқ зарур.

Социализм капитализмнинг реал альтернативасидир. Янги таҳрирдаги КПСС Программасида кўрсатиб ўтилганидек, социализм ўз афзаллигини қурол кучи билан эмас, балки жамият ҳаётининг барча соҳаларида намуна кучи билан — экономика, фан ва маданиятнинг жўшқин ривожланиши, меҳнаткашларнинг турмуш даражаси ошиши билан, социалистик демократиянинг чуқурлашуви билан исбот қилмоқда. Социалистик жамиятни революцион тарзда қайта қуриш, унинг янги сифат ҳолатига ўтиши социализмнинг кўп қиррали потенциали тўла-тўқис намоён бўлишига имкон беради.

Ҳозирги давр — социалистик ва миллий озодлик революциялари, мустамлакачиликнинг емирилиш давридир. Октябрь революцияси социализмнинг интернационал табиатини намоён қилди. Октябрь ғалабаси бутун дунёда революцион ҳаракатнинг қудратли тезлаткичи бўлди. У ижтимоий ривожланиш жараёни бутун инсоният олдига қўйган муаммоларни ҳал қилишга йўл очиб берди.

Ушандан бери ер куррасининг социал қиёфаси тубдан ўзгарди (5- жадвалга қаранг). Инсониятнинг учдан бир қисми социализм қуриш, уни такомиллаштириш йўлидан бормокда. Жаҳон социализм системаси мустаҳкам қарор топди. Социалистик ҳамдўстлик мамлакатларида капитализмнинг тикланиш имкониятини истисно этадиган ишончли кафолатлар вужудга келтирилди. Янгидан-янги мамлакатлар ва халқларнинг социалистик йўлга ўтиши — Октябрь ишининг қонуний давомидир. Мамлакатларнинг катта группасида социализмнинг ғалаба қилиши у меҳнатқашларнинг туб манфаатларига жавоб беришини ва етилган тарихий заруратга айланганлигини ишонарли қилиб исботлади.

Мустамлакаларда ҳукмронлик қилиш даврлари абадий ортда қолиб кетди, бу эса капитализмни муҳим қуч манбаларининг биридан маҳрум қилди. Социализмни кўзлаб ривожланиш йўлини танлаб олган давлатларнинг катта бир группаси вужудга келди.

Ҳозирги даврнинг революцион характери дунёни ўзгартириб юборди. У янада мураккаб, хилма-хил, қарама-қарши тенденциялар ва зиддиятларга тўлиқ бўлиб қолди, лекин айни вақтнинг ўзида ўзаро боғлиқ, ўзаро қарам, кўп жиҳатдан яхлит дунёдир. Шу билан бирга ҳозирги дунё анча жўшқин дунёдир. Социализмнинг жаҳон тараққиётига таъсир кўрсатиш имкониятлари ошиб бормокда. Янгидан-янги миллионлаб кишиларни даврнинг социал ҳаракатлари мантиқи, капитализм антагонистик зиддиятларининг кескинлашуви туб ўзгаришлар учун курашга тортмоқда. Эксплуататорлик жамияти меҳнатқашлар оммаси олдида моддий ва маънавий жиҳатдан борган сари кўпроқ ўзини обрўсизлантириб қўймоқда.

Бирок тарихий ривожланишнинг вариантлари сақланиб қолаётганлигини кўрмаслик мумкин эмас. Капитализм ўзи учун мураккаб бўлган дақиқаларда энг кескин зиддиятларни юмшатиш мақсадида ички резервлардан (ҳозирги шароитда — фан-техника революциясидан) фойдаланмоқда. Бунда капиталистик жамиятнинг антагонизмлари йўқ бўлиб кетмайди, улар ўзгарган вазиятда янгидан пайдо бўлади, чунки уларнинг негизи сақланиб қолмақда.

Илгари, империалистик қучлар ҳали жаҳон тараққиётида асосий ролни ўйнаб турган вақтда марксистлар «империализм ва пролетар революциялари даври» ҳақида гапирар эдилар. Уша вақтдан бери жаҳон майдонидаги қучлар нисбати тубдан ўзгарди. Аввалги таъриф ҳозирги дунёда юз бераётган ҳодисаларни акс эттирмайди.

Бизнинг давримиз моҳиятига урушдан кейинги ўн беш йилда юз берган ўзгаришларни ҳисобга олиб, коммунистик ва ишчи партияларнинг 1960 йилдаги Кенгаши Баёнотида илмий таъриф берилган эди. Уша вақтдан бери орадан 30 йил ўтди.

«Жаҳон тараққиётининг бутун жараёни ҳозирги даврнинг характери ва асосий мазмунининг марксча-ленинча анализи тўғрилигини тасдиқлайди, — дейилади партия XXVII съездида қабул

килинган янги тахрирдаги КПСС Программасида.— Ҳозирги давр — капитализмдан социализмга ва коммунизмга ўтиш, жаҳондаги икки социал-сиёсий системанинг тарихий мусобақаси давридир, социалистик ва миллий озодлик революциялари даври, мустамлакачиликнинг емирилиш давридир, ижтимоий тараққиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучлари — жаҳон социализми, ишчилар ҳаракати ва коммунистик ҳаракат, озодликка эришган давлат халқларининг, оммавий демократик ҳаракатларнинг империализмга, унинг агрессия ва зулм сиёсатига қарши, тинчлик, демократия ва социал тараққиёт учун кураши давридир» (КПСС XXVII съездининг материаллари.— 156- бет).

**2. Ижтимоий тараққиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучлари.** Ижтимоий тараққиётнинг асосий омили *жаҳон социализмидир*. Социалистик мамлакатлар социал тараққиётнинг бошқа мамлакатларга қараганда анча юкори босқичда турадилар. Жаҳон социализмдан бошқа ҳеч қандай халқаро куч империализмнинг агрессив тенденцияларига қарши туриш, Ер юзида тинчликни мустаҳкамлашга эришиш учун бу қадар катта воситаларга эга эмас.

Социалистик мамлакатларнинг янги жамият қуриш соҳасидаги энг муҳим вазифаларни ҳал қилишдаги амалиётда синалган ва кўп йиллик самарали ҳамкорлик билан бойитилган тажрибаси умуминсоний аҳамиятга эгадир. Социализм гуманистик бойликларининг марказида меҳнат кишиси туради. «Социалистик тузум меҳнат аҳлига ўз кадр-қимматини, мамлакат соҳиби эканлигини ҳис этиш туйғусини сингдиради. Социал жиҳатдан ҳимоялаб, келажакда кўнглини тўқ қилади. У билим олиш, маданиятдан баҳраманд бўлиш учун кенг имконият очади, ҳар бир шахснинг ўзига хос қобилиятлари ва истеъдодини рўёбга чиқариш учун шарт-шароит яратади» (М. С. Горбачев. Октябрь ва қайта қуриш: революция давом этмоқда. Т., 1987. 65- бет).

Жаҳон социализми тарихида ютуқлар билан бир қаторда салбий ҳодисалар ҳам бўлиб, социалистик мамлакатлар уларни энгиб борар эканлар, ўзлари учун жиддий сабоқ олдилар. Социализмга ўтиш қонуниятлари ва суръатлари ҳақидаги аввалги тасаввурлар ўзгарди. Ҳозир капитализм моддий ишлаб чиқариш соҳасида, технология даражаси, меҳнат унумдорлиги ва маҳсулот сифати жиҳатидан социализмдан устунлик қилиб турибди. Дунёда юз бераётган барча ижобий ўзгаришлар фақат социализм билан боғлиқ, деб даъво қилиш нотўғри бўлур эди. Социализм дунёси миллий ва социал хилма-хилликка эга бўлган бирликдан иборатдир. Амалиёт шуни ишонарли қилиб кўрсатиб берадики, социалистик ривожланиш йўлини танлаб оладиган ҳамма халқлар учун эталон бўлиб хизмат қиладиган социализмнинг умумий «моделли» йўқ ва бўлиши ҳам мукин эмас.

Бирок шу нарса шубҳасиздирки, ҳозирги даврда жаҳон тараққиёти буржуа тузуми шароитида ҳал бўлмаётган масалаларга жавобни таклиф этган социализм билан узвий боғлиқдир.

Социализм туфайли жаҳон кучларининг шундай ўзаро нисбати вужудга келдики, унда халқлар ўзларининг социал-сиёсий йўллари тинчлик олиш учун кўпроқ имкониятга эгадирлар. Шу сабабли жаҳон социализм системасини тинчлик ва тараққиёт омили деб ҳисоблаш билан бирга, уни бутун цивилизациянинг мулки деб билиш ҳаққоний бўлади.

СССРда қайта куриш жараёни ривожланиб борган сари, туб иктисодий ислохот ва совет жамиятини демократиялаш амалга оширилиб борган сари социализмнинг анча юқори типи шаклланди, у ижтимоий тараққиётга борган сари кучли таъсир кўрсатади. Ошкоралик ва очик сўзлаш, СССРнинг ташқи алоқалари кенг ривожланаётган ва халқаро кескинлик камайиб бораётган бир вазиятда «совет ҳарбий хавфи»дан қўркиш йўқка чиқмоқда. Бу эса милитаризмни сиёсий жиҳатдан оқлаш борган сари қийин бўлиб қолаётганлигини англатади.

Қайта куриш Совет Иттифоқининг жуда катта илмий-техникавий ва ишлаб чиқариш потенциалини жаҳон ҳўжалик алоқаларини ривожлантиришга тўла-тўқис қўшиш имконини бермоқда. Шундай қилиб барча соҳаларни қамраб олувчи халқаро хавфсизлик системасининг моддий базаси мустаҳкамланади. Ниҳоят Совет жамиятини янгилаш, социалистик тузумнинг ижодий имкониятларини янада тўлароқ очиш социализмни халқаро кўз ўнгида янада жозибадор қилади, социализм учун курашда янги стимуллар яратади, дунёнинг носоциалистик қисмидаги илғор кучларни маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди.

*Халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг* дунёни революцион тарзда янгилаш ва социал тараққиёт учун, ядро ҳалокатининг олдини олиш учун курашдаги роли юқорида (8- бобга қараган) кўрсатиб ўтилди. Ишчилар синфи асосий революцион кучдир. У капиталистик мамлакатларда ўз курашининг тигини монополияларга қарши қаратмоқда. Лекин ишчилар синфи гегемон бўлиб чиқмаган, сиёсий раҳбарликни эса бошқа илғор кучлар амалга оширган ҳолларда ҳам революцион озодлик курашига салмоқли хисса қўшди ва у ана шу курашнинг тақдирига таъсир кўрсатди.

Ишчилар синфининг сиёсий авангарди — *коммунистик партиялардир*. Уларнинг таъсири ва обрў-эътибори шу билан изоҳланадики, коммунистлар меҳнатқашларнинг орзу ва умидларини ифода этадилар ва уларни амалга ошириш учун изчил кураш олиб бормоқдалар. Капитал мамлакатларида компартияларнинг фаолияти қийин шароитларда кечмоқда. Уларга қарши полициячи-репрессиячи аппаратдан, буржуа қонунларидан, идеологик таъсир кўрсатиш воситаларидан фойдаланилмоқда. Тараққиётнинг ҳозирги босқичида компартиялар ҳаёт илгари сурган муаммоларни хал қилиш йўлларини ижодий изламоқдалар, ўз программалярини янгиламоқдалар, ишнинг янги шакл ва усулларини белгиламоқдалар.

Ижтимоий тараққиётнинг муҳим кучи — *озодликка эришган давлатларнинг халқларидир*. Улар мустамлакчиликка қарши, миллий озодлик революциялари ғалабаси ва мустамлакачиликнинг емирилиши натижасида фаол сиёсий кураш майдонига чиқдилар. Ҳозир ривожланаётган мамлакатлар халқларининг курашида социал муаммолар, иқтисодий колоқликка барҳам бериш, жаҳондаги хўжалик алоқаларида тенг мавқега эришиш, «ривожланиш учун қуролсизланиш» ғоясини амалга ошириш асосида жаҳонда янги иқтисодий тартиботни вужудга келтириш тобора катта ўрин олмоқда. Бу жараёнда *социализмни кўзлаб ривожланиш* йўлини танлаб олган мамлакатларнинг халқлари кўзга кўринарли роль ўйнамоқда. Уларнинг баъзилари ҳозирнинг ўзидаёқ социал ўзгаришлар соҳасида катта ютуқларга эришдилар.

Ижтимоий тараққиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучлари орасида *капиталистик дунёдаги оммавий демократик ҳаракатлар* бор. Уларнинг кўлами ва таъсири ўсишига, социал базасининг кенгайишига Ер юзининг барча қитъаларидаги кўп миллионли омма ижтимоий ҳаётга ва жаҳон сиёсатидаги тортилиши сабаб бўлди. Зиёлилар, айниқса фан ва маданият арбоблари, хизматчилар, фермерлар, шаҳар майда буржуазияси, майда миллатлар демократик ҳаракатнинг фаол иштирокчиларидир. Хотин-қизлар ва ёшлар, биринчи навбатда студентлар курашга борган сари тортилмоқдалар. Тинчлик учун оммавий ҳаракат, монополияларнинг зўравонлигига реакцион ҳукуматларнинг халққа қарши сиёсатларига ва жамиятни ҳарбийлашга қарши социал норозилк, хотин-қизларнинг ҳуқуқларини камситишга, ёш авлоднинг аҳволи ёмонлашувига, давлат аппаратидаги коррупцияга (порахўрликка) қарши, инсон ҳуқуқлари учун ва демократик эркинликлар учун кураш ҳаммага яхши маълумдир.

Кейинги ўн йиллар мобайнида капиталистик жамиятда ва бутун дунё кўламида янги зиддиятларнинг пайдо бўлиши янги демократик ҳаракатларни келтириб чиқарди. «Бу — ядро уруши хавфига қарши, табиий муҳитни ҳимоя қилиш учун, ирқий камситишга қарши, жамиятни омаддилар ва маҳкумларга парчалаб ташлайдиган сиёсатга қарши, янги капиталистик модернизация қурбони бўлган бутун-бутун саноат зоналарининг қулфатларига қарши кураш ҳаракатларидир» (М. С. Горбачев. Октябрь ва қайта қуриш: революция давом этмоқда. 54- бет). Ядро урушига қарши ҳаракатнинг хилма-хил шакллари айниқса кенг ёйилди. Бу ҳаракат қатнашчилари дунёнинг кўпгина мамлакатларида инсониятнинг ўз-ўзини сақлаб қолиши учун қатъий курашга киришдилар.

Бу оммавий демократик ҳаракатларнинг ҳаммаси империализмга қарши қаратилган бўлиб, тинчлик, демократия ва социал тараққиёт учун умумий курашнинг таркибий қисмидир.

Ҳозирги ижтимоий тараққиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучлари умуман олганда империализм кучларидан устундир. «Бу кучларнинг доимий ўсиши ва ўзаро баҳамжихат ҳаракат қилиши

халқларнинг тинч, эркин ва бахтиёр турмуш тўғрисидаги орзумидлари рўёбга чиқишининг гаровидир». (Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг программаси: янги таҳрири — 26-бет.)

**3. Ҳозирги дунёнинг зиддиятлари.** Ўтмишда жаҳоннинг тараққиётини пролетариат билан буржуазия ўртасидаги империалистик давлатлар ўртасидаги, империализм билан мустамлака ва қарам мамлакатлар ўртасидаги зиддиятлар белгилар эди. Энг янги даврда дунёнинг социал-сиёсий ва иқтисодий структурасида юз берган чуқур ўзгаришлар зиддиятларнинг мураккаб комплекси пайдо бўлишига олиб келди. Ҳозир бу зиддиятларни ҳал қилиш ижтимоий ривожланишнинг асосий тенденцияларини белгилаб беради. Улар жумласига қуйидагилар киради:

— икки социал система — социалистик ва капиталистик система давлатлари ўртасидаги зиддиятлар;

— капиталистик жамятнинг ички антагонизмлари (меҳнат билан капитал ўртасидаги, монополиялар билан аҳолининг гоят катта кўпчилиги ўртасидаги ва бошқа зиддиятлар);

— империалистлараро зиддиятлар (айниқса капиталистик дунёнинг учта асосий маркази — АҚШ, Ғарбий Европа ва Япония ўртасидаги рақобатчиллик);

— трансмиллий корпорацияларнинг ҳаракатлари билан миллий давлатларнинг ривожланиши ўртасидаги зиддиятлар (ҳам ривожланаётган, ҳам ривожланган капиталистик мамлакатлар);

— империализм билан янги мустамлакачилик эксплуатациясининг объекти бўлиб қолган ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги зиддиятлар;

— оламшумул кўламдаги, цивилизациянинг яшаш негизига дахлдор бўлган зиддиятлар — монополистик буржуазиянинг атроф-муҳитга ва табиий ресурсларга нисбатан ғаразгўйларча, йирткичларча сиёсати билан ер юзи аҳолисининг кўпчилиги ҳимоя қилиб чиқаётган умуминсоний манфаатлар ўртасидаги зиддиятлар.

Энг янги тарихни ўрганар экансиз, бу зиддиятлар қандай юзга чиқишига, улар бир-бирдан ажралиб қолган эмас, балки бири-бири билан боғлиқ эканлигига конкрет мисоллар ёрдамида ишонч ҳосил қилиш имконига эга бўлдингиз.

Ҳозирги дунёда икки система давлатлари ўртасидаги зиддият ҳал қилувчи роль ўйнамоқда. Нима сабабдан социализм билан капитализм ўртасидаги зиддият ҳозирги замоннинг асосий зиддияти бўлиб чиқмоқда? Чунки у:

— дунёни бутунлигича қамраб олмоқда;

— ижтимоий тараққиётнинг асосий тенденциясини — бутун дунё кўламида капитализмдан социализмга ва коммунизмга ўтишни ифодаламоқда;

— халқро майдондаги икки асосий куч — социализм билан капитализм мусобақасининг йўналишини, характер ва суръатларини белгилаб бермоқда;



— кишилик жамияти ҳаётининг ҳамма соҳаларида: экономикада, сиёсатда, социал соҳада, идеологияда, ахлоқ ва маданиятда, халқаро муносабатларда намоён бўлмоқда;

— бошқа зиддиятлар ва ижтимоий жараёнларга таъсир кўрсатмоқда.

Ўз олдига бунёдкорлик вазифаларини қўйган социализм табиатига икки система ўртасидаги зиддиятларни ҳарбий йўл билан ҳал қилиш ётдир. Социализм тинчликни, капитализм билан тинч-тотув яшашни ва мусобақа қилишни ёқлаб чиқмоқда.

Жаҳон таракқиёти XX аср охирига келиб шу қадар мураккаб-лашдики, унга энди фақат икки система кураши нуктаи назаридан қараш мумкин эмас. Қарама-қаршилик ва мусобақалашуш, кўп сонли факторларнинг ўзаро алоқаси ва бирлиги чирмашиб кетганлиги аниқ кўриниб турибди, бу факторлар асосида турли жамиятларнинг муносабатлари вужудга келмоқда ва бу жамиятлар ривожланмоқда. Ҳозирги вақтда турли системаларга мансуб бўлган давлатларнинг умуминсоний манфаатларни ҳимоя қилиш қобилияти, интернационал муаммоларни ҳал қилиш қобилияти, инсониятнинг яшаб қолишини таъминлаш қобилияти асосий аҳамиятга эгадир. Шу билан бирга айни социализм цивилизациянинг ривожланиш йўлида пайдо бўлган оламшумул хавфларни бартараф этиш жараёнига ҳал қилувчи ҳисса қўшиш соҳасида потенциал имкониятларга эгадир.

Жаҳон экономикаси ва сиёсатининг асосий жараёнларини белгилайдиган зиддиятларда чуқур ўзгаришлар юз берди. Агар ўтмишда уларнинг ривожланиши жаҳон урушларига олиб келган бўлса, эндиликда, инсоният ядро ҳалокати хавфи остида қолган бир вақтда ҳукуматлар ва халқлар вужудга келган вазиятни чуқур англабгина қолмасдан, балки оқилона амалий қарорларни коллектив бўлиб излашлари ҳам керакдир.

**4. Тарихий танлаш.** XX аср охирида жаҳон таракқиётида вужудга келган бурилиш вазияти, социал тузумидан қатъи назар бутун планета кўламида, давлатларнинг амалий, бунёдкорлик алоқаларини йўлга қўйишни қаттиқ талаб қилмоқда. Бундай ўзаро алоқа энг аввало ядро урушининг олдини олиш, ер юзида ҳаётни саклаб қолиш, ядро қуролисиз ва хавфсиз дунёни қуриш, цивилизациянинг яшашини ва янада ривожланишини таъминлаш учун керакдир.

Умумжаҳон миқёсида ҳамкорлик қилиш XX асрнинг охириги ўттиз йилида кескинлашиб кетган ҳаётий муҳим оламшумул муаммоларни: ядро энергетикасининг хавфсизлигини таъминлаш, экологик хавфни бартараф этиш, капиталистик мамлакатларнинг ривожланаётган дунё билан нозқиввалент айирбошлашини бартараф этиш ва бошқа муаммоларни амалда ҳал қилиш йўллариини излаш учун ҳам керакдир. Агар куч ва маблағларни қурулланиш учун унумсиз исроф қилишга барҳам берилса, жиддий силжиш-

ларга эришиш мумкин бўлади. СССР ана шу мақсадлар учун интернационал механизмлардан фойдаланиш, давлат манфаатлари билан умуминсоний манфаатларнинг оптимал ўзаро нисбатларини топиш зарур деб ҳисоблайди.

Ниҳоят, ҳозирги шароитда социал ва халқаро низоларни ҳал қилиш усуллари тўғрисидаги масала жуда катта аҳамиятга эгадир. Вазият халқаро муҳитни соғломлаштириш ва тинчликни мустаҳкамлаш вазифаларига, омманинг реал имкониятларига, унинг социал норозиликнинг оқилона ва айни вақтда таъсирчан шаклларида фойдаланишга тайёрлигига ҳаммадан кўпроқ мос келадиган усуллари ва воситаларини қўллашни талаб қилмоқда. Курол кучи билан зўрлик ишлатиш эмас, балки жанжалли вазиятларни сиёсий йўл билан оқилона тартибга солиш ҳозирги даврнинг эҳтиёжларига мосдир.

\* \* \*

Энг янги тарихни ўрганиш чоғида ўзингиз ҳам ишонч ҳосил қилганингиздек, ҳозирги дунёнинг ижтимоий тараққиёти Улуғ Октябрь бошлаб берган социализм сари бурилишни мустаҳкамлабгина қолмасдан, балки унинг ғалабаларини оширди ҳам. Социал тараққиёт йўлидан илгарилаб бориш мураккаб ва кўп қиррали ҳодисадир. У фақат юксалишлар билангина эмас, балки қийинчиликлар билан, айрим бўғинларда эса вақтинча чекиниш ва мағлубиятга учрашлар билан ҳам боғлиқдир. Система сифатида капитализмнинг позициялари марксистлар Октябрдан кейинги дастлабки йилларда тахмин қилганларидан кўра кучлироқ ва барқарорроқ бўлиб чикди. Империализм революцион кучлар тазйиқига қаршилик кўрсатмоқда, баъзан қарши ҳужумга ўтмоқда ва зарба бермоқда. Лекин жаҳон революцион жараёни умуман орқага қайтмайди. Бу жараёнда қатнашаётган кучлар ўртасидаги тафовутлар катта бўлишига қарамай, у асосан яхлитдир, чунки тинчлик, демократия ва социал тараққиёт учун курашнинг туб мақсадлари муштараклиги сақланиб қолмоқда. Юқорида бораётган ижтимоий тараққиётнинг тарихий тенденцияси ҳар қандай тўсиқлар орқали ўзига йўл очиб олади. «Инсониятнинг социализм ва коммунизм сари ҳаракати нақадар нотекис, мураккаб ва зиддиятли бўлмасин, енгилмасдир» (Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Программаси: янги таҳрири — 26-бет).

#### Савол ва топшириқлар

1. Ҳозирги даврнинг характери ва асосий мазмунига баҳо беринг. 2. Ўрганилган материал ва жадвал асосида Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейин ўтган 70 йилдан ортиқроқ вақт мобайнида дунёнинг социал-сиёсий манзараси қандай ўзгарганлиги ҳақида хулоса чиқаринг. 3. Сизнинг фикрингизча СССРда юз бераётган қайта қуришнинг халқаро аҳамияти нимадан иборат? Вақтли матбуотни жалб қилиб, ўз хулосангизга мисоллар келтиринг. 4. Параграф текстидан, «КПСС

XXVII съездининг материаллари» китобидан (150—155, 199—203- бетлар) ва М. С. Горбачевнинг «Октябрь ва қайта қуриш: революция давом этмокда» деган докладыдан (III бўлим) фойдаланиб, ижтимоий ривожланишнинг бош ҳаракатлантирувчи кучлари олдида турган вазифаларни асослаб беринг. 5. Сиз ҳозирги дунёнинг зиддиятларини қандай тасаввур қиласиз? Давлатлар ва халқларнинг бутун дунё кўламидаги конструктив ўзаро ҳамкорлиги нима сабабдан ҳозир тарихий зураатга айланиб қолди?

5-жадвал. Дунёнинг 1919 йилдаги ва 1987 йил ўрталарида сиёсий картаси

	1919				1987			
	Территория		Аҳоли		Территория		Аҳоли	
	млн. км <sup>2</sup>	яқунга нисбатан %	млн. киши	яқунга нисбатан %	млн. км <sup>2</sup>	яқунга нисбатан %	млн. киши	яқунга нисбатан %
1. Бутун дунё <sup>1</sup>	135,8	100	1777	100	135,8	100	4998	100
шу жумладан: социалистик мамлакатлар	21,7	16,8	138	7,8	35,6	26,2	1587	31,8
қолган мамлакатлар	114,1	84,0	1639	92,2	100,2	73,8	3411	62,2
2. Йирик империалистик давлатлар ва уларнинг мустамлакалари	60,3	44,4	855	48,1	11,3	8,2	607	12,1
шу жумладан: йирик империалистик давлатлар <sup>2</sup>	9,8	7,2	339	19,1	11,1	8,1	594	11,9
уларнинг мустамлакалари	50,5	37,2	516	29,0	0,2	0,1	12,7	0,2
3. Ҳамма мустамлака ва ярим мустамлакалар	97,8	72,0	1235	69,4	1,0	0,7	15,1	0,3
4. 1919 йилдан кейин суверен давлатларга айланган собиқ мустамлака ва ярим мустамлака мамлакатлар социалистик давлатсиз	—	—	—	—	83,6	61,6	2603	52,1

<sup>1</sup> Аҳолининг 1987 йилдаги сони БМТнинг энг сўнгги маълумотлари асосида аниқланган.  
<sup>2</sup> АҚШ, Буюк Британия, ГФР (1919 йилда — Германия), Франция, Италия ва Япония.

## ЛУГАТ

**Апартеид** (алоҳида яшаш) — ЖАРнинг ҳукмрон доиралари африкалик туб ерли аҳоли, «рангилар» ва Осиёдан қўчиб борганларга нисбатан ўтказиб келаётган шафқатсиз ирқий камситиш ва зулм сиёсати; ЖАРда ҳукмрон бўлган Миллатчи партиянинг расмий доктринаси. Турли ирқий гуруҳларнинг вакиллари алоҳида-алоҳида яшашни назарда тутуди бу эса ирқий белгига қараб тенгсизликни абадийлаштиради. 1976 йилда апартеидга барҳам бериш ва уни жазолаш ҳақидаги халқаро конвенция қўчга кириб, унга 75 тадан ортиқ давлат қўшилди.

**Бюджет тақчиллиги** — давлат бюджети харажатларининг унинг даромадларидан ошиб кетиши.

**Валюта-молия кризиси** — капитализмнинг валюта-молия соҳасидаги зиддиятларнинг ифодаланиши бўлиб, у бу соҳанинг жаҳон капиталистик ҳўжалиги шароитларида мос келмаслигидан келиб чиқади. Капитализм экономикасининг барқарор эмаслигини ақс эттиради. Капиталистик дунёнинг учта куч маркази (АҚШ, Ғарбий Европа, Япония) ўртасидаги валюта зиддиятларининг кескинлашуви 70-йиллар бошидаги валюта-молия кризисига айланиб кетди. Бу кризиснинг асосий сабаблари экономиканинг харбийлаштирилиши, қуролланиш пойғаси, тўхтовсиз инфляция эди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин таркиб топган капитализм валюта-молия системасининг 1976 йилда ислох қилиниши империалистлар ўртасидаги кескинлашиб кетган зиддиятларни ҳал қила олмади. 80-йилларда ривожланаётган мамлакатларнинг жуда катта қарзлари ва Американинг доллар курсини ошириш сиёсати валюта беқарорлигининг асосий факторлари бўлди.

**Геноцид** — бирон-бир миллий, этник, ирқий ёки диний гуруҳни батамом ёхуд қисман йўқ қилиб ташлаш нияти билан амалга ошириладиган ҳаракатлар. Империализм шароитида геноцид давлат аппарати сиёсий мақсадларда имкониятга қарши катта қўламда, атайлаб амалга оширадиган жиноят характерида бўлади. Геноцид сиёсатини, масалан, Исроил ҳукумати Фаластин араб халқига нисбатан ошириб келмоқда.

**Давлат арбигражи** — бу ўринда қасаба союзлари билан соҳибкорлар ўртасидаги жанжалли масалаларнинг махсус вакил қилинган шахс ҳукумат вакили томонидан ҳал этилиши.

**Давлат терроризми** — империалистик давлатларнинг бошқа суверен давлатлардаги ижтимоий-сиёсий тузумини путурдан кетказиш учун терроризм усуллари ва услубларидан (харбий, сиёсий, иқтисодий ва маънавий-психологик таълик ўтказиш, шантаж ва қўрқитиш, давлатларнинг территориял бутунлиги ва суверенитетини бузиш) фойдаланиш билан боғлиқ бўлган сиёсати. Сиёсий мақсадларда ўлдириш, ўғирлаш, қўпоровчиликлар, саботаж, ниҳоят, «эълон қилинмаган урушлар» олиб бориш ва ниҳоят қуролли агрессия каби ҳаракатлар қилинмоқда. Давлатлар ўртасидаги муносабатларда терроризм сиёсати ва практикаси БМТ томонидан қатъиян қораланган (1984 йил).

**Давлат қарзи** — ҳукумат банк эгалари, хусусий шахслар ёки чет эллик кредиторлардан оладиган узилмаган заёмлар бўйича ва улар учун тўланмаган процентлар бўйича давлат қарзининг умумий суммаси.

**Девальвация** — пул бирлигининг олтин мазмунини расман қамайтириш ёки миллий валютанинг курсини олтин, қумуш, чет эл валютасига нисбатан пасайтириш.

**«Демографик портлаш»** («демография» сўзидан — аҳоли ва унинг ривожланиш қонуниятлари тўғрисидаги фан) — урушдан кейинги дастлабки йилларда жаҳондаги кўпгина мамлакатларда туғилишнинг анча ўсганлигини, шунингдек

ривожланаётган мамлакатлар сиёсий мустақилликини кўлга киритганларидан кейин улардаги аҳолининг ўзини суръатлари кескин жадаллашганини кўрсатувчи ҳодиса.

**Денонация** — давлатнинг ўзи тузган ҳақ каро шартномадан тегишли суратда расмийлаштирилган тартибда воз кечиши.

**Инсон ҳуқуқлари** - инсоннинг яшашига бўлган ҳуқуқини, иқтисодий, социал, маданий, гражданлик ва сиёсий ҳуқуқларнинг билдирувчи тушунчалар комплекси.

**Инфляция** — капитализм шароитида пулнинг қадрсизланиши бўлиб, товарлар ва хизматларнинг баҳоси умуман ва нотекис ошшида юзага чиқади. Инфляциянинг энг асосий сабаби — монополияларнинг нархларни ошириб юбориши; калиталистик давлатларнинг энг яввало қуролланиш пайғасига ва экономикани ҳарбийлаштиришга қиладиган жуда катта унумсиз харажатларидир.

**Иш ҳақининг ўзгарувчан шкаласи** - иш ҳақининг ўзгарувчан шкаласи принципи ишчиларнинг талаби асосида соҳибкорлар билан қасаба союзи ўртасидаги коллектив шартномага киритилади. Бу чора турмуш қийматининг расмий индекси ошшига боғлиқ ҳолда иш ҳақи ставкаларининг ўз-ўзидан ошиб боришини кўзда тутади.

**Капиталистик иқтисодий интеграция** - Капиталистик мамлакатлар хўжалик ҳаётини интернационаллаштириш шакли, миллий хўжаликларнинг чирмашиб кетиши ва келишилган давлатлараро иқтисодий сиёсатни ўтказиш жараёни.

**Консерватизм** - ижтимоий фикрнинг реакцион оқими ва сиёсий практика бўлиб, у эски, ўз умрини яшаб бўлган нарсаларни химоя қилади ҳамда барча янги, илғор нарсаларга душман. Ундан буржуазия меҳнатқилларининг ҳуқуқларига хужум қилиш учун ишчилар синфи ва бошқа прогрессив кучларга қарши курашда фойдаланади. Ташқи сиёсат соҳасида консерватизм антисовет ва антикоммунистик позицияларда туриб, жаҳон социализм системасига ва империалистик зўравонликка қарши чиқаётган мамлакатларга ҳарбий куч билан тазйик ўтказишга уриномда.

**Конфронтация** - қарама-қарши туриш, қарама-қарши қўйиш, юзма-юз тўқнаш келиши. Ҳозирги шароитда икки ижтимоий система — социалистик ва капиталистик мамлакатларни ўргасидаги кескинлик (сиёсий, ҳарбий соҳаларда) ҳолати бўлиб, у социалистик мамлакатларга қарши жаҳон империализми кучлари бошлаб юборган «совуқ уруш» натижасидир.

**Миллатчилик сиёсати** - бир миллатни бошқасидан афзал кўриш сиёсати ўз миллатини улуғлаш, миллатлараро душманликини авж олдириш.

**Мораторий** — мажбуриятларни бажаришни кечиктириш ёки бирон-бир ҳаракатлардан воз кечиш бўлиб, давлат ҳуқуқати уни ўз ташаббуси билан ёки халқаро келишув натижасида белгилайди. Маълум муддатга ёки алоҳида вазиятлар вақтида эълон қилинади. Умумий ёки қисман бўлиши мумкин.

**Озиқ-овқат муаммоси** - мунтазам тўйиб овқат емасликда ва оғирчиликда ифодаланиб, дунёнинг носоциалистик қисмидаги, кўпроқ ривожланаётган мамлакатлардаги, айниқса Африкадаги деярли 1 миллиард кишини қамраб олмақда. Бунга сабаб империализмнинг бу мамлакатларнинг социал ва иқтисодий структурасини бузганлиги бўлиб, бу ҳол кишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши таназзулга юз тутишига ҳамда ривожланган капиталистик давлатлардан озиқ-овқат келтиришга қарамлик ўсиб боришига олиб келди. Бу давлатлар озиқ-овқат келтиришдан ўз сиёсий максаллари йўлида фойдаланадилар.

**Пентагон** — АКШ мудофаа вакилининг кенг тарқалган номи (бу ном министрлигини Вашингтондаги беш қиррали биносидан олинган).

**Пролонгация** — халқаро шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш.

**Ратификация** - олий давлат ҳокимияти органларининг ахдлашаётган давлатларнинг вакиллари тузган халқаро шартнома ёки битимни тасдиқлаши.

**Сионизм** (Куддусдаги Сион тоғи номидан олинган) — яҳудий буржуазиясининг реакция шовинистик идеологияси ва сиёсати бўлиб, у Исроилнинг расмий идеологияси ва сиёсатига айланиб қолган. Сионизм — капиталистик дунёдаги яҳудий буржуазияси энг реакция доиралари ташкилотларининг системаси ҳамдир. Жаҳон сионистлар ташкилоти 50 дан ортиқ мамлакатда ўз филиалларига, Исроил ва АҚШда қароргоҳига эга. Халқаро сионизм жаҳон социализмига, халқаро коммунистик ва миллий озодлик ҳаракатларига қарши очик ва яширин уруш олиб бормоқда.

**Социалистик иқтисодий интеграция** — социалистик мамлакатлар хўжалик ҳаётини интернационаллаштириш шакли бўлиб, уларнинг ҳар бирининг хўжалигини сўчарали ривожлантиришнинг ғоят муҳим шарти сифатида кенгайиб бораётган тсиғ ҳуқуқли иқтисодий ҳамкорлигида ифодаланди.

**Трайбализм** — қабилаларо нифок бўлиб, қабилалар ўртасидаги душманликда намоён бўлади. Уни империалистлар ва маҳаллий реакция кучлар миллий озодлик ҳаракатини кучсизлантириб, унинг бирлигига зарар келтириш учун авж олдирадилар.

**Хом ашё муаммоси** — минерал хом ашё истеъмол қилиш билан уни ишлаб чиқариш ҳажми ўртасидаги оламшумул кўламдаги йирик номутаносиблик бўлиб, 70- йиллар бошида вужудга келди. Улар хом ашё билан таъминлаш базасини ривожлантиришнинг фан-техника революцияси шароитида экономика эҳтиёжларидан орқада қолиши, хом ашёдан фойдаланиш структурасининг бузилиши, хом ашё запаслари билан уни истеъмол қилиш кўлами ўртасидаги номутаносиблик туфайли келиб чиққан.

**Экстремизм** — асосан сиёсатда ўта кескин қарашлар ва чораларга тарафдорлик, Хусусан, АҚШ реакция доираларининг СССРдан ҳарбий-стратегик устуңликка эришишга интилишида ифодаланмоқда.

**Энергетика муаммоси** — Иккинчи жаҳон урушидан кейин ёқилғидан фойдаланиш структураси ва нархлар даражаси ўзгариши натижасида кўпгина давлатларнинг қазиб олинадиган ёқилғи билан таъминланиши ёмонлашуви муносабати билан келиб чиққан муаммо. Носоциалистик дунёда ушбу муаммонинг кескинлашуви 70- йилларда энергетика кризисини тусини олди. Нисбатан арзон нефть қазиб чиқариш даражасининг ўсиши ва экономиканинг энергияни кўп ишлатадиган тармоқлари жадал ривожланиши суяқ ёқилғининг табиий запаслари билан уни ишлатиш кўлами ўртасидаги мувофиқлик бузилишига олиб келди.

**Ядросиз зона** — ядро қуроли синовларидан, уни ишлаб чиқариш, жойлаштириш, сақлаш ва олиб ўтишдан холи бўлган территория, шунингдек бу территория доирасида ва унга қарши ядро қуралини ишлатиш истисно этилади. Ядросиз зона ни бутун-бутун регионлар ҳам, шунингдек айрим давлатлар ёки давлатларнинг бир қисми ҳам эълон қилиши мумкин.

**Янги халқаро иқтисодий тартиб** — ривожланаётган давлатларнинг халқаро иқтисодий муносабатларни адолатли ва тенг ҳуқуқли асосда қайта қуришга доир концепцияси. Асосий талаблари БМТ 1973—1974 йилларда маъқуллаган ҳужжатларда таърифланган. Ривожланаётган мамлакатлар программаси принципиал йўналиши дастлабки қадамларданок СССР ва бутун социалистик ҳамдўстлик томонидан қўллаб-қувватланди.

**Янги фашизм** — империалистик буржуазия энг агрессив кучларининг манфатларини ифода этувчи ўта реакция экстремистик сиёсий оқим. «Совуқ уруш» шароитида вужудга келган, идеологик ва ташкилий жиҳатдан 20—40- йиллар фашизми билан маҳкам боғланган. Янги фашист партиялари ва гуруҳлари таҳминан 60 та капиталистик мамлакатда иш олиб бормоқда.

**Ҳарбий кескинликни юмлатиш** — икки томонлама ва кўп томонлама асосда тенглик ва бир хил ҳавфсизлик принципига мувофиқ қуруланиш пойғасини чеклаш ва тўхтатиш, қурол-яроғларнинг мавжуд даражаларини пайсатириш, шунингдек давлатлар ўртасидаги муносабатларда куч ишлатишни ва куч ишлатиш билан таҳдид солишни истисно этиш бўйича таъсирчан чораларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёни.

## **СИНФДАН ТАШҚАРИ УҚИШ УЧУН АДАБИЕТ**

Книга для чтения по новейшей истории. 1945—1983: Пособие для старших классов. /Под ред. Н. Н. Яковлева. 2-е изд., дораб.— М., 1985.

### **Иккинчи жаҳон уруши**

Безыменский Л. Разгаданные загадки третьего рейха: Книга не только о прошлом. 1941—1945.— М., 1984.

Бережков В. М. Страницы дипломатической истории.— 4-е изд.— М., 1987. Документы стойкости и героизма /Под общ. ред. В. С. Рыкина.— М., 1986.

Колесникова М. В., Колесников М. С. Рихард Зорге.— 3-е изд.— М., 1980 (Жизнь замечательных людей).

Крамин Д. В орбите войны: Записки советского корреспондента за рубежом: 1939—1945 годы.— 2-е изд.— М., 1986.

Майский И. М. Воспоминания советского посла: Война. 1939—1943.— М., 1965.

Овчинников В. В. Горячий пепел: Хроника тайной гонки за обладание атомным оружием.— 2-е изд.— М., 1985.

Полевой Б. Н. В конце концов: Нюрнбергские дневники.— 2-е изд.— М., 1972.

Радю Ш. Под псевдонимом Дора: Воспоминания советского разведчика.— М., 1978.

Ржевская Е. Берлин, май 1945: Записки военного переводчика.— М., 1985.

Свобода Л. От Бузулука до Праги: Воспоминания.— 3-е изд.— М., 1984.

Фучик Ю. Репортаж с петлей на шее.— М., 1982.

Я жил в суровый век. Писатели Западной Европы о годах антифашистского сопротивления.— М., 1984.

Яковлев Н. Н. Пёрл-Харбор: 7 декабря 1941 г. Быль и небыль.— М., 1988.

### **Социалистик мамлакатлар**

Абрасимов П. А. 300 метров от Бранденбургских ворот.— М., 1983.

- Абызов В., Брэг Г. ГДР: Будни и праздники.— М., 1984.
- Бирюков И. Чехословакия: люди и годы.— М., 1986.
- Воронин А. С. Когда зацвел лотос.— М., 1987.
- Домогацких М. Южнее реки Бенхай: Политический роман.— М., 1984.
- Жуков Ю. А., Шедров И. М. Путешествие в страны Индокитая: Из записных книжек журналистов.— М., 1984.
- Журавский В. А. Прикосновение к радуге: Очерки, рассказы, были.— М., 1986.
- Калчев К. Сын рабочего класса Г. М. Димитров.— М., 1962 Жизнь замечательных людей.
- Кобелев Е. Хо-Ши Мин.— 2-е изд.— М., 1983 (Жизнь замечательных людей).
- Лаврецкий И. Р. Эрнесто Че Гевара.— М., 1973 (Жизнь замечательных людей).
- Лобода И. Г. Корейская мозаика.— М., 1985 (Рассказы о странах Востока).
- Майдар Д., Турчин П. М. Разноликая Монголия.— М., 1984.
- Нуньес Хименес А. В походе с Фиделем. 1959.— М., 1984.
- Паклин Н. А. Репортажи из Югославии.— М., 1980.
- Паниев Н. А. Болгария: годы и люди: Страницы из дневника советского журналиста (1961—1965, 1975—1981).— М., 1981.
- Рахманин О. Б. Из китайских блокнотов: О культуре, традициях, обычаях Китая.— М., 1984.
- Сабо М. Тихая война: Воспоминания.— М., 1987.

### Капиталистик мамлакатлар

- Большаков В. В. Многоликая безработица.— 2-е изд.— М., 1987.
- Вальраф Г. Нежелательные репортажи.— М., 1982.
- Верников В. Л. Горький апельсин: О социально-политических проблемах Испании.— М., 1986.
- Громько Ан., Кокошин А. Братья Кеннеди.— М., 1985.
- Комолова Н. П., Филатов Г. С. Пальмиро Тольятти: Очерк жизни и деятельности.— М., 1983.
- Контрашов С. Жизнь и смерть Мартина Лютера Кинга.— 2-е изд.— М., 1986.
- Красиков А. Испанский репортаж.— М., 1981.
- Малышев В. Пиния на ветру: Очерки о современной Италии.— М., 1987.
- Милитаризм: цифры и факты (Под общ. ред. Р. А. Фарамазяна).— 2-е изд.— М., 1985.
- Молчанов Н. Н. Генерал де Голль — 3-е изд.— М., 1988.



Овчинников В. Сакура и дуб: Впечатления и размышления о японцах и англичанах.— М., 1983.

Паниев Н. А. Рассвет после ночи: Политический роман-хроника.— М., 1985.

Пассеван Р. В первых рядах: Очерки о коммунистах Франции.— М., 1985.

Розенталь Э. Парадоксы протеста: Очерки о молодежи Запада.— М., 1985.

Седых В. Коммунары XX века: Марсель Кашен, Морис Торез, Жак Дюкло.— М., 1986.

Седых В. Франция в движении: Очерки разных лет.— М., 1986.

Симонов В. Британия без туманов.— М., 1985.

Стуруа М. Бурное десятилетие: Американский дневник. 1968—1978: Очерки и памфлеты.— М., 1981.

Стуруа М. Америка восьмидесятых: Пять лет и пять минут: Памфлеты.— М., 1986.

Суханов В. И. «Революция гвоздик» в Португалии: Страницы истории.— М., 1983.

Трухановский В. Г. Уинстон Черчилль.— М., 1982.

Федоров В. П. ФРГ: 80-е годы: Очерки общественных нравов.— 2-е изд.— М., 1988.

Цветов В. Пятнадцатый камень сада Рёандзи.— 2-е изд.— М., 1987.

### **Миллий озодлик кураши, Осиё ва Африканинг ривожланаётган мамлакатлари**

Агарышев А. Гамаль Абдель Насер.— 2-е изд.— М., 1979 (Жизнь замечательных людей).

Алексеев В. Грани алмаза: Повесть о Патрисе Эмери Лумумбе.— М., 1988.

Апартеид: Правда о расизме в Южной Африке.— М., 1975.

Глухов Ю. Выстрелы на параде.— М., 1983.

Горев А., Зимянин В. Неру.— 2-е изд.— М., 1988 (Жизнь замечательных людей).

Горев А. В. Роса на лотосе. Индира Ганди: мечты и свершения.— М., 1987.

Гусева Н. Р. Многоликая Индия.— 2-е изд.— М., 1980.

Игнатьев О. К. Амилкар Кабрал — сын Африки.— М., 1975.

Игнатьев О. Операция «Кобра-75».— М., 1978.

Корочанцев В. А. Африка под покровом обычая: Континент, расстающийся с прошлым.— М., 1978.

Рокотов С. М. Сионизм — орудие агрессивных империалистических кругов.— М., 1983.

Столицкий С. Л. Ливан: тревоги и надежды.— М., 1988.

Хазанов А. М. Агостиньо Нето.— М., 1985.

## **Латин Америкаси мамлакатлари**

Корвалан Л. Мы верим в победу: Воспоминания, размышления.— М., 1985.

Лаврецкий И. Р. Сальвадор Альенде.— 2-е изд.— М., 1975 (Жизнь замечательных людей).

Сергеев Ф. Чили: анатомия заговора.— М., 1986.

Фесуненко И. Америка против американцев.— М., 1985.

## **Халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати**

Жизнь, отданная борьбе: Очерки.— 2-е изд.— М., 1966.

Сильнее смерти: Очерки.— М., 1967.

Не помнящий К. Коммунисты.— 2-е изд.— М., 1970.

## **Халқаро муносабатлар. Халқларнинг тинчлик учун кураши**

Американцы едят Горбачеву.— М., 1988.

Большаков В. В., Григорьев Е. Е., Колесниченко Т. А. Женева: Как это было.— М., 1986.

Григорьев Е. Е., Колесниченко Т. А. Вашингтон, Москва. Что дальше?— М., 1988.

Жуков Ю. А., Мельников И. А. Где мир — там жизнь!— М., 1985.

## **Фан-техника тараққиёти. Маданиятнинг ривожланиши**

Анненков Ю. Л. Дерево жизни: Роман (О. П. Неруде).— М., 1978.

Батурин С. С. Драйзер.— М., 1975 (Жизнь замечательных людей).

Графика Пикассо: Альбом репродукций.— М., 1967.

Грибанов Б. Т. Хемингуэй.— М., 1971 (Жизнь замечательных людей).

Гуро И., Фоменко Л. Анри Барбюс.— М., 1962 (Жизнь замечательных людей).

Кукаркин А. В. Буржуазия массовая культура: Теории. Идеи. Разновидности. Образцы. Техника. Бизнес.— 2-е изд.— М., 1985.

Моисеев Н. Слово о научно-технической революции. 2-е изд.— М., 1985.

Мотылева Т. Л. Ромен Роллан.— М., 1969 (Жизнь замечательных людей).

Муратов Л. Г. Итальянский экран: Антивоенная и антифашистская тема.— Л., 1971.

Осват Л. С. Диего Ривера.— М., 1969 (Жизнь замечательных людей).

Прожогин Н. П. Встречи с Ренато Гуттузо.— М., 1982.

Пророкова С. А. Кэте Кольвиц.— М., 1967 (Жизнь замечательных людей).

Садуль Ж. Чарли Чаплин.— М., 1981 (Жизнь в искусстве).  
Семенов О. С. Давид Альфаро Сикейрос: Очерк жизни и творчества художника.— М., 1980.  
Хьюз Э. Бернанд Шоу.— 2-е изд.— М., 1968 (Жизнь замечательных людей).  
Шумахер Э. Жизнь Брехта.— М., 1988.

## М У Н Д А Р И Ж А

11 БЎЛИМ. ИККИНЧИ ЖАҲОН УРУШИ . . . . .	3
19-§. Иккинчи жаҳон уруши арафасидаги халқаро муносабатлар . . . . .	3
<b>3 - б о б . Иккинчи жаҳон уруши (1939—1945 йиллар) . . . . .</b>	<b>8</b>
20-§. Иккинчи жаҳон урушининг бошланиши . . . . .	8
21-§. Гитлерчилар Германиясининг Совет Иттифокига қарши агрессияси. Антифашист коалициянинг тузилиши . . . . .	15
22-§. Иккинчи жаҳон урушининг боришида туб бурилиш . . . . .	21
23—24-§. Фашист-милитаристик блокнинг тор-мор қилиниши . . . . .	27
<b>111 БЎЛИМ. ЖАҲОН СОЦИАЛИЗМ СИСТЕМАСИНING ТАШКИЛ ТОПИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ. КАПИТАЛИЗМ УМУМИЙ КРИЗИСИНING ЧУҚУРЛАШУВИ. ИМПЕРИАЛИЗМ МУСТАМЛАКА СИСТЕМАСИНING ЕМИРИЛИШИ ВА ҚУЛАШИ. ХАЛҚЛАРНИING ИМПЕРИАЛИЗМГА ҚАРШИ ТИНЧЛИК, МИЛЛИЙ МУСТАҚИЛЛИК, СОЦИАЛ ТАРАҚҚИЕТ, ДЕМОКРАТИЯ ВА СОЦИАЛИЗМ УЧУН КУРАШИ . . . . .</b>	<b>37</b>
<b>4 - б о б . Жаҳон социализм системасининг ташкил топиши ва ривожланиши.</b>	
Европанинг социалистик мамлакатлари . . . . .	37
25—26-§. Марказий ва Жануби-Шарқий Европа мамлакатларида 40-йиллардаги халқ-демократик ва социалистик ҳаракат . . . . .	37
27—28-§. Марказий ва Жануби-Шарқий Европа мамлакатларида социализм асосларини қуриш . . . . .	48
29-§. Марказий ва Жануби-Шарқий Европанинг социалистик мамлакатлари 60 — 80-йилларда . . . . .	61
30-§. Германия Демократик Республикаси . . . . .	68
Чехословакия Социалистик Республикаси . . . . .	71
31-§. Польша Халқ Республикаси . . . . .	75
Венгрия Республикаси . . . . .	79
32-§. Болгария Халқ Республикаси . . . . .	81
Руминия . . . . .	84
33-§. Югославия Социалистик Федератив Республикаси . . . . .	87
Албания Халқ Социалистик Республикаси . . . . .	90
Осиёдаги Социалистик мамлакатлар . . . . .	92
34-§. Хитой Халқ Республикаси . . . . .	94
35-§. Монголия Халқ Республикаси . . . . .	99
Корея Халқ-Демократик Республикаси . . . . .	101
36-§. Вьетнам Социалистик Республикаси . . . . .	105
Лаос Халқ-Демократик Республикаси . . . . .	110
37-§. Куба Республикаси . . . . .	111

38-§. Турли мамлакатлардаги социалистик революциялар ва социализм курилишининг умумий қонуниятлари ва хусусиятлари . . . . .	117
<b>5 - б о б . Капиталистик мамлакатлар 1945 йил — 1980-йиллар . . . . .</b>	<b>122</b>
39-§. Капитализм умумий кризисининг чуқурлашуви . . . . .	122
40—41-§. Америка Қўшма Штатлари . . . . .	127
<b>Европанинг капиталистик мамлакатлари . . . . .</b>	<b>139</b>
42-§. Буюк Британия . . . . .	139
43-§. Франция . . . . .	146
44-§. Германия Федератив Республикаси . . . . .	154
45-§. Италия . . . . .	161
46-§. Испания. Португалия. Греция . . . . .	167
47-§. Япония . . . . .	174
48-§. Ҳозирги замон капитализми зиддиятларининг кескинлашуви . . . . .	180
<b>6 - б о б . Осиё Африка халқларининг миллий озодлик кураши. Империализм мустамлакачилик системасининг емирилиши. Озодликка эришган давлатларнинг ривожланиши . . . . .</b>	<b>185</b>
49-§. Иккинчи жаҳон урушидан кейин мустамлака ва қарам мамлакатлар халқлари миллий озодлик ҳаракатининг юксалиши . . . . .	185
<b>Жануби - Шарқий ва Жанубий Осиё мамлакатлари . . . . .</b>	<b>188</b>
50-§. Индонезия . . . . .	189
Ҳиндистон . . . . .	191
<b>Ғарбий ва Жануби - Ғарбий Осиё, Шимолий ва Шимоли - Шарқий Африка мамлакатлари . . . . .</b>	<b>197</b>
51-§. Яқин Шарқ иккинчи жаҳон урушидан кейин. Миср Араб Республикаси . . . . .	197
52-§. Сурия Араб Республикаси. Яман Халқ - Демократик Республикаси. Ироқ Республикаси . . . . .	204
53-§. Жазоир Халқ - Демократик Республикаси. Эфиопия Халқ - Демократик Республикаси . . . . .	210
54-§. Афғонистон Республикаси . . . . .	216
55-§. Тропик ва Жанубий Африка мамлакатлари . . . . .	221
56-§. Озодликка эришган мамлакатлар тараққиётининг ҳозирги босқичи . . . . .	227
<b>7 - б о б . Латин Америкаси халқларининг антиимпериалистик кураши . . . . .</b>	<b>232</b>
57-§. 40—60-йилларда Латин Америкаси мамлакатларининг ривожланиши . . . . .	232
58-§. Латин Америкаси халқларининг 70—80-йиллардаги демократия ва социал тараққиёт учун кураши. Чили ва Никарагуадаги революциялар . . . . .	238
<b>8 - б о б . Халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати . . . . .</b>	<b>244</b>
59—60-§. Иккинчи жаҳон урушидан кейин халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг ривожланиши 1945—1980-йиллар . . . . .	244

<b>9 - б о б . Иккинчи жаҳон урушидан кейинги халқаро муносабатлар. Халқларнинг тинчлик учун ҳаракати . . . . .</b>	<b>257</b>
61-§. Урушдан кейинги дастлабки йилларда халқаро муносабатлар (1945—1949 йиллар) . . . . .	257
62-§. Тинчликсевар кучларнинг янги жаҳон уруши хавфига ва империалистик агрессия сиёсатига қарши қураши (1950—1970 йиллар) . . . . .	262
63-§. 70—80-йиллардаги халқаро муносабатлар . . . . .	269
<b>10-б о б . Энг янги даврда маданиятнинг ривожланиши . . . . .</b>	<b>278</b>
64-§. Энг янги даврда фан ва техника. Фан-техника революцияси . . . . .	278
65-§. Жаҳон маданиятида кучларнинг янгича жойлашиши . . . . .	285
66-§. Буржуа маданияти кризисининг чуқурлашуви . . . . .	289
67-§. Социалистик ва демократик маданият гуманизми . . . . .	293
68-§. Энг янги даврда ижтимоий ривожланишнинг асосий жиҳатлари . . . . .	298
Илова . . . . .	308
Луғат . . . . .	308
Дарсдан ташқари ўқиш учун адабиёт . . . . .	311

*На узбекском языке*

**Волк Степан Степанович, Кертман Лев Ефимович, Левин  
Генрих Рувимович, Манусевич Александр Яковлевич, Попова  
Евгения Ивановна, Стецкевич Станислав Михайлович,  
Фураев Виктор Константинович**

**НОВЕЙШАЯ ИСТОРИЯ (1939—1988)**

---

Учебник для 11 класса средней школы

Перевод соответствует русскому изданию  
«Просвещение» М., 1989.

*Ташкент «Ўқитувчи» 1990*

Таржимон *З. Нормухамедов*  
Редактор *Р. Мирхолиқов*  
Бадий редактор *А. Шаков*  
Техник редактор *Д. Габдрахманова*  
Корректор *Мирзаахмедова А*

ИБ № 4744

Набор и верстка выполнены с применением АСПТИ АККОРД, разработанной в УНИИПП, г. Львов

Теринга берилди 12.08.89. Босинга рухсат этилди 10.07.90. Формати 60×90/16. Офсет коғози. Литературная гарн. Кегли 10, 8 шпонсиз. Офсет босма усулида босилди. Шартли б. л. 20,0+0,25 форзац. Шартли кр.-отт. 20,69. Нашр. л. 21,0+0,3 форзац. Тиражи 380000. Буюртма 2240. Бахоси 60 т.

«Ўқитувчи» нашриёти. Тошкент, 129. Навоий кўчаси, 30. Шартнома 07-140-89.

Ўзбекистон ССР Матбуот давлат комитети «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмасининг. Бош қорхонаси. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. 1990.

Главное предприятие ТНПО «Матбуот» Государственного комитета УзССР по печати. Ташкент, ул. Навои, 30.

Э62

Энг янги тарих (1939—1988): Ўрта мактаб-нинг ўн биринчи синфи учун дарслик /С. С. Волк, Л. Е. Кертман, Г. Р. Левин ва бошқ.; В. Қ. Фураев таҳрири остида.— Т.: Ўқитувчи, 1990.— 320 б.

1. Волк С. С. ва бошқ.

Новейшая история (1939—1988): Учебник для 11 класса средней школы.

ББК 63.3(0)6я721